



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадiiй,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

11

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Абдусайд КҮЧИМОВ

(масъул секретарь)

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТҮЛА

УЙГУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Пьеса



Ҳамид ҒУЛОМ

БИР

МИЛЛИОН МОЖАРОСИ
Уч пардали драма

Ҳалол меҳнат, инсоний поклик учун курашда иши ва ичи қоралар еңгиладилар, жиноятчилар жазоларини тортадилар. Лекин биз ҳақиқатнинг ягона, тўғри йўлидан бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз!



Наср

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ
ХОНАДОН
Роман

Хотирингиз жам бўлсин, қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқаверади. Бугунги қалбакилик бир кунмас бир кун очилиб қолиб, бошга бало бўлишини билган яхши. Бугунги йўл қўйилган хатони эртага ҳаётнинг ўзи тузатишга сизни мажбур этади.



Шеъринят



Муҳаммад АЛИ
ИНҚИЛОБ
Достон

Шитоб борар Савр инқилоби
Қадим Афғон мамлақатида.
Шитоб борар Савр инқилоби
Эрка ташна диллар қатида
Ҳар ўқувчи таниган бир ҳарф
Душманларга тушган зарбдир, зарб!
Ҳар шуурга дўст бўлган билим
Ашрор учун ўлимдир, ўлим!

Юрак
илҳомлари
сенга,
инқилоб!

Миртемир

Сени улуғлайман

Сени улуғлайман, монолит партиям!
Ёруғ шу кунимиз, порлоқ эргамиз,
Тоғни кўтаролган пўлат елкамиз,
Сени улуғлайман,
Сочи оқарса ҳам йигит партиям!

Энг оғир жангларда ёвқур ва ўктам,
Кетда қолди кўп жар, кўп қалтис доvon.
Асрлик орзулар иродангда жам,
Сенинг ижодингдир шу улуғ замон.
Сенинг ҳар сўзингда баҳор муждаси,
Сени деган дилда қолурми гўмон?
Сенинг ижодингдир шу бахт ўлкаси,
Бу боғлар мангулик кўрмагай хазон!

Асрлар учдилар сўхта ва дилхун,
Сен машғала тутдинг олис йўлларга.
Чўккан тошдай ғойиб эди бахт бурун,
Бахт калигин бердинг қадоқ қўлларга.
Заҳматларинг беиз кетмади охир,
Сўзинг оғизларда қўшиқ ва шиор.
Ашаддий ёвлар ҳам тан берар ҳозир,
Боримиз мўл бўлди, йўғимиз-чи, бор...

Гўдаклар юзида гулларнинг ранги,
Қишда ғунча очар даштларда баҳор.
Бу бахтга қўнолмас ўтмишинг чанги,
Эрта, бўлғуси кун тагин беғубор.
Не-не мард қурбонлар эсда ҳали ҳам...
Чексиз Ватан — элнинг кўз қорачиғи,
Тенглар ўртасида тенг республикам —
Умр ифтихори — юрт ярашиғи!
Уфқим тонг нурида балқиганида,
Қийғос очилганда бўлиқ пахтазор,
Сойлар соҳилларга чалқиганида,
Дала — гўё қишда қирчиллама қор...
Бизга у байрамга хос кийим-кечак,
Тинчимиз бузганга кафанлик бўлур.
Бепоен юртимиз тўла гул-чечак,
Яна гулшан бўлур, чаманлик бўлур!
Икки улуғ дарё қирғоқларида
Саодатнинг сўлмас боғлари ёрқин.

Кенг ўлканинг яқин-узоқларида
Коммунизм тонги чоғлари ёрқин.
Сени улуғлайман, монолит партиям!
Ёруғ шу кунимиз, порлоқ эргамиз,
Тоғни кўтаролган пўлат елкамиз,
Сочи оқарса ҳам йигит партиям!
Алп сиймонгга талай қиёс изладим,
Пастда қолиб кетди не-не тик қоя,
Порлоқ даҳонгга ҳам бир мос изладим,
Не-не зукколар ҳам фақат бир соя!
Ақлинг қаршисида томчидир денгиз,
Эллар отасисан, эллар отаси...
Даҳонг океанлардан теран ва чексиз,
Коммуна асрининг сен алп дарғаси...
Сени улуғлайман!



Музаффар Аҳмедов

Октябрь

Байрам куйланар экан ҳаёт таронасида,
Йўнилган қаламимни қўлга олиб турибман.
Одамлар орасида, байрам баҳонасида
Мен ҳам қувончларимни шеърга солиб турибман.
Юртдошларим кўзида порлайди бахт шуғласи,
Шудир шоир учун ҳам энг эзгу матлаб, зотан.
Тўкилса юрагимдан саодат ашуласи,
Барига боис ўзинг, эй сен муқаддас Ватан!
Чунки қолиб қуёшдай кўз олдимда баркамол
Сен турибсан, қоматинг коинот қадар баланд.
Нечун ғурур солмасин юрагимга ушбу ҳол,
Миллионлар қатори мен ҳам сенга бир фарзанд.
Ҳар фарзандинг шодланса, фахрланса ярашгай,
Сенсан бугун чиройда Боғи Эрамга тимсол.
Бугун кучинг, қудратинг мўъжизалар яратгай,
Тақдиринг эркин, порлоқ, бахтинг бекам, безавол.
Бундай бахт-ку ўтмишда ҳаёлий эртақ эди,
Коммунанинг офтоби бошингга келди мангу.
«Ким эдиг-у ким бўлдик?» — шу ибора тагида
Жамулжамдир минг маъно: тарих, ғурур ва орзу.
Энг яхши сўзлар билан мен кўнглимни шод этиб,
Ғурур тўла овозда иқболингдан сўйлайман.
Лекин ўтган аждодлар руҳларини ёд этиб,
Бир зумгина мозийни — тарихингни ўйлайман.
Мен нени ҳам кўрибман шу ўтгиз ёшим билан,
Айтсин шу қадим Жайхун, шу асов, дали дарё.
Сенмасидинг асрлар ғам босган бошинг билан
Хўрликда яшаб келган шўрманглай ва бенаво.
Сенмасми, йўлларингга тушмай толе ёғдуси,
Кўзёшлардан лойланиб, қон билан қотган тўпроқ.
Сенмасми Фурқат, Аваз, Алишернинг қайғуси,
Сенмасми қирқ қизларнинг кўкрагидан чиққан оҳ.
Ҳаётга навбат кутиб бизлар ухлардик ҳали,
Боболар яшар эди ҳаётдан норози.

Ногаҳон шимол ёқдан шамол эсган маҳали
Қулоқларингга етди «Аврора»нинг овози.

Инқилоб ҳуёшидан бағрингга тўшалди нур,
Эрк топдинг, шараф топдинг, битди хўрлик ва заҳмат.
Бунинг учун энг аввал Октябрга ташаккур!
Бунинг учун энг аввал улуғ Ленинга раҳмат!

Бугун ғолиб қуёшдай кўз олдимда баркамол
Сен турибсан, қоматинг коинот қадар юксак.


Нечун ғурур солмасин юракларга ушбу ҳол,
Бу не бахтдир Ватанни шундай юксакда кўрсак.



Советлар Иттифоқи! Эй дўстликнинг гулбоғи!
Шон-довруғли зафаринг билмасин ҳеч ниҳоя!
Қўлларингда ҳилпираб Коммунизм байроғи,
Қалбингда яшаб турсин ленинча ўлмас ғоя!

Сен — тинчлик таянчисан, омонликсан муқаррар,
Ер юзи халқларига нажот йўлин очган — Сен!

Бир тўда манфур кимса «Уруш!» деб солганда жар,
«Тинчлик! Ҳаёт! Бахт!» дея умид нурун сочган — Сен!

Шу боис Октябрнинг ғолибона қадами
Тинчликсевар ҳар жоннинг энг эзгу тилагидир.
Не тонг Дўстлик, Озодлик, Инқилобнинг байрами
Жаҳон-жаҳон халқларнинг порлоқ келажагидир!





Ҳамид Ғулом



УЧ ПАРДАЛИ ДРАМА

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

- НАМОЗОВ Ниёз Намозович — райкомнинг биринчи секретари, 55 ёшда;
АЗАМАТОВА Ойниса — райкомнинг иккинчи секретари, 40 ёшда;
БЕРДИЕВ Салоҳ Бердиевич — райижроком раиси, 50 ёшда;
ДИЕРОВ Карим Каримович — қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи,
45 ёшда;
ЛУҚМОНОВ Тоғай Луқмонович — чўлдаги янги совхоз директори, 45 ёшда;
ДИЕРОВА Нафиса — Диёровнинг хотини, биринчи секретарь котибаси, 35
ёшда;
ЭСОНОВ Одил — Намозовнинг ёрдамчиси, 35 ёшда;
НАМОЗОВА Лобар — Намозовнинг хотини, Луқмоновнинг синглиси, 50 ёшда;
НАМОЗОВА Дилбар — Намозовнинг қизи, 23 ёшда;
ПАРДАЕВ Қўзивой — Намозовнинг шофёри, 40 ёшда;
ЛУҚМОН ота — Луқмонов билан Намозовнинг отаси, кекса мироб, 70 ёшда;
АЗИЗОВА Ҳанифа — Нафисанинг ўрнига вақтинча ишга олинган котиба,
30 ёшда;
Капитан САТТОРОВ — ГАИ инспектори, 40 ёшда.

БОҶЕА ЧЎЛ ЗОНАСИДАГИ
РАЙОНЛАРНИНГ БИРИДА БЎЛИБ УТАДИ.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биллур қандиллар осилган, кенг, ҳашаматли кабинет. Тўрда улкан ёзув столи, қизғиш чарм креслога чўкканча Намозов ўтирибди. Қора костюмининг чап кўкрагида депутатлик значоги порлаб турибди. Унг томонидаги бежирим курсига оқ, қора, қизил телефон аппаратлари қўйилган.

Намозов қўнғироқ тугмасини босади, қабулхонада жиринглаган товуш эшитилди-ю, кабинетга ҳеч ким крмайди. Ташвишланган Намозов ўрнидан туриб дераза ёнига келади, ташқарида ёғайтган қорни бир нафас томоша қилади. Шу пайт оқ телефон жиринглайди. У тез юриб келади-да, роз турганча трубкани кўтаради.

Трубкадан. Бугун — йигирманчи декабрь... Планингизга бир миллион ет-маяпти. Хабарингиз борми?

НАМОЗОВ. Бор... Бажарамиз.

Трубкадан. Қайси объектларни топширасиз?

НАМОЗОВ. Совхоз посёлкасини... Чўпонота каналини...

Трубкадан. Балки, топшираолмассиз. Пухта қилдингизми?

НАМОЗОВ. Албатта, топширамиз!

Трубкадан. Рапортингизни кутайликми?

НАМОЗОВ. Албатта... Бахтимизга саломат бўлинг! (Намозов телефон трубкасини қўйиб, қабулхона, қўнғироғи тугмасини босади.) Таажжуб... Нафиса бугун ҳам йўқ... (Ташвиши ортиб, қизил телефон трубкасини кўтаради.) Эсонов, киринг! (Бир неча дақиқадан кейин кабинетга ёрдамчиси Эсонов кўк папкани қўлтиқлаганча, тавозе билан кириб келади.)

ЭСОНОВ. Саломатмисиз, Ниёз Намозович? Кечадан бери келган расмий қорозлар... (Папкани ёзув столи устига қўяди.) Эшитаман, Ниёз Намозович!

НАМОЗОВ. Диёрова бугун ҳам кўринмайди?

ЭСОНОВ. Хабарим йўқ... Менга ҳеч нима демадилар...

НАМОЗОВ. Дарҳол уйига телефон қилинг! (Креслога оғир ўтириб, кўк папкани очади.) Шу ердан телефон қилинг!

ЭСОНОВ. Кечирасиз, Ниёз Намозович... Нафиса Диёрова эри Карим Каримович билан аразлашиб, уйдан кетиб қолган... У ҳозир микрорайонда бир ўзи яшайди, квартирасида телефон йўқ...

НАМОЗОВ. Телефонни бор. Яқинда ўрнатган... Номери: 4-20-20. (Оқ аппаратга ишора қилади.)

ЭСОНОВ. (Рақамларни тиради, анчагача қулоқ солиб туради.) Жавоб бермаяпти.

НАМОЗОВ. Нима қиламиз энди? Ҳозирча, бошқа бир котиба топиб туриш керак.

ЭСОНОВ. Котиба бор. Бир қиз иш сўраб келди. Шаҳарда, «Интурист»да биров вақт ишлаган, инглиз тилига ўқиган, машинкада ёзишга ҳам уста. Ҳозир кабинетимда турибди.

НАМОЗОВ. Чаққонгинами? Яъни, лаб-даҳани... демоқчиман.

ЭСОНОВ. Унда кирсинми?

НАМОЗОВ. Кирсин! Шахсан ўзим бир суҳбатлашиб кўрай-чи!.. Сиз бўлсангиз, дарҳол Диёровга телефон қилинг, ярим соатда етиб келсин. Ҳа, дарвоқе, гап орасида ундан хотинини ҳам суриштиринг, балки, Нафиса билан ярашиб олгандир. Хуллас, Нафисани топинг, биласиз-у, у бизга сув билан ҳаводек зарур. Янгисини... кўрамиз.

ЭСОНОВ. Хўп бўлади. (Жилмайганча чиқиб кетади.)

НАМОЗОВ (ўрнидан туриб, дераза ёнига келади ва «Интурист»да ишлаган қизни кутабошлайди).

Оппоқ дала,
Оппоқ-оппоқ қор...
Хаёлда лола,
Кўнгилда баҳор...

Эҳ, ёшлик, чақмоқдай бир чақнади-ю, ўтди-кетди! (Эшик очилиб, кулранг жинси шим, қип-қизил мохер кофта, баланд пошналар эгик кийган, елкасига гулдор сумка осган новчагина сулув қиз кириб келади.)

АЗИЗОВА. Мумкинми, ўртоқ Намозов? Мен Ҳанифа Азизоваман. НАМОЗОВ. Кириг! (Қизга бошдан-оёқ разм солади, қўл бериб кўришади.) Ниёз Намозович... Қани, ўтиринг! (Икковлари юзма-юз ўтирадилар.) Ҳужжатларингиз?

А З И З О В А (*сумкасини елкасидан олиб очади*). Мана, паспортим, меҳнат дафтарчам, партия билетим.

Н А М О З О В. И-я, ўзимизнинг районлик экансиз-ку?! Жуда соз!.. Шаҳардан уйга қайтибсиз-да? (*Хужжатни кўздан кечиради*.) Жойида... Турмушга чиққанмисиз? Ҳа-а... Ҳанифахон?..

А З И З О В А. Бу — узун ҳикоя. Эрим йўқ, ёлғизман.

Н А М О З О В. Кечиринг, бошқа савол бериб кўнгилингизни огритмайман. Сиз ҳозир кадрлар бўлимига бориб, ариза ёзинг, анкета тўлдириш, хуллас, хужжатларингизни расмийлаштириш. Айтгандай, қаерда турибсиз?

А З И З О В А. Бир дугонамникида.

Н А М О З О В. Квартира берамиз. Ишни дарҳол бошлашингиз мумкинми?

А З И З О В А. Албатта.

Н А М О З О В А (*ўрнидан туриб, Ҳанифанинг қўлларини қўлларига олади, беозоргина силайди*). Мен билан бирга ишлашнинг нақадар масъулиятли эканини тушунсангиз керак?..

А З И З О В А. Ҳа, албатта. Эплайолармиканман?

Н А М О З О В. Эплайсиз... менга суянсангиз!

А З И З О В А. Ҳаракат қиламан. (*Чиқиб кетади*.)

Н А М О З О В. О, фаришта!.. Ўзи ҳам тонг паллада туғилган бўлса керак, тиниқ, оппоқ дўндиқча!.. (*Намозов креслога ўтириб, ёзилиб керишади, кўзларини юмганча шириң хаёлларга берилади. Эсонов киради*.)

Э С О Н О В. Диёровни топдим, ҳозир етиб келади. Нафисани сўрагандим, «билмайман», деди. Хотини билан расмий равишда ажралишмоқчи бўлиб ариза берганини эшитувдим...

Н А М О З О В. Қачон? Қандай қилиб?

Э С О Н О В. Болалари бўлмагани учун ЗАГС икки томоннинг аризасига биноан талоқни осонгина расмийлаштираркан. ЗАГС мудираси қўшним бўлади, ўша айтди...

Н А М О З О В. Ҳа, дарвоқе, бу томони бор. Хўш, Диёрованинг ўзи қаёққа йўқолди?

Э С О Н О В. Суриштирдим... Бундан уч кун аввал иш тугагач райкомдан чиққан-у, янги квартирасига бормаган. Қаерга кетгани номаълум...

Н А М О З О В (*ташвишланиб*). Одилжон, ука, сиздан илтимос, менинг машинамга мининг, микрорайонга боринг. Диёрованинг қўни-қўшниларидан суриштиринг, хуллас, ер тагидан бўлса ҳам уни топинг!

Э С О Н О В. Бажараман, Ниёз Намозович.

Н А М О З О В. Ҳалиги қиз... Азизова менга маъқул бўлди. Уни қабулхонага қўйиб кетинг.

Э С О Н О В. Хўп.

Н А М О З О В. Луқмоновга телефон қилинг, у ҳам ҳозир етиб келсин.

Э С О Н О В. Хўп бўлади. (*Чиқиб кетади*.)

Н А М О З О В. Нафиса... Нафиса... (*Қизил телефон аппарати ёнига келиб рақамларни теради*.) Тўрт... Йигирма... Йигирма... (*Бир неча дақиқа қулоқ солади*.) Жавоб йўқ... (*Қўнғироқ тугмасини босади*.)

А З И З О В А (*киради*). Эшитаман, Ниёз Намозович!

Н А М О З О В (*ҳайрон*). Ишингиз дарров битдими?

А З И З О В А. Ҳа. Хизмат, Ниёз Намозович?

Н А М О З О В. Диёров билан Луқмонов келишади. Аввал Диёров кирсин.

А З И З О В А. Маъқул, Ниёз Намозович.

Н А М О З О В. Райжроком раиси Салоҳ Бердиевич Бердиев чўлдаги қурилишларни кўришга кетган. Сиз у кишини танимайсиз, Ҳанифа...

А З И З О В А. Ҳанифа Зуфаровна...

Н А М О З О В. Ҳанифа Зуфаровна! Бердиев — Поль Робсонга ўхшаган боши катта, чўтир, барваста одам. Салоҳ Бердиевич ҳузуримга навбатсиз киради.

А З И З О В А. Тушундим, Ниёз Намозович. Менга руҳсатми?

Н А М О З О В. Яна бири кишини таниб олинг: Азаматова. Ойниса Азаматовна. Худди сизга ўхшаш, оёқлари узун, момақаймоқ жувон. Чингиз Аҳмаров чизган қизларга ўхшайди.

А З И З О В А. Тушундим. Азаматова — райкомнинг иккинчи секретари. Кабинетингизнинг рўпарасидаги эшикка Азаматованинг фамилияси ёзилган.

Н А М О З О В. Балли! Фақат... аҳтиёт бўлиб сўзлашинг, Азаматова сиркаси сув кўтармайдиган, жаҳли тез аёл. Қани, яқинроқ келинг!

А З И З О В А (*Намозовнинг қаттиқ тикилишидан кўзларини олиб қочади*). Эшитаман.

Н А М О З О В (*Ҳанифанинг қўлларини ушлаб, нозик бармоқларини си-*

лайди). Раҳбар билан унинг котибаси бир-бирларига яқин, ҳатто сирдош бўлишлари керак, Ҳанифахон. Е, шундай эмасми?

А З И З О В А. Албатта...

НАМОЗОВ. Ишдан кейин мен сизга машина бераман, матлубот жамиятининг базасига боринг. Кутиб туришади. Зарур кийимларни танлаб олинг. Албатта, маошингиз ҳисобидан аванс тариқасида... Бу кийимларингиз сайру саёхатга яхши, аммо идорага... Тушундингизми?

А З И З О В А. Тушундим. Танқид — келажакнинг меваси (кулади). Тагин нима қилай?

НАМОЗОВ. Узун тирноқларингиз жуда нафис, бироз кўзга ташланади... Пардоз ҳам эви билан бўлса...

А З И З О В А. Хўп, эртага мени тамом бошқача қиёфада кўрасиз. (Қўлларини базўр тортиб олади. Шошиб чиқиб кетади.)

НАМОЗОВ. Олов!.. Ёнади, куйдиради... (Креслога ўтириб, кафтларини ишқайди.) Бу қирғоқда ҳамма иш жойида... Аммо, у қирғоқда-чи?.. Нафиса қаёққа кетди экан-а? Кейинги кунларда авзойи бузукроқ кўринарди... Балки, эрининг ажралмоқчи бўлганига таъби тирриқдир. Балки, дилини ёзиб келиш учун ота-онасиникига кетгандир. Лекин, у ҳеч қачон менга айтмасдан бирор иш қилмасди. Таажжуб. Ҳа, чиндан ҳам таажжуб...

А З И З О В А (киради). Уртоқ Диёров келдилар.

НАМОЗОВ. Кирсин. (Қора телефон жириглайди.) Тўхтанг! (Трубкани олиб, кулоқ солади.) Ҳа, мен. Гапир! Йўқ, тушликка боролмайман. Гапиравер! Телефонда гапиролмайман, дейсанми? Епирай!.. (Трубкани кафти билан ёпади. Ҳанифага.) Маликаий дилозор... (Трубкага.) Ҳа? Қанақа хат? Кимдан? Ким олиб келди? Конвертда адреси бўлмаган хатни нега олдинг? «Ҳаёт-мамот масаласи». Ким айтди бу бемаъни гапни? У хатни сен лақмага бериб кетган ўша тулки ким? Сен уни шартга қўлидан ушлаб, милицияга қўнғироқ қилмадингми? Хўп, хабар қилмасан, нега конвертни очдинг? Ҳой, нима гап ўзи? Нега йиғляпсан?.. Лобар! Сенга айтяпман, Лобар! Ифвогар ёзган туҳматларга эътибор қилма! Упкангни бос!.. Ишдан кейин бораман... Аммо, хатни ҳеч кимга кўрсатмай тур! Уқдингми? «Райкомга бораман», дейсанми? Райкомда сенга нима бор?.. Ахир, умрингда келмагансан-ку, менинг идорамага?! Ҳой, нима гап ўзи: мени итоатимдаги одамлар олдида шарманда қилмоқчимисан?.. Йўқ, келма! Иш кўп, вақтим йўқ!.. (Трубкани қўяди.) Е, тавба! Бўхтон деган илон одамнинг оёғи тагида ўрмалаб юради. (Терлаган бўйнини дастрўмоли билан артади.) Диёровни чақиринг! (Азизова чиқиб кетади. Бир оздан кейин коржомада Диёров кирди.)

ДИЁРОВ. Салом, Ниёз Намозович.

НАМОЗОВ. Келинг, Карим Каримович. Шошинч топшириқ олдик. Планга бир миллион сўмлик қурилиш ишлари ҳажми етмаяпти.

ДИЁРОВ (истеҳзоли оҳангда). Бу — янгилик эмас. Ундан кўпини ҳам қўшиб ёзганмиз. Кемага тушганнинг жони бир. Ҳамма нарса ўртада...

НАМОЗОВ. Шахсий ишларимизни давлат вазифаларига аралаштирмайлик! «Уртада» эмиш!.. Ҳа, масъулият ўртада! Баравар жавоб берамиз!

ДИЁРОВ. Шахсий ишлар... Гап келганда отангни аяма, дейдилар... Айтинг, нега сиз хотинининг бошини айлантирдингиз? Нега унга олтин тоғларни ваъда қиляпсиз? Ҳамманинг оғзида дув-дув гап: «Намозов Диёровага ошиқи шайдо бўлибди, унинг учун кооператив квартира олибди, хоналарни ясатибди...» Афсуски, дамим ичимда... Шундай ишлар борки, мени сукут сақлашга мажбур этади. Боягина ёрдамчингиз Ёсонов телефон қилиб, Нафисанинг қаердалигини сўради. Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайман: девонадан ойбоши сўраган яхшимасми, бундан кўра?! Фақат шунга айтишим мумкинки, менга вафо қилмаган хотин сизга ҳам вафо қилмайди. Бинобарин, хўрланиш аёл кишини телбага айлантиради: нима иш қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолади. Мен фақат шундан қўрқаман. Эҳтиёт бўлинг, Ниёз Намозович! Энди, ҳасратни йиғиштирайлик, ишга ўтайлик. Менга нима хизмат бор?

НАМОЗОВ. Кўнглини анча бўшатиб олдингиз. Лекин, менга ҳам осон эмас. Нафиса... Унинг қаердалигини мен ҳам билмайман, ишонинг! Мана, уч кундан бери ишга ҳам чиқмай қўйди. У ҳеч қаерда йўқ... Тўғри, биз у билан бирга ишляпмиз, сирдошимиз... Хотинингиз сулува аёл, жозибаси зўр... Юрак тош бўлса ҳам эриб кетади бундай гўзалларни кўрганда. Нафиса...

ДИЁРОВ. Нафисани тинч қўяйлик! Пландан гапиринг! Планини тўлдириш учун шахсан мен нима қилишим керак?

НАМОЗОВ. 35-совхоз посёлкаси билан Чўпонота каналини топширингиз керак.

ДИЁРОВ. Тўғри, иккала объектдаги чала ишларни битириш учун бир

миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфлаш керак. Олти ой муддат ҳам...

НАМОЗОВ. Ишнинг бу томони сизга боғлиқ, Карим Каримович! Қурилиш — мураккаб соҳа. Сиз бу соҳанинг пири бўлиб кетгансиз. Қанча чала йўллар, уйлар, каналлар, устахоналар ва ҳоказо объектларни топширдигиз. Булар ҳаммаси кейин битиб кетди. Пилани ўйлаш керак, биродар!

ДИЁРОВ. Хўш?

НАМОЗОВ. Хўш, план бажарилса халқ таъминоти яхшиланади. Бошқармангиздаги минглаб кишилар мукофот оладилар, ташкилотингиз, илгорлар тақдирланадилар. Ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлади.

ДИЁРОВ. Бу гапларни аввал ҳам айтгансиз. Хўш, бажарилмаган бир миллион сўмлик ишни «бажарилди» деб қандай расмийлаштирамиз?

НАМОЗОВ. Аввал қандай расмийлаштирган бўлсангиз, ҳозир ҳам ўшандай расмийлаштирасиз. Сиз — подрядчи, бажардингиз: Луқмонов — заказчи, қабул қилиб олади. Фақат, кам-кўстани кейин тўғрилаш шарти билан...

ДИЁРОВ. Бизга осон, топширамиз-у, қутуламиз. Бироқ, сизнинг қайнингиз Луқмоновга қийин. Унинг одамлари — чўлқуварлар шамол гувиллаб ётган чала уйларда қандай яшаркинлар? Бир қисмигагина бетон ётқизилган каналдан сув қандай оқади?

НАМОЗОВ. Қолганини икковингиз биргаликда битказасизлар. Хўш, розимисиз?

ДИЁРОВ. Луқмонов розими?

ЛУҚМОНОВ (*кулиб кириб келади*). Биз доим рози! Салом, поччо! Салом, Каримжон! Ўзим ҳам йўлга чиқмоқчи бўлиб турувдим, Эсонов кўнғироқ қилиб қолди. Ҳа, намунча қовоқларингиз осилиб кетди? Осмон узилиб ерга тушгани йўқ. Бу — ҳар йилги савдо: биз қурилишларни чала қабул қилиб, кейин ўз кучимиз билан охирига етказишга ўрганиб қолганмиз. Хўш, бу йилги топшириқ қанақа, поччо?

НАМОЗОВ (*чехраси ёришиб*). Раҳмат, Тоғайбек, ҳар қачон оғиримизни енгил қилиб келгансиз. Миннатдорман. Бу галги вазифа — 35-совхоз посёлкаси ва Чўпонота канали қурилишини расмийлаштириш.

ЛУҚМОНОВ. Актларингиз тайёрни, Карим Каримович?

ДИЁРОВ. Зиммангизга олаётган масъулиятни биласизми, Тоғай Луқмонович?

ЛУҚМОНОВ. Ҳатто, катта шаҳарларда ҳам одамлар квартира олгач, аввал ремонт қилиб, кейин кўчиб кирадилар. Бу ерлар чўли малик. Чала ишлар беҳисоб. Бир кунда битказиб бўлмайдди, аста-секин ўнглаб оламиз. Фақат аҳиллик, дўстлик орадан кўтарилмасин. Давлатимизнинг даргоҳи кенг. Биз ҳам феълни кенг қилиб, дадил ишлайберишимиз керак.

НАМОЗОВ. Баракалла! Сиз ҳали жуда узоққа кетасиз, Тоғайбек! Азбаройи, шундай юксак баҳони қайним бўлганингиз учун эмас, улкан ишларда сафдошим бўлганингиз учун бермоқдаман. Сиз, Каримжон, жасоратни Тоғайбекдан ўрганинг! (*Икковининг ўргасида туриб, қулочини кенг керганча, елкаларидан кучади*.) Актни тезлатингиз, дўстлар, биз рапортни тайёрлаймиз! Шунақа қувончли дақиқаларда одамнинг кучига куч қўшилади, юракда ғайрат жўш уради. Ҳа, кадрдонларим, актни расмийлаштираберишлар, мен ўзим янги совхозга бориб, қурувчилар билан ишлашга тайёрман! Хайр, муваффақиятлар тилайман!

Диёров билан Луқмонов кабинетдан чиқиб кетади. Намозов мамнун бир аҳволда креслога ўтиради. Эшик аста очилиб, Луқмонов оёқ учида кириб келади. Намозовнинг бошига эгилиб, қулоғига шивирлайди:

ЛУҚМОНОВ. Поччо!.. Ҳов, поччов!..

НАМОЗОВ (*кўзларини эринибгина очиб, ширин ҳомуза торгади*). Лаббай, Тоғайбек?

ЛУҚМОНОВ. Маош билан мукофотни қандай тақсимлашни Диёровга айтдингизми?

НАМОЗОВ. Тахминан қанча бўлади?

ЛУҚМОНОВ. Бажарилди деб акт қилинган иш баҳосининг деярли учдан бири...

НАМОЗОВ. Демак, уч юз минг?

ЛУҚМОНОВ. Сал кўпроқ. Яна нақдгина бегона бўлиб кетмасин.

НАМОЗОВ. Диёров билан икковингиз дўппини олиб қўйиб, чўт қоқишларингиз керак.

ЛУҚМОНОВ. Маъқул. Фақат... комиссиялар, тафтишлар, халқ назорати...

НАМОЗОВ. Буёғини ўз зиммамга оламан.

ЛУҚМОНОВ. Раҳмат, поччо! Менга рухсатми?

НАМОЗОВ. Диёров хотини масаласида ҳамон алаамзада. Сал попугини пасайтириб қўйишнинг иложи бўлармикин?

ЛУҚМОНОВ. Иложи осон. Мен ҳозир уни «Гулшан» ресторанига таклиф қиламан, хосхонада мириқиб суҳбатлашамиз. Хайр, поччо!

Луқмонов чиқиб кетади. Намозов қўнғироқ тугмасини босади. Азизова киради.

НАМОЗОВ. Чой дамлашни биласизми, Ханифахон?

АЗИЗОВА. Албатта.

НАМОЗОВ. Чиройли қўлингиздан бир пиёла аччиқ кўк чой ичсам.

АЗИЗОВА. Ҳозир... Қабулхонада сизни бир аёл кутяпти.

НАМОЗОВ. Ким экан?

АЗИЗОВА. Кимлигини айтмаяпти. «Шахсий иш билан келганман» дейди.

НАМОЗОВ. Қабул қилолмайман. Бандман.

АЗИЗОВА. Шундай деб айтаман. *(Чиқиб кетади.)*

ЭСОНОВ. *(ҳовлиқиб киради.)* Кечирасиз, Ниёз Намозович, Диёрова ҳеч қаерда йўқ! Қўшниси — пенсионер кампир Маърифат хола уни ўздан ёшроқ бир жувон билан бирга кўрибди. Педбилим юрти ётоқхонасининг яқинида...

НАМОЗОВ. Таажжуб... Хўш, кейин нима қилдингиз?

ЭСОНОВ. Педбилим юртида ишлайдиган таниш-билишлардан суриштирдим. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Эҳтиёт шарт аэропортга бордим, аввал кун кечқурундан то бугун эрталабгача у ердан учган тўртта самолёт пассажирларининг рўйхатларини кўздан кечирдим. Диёрова рўйхатларда йўқ.

НАМОЗОВ. Кетаман деса, машина бор, поезд бор. Лекин нега кетиши керак? Районимизда маликалардай юравермайдими? Таажжуб... Ё, микрорайондаги янги квартирасида биронта кўнгилсиз ҳодиса юз бердимикан-а?.. Хўш, сизга ишонсам бўладими, Одилжон?

ЭСОНОВ. Садоқатимга заррача шубҳангиз борми?

НАМОЗОВ. Йўқ, албатта... *(Креслодан оғир туриб, бурчакдаги сейф ёнига боради, уни очади ва калит олади.)* Мана, Диёрова квартирасининг иккинчи калити... Дарҳол бориб, эшигини очиб киринг. Ҳар эҳтимолга қарши шифёрим Қўзивой билан бирга бўлинг. Тушундингизми?

ЭСОНОВ. Тушундим. Ҳа, айтгандай, қабулхонада келинойим кутиб ўтирибдилар.

НАМОЗОВ. А? Лобарми?! Азизова уни танимаган-да...

АЗИЗОВА *(патнисда чойнак-пиёлалар кўтариб киради.)* Мана, чой.

НАМОЗОВ. Қабулхонадаги аёл Намозова экан, айтинг кирсин.

АЗИЗОВА. Хўп. *(Чиқиб кетади.)*

НАМОЗОВ. Сиз, Одилжон, тез келинг. Қурилиш плани бажарилгани ҳақида юқори ташкилотларга рапорт юборамиз. Ҳа, мукофотга лойиқсиз, ука!

ЭСОНОВ. Ташаккур. Ҳеч қачон унутмайман. *(Чиқиб кетади.)*

НАМОЗОВА *(киради.)* Кабинетингизда ҳеч ким йўғ-у, котибангизга «бандман» дебсиз. Аввал мана бунини синчиклаб ўқиб чиқинг, кейин гаплашамиз. *(Креслога ўтиради.)*

НАМОЗОВ. *(хатни олади-ю, кўз ташлаб, қайтиб беради.)* Мен бунақа имзосиз хатларни ўқимайман!

НАМОЗОВА. Ўқийсиз! Кўп марта ўқигансиз ва бундай хатлар асосида одамларга чоралар ҳам кўргансиз. Ўқинг! Овозингизни чиқариб ўқинг!

НАМОЗОВ *(дарғазаб.)* Ҳой, сен нималар деясан! Сен ўзинг қаерда ўтирганингни биласанми?

НАМОЗОВА. Биламан! Мен коммунистман, райкомда ўтирибман. Майли, сиз ўқимасангиз мен ўқийман, сиз эшитмасангиз мана бу деворлар эшитсин. *(Уқийди.)*

«Муҳтарам Лобар опа!

Сизга бу хатни микрорайонда истиқомат қилиб турган бир тўда аёллар ёзишмиз. Хатга имзо қўймаганимиз сабабини тушунсангиз керак: эрингиз Намозов — районимизнинг раҳбари ва ўзини якка ҳоким деб билгувчи одам бўлгани учун унинг қаҳридан кўрқамиз.

Опажон, сиз болаларимизни ўқитиб, тарбиялаб келаётган моҳир педагогсиз. Биз ана шу маҳоратингизни эрингизга нисбатан ҳам ишлатишингизни истар эдик. Негаки, Намозов партия ходими деган номга аллақачон доғ тушириб бўлди. Унинг эгри ишлари ҳақида эл оғзида юрган гаплар сизга етиб бормаганига ишонмаймиз. Айниқса, Нафиса Диёровани эридан совутиб, ўзига ром қилишга уриниб юрганлиги, унга микрорайондан квартира олиб бериб, бу квартирани қимматбаҳо жиҳозлар билан безаганлиги, ўзи эса, шу ерга тез-тез катнаб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Микрорайондагилар Намозовни Нафиса квартираси тағида кўриб ранжийдилар, ғазабланадилар.

Биз, микрорайон аёллари, Нафисани ўртага олиб, унга роса дашном бердик. Балки, у эсини йиғиб олар. Аммо, шуни биламизки, кўп нарса эрингизга ва шахсан сизга боғлиқ. Намозовга айтинг, микрорайонимизга қатнашларига чек қўйсин, акс ҳолда, устидан юқори ташкилотларга шикоятнома ёзишга мажбурмиз.

Катталик ҳам эви билан, опажон!

Микрорайон аёллари.»

Хўш, Ниёз Намозович, сиз бу арзномага нима дейсиз?

НАМОЗОВ. Тухмат!.. Аёлларнинг гийбати!.. Диёрова эридан ажраб, квартира олган бўлса олгандир. Ахир, ишлайди, пул топади. Менинг машинам ўша томонга борган бўлса боргандир, шофёрим Қўзйовий микрорайонда туради. Қўй, арзимаган нарсага хафа бўлиб, тумшугингни осилтирма!.. Қани, хатни менга бер! (*Хатни олиб, майдалаб йиртгач, ахлат савагига ташлайди.*) Тамом-вассалом! Сен ўқимадинг, мен эшитмадим... Хўп, бошқа ишлар ҳаммаси жойидами?

НАМОЗОВ. Ўғлингиздан ташвишдаман. Тагида «Волга», чўнтагида пул, улфатлари — бойваччалар...

НАМОЗОВ. Фаёз ёш, аини ўйнайдиган даври. Ма! (*Чўнтагидан бир даста пул чиқариб узатади.*) Унга керак бўлса яна бер! Улфатлари олдида бўйини эгиб юрмасин.

НАМОЗОВА. Пул?.. Мен маош оламан, Ниёз Намозович, пулим бор. (*Ўрнидан туради.*) Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келяпсиз, эр!.. Бошқаларни-ку, лақиллатиб юрибсиз, энди мени, ўттиз йиллик хотинингизни ҳам лақиллатмоқчисиз? Мен сизни огоҳлантирдим, сўзларимни чуқурроқ ўйлаб кўринг! Кейинги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар!.. (*Зарда билан чиқиб кетади.*)

АЗИЗОВА (*киради*). Чўлдан Луқмон ота исмли мўйсафид келибдилар.

НАМОЗОВ. Ана холос!.. Чап кўзим учаётувди-я!.. Менинг муҳтарам кайнотам! Тиниб-тинчимас қария... Ҳа, майли, кирсин!

АЗИЗОВА. Хўп. (*Чиқиб кетади.*)

ЛУҚМОН ОТА (*киради*). Ассаломуалайкум, куёв! Қалай, халқимиз бахтига толмай-нетмай, эсон-омон юрибсизми? Чўлга бормай, биз чўлқуварларнинг ҳолидан хабар олмай қўйдингиз?

НАМОЗОВ (*креслода ўтирган ерида қўл узатиб, истар-истамас кўришади*). Келинг, бобой! Раҳбарлик ишини биласиз-ку, эрта-кеч тиним йўқ.

ЛУҚМОН ОТА (*Намозовнинг рўпарасига ўтириб, чакмонининг барларини йиғиштиради*). Ҳозир кираётсам Лобар чиқиб кетяпти, бўйнимдан қучоқлаб, ўпкасини туютолмай ҳўнграб йиғлайди, сўрасам индамайди... Хўш, куёв, ўзи нима гап?

НАМОЗОВ. Тинчлик, бобой, тинчлик... Эр-хотиннинг ишига эси кетган аралашади. Биласиз-ку!

ЛУҚМОН ОТА. Ҳа, биламиз... Билмай, телба бўлмизми, биламиз. Ҳар қалай, ёшларингиз бир ерга етиб, ўғил-қизнинг бўйи чўзилганда машмаша яхшимас. А, лаббай?

НАМОЗОВ. Бу гапларни қўйиб турайлик. Хўш, хизмат?

ЛУҚМОН ОТА. Бир одамнинг бошқа одам ҳақида ташвиш тортишидан ҳам каттароқ хизмат борми, дунёда? Агар одамлар бир-бирини ўз ҳолига ташлаб қўйса, бирининг иккинчиси учун жони куймаса хонадон, юрт тўзиб кетмайдими, куёв?

НАМОЗОВ. Сиз бу жумбоқли гапларингиз билан нима демоқчи бўляпсиз?

ЛУҚМОН ОТА. Мен шуни демоқчиманки, ўртоқ райком секретари, биз, оқсоқоллар, атрофимизда содир бўлаётган ишларни ақл тарозисида тортиб кўриб, ҳайратдан ёқамизни ушлаб қоляпмиз. Ахир, биз, оқсоқоллар, ёшлигимизда Совет ҳокимияти учун жонимизни тиккан, колхоз тузган, урушда фашистларни қийратган одамлармиз. Умр бўйи эрк, адолат, поклик, авлодлар бахти учун курашиб келдик. Хўш, сиз раҳбарлик қилаётган бизнинг райони-мизда ҳозир нималар бўляпти?

НАМОЗОВ (*даргазаб, ўрнидан туриб кетади*). Хўш, нималар бўляпти?

ЛУҚМОН ОТА. Сиз, куёв, фақат оилангизни эмас, давлатни ҳам алдаяпсиз!

НАМОЗОВ. Ана холос! Бобой дейман, жуда катта кетдингиз-ку?! Гапни осмондан олиб гапирманг-да!

ЛУҚМОН ОТА. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Қаерга борсам дув-дув гап: «Намозов босар-тусарини билмай қолди. Пахтага қўшиб ёзиляпти.

Гўшт, сабзавот ўрнига пул тўланыпти. Битмаган қурилишлар битди, деб акт қилиняпти. Раҳбаримизни пул қутуртириб, ахлоқига ҳам путур кетди...» Хўш, куёв, дафтарингизни варақлайберайми ёки шуниси етарлими?

НАМОЗОВ. Сўзингиз бўҳтон! Мени ёмон кўришингизга ажабланмайман, сабабки, қайногалар куёвларини ҳеч қачон яхши кўрмайдилар. Аммо, мўътабар идорада, қутлуғ даргоҳда менга туҳмат қилишингизга ортиқ бардош беролмайман. Кетинг бу ердан!

ЛУҚМОН ОТА. Хўп, кетаман. Азаматова билан Бердиев совхозга борганларида чала қурилишларнинг ҳаммасини кўрсатдик. Қанчадан-қанча бинокорлик материаллари талон-торож қилинганини айтдик. Биз махсус комиссия тузилишини, қурилишнинг барбод этилгани текширилишини, жиноятчилар жазога тортилишини талаб қилдик.

НАМОЗОВ (*қулоқларини беркилади*). Вас! Йғво жонга тегди! Кетинг!!!

ЛУҚМОН ОТА (*аста ўрнидан туриб, Намозовга тикилади*). Садкаи раҳбар кет! Сен жар ёқасида эканлигингни, тубсиз ўпқонга қулаётганингни билмаяпсан. Эҳ, куёв, куёв!.. (*Чиқиб кетади*.)

НАМОЗОВ (*креслога суюнганча бир неча дақиқа кўзларини юмиб, беҳол ўтиради. Кейин, қабулхона қўнғирогининг тугмасини қайта-қайта босади-да, ҳеч ким кирмагач, қўл соатиغا қарайди*). Соат икки. Танаффус...

Иккинчи парда

Қабулхона. Унгдаги эшикка «Н. Н. Намозов», чапдаги эшикка «О. А. Азаматова» деб ёзиб қўйилган. Азизова ёлғиз. Телефон жиринглайди.

АЗИЗОВА (*трубкани кўтариб, қулоқ солади*). Эшитаман. Уртоқ Намозов йўқ. Уртоқ Намозов қаёққа боришларини айтмаганлар. Ким, Диёров?! Билмайман, ўртоқ Диёров! (*У трубкани аппарат устига қўйиши билан телефон яна жиринглайди*). Эшитаман, Луқмонов, дейсизми? У киши йўқ. Кейинроқ қўнғироқ қилинг! (*Трубкани қўяди*.)

АЗАМАТОВА (*киради*). Салом.

АЗИЗОВА (*Азаматовани таниб, дарҳол ўрнидан туради*). Салом, Ойниса Азаматовна!

АЗАМАТОВА (*Азизовага тикилади*). Янги котибамиз бўлсангиз керак?.. Сизни қаердадир кўргандайман.

АЗИЗОВА. Сиз билан ҳамқишлоқ бўламиз. Мен Чўпонотадаги мактабнинг кекса педагоги Азиз отанинг кенжатоийман...

АЗАМАТОВА. Ҳа, эсладим. География ўқитувчимиз Азиз ота севимли устозимиз. Вақтнинг елдиримдай тез ўтишини қаранг-а! Сизни Тошкентда деб эшитардим?

АЗИЗОВА. Шундай, Ойниса Азаматовна. Тошкентда Чет тиллар институтининг инглиз бўлимини тамомладим. «Интурист» да таржимон бўлиб ишладим. Турмушга чиқдим, янглишдим...

АЗАМАТОВА. Эрингиз?..

АЗИЗОВА. У отасининг давлатида қутурди, саёқ юриб кетди...

АЗАМАТОВА. Афсуски, бу кулфат биргина сизнинг бошингизга тушгани йўқ... Бундай иллатлар анча кўпайиб кетди. Партиямиз ўз сафларини раҳбарлик лавозимларини эгаллаб олган нобоп кишилардан тозалаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коммунистик ахлоқ нормаларини қарор топтириш учун қатъий кураш бошлади... Ҳа, айтгандай, исмингиз?

АЗИЗОВА. Ҳанифа Азизова.

АЗАМАТОВА. Ҳанифа, қани юринг, кабинетга кирайлик, сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман.

АЗИЗОВА. Менинг ҳам сизга айтадиган гапларим бор.

Икковлари Азаматованинг кабинетига кириб кетадилар. Бироздан кейин қабулхонада Эсонов билан Пардаев пайдо бўлади.

ЭСОНОВ. Қўзвийой, гап битта-я? Яъни, бугун у ерда кўрганларингиз ҳақида хўжайиндан бошқа ҳеч кимга оғиз очмайсиз!

ПАРДАЕВ. Яна шу гапни такрорлайсиз-а! Нима қилай, қасам ичайми?

ЭСОНОВ. Кераги йўқ... Уйдагиларга ҳам оғзиндан гуллаб қўймаг!

ПАРДАЕВ. Хўп, дедим-ку! Хўп!!! Мана, уч йилдан бери ўртоқ Намозовнинг хизматидамиз, каммасмиз: ҳовли-жойли бўлдик, уйландик. «Жигули» олдик, рўзғоримиз бут, кийимимиз шай!..

ЭСОНОВ. Ҳа, ана шуларни ёдингизда тутинг! Нонкўрлик ёмон...

Бахтимизга Ниёз Намозович омон бўлсалар, яна кўп фаровонликлар кўрамиз!

П А Р Д А Е В. Бу дейман, Одил Эсонович, хўжайиннинг қизлари Дилбархон... роса етилибдими, а? Оқи оқ, қизили қизил, нақш олманинг ўзи-я! Энди тўйни тезлаштирасангиз ҳам бўларди.

Э С О Н О В. Насиб, Қўзивой, насиб... Қиз рози... Хўжайин тўйни тезлаштирмақчилар, Фақат, онаси... Ҳайронман, мен унинг арпасини хом ўрдимми, нечундир оёғини тираб турибди.

П А Р Д А Е В. Темирни қизигида бос, деганлар. Қолган ишга қор ёғади. Тўйни тезлатинг, биз, содиқ дўстларингиз бир хизмат қилайлик. Ҳа, Одил Эсонович, хўжайиннинг янги ҳовлисидаги гаражда оқ «Волга» занглаб қолмасин!..

Э С О Н О В. Тсс... (Азаматова кабинетининг эшигига ишора қилади.) Гўнғир-гўнғирни эшитяпсизми? Опа сахар-мардонда Бердиев билан бирга чўлга кетувди, қайтибди...

П А Р Д А Е В. (хушёр торгади). Бўлди, тушундим... Опа бало... Хўжайин нега уни ишга олдилар-а?

Э С О Н О В. Э, Қўзивой, сиз нимани биласиз? Азаматованинг бу ишга сайланиши хўжайиннинг тушига кирибдими? (Ташвиш ортиб.) Азизова қаёққа кетдийкин-а? (Намозовнинг эшигини қия очиб кўради.) Ниёз Намозович ҳам йўқ...

П А Р Д А Е В. Балки, ҳаммалари опанинг кабинетидадир? Ҳозир кўрамиз... (Азаматова кабинетининг эшигини очмоқчи бўлади, Эсонов унинг йўлини тўсади.)

Э С О Н О В. Ҳой, эсингизни едингизми? Опанинг жаҳлини биласиз-ку!

П А Р Д А Е В. Қойил-ей! Шу юрак билан хўжайинга ёрдамчи бўлиб юрибсизми?

Э С О Н О В. Балки, Ниёз Намозович биринчи қаватда овқатланаётгандирлар. Қўзивой, сиз бабар олинг, мен шу ерда кутиб тураман. Аммо, Диёрованинг квартирасида кўрганларингиз ҳақида хўжайинга оғиз очманг, мен ўзим батафсил сўзлаб бераман.

П А Р Д А Е В. Хўп! (Чиқиб кетади.)

Э С О Н О В (қабулхонада кафтини кафтига ишқаганча у ёқдан-бу ёққа тоқатсиз юради, ўйлайди). Ё, тавба! Ақлга сизмайдиған ишлар... Диёрова телба экан-ку!.. Ниёз Намозовичдай улуг одам нақд пулга кооператив квартира олиб берса, уни хорижий асил жиҳозлар билан жиҳозласа, казо-казо ходимларнинг тушига ҳам кирмаган анвойи либосларни жавонларга тердириб қўйса, яшик-яшик ноёб шарбатлару кази-қаргалар муҳайё қилинса!.. Э, сен ким бўпсан ўзинг, нозу фироқ ҳам эви билан-да!.. (Телефон жиринглайди. Эсонов трубкани кўтаради.) Лаббай! Ниёз Намозович, сизми? Эшитаман!.. Хўп, ҳозир Қўзивойни юбораман. (Трубкани қўяди. Қабулхонага кириб келган Қўзивойга.) Дарров хўжайинникига уч! Уйда эканлар.

П А Р Д А Е В. Хайрият! (Кетади.)

Э С О Н О В (галстугини тўғрилайди, сочини тарайди ва Азаматова кабинети эшигининг тирқишидан ичкарига қарайди. Шу пайт эшик очилиб, бошига урилади). Ох, единг!

А З И З О В А (кабинетдан чиқиб келади). Одил Эсонович? Бошингизга қаттиқ тегмадимми?

Э С О Н О В. Йўқ-йўқ... Салгина сийпаб қўйдингиз, холос.

А З И З О В А (ҳайрон). Эшик тагида нима қилаётгандингиз?

Э С О Н О В. Ўзим... Кирмоқчи бўлиб турувдим.

А З И З О В А. Марҳамат, киринг. Ойниса Азаматовна ёлғизлар.

Э С О Н О В. Раҳмат... илтифотингиз учун, кейинроқ қираман. Хўш, қалай, янги ишингиз маъқулми?

А З И З О В А. Сизга раҳмат, ёрдам бердингиз.

Э С О Н О В. Арзимаёди... Ҳа, дарвоқе, бир нарсани сўрамоқчи эдим. (Азизованинг юзига синовчан тикилади.) Чўпонота қишлоғидан эканингизни, вақтинча микрорайонда турганингизни айтувдингиз. Айтинг-чи, микрорайоннинг қаерида турибсиз?

А З И З О В А. Бир дугонамникида... Тўғрироғи, дугонамнинг ётоқхонасида...

Э С О Н О В. Уша ётоқхонанинг адресини билсак бўладими?

А З И З О В А. Адрес сизга нега керак бўлиб қолди? Ҳа, тушунарли... (Кулади.) Баъзи раҳбарлар котибаларини хилватда учрашиб туриш шарти билан ишга оладилар, деб эшитардим. Афсуски, мен сизни меҳмонга таклиф қила олмайман. Сабабки, менинг раҳбарим сиз эмас, Ниёз Намозович!

Э С О Н О В (иш жойига ўгаётган Азизованинг йўлини тўсади. Таҳдид оҳангида.) Адресингизни айтинг!

А З И З О В А. Адресим кадрлар бўлимидаги ҳужжатимда ёзилган, ўртоқ Эсонов! *(Азаматованинг кабинетидан қўнғироқ жиринглайди. Азизова блокнот билан ручкасини олганча тез кириб кетади.)*

Э С О Н О В. Тахминан тўғри... Бу жувонда бир гап бор. *(Пешона терини дастрўмоли билан артади.)* Уҳ, бўғилиб кетяпман. Ташқарида қор, ичимда олов. Одамларга тушунолмай қолдим... Атрофда бир бало бўляпти. Эй, дунёйи қўтир!.. *(Ички телефон аппаратини кўтариб, уч рақамли номерни теради.)* Кадрлар бўлимими? Шоҳистахон, бу сизми? Ишга янги қабул қилинган котибанинг уй адресини анкетасидан кўриб беринг! Ҳа, Ҳанифа Азизова... Демак, адреси, Чўпонота қишлоғи, Сойбўйи кўчаси, йигирманчи уй... Раҳмат, Шоҳистахон. *(Трубкани қўяди, деразадан йўлга қарайди.)* Ниёз Намозович келдилар!

Н А М О З О В *(йўчан аҳволда кириб келади).* Азизова қани?

Э С О Н О В. Ойниса Азаматованинг ҳузурда. Нимадир ёзишяпти... Чақирайми?

Н А М О З О В. Кейин... *(Деразадан ташқарига қарайди.)* Уч кундан бери босим қор ёғяпти. Соат энди беш, аммо чортараф қоп-қоронғи. Далада иш, чўлда қурилиш тўхтаб ётибди...

Э С О Н О В *(Намозовнинг яқинига келади).* Кайфингиз бузуқроқ кўринади, Ниёз Намозович?

Н А М О З О В. Раҳбарлик оғир иш, ука! Масъулият тошидан оғирроқ юк йўқ дунёда!

Э С О Н О В. Метин елкангиз бундан ҳам оғирроқ юкни кўтаришга қодир, Ниёз Намозович!

Н А М О З О В. Раҳмат, Одилжон! Сиз менинг суянган тоғимсиз! *(Эсоновнинг елкасидан кучади.)* Хўш, ҳалиги масала... нима бўлди? Қўзивойдан сўрамадим, унинг феълини биласиз: телбароқ... Диёрованинг квартирасида нима гап?

Э С О Н О В *(чўнтакидан калит чиқариб, Намозовга беради).* Тинчлик...

Н А М О З О В. Яъни? Ахир...

Э С О Н О В. Кабинетингизга кирайлик...

Н А М О З О В. Йўқ! Мен Азизовани кутяпман. У чиқсин, рапортни шу ерда ёзади.. Хўш, гапиринг!

Э С О Н О В. Диёрованинг квартирасига Қўзивой билан бирга бордик. Эшигини очиб кирдик.

Н А М О З О В. Хўш?

Э С О Н О В. Кечирасиз, Ниёз Намозович, сиздан нозик бир нарсани сўрашга мажбурман: Диёрова янги квартирада бирор кун яшаганми? Яъни, сиз... у ерда Диёровани ўз кўзингиз билан кўрганмисиз?

Н А М О З О В. Таажжуб... Нима, Диёрова у квартирада турмаган эканми?

Э С О Н О В. Жиҳозу палослар магазиндан қандай олиб борилган бўлса, шундайлигича турибди. Юборган сарполарингизга ҳам қўл урилмаган. Яшиқлардаги ҳўл мевалар чириган, гўшт-ёғларнинг ҳидидан нафас қайтади...

Н А М О З О В. Наҳотки, у янги квартирасида турмаган бўлса? Ахир, мен бир неча марта эшигигача кузатиб қўйганман. Фақат ҳар хил баҳоналар билан учрашувимизни орқага сурарди. Таажжуб...

Э С О Н О В. Демак, эрини ҳам, сизни лақиллатибди-да...

Н А М О З О В. Балки, шундайдир... Бироқ, у нега янги квартира калитини меңдан олган? Нега кейинчалик кўришишни ваъда қилган? Ниҳоят, ўз квартирасининг эшигигача борган аёл нега ичига кирмаган?.. Йўқ, бундай эмас. Қўзивой билан сиз янглишгансиз, Одилжон. Ахир, эрининг уйдан кетган Диёрова бошқа бир уйда ақалли тунаб юриши керак эди-ку?!

Д И Л Б А Р *(киради).* Салом, дадажон! Салом, Одил Эсонович!

Э С О Н О В. Салом... Ҳамон «Одил Эсонович» деб, расмий муомала қиласиз. «Одилжон ака», денг. Е, аҳд-паймонимизни унутдингизми?

Д И Л Б А Р. Едимда... Лекин, ҳар бир илтифотнинг мукофоти бўлиши керак. Дада, сизда ишим бор: «Россия» теплоходи яна бир ойдан кейин Одессадан Европа бўйлаб саёҳатга чиқаркан. Менга путёвка олиб берсангиз.

Н А М О З О В. Хўп, қизим, путёвка сумкамда деб ўйлайвер. Одилжон, сиз Дилбарнинг ҳужжатларини расмийлаштиришга ёрдамлашинг.

Э С О Н О В. Хўп... *(Дилбарга)* Европага... бизни ташлаб-а?

Д И Л Б А Р. Дада, яна бир гап: Нафиса Диёрова мен дарс бераётган педбилим юртининг қизлар ётоқхонасида ётиб юрганмиш.

Н А М О З О В. А?! Ким айтди буни сенга? Нега у уйи бўлатуриб, қизлар ётоқхонасида ётиб юради?

Д И Л Б А Р. У ерда шаҳарлик икки муаллима учун бир хона ажратилган. Диёрова ўша муаллималар билан таниш экан. Уни таниганлар ҳаммаси ҳайрон. Билим юртида дув-дув гап...

НАМОЗОВ. Одилжон!.. Сиз дарҳол менинг машинамга мининг, Дилбар, сен ҳам бирга бор, хуллас, Диёровани менинг ҳузуримга олиб келинглар! (Дилбарга) Қизим, сен Европага албатта борасан, Одилжон икковингиз бирга борасизлар. Тўй саёҳати бўлади бу!..

ЭСОНОВ. Раҳмат, Ниёз Намозович! (Кўзига ёш олган бўлади.) Умрбод содиқ шоғирдингизман!

ДИЛБАР (Эсоновга бурнини жийиради). Ҳо, ёқмай кетсин!

Иккови кетадилар. Азаматованинг кабинетидан Азизова қўлида блокнот билан чиқади.

НАМОЗОВ (Ханифага синчков тикилади). Нима ёздинглар? Қани, блокнотни менга беринг!

АЗИЗОВА. Кечирасиз, Ниёз Намозович, буни сизга беролмайман.

НАМОЗОВ. Нега?

АЗИЗОВА. Мен сизнинг хатларингизни ҳам бошқа ҳеч кимга, шу жумладан Ойниса Азаматовнага ҳам кўрсатишга ҳаққим йўқ.

НАМОЗОВ. Офарин! Одобингизга қойилман. Сизни ишга олиб янглишмабман. Менинг раҳбарлигимда ўсасиз, унасиз, ҳатто маъсул ишларга ҳам кўтариласиз.

ЛУҚМОНОВ (қўлида қоғозлар, ҳовлиқиб киради). Табриклайман, поччо... Кечирасиз, Ниёз Намозович... Мана, янги совхоз посёлкаси ва Чўпонота каналининг битказиб, топширилгани ҳақидаги актлар.

НАМОЗОВ (қоғозларни олади, кенг юзи кулгига тўлиб, завқланиб тикилади). Бу — Луқмоновнинг имзоси! Мени жуда хурсанд қилдингиз. Ташаккур!..

ЛУҚМОНОВ. Менга рухсатми?

НАМОЗОВ. Ҳа. Қурувчиларни менинг номимдан табрикланг. Янги йил арафасида катта йиғилиш ўтказамиз, байроқни ўзим топшираман, мукофотлар ҳам зўр бўлади. Аммо, битта шарт бор: йилнинг қолган кунларида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлайсизлар!

ЛУҚМОНОВ. Кўнглингиз тўқ бўлсин... (Чиқиб кетади.)

НАМОЗОВ. Ажойиб кадрларимиз бор!.. (Азизовага) Ханифахон, чироқларни ёқиб юборинг. Рапорт ёзамиз.

Азизова электр чироқларни ёқиб, ёзув машинкаси ёнига ўтиради.

НАМОЗОВ (телефон аппаратларидан бирининг трубкасини кўтаради, рақам тиради). Салоҳ Бердиевич, тезда етиб келинг! Рапорт тайёр, қўл қўямиз. Ҳа, ўша рапорт! Кутаман. (Трубкани қўяди.) Ёзинг!.. «Рапорт...»

Чироқ ўчиб, яна ёнади. Намозовнинг кабинетида уч киши: Намозов, Азаматова ва Бердиев ўтирибдилар. Ҳар бирининг қўлида ёзилаётган рапорт варақлари. Авзойиларидан, роса таллашиб-тортишганликларидан ўта толиққанликлари шундоққина кўриниб турибди.

НАМОЗОВ (Бердиевга). Демак, имзо чекмайсиз?

БЕРДИЕВ. Сиз имзо чеккан рапортга мен имзо чекишим шарт. Бироқ оқибати нима бўлишини ўйласам, аёзда қолган одамдай титроқ тутмоқда...

НАМОЗОВ (истеҳзоли кулади). Шоир бўлиб келинг-е! Бу дейман, Салоҳ Бердиевич, авлодингизда бахши-махши ўтмаганми?.. Бас, гап битта: рапортнинг учала нухасига ҳам имзо чекинг, юқори ташкилотларга зудлик билан юборайлик! Шуни унутмангки, рапортни, икковингизга ҳам маълум, мўътабар раҳбаримиз кутяптилар... У киши буюрдими, демак гап тамом. У киши ҳамма нарсдан хабардор. Дарё ирмоқлардан пайдо бўлгандай республика плани область, район хўжаликларининг ҳимматларига боғлиқ. Биз мана шу кичик рапортимиз билан катта галабага муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

АЗАМАТОВА (осойишта). Ниёз Намозович, бу баландпарвоз сўзларингизга ўзингиз ишонасизми?

НАМОЗОВ. Бу нима деганингиз, Ойниса Азаматовна?

АЗАМАТОВА. Бу деганим шуки, сиз, ўртоқ Намозов, ва сиз, ўртоқ Бердиев, икки йилдан бери қурилиш бўйича нотўғри рапорт бериб келяёсизлар. Бугунги рапорт — навбатдаги қалбаки ҳужжат. Районимизда битмаган йўллар, чала уйлар, ишга яроқсиз ирригация ва мелиорация шохобчалари тобора кўпайиб боряпти. Бултурги рапортда водопровод келтирилганини ёздингизлар. Қани ўша водопровод? Аҳоли ҳамон ариқдан сув ичиб келади... Район марказида, учта совхоз посёлкасида битказилган, яъни битказилгани рапортларингизда қайд этилган ҳаммомлар қани? Улар фақат қоғозда... Ун

битта богча-ясли бинолари қурилди, деб қоғоз учирдик. Қани у? Фақат биттаси, район марказидагиси меҳмонларга кўз-кўз қилиш учун пардоздан чиқарилди. Лекин, на сув бор, на иситади. Санайверсак саноғи йўқ чала қурилишларнинг!..

НАМОЗОВ (*сал бўшашади*). Сиз ҳадеб ташвишланманг, Ойниса Азаматовна. Биласиз-ку, қўшни районларда ҳам аҳвол шу... Ишни охиригача етказмаслик — қурувчиларга теккан эски касал. Сиз, Салоҳ Бердиевич, рапортга имзо чекинг. Кейин менда шундай таклиф бор: бу қувончли ҳужжатни дарҳол юбормайлик-да, район халқини сафарбар этиб, катта шанбалик ўтказайлик. Ана шунда чала ишлар ҳаммаси битиб кетади.

БЕРДИЕВ (*ручкани олиб, рапортга қўл қўймоқчи бўлади*). Майли, Ниёз Намозович, сазангиз ўлмасин...

АЗАМАТОВА. Тўхтанг, ўртоқ Бердиев! Мен шанбалик ўтказиш ҳақидаги таклифга қўшиламан. Лекин, шанбаликни шу кунларда, яъни янги йилгача қолган ўн кун ичида ташкил қилолмаймиз.

НАМОЗОВ. Нега?

АЗАМАТОВА. Биринчидан, ер қор тагида музлаб ётибди. Иккинчидан, қурилиш материаллари йўқ — улар аллақачон талон-торож қилиб юборилган.

НАМОЗОВ. Тегишли ташкилот раҳбарларига топшириқ берамиз, ҳамма нарса тахт бўлади.

АЗАМАТОВА. Ҳайбаракаллачилик қолмади-қолмади... Ахир, ўртоқ Намозов, бир неча кун ичида Россиядан ёғоч, Бекободдан арматура, Қувасойдан цемент келтириш қийин. Биз ўртоқ Бердиев билан Чўпонота канали ва янги, 35-совхоз посёлкаси қурилишларини кўздан кечирдик: камида олти ойлик иш бажарилмаган... Мен рапортга қўл қўйишни эмас, бошқа нарсани таклиф қиламан: аянчли аҳвол райком бюросининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинсин, қаллоблик билан иш тутган қурилиш раҳбарларига қаттиқ партиявий жазо берилсин. Бундан ташқари, ташкилотлардаги ишни тубдан яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш бўйича райком комиссиясини тузишни зарур деб ҳисоблайман.

НАМОЗОВ. Таклифларингизни ўйлаб кўрамиз, Ойниса Азаматовна. Сизга жавоб. (*Азаматова кабинетдан чиқиб кетади*.) Ол-а, ўзингдан чиққан балога қайга борасан давога, деганакан. Чаён-а, чаён!.. Сизга ҳам қийин, Салоҳ Бердиевич, икки ўт ўртасида қолдингиз. Икки йўл, икки хил иш услуби... Албатта, Азаматова ҳам ўзича ҳақ. Аммо, у таклиф қилган йўл билан узоққа бориб бўлмайди. Айтингчи, қачон, қайси соҳада планни ўз муддатида, холини холига қўйиб бажариш мумкин? Ҳеч қайси соҳада, ҳеч қачон бундай бўлмайди. Биз, масъул кишилар план бажарилмаса ҳам бир кунимизни кўриб кетаберамиз, аммо маошга муҳтож, мукофотдан умидвор минг-минг кишиларнинг аҳволи нима кечади?.. Масаланинг моҳияти бу ёқда, Салоҳ Бердиевич! Азаматова мана шу ҳақиқатни тушунмаяпти, дўстим!

БЕРДИЕВ (*иккиланиб*). Хўш, нима маслаҳат берасиз? Имзо чекайми?

НАМОЗОВ. Ихтиёрингиз...

БЕРДИЕВ. Азаматованинг авзойи бузуқ. Устимиздан шикоят ёзиши мумкин...

НАМОЗОВ. Кимга? Қайси ташкилотга? Ҳамма аризалар айланиб-айланиб ўз қўлимизга тушади. Азаматова ким-у, биз ким?! Тагин... ўзингиз биласиз.

БЕРДИЕВ. Шундоқ қилсак: мен рапортга имзо чекаман, ҳужжат юқорига кетаберади-ю, биз сиз таклиф қилган ишларни бажаришга киришамиз, яъни шанбаликка тайёргарликни бошлаб юборамиз. Винобарин, Азаматованинг сўзини ҳам ерда қолдирмаймиз. Райком билан райижроком комиссиясини тузиб, унинг зиммасига қурилишни тезлатиш учун шошилиш тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини юклаймиз. Майли, комиссияга Азаматова раис бўлсин.

НАМОЗОВ. Оббо сиз-ей! (*Урндан туриб, чапак чалади*.) Қувсиз, Салоҳ Бердиевич, уччига чиққан қувсиз! Офарин!.. Бўпти, имзо чекинг! (*Бердиев рапортнинг учала нухасига имзо чекади*.) Бир ўқ билан икки қушни урдигиз-а! Садоқатингиз учун ташаккур!.. Хўш, хоним қалайлар? Болалар омонми? Дарвоқе, қураётган уйингиз битай деб қолдимми?

БЕРДИЕВ. Ҳа, энди, аста-секин бўляпти.

НАМОЗОВ. Тезлатинг! Мен Луқмоновга айтаман, қарашворади. Аммо эҳтиёт бўлинг. Азаматова қурилиш материаллари талон-торож қилинди, деди-я...

БЕРДИЕВ. Миннатдорман, Ниёз Намозович. Энди менга жавобми?

НАМОЗОВ. Жавоб. Хонимни сўраб қўйинг.

Бердиев чиқиб кетади. Намозов кўнғироқ тугмасини босади. Азизова киради.

А З И З О В А. Эшитаман, ўртоқ Намозов!

Н А М О З О В. Эсонов келмадимми?

А З И З О В А. Йўқ. Иш вақти аллақачон тугади. Мен кетсам майлими?

Н А М О З О В. Озгина сабр қилинг, машинада бирга кетамиз.

А З И З О В А. Мени Ойниса Азаматовна бирга олиб кетмоқчилар.

Н А М О З О В. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Майли, сизга жавоб.

А З И З О В А. Хайр. *(Чиқиб кетади.)*

Н А М О З О В. Азаматова... *(Бирдан чехраси ёришади.)* Э, фаромуш қолибман-а, уни областга ишга сўрашаётгуду-ку! Ҳа, бошлаб «пастан юқори»га кўтарамиз. *(Телефонлардан бирининг трубкасини кўтариб, рақам теради, анча қулоқ солиб туради, жавоб бўлмагач, трубкани яна жойига қўяди.)* Улар аллақачон уйларига кетишган. Биз-да, кунни тунга, тунни кунга улаб ишлайдиган!..

Э С О Н О В *(киради)*. Мумкинми?

Н А М О З О В *(беҳад шод)*. Келинг, Одилжон, келинг! Мени табрикланг, ука, рапорт тайёр!

Э С О Н О В. Дилингизда қуёш чарақлаган дамларда бошим кўкларга етади...

Н А М О З О В *(рапорт солинган папкани Эсоновга беради.)* Тезда почта билан жўнатинг!

Э С О Н О В. Бажараман!

Н А М О З О В. Хўш, микрорайонда ишлар бешми?

Э С О Н О В. Бу саволингизга берадиган жавобимни эртагача кутишингизни сўрайман.

Н А М О З О В. Сабаб?

Э С О Н О В. Мен рапортларни жўнатгач, микрорайонга яна бораман. Азизовани кузатишм керак...

Н А М О З О В. Азизованинг Диёровага нима алоқаси бор?

Э С О Н О В. Ҳамма гап ана шунда...

Н А М О З О В. Хўш?

Э С О Н О В. Педбилим юрти ётоқхонасининг шаҳарлик икки муаллимага ажратилган хонасида яна икки аёл туришибди. Бири — Диёрова, иккинчиси...

Н А М О З О В. Наҳотки, Азизова?!

Э С О Н О В. Ўзингизни босинг, Ниёз Намозович, ҳаяжонланманг. Ҳозирча бу фақат тахмин... Менинг тахминим.

Н А М О З О В. Епирай, епирай! Ахир, Диёровани топдингизми?

Э С О Н О В. Диёрова даволаниш учун шаҳарга кетганмиш. Аммо, аслида ундай эмас. Муаллималардан бири Диёрова икки кеча тонггача хат ёзганини, унга бир ёш жувон кўмаклашганини, хат тайёр бўлгач эса, Диёрова шаҳарга жўнаб кетганини айтди. Мен ўша ёш жувоннинг белгиларини сўрадим. Муаллиманинг ҳикоясини эшитаётганимда кўз олдимда нечундир Азизованинг шакл-шамойили жонланди.

Н А М О З О В. Вас-вас бўлиб қолибсиз, Одилжон!..

Э С О Н О В. Кошқийди, тахминларим пуч бўлиб чиқса. Рухсат этинг, мен рапортларни жўната-ю, ётоқхонага учиб борай. Ишончим комилки, Азизова ўша ерда...

Н А М О З О В. Азизова Азаматова билан бирга кетди.

Э С О Н О В *(дарғазаб)*. Эҳтиёт бўлинг, Ниёз Намозович, бу аёлларда гап кўп. Биз сизнинг шон-шавкатингиз соясида ҳали узоқ йиллар даврон суриш умидидамиз... Эҳ, маккоралар, маккоралар!..

Н А М О З О В. Жаҳлингиздан тушинг, Одилжон. Ойниса Ширин бўлса, Ҳанифа — Лайло. Оз қолди Диёрова квартирасининг калитини Азизовага совға қилиб юборишимга!..

Э С О Н О В. Фалокат доим оёқ остидан чиқади. Хуллас, хушёр бўлинг, Ниёз Намозович, сиз фаришта деб юрганлар тагин жодугарлар бўлишмасин!..

Н А М О З О В *(узун жириинглаган қизил телефон трубкасини кўтаради)*. Эшитаман. ГАЙдан? Хўш?... Қаерда? Қачон? *(Юрагини чангаллаганча гандираклайди.)*

Э С О Н О В *(дарҳол яқин келиб, Намозовни суяйди.)* Нима гап? Трубкани менга беринг. Қани, сиз креслога аста ўтиринг!.. Эшитаман. Ким бу? Капитан Сатторов? Хўш, нима воқеа рўй берди? Қайси йўлда? Нечанчи километрда? Капитан, йўлни тўсинг, ҳодиса содир бўлган ерга ҳеч кимни йўлатманг! Шикастланган одам ким экан? Тирикми? Мен ҳозир етиб бораман. Ҳамма гапни ўша ерда гаплашамиз. *(Трубкани қўяди. Намозовга суг ичиради.)* Ўғлингиз Фаёз янги «Волга»сини маст қолда ҳайдаб кетаётганида бир чолни босибди. У капитан Сатторовнинг қўлида жон берибди.

НАМОЗОВ (инграйди). Ох... Энди нима қиламиз, Одилжон? Кўкрагим қаттиқ санчяпти...

ЭСОНОВ (хаб дори беради). Тилингизининг тагига қўйинг. (Уни газета билан елпийди.) Биласиз, Ниёз Намозович, бу жуда қалтис иш...

НАМОЗОВ. Чорасини топинг, Одилжон. Бу ишни тинчиттиш учун ҳеч нарсани аяманг. Бутун давлатим сизники... Тинчитинг! Фақат... мени ара-лаштирманг.

ЭСОНОВ. Чол ўлган. Демак...

НАМОЗОВ. Оғзига ароқ қуйинг... чол маст... Ўзини машинанинг тагига ташлаган... Қўзивой бирга бўлсин... У чолнинг мастлигига гувоҳ бўлади... Мана, сейфнинг қалити... Саторовга унвон ваъда қилинг!..

ЭСОНОВ. Тушундим... (Сейфни очади, бир пачка пул олади, қалитни чуқур чарм креслода беҳол ётган Намозовнинг чўнтагига солади-да, каби-нетдан тез чиқиб кетади.)

НАМОЗОВ (яна жириглай бошлаган қизил телефон аппаратида қўл чўзади, лекин қўли етмайди. Кучанади, инграйди). Ох-а, юрак...

Учинчи парда

Райкомнинг иккинчи секретари Азаматованинг кабинети. Эрталаб. Азизова кабинетни тартибга келтирмоқда. Азаматова киради.

АЗИЗОВА. Бердиев келган эди, қўнғироқ қилар экансиз.

АЗАМАТОВА. Хўп бўлади (чиқиб кетади).

САТТОРОВ (қўлида қоғоз билан киради). Салом, Ойниса Азаматовна.

Мана, рапорт.

АЗАМАТОВА (қоғозни капитаннинг қўлидан олиб, эгтибор билан кўздан кечиради). Демак, экспертизада Фаёз Намозовнинг мастлиги исбот қилинибди. У кеча кечқурун соат 22.45 да маст ҳолда «Волга»сини ҳайдаб келаётганида бир чолни босиб ўлдирган ва у бобоси Луқмон оқсоқолимиз эдилар... Афсус, Луқмон ота сув илмининг донишманди, муҳтарам мироб бўлган... Эҳ, И-я, рапортингизнинг бу томони гаройиб-ку!.. Демак... сиз дарҳол райкомга телефон қилиб, бу хабарни Намозовга етказгансиз. У фожиа содир бўлган жойга ўзи бормаи, Эсоновни юборган. Эсонов эса мурданинг оғзига шишадан ароқ қуяётганида Луқмон отани таниб қолиб, бирдақ додлаб юборган... Қўзивой-чи? У ўзини қандай тугтанини рапортингизда ёзмабсиз-ку?

САТТОРОВ. Қўзивой Пардаев Эсонов каби гувоҳ сифатида актга қўл қўйишга мажбур бўлди.

АЗАМАТОВА. Фаёз қамоқдами?

САТТОРОВ. Ҳа. Жиноий ишни прокуратурага топширдик, тергов бошланди.

АЗАМАТОВА. Ҳеч ким орага тушишга уришиб кўрмадими?

САТТОРОВ. Луқмонов азонда милиция бўлимига келиб, Фаёз билан кўриштиришни сўради.

АЗАМАТОВА. Хўп?

САТТОРОВ. Бошлиқ кўришишга рухсат бермади.

АЗАМАТОВА. Тўғри қилган. Намозовнинг хотини келмадими?

САТТОРОВ. У отасининг азаси билан банд.

АЗАМАТОВА. Тушунарли... Сизга жавоб.

САТТОРОВ. Хайр.

АЗАМАТОВА (туғмани босади, Азизова киради). Эсоновни чақиринг!

АЗИЗОВА. Хўп. (Чиқади.)

ЭСОНОВ (киради). Чақирибсиз?

АЗАМАТОВА. Қурилиш бўйича тайёрланган рапортларни қачон юбордингиз?

ЭСОНОВ. Эрталаб, соат еттида, биринчи самолёт билан.

АЗАМАТОВА (туғмани босади, Азизова киради). Телеграмма ёзинг. (Азизова ўтириб, блокнотини очади. Азаматова тик турганча айгиб туради.) Рапорт юборилган адресларга. «35-совхоз посёлкаси ва Чўпонота канали қурилиб битказилгани ҳақидаги Намозов ва Бердиев имзолари билан юборилган маълумотлар қалбаки бўлганлиги сабабли бекор қилинсин. Райком секретари Азаматова».

Дарҳол кўчиринг, имзо чекиб бераман.

АЗИЗОВА. Хўп. (Чиқади.)

Э С О Н О В. Ўртоқ Азаматова, ҳаддингиздан ошяпсиз, ҳозироқ касалхонага бориб, Ниёз Намозовичга хабар қиламан.

А З А М А Т О В А. Утиринг! Ҳеч қаёққа бормайсиз. Сиз ўтириб жон бераётган Луқмон отанинг оғзига нечук шишадан ароқ қуйишга уринганингиз ҳақида изоҳнома ёзасиз. Бу — бир. Сиз, Эсонов, Намозовнинг шахсий топшириғини бажариб, уй-жойли, оилали Диёрова номига гайриқонуний йўл билан кооператив квартира расмийлаштирдингиз, уни жиҳозладингиз. Шу билан коммунист деган номга доғ туширддингиз. Бу ҳақда ҳам райкомга изоҳнома ёзиб беришингиз шарт! Бу — икки. Саволлар борми?

Э С О Н О В. Ҳа. Бу топшириқлардан Ниёз Намозович хабардорми?

А З А М А Т О В А. Райком бюроси хабардор. Яна қандай савол?

Э С О Н О В. Бошқа савол йўқ. *(Кетади.)*

А З И З О В А *(киради)*. Намозова келди.

А З А М А Т О В А. Онасими, қизими?

А З И З О В А. Онаси.

А З А М А Т О В А. Кирсин.

А З И З О В А. Луқмонов билан Диёров ҳам кутишяпти.

А З А М А Т О В А. Уларни кейин таклиф қиласиз. Ҳозир Лобар опа кирсин.

А З И З О В А. Хўп. *(Чиқади.)*

Н А М О З О В А *(қора либосда киради, ҳўнграб йиғлайди)*. Кўргилик экан, Ойнисахон, шўрим қуриб қолди... Дадам ҳалок бўлди. Уғлим қамоқда. Ниёз Намозович касалхонада... Ёрдам қилинг, Ойнисахон!

А З А М А Т О В А. Луқмон ота ҳаммамизнинг отахонимиз, устозимиз эдилар. Бу фожиани эшитиб, дил-дилимдан хафа бўлдим. Луқмон отанинг ўлими — ҳаммамиз учун катта йўқотиш...

Н А М О З О В А. Жон, Ойнисахон, ўғлимни қамоқдан чиқариб беринг!

А З А М А Т О В А. Бу иш менинг қўлимдан келмайди. Жиноятчи райком секретарининг ўғлими — ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради.

Н А М О З О В А. Ахир, у бегонани эмас, ўз бувасини босиб ўлдирди. Мен, онаси, отамнинг хунини сўрамайман, ўғлимнинг гуноҳини кечаман.

А З А М А Т О В А. Сиз бу гапларни судда айтасиз.

Н А М О З О В А. Суд?! Наҳотки, Фаёзни суд қилишса?

А З А М А Т О В А. Ҳамманинг боласи ўзига ширин. Бунақа фарёд чекиб, куйиб-ёнишдан аввал, анча илгари ўғлингизнинг тарбияси ҳақида ўйлашингиз керак эди.

Н А М О З О В А. Демак, ёрдам бермайсиз... Ахир, бу фожиани эшитса Ниёз Намозович ҳам юраги ёрилиб ўлади.

А З А М А Т О В А. Намозов буни авария содир бўлган чоғдаёқ эшитган.

Н А М О З О В А. Бағрингиз тош экан, Азаматова!.. *(Жаҳл билан чиқиб кетади.)*

А З И З О В А *(киради)*. Телеграммалар тайёр.

А З А М А Т О В А *(Азизова берган телеграммаларни бирма-бир ўқийди, имзо чекади)*. Сиз буларни телеграфга олиб бориб топширинг, дарҳол жўна-тишсин.

А З И З О В А. Яхши. Диёрова ишга келдилар.

А З А М А Т О В А. Уни чақиринг. *(Азизова кетади. Диёрова киради.)* Келинг, Нафисахон. Қалай сафар яхши бўлди?

Д И Е Р О В А. Раҳмат. Сиз маслаҳат берганингиздай қилдим. Аризамни партия комиссиясига топширдим. Келиб қолишса керак.

А З А М А Т О В А. Яхши. Сизнинг шахсий ишингиздан ташқари яна бошқа, каттароқ ишқаллар ҳам очилди. Комиссия бизга ёрдам беради.

Д И Е Р О В А. Хайрият.

А З А М А Т О В А. Қабулхонада Диёров ўтирган бўлса керак, кўришингизми?

Д И Е Р О В А. Ҳа... Мени кўришга кўзи йўқ...

А З А М А Т О В А. Демак, у сизга ҳамон ишонмайди. Сал вақт ўтсин, ҳамма нарса изига тушади. Ҳақиқат унинг кўзини очади. Ҳозирча сабр қилишингиз керак, сабрнинг таги — мурод, дейдилар. Шундаймасми?

Д И Е Р О В А. Охири бахайр бўлсин.

А З А М А Т О В А. Диёров билан Луқмоновни менинг ҳузуримга таклиф қилинг.

Д И Е Р О В А. Яхши. *(Чиқади.)*

Д И Е Р О В *(киради)*. Нафисадан тўрт кун қаёққа йўқолганини сўрасам, чурқ этиб оғиз очмайди. Сиз уни бирор ёққа юбормаганингиз?

А З А М А Т О В А. Йўқ.

ЛУҚМОНОВ (*киради*). Дунёда нима ишлар бўляпти ўзи, Ойниса Азаматовна?

АЗАМАТОВА. Мен ҳам худди шу саволни сизларга бермоқчи бўлиб турувдим. Хўш, дунёда нима ишлар бўляпти? Сиз, ўртоқ Диёров, ва сиз, ўртоқ Луқмонов, нима ишлар қилиб юрибсизлар? Сизлар ахир, коммунистлар, раҳбарларсиз-ку?! Партия интизомига, давлат қонунларига итлоат этасизларми ёки мана бунақа (*актни кўрсатади*) қалбаки ақтлар тузиб, фирибгарлик билан шуғулланиб юрасизларми?

ЛУҚМОНОВ. Биз юқоридан берилган топшириқни бажардик.

АЗАМАТОВА. «Юқоридан?».. Ким сизларга «юқоридан» топшириқ берди?!

ДИЁРОВ. Биз Ниёз Намозовичнинг топшириғини бажардик.

АЗАМАТОВА. Намозов топшириқ берган... Агар у ҳозир шу ерда бўлса, топшириқ берганидан тонарди. Ҳа, у тонарди! Чунки, сизлар актда кўрсатган бир миллион сўмлик иш аслида бажарилмаган. Шундай эмасми, Карим Каримович? (*Диёров бошини тебратади.*) Тоғай Луқмонович, сиз — янги совхозимизнинг директори, актда қайд этилган қурилишларни қабул қилиб олганмисиз? Посёлка тайёрми? Канал-чи? (*Луқмонов бошини тебратади.*) Сизлар юқоридан кимдир берган топшириқни бажарганингиз йўқ, балки, Намозовга ёкиш учун, сохта шухрат орттириш ва ниҳоят, давлатнинг мўмайгина пулини ўртада арра қилиш учун мана шу сохта актни тузгансизлар. Гап шу: мен сизларнинг сохта актингиз асосида юқори ташкилотларга юборилган рапортни райком бюроси номидан бекор қилдим. Ҳозир ўз идораларингизга борингиз. Биз халқ контроли комитети вакилларини юборамиз. Улар қурилишлардаги аҳволни батафсил текшириб, райком бюросига ҳисобот тайёрлашади. Хўш, саволлар борми?

ДИЁРОВ. Модомики, рапортлар бекор қилинган экан, кўлингиздаги актни ҳам йиртиб ташлай қолсак, ҳар қалай, районимиз шаънига яхши эмас...

ЛУҚМОНОВ. Ниёз Намозовичнинг саломатликларини ҳам ўйлашимиз керак...

АЗАМАТОВА. Муросага ўрин йўқ. Сизларга жавоб.

ЛУҚМОНОВ. Охирги сўзим...

АЗАМАТОВА. Охирги сўзингизни бюро мажлисида айтасиз.

Диёров билан Луқмонов чиқиб кетишади. Азаматова актни, телеграмма нусхаларини сейфга солиб куфлайди.

ДИЁРОВА (*киради*). Ойниса Азаматовна, Диёров ишида хатога йўл қўйдими? (*Азаматова индамайди.*) Карим акамни ҳеч қачон бунақа аҳволда кўрмаганман. Гуноҳи оғирми? (*Азаматова индамайди.*) Эҳ, Намозов!.. У қўрқинчли одам. Карим акамни ўша жиноятга бошлаган... Опажон, айтинг, нима қилай?

АЗАМАТОВА. Сиз бугун ишдан кейин уйингизга борганингиз, эрингиз билан ҳар тўғрида очиқ сўзлашиб олганингиз маъқул. Умуман, эрхотин оғир кунларда бир-бирларини суяйдилар.

ДИЁРОВА. Тушундим. Раҳмат, опажон, сиз айтгандай қиламан. (*Чиқади.*)

БЕРДИЕВ (*важҳат билан кириб келади*). Мен сизни борсин, дедим, айтишмадимми?

АЗАМАТОВА. Айтишди... Салом, ўртоқ Бердиев!

БЕРДИЕВ. Салом... Юқори ташкилотларга юборилган рапортларни бекор қилибсиз?

АЗАМАТОВА. Бу хабарни сизга дарров ким етказди?

БЕРДИЕВ. Буни нима аҳамияти бор... Мени ҳайратга солаётган нарса бошқа... Сиз райкомнинг биринчи секретари ва ижроком раисига қарши иш қиялсиз. Бу... бу, ўртоқ Азаматова, фавқулодда бир ҳодиса. Биз ҳар доим ҳамжиҳат бўлиб ишлаб келганмиз...

АЗАМАТОВА. «Ҳамжиҳат» деган сўзингизни «тил бириктириб» деган ибора билан алмаштирсак тўғри бўларди, ўртоқ Бердиев. Мен сизлар билан иккинчи йил бирга ишлашман, холос. Утган йил, янги бўлганим учун, асосан район ҳаёти билан танишдим, иш ўргандим. Ута нопоклик, виждонсизлик қилинган. Жиддий хатолардан айниқса, учтаси кўзга яққол ташланиб турибди. Бири — саноатда ҳам, қурилишда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам қўшиб ёзиш; иккинчиси — ўқувчилардан дала ишларида йил бўйи муттасил фойдаланиш орқасида ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия ишларининг буткул издан чиққанлиги; учинчиси — баъзи раҳбарларнинг коммунистик интизом,



Расмни **Ҳожиакбар СОЛИҲОВ** чизган.

ахлоқ-одоб нормаларини унутиб, партия, давлат ва халқни очиқдан-очиқ алдаш йўлига кириб кетганлиги.

БЕРДИЕВ. Демак, биз — эгри, сиз — тўғри. Шундай демокчимсиз?

АЗАМАТОВА. Ўзингизни гўлликка солманг, ўртоқ Салоҳ Бердиевич. Мен сизнинг ноҳақлигингизни исботлаш учун иккита мисол келтираман, холос. Биринчиси — қурилишда бажарилмаган бир миллион сўмлик ишни бажарилди, деб кўрсатилган қалбаки рапортга имзо чекканингиз. Иккинчиси — давлат ҳисобига шахсан ўзингиз учун ўн олти хоналик кошона қурдирганингиз. Оилангизда хотинингиз билан бўйига етган иккита қизингиз бор. Қизларни яқинда узатиб юборасиз. Айтинг-чи, шундай улкан саройни нима кераги бор эди? Ундан кўра меҳнаткашларнинг болаларига ясли қуриб берсангиз бўлмасмиди, раис?!

БЕРДИЕВ. Ахир, орзу-ҳавас...

АЗАМАТОВА. Орзу-ҳавасингизни, тўғрироғи, нафсингизни давлат ҳисобига қондирмоқчи бўлдингизми?

БЕРДИЕВ. Мени ҳақорат қиляпсиз, Азаматова. Бажарилмаган планларни бажарилгани ҳақида рапорт бериб, қолган кам-кўстини кейин тўғрилаб юрган, оиласи учун катта-катта уйлар қуриб, роҳатда яшаётган раҳбар биргина мен эмас.

АЗАМАТОВА. Ҳамма бало ана шунда.

АЗИЗОВА (киради). Ойниса Азаматовна, шаҳарлараро телефон трубкасини кўтаринг!

АЗАМАТОВА (трубкани қулоғига тутди). Эшитаман.

Трубкадан овоз. Шошинич телеграммангизни олдик. Партия комиссиясининг масъул ходимлари эртага эрталаб биринчи рейс билан учиб боришади.

БЕРДИЕВ (креслодан бемажол аҳволда туради. Ранги докадай оқаради). Тушунарли... (Чиқиб кетади.)

АЗИЗОВА (киради). Эсоновнинг кабинетиде қиргин бўляпти. Диёрова унинг ёқасидан олиб: «Намовнинг югурдаги, қаллоб! Ғирром!» яна алланималар деб қарғаяпти. Хуллас, ур-йикит, тўполон...

А З А М А Т О В А. Бир пиёла аччиқ кўк чой ичай.

А З И З О В А. Ҳозир дамлайман. Оғир кун бўлди.

А З А М А Т О В А. Бундан ҳам оғирроқ кунлар ҳали олдинда. Кураш энди бошланыпти.

А З И З О В А. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. *(Чиқади.)*

Э С О Н О В *(киради. Юзи тилинган, ёқавайрон)*. Мана, иккала масала бўйича изоҳномаларим. Мана, ишдан бўшаш ҳақида аризам! Қутулдимми?

А З А М А Т О В А. Буларни бюрода кўрамиз.

Эсонов индамай чиқиб кетади. Намозов киради. Бу аввалги Намозовга ўхшамайди. Бир кечада сочи оппоқ оқарган, кўзлари киртайган, елкалари чўкиб, костюми шалвираб қолган. Унг қўлида ҳасса: оёқда базўр турибди.

НАМОЗОВ. Шу аҳволда келишга мажбур бўлдим... *(Креслога чўкиб ўтиради.)* Юқори ташкилотларга телеграммалар юбориб, рапортимизни бекор қилганингиздан ҳам, эртага комиссия келишидан ҳам хабарим бор. Ҳа, ажабланманг, телефонистка уларга аввал мени улаб берди. Уларни сиз билан улашни телефонисткага мен айтдим...

А З А М А Т О В А *(ёзув столи ёнида тик турганча)*. Бу тафсилотнинг кераги йўқ.

НАМОЗОВ. Нега рапортни ўзбошимчалик билан бекор қилдингиз? Мен ҳали ўлганим йўқ, биринчиман! Нега мен билан маслаҳат қилмадингиз?

А З А М А Т О В А. Кеча гап очганимда қулоқ солмадингиз.

НАМОЗОВ. Нега халқ контроли комитетининг комиссиясини Диёров билан Лукмоновнинг ишини текширишга юбордингиз?

А З А М А Т О В А. Материал тайёрлаб туради. Текширишни биргаликда ўтказганимиз маъқул.

НАМОЗОВ. Нега Эсоновни изоҳномалар ёзишга мажбур қилдингиз?

А З А М А Т О В А. Коммунист партия ташкилотининг олдида жавобгар. Бинобарин, «ҳар бир коллектив ва ҳар бир одам текширишдан ўтказилиши керак».

НАМОЗОВ. Виламан, бу сўзлар — партия қароридан... Хўш, айтинг-чи, менга, ўртоқ Азаматова, партия комиссияси текширганда қандай воқеалар юз беришини кўз олдингизга келтирасизми?

А З А М А Т О В А. Ҳа, албатта. Камчиликлар, нуқсонлар, ҳатто жиноятлар очилади. Эҳтимол, анчагина одамлар ишдан олинади, баъзи раҳбарлар жазоланади. Ҳеч қачон кураш қурбонсиз бўлган эмас. Ахир, сув ҳам лойқала-ниб тинади.

НАМОЗОВ. Доно бўлиб кетибсиз, Азаматова! Ўт билан ўйнашиш, хавфли, кишининг ёниб кетиши ҳеч гап эмас...

А З А М А Т О В А. Пўлат ўтда чиниқади, ўртоқ Намозов.

НАМОЗОВ. Хўш, Диёровага сиз жавоб берган эдингизми?

А З А М А Т О В А. Ҳа, у ариза ёзиб, ўз ҳисобидан бир ҳафтага жавоб олди. Тўртинчи кунийёқ ишга чиқди.

НАМОЗОВ. Нега мендан рухсат сўрамадингиз?

А З А М А Т О В А. Чунки сиз, ўзингизга маълум сабабларга кўра, унга жавоб бермас эдингиз.

НАМОЗОВ *(Азаматовага тикилади)*. Булбул деб қафасга солганим олақарга бўлиб чиқди. Афсус...

ДИЁРОВА *(ҳовлиқиб киради)*. Ойниса Азаматовна, қизил телефон трубкасини олинг! Фожеа...

А З А М А Т О В А *(трубкани кўтаради)*. Мен... Хўп, ҳозир етиб бораман. *(Трубкани қўяди. Намозовга.)* Бердиев ўзини отиб қўйибди.

НАМОЗОВ. А?! *(Ҳассага суялганча чайқала-чайқала ўрнидан базўр туради.)* Тирик эканми?


А З А М А Т О В А. Йўқ.

А З И З О В А. *(Чойнак-пиёлалар кўтариб киради. Пиёлаларга чой қуя бошлайди. Бироқ ҳассага суялганча гандираклайган Намозовни кўриб уни суяйди.)* Вой, ўлмасам!..

НАМОЗОВ. Ана сизга ўзбошимчалик оқибати!.. Ана сизга текширишнинг биринчи натижаси!.. Сиз... сиз., ёвуз аёлсиз!.. Сиз... сизни кўришга кўзим йўқ!

А З А М А Т О В А. Ҳалол меҳнат, онгли интизом, инсоний поклик йўлидаги мурасасиз курашда ичи ва иши қоралар енгилдилар, ожизлар, продасизлар забун бўладилар, жиноятчилар жазоларини тортадилар. Лекин, биз ҳақиқатнинг ягона, тўғри йўлидан бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз!..

П а р д а



Муҳаммад Али

ИНҚИЛОБ

ДОСТОН

Афгоннинг юрагида Инқилоб бўлди пайдо!
Қоронғи кунлар ўтди, офтоб бўлди пайдо!
Эмди не йўл тутғувси ақвом! Шарқ, дўстлар!
Равшан тортиб келмакда айёми Шарқ, дўстлар!


Муҳаммад Иқбол

1

Тун бостириб келади яна,
Зулумотга чўмар Маймана.
Қоп-қоронғи шаҳар бамисол —
Паранжига бурканган аёл,
Кўз яқинни дуруст илғамас,
Гузарлардан эшитилмас сас...

Овлоқроқда, шаҳар четида,
Шундоқ қамоқхона кетида
Гузар бордир — Тукайлихона:
Уша ёққа борар пинҳона
Тўртта отлик.
Оғизга бари
Толқон солиб олган сингари
Жим боришар.
Улар ўзи ким?
Меҳмонлардир кеч қолган балким?
Олис Андхўй томонга тунда
Йўл ундирай дея салқинда
Отланишган сайёҳдир улар?
Ё дунёнинг ташвиш, ғамида,

Ақвом — қавмлар, халқлар.



Дайри дуннинг тийра шоида
Шўрлик дили сиёҳдир улар?

Бироқ нечун юзда бурқъа лар?
Отлар эса бир хил йўрғалар...

ХУНКОР

Ғулом Ахтар! Келдикми, йўқми?!
(Бу, шунчаки сўровми, дўқми —
Ғулом Ахтар этолмади фарқ,
Кўз олгандай ногаҳоний барқ
Каловланди сардорнинг дами.)
Мирзо Қудрат кулбасини ё
Ер ютдимми, астағфириллоҳ?
Кеп қолдикми? Ё йироқдами?..

Мирзо Қудрат азал оқ кўнгил,
Саркотиби эҳсоя² эди.
Комил инсон сифатида ул
Бамисли қурч бир қоя эди.
Сўнгги йиллар тақовут³ қилиб,
Қолган умрин ғанимат билиб
Уйда яшар. Фарзанди Асқар —
Кобул ёқда шавкатли асқар...
Зарғунаси жуда ҳурфикр,
«Ситора»да муаллимадир...

ҒУЛОМ АХТАР

Мирзо Қудрат дарвозаси шул...

Ғулом Ахтар — паҳлавон, норғул,
Йигирма беш баҳорни кўрган,
Юрагида севги ниш урган,
Ниш ургану ёзгандир япроқ,
Япроқлари — оҳ, нола, фироқ...
Сабабкори — шу дарвозада
Яшаш мағрур, эркин, озода...

Ғулом Ахтар бирма-бир эслар:
Беғам кечган болалик кезлар,
Кўчаларда югурган дуркун —
Уту олов қизчанинг бугун
Сарвқомат бир қиз бўлганин,
Агар ўтса гузардан сулув,
Йўллари хуш бўйга тўлганин,
Ошиқ дилга тўлганин ғулув...
Саккиз йилки, лицейда ҳамсаф
Таҳсил олди ва лекин, ажаб,
Қизнинг унга кўнгли борми, йўқ,
Кўнглидаги кулми, ўчган чўғ...
Ғулом Ахтар билолмади, эҳ,
Эҳ, севмаса...
Улган беҳроқ, беҳ...

Сўнг Зарғуна Кобулга кетди,
Унда таҳсил ихтиёр этди.
Йигит олди Пешоварга йўл,
Ашрорларга⁴ билмай берди қўл...
Уни Хункор йўлдан оздирди,

¹ Бурқъа — ниқоб.

² Саркотиби эҳсоя — ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланувчи.

³ Тақовут қилиб — пенсияга чиқиб, маъносида.

⁴ Ашрор — аксиланқилобчи унсурларни шундай дейишади.

Йигит учун бир чоҳ қаздирди:
«Бизга қўшил, бизга йигит бўл,
Инқилобга қарши бизнинг йўл.
Бизни десанг, бизга бўлсанг эш,
Юражаксан пўрим, ишинг беш,
Ҳамёнингда ўйнамас шамол...
Аммо қилма ўзгача хаёл:
Бўйин товлаб, панд берсанг, инон,
Уруғингга солгаймиз қирон!..»
Йигит кўрқди, кўрққанга қийин...
Покистонга йўл солди кейин.

Пешовардан қайтди сабоқли,
Ашрор сифат, душман сиёқли.
Цорандуйда¹ паркмишр² ҳисоб,
Қилар иши — зидди инқилоб...

Тарақларди дарвоза ҳамон!
Ғулом Ахтар оҳ, дейди пинҳон!
Ўз дилдорин уйига, ё раб,
Душман бошлаб келса... Қандоқ гап?..

ХУНКОР

Шунда яшар муаллима қиз,
Ниятидан қайтсин, айтингиз.
Тўғри юрсин, элни бузмасин,
Ҳамиятнинг ипин узмасин.
Мирзо Қудрат бўлсинки огоҳ,
Йиғиб олсин фаромуш эсин,
Ақл ила ташласин нигоҳ,
Тезда кофир қизини тийсин.
Шундоқ демиш устод Раббоний,
Пешовардан келмиш фармони.

МИРЗО ҚУДРАТ

Бир бандага шунчами озор?
Не истайсиз, сизга не даркор?
Билим олса кофир бўлурми?
Нур инсонни ё кўр қилурми?..

ХУНКОР

Гапни чўзма лаънати, ғаддор.
Ҳам қизингни, ҳам сени такрор.
Қийнамаймиз... Эс-хушли эсанг,
Қизим, ўзим тинч бўлай, десанг,
Пулдан опчиқ! Тез ҳаракат қил,
Йигирма минг афғоний³ бергил!

МИРЗО ҚУДРАТ

Порами бу?

ХУНКОР

Э... холисона
Ҳақ йўлида қилгунг иона.

2

Афғонларнинг одат, расм-русми,
Шариатнинг азалий ҳукми

¹ Цорандуй — ҳалқ милицияси

² Паркмишр — кичик сержант.

³ Пул бирлиги. Юз афғоний бир сўм олтмиш етти тийинга тенгдир.

Ўғил исмин ота қўйсин, дер,
Қиз исмини она қўйсин, дер.
Мирзо Қудрат армонли, зорли,
Ихтиёрсиз кўнгли озорли...
Тўрт фарзанди турмади, ахир!
Тош бўлса ҳам увалгай бағир!
Туғилганда бешинчи қизи
Исмани ҳам танлади ўзи:
Яшилликнинг тансиқ каломи,
Аҳмадшоҳнинг¹ онасин номи —
Зарғунадир; худди шул исм
Қизига ҳам бергай кўрк-хусн...
Туғилганда Зарғуна, аммо
Нақоралар чалинмади, ё —
Отилмади милтиқдан ўқлар.
Бирор жонлиғ ҳам сўйилмади,
Биров меҳмон бўлиб келмади...
Ожизани ахир ким йўқлар?..

* * *

Йигирмага кирди Зарғуна,
Мирзо Қудрат қизи, сарвагина.
Қорамағиз, буғдойранг юзли,
Ниҳол қадли, мўъжаз ўмизли,
Суймаганга хўп аччиқ сўзли,
Суйганига сўзи тамизли...
Ўнг юзида икки қора хол
Ёнма-ёндири ошиқлар мисол.
«Биттаси — сен!» — дер эди Залмай,
Холдан суқли кўзларин олмай.
«Ўзгаси — мен! — дер эди хурсанд, —
Сен умримга югурган нурсан!»

Шундай сўзлар айтганда йигит,
Куч берарди қалбига умид,
Мовийлашиб кетарди само,
Ёришарди дунё босафо...

Залмай билан Зарғуна икков
Муҳаббатдан кўрдилар сийлов.
Бир-бирига боғланди кўнгил,
Қулф урмакка чоғланди кўнгил...
Майманада ўқиган онлар,
Кобулдаги фараҳбахш тонглар
Кечди, кечди! Бўлмади сўнгги...
Мана бугун бўлинди кўнгил:
Залмай олис Панжширга кетар,
Аскарликни жобажо этар.
Асли бари хушлиқ, хайрлик,
Лек орага тушди айрилиқ,
Бир-бирини соғиниб қолди,
Бир-бирига сиғиниб қолди.
Бир-бирига меҳр илинди,
Илингани охир билинди...

Кеча келмиш Залмий мактуби,
Мактуб недир, нақ дил ошуби:
«...Муаллимлар кунгарасида²
Сўзларининг жарангосидан,
Ватан кулди, Зарғунам менинг,
Қаторимда боргинам менинг!..»

¹ Аҳмадшоҳ Дурроний (1747 — 1819) — марказлашган Афғонистон давлати асосчиси.

² Кунгара — съезд маъносида.

Зарғуна киз фаҳмлар шундок:
Нурсиз қалбга билим, нур бермок
Ҳиндикушнинг тош сийнасида,
Мавжудотга айтиб қасида —
Ғунча туккан гулга баробар.
Шунга қодир қалбнинг қошидан,
Қалбнинг сабот ва бардошидан
Чекингувси зулму сароблар.

Шитоб борар Савр инқилоби
Қадим Афғон мамлакатаида.
Шитоб борар Савр инқилоби
Эрка ташна диллар қатида.
Ҳар ўқувчи таниган бир ҳарф
Душманларга тушган зарбдир, зарб.
Ҳар бир бола ўрганган калом
Душманларга бомбадир тамом.
Ҳар шуурга дўст бўлган билим
Ашрор учун ўлимдир, ўлим!

Муаллима Зарғуна шахдам
Синф сари ташлайди қадам.
Шогирдларга беради сабоқ,
Хаёллари кетади йироқ.
Илиб олар унинг сўзларин
Болаларнинг тийрак кўзлари...

БИРИНЧИ САБОҚ

Майванд қишлоғидаги жанг

Эй Савр болалари,
Тарихни билингизлар:
Юз йил олдин Ватанни
Забт этди инглизлар.
Нифоқ уруғин сочиб,
Қавмларни гиз-гизлаб,
Парчалашга уринди
Юртимизни иблислар.
Ҳирот қолур бир ёқда,
«Узб» олинар Кобул.
Қандаҳор ҳам санокда...
Афғонистон сиртмоқда...
Шундай хомхаёл қилар
Душман, банди ғофил...

... Юз йил олдин Майвандда
Фақат бир кун жанг бўлди.
Бир кунлик жанг душманга
Бир умр «аттанг» бўлди.
Мана, бир қўлда таёк,
Бир қўлда тутиб пичоқ,
Қаҳри бўлиб тўфонлар,
Бораётиб чўпонлар.
Ёшлар эса сафма-саф
Олға силжир пурғазаб.
Ўт пуркарди аммо ёв,
Ёш диллар ҳам бир олов,
Ортга қайтиш йўқ эди,
Юрт ишқи улуг эди!

Қадам, қадам, бир қадам...
Чоллар борар орқадан.
Чехралари нуроний,
Жанги мамот сурони
Қалбга қувват индирган,
Ёғий шахтин синдирган...

... Замбаракдан ўқ отар,
Душман барин йўқ этар.
Қўйганича ерга бош,
Кўз юмарди кекса-ёш...

Сукутга чўмар майдон,
Сукутда афғон томон.
Саросима оралар,
Кўнгилларни поралар...
Жангга бошламас ҳеч ким,
Ватанпарвар эрлар жим...
Ё мардлар енгилдими?
Ўзин ожиз билдими?..

«Оҳ», дер ҳамма шу замон,
Чайқалиб кетар майдон.
Афғон томондан ёлғиз
Малолай деган бир киз
Отилиб чиқар ўқдай,
Ўлмас, мангулик руҳдай.
Бошида ўйнар рўмол
Ҳуррият туғи мисол.
Тилида эса ландий!
Улуғларди Майвандни:

«Ёрим, Майванд йўлида
Этмас эсанг фидо жон,
Лаънат ила иснодга
Қолажаксан бегумон!»

Ўн олтига кирган киз
Пуршиддат, ҳайратангиз
Душман сари борарди,
Сочларин ел тарарди,
Эллик қадамча юрди...
Ёв мисли ўт пусқурди.
Қизни тўпга тутдилар,
Замбаракдан отдилар,
Боқишмай ёш қонига,
Қордилар ол қонига...

«Йигитмизми? Киммиз биз?
Бўлмасак бунча ожиз?!
Заифа бир киз магар,
Қўрқмас, арслондай қайсар
Шитоб этса ёв тараф,
Наҳот турсак биз қараб?»

Ҳайратда шундай дерлар
Шиддатли йигит-эрлар,
Душманни этмай писанд,
Қалби юрт ила дардманд
Майдон сари отилар.
Қирғин ичра қотилар.

Қўшиқ бўлди ўша жанг,
Қутлуғ келди сабоғи:
Абад юртдан инглизнинг
Қирқилди-да оёғи...

Майванд! Майванд! Ол қонсан,
Афғоннинг юрагида!
Замин урган каби чарх

Ландий — халқ оғзаки ижодида шеър, қўшиқ.

Қуёш теварагида,
Авлод, авлод, аждодлар
Тегрангда парвонамиз.
Шухратинг, шиддатинг деб
Кеча-кундуз ёнамиз!»

3

Фулом Ахтар не қилсин энди?
Тақдирдан жуда қисинди.
Мирзо Қудрат — зийрак, бало чол,
Танигандек бўлди... Эҳтимол...
Шорволийга¹ бориб айтарми?
Ташвиш босмиш Фулом Ахтарни...

Оқшом Хункор уйига борар,
Сардориға дилини ёрар.

ХУНКОР

Фулом Ахтар, ҳеч парво қилма,
Худо қўллар, кўнглингни бўлма.
Эл билади, ҳалол йигитсан.
Бунча ваҳм қилма чолдан сан,
Унга дарров қулоқ тутмаслар.
Ва шубҳани фаҳм этмаслар.

ФУЛОМ АХТАР

Таниб қолди, ўткир чол...

ХУНКОР

Вой-бўй!..
Ўткир бўлса... ўтмас қилиб қўй.
Тушундингми, гапда не маъни?..
(Фулом Ахтар англар шамани).
Билсанг, устод Раббоний шаҳар
Етқарибди бизларга хабар:
«Жамияти исломи Афғон
Қабул этмиш шундоқ бир фармон,
Кимки бўлса ҳизб² аъзоси, бас,
Яшамоққа мустаҳиқ эрмас.
Ким «муаллим» бўлса, вассалом,
Ер юзидан ўчгай бу калом.
Инқилобга қўл берса мулла,
Шойистадир дўзахга, илло.
Шундай мулла кирган масжид ҳам,
Мактаблар ҳам — худо боқарам —
Афғонистон учун нодаркор...»

Манглай терин артади сардор.
Фулом Ахтар қулоқ солар жим,
Сардор сўзин кесолмас ҳеч ким.

ХУНКОР

Нима бўлди Зарғуна, қани?
Уйин босдик... Чикдими маъни?
Шўропараст, қизил муаллим,
Ҳизб аъзоси — бари-ку маълум,
Ҳаддан ошиб ул бахти қаро
Бузғунчилик қилар эл аро.
Нима бўлди лицей «Ситора»?
Ажаб, сўнмас, порлар тобора!

¹ Шорволий — шаҳар ижроия комитети маъносига.

² Ҳизб — партия.

ҒУЛОМ АХТАР

Уринсиздир балки бу гина...
Сокин, кулай фурсатни пойлаб,
Лицейга-ку ташлатдим мина
Қўғирчоқ от ичига жойлаб...

ХУНКОР

Портлади деб шов-шув ҳаммаёқ..
Ушами, а?

ҒУЛОМ АХТАР

Ҳа, худди шундоқ!

ХУНКОР

Мамнун бўлғай устод Раббоний,
Етгай сенга нури раҳмоний.
Зарғунадай юзсиз, беҳаё
Элни бузар, лоҳавлувало!
Бундоғларни, мен сенга айтсам,
Тўп оғзига қўйиб отмоқ кам...

Ғулом Ахтар этди тасаввур:
Турки совуқ, беўхшов, манфур
Тўп оғзига қўйилганди қиз...
Ҳозир тепки босилар, эсиз...
Зарғунадан қолмас ном-нишон.

Йўқ, йўқ! Бундоқ бўлмас ҳеч қачон!
Ғулом Ахтар токи бор экан,
Ер юзида барқарор экан,
Зарғунани чертолмас ағёр,
Андак хато қиласиз, сардор!

Ақли — сардор томонда қоим,
Қалби — дилдор томонда доим.
Шундоқ, шўрлик иккиланган кас
Бир-бирига сира ўхшамас
Икки одам тимсоли эрур,
Инсон зотин уволи эрур.
«Ғулом Ахтар» — қўш номи эди:
У ақлининг «ғулом»и эди.
«Ахтар» деган сўздан очсак сўз:
Ишқдир қалбин ёритган «юлдуз».

* * *

Уша мина портлаган асно,
Ҳол сўрамоқ бўлди-ю гўё —
Воқеани ногаҳон билиб,
Цорандўйнинг вакили бўлиб
Ғулом Ахтар мактабга борди,
Афсус чекиб, «оҳ» деб юборди.

ЗАРҒУНА

Тагин мина қўйибди ашрор.
Бешууру бешарму бадкор
Ашрордан эл бўлармикин соф?
Битармикин душманга инсоф?

ҒУЛОМ АХТАР

Инсоф битмас, кутмангиз бекор,
Ўз номи-ла дейдилар: ашро-р-р!

... Кўпдан сақлаб юрган гапим бор,
Бас, айтмоққа этдим ихтиёр.
Рухсат беринг.

(Зарғуна боқар,
Таажжубнинг селида оқар.)

ЗАРҒУНА

Сўзланг!

ҒУЛОМ АХТАР

Яхши маълумдир сизга,
Шукр, насиб айлади бизга,
Таҳсил олмоқ битта мактабда,
Иززат қилгум дилдан, бор гап-да.
Қайишаман яқинингиздай,
Шундоқ ашрор қутурган кезде,
Айланг менга битта илтифот:
Ўзингизни қилинг эҳтиёт.

ЗАРҒУНА

Юртимизда кечар инқилоб,
Сустлик унинг руҳига хилоф.
Мен Ватанни эҳтиёт айлай,
Шул азобдан дилни шод айлай...

ҒУЛОМ АХТАР

Уйингизни босдилар тунда...
Мина портлаб турибди бунда.
Билиб бўлмас, не кечар эрта
Юртимиздай оловли ерда
Ҳар нарсани кутса бўлади...
(Ғулом Ахтар маъюс кулади).

ЗАРҒУНА

Йўқ юрт танлаш имкони бизда,
Шу Ватаннинг фарзандимиз-да...

ҒУЛОМ АХТАР

Ватан, Ватан дейсиз... Хўш, Ватан
Иборатдир, айтинг, нимадан?
Ватан, Ватан деганинг сари,
Қурук сўзга ўхшайди бари...
Ўлган ўлиб кетаверади,
Пешонада борин кўради...

ЗАРҒУНА

Ватан — олов, парвона бизлар,
Ўздан мутлақ бегона бизлар.
Ён, деса гар, ёнмоқ бир толе,
Инсонликнинг шудир иқболи!
Мен халқимга бўлайин тирак,
Мен — Ватанга фидо бир юрак...

ҒУЛОМ АХТАР

Фақат... халку юртга, эмас сиз
Бировга ҳам билинг, кераксиз!
(Ғулом Ахтар жим қолар бир дам.)
Англасангиз, сизни жуда ҳам
Жондан яқин кўраман дилга.
«Дилдоримни кўринг!» деб элга

Шиддат билан жар солсам кошки,
Воҳ, қалбингиз шунчалар тошки,
Садо ўтмас, сас чиқмас... Ҳайҳот!
Ўзингизни айланг эҳтиёт!

ЗАРҒУНА

Чўчитмоқчи бўлдингиз чоғи?
Инқилобдир қалбим ардоғи!
Айтдим-ку, мен парвонаман деб,
Ҳам куяман, ҳам ёнаман, деб...

ҒУЛОМ АХТАР

Сизсиз, билинг, яшашим абас.

ЗАРҒУНА

Ҳар кимда ҳам бўлғувси ҳавас.
Ҳавас учун қилмаслар таъна...

Қиз жавоби жумбоқдир яна...
Ғулом Ахтар аввал лол бўлар,
Юзи лола янглиғ ол бўлар,
Ҳар сафар ҳам шундай ҳол бўлар,
Уч-қуйруксиз қийлу қол бўлар...

Икки ўтда қоврилар йигит,
Не қилмоқни билмай бўлар хит:
«Севсанг... севгинг қолса бежавоб,
Туюлмасми умр ҳам сароб?
Зарғунани этгали хазон
Чора излар душманлар ҳамон...
Барин қизга қандай айтсин ул?
Нолаларга кулоқ солмас гул...»

Муаллима Зарғуна шахдам
Синф сари ташлайди қадам.
Шогирдларга беради сабоқ,
Хаёллари кетади йироқ.
Илиб олар унинг сўзларин
Болаларнинг тийрак кўзларин...

ИККИНЧИ САБОҚ

АҒҒОН ЭЛЧИСИ

...Ўн тўққизинчи йил. Замон шиддаткор!
Ағғонистон узра чарх урар баҳор.
Баҳор — Паропамиз этакларида,
Қирларнинг бинафша, чечакларида...
Москва! Москва! Элар йўлчиси,
Бир ағғон дўстидан шодланар бугун.
Муҳаммад Валихон — ағғон элчиси,
Қизил Москвага отланар бугун.
Қадим Ипак йўли роҳида турар,
Тарихни дунёнинг оҳида кўрар...
Мана, Паттакесар гузарида у
Асов Жайхун билан келар рўбарў:

«Ассалом, эй онам, уммул-анҳорим,
Осиё кўксида бор, барқарорим!
Битта ушоғингман, қабул эт таъзим,
Ўғлингга фотиҳа бермоғинг лозим!»
Жайхун дер: «Асрлар кўрган кўзим бор,

Қадим Қорақумда қолган изим бор.
Дунёга сиғмасдан гоҳи тошдим-ку,
Элни мунгсиратиб ҳаддан ошдим-ку.
Бундан ипак ортиб ўтди қарвонлар,
Қарвон қувиб йитди не-не замонлар...
Бундан душман ўтди, дўсту ёр ўтди,
Шоҳу қулдор ўтди, йўку бор ўтди...

Ортингда қолибди Кобулу Боғлон,
Сен нечук белингни боғладинг, ўғлон?
Тулпоринг жиловин қайларга бурдинг,
Йўл бўлсин? Йўлингда не маъно кўрдинг?»
Муҳаммад Валихон — афғон элчиси,
Кўксин ёрай дейди фарзандлик ҳисси:
«Октябрь бонг урди, оламшумул бонг,
Отди Русь ерида инқилобий тонг!
Ажиб йўл кўргизур бу кўҳна ҳаёт:
Дўстлик риштасини боғламоқ мурод,
Масковга боргайман, элтгайман бу дам
Амирул-муслимин мактубини ҳам...»

* * *

...Москва атрофи ўрмонларида,
Россия кенлиги, ёбонларида
Заъфарон нафасли ҳайқирмоқда куз,
Баҳорий руҳ билан яшар аммо Русь!
Муҳаммад Валихон тонг қолар тамом,
Ахир, «Ленин, Ленин», деган улуғ ном
Тутиб кетган чоғда жумла жаҳонни,
Тенг кўриб, қадрлаб битта афғонни
Қабул этса, ундан сўрса ҳол-аҳвол,
Эски қадрдонлар, ўртоқлар мисол:
«Мамнунман, мен қизил тойтихтда бугун
Дўст Афғон вакилин кўрганим учун!»

«Ташақкур айтаман, муҳтарам Ленин,
Дўст каби қўл бермоқ учун келдим мен.
Нафақат мен... Балки Афғонистон ҳам,
Машриқзамин, Эрон, чўнг Ҳиндистон ҳам...
Асорат занжирин узмоқ, истаб бот
Ғамзада Шарқ сиздан тилайди имдод!»
Уйчан, мийиғида қулганча секин
Элчига термилиб сўз қотар Ленин:
«Ҳа, Шўро — мазлумлар ҳоқимияти,
Худди сиз айтгандек унинг нияти,
Бироқ унга ҳурлик жангида бешак
Мусулмон Шарқин ҳам имдоди керак!»

Элчи дер: «Англағай мусулмон Шарқи,
Қайдадир озодлик, истибдод фарқи,
Ердам қўлини ҳам чўзгай бешак ул,
Асорат занжирин узгай бешак ул!»
Ленин дер: «Эрк туғин тутса дўст эллар,
Ҳурликка юз бургай бор барча йўллар.
Дўстликдан Шарқ узра таралгай зиё,
Қаддини кўтаргай озод Осиё!
Ўртоқ элчи! Дўстлик улуғ бир туйғу!
Халқлар ўртасида энг зўр кўприк ул!»

4

Ғулом Ахтар изғийди тунлар,
Тунлар кўзғар унда бир ҳунар:
Юзга бурқъа кияди пинҳон,
Хунхўрларни бошлаб беомон,
Шўрлик элни ғорат айлайди,
Оломончи янглиғ талайди.
Шундай деган устод Раббоний,

Пешовардан келган фармони.
Зарғунанинг сўзлари ҳамон
Жаранг берад қалбда, альамон!
Қизнинг ўзин мағрур тутмоғи,
Сўз одоби, лутф этмоғи,
Ички туғён... ғойибона ноз...
Уртар эди йигитни боз-боз.

Ғулом Ахтар почта хатларин
Пинҳон олиб очар қатларин —
Хат тутишнинг содда йўриғи,
Шундоқ эди Хункор буйруғи.
Хатлар ичра бир мактуб учрар,
Кўриб нохуш сесканар, сачрар:
Панжшир ёқдан келган эди хат.
У мактубни очди бешафқат:
«Ассалом, эй Зарғунам менинг,
Зор қилувчи зоргинам менинг!
Панжширдаги Соланг дара бу,
Ҳам тоғли, ҳам яланг дара бу.
Бундан ўтар жон томирдай йўл,
Ватан йўли, равон нурдай йўл.
Ҳайратондан то Жалолобод
Карвонлардан гавжум ва обод.
Ана, Соланг довоми узра
Зирва¹лардан қор кетмас сира.
Шу довонни кесмишдир туннель,
Ижозатсиз ўта олмас ел.
Тинч кўярми қонли интиқом?
Аҳмадшоҳнинг галаси оқшом —
Хуруж қилмиш. Даф айладик, даф
Биз, шўравий сарбозлар — ҳамсаф!
Жасоратли йигитлар бари,
Биродарим эрур кўплари.

Инқилобнинг муборизиман,
Ватан нима деса, розиман.
Ҳушёрдирман, курул кўлимда,
Жон тикарман, токи элимда
Сен сафларда юргин уялмай.
Соғинчингни соғиниб:

Залмай».

Залмай, Залмай, иддаонг баланд,
Қиз хаёлин сенми этган банд?
Ҳавасларин боғлаган — сенми?..
Қалбин бекор доғлаган — менми?..
Бир чекқага юборди отиб,
Аламидан ҳушин йўқотиб.
Лат еган ҳис, шикаста ғурур
Қасос, ўчининг ошнаси эрур...

Йигит дили ғашланар эди,
Ғазабдан кўз ёшланар эди,
Хаёл ҳар ён ташланар эди,
Ғашлиги боз бошланар эди...

5

Муаллима Зарғуна шахдам
Синф сари ташлайди қадам.
Шогирдларга беради сабоқ,
Хаёллари кетади йироқ.
Илиб олар унинг сўзларин
Болаларнинг тийрак кўзлари...

¹ Зирва — чўққи.

УЧИНЧИ САБОҚ

САВР ТОНГИ

Бир минг уч юз эллик етти,
Савр оёи еттинчи,
Кенг оламга сиғмай кетди
Мазлум элнинг севинчи.
Уқир эдик Кобулда биз,
Мен ўн етти ёшдайдим...
(Залмай билан Зарғуна қиз
Бамисли кўз-қошдайди.
«Лаби дарё» кўчасида
Икков кезган маҳали
Боқар мафтун бўлиб жуда
«Шоҳи душамшира вали».
Чўнг куббали бу оқ бино
Нақ кун кўзин олади,
Икки бахтли ёшга аммо
Қараб ҳавас қилади.
Муаллима сабоқ сўзлар,
Сўзлар экан иқболдан,
Ёри билан кечган кезлар
Жонланарди ҳаёлда...)
Кобул дарё, асов дарё,
Тўлқинлари кўп ўжар.
Бирдан Кобул узра само
Тайёраларга тўлар.
Богром ёқдан тайёралар
Ракеталар ортмоқлаб,
Нишонга нақ Аркни олар
Довуд бағрини доғлаб!
Асрий зулм бўлди бекор,
Кўчди диллардан ғусса,
(Ўша кун... қиздан илк бор
Йигит олганди бўса...)
Пуштунистон, Майванд — бари
Кўчаларда эл оқар,
Арк томонга оққан сари
Ҳайратдан тутар ёка...
Инқилобми? Наҳот? Наҳот?
Ҳақиқатми? Рўёми?
Бўлурми халқ ҳур ва озод?
Ё ёлғончи зиёми?
Йўқ! Радио нидо этди,
Элга етди хитоби:
«Истибдоду зулм битди,
Балқди Савр инқилоби!..
Мамлакатни қўлга олар
Инқилобий ҳукумат...»
.....
Бирдан сабоқ бўлиниб қолар,
Дилни қоплар ваҳима, даҳшат!
Синф эшиги очилар қаттиқ,
Тўртта ашрор киради бадтурк,
Зарғунага буюрар: «Тез бўл!
Беркдир қизил муаллимга йўл!
Афғонистон душманидурсан,
Халқнинг афсус-пушмонидурсан!
Сен бединни гум қилсак агар,
Бизга жаннат бўлмай муяссар!»
(Ғулом Ахтар тузган ўйин бу,
Тўрт ашрорга тайин қилди у:
Шарт бостириб кирасиз гўё,
Бурқъа бўлсин юзларда аммо,
Уқлар отиб қўрқитасиз хўп,
Бироқ қўлга эрк бермайсиз кўп,



Дўқ қиласиз, ёлғон, пўписа...
Билиб қолган бўлиб мен эса
Бораману барингиз «ҳайдаб»,
Гўё қизни қоламан асраб...)

Кўрқитмоқ-чун қарс-қарс бир қатор
Шипга қараб ўқ отар ашрор.
Зарғуна ҳам ўнглайди-ю эс,
Тўппончасин суғуради тез.
Душманларнинг бирини дадил
Кўзлаб отар! Тегмас ўқ сабил...
«Қоч! Цорандўй!» — ваҳмали, ошкор
Бир-бирига қичқирар ашрор!
Аммо қочиб улгурмай бари,
Фулум Ахтар кирар жангари.

ҒУЛОМ АХТАР

Эҳ, нокаслар! Қуролни ташла,
Олдимга туш, қани, йўл бошла!
Худого айт энди арзингни,
Сарғайтиргум гулдай тарзингни!

Мирзо Қудрат хансираб шу он
Кириб келар босиб ҳаяжон.
Олтмиш ёшга борганини ҳам
Унутганча, қаққону илдам
Юриб келар йигит мисоли,
Селкилларди кетмон соқоли.

МИРЗО ҚУДРАТ

Фулум Ахтар? Сенмисан ашрор —
Зуғумидан айлаган халос?

ҒУЛОМ АХТАР

Хабар топдим...

МИРЗО ҚУДРАТ

Ташаккур минг бор.

ҒУЛОМ АХТАР

Адо этдим бурчимни, холос...

Бир пайт шубҳа қилган эди чол,
Энди шубҳа келарди малол.
Зарғуна ҳам миннатдор бўлиб,
«Раҳмат!» — деди оҳиста кулиб...

Давом этар, бўлмас адоғи
Инкилобнинг аччиқ сабоғин!

6

Маъюс чиқар мудириятдан¹
Фавкулудда ўйлари чексиз...
Паранжисин заруриятдан
Енгилгина бошга ташлар қиз.
Неча илғор муаллималар
Шўравийга этдилар сафар.

¹ Мудирият — вилоят маориф бўлими.

Зарғуна ҳам завқи бетизгин
Сўйлар барин мудирга қизгин.

МУДИР

Майманада эса ўзга фол,
Хуфтон этди дилларни...

ЗАРҒУНА

Не ҳол?

МУДИР

«Ситора»га тун-кеча ашрор
Ўт кўйибди!..

ЗАРҒУНА

Ноинсоф, бадкор!
Оҳ, табакай ёнар мактаблар?
Оҳ, табакай қақшар асаблар?

МУДИР

Кул қолибди лицейдан... Дарров
Сабок тўхтар, деб ўйлайди ёв...

ЗАРҒУНА

Йўқ, уйимда очгайман мактаб!
Пайдо бўлди кўнглимда бир гап:
Агар отам мудириятдан
Сўрасалар яхши ниятда,
Ота-она барчасидан ул
Йиғар бўлса ҳоли қудрат пул,
Янги мактаб айласак бино...

МУДИР

О, Зарғуна, бу фикринг аъло!

...Муюлишда кимдир шу замон
Зарғунани кузатар пинҳон.
Кўча эди жимжит, кимсасиз...
Сассиз, ҳорғин яқинлашар қиз.
Ғулум Ахтар эди ул кутган.

ҒУЛОМ АХТАР


Ашрор ҳозир ҳар ёқни тутган.
Мен кузатиб кўяйин...

ЗАРҒУНА

Йўқ, йўқ!
Тақаллуфу лутф учун қуллуқ!
Даркор эмас! Ташвиш қилманг ҳеч...

ҒУЛОМ АХТАР

Қайсарликни кўйинг... бўлар кеч...
Сиз билмайсиз куйинишимни,
Сизни кўрсам суйинишимни.
Ўз номи-ла «ашрор» бўлса ул,



Сиз бўлса-чи, нозик-ниҳол гул,
Зуғум этиб битта кечада
Гуноҳи йўқ неча-нечадай
Хазон қилиб кетмасин дейман,
Доим шунинг ғамини ейман!

ЗАРҒУНА

Дағдағами? Пўписами ё?

ҒУЛОМ АХТАР

Худо шоҳид, ундоғмас асло!
Диндан қайтган кимдир? Зарғуна!
Куфр этган кимдир? Зарғуна!
Мана, ашрор не дер сиз ҳақда!..

ЗАРҒУНА

Бемурувват ашрор ноҳақ-да!
Сиз қаердан биласиз, ажаб?

ҒУЛОМ АХТАР

Мен... Мен... (ногоҳ сесканар титраб)
Асирлардан... билиб оламан.
Зарғуна, боз нидо қиламан:
Нечун даркор муаллималик?
Айлагай хор муаллималик!..

ЗАРҒУНА

Бас! Айтмангиз бу сўзни такрор,
Хоҳишим йўқ тинглашга зинҳор.

ҒУЛОМ АХТАР

Эҳ, Зарғуна! Менда не гуноҳ?
Ўз-ўзимни идора этмоқ
Қўлдан келмас... Ожиздир ақл.
Бўлмас экан токи мустақил...
Бошқин, сиз ҳам меҳр қўйсангиз,
Барин яхши йўлга йўйсангиз.
Барин ташлаб кетайлик икков,
Душманларга мен бўлайин ғов.
Йўлингизда учраса, бир хас,
Йўпригим-ла олмоқдир ҳавас.
Бошингизга тушмаса офтоб,
Булутларни парчалай шитоб,
Дилингизга ўрмаласа ғам,
Фидо этай жонимни, санам,
Кечай дунё лаззатларидан,
Фароғат, айш-ишратларидан.
Фақат... менга бир калом керак,
Шу калом деб потрайди юрак.
«Севаман» — деб айтсангиз басдир,
Йўқса, олам менга қафасдир!..

Ҳайрон бўлди Зарғуна энди,
Ич-ичидан жуда севинди:
Парвонаси кўп бўлса олов
Чирой очиб ёнади лов-лов...
Қиз чимматин кўтариб аста
Тикка боқди дили шикаста.

ЗАРҒУНА

Умрдир бу... кўнгил изнимас...
Севаману фақат... сизнимас!

Айтсам, кўнглим соҳиби бордир,
Ишқим билан ул устивордир.
Олтинчи шер бўлиб Панжширда,
Душманларни тутар занжирда!

Юриб кетди дилдор ҳумойдай,
Йигит қотиб қолди шу жойда...
Муаллима Зарғуна шахдам
Синф сари ташлайди қадам.
Шогирдларга беради сабоқ,
Хаёллари кетади йироқ.
Илиб олар унинг сўзларин
Болаларнинг тийрак кўзлари...

ТҮРТИНЧИ САБОҚ

НУРХОН БИЛАН УЧРАШУВ

Фарғона водийсида
Марғилон шахри бордир.
Учмоҳ янглиғ шаҳарнинг
Кўрк-хусни бетакрордир.
Шаҳарнинг қоқ ўртаси,
Чаман-чотир майдонда —
Шоҳсупада битта қиз
Қаршилар ногаҳонда...
Кўрдиму не учундир
Қалқиб кетди юрагим.
«Юксаклардан пастга туш!» —
Дея келди сўрагим.
(Гўё ҳайкал жонланиб
Пастга тушиб келади,
Зарғунанинг меҳнаткаш
Қўлларидан олади):
«Эй Зарғуна! Хуш келдинг,
Афғонистон юлдузи!
Сўниш нима, билма ҳеч
Хур Ватаннинг гул қизи!
Орзум эди бир дунё,
Оламларга сиғмасди,
Ё дунёнинг, ажабо,
Ёш қизда борми қасди?
Марғилонда туғилдим,
Жони-дилим рақс эрур.
Рақс тушсам дилимнинг
Чигаллари ёзилур...
Қулоч ёзиб саҳнага
Товусдай чиқсам агар,
Зулматнинг сарҳадлари
Чекилгуси муқаррар.
Рақсингни қўй, дедилар,
Шарт кесдилар йўлимни.
Наҳот ҳаётни севмоқ —
Мукофоти ўлимдир?
Меҳрибоним, ўз акам
Бағримга урди пичоқ.
Ўлим кучоқ очмади,
Жаҳолат очди кучоқ.
Жаҳолат ота бўлиб
Паймонамни тўлдирди.
Онам бўлиб суймади,

¹ Бу ерда сўз уйини.
Панжшир — бешта шер дегани,

Акам бўлиб ўлдирди.
Жаҳолатдан то инсон
Бўлолмас экан озода,
Ватаннинг турмушида
Силжиш йўқдир умрбод!
Она халқни бўғажак
Разолатдан йироқ қоч!
Жаҳолатга эрк берма,
Жаҳолатга ўт оч, оч!»
Ўзбекнинг қизи Нурхон,
Пуштун қизи Малолай...
Опа-сингил қисматин
Кўрдингизми, болалар?
Жоҳил инглиз қўлида
Малолай бўлди қурбон.
Жаҳолатнинг дастидан
Жувонмарг кетди Нурхон.
Йўқ, йўқ, асло душманнинг
Айтганлари бўлмайти:
Ватан деб ўлди уллар,
Ватан эса, ўлмайти!

7

Зарғунанинг қалби вафоли,
Шундан умри нашъу намоли.
Олам гўзал айниқса бугун.
Ҳатто гўзал қораймишди тун,
Чарақлаган осмон ҳам обод,
Юлдуз отар айлаб илтифот.
Чўл тарафдан эсанг шаббода
Тотиб олган сингари бода
Тол баргларин ўйнар эди шўх..
Зарғунада эса уйқу йўқ.

Ҳаммасининг сабаби бордир:
Ватан бурчин бажарди ботир.
Тонг-саҳарда келмақда Залмай.
Нечоғлик бахт! Маноҳам ҳам олмай
Интиқ кутар Зарғуна ёрин,
Жабҳаларда, сафларда борин.

Хаёл...
Ширин хаёл кутқуси.
Зарғунанинг келмас уйқуси.
Зарғуна — ўт, Залмай бир чақин,
Иккисининг тўйи ҳам яқин...
Сўнг фарзандлар келар дунёга,
Уйи тўлар қий-чув, садога...
Сўнгра...
Қизни элитар уйқу,
Туш кўрар қиз, ажиб туш, ёху!

...Овлоқроқда — Тукайлихона,
Ўша ёққа борар пинҳона
Тўртта отлик.
Туёқ овози
Янгратарди кеча ҳавосин.
Балки Залмай шошилиб келар?..
(Залмай эмас, ашрорлар елар!)
Туши бирдан ўзгарар шу он:
Кобул эмиш... билмас, қай замон...
...Кобул дарё оқармиш асов,
Залмай билан Зарғуна икков
Кезиб юрар эмиш қирғоқда,
Кун заволга борар бир чоғда...
Бирдан... йигит қолиб фаромуш,

Қиз дарёга тушиб кетганмиш.
Қўл узатиб қизга етолмай
Сувга отмиш ўзини Залмай.
Қиз йироқлаб борармиш ундан...

Тарақлади дарвоза шунда!
Қиз уйғонар: «Нечук овоз, а?»
Очилади зарб-ла дарвоза.
Тўртта ашрор бостириб кирар:
«Мирзо Қудрат!» — дея қичқирар.
Мирзо Қудрат битта кўйлақда
Чопиб чиқиб тўхтар йўлақда.
От жilовин шарт кўйиб Хункор
Чол соқолин тутати.

ХУНКОР

Беор!

Мақтаб учун йиққан пулингни
Дарров опчик, токи қўлингни
Узиб олмай енгчадай қилиб.
Зарғунангга айт, ҳаддин билиб
Кийинсин-да, юрсин тезгина.
Шўравийда бўлмиш қизгина.
Сафар қилмиш!.. Билайлик не ҳол?

Кўзи битиб йиғламсинар чол.
...Маймана ҳам орқада қолар,
Жинтепага қараб йўл олар
Тўртта отлик, юзларда бурқъа:
Оху янглиғ ҳурка ва ҳурка —
Қиз олдинда борар пиёда.
Мирзо Қудрат ғами зиёда
Судралади мунгсираганча.
Хункор эса хунсираганча
Пурдилга дер: «Чолни тез боғла!»
Пурдил чолнинг дилини доғлаб,
Қўл-оёғин боғлаб чилвир-ла,
Бир чалар-да, тенг қилар ер-ла.

ХУНКОР

Бохабар бўл, Саид! Кулоқ тут,
Тепаликнинг орқасига ўт!
Фулом Ахтар! Сен-чи, қараб тур:
Мен жонон-ла айлай бир ҳузур!

Мирзо Қудрат лол қолар шунда
Вафоси йўқ гардуни дундан.
Қай бир бурқъа Фулом Ахтар, деб
Қиз интизор қолди ахтариб.
«Севаман», деб лоф урган банда
Юз очсайди ҳеч бўлмаганда?

Хункор қизга қўлин чўзади,
Қабиҳ хаёл кўнглин бузади:
Падарининг олдида ошкор
Зарғунани хасдек айлаб хор,
Кўйлагини қилиб чилпора,
Навниҳолга бериб озора,
Нозик бадан айшин сурмоқчи,
Кофир қизга жазо бермоқчи...

Мирзо Қудрат қимирлар аста...
Пурдил босиб туради қасддан!
Худди бордай оғзида толқон
Фулом Ахтар жим боқар ҳамон.

Ўз-ўзига дер фақат: «Тез бўл!
Сенга энди йўқдир ўзга йўл!»

Хункор қўли майин, оҳиста
Зарғунанинг кўкрагин истар...
Фулом Ахтар вужуди қақшаб,
Баданга тиғ текканга ўхшаб
Титраб кетди. Юраги гўё
Чиқаёзди кинидан... Аммо
Ўзин босди.

ҒУЛОМ АХТАР

Шавкатли сардор,
Шўрлик қизнинг кўксига не бор?..

Хункор қўлин тортади бирдан!
Севган қизин — ахир таҳқирдан
Сақлолмаса, у — қандай йигит?
Хункор қаттиқ тутакди.

ХУНКОР

Ҳей, ит!
Ичагингни бошингга салла —
Қилиб қўймай!

Бироқ шу палла
Фулом Ахтар шамшир тутиб даст
Хункор бошин шарт узди чапдаст!

Фулом Ахтар, қўлида шамшир
Сўнг Пурдилга ташланди! Тақдир
Ҳукми экан ўзгача, кўргил:
Ўзин четга олди-ю Пурдил...
Шамшир тегди Мирзо Қудратга.
Фулом Ахтар қолди ғафлатда...
Фақат: «Қизим...», деди-да нимжон,
Мирзо Қудрат таслим қилди жон.
Отасига ўзин отар қиз:
«Мени ташлаб кетмангиз ёлғиз!..»

Фулом Ахтар ғазаб ўтида
Қувар эди Пурдил кетидан.

ПУРДИЛ

Инқилобнинг ити, ғаламис,
Сотқинлигинг энди биламиз!..

ҒУЛОМ АХТАР

Ўлдираман, қонинг ичаман,
Керак бўлса жондан кечаман!

Етиб олди Пурдилга аранг,
Ёқасига шердай солди чанг.
Гарданига бир мушт туширди,
Гаранг қилиб, ҳушин учирди.
Шамшир солди қорнига бураб,
Қон тўрт томон кетди тирқираб.
Сўнг: «Саид!» деб бўқирди йигит,
Гандирақлаб маст-аласт тахлит.
Йўқ, Саиддан бўлмади дарак,
Қочиб қолган эди қушюрак.

ҒУЛОМ АХТАР

Зарғуна, сен кечиргил... мени...
Бўйнимдадир падаринг хуни,

Уйламовдим бундай бўлар деб,
Аmmo... тақдир шуни кўрди эп...
Икков ёлғиз қолдик жаҳонда,
Сени... жондан севаман... жондан!
Сенга асло теккизмасман кўл,
Сен ҳам энди жиндак инсон бўл!
Бировнинг ҳам англа азобин...»

Қиз ўрнидан турар шитобан!..

ЗАРҒУНА

Қандай азоб ҳақда сўйларсан?
Мени, ажаб, ким деб ўйларсан?
Ҳаққинг борми севмоққа? Асло!
Билки, сенга севги нораво!
Қандай севай сендай хункорни?
Тош дилингда диёнат борми?

ҒУЛОМ АХТАР

Диёнат?
Ҳа... диёнат дегин?
Мен афғоннинг ўғлиман эркин!
Дунёда бор бўлса ҳақиқат,
Ҳақиқатим — сен ўзинг фақат!
Диёнатим, инқилобим — сен
Фароғатим, оҳ-азобим — сен!

ЗАРҒУНА

Куйдиради бу сўзлар лофи...
Икки юзлик одам азоби
Тилай олмас раҳм ила шафқат!..

ҒУЛОМ АХТАР

Раҳм этгил сен ўзинг фақат!

ЗАРҒУНА

Покистонга чўздинг бир кўлни,
Гўё ҳурлик аталган йўлни
Маҳкам тутдинг!..
Мунофиқ инсон,
Нечун даркор сохта севги, шон?
Сен чинакам афғон эмассан,
Мард эмассан, инсон эмассан!!!

ҒУЛОМ АХТАР

Инсонмассан, оҳ, Ғулом Ахтар!
Ҳолинг бўлмас бундан беш баттар!
Икки йўлни тутай деб бефарқ,
Йўқлик чоҳи ичра бўлдинг ғарқ!
Гумроҳдирсан! Гумроҳсан! Гумроҳ!..

Ваҳшиёна инграр сўнгра... Воҳ!
Тор кўришиб кўзига олам,
Тилига ҳам келмай бир калом
Ғижирлатиб тишларин магар...
Қиз кўксига ботирар ханжар!

ҒУЛОМ АХТАР

Сен парисан... рост сўзни дединг...
Покиза кет... Покиза эдинг!..

Ғулом Ахтар юзи — ғаройиб —
Чўяндайин кетди қорайиб.
Бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди,
Гўё ювди дилдан ғуборни.

Зарғуна қиз ётарди маъсум,
Лабларида ваҳший табассум —
Ғулом Ахтар келди қиз томон,
Оч назар-ла тикилди чандон.
Тўймади! Сўнг даст тутиб ханжар
Ўз кўксига урди, алҳазар!
Сўнг... ханжарни суғуриб олди,
Гандираклар тиззаси толди,
Қиз ёнига аста чўзилди...
Жони жуда оғир узилди...
Ор керакдай ўлик, мурдага,
Ханжарини қўйди ўртага...

ДИН ВА ХУРОФОТ ҲАҚИДА

Инсонни хурофот ва бутпарастлик
ерга уради.

К. МАРКС, Ф. ЭНГЕЛЬС

Биз дин билан курашмоғимиз зарур.
Бу бутун материализмнинг ва бино-
барин, марксизмнинг алифбесидир.
Аммо марксизм алифбеда тўхтаб қол-
ган материализм эмас. Марксизм яна
илгарилаб боради. У: дин билан кура-
шишни билмоқ керак, бунинг учун эса
омма орасидаги диндорлик ва диннинг
келиб чиқишини материалистик изоҳ-
лаб бериш керак, деб ўргатади.

В. И. ЛЕНИН

Динни халқнинг хаёлий бахти сифа-
тида бекор қилиш унинг ҳақиқий бах-
тининг талабидир. Ўз мавқеининг хаё-
лийлигидан воз кечиш талаби хаёлга
эҳтиёж шундай мавқедан воз кечиш
талабидан иборатдир.

К. МАРКС

Ҳақиқатни нариги дунёдаги мавҳум
жабҳалардан, вақт ва фазодан ташқар-
идаги, гўё оламнинг ичида яшовчи
ёки унга қарши қўйилган қандайдир
«худо»дан эмас, балки яқинроқдан,
инсоннинг ўз юрагидан излаш керак.


К. МАРКС, Ф. ЭНГЕЛЬС

Тасаввурдаги барча «худо»лар мо-
ҳиятидан кўра инсоннинг ўз моҳияти
ғоят буюк ва юксакроқдир...



Ф. ЭНГЕЛЬС

Диний сарқитлар билан курашганда
ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ даркор: бу
курашда диний туйғуларни ҳақоратлаш-
ни бу курашга қўшганлар жуда кўп зиён
етказдилар. Ташвиқот йўли билан,
маърифат йўли билан курашмоқ зарур.

В. И. ЛЕНИН



Расми Н. Фуломов чизган



Жонрид Абдуллахонов

ХОНАДОН

РОМАН

Ҳаёт абад васл айёмидир
А НАВОИИ

Б и р и н ч и б о б

1

Айвон устунига осиглиқ телефон жирингларди. Жавҳар эринибгина бошини кўтариб қулоқ солди. Ким бўлиши мумкин?..

Ботаётган қуёш нурида қишлоқ четидаги адир, бериқоқдаги тераклар алангаланиб кўринарди, кеч кираётганига қарамай, ҳарорат ҳали пасайгани йўқ. Деразадан идиш-товоқ терилган жавон ойналарига тушган кун тиғи кўзни қамаштирар, хона ёруғ, нурга тўла эди.

Жавҳар чап ёнига ағдарилди. Бошини ёстиқ остига олиб, қулоқларини беркитди.

— Жавҳар, — ҳовлида куйманиб юрган онасининг овози келди, — тилпонга қарасанг-чи, болам, бўғилиб кетди-ку!

Жавҳар қимир этмади. Хона ичи дим эди. Лекин Жавҳар бадани терга пишиб, бўйинлари тердан ачишиб, оқ майкаси этларига ёпишиб қолганига ҳам парво қилмасди.

У ишхонасидагиларга «мазам йўқроқ шекилли», деб, тушга яқин уйга келдию ётиб олганича турмади.

Кўпдан бери қўли ишга бормади, салдан-салга юраги сиқилади, бўшадади, гарангсийди. Чиройли юзи оқаринқираб, кўзлари киртайиб қолган. Биров билан гаплашгиси келмайди.

Илгари бундай эмасди. Ижрокомда унингдек ўзини эркин қушдай сезиб, чақмоқдай чақнаб юрадиган кам учрарди. Ахир кимсан — район архитектура бўлими бошлиғи. Обрўси ҳам, маоши ҳам жойида. Қўлини қаёққа чўзса — етади. Фақат кейинги пайтлар юрагига чироқ ёқса ёришмайдиган бўлиб қолган.

«Доим шунақа-я, тавба, — деб ўйларди у ётган жойида, — омадинг эндигина юришай деганда, бирдан йўлингга ров қўядиганлар топила қолади. Калавангнинг учини йўқотасан. Ҳамма сенга қарши тургандай, ҳамма сени калака қилиб, бармоғи билан кўрсатаётгандай. На еганинг ичингга тушади, на ичганинг. Бор-е, деб бирор ёққа кетворай десанг, яна иложинг йўқ — ўзингдан қочиб қаёққа ҳам бора олардинг?»

Амакиси Расулжон Комилович Сардоров ижроком раиси ўринбо-сарлигига сайланди-ю, унга кун бермай қўйди. Тинчоқар дарёнинг тўс-тўполоғини чиқарди. Келган кунидан бери ҳаммаёқ алғов-далғов. Қаерда қандай қурилиш борки, ундан бирор иллат топмаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Биринчи бўлиб район капитал қурилиши бўлими бошлиғи Марат Маматовнинг оёғига болта урди. Бордию Маматовнинг чуви чиқса, Жавҳарнинг ҳам ҳолига маймунлар йиғлаши турган гап. Чунки Маратни қўллаб-қувватлаган, унга ҳомийлик кўрсатган Жавҳарнинг ўзи эди-да.

— Жавҳар! — яна онасининг овози келди ташқаридан, — қуло-ғингга том битганми, болам, тилпонга қарасанг-чи!

Жавҳар эринибгина ўрнидан қўзғалди. Ташқарига чиқди. Ҳовли салқинроқ туюлди. Ялангоёқ юриб бориб, трубкани олди.

— Эшитаман!

— Алло, алло! Жавҳар, ўзингмисан? — Бу Маратнинг овози эди. — Менга қара, гапимни эшитяпсанми?.. Эшитяпсанми деяпман?.. Нимага нафасинг ичингга тушиб кетди? Гапирсанг-чи!

— Қулоғим санда, нима дейсан? — энсаси қотган одамдай сўради Жавҳар. — Мунча ўпкангни қўлтиқламасанг, бирор жойга ўт кетди-ми?

— Ҳа, ундан баттар... Ишлар пачава...

Жавҳар трубкани қулоғига қаттиқроқ босди.

— Пачаванг нимаси, аниқ қилиб гапир!

— «Авангард»даги шифохонамиз ишга тушмай туриб, ишкали чиқибди...

— Қанақасига? Бино қабул қилинган-ку?

— Қабул комиссиясининг акти бекор қилинармиш...

Бу гапни эшитиб Жавҳарнинг қони қайнаб кетди, Маратни сўкиб бериб, аламини олай дедию ўзини босди.

— Қачон чиқди бу гап, кимдан чиқди?

— Кимдан чиқиши мумкин деб ўйлайсан? Муғомбирлик қилма, ошна. Кимданлигини билиб турибсан-ку? Амакингдан-да... Ҳали тушдан кейин идорасига чақириб, роса пўстагимиззи қоқди. Сениям қидиртирди. Анави бош врач Давлатбой Соғиндиев бор-ку, хийла пихини ёрган одам экан, ошна, амакингнинг пинжигга кириб олиб, бизга қарши гап тўқиб, гижгизлаб юрибди. Тоza қувлигини кўрсатди, баччағар. Бари айбни санмиан манга тўнкади. Қабул актига қўл қўйганларни йиғиб, мажлис ўтказмоқчи энди. Менга қара, Жавҳар, бўш келадиган гўсхўр йўқ, ҳақлигимизни айтиб, оёқ тираб турмасак, ковушимизни қийшиқ кийгизишдан тойишмайди буларинг. Ҳозир вақтинг қалай, келмайсанми буёққа? «Норин» кафесидан телефон қиляпман. Ё ўзим борайми?

— Йўқ, — шошиб жавоб қилди Жавҳар. — бугун тобим қочиброқ турибди, бошқа маҳал...

— Бошқа маҳалинг қачон? Кечиктириб бўлмайди-ку? Буруқсиб ўтираверсанми уйингда? Баққа чиқсанг-чи!

— Мазам йўқ, деяпман-ку санга, намунча қистамасанг? Эртагача осмон узилиб, ер ёрилиб кетмас?

— Эртага учрашамизми? Идорангга борайми?

— Үзим топаман сани. Ишдан кейин учрашганимиз дуруст.

— Ишдан кейин дейсанми? Бўпти! «Норин» кафесиди-а? Хўп, эртагача хайр!

Жавҳар трубкани илиб қўйгандан кейин ҳам устунга суянганича тик туриб қолди.

Уфқ оловранг тус олди. Дала томондан одамларнинг шовқини, машиналарнинг қатнови баралла эшитиларди. Аммо Жавҳар хаёлга ботган, ҳеч нарсани эшитмас эди. «Шуниси етмай турувди, — деб ўйларди у, — битиб кетган ишларни ўрнидан қўзғатишга нима ҳожат? Бу ғирт ичиқораликнинг ўзгинасимасмикин? Дарвоқе, масала шу даражага етган бўлса, эртага отам келганда нима жавоб қиларкин? Расул Комилович жигари экан-ку, отасини ҳам аяйдиганларданмас. «Бузмакорлик — бошга бало» бўлиб юрмасин тагин. Наҳотки амаким отамнинг феълини билмаса?»

Жавҳарнинг отаси — Қобул Комилович Сардорев «Авангард» колхозининг раиси. Районнинг фахри. Маҳсулот етиштириш бўйича унинг олдига тушадигани бу атрофда кам. Сўнгги йиллар у ободончиликка кенг йўл очди. Қишлоқ маркази кенгайтирилди, маданият саройи, қатор-қатор уйлар, чойхоналар, мактаблар, катта шифохона; магазинлар, боғчалар қурилди. Қишлоққа бошқача кўр, салобат бахш этган шифохона биносини қуришда ўз ўғлининг райижрокомдаги мавқеидан фойдаланди. Марат Маматов эса бор қобилиятини ишлатиб раиснинг эътиборини қозониб олишга уринди. Вино қад тиклади. Комиссия қабулидан ўтди. Қобул Комилович эса мамнун бўлиб, хотиржамгина курортга кетаверди. Бироқ укаси райижрокомга сайланди-ю, иш бошқача тус ола бошлади. Бу — биринчи галда бунёдкорларни ташвишга солди...

Марат Жавҳардан беш ёшча катта, бўйи пастроқ, хўппа семиз, боши юмалоқ, мўйловли йигит. Жавҳар эса озгин, оқиш юз, қирра бурун, кўзлари чақнаб турган, сочлари жингалак, ёши эндигина йигирма олтига борган, бўйчан йигит. Марат ўқишни битириб келиб, қурилишларда ишлади, тажриба орттирди, кейин бригадирлик, прораблик ҳам қилди. Ниҳоят замоннинг зайли билан дегандай, Зарқўрғон район капитал қурилиш бўлимига бошлиқ ҳам бўлиб олди. Жавҳар ҳам у билан дўстлашиб зиён кўрмади, ундан кўп нарсани ўрганди. Тўғри, Маратнинг айрим пала-партишлиги бор, шошқалоқ, андак мақтанчоқроқ ҳам. Аммо ниҳоятда тиришқоқ. Бирор вазифа топширилса, жонини жабборга бериб бўлса ҳам охирига етказди. Энг муҳими, Жавҳарнинг гапини ҳеч икки қилмаган. Бу борада кўп синовлардан ўтган. Ўз навбатида Жавҳар ҳам уни қўллаб-қўлтиқлайди. Уша шифохона лойиҳасига авторлик қилишига ҳам қарши турмади. Дарвоқе, Расул Комилович астойдил қизиқиб қолмаганда ишлар бир йўсинда кетаверган, ҳаёт ҳам бир маромда оқаверган бўларди. Аммо Жавҳарнинг уйқусидан оромини олиб, тажанг қолга солиб қўйган бу ҳам эмас, балки қош қўяман деб, кўз чиқариб юрган бошқа сабаблар бор эдики, булар ҳар эсига тушганда юраги орқасига тортиб кетарди. План, мажбурият, йиллик ҳисобот туфайли охирига етмаган чала ишларни битди, деб қоғозлар ёзилган, қўллар қўйилган. Амакиси бу томонлардан хабар топиб қолса борми...

Топди ҳам. Бир ойдан бери ҳаммаёқни кезиб, билмаган нарсаси қолмади. Аввалги раис ўринбосари бундай ишларга беписанд қарарди. Расул Комилович эса бўш келадиган эмас. Йўл қўйилган нуқсонларнинг биронтасини ҳам бартараф қилишга улгуриб бўлмайди. Чунки ҳаммаси манаман деб, кафтда тургандай...

Шуларни ўйларкан, Жавҳарнинг ранги қув ўчиб, вужудини алланечук бир титроқ босди.

— Чой дамлаб қўйдим, ака, ичинг, — деди синглиси. У айвонга хонтахта қўйиб, дастурхон тузабди. — Нима бўлди сизга, ака, беҳол кўринасиз?

Ж. АБДУЛЛАХОНОВ ◆ ХОНАДОН ◆ РОМАН

Жавҳар чўчиб унга қаради. Сўнг ақлини йиғди. Синглисининг гапига тушуниб, хонтахта ёнига чўкди. Синглиси пиёлага чой қуйиб узатиб, яна юмушига берилди. Анча маҳалдан кейин келиб қараса, чой ҳамон ичилмаган. Акаси бир нуқтага тикилганча хаёл дарёсига фарқ бўлиб ўтирар, оғир уҳ тортиб кўяр эди. Синглиси кўрқиб кетди. Югуриб бориб, онасига шивирлаб, нималардир деди.

— Алланечук ғамгин кўринасанми, болам? — онаси илдам келиб, ёнма-ён ўтирди. — Маратминам нимани гаплашдинг? Бирон нохуш хабар айтдимми? Тинчликми ўзи?

— Тинчлик... — У онасининг ташвишли, айни пайтда маъюс боқувчи кўзларига тикилди. Онанинг ранги сўлгин, кўпдан дард чекиб, хийла азоб-тортганга ўхшарди. Кўзлари атрофидаги майда ажинлар чаккаларигача саноксиз ип тортган, озиб, яноқ суяклари бўртиброк қолган эди.

— Ўзингиз қалайсиз, онажон?

— Бир нави... — деди заифгина товуш билан. Кейин ўзини тетик кўрсатишга уриниб, синиқ жилмайди.

Жавҳар онасига юракдан ачиниб тикилар экан, бир зумгина ўз дардини ҳам унутди. Раҳми келди унга. «Шўрликкинам, — дея ўйлай бошлади ичида, — хасталик хийла енгиб қўйибди-я. Шу икки-уч йил ичи анча дард чекди. Ҳаммаси отам туфайли, унинг бемаъни, бетаъсири қилиқлари туфайли. Анави жувонга айланишиб қолди-ю, тоза хунар кўрсатди-да. Онамининг ҳам бир вақтлар ундан қолишадиган ери йўқ эди. Энди ёши ўтганда отамга кераксиз бўлиб қолдимми? Хўш, нима қилсин? Онамининг айби нима? Ҳамма қарийди, ҳамма нарса ўзгаради, дунёда ҳеч бир мавжудот умрбод бир хилда қолмайди-ку! Буни тушунмаслик — ўта гўллик! Аммо отам гўл эмас. Барига мендан яхши тушунади. Тушунади-ю... Тавба, одам ҳам шунақа бўладими? Бир ёқдан қарасанг, ақл-заковатда тенги йўқ. Эл-юрт учун жонни аямайди-ган жафокаш. Иккинчи ёқдан қарасанг, баъзи ишларига ҳайрон қоласан... Бу томонлари унинг энг яхши фазилатларини ҳам шаррос қуйган ёмғирдай ювиб кетади. Мана яна ўз хотинини ташлаб, курортга кетди. Ёлғиз ўзи бўлсаям майли-я, ўша «хурилиқоси» билан. Буни ҳамма билади, ҳамманинг қулогига етди. Онам бечора озмунча ғам чекдимми! Аммо бари ичида. Ташига чиқармайди ҳеч...»

Она ўғлининг ўйга ботганини кўриб, ҳозир отаси ҳақида гап очишлигини сезди-ю, бунга имкон бермасликка уринди.

— Гапимни бошқа ёққа бурма, болам, — деди у. — Сўровимга жавоб қил! Нима бўлди сенга? Қанақанги қайноқ бола эдинг, ўзгариб қолдинг! Юрагингни нима кемиради, айт. Ҳадеб ёлғиз ўзинг дардингни чайнаб юраверасанми? Ерилсанг-чи! Ишингда бир гап бўлганми ё?

Жавҳар сирни очишни ҳам, очмасликни ҳам билмай ўйланиб қолди. Чунки очиғини айтиб, шундоқ ҳам дардчил онанинг юрагига нашта уриб қўйишдан чўчирди. Бироқ индамаслик ҳам инсофданмас.

— Амаким ишимизни тафтиш қилмоқдалар, — деди у маъюс оҳангда, — анча ишқалликка йўл қўйган эканмиз... Шунга бир ёқдан хижолат тортсам, бир ёқдан... рост гап, анча ҳадиқдаман. Эрта-индинга шармандам чиқиб, масхара бўлиб қоладиганга ўхшайман...

Она бир зум бўшашди. Ўғлига ачинди. Аммо Жавҳар шошиб уни юпатиш пайдан бўлди.

— Сиз ташвиш тортманг, она, ҳаммаси жойига тушиб кетади, юрагим сезиб турибди.

— Юпатма, болам, — деди онаси ҳам, ҳайрон қоларли даражада ўзини босиб олиб, тасалли беришга ўтаркан, — кўнглингниям бузма, иш бор жойда камчилик бўлади. Астойдил уринсанг — тузалади. Амакингни биламан, у калта ўйлаб сени чуқурга итариб, қараб турадиганларданмас. Отанга тортмаган. Беҳуда айилботар гаплар қилишнниям билмайди. Мабодо, адашган жойингни очиқ-ёриқ айтиб, йўл-йўриқ кўрсатса — қулоқ сол. Таъна-дашном берса — бўйингни эг, илло-билло терс гапириб қўйма. Тўғри таёқ — балога тўқмоқ,

дейдилар. Тўғри сўзига хўп дегин. Ҳа, шунақа қил, жон болам, шунақа қил. Сақланганга бало йўқ, сақланмасанг — даво йўқ. Бу ҳикматнинг маъзини чак, фойдаси бор...

Онанинг панд-насихат билан берган тасаллиси кор қилдими, ҳарқалай, Жавҳарнинг чеҳраси ёришди. Айвон лабига келиб, ёнган баданини шабадага тутди. Ҳовли беткайидаги гулзор узра оқайтган кран тагига бўйини тутди. Обдан ювинди. Уйга кириб, енги калта кўйлагини, қайси бир хорижий мамлакат фирмасининг жимжимадор темир тамғаси қадалган жинси шимини кийиб чиқди.

Синглиси ҳовлига сув сепиб, супуриб-сидириб юрарди. Ҳамон кран суви шувуллаб ариқчаларга таралаётган ерда бир жуфт чумчуқ сакрашиб юрар, сув шабадасидан фароғат топиб, чир-чир сайрашарди.

Эрта баҳордан то кеч кузгача атрини анқитиб турадиган гулзор теварагига ҳозир яна файз ёйилмоқда эди. Стол, стул кўйилди.

Дарвозадан кирган киши бу ҳовлининг чиройига ошуфта бўлиши шубҳасиз. Қатор хоналардан иборат шинам айвонли, баланд болохонали кунгай тушган бинонинг ўнг томонида беш-олти туп мевали дарахтли кичкина боғча, дарахтлар тагидаги кафтдай-кафтдай жойларда ўсган резаворлар кўзни яшнатади. Ҳовлининг чап томонини каттагина ошхона эгаллаган. Унга ёнма-ён бостирма, тандир қурилган. Дарвоза билан бостирма ўртасида эса икки машина бемалол сиққудай гиштин гараж. Жавҳар гараж томон йўл олди. Бунни кўрган синглиси онасидан шивирлаб сўради:

— Қаёққа бормоқчилар?

— Кўчагадир-да, — деди онаси ҳам ўғлининг орқасидан қараб тураркан, — димикқан уйда ҳаво кўрмай тоза биқсиди болам бояқиш, айланиб, овуниб келсин...

II

Кеч кириб келарди. Майин шабада далалар узра кезар, кун бўйи иссиқдан ўзини панага олган қушлар нағмаси авжга чиқар эди. Олис дарёнинг нариги соҳилидаги ям-яшил кенгликлар шишаранг тусда ярқирайди, бахмалдай товланади, қир ортига ботган қуёшнинг сўнгги нурлари ҳамон баланд осмон четини ёритиб турибди. Кўкнинг у ер-бу ерида қалқиган булут парчалари аста фазовий бўшлиқ қаърига сингиб бораётгандай. Теварак гувур-гувур билан тўлиб, дақиқа сайин ҳамма-ёқ жонланмоқда, ёш-ялангнинг шўх кулгилари ҳовли, дала шийпонларидан таралаётган ёқимли куйларга ҳамоҳанг.

Жавҳар «Жигули» машинасини оҳиста ҳайдаб чиқди-да, шундоқ-қина дарвоза олдида шарқираб оққан ариқ ёнида тўхтади, ҳафсала билан ойналарини артди. Чанг-ғубордан тозаланган шоколад рангидаги машина ялтиллади. Билагидаги соатига қараб, машина соатини тўғрилади.

Жавҳар сафар олдидан ана шундай ҳашам-тушамларни ўрнига кўймагунча кўнгли тўлмасди.

Машина шарал тўкилган йўлдан силкина-силкина юриб кетди. Аммо қишлоқнинг марказий кўчасига чиқди дегунча газни шундай қаттиқ босдики, кўз очиб-юмгунча тезлик кўрсаткичи «120»га яқинлашиб қолди. Қарши томондан келаётган бошқа машиналар гир-гир ўзларини четга олар, ҳайдовчилар қабина ойнасидан бош чиқариб, сўкиб ўтишар эди.

«Жигули» елдай учган сари Жавҳарнинг завқи ошарди. Саф-саф толлар, тераклар, йўлка бўйлаб хотиржам одимлаётган одамлар ҳам кўз ўнгидан лип-лип ўтиб, шитоб билан ортга чекинарди.

Жавҳар район марказига етганда ҳам тезликни пасайтирмади. Чорраҳада турган милиционер таёғини кўтариб, тўхтатишга чоғланди-ю, таниш номерни кўргач, шахдидан қайтди-да, честь ҳам бериб кўйди.

Жавҳар амакисини уйдан тополмади. Райижрокомда навбатчи-

лик қилувчи милиция ходимидан бўлак ҳеч ким қолмабди. Ҳафсаласи пир бўлиб, бўшаши. Яна йўлга тушди. Энди машинани секин ҳайдади, алламаҳалда «Авангард»га қўшни Янгиобод ерига етиб келди.

Манзилга етганда машинасини четроққа келтириб қўйди-да, уйлардан бири атрофида айланиб қолди. Ҳозиргина осойишта уриб турган юраги ногоҳ ҳаприқа бошлади. Бу бесаранжомлик айниқса унинг сардарасига етганда яна кучайди. Ичкарига кираверишни ҳам, кирмасликни ҳам билмасди у. Бир неча кунгина аввал бундай иккиланишларга берилмасди ҳеч. Дангал иккинчи қаватга кўтариларди-ю, қадрдон эшикнинг кўнғироқ тугмачасини босарди, кўзлари чарақлаб, бутун қиёфаси ажиб латофат билан яшнаб чиққан қиз эса уни шодон қаршиларди.

Ҳа, улар бир-бирларига кўпдан майл бериб юришарди. Жавҳар қизни дам-бадам машинасида сайр этдирар, дарё бўйларига бошлар, қиз ҳам унинг таклифларини ҳеч рад қилолмасди.

Жавҳар аввалига у ўзидан олдин ижрокомда ишлаб, кейин бўшаб кетган архитекторлар бўлимининг собиқ бошлиғи Акбар Қодировнинг қизи эканлигини билмаганди. Билгач, ғалати бўлиб кетди. Унинг ўрнини эгаллаб олганлиги етмагандай қизига ройиш бериб юрганидан хижолат чекди. Отаси билиб қолса, қандай бўларкин, дея ўзига ўзи савол берар, аммо кўнғил измидан чиқолмасди. Ишдан чиқди дегунча Янгиободга чопарди.

Жавҳар шу қизга уйлангиси келарди. Учрашувларнинг бирида ниятини изҳор қилди ҳам. Қиз уялиб, ерга қаради. Сукут — аломати ризо. Жавҳар шундай деб тушунди.

Амакиси туфайли бошига тушажак ноқулай можаролар бутунлай фикрини банд қилиб, қиз тўғрисида ўйлашга ҳам имкон қолмади. Кун ора эшик қоқиб келишларини бас қилди гўё.

Мана, яна сардара олдида иккиланиб тураркан, қизнинг сояси кўришиб қолармикин, деган умид билан чироқ порлаган таниш деразадан кўз узмасди. Маъшуқасининг рангпар, тиниқ чеҳраси, пок ва маъсум боқишларини кўз олдига келтирар, мулойим овозини эшитаётгандай бўлар, аммо ҳамон остона босишга андиша қилар эди.

Охири сабри чидамади. Таваккал қилиб, битта-битта босганича иккинчи қаватга кўтарилди. Эшик ҳам худди кўнғироқ чалинишига маҳтал тургандай зарб билан очилди.

Қиз ҳайрон бўлиб, келувчини илк бор кўраётган одамдай диққат билан разм солди.

— Сизмисиз?

— Ҳа, мен, Нозима...

Нозима саросимага тушди. У йигитнинг кўзларига тикилиб қолди. Кечирим сўраётгандай кулимсираган кўзлардаги самимиятни пайқаб, анча енгил тортди. Бейхтиёр ўзининг юзида ҳам табассум пайдо бўлди.

Йигит унинг қўлидан тутди. Зиналардан тапир-тупир югуришиб кўчага отилдилар.

— Мени кечир... Келолмадим... — деди Жавҳар қизни машинаси-га ўтқазаркан, — шунақа бўлиб қолди...

— Энди бутунлай кўрмасам керак, дуб ўйлагандим, — деди Нозима араз ва гинахонлик билан, — бугун ҳам кўрмасам, ҳолим не кечишини билмасдим...

У соғинган кўнғилига тасалли тополмай қанчалик қийналганини рўйи-рост гапириб берди.

Машина деразасидан кирган ёқимли шабада юз, кўзларни сийпарди. Дала ҳавоси мусаффо. Осмонда бир парча булут йўқ.

Жавҳар шопилмай ҳайдаётган машинасини бирдан тўхтатди. Қизга тикилди.

— Мени кечирдингми, Нозима? — деди у шодиёна энтикиб.

— Ҳа, — дея бош ирғади қиз.

— Ҳеч иложи бўлмади-да...

У қизнинг икки елкасидан авайлабгина тутди. Аста ўзига тортиб,

юзларидан ўпиб олди. Нозима қаршилиқ қилмади. Йигит яна ўпди, яна...

Қиз бошини эгиб, унинг кўксига қўйди. Сочларининг хушбўйи димоғига урилди.

— Нозима, — деди Жавҳар ниҳоят, — мени мушкул ҳолга солиб қўйган бир гапни айтсам, хафа бўлмайсанми?

— Шунчалиқ хафа қиладиган нарса бўлса, айтмай қўяқолинг...

Жавҳарнинг нафаси ичига тушди.

— Майли, гапиринг, хафа бўлмасликка ҳаракат қиламан.

— Гап биттами?

— Битта!

— Бўпти, эшит бўлмасам: мен ёлғизмасман, Нозима, ҳозир олти ёшга кирган қизчам бор.

Нозима ҳам ҳайронлик, ҳам алаҳзадалиқ билан:

— Уйланганмисиз? — дея сўради.

— Ҳа... аммо тушун... Бирга турмаймиз... Анча бўлган...

Қиз хомуш тортиб қолди. Агар ёруғ бўлганда, Жавҳар қизнинг мурдадай оқариб кетганини кўрган бўларди.

Бир нафасдан кейин шартта эшик очилиб, қиз ташқарига отилиб чиқди. Телба янглиғ югуриб кетди. Туннинг қора пардаси қуршовида қаёққа кетаётганини ўзи билмасди. Оёқ ости нотекис бўлгани учун тусмол билан қадам ташлар, нималаргадир қоқилиб, ерга муккасидан тушишга оз қоларди. «Эвоҳ, бу қандай кўргилик? — дея қичқирарди ичидаги бир овоз, — э, бадбахт, кимга ишониб, кимга умид боғлаган эдинг!.. Бари, барчаси туман сингари тарқади, кетди-ку?»

Ишнинг оқибати бундай кескин тус олиши Жавҳарни каловлантириб қўйди. У Нозиманинг ортидан югуриб, етиб олди. Лекин, гўё тили танглайига ёпишиб қолгандай, анчагача жим турди.

— Нозима. Нозима, — деди ниҳоят энтикиб. — Мен сендан камроқ қийналдимми?.. Гўзалга... хотинимга хат ёзиб, ажрашайлик, деб ялиндим, ёлбордим, ҳеч қанақа жавоб бўлмади. Бошим қотиб қолганди менинг.

Нозима бир қадам ортга чекинди, чимирилиб турган қошлари бирдан пирпиради. Йигитнинг юзига беҳос тарсаки тортиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Мени лақиллатмоқчимидингиз? — деди у. — Мен аҳмоқ, беақл қиз сизга чиппа-чин ишонган эқанман-а! — Шундай дедию шартта бурилиб кетиб қолди.

Тарсаки тушган юзидан кафтини олмай яна қиз ортидан борди Жавҳар.

— Тўхта, гапимга қулоқ сол! — қизнинг қалтираб турган қўлини тутмоқчи бўлди, аммо қиз чаққон қўлини тортиб олиб, орқасига яширди.

— Яқинлашманг! — амирона буйруқ берди у. — Орқамдан эргашманг!

Жавҳар учун итоат қилишдан бошқа илож қолмади.

— Тўхта, машинада обориб қўяй...

— Ўзим кетавераман, бўри ермиди!

Қизнинг аъзои-бадани ҳамон қалтирарди.

Оёқ остида ўт-ғиёҳлар шитирларди. Қуюқ зулмат қучоғида, ондасонда битта-яримта чироқнинг милтиллаганини ҳисобга олмаганда, атрофни кўриб бўлмасди. Ана шу милтиллаган чироқ ёруғида узоклашиб бораётган Нозиманинг қораси аҳён-аҳён кўзга ташланарди.

Анча жойга етганда қизнинг олдини қандайдир соя тўсиб чиқди. Бир зумдан сўнг эса икковлари ҳам, гўё эриб кетгандай, қоронғулик ичида ғойиб бўлдилар. Жавҳар яна югурмоққа чоғланди-ю, бироқ, негадир, карахтланиб қолгандай, оёқлари турган еридан қимир этмади. Тасодифан пайдо бўлиб қизни қаёққадир бошлаб кетган кишининг кимлиги Жавҳар учун сирлигича қолди.

Айтилмаган қўноқ — йўнилмаган таёқ, деб шунга айтсалар керак. Расулжонни кутиб олувчи бўлмади. Поли ёғ тушса ялагудай топ-тоза ювилган йўлакда жимжитлик ҳукм суларди. Расулжон киришга кирди-ю, энди қайтиб чиқиб кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билмай серрайиб тураверди.

— Ким бор-ов! — дея овоз бериб кўрди-да, шундоққина ўнг ёнидаги хонага мўралади.

Бу — ошхона экан. Ошхона қаршисидаги очиқ эшикдан чўғдай гилам устига солинган кўрпачалар, ўртадаги хонтахтага ёзилган дастурхон кўзга ташланди. Нон ушатилганига қараганда, яқингинада кимдир тамадди қилиб кетгандай эди.

Расулжон ортига қайрилган эди ҳамки, ичкаридан аёл кишининг пиқ-пиқ йиғлаётгани эшитилди. Расулжон таққа тўхтади.

— Биров борми уйда? — қайта сўради, овозини баландроқ кўтариб.

Ичкари бирдан жимиб қолди. Ниҳоят ниманингдир тақ этиб полга тушгани, сўнг енгил чувак судраган оёқ товуши эшитилди. Кўп ўтмай енгисиз, нимранг гулли кўйлакдаги хипча белли ёш қиз кўринди. Бир оз тўзғиган тимқора сочларини нари-бери тартибга солган бўлди-ю, эшик раҳига суянганча турган дароз кишига «кимсиз» деган назар билан тикилди. Унинг қалин киприклари пирпирар, кўзларида қандайдир алам, ғазаб бор эди.

Қиз дарров таний қолмаганига Расулжон ҳайрон бўлди. Тўғриси, ўзи ҳам уни зўрға таниган эди. Кечаги оқшом содир бўлган воқеа муносабати билан тасодифий учрашувда ҳам бу қиз қадрдон дўсти Акбарнинг фарзанди эканлигини хаёлига келтирмаган эди. «Қизи тушмагур бўй етиб қолибди-я», деб ўйлади ичида. Кўнгли ҳам ёришиб кетди.

— Исминг Нозимами? — сўради у.

Қиз киприкларини яна пирпиратди, бир қадам ортга чекинди-ю, юзини нозик бармоқлари билан яширди.

— Мени кечиринг, — деярли шивирлаб гапирди у. — Кеча қў-полроқ гапиривордим сизга, танимабман...

— Ҳечқиси йўқ. Мен кимман, энди билгандирсан? Гўдаклигингда елкамда кўтариб юрардим.

Сукут бир-икки дақиқагинага чўзилди. Кейин Нозима бошини шахт кўтариб, ҳайрат ила боқди.

— Расул амакисиз, — дея зўриқиб жилмайди.

— Баракалла, топдинг, қизим. Айбга буюрмайсан, товушимни эшитмадинг, кириб келавордим.

— Хуш келибсиз, амаки... Отамлар кеп қоларла. Кўрпачага ўтинг, ҳозир чой дамлайман.

Қиз шундай дедию ўзини йўлак охиридаги учинчи хонага урди. Кўп ўтмай бутунлай бошқа қиёфада — сочлари тартибга солинган, силлиқ таралган, енгил ҳарир кўйлакда чиқди. Ҳозиргина қизаринқи-раган кўзлари энди кулиб турарди.

— Ижрокомга янги одам ишга келганлиги қулоғимга чалингандай бўлувди-я, — деди қайта дастурхон тузатиб, чой дамлаб келгач, — ҳозир ўйлаб-ўйлаб, ўша сизлигингиз миямга келди.

Расулжон елка қисди-да, қувлик билан:

— Балки гапинг тўғридир, — деб қўя қолди. — Ўзинг ёлғиз ўтирибсан, бошқалар қани?

— Онам ишдалар, укам мактабда, отам аллақаяёққа бориб келаман дегандилар.

Шу маҳал эшик очилиб:

— Мен шу ердан!.. — деган овоз келди.

Ичкарига кенг гавдали, юзи қип-қизарган, кўзойнакли Акбар кириб келди. У уйда киядиган олачипор чолворда, майкачан бўлиб,

майка остидан юмалоқ қорни ҳам дўшпайиб турарди. — Ий-е, кел, амалдор, — деди Расулжонни кўрибоқ, — қайси шамол учирди? Биздақа хонаки одамларни писанд қилмай кетгандирсан, деб ўйлагандим. Хайрият, хайрият...

Икковлон бир-бирлари билан қучоқлашдилар. Акбарнинг бақувват қўллари Расулжоннинг белини шундай қаттиқ қисдики, суяклари қисирлаб кетди.

— Бўлди, бас қил, зўравон! Қорнингга раҳминг келсин ақалли, ёрилиб-нетиб кетсанг, хотинингдан балога қолмайин тагин.

— Мана шунақа, хонаси келганда қасдингни олишга нима етсин!
— Етар, етар, кучингни мунча пеш қилмасанг, кўряпман, қураманинг буқасидай золдир тортиб кетибсан, дошқозон!

— Ўзинг-чи, лайлак гузарининг минорасидай кўкка бўй тортганинг тортган, холос? Осмон устунга муҳтожми? Ана бораман идорангга, мана бораман, на олдингга кириб бўлади, на юзингни кўришга илож бор. Котибангнинг меъдасига зиғир ёғдай тегиб кетдим. Мени кўрди дегунча, оғзимни очиб улгурмай «у киши йўқлар», дейишга шопади. Ўрнингга ўтирасанми ҳеч? Қаёқларда тентираб юрасан?

Расулжон шалдир-шулдир дўстининг ҳазиломуз койишларини сабр-тоқат билан эшитди-да, ниҳоят гап қотди:

— Менга қара, дошқозон, мавридини топдим деб, қайнайверасанми? Аввал отамлашиб олайлик. Қойил-е, салом-алик қилмасимиздан чиппа ёпишасан-а! Идорадан тополмаганингга келсак, ишим шунақа, янги одамман, атроф-теварак билан танишиб юрибман. Тушундингми?

— Танишиб юрибман, эмиш. Бир ойдан бери-я?

— Бир ойдан бери. Ахир бу ерларда ўн тўққиз йил бўлмадим. Ҳаммаси ўзгариб кетибди. Қуни кеча томма-том ирғишлаб юрган жойларимизни таниб бўлмайди.

— Чоркапагаям бордингми?

— У ёқларга ҳали улгурганимча йўқ. Бошқа ҳамма хўжаликларни айланиб чиқдим.

— Хўш, қалай?

— Бу тўғрида кейин гаплашамиз. Ўзингнинг ишларинг қалай?

Акбар ҳафсаласи йўқ одамдай қўл силтаб қўйди. Кейин чой қуйиб, узатиб ўтирган қизига юзланди-да, енгил пўписа қилди:

— Ҳой, қизим, амакингни қуруқ чой билан меҳмон қилаётганмидинг, ошга уннамайсанми дарров? Тўхта-тўхта, яна кўз ёши қилибсан шекилли? Арзимаган гапга мунча эзиласан қадеб?

— Унгамас, — деди Нозима ва туриб, ошхонага йўл олди.

— Нимага бўлмаси? — қизининг ортидан бир зум қараб турган Акбар ҳасратга ўтди: — Тавба, ҳозирги ёшларга ҳайронсан-да, эрталаб, хонаси келганда қитдай тергаб қўювдим, шундан бери қошқовоғини очай демайди. Ота деган уришади, дакки беради-да, ё ҳаққим йўқми? Онаси тергаса, майли, парвойи палак. Манинг битта гапим қаттиқ бота қолади. Қани, бўл, қизим, сабзингни олиб кел, ўзим тўғраб бераман.

Расулжон унинг гапини бўлди:

— Ишингдан гапир, батафсилроқ билмоқчиман.

— Билганингда ёрдам қилмоқчимидинг! Ке, қўй, ҳозир жанжаллашиб қоламиз худди. Министрликдалигингга, ҳамма нарсага қурбинг етадиган маҳаллар ёрдам беролмаган, энди берасанми?

— Балки шунинг учун келгандирман бу ерга?

— Тилимни қичитмасанг-чи, — Акбар шундай ранжиб гапирардики, гўё бутун дуч келган омадсизликларига ёлғиз дўсти айбдору, шунинг учун қоралаётгандай ҳозир, — хўрознинг қичқириши қўноққача. Қўноққа чиқдим, тамом, уйқуни уриб, ором олаверади. Ҳамманг мансабга миниб олсанг, бас, пастдагиларни кўрмай қолади кўзларинг. Битгаси ақангми?.. Бир вақтлар ундоқ қилодирмиз, бундоқ

килодирмиз, деб ваъда беришга уста эди. Энди кимсан, миллионер колхозга раис, унча-бунчани писанд қиладиганмас. Унинг олдига киришдан обкомга кириш осонроқ. Ваъдалари тагини аллақачон суз уриб кетган.

Акбар билан ўчакишиб бўлмасди ҳозир, Расулжон буни тушунди. У дўстининг кўкимтир томирлари бўртиб турган калта бўйни, қовоқлари остидаги ажинлар, оқ оралаган сочларига қараб, яқингинада чирсиллаб юрган, лўппи юзли, ҳар нарсага қиқирлаб кулаверади-ган, кўҳлироқ бирор қизни кўрганда тортинмай-нетмай бориб, гапга солиб, илашиб кетаверади-ган ниҳоятда шўх йигитни эсладию бирдан кўнгли алланечук бўлиб кетди. Вақт шунчалик тез ўтди-ми-я?

— Мен қишлоқларимизнинг эртанги қиёфасини ўйловдим, оғайни, — деди у қизишиб. — Тўғри, ишдан кеткизишди, лекин ҳозиргача бу фикр тинчлик бермайди. На уйқумда оромим бор, на ўнгимда...

— Хўш, қанақа бўлиши керак қишлоқларимизнинг эртанги қиёфаси?

— Киноя қилма, оғайни... У ниҳоятда гўзал бўлиши керак. Ҳар ёқлама қулай бўлиши керак. Ҳозирги қурилаётгандай қават-қаватмас... Бир қаватли, айвони билан бўлсину ҳовлисида молхонаси, товуқхонаси, канализацияси, водопровод, гаражигача... Уйлари тахта полли, кўчалари асфальт... Кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, магазинлар, мақтаб, боғчалари шинам-шинам бўлсин.

— Уч-тўрт қаватли уйларнинг сенга нимаси ёқмайди? Ундаям яшаш учун қулайликлар етарли-ку?

— Етарлимас. Дала ҳавосига қониб, табиат кучоғида яшашга ўрганган одамлар учун етарлимас! Тўғри, унақа уйларнинг туалети ичида, ваннахонаси, газ печкали ошхонаси, қишда иссиқ бўлишлигидай афзалликлари озмас. Ана шу афзалликлар ўзига тортиб туради. Одамлар, айниқса, ёшлар шуларга қизиқиб, кўчиб боришаверади. Аммо вақт ўтиши билан зерика бошлайдилар. Бир-бирларининг сасадоларини эшитиб, қўшиқларига жўр бўлиб туришларига не етсин. Шунда бамайлихотир яшайдилар, дала ишигаям бажонидил чопадилар. Меҳнатлари унумли бўлади. Қишлоқ жойда нима кўп, тўй, маърака кўп. Тўрт девор ичига кириб олишгач, бунақа имкониятлар қаёқда?

Расулжон кулди.

— Нима қилти, маданий тараққиёт тақозоси шу!

Акбар истеҳзоли кулди.

— Ҳамманг битта гапни билиб олсанг бас, жағинг толмай қайтараверсанлар... Хутор системасини тугатиш баҳонаси билан майда қишлоқлар билан бир қаторда аҳолиси кўп катта-катта қишлоқларни ҳам йўқ қилишди, ўша жойлар ҳисобига экин ерларини кенгайтиришди. Аҳоли эса марказлашган янги қишлоқларга кўчирилди. Чоркапага қўшни Сўлимбек қишлоғи ҳам таг-туғи билан йўқ қилинди. Энди навбат Чоркапага етибди. Чунки катта хўжалик бошлиғи Қобул Комилович Чоркапани кўчириб, ўрнига завод қуришни ният қилибди. Шу фикр унинг миясига ўтириб қолган, ниятини амалга оширишга астойдил киришган кўринади. Шунинг учун эртаниндин Чоркапаниннг ҳам умри тугайди, дегандай ҳукм чиқариб қўйиб, уни ободонлаштиришни бутунлай унутиб қўйишди. Яқингача ҳам яшнаб, гавжумлашиб турган қишлоқ йилдан йил пилиги тугаган чирокдай хира тортиб, ҳувиллаб қолди. Аҳолини тезроқ кўчириш учун эса уларга қишлоқ марказида уч-тўрт қаватли уйлар қурилаверди. Бу қурилишлар барча хўжаликлар учун қабул қилинган яқкаю ёлғиз лойиҳа асосида, бир хил қолипда қад тикламоқда энди. Натижада менинг лойиҳам инobatга ўтмай қолаверди. Тайёр, тасдиқланган лойиҳа турганда, ҳали тажрибадан ўтмаган, «чиллаки» лойиҳани ким назарга иларди дейсан. Хуллас, Акбарнинг омади юришмади. У ёққа югурдим, бу ёққа югурдим, ёзган хатларим қайтиб келаверди, баъзилари шу ердагиларнинг қўлига тушиб, «ёзмачи»ликда, «шико-

ятбоз»ликда айблашди. Буниси ҳаммасидан ўтиб тушди. Акангга ўхшаган бообрў кишилар ёрдам беришга ваъда қилишади-ю, лойиҳани ўз хўжаликлариди синовдан ўтказиш борасига келганда, чўчишади. Ахийри ҳамма нарсага қўл силтадим, ариза бердим. «Янгиобод»га келиб, мактабда чизмакашликдан дарс беряпман.

— Ишдан кетмаслик керак эди, — деди Расулжон танбеҳли оҳангда, у ўрнидан туриб, дўстининг ёнига келди-да, елқасига қўлини қўйди. — Кимга аччиқ қилгандинг, коллективгами?

Акбар бошини даст кўтарди. Қовоқлари асабий титради.

— Нима қилишим керак эди? Ўз манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўяди, ундай-бундай деб тухмат қилишсаям юравераймиди? Ёлғиз ўзимнинг қўлимдан нима келарди?

Расулжон яна кулди.

— Жуда унчалик ёлғиз қолмагандирсан, наҳотки бутун бўлимнинг сенга қарши турган бўлса? Ҳайдар Ғуломович-чи?

— Хўш, ходимларим нима қила оларди? Сувнинг оқимига қараб иш тутайди бари. Бирон эътиборлироқ одам закон сўқиб қолса, дарров ўша томонга оғиб кетишади. Бирида қатъият етишмайди, бирининг хушомадгўйлиги тутиб қолади... Ҳайдар Ғуломовичнинг ўта бюрократ одам.

— Бас қил, бировни қоралашга уста бўлиб кетибсан. Салдан салга ёниб кетавериш касалинг бор, биласанми шунини? Хўш, кимга ётиги билан тушунтирдинг, кимга арз қилдинг?

— Обкомга бордим, газетага ёздим...

— Босишдими?

— Қабқда босишади. Текширувга юборишган одамларини бу ерда тоза гапга солиб, қўйини пуч ёнғоққа тўлғазиб жўнатишди.

— Унда Марказкомга ёзиш керак эди, — Расулжон қизишиб ўрнидан турди-да, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. — Қойил-е, чамамда бир турткилик ҳолинг бор экану!

Акбар ҳам ўрнидан туриб кетди.

— Гапир-гапир. Сендақага гапириш осон.

— Бақирма! Ҳақиқатни икки қўллаб қўлингга тутқазишларини кутганмидинг? Лойиҳа соҳасида илми бор, тажрибалироқ кишилар, олимларга юбориб, мулоҳазаларини сўрасанг ҳам бўларди.

— Мулоҳазалар йиғмабманми? Нечтаси керак сенга? — Акбар дўстининг қўлидан ушлаб, йўлак тўридаги бошқа хонага тортиб кетди.

Бу хона Акбарнинг кабинети, ҳаммаёқ чертёж ўрамларига тўла. Ҳатто китоб жавонларининг устида, ёзув столининг ёнларида ҳам ўрам-ўрам қоғоз уюлган... Акбар ғаладондан папка олиб, Расулжоннинг қоқ бурни остида силкитди-да, кейин стол устига улоқтирди. Расулжон кўкиш папканинг ипини ечиб кўра бошлади.

— Булар озлик қилса, яна топиб бераман. Ҳар куни ишдан келиб ўқисанг, бир ойга етади, — деди Акбар ҳамон қизишиб.

Ҳақиқатан ҳам Акбар ёзган хатларнинг иккинчи нусхаси ва уларга келган жавоблар папкага тартиб билан тикиб қўйилган экан. Хатларнинг кўпчилигини оддий ходимлар, колхозчилар ёзган, улар лойиҳа муаллифига турли саволлар билан мурожаат қилишар, ўз мулоҳазаларини билдиришар, бу ғояни тезроқ амалга ошириш мумкинми-йўқми, бордию мумкин бўлса, қачон ва биринчи иш қаердан бошланади, деган саволларидан самимият, соддалик ёғилиб турар эди. Шунингдек, Акбар ўқиган институтнинг ўқитувчилари, айрим фан арбобларидан ҳам хатлар бор эди.

— Гап бундай, оғайни, — деди Расулжон, — район марказининг бош плани менга унча ёқмай турибди. Ўзгартирадиган, тузатадиган жойлари бор чамамда.

— Адресдан адашибсан. Уни мен тузмаганман, тасдиқламаганман ҳам...

— Биламан, сендан олдинроқ ҳал бўлиб, тасдиқдан ўтган. Аммо уни ўзгартириш, бойитишимизга ҳуқуқлимиз, деб ўйлайман. Ҳамма

гапимизга тушуниб етмайдиган бўлиб кетмагандир? Асл нусхасини ҳам сақлаб турамиз. Уша асл нусха асосида янги нусха тайёрлайсан, макетини ҳам ўзинг бош бўлиб дўндирасан!

— Ҳамма нукул ўзим бўлсам, деркан-да... — тўнғиллади Акбар, — хўш, мен-чи? Менинг мана бу ишларим нима бўлади? Моғорлаб ётаверсинми?

— Майли, оғайни, лойиҳангни кўрсат, — деб илжайди Расулжон. — Танишайлик-чи.

Акбар каттакон қоғоз ўрамини шалдиратиб қоқ-қуруқ полга дастурхондай ёйди. Расулжоннинг кўз олдида янги бир дунё аста жонлана бошлади. Чоркапанинг азалий, эгри-бугри жинкўчалари ўрнида кенг асфальт йўллар, йўлнинг икки ёнидан ёқалаб саф тортган дарахтзор ҳовлилар... Гузарлар одамлар билан гавжум. Чойхона, ошхона, болалар боғчаси, спорт майдонлари... Адир этагидаги қанча-қанча бўш ётган ерларгача янгича қиёфа кашф этган. Магазинлар, маданият уйи, новвойхона, касалхона, мактаблар ҳам ўша томонда жой-жойини топган. Ҳаммаёқ тартибли, саришта...

Шарқ уфқи эндигина қизариб келмоқда. Осмон баланд, худди шишадай кўм-кўк, мусаффо. Адир бағрида қўй-сигирлар ўтлаб юрибди.

— Жуда зўр, — деб юборди Расулжон ҳаяжонини яширолмай. — Чоркападагидай шиша ранг булоқли маскан ҳеч қаерда йўқ, — деди Акбар, — шунақа жойларни обод қилиш ўрнига вайрон қилиш керакми?

— Ким вайрон қилмоқчи?

Акбар унга синовчан тикилиб қолди:

— Узингни билмаганга олма. Аканг бир йил ичида ҳаммани кўчирмоқчи-ку?

Ҳа, Расулжон буни эшитган заҳоти ҳайрон бўлган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳеч қуюшқонга тўғри келмайдиган гап-да. Чоркапа беш-олти хонадондан иборат бўлса бошқа гап эди. Лекин унда уч минг нафар аҳоли истиқомат қилади-ку?

— Хўш, қалай, ёрдам берасанми, ё..

Расулжон жавоб қайтаришга улгурмади — остонада Рухсора кўринди.

II

Рухсора меҳмонни дурустроқ кутиб олмаганлари учун эри билан кизини койиган бўлди. Узи эса бошқатдан дастурхон ёзди.

— Хўш келсиз-да, Расулжон ака, — дерди у дастурхонни ноз-неъматга тўлдирга туриб. — Сайёрани бошлаб келсангиз бўлмасмиди?

— Сайёра ишда, болаларининг ўқиши бор. Уларни ташлаб олисга кета олармиди?

Орага Акбар суқилди:

— Хабаринг йўқми, ҳали, Расулжон районимизга ишга келган, амалдор бўлиб...

— Бемаъни гапларингни қўйсанг-чи, амалдоринг нимаси? — деди Расулжон, — шунчаки ижрокомда раис ўринбосариман.

— Хабарим бор, — деди Рухсора, — бир ойча бўлди эшитганимга. Бола-чақангизминан кўчиб келгандирсиз, деб ўйлагандим. Кейин билсам, ўзингиз келибсиз. Сайёраҳон ҳалиям архивда мудирми? Игитали, Қўрбонжонларнинг бўйлари чўзилиб қолгандир-а?

— Қўрбонжон олтинчи синфда ҳозир, Игитали ТашГУнинг фалсафа факультетида, биринчи курсга борди бу йил...

Рухсора ҳамон бурунгидай сарвқомат, юзи қизарган, қошлари қуюқ, қўй кўзлари сокин боқарди. Биалақари хиёл тўлишган, сочлари қопқора, аммо аввалгидай жингалак эмасди.

— Узингизнинг ишингиз қалай?

— Мен болалар боғчасидаман. Ишимдан нолийдиган ерим йўқ.

Ўзимга ёқади. Ушаларга ўрганиб, боғланиб қолганман. Бир кун уйда ўтириб қолсам, юрагим торс ёрилиб кетгудай, сиқилавераман. Уйда ўтиришни дўстингизга чиқарган. Ҳафтада уч марта мактабга бориб, дарс бериб келадигла-ю, кейин гивир-гивир уйдан чиқмай чизмакашлик билан оворалар.

Ошхона эшигини очиб, Нозима мўралади.

— Ошнинг гурунчини солаверайми? — сўради у.

— Ҳалиям дамламадингми? — нолиган бўлди онаси, — мунча имилламасанг, бўл, тез. Шакароб қилишним унутмагин. Ҳой, тўхта, нимага кўзинг қизарган, йиғлаганга ўхшайсан-а, тинчликми?

Нозима онасига истеҳзоли қараб қўйди-да, эшикни ёпиб олди. Яна ноўрин гап. Қизининг сирини очиб қўйгандай тилини тишлади кейин.

— Акангизникигаям кўриниб келдингизми? — сўради.

— Кеча оқшомда ўша ерда эдим. Янгам, жиянларим билан бирга бўлдим. Акам икки ойга Қисловодска кетибдилар. Қишда қурултойга борганларида кўргандим ўзларини. У кишининг вақти доим зиқ. Аэропортга самолёт қўнмасдан туриб, қайтиб кетиш тураддудиди бўладилар. Сенинг мингта қалъангдан ўзимнинг далам яхши, дейдиганлардан эмасларми.

— Пахта деса ўзини томдан ташлайди аканг. Ҳа, бу жиҳати порядкаи! — гапга суқилди Акбар.

— Жавҳаржон яқингачаям эшик қоқиб келиб, Нозимамни ҳолижонига қўймай чақиргани-чақирган эди. Уйда йўқ кунлари остонада соатлаб ўтирарди.

— Ана холос, гап қоқи очилиб кетди-ку бунинг. Ҳали-бери жағи тинмайди энди, — жеркиб берди эри.

Расулжон унга қулоқ соларкан, кутилмаганда хаёли қочиб, кечаги оқшомни ёслади.

...Тушдан кейин чиқиб кетган Расулжон дала-қишлоқларни айланиб юриб, кеч бўлганини сезмай қолди. Ниҳоятда чарчаган, оёқлари ўзига итоат қилмаётгандай аранг судраларди. Бунинг устига қоронғи тушиб, икки қадам нарини кўз илғамайдиган даражада куюқ зимистонлик қуршади. У тусмоллаб қадам босар, босган жойи қандайдир зовур ёки ариқ бўлиб чиқишидан чўчир, тут қаторларига дуч келиб, дам у ерини, дам бу ерини шохларга тилдирар, ўзининг бу саргузаштидан ўзи кулиб қўярди. «Авангард»га етиб олиб, акасининг уйда тунаб қолиш мўлжали бор эди. Лекин бу аҳволда тентираб, тунни бий далада ўтказиши ҳам мумкинга ўхшарди. Ғўзалар тиззага уриб қолган. Уқариқ бўйлаб узоқ юрди, эгатлар ичига тушди... Юраюра, қоқилиб-суқилиб ариқ бўйидан чиқди.

Унинг боши қотиб, бир жойда қаққайиб туриб қолди. Шу пайт нарироқдаги машина ёнида турган йигит билан қизга кўзи тушди. Овозлари ҳам қулоғига чалинди. Асабий овозлар. Уришиб қолишди шекилли. Бир маҳал қиз бу тарафга қараб келаверди. Расулжонга кўзи тушдию саросимада қолди.

— Адашиб қолдим, — деди Расулжон узр сўрагандай. — «Авангард»га ўтмоқчи эдим.

— Юринг, — деди қиз бир оз титроқ овозда.

Расулжон унинг орқасидан бораркан, мункиб кетиб, йиқилиб тушишига сал қолди. Мевалари бошга теккудай пастак олмазорга киришди. У ердан сўқмоқ бошландию бир машина сиққудай чоғроқ кўчага бориб тақалди. Қиз юришини секинлатиб, сал ўгирилди-да, чап томонга бурилган тор кўчани кўрсатди.

— Мана бу ердан озроқ юриб катта кўчага чиқасиз, — деди хотиржам оҳангда, — «Авангард»га бораман, десангиз истаган шофёр бориб қўяди.

Расулжон боя бу уйга кириб келган маҳал уни танимаган эди. Танигандан кейин эса ноқулай сеза бошлади ўзини. Қиз ҳам иложи борича юмшоқ кўринишга ҳаракат қиларди. У ош сузилгандан кейин ҳам бирга ўтиришни эп кўрмади.

— Емасмиш, — деди онаси Акабарнинг «қизинг келмайдами», деган саволига жавобан.

Акбар бошини қашлаб қолди.

— Ниҳоят лаган бўшаб, кўкчойга ўтишганида Расулжон эски гапини кўзгади.

— Хўш, бош планга ёрдам берасанми, оғайни?

— Фақат бўйга тортгансан, десам, ўжарлигинг ҳам бор экан! Бўпти! — дея қўл ташлади Акбар, — фақат аввалги ишимни қайтариб берасан — шартим шу!

Расулжон кулиб юборди.

— Мениям, тушун, оғайни, қаттиқ ранжитишган, — деди Акбар жиддийлашиб, — эсласам, ҳали-ҳали шу ерим оғрийди.

— Келишдик, — деди Расулжон ўйланиб турмай, — унгача менга ёрдам бериб тур, бўлмасам...

У ч и н ч и б о б

1

Кабинет эшигининг пастлиги Расулжоннинг жонига тегди. Нукул бошини уриб олади-я. Келганига бир ойдан ошди, кунга ўн марталаб киради, чиқади, лекин ҳеч ўрганолмаганига ҳайрон. Аслида-ку, эшикда айб йўқ. Рисоладагидай қурилган. Ҳамма гап унинг бўйида. Буни Расулжон таң олгиси келмайди.

Бугун ҳам қабулига ким келганини билмоқлик учун эшикни зарб билан очдию пешонасини ғурра қилди. Ёнига район қасалхоналар бирлашмасининг бош врачни кирган пайт у ана шу ғурраси устига бош бармоғини қўйиб ўтирарди.

— Дастрўмолингизни ҳўллаб босинг, — дея маслаҳат берди куюқ қошлари қовоғигача осилган, ўнг юзида тангачадай холи бўртиб турган кўзлари мулойим боқувчи, қорачагина киши. У Расулжон кўрсатган курсига ўтиришдан олдин деразалар ости бўйлаб узунасига чўзилган столдан сув тўла графинни олиб келди.

Расулжон дастрўмолини ҳўллади-да, бир кўлини ғурра жойига босаркан, бош врачни ўтиришга таклиф қилди.

— Мен «Авангард» колхозидаги шифохона хусусида... — деди айбдор одамдай кўзини курсига чўзган қўлларидан узмай.

Расулжон ҳайрон бўлди.

— Шифохона масаласи ҳал бўлган-ку, яна нима гап?

Бош врач дудуқланди:

— Энди Расулжон Комилович... ҳар қалай, сиз бу ерда янги одамсиз, баъзи кишиларимизни билмайсиз-да... Турли феъл-атвордагилар билан муомала қилиш қанчалик қийинлигини бошидан ўтган билади...

— Нима, турли феъл-атвордагилар сизга тинчлик бермай қўйди-ми? — кинояли оҳангда сўради Расулжон.

— Кун бермай қўймасаям... ўша кундан бери ҳоли-жонимга қўйишмаяпти. «Эътиборли комиссия аъзолари фикрини писанд қилмасликка нима ҳаққинг бор? Сендақ нон тепкининг жазасини бериб қўйиш керак. Тап-тайёр бинони йўққа чиқармай, қабул қилиш актига қўл қўйишинг керак!» дейишади. Бино беками-кўст эмиш. Уни қўллаб-қўлтиқлашим зарур эмиш. Ишқилиб, бошим таъна тошлари остида қолиб кетди. Кўз кўзга тушганда салом берсанг, алик олишлари ҳам бошқача. ОКС бошлиғи икки гапнинг бирида силтаб ўтади. Кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Шу кеча яна уйга қидириб кепти. Дўқ-пўписасидан ўлиб бўлдим уларнинг.

— Улар, деганингиз кимлар? Кечирасиз, исми-шарифингизни унитибман...

— Давлатбой... Давлатбой Соғиндиевич.

— Давлатбой Соғиндиевич, нимадан чўчийсиз? Саломингизга алик олмаса, олмас. Силташга ҳаққи йўқ! Бирон жиноий иш қилганингиз йўқки, ҳайиқсангиз. Олам-жаҳон маблағ сарфлаб, пала-партиш бино қурган фирромларга қурилиш соҳасида анқов эмаслигингизни исботладингиз. ОҚС раҳбарининг ҳам, қабул комиссиясининг ҳам хулосасини инobatга олмай тўғри қиялпсиз. Аслида бундай вазиятнинг олдини олдинроқ олганингизда, олам гулистон эди.

Бош врачнинг тер босиб, қизарган юзида жўшқинлик акс этди.

— Олдинроқ, деганингиз қачон? — сўради у шоша-пиша, — қурилиш маҳалими? Улар менга қулоқ солди, дейсизми? Қолаверса, қурилиш бошланмасдан хархаша кўтарганман. Лойиҳага тузатишлар киритиш зарурлигини айтганман. Ақлинг етмаган нарсаларга бурнингни тикмасангчи, дегандай гап қилишди. Нимага ақлим етмас экан, ҳайронман. Қурилишни яхши билмасам, билмасдирман, аммо одамларни даволаш учун қандай шарт-шароит зарур, кабинетлар қай йўсинда бўлиши уларни қандай жиҳозларга мослаш кераклигига ақлим етади. Шуларни тушунтирсам, қулоқ соладигани топилмади. Биринчи галда менга ОҚС бошлиғи қарши чиқди. Кейин билсам, лойиҳа муаллифи унинг ўзи экан.

— Масала ғоят жиддий, — деди совуққонлик билан Расулжон, — қайтадан комиссия тузиш керак!

Давлатбой Соғиндиевич ўзини тутиб туролмади.

— Фақат илтимос, бу сафаргисига Марат Маматов қўшилмасин...

— Комиссияга уни аралаштириш нодонлик-ку. Ҳам бошлиқ бўлса, ҳам лойиҳага автор. Сўзсиз, тиш-тирноғи билан ўзини ҳимоя қилади-да.

Давлатбой Соғиндиевич ундан гапнинг давомини кутиб, ҳаяжонли кўзларини узмай ўтирарди. Гапи тугаганига ишонгач, боши билан маъқул ишорасини қилди-да, зўрға:

— Ҳа, албатта... — дея қўшиб қўйди.

— Эрта ўтиб, индинга қурувчилар активи билан ўтказадиган йиғилишимизга медицина ходимларидан ҳам чақирайлик. Бинокорлик соҳасида кўзи пишган ўртоқлар ўз мулоҳазаларини айтишсин. Комиссия ҳайъатини ҳам шуларнинг маслаҳатига кўра тузсак ёмон бўлмас. Тўғрими? Унгача сиз батафсил фикрларингизни ёзиб, хулоса хати тайёрлаб қўйинг. Балки мунозара музокарасини ўзингиз бошлаб беришингизга тўғри келар.

Бу маслаҳат бош врачга унча ёқмади. У мунозара йиғинида сўзлаш билан бирга ўзига қарши рақиблар ортириб олишни истамасди. Лекин ижроком раиси ўринбосарига эътироз билдиришни ҳам эп кўрмади.

— Хотирингиз жам бўлсин, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқаверади, — дея таъкидлади Расулжон. — Бугунги қалбакиликлар бир кунмас-бир кун очилиб, ўз бошларига бало бўлишини тушунишлари керак. Бугун тузалмаган хатоларни ҳаёт эртага тузатишга албатта мажбур этади... Сиз билан биздан бир илож қилиб қутилишлари мумкин, аммо эртага медицина ходимлари, даволанувчиларнинг ўзлари хархаша қилиши мумкин... Демак, шу куннинг талабига жавоб берадиган шифохона керак. Хўжақўрсингагина қаққайтириб қўйган иморатларингизни пишириб енглар, деб даъво қиладилар. Унда нима жавоб қилиш мумкин? Ҳа, буни кечиктирмай шу бугундан олдини олиш лозим!

— Тўғри-ку, лекин менинг мақсадим...

— Мақсадлар ҳақида кейин бафуржа гаплашамиз, — деди буйруқ оҳангида Расулжон.

Давлатбой Соғиндиевич эшик олдида борганда Расулжон уни яна тўхтатди.

— Кечирасиз, бир нарсани сўраш эсимдан чиқибди: районда санитария-гигиена тадбирлари қай аҳволда?

Савол замирида қандайдир сирли маъно борлигини сезган Давлатбой Соғиндиевич безовталанди.

— Умуман, ёмонмас... — дея ютиниб олди у, — тозалик... озодликка етарли аҳамият беришга ҳаракат қиляпмиз.

— Яқин ўртада «Норин» кафесига йўлингиз тушганмиди?

— Яқин ўртада йўқ... Иш билан бўлиб... Кир, десангиз, бугун кириб ўтаман, Расулжон Комилович.

— Яхши бўларди-да. Хўрандаларнинг иштаҳаси очилиб, овқатланадиган даражада эмас. Ойнага осилган доқа-пардалар бу орада совун юзини кўрганга ўхшамайди. Пашша кўп.

— Яхши, Расулжон Комилович, шу бугуноқ одам юбориб, тартибга солдираман.

— Иккинчи болалар боғчасининг томорқаси ифлос. Ошхона чиқиндиларини чиқариб ташлайверишган. Уни вақтида бартараф қилиш ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди. Шу масалаларга жиддийроқ қараш керак, Давлатбой Соғиндиевич.

— Ундан хабарим бор: иккинчи боғча маъмурияти гигиена қоидаларига риоя қилмаётганлиги учун актлар ёзилган. Чора кўрилган. Орадан вақт ўтказиб туриб, тагин билганларини қилишаверади. Энди бу билан ўзим шугўлланаман, Расулжон Комилович, ишонинг, ҳаммаси тартибга тушади.

— Келишдик! — деди Расулжон унга қўл чўзиб.

— Келишдик! — деди бош врач ҳам унинг қўлини қисиб.

Ташқарида қабулга келганлар йиғилиб қолган эди. Расулжон ҳамма билан саломлашиб чиқди-да, ким нима важдан келганини суриштира бошлади:

— Мен боламни боғчага жойлаш важдан...

— Мен ремонт масаласида.

— Ҳар куни уйимга мелиса келиб, кўчасан, дея қисталанг қилади. Кўч-кўронингни кўтармасанг, қамайман, дейди. Шу боисдан арзга келувдим, болам, — деди бир кекса.

Йиғлайвериб кўзлари шишиб кетган рангпар бир жувон аста яқинлашди-да, жиғи-бийрони чиқиб шанғиллади:

— Мани ишим прокурорга тушибди, иним, ёрдам қилмасангиз бўлмайди. Беш болам тирик етим қолмасин, ҳимоятингизни дариг тутманг, инижон. Сизни жуда адолатпарвар, деб эшитиб атайи келдим.

Расулжон котобага:

— Зайнабхон, мана бу опангизни маориф бўлимига бошлаб боринг, — деди. — Менинг номимдан айтинг, боласини боғчага жойлашга ёрдам қилишсин. Сиз, — ремонт масаласида келганга тушунтирди, — квартира тақсимлаш бўлимига учранг.

— Мен-чи?

Расулжон кўзлари шишган аёлга хаёлчан қараб қолди.

— Юристинизга бир кириб чиқмайсизми, — деди кейин, — агар ҳал қилишолмаса, эртага эрталаб менинг олдимга кирасиз.

— Илоё умрингиздан барака топинг, кўнглимни кўтардингиз, қамаб қўйишса, беш болам етим қолади-я, гардингиз бўлай, инижон!

— Отагинам, — деди соқоллари оппоқ, ялтирбош кексага, — сизнинг ишингиз раисимиз ҳал қиладиган ишга ўхшайди.

— Йўқ, мен ёлғиз сизминан гаплашаман!

— Унда кира қолинг, марҳамат!

Улар бир-бирларига қарама-қарши ўтиришди. Чол гапни олисдан бошлади. «Авангард» колхозидан, Чоркапа қишлоғидан экан. Расулжонни атак-чечак пайтидан таниркан. Расулжоннинг отаси Комил Сардор билан қадрдон экан. Унинг беназир одам бўлганлиги, қўлида ҳунари йўқ, нима иш қилишни билмай гарангсиз юрган нотавонларга иш ўргатиб, тўғри йўлга солганлигини, меҳрибонлиги ва бошқа фазилатларини эслаб, анча мақтади.

Шундан кейин асосий мақсадга кўчмоқчи бўлиб турганди ҳамки, эшик очилиб, Зайнабхон мўраллади.

— Тошкентдан янгам қўнғироқ қияптилар, улайверайми?

Расулжон ҳа дегандай бош ирғаб, трубкага қўл чўзди, бир оз тарадудланиб, фикридан қайтди.

— Йўқ, мана бу отахон билан гаплашиб бўлай, ўзим телефон қиламан. Ҳозир банд эканлар, денг.

— Ҳа, омон бўлинг, раҳмат сизга,— деди чол, котиба чиқиб кетгач.— Отангиз Қобулжонниям, сизниям сатта: «Тупроқ олсанг олтин бўлсин, мартабали бўлинглар!» дея алқаганлари алқаган эди. Мана, билимнинг қароматини қарангки, бирингиз каттакон хўжаликка бош, бирингиз шундай мўътабар жойда элу юрт ғамини еб, катта-кичикка йўл кўрсатиб ўтирибсиз. Шунақа, болам, элни сийласанг, эл сани сийлайди. Яхшилик тилаганга яхшилик қилиш савобдир.— Чол кафтини оғзига қўйиб, икки-уч бор томоқ қириб олди.— Абдурахмон Жомий айтмоқчи:

Дил, агар ногаҳон ғамга учрасанг,
Ғамхўр дўстнинг бўлса, у ғам эмасдир.
Кулфат куни содиқ дўстларинг керак,
Бахтли кунда дўстлар ҳеч кам эмасдир.

Хуллас, бошга иш тушганда дўст керак, дўстнинг кўмаги керак. Гапнинг сирасини айтсам, сизни дўст билиб, арз қилиб келдим. Бир маҳаллар муаллимлик қилиб бола ўқитардим. Кейин далачиликка ўтиб, йигирма йил бадалига ҳосилотлик қилдим. Колхоздан ер олиб, синчкор икки уйли, бир даҳлизли иморат солгандим. Навнихол мевачева, андак резавор дегандек нарсалар ўзимиздан чиқиб турарди. Бировга оғиримизу бировга зиёнимиз тегмай, нима лузум-зарурат бўлса, бажонидил бажариб, тирикчилигимиз ўтиб турувди. Тасодифни қарангки, колхозимизда маҳоватли уйлар қурилиб, дала-даштни сиқиб қўйди. Йилдан-йилга ёвон жойлар шаҳарга айланиб кетяпти.

— Энди сизни ҳам кўчиришяптими?

— Ҳа, Чоркападан йигирматача хонадонни кўчириш навбати етибди. «Кўч-кўронингни кўтармасанг, бульдозер опкелиб, уй-пўйингминан қўпориб ташлайман», деган дағдагани ҳам эшитдик. Уч кундан бери шу аҳвол. Бир индамайсан, икки индамайсан, яхши гапириб кўрасан, ҳар келганда дастурхон ёзасан, қани инсофга келса. Пинагини бузай демайди. Бугун жонимдан ўтиб кетди, таёқ олиб, қувлаб солдим. Олчоқ, разил қорин тўйган чоғ, олчоқлиги бўлур дадилроқ, деганларидай қорни тўйишиминан хархаша устига хархаша кўтаради. Табиатида ёмонлик бўлганни минг сийла бекор экан. Шу вайдан қувладим уни. Биламан, яхши иш қилмадим, бу қилмишим манга вожибмас, локин жаҳл чиқса, ақл қочаркан, болажонгинам! Сизга арз-додим шу вайдан. Энди ўзингиз шафелик кўрсатинг, қариган чоғимда чақиқ-пақиққа тушиб, эл-улус олдида юзим шувут бўлиб қолмасин тағиң.

Бу соддадил чолнинг гаплари Расулжоннинг кулгисини қистатар, аммо сир бой бермасди у. Бунинг устига суҳбатдошининг ҳали-бери гапи тугамайдиган кўринади. Шунинг учун стули суянчиғига бемалол ястаниб унга қулоқ берди.

— Фақат таёқ олиб қувладингизми, ё сўкдингиз ҳамми?

— Йўқ-йўқ, кўнглингизга унақа фикр келмасин, болам, қувладим, холос. Қуруқ таҳдид қилиб кўрдим ҳайтовур...

— Ҳозир ишлайсизми?

— Йўқ, қариб қолганмиз. Дала ишига ярамай, пенсияга чиққан-миз. Келинлар, неваралар ишлайди далада.

— Бирга турасизми?

— Ҳаммаси ёнимда. Қаёққа борардиям. Қариганимизда ёлғиз ташлаб кетгиси йўқ-да.

— Қишлоқнинг янги марказида яна йигирма квартирали уй битибди, сизларни шунга кўчирмоқчимиз.

- Янги уйга иштиёқманд икки-уч хонадон кеча кўчиб кетди.
- Сизнинг кўчгингиз йўқми? Бир бориб кўрдингизми?
- Кўрдик.
- Ёқмадимми?

— Сирасини айтганда, бировга ёқди, бировга йўқ, ўғлим. Янги уйларни ёмон демайман. Тўрт қават, ҳашамдор, халажойи, мўрчаси ичида... Локигин дала-даштга ўрганиб қолган одамга қийин-да. Тиқилиб-сиқилиб, юрагинг торс ёрилгудай бўласан. Яна бир аросатли жойи шуки, йўлаги бир одам аранг сиққудай. Ўзингиздан қолар гап йўқ, болам, ўзбекнинг нимаси кўп — тўй-ҳашами, маърақаси, минг турли лузумати. Унисигаям саловат денг, майли, мол боғлайдиган жойи қани? Сут-қатикқа ўрганган одамга мол, сигирсиз туриш осонми?

— Сут-қатикни магазиндан оласиз.

Чол кулди.

— Эҳе, болам, магазиндан қанча оласиз? Туяни қошиқминан суғариб бўларканми. Ун тўрт жоннинг ўн тўрт оғзи бор. Емиш, ичмиш, кийим-кечаги... Сутни магазиндан текинга беришмайди-ку? Бу ёғини ўйланг, болам. Ҳашамдор уйларингизни камситиш манга вожибмас, локигин диққинафас тўрт девордан ўзим ўрганган сарин шамолим яхши. Яна денг, берган уйлари даладан узокда, Деҳқон бечоранинг ҳоли нима кечади? Далада туришнинг гаштига нима етсин, шундоққина остона босиб чиқасану ўзингни ишга урасан. Пахта доим кўз-қулоқ бўлиб туришингни ёқтиради, сал чалғидинг, тамом, бирон кирдикорга дучорсан. Ҳа, пахтага йўлдош керак, ҳамиша бардош керак, дейдилар.

— Асли чоркапаликмисиз?

— Асли чоркапаликман, болам. Танимаяпсиз-а?

Расулжоннинг кўзлари чарақлаб, суҳбатдоши томон энгашиб, жиддий тикилди.

— Тўхтанг, тўхтанг... Бойдада муаллим!

— Ҳа, яшанг, эсингизга тушдим. Паққос унутибсиз деб ўйловдим. Ақлингизга балли, Бойдада муаллимингиз бўламан.

Расулжон бир вақтлар ўқитиб, таълим берган муаллимининг кўз олдига ўтирганига ҳеч ишонмасди. Орадан ўтган вақт уни шунча қаратибди. Юзи, бўйинларигача бесаноқ ажинлар тушибди, оқ яктагининг очик ёқасидан кўриниб турган мўйлари ҳам яқтак рангида. Сочлари устарада олинган, чўққисоқоли кулранг тусга кирибди. Шунинг учун Расулжон дафъатан танимаган экан.

— Қараб тўймаяпман сизга, домла,— деди сидқидил хурсанд бўлиб Расулжон.

— Ҳа, қариб қолдик,— деди чол, унинг хаёлида нималар кезганини сезгандай.— Нима ҳам қилардик, вақт учқур қуш экан,— кўкиш томирлари бўртиб турган ғадир-будир кафтини унинг қўллари устига қўйди-да, тик боқди.— Ўзинг-чи?— деди сенсирашга ўтиб.— ўзинг ҳам жа новча тортиб кетибсан-ку, Абдурасулжон? Кимга ўхшадинг, уруғингда мунақа найнови йўқ эди шекилли?..

Ҳақиқатан ҳам Расулжон бу учрашув шунчалик илиқ ва қувончли бўлади деб ўйламаган эди. Икковлари ҳам идорада ўтирганларини унутиб, қуюқ суҳбатга берилдилар. Утмишнинг энг қизиқ ва ғаройиб дамларини эслашди. Расулжон дам-бадам уни саволга тутар, чолнинг жавобларини жон қулоғи билан тинглар, кулар, хўрсиниб кўяр эди. Уни қизиқтирган яна бир савол тилининг учига келди-ю, ҳозир ўрни эмасмикан, деган шубҳага бориб, индамади. Билмоқчи бўлган одами оламдан ўтиб кетмаганмикин? Унда ногоҳ чолнинг эсига солиб, дилини ғашлатиб қўйиш ҳам мумкин-да. Шунинг учун гапни бошқа ёқдан буриб келишга қарор қилди:

— У маҳаллар ерга «Фордзон» деган трактор билан ишлов бериларди-а?

— Ҳа, одамларнинг «Фордзон»га тили келмай «Норжон трактор» деб юрийтишарди. Норжонни эслайсанми?

— Эсимда.

— Норжонбиби тирик, бемалол сўрайвермайсанми қувлик қилмай,—сарғиш тишларини кўрсатиб кулди чол. Расулжон эса унинг зийраклигига яна қойил қолди.— Нечага кирдинг, деб сўрасанг, «етмишдаман, кетмишдаман», деб қўяди. Локигин мучаси соғ ҳали. Мен унга бўла ҳазиллашиб: «Яшавор, менинг Норжон кампирим, орзон кампирим, қаригани ёлғон кампирим», деб қўйсам, кўзларини чирт-чирт юмади-да, ҳиринг-ҳиринг қулаверади. Одамнинг ёши сал ўтгандан кейин болатабият бўлиб қоларкан, ўғлим, янши гапирсанг, кўнгли чоғ, хиёл дилига ғашлик илинса, лаччагининг учини кўзига тутиб, пиқ-пиқ йиғлашга тушади.

Норжон она Бойдада муаллимнинг кўз очиб кўргани. Унинг умри ҳам афсонага тенг. Чоркапада оғиздан-оғизга кўчиб юрган бу «афсона»ни Расулжон онасидан кўп эшитган эди. Демак, у ҳали ҳам тирик экан.

Расулжон кутиб олган маҳал кўзига ниҳоятда содда кўринган чол суҳбат давомида аста-секин юксалиб, улуғсифат бўлиб борарди. Сўзлари самимий янграб, мулоҳазаларида тўғри далиллар кўп эди. Фақат ўзининг ҳақлигига ишонган одамларгина шундай самимий гапира олади. Расулжон унинг таъсирига берилиб, фикр-мулоҳазаларини маъқуллай бошлаганини ҳам сезмаган эди. Аҳён-аҳён савол бериб қўярди, холос.

— Ҳозир бизда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш борасида кураш кетяпти, бу сизга ёқмадим? — сўраб қолди у.

Чол эсанкирамади. Бундай кескин саволга ҳайрон ҳам бўлмади.

— Мен кичкина одамман,— деди мийғида кулиб туриб,— биласан, асли касбим муаллимлик эди, отанг туфайли пахтага меҳр қўйдим, қишлоқ хўжалиги соҳасида икки бора малакани ошириш курсида ўқидим. Ҳалигача журнал, китоблар мутолаа қилиб тураман, кундалик газеталарни сарбасар ўқиб чиқаман. Демокчиманки, ўғлим, қишлоқ ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликлар устида андак бош қотириб, айрим мулоҳазаларни тарозига солиб кўришминан зеҳнимни чархлайман, кўп ўйлайман. Сўраб қолдинг, бошқа одам сўраганда оғзимни очмасдим. Аммо сенга айтаман. Буни зинҳор инобатга олгин ҳам демокчимасман. Шунчаки маслаҳат тариқасида эшит; кўпдан бошимни бир фикр ўйдилайди. Назаримда тафовутни ҳамма ҳам бирдан тушунмаётганга ўхшайди. Қишлоқни обод қилиш, фаровонлик келтириш, дала аҳли онгини пешлаш, зеҳнини оширмақ — бошқа гап. Локигин қишлоқни юз поиз шаҳарга тенг қилиб, қиёфасини паққос ўзгартиришга интилиш қуюшқонга тўғри келадиган нарсамас. Сўзимни тўғри тушун, ўғлим, яна қайининим қариганда кўзойнагини кўмсабди, қабилидаги гап мияннга келмасин. Мен эскиликни ёқламайман. Локигин шаҳар ўз номинан шаҳарлигини унутманглар. Унда турли завод, турли корхона... Шунга хос қурилмалар, бинолар, иншоотлар зарур. Қишлоқ эса деҳқончиликка мосланган. Қишлоқдаги ҳамма нарсалар экинзорлар, чорвага мос тушиши керак. Қурилажак иншоотлар ҳам, тураржойлар ҳам. Қишлоқдан қишлоқ қиёфаси барқ уриб турмаса, унинг қишлоқлиги қаёқда қолади. Йўлларимиз равон, ҳаммаёқ асфальт. Булар жоннинг ҳузури, десак, лопмас. Жоннинг ҳузури экан, деб қурилишларга ҳаддан зиёд ҳирс қўйиб юборяпмиз. Марказларимиз торлик қилиб, ҳосилдор ерларимиз ҳисобига кенгайишга мажбур. Ёки бунинг тескараси. Ҳосилдор ерларимиз ўз навбатида ўтлоқ яйловлар, қир-адирларни кемириб боради.

— Сиз ҳақсиз! — деди Расулжон чолга ён босиб.— Фикрингизга эътирозим йўқ, аммо ҳаёт қонуни шунақа-да: бири бири учун ўрин бўшатиб беришади. Эскилик янгилик учун йўл берса, бунинг нимаси ёмон?

— Оламни билганлар демишлар чунон: жангни ташқаридан кўрмаклик осон. Фаҳр Журжоний тўқиган бу байтни. Шаҳарда ўқиб эзгуликни ёқтирадиган одам бўлиб келдинг. Мана энди қишлоқда ҳам

яшаб кўр. Фаросатинг етиб қолар барига. Қайсиси қулай, қайсиси ноқулайлигини фарқлай оларсан...

— Нотўғри гапирган бўлсам, бордир, тушунтиринг, отахон.

— Бир қараганда гапингда хато йўқдай. Амалий жиҳатдан қарасанг, ҳаёт учун ҳар доим ҳамма нарса зарур. Бугун буниси, эртага унисе, дейиш тadbиркор одамнинг фалсафасимас. Ўзингга қаттиқ олма бунки, ҳақиқатини айтяпман. Янгилик тўғрисидаги мулоҳазангга келганда... Янгилик яхши нарса. У меъдага теккан даққи эскилик ичидан униб чиқиб, палак отади. Локигин эскилик оғушидаги инсон яхши ният билан яратган афзалликларни барбод қилиш ҳисобига қарор топган янгиликнинг умри олисга бормас. Кўз олдинга келтириб кўр, ўғлим, яқингача йўллар асфальтмасди. Чанг тўзитиб, ҳар оқшом ба-балаб пода қайтарди. Эшитяпсанми, асфальтмасди-ю, ҳарқалай, пода қайтарди. Ҳозир пода ўрнига нуқул машиналар ризиллаб ўтади, холос. Хўш, унисиям, бунисиям бўлса-чи? Бир-бирига халал берармиди ё? Партиямизнинг қайси бир анжуманида доно фикр айтилмаганмиди? «Картошка ўрнини помидор, помидор ўрнини картошка босолмайди» деб? Е қўшилмайсанми бу гапларга?

— Юз фойиз қўшиламан,— кулиб жавоб қилди Расулжон.

— Ҳа, балли, ўғлим. Қишлоқларда тураржойлар барпо қилиш борасидаям худди шунақа гапларга мосланган кўз билан қараш керак, дейман. Қават-қават, осмонўпарларинг қишлоққа ярашмайди. Бир қаватли бўлсин, ҳовли ўртасидан ариқ ўтсин, оғилхонага, товукхонага-ям жой ажратилсин, шундагина уй бекаси магазинга сутга югурмайди, тухум қидиришга ҳожат йўқ, негаки, ўзидан чиқиб туради...

«Қойил-е, иштаҳаси зўр-ку чоли тушмагурнинг,— деб ўйлади Расулжон,— яхши овқат бериб боқмоқчимисан, бирваракайига суюғию қуюғини узатавер, аксинча, ноз-финоқ қилиб, дастурхонга қарамайман, демоқчимми? Уйларнинг бир қаватлигини бер, албатта ҳовлиси бўлсин... Бунақада аҳолига тураржой етказоласанми? Ўзи ҳосилдор ерларнинг нобуд этилишига қаршию яна... Тўхта, тўхта, Акбарнинг лойиҳасига хос гапларнинг ҳиди келмаяптими? Иккови тил бириктириб олмаганмикин? Акбар, кўриб қўй, иқтисодчи, кўпчилик менинг тарафимда, бизни қўлламаганингга қўймаймиз, ёрдам қўлингни чўзсанг ҳам чўзасан, чўзмасанг ҳам, дея янгича мубориза усулида иш тутишни бошлаётган бўлса-я?»

— Чоркапани кўзимиз қиймайди, ўғлим,— давом этди чол,— янги уйларга кўчишни хуш кўрмаётганимиз боиси ҳам шу хусусдан.

— Нима бало, хутор системасини тугатиш масаласига қаршимисизлар?

— Ҳеч ким қаршимас унга. Локигин Чоркапа — хутор эмасда. Хутор бошқа, биздаги қишлоқлар бошқа. Бу боғлар, экинзорлар, уйлар не-не замонларни кўрган. Қолаверса, ким ҳам киндик қони тўкилган, минг азобда обод қилган жойини ташлаб кетгиси келади? Сендақаларга осон, ҳар ёқларда яшаб-ишлаб юриб, ўргангансан. Ўзингни бизнинг ўрнимизга қўйиб кўрганингда билардинг. Хутор системасини тугатиш баҳонасиминан қанча-қанча гуркираб турган жойларимиз қурбон бўлди. Сўлимбек томонларга йўлинг тушдими? Сўлимбек далалари дейиладю қишлоғи дейилмайди ҳозир. Нимага десанг, қишлоқнинг ўзи йўқ. Ном-нишон ҳам қолмаган ундан. У ер-бу ерда сўппайиб, теварак хуснини бузаётган, уч-тўрт хонадондангина иборат майда-чуйда жойларни бузиб, бирлаштириш бошқа гап. Унинг баҳридан ўтса бўлади. Аммо бутун бир аҳоли яшаб, томир отиб қолган бежирим жойларни йўқ қилиш — хутор системасини тугатиш, деган гапга кирмайди.

Чолнинг гапи ҳали-бери тугайдиган эмас. Бу хилдаги суҳбат билан кунни кеч қилиш мумкин-у аммо бирон хулосага келиб, қарор топтириш қийин. Бунинг устига Зайнабхон бир неча бор эшикни очиб, ёпиб қўйди. Демак қабулхонада одам бор. Расулжон ўрnidан турди-да, чолнинг қўлини қисди.

— Отахон,— деди у, ўта хушмуомалалик билан, негадир илгаригидай Бойдада муаллим деёлмасди энди,— сиз билан гаплашиб, дилим равшан тортди. Ҳали сиздан кўп нарса ўрганадиганга ўхшайман. Шунга ҳам бошқа масалалар ҳақида ҳам бафуржа гаплашиб олишим керак. Чоркапага ўзим бораман.

Чол яйраб кетди.

— Қанийди борсанг, бошимиз кўкка етади-ку! Рост айтасан, муздай ҳовлида болишга ёнбошлаб олиб, гурунглашганга не етсин! Кел, ўғлим, албатга кел, ёшлигинг ўтган жойларни кўр, бунинг завқи бўлакча бўлади. Кутаман.

— Хўп, хайр, гаплашаман, сизни бошқа безовта қилмай туришади.

— Барака топ, ўғлим, ҳаммасидан «бораман» деб кекса домлангинг кўнглини кўтардинг, минг қуллуқ сенга! Норжон онанг яшариб кетадиган бўлди-да...

Расулжон муҳим ишлар билан келган бир неча одамни қабул қилиб, айрим муаммолар устида кенгашди, маслаҳат берди, юмушларини ҳал этди. Зайнабхон олиб кирган қоғозларга қўл қўйди. Аммо нимаики иш қилмасин, ким билан суҳбатлашмасин, хаёли тез-тез бўлиниб, Бойдада муаллимнинг гапларини қайта-қайта эслар, ҳар бир фикрни таҳлил этар, ўзини дам чигал, дам қандайдир жумбоқлар қуршовига тушиб қолгандай сезар эди. Ундан қутулишнинг иложи йўқдай.

Чол келиб, уни бутунлай ўзига боғлаб кетди. Ҳушини олиб қўйди. Шунча вақт дала кезиб, кўрмаган, билмаган нарсаларини шу чолдан билди. Шундан буён ҳамма нарсага ана шу чолнинг кўзи билан қарамокни, чолнинг диди билан ёндашмоқни кўнглига тугиб қўйди.

II

Ижроком биносининг орқа томонида бир боғча бўлиб, унда батартиб ўтқазилган саф-саф атиргуллар, садарайҳонлар ёз бўйи яшнаб ўсар, теваракка ҳам ҳусн, ҳам ифорли ҳид таратар, ўзгача файз ёяр эди. Аҳён-аҳён, тушликдан сўнг ходимлар жуфт-жуфт бўлишиб, боғчада айланишар, ўртадаги чоғроқ фаввора атрофида, топ-тоза йўлкалардаги ўриндиқларда ҳордиқ олишар эди. Расулжоннинг хонасидаги бир дераза шу боғчага қараган, ундан кушларнинг чуғур-чуғури баралла эшитилади, майин шабада қанотига илашган хушбўй ичкарига уфуради, ажиб бир латифлик бахш этади. Расулжон шу кабинетни эгаллагандан бошлаб, қўли ишдан андак бўшади дегунча, дераза олдига келар, ташқаридаги кўркамликка қараб кўнгли тин олар, вақти чоғ бўларди. Ҳозир ҳам ойнага яқин келди-да, ташқарига тикилди.

Шундоққина дераза остида қад ёйган олча дарахти шиғил ҳосилли шохларидан бирини ойна тоқчасига қўйиб мўралаётгандай эди. Расулжон янги келганда эндигина гулини тўкиб, чигитдай-чигитдай мева тукканди, мана энди қирмизи рангга кирибди. Ҳар сафар унга тикилиб, томоша қиладиган Расулжон ҳозир бунга эътибор бермас, дам-бадам Бойдада муаллимнинг гаплари таъсиридан қутулолмай, хаёлан бутун қишлоқларни кезиб юарди. «Қанча-қанча гуркираб турган жойларимиз қурбон бўлди... Ҳаёт учун ҳар доим ҳамма нарса зарур...» деган жумлалар айқаш-уйқашланиб, миясида ғужғон ўйнади.

Бирдан кўз олдида Акбарнинг қиёфаси гавдаланди. У куйиб-пишиб, ўз ғоясини тушунтирар, таъна-танбеҳ берарди.

— Зайнабхон! — дея секретарини чақирди кейин, қиз одатича қалам-дафтарчаси билан кирди. — Менга «Янгиобод»дан архитектор Акбар Қодировни чақириб беринг. Қўлидаги бор материаллари билан келсин, албатта!

— Қачонга чақиртирай?

— Эртага тушдан кейинга... Йўқ, — дея шошиб буйруғига тузатиш кирита қолди. — Эрталаб келсин, биринчи навбатга ёзиб қўйинг. Ропша-роса соат тўққизда кутаман.

«Е ундан олдин Чоркапага бориб келишим керакмикин? — иккиланди Расулжон, секретари чиқиб кетгач. — Ёшлигинг ўтган жойларни кўр, унинг завқи бўлакча бўлади, деди муаллим».

III

Расулжон хотини, болаларининг овозини эшитгиси, соғинган кўнглини бир оз таскин топдиргиси келди. Зайнабхонга телефонни Тошкент билан улашни буюрди. Кўпдан бери Сайёрага телефон қилиб, гаплашишга муяссар бўлолмади ҳеч. Трубкани энди қўлига оламан деб турганда ё биров кириб қолади, ё бошлиқлар чақиришади ёки бирор ёққа шошилишч жўнаш керак.

Зайнабхон телефонни улашдан аввал қабулхонада кўпдан лойиҳа бўлими бошлиғи кутиб ўтирганини айтди:

— Қабуллингизга кираман, деб тигизлик қиялти, зарур иши бормиш. — Негадир Жавҳар Қобулович дегиси келмади.

— Майли, кирсин.

— Телефон-чи?

— Ундан кейин уларсиз.

Расулжон ишга келганига ижроком ходимлари ичида фақат биргина одам ўзини бепарво тутолмай қолган эди. У ҳам бўлса, ўзининг жияни Жавҳар. Бу ҳаддан ташқари қайноқ, бадгумон йигит айниқса кейинги кунлар ўзини шундай дудмал аҳволда ҳис қилардики, бир жойда қўним билан ўтириб, бирон ишни муқаддима — охир қилишга чидамай қолмаган, ниманики қўлига олса, тушиб кетаверар, миясини кераксиз нарсалар банд қилиб олар, сабри чидамай ўрнидан сакраб турарди-да, хонасида уёқдан-буёққа тез-тез юра бошларди. Умрида папирос чекмаган одам сўнгги пайтлар қўшни хоналарга чиқиб сигарета сўрайдиган бўлди. Салдан-салга инжиқлиги тутади, беғуноҳ ходимларни ҳуда-беҳуда жеркиб ташлайди. Дам-бадам бундан қутулишнинг иложи бормикин, деб ўйлайди. Охири бир қарорга келди: «Ишдан бўшаш керак. Барибир икки қондошнинг бир идорада ишлаши мумкин эмас. Иккимиздан биримиз жойимизни бўшатишга тўғри келади. У-ку, кетолмайди. Демак, бу масалани мен ҳал қилишим керак!»

Жавҳар барча қатори ишга ўз вақтида келиб-кетадиган бўлиб қолди. Беҳудага вақт ўтказишларга чек қўйди. Фақат иши аввалгидай юришавермасди, холос. Бугун эртарақ келганди. Фаррош аёл ҳам унинг бунчалик тартибга тушиб қолганидан ҳайрон. Жавҳар эса, стол устини, дераза токчаларини артиб юрган бу аёлни кўрмасди ҳам. У ёзган аризасини столга қўйган маҳал амакисининг қандай ҳолатда қолишини хаёлига келтиришга уринарди. Жиянининг бу қилмишидан мамнун бўлиши керак. Қошларини чимириб туриб, аризани диққат билан ўқиб чиқади, кейин унинг юзига қараб, илжайиб қўяди. Ручкани шошмасдан олади-да, «не возражаю» деган икки сўзни ёзиб, тагига имзо чекади, тамом. Шундан кейин икковлари ҳам қандайдир ноқулай ҳолатдан қутулгандай енгил нафас оладилар-да, бир-бирларига кулиб қарайдилар. Сўнг ўзаро самимий суҳбатни қизитаверадилар.

Жавҳар то ўйланиб бўлганга қадар амакиси келиб, қабулхонада кутувчилар ҳам кўпайиб қолди. Зайнабхон эса уни бенавбат қўймади. Жавҳар аризасини унга қолдиргиси келмас, шахсан ўзи кириб, масалани ҳал қилишни истарди. Шунинг учун индамайгина чиқиб кетди-да, кечгача қорасини кўрсатмади. Тўғриси, иккиланди қолган эди. «Нима учун кетишим керак экан, нима учун ариза беришим керак? Борди-ю, ортиқчалик қилиб қолган бўлсам, ариза-паризасиз, бошқа ишга ўтказишаверсин!» дея қўлидаги қоғозни шарт-шурт йиртиб ташлади. Тўғри қилдими, нотўғри қилдими, яна фикрга толиб юрди.

Туш маҳали «эллик грамм»ни отиб олди. Ҳзида дадиллик сезди. Қони кўпирди. Утириб бошқатдан ариза ёзди.

— Бу бойкот эълон қилишми? — деди амакиси аризани ўқиб чиққач, вазмин оҳангда.

Жавҳар бундай саволни кутмаган эди. Қовун тушуриб қўйганини англади-да, қип-қизариб кетди. «Сизга тобе бўлишни истамайман», деган маънода тушунади, деб ўйламаганди ҳеч.

— Унақамас, амаки, — деди у тутилиброқ, кейин томоғини қириб, йўталиб олди. — Ҳзингиздан қолар гап йўқ... Тушунасиз-ку, қариндош-уруғ бир ерга йиғилди, деган гап тарқалиши бор...

— Қочмоқчиман, деб қўяқол! Ҳамма ёқни булғатиб қўйиб, ўзингни панага олмоқчимисан?

Жавҳар амакисининг жаҳли чиққанини сезди. Номус ва аламдан кўнгли ғаш бўлди, мушкул аҳволга тушди. Амакисининг кўзларига қарай олмас, ўзини оқлаш учун бирон нима дейишни ҳам ўйламас эди.

Расулжон қандайдир чала-чулпа ишлар, битмай, ярим-ёртилигича ётган иморатлар, ёмғир ювиб, уқаланиб ётган ғишлар, пўпанак босган ҳўл-нам тахталар ҳақида кўп гапирди. Давлат маблағи, виждон, талтайиб кетишлар ва шунга ўхшаш қатор-қатор далилларни қалаштириб ташлади. Аммо Жавҳарнинг қулоғи ғип битиб қолгандай унинг овозини жуда олисдан эшитар, айтилаётган сўзлар маъносига тушунмас даражада қараётди. Бошқа маҳал ёки бошқа одам бўлганда, у ҳам бўш келадиганлардан эмас, дакки берувчига боплаб жавоб қайтарарди. Лекин нимагадир ҳозир ҳаммаси худди тушга ўхшар, бир пасдан кейин уйғониб кетиши мумкиндай туюлар эди.

Расулжон гапира-гапира унинг аризасини қайтариб берди.

— Ёнингга солиб қўй, ҳозирча, — деди у мулоимлик билан, сўнг унинг ёнига ўтиб ўтирди. — Сен билан бошқа масалада гаплашиб олишимиз керак. Уйланиш ҳақида ўйлайсанми ҳеч? Бўлар шунча бўйдоқлик даврини сурганинг.

Бу меҳрибонларча берилган савол Жавҳарнинг ҳушини ўзига келтирди. Амакисининг таъналарини эшитаётган маҳал бошида тегиримон тошидай ғириллаб айланаётган нимадир аста тўхтади-да, мияси равшанлаша бошлади. Эрталабдан бери айтмоқчи бўлиб, такрорлаб юрган гаплари бутунлай ҳаёлидан кўтарилиб кетди. Энди фақат амакисининг саволига жавоб бериши керак. Аммо жавоб беришга ошиқмади.

Расулжон қаршисида тобегина ходими эмас, балки жигарғўшаси бошини ердан кўтармай, одоб сақлаб ўтирар, бутун қиёфаси билан қадрдон, ўзига жуда азиз бир одамни эслатиб тургандай эди. Бўйи, кенг манглайи, қоп-қора кўнгироқ сочлари, юм-юмалоқ боши, қуёш тафтида сарғиш тус олган киприклари, йирик-йирик кўзлари — ҳамма-ҳаммаси таниш, уни айнан Комил Сардорга ўхшатиб турар эди. Расулжоннинг назарида Комил Сардор ёшининг учдан икки қисмини қирқиб ташлаб, мўйловини олдириб, чакка соч оқларини бўятган ҳолда бир мўъжиза билан пайдо бўлиб, ёнида ўтиргандай. Ҳа, Комил Сардор урушга кетмасдан илгарироқ худди шундай йиғит эди. Шунини эслаб, юраги бир оз ачишди. Жиянимга нисбатан дашномни ошириб юбормадиммикан, дея ичида бир оз ўзини қойиди.

— Нозима яхши қиз-ку, нимаси ёқмайити санга? — деди сўнг.

Жавҳар бир нафас анграйиб қолди. Аммо индамади. Орамиздаги гаплардан хабар топибди-да, деб ўйлади дарров. Бунини сезган Расулжон:

— Мен унга отасидан ҳам яқинроқ одамман, — деди. — Отаси дўстим! Акбар студентлик пайтида уйланган. Ётоқхонада туришарди. Нозимани туғруқхонадан ўзим олиб келганман. Онаси ҳеч қутилмаган дардга чалиниб, сутти келмай қолганда, ҳар кунини сут дўконига югурардим. Акбарнинг имтиҳон топшириш маҳали эди: Бечора хотини ёнидан силжишга имкон тополмасди. Бола йиғлоқи, инжиқ, салдан салга чинқириб, ётоқxonани бошига кўтарар эди. Навбатма-навбат кир

ювамиз, дазмол қиламиз, кечалари ҳам тиним билмай, қизчани кўтариб, уйқусиз, оёқда туриб чиқамиз. Кун ора докторхонага, консултацияга, эмлашга, дорихонага югуришларни айтмайсанми. Онанинг йўриғи бошқа экан, битта чақалоққа икки эркак бас кетолмасдик. Ана шу қизнинг бўйга етиб қолганини кўриб, қувониб кетдим. Сенга кўнгил қўйибди. Мен унинг бахтини тилайман. Уша хонадонда нимаики содир бўлса, мендан яширин қолмайди. Энди тушунгандирсан, жиян?

— Узи бир оғиз гапга житиллаб кетиб қолди-ку! Шунча учрашиб, кечирим сўрай, дейман, қорасини кўрсатгиси йўқ.

— Балки қорасини кўрсатадиган муомила қилмаётгандирсан? Жавҳар пешонасидаги терни сидириб ташлади.

— Узини ҳаддан зиёд катта олади. Ақлини пеш қилгани қилган. Бир нарса десанг, ўнта гапни тахлаб туради.

— Шунинг учун қизболани ора йўлда ташлаб кетиш керакмиди? Унинг ўрнига ўзингни қўйиб кўргин-чи. Тан беришинг лозим: у чиндан ҳам ақлли қиз. Бировга ёқмоқчи бўлсанг, унинг ақлини ардоқла, деганлар. Сен-чи, аввалига атрофида гирдикапалакдай гир айлангансан, ардоқлаб бошингга кўтаргансан, ишончини қозонганингдан кейин... Қолгани менга номаълум.

Жавҳарнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди.

— Мен Нозимани ёмон деяпманми? — овозида хиёл қалтироқ сезилди. — Ўзимга қолса... — у бошини даст кўтариб намланган кўзларини амакисига тикди. — Сиз кўп нарсани билмайсиз, амаки. Нозимага уйланолмаслигимнинг важи бор, ахир... Кўп йиллар йироқда юрдингиз, оиламизда нималар бўлиб, нималар кечганидан хабарингиз йўқ. Ташқаридан қараган одамга ҳаммаси жойидадай кўринади. Палон раиснинг хонадони, палон қаҳрамоннинг оиласи, ўғли, қизи... Ҳеч камчил жойимиз йўқ, қаёққа қўл чўзсак етади, қаерга борсак, ишимиз беш. Аслида ҳар биримиз ўз ҳолимизча кун кўрамиз. Биримизнинг ташвишимиз билан биримизнинг ишимиз йўқ. Лекин...

Ана шу «лекин» ҳақида Жавҳар тўлиб-тошиб гапира бошлади. Гўё кўпдан дардини айтишга одам тополмай юриб, ниҳоят уни учраггану бутун аламларини тўкиб солиш билан кўнглини ёзишга муяссар бўлгандай.

Гап унинг отасига кўчди. Расулжон жиянига қараб ўтириб, бир неча муддат Қобил Комилович Сардорев ҳақида ўйлади. Қобил Комилович қачон ва қай кун шон-шуҳратга эришганини ҳозир эслаши қийин. Норин соҳилидан парвоз қилиб, бутун область, қолаверса, бутун республикага таралган. Одам бугуни билан бахтиёр бўлса, кечаги кунини унутади. Ботар кунини унутган бўлса, отар тонги билангина мамнун, ҳузур-ҳаловатда доим... Ҳа, пахтадан йилдан йил юқори ҳосил олгани учун қаҳрамон бўлди. Кўп ўтмай Зарқўрғон районининг фахрига айланди. Депутат, обком аъзоси. Сардорев минбарда, Сардорев радиода гапирмоқда. Сардорев телевизорга чиқиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқда... Бирор мажлис, конференция ва бошқа йиғин йўқки, Қобил Комиловичнинг номи тилга олинмаса, ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилмаса!..

Бироқ буларнинг биронтаси уни ҳаяжонлантирмас, барча қарсақлар, барча олқишларга аллақачон кўникиб, бепарво бўлиб қолган. Аммо номи бир ой газетада ёки радиода эшитилмай қолса, у шубҳага тушарди. Тезда бирон мухбирни чақириб, кўнглини кўтариш, жиддийроқ мақола ёздириб, ўзи ҳақидаги шов-шувни изга солдириш ҳаракатига тушарди. Шундай қилмаса, гўё эътибордан қолиб кетади...

Шу омад, шу машҳурлик, шу донг билан у доимо мағрур ва мамнун... Мағрургина эмас, ўзини мустаҳкам қад тиклаган қоядай ҳис қилади.

Аммо ниманинг шарофати билан шунчалик обрўга эришганини унутмайди. Пахтага бўлган меҳр-оқибат шу даражага етказди уни.

Шунинг учун пахта деса, жонини беради, пахтадан бўлак ҳеч нимани, дунёда бор ҳеч нарсани тан олгиси йўқ. Кўплар уни шундай одам деб тасаввур қилишади. Ростдан ҳам шундаймикин?..

Расулжоннинг хаёлини Жавҳарнинг овози бўлди:

— Мени отасининг шухрати талтайтириб юборган дейишади. Талтайиб қаёққа борардим, қўлимдан келганича ишлаб, ҳалол яшашга уринаяманку. Бировга палончининг ўғлиман, демаганман. Қайтага кимки отамнинг обрўйини ўртага тикса, жоним чиқиб кетади. Тўғри, бошқалар сингари пайровини келтириб ўқимагандирман, бирон мўъжиза яратишга қобилиятим етмас... Бунга ким айбдор, менми?

— Сенингча ким?

— Ҳамма нарсага осонликча эришганим айбдор. Қаёққа борсам, ҳа, палончи-ку, марҳамат; тартибни бузган ким, палончининг ўғли экан, кечирасиз, марҳамат; «иззат қилинглар, кўнглига қаттиқ тегманглар!» деганлар айбдор. Сал бўлмаса аспирантурада ҳам қолиб кетардим. Ўқиш жонимга текканини айтганимдан кейингина тинч қўйишди. Районга келишим билан иш ҳам тайёр экан. Марҳамат, бўлим бошлиғи вазифаси сизга мунтазир, дейишди.

Расулжон кулди.

— Паст-баландни фарқлай олибсан, бу яхши, — деди у. — Хўш, ўзингчи? Ўз ақли-фаросатинг билан иш тутсанг, биров сазойи қилармиди? Қўй, бунақа гапларингни эшитгим ҳам келмайди. Сени иззат қилганлар айбдорми? Бари қоп-қора, сен оппоқсан, шундайми? Қойил-е! Агар бой берган умрингга ачина бошлаган бўлсанг, зеҳнингни ишга сол, бошқача яшашга уриниб кўр. Икки қўллаб тутилган нарсадан воз кечиш қийин эмас, ҳақиқий инсон бўлиш қийин, сен ана шуни ўйла кўпроқ, жиян! Хўш, Нозимага уйланишингга ҳам «палончининг ўғли» эканлигинг халал беряптими?

— Буни ҳозирча сизга айтолмайман. Бошқа сабаблар бор... Аммо отам ҳақида бор гапни билиб қўйишингиз шарт. Асли гапни шунга олиб келаётгандим. У киши ташқаридан бебаҳо одам, демоқчийдим. Аммо ичкарироққа назар ташласангиз... Уйдаги аҳволни ўзимдан бўлак ҳеч ким сезмайди. Ҳафталаб кўрмаймиз отамни. У ҳеч биримизни ўйламай қўйган. Оиламиз номигагина оила... Ўша уйга бормасам дейман, бордим, ўзимни бўғилаётгандай сезавераман. Синглимнинг ҳоли мандан баттар, юрагига қил сиғмайди. Ўзингиз бордингиз, ўтириб гаплашдингиз, ҳеч нима сезмадингизми? Ақалли онамнинг ранг-рўйига бир зеҳн солдингизми? Қай аҳволдалиги кўриниб турибди-ку? Ташидан сихати соғ, холос, асли оғир дардли бемордан баттар. Раҳмларингиз келиб кетади. Отам икки ойдан бери Кисловодскда. У ёққа ёлғиз кетган деб ўйлайсизми?

— Ким билан кетган?

— Ким бўларди, ўша ҳурилиқоси билан-да!.. Шу алпозда мен тўй-томоша бошлашим кимнинг юрагига сиғарди. Ўз кўримизга ўзимиз кўмилганимиз етмагандай яна бир бечорани кўрга тортишим керакмиди?

— Нима учун яна бир?

Жавҳар тутилди.

— Бу тўғрида қейин, амаки... Шунга келишдик-ку?.. Бордию келин келди, ҳам дейлик. Ҳозир ўз оламиз ичимизда, четдан келгани, ҳарқалай, кўзи бор, оғзи бор, ахир... Уйдаги гап-сўз ташқарига чиқиб, шарманда бўламиз-ку!..

Т ў р т и н ч и б о б

Ижроком раиси қабулига келувчиларнинг кети узилмайди. Шунинг учун у ходимларни ҳадеганда чақиртиравермасди, бунга вақти ҳам етмасди. Ички икир-чикирлар кўпинча ўринбосарлар қабулида ҳал қилинар, раис ҳам кўп ишларни уларга ишониб топшириб қўйган эди. Борди-ю, бирор ходимни чақириб қолдими, демак, бу бежиз эмас,

ё тепадан муҳим топшириқ бор ёки жуда зарур бирон масала устида шошилишч келишиб олиш керак. Расулжон Тошкентга қўнғироқ қилмоқчи эди, раис йўқлаётганини эшитиб, жиринглаётган телефон трубкасини олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай ҳовлиқиб қолди. Унинг ҳолатини кўрган Зайнабхон:

— Сайёра опамга ўзим тушунтираман, — дея далда берди.

Қатор стулларда ўтирган кутувчиларни кўрган Расулжон уларнинг олдидан босиб ўтишни ноқулай билиб, тўхтаб қолди.

— Бемалол, сизни кутяптилар, — деди қабулхона котибаси.

— Ўтиринг! — кескин, аммо паст овозда сўз қотди раис, чунки Расулжон кабинетдаги «Т» шаклида қўйилган столнинг бошланишига келиб, серрайиб қолган эди. — Доклад-хатингиз билан танишдим. Ҳаммасини шунча синчковлик билан кузатиб чиқдингизми-а?

Расулжон жавоб бериш ўрнига креслога чўкди-да, қўлидаги кичкина блокноти билан шарикли ручкасини столга қўйди.

— Қани, бир бошдан гапириб беринг-чи, — давом этди раис.

— Ҳаммасини ёзганман, — раис ушлаб турган қоғозга ишора қилди Расулжон, — йўқ нарсани бор деб кўрсатиш одатим йўқ.

Расулжоннинг ҳозирги ҳолати бошлиғига очиқдан-очиқ қарши чиқишга хезланиб келган одамни эслатарди. Буни ўзи ҳам сезди шекилли, дарров вазиятни юмшатишга уриниб, илжайиб қўйди.

Раис яна савол берди:

— «Янгиобод» марказидаги маиший комбинат биноси битганди-ку?

— Чала!

— «Комсомолобод»даги ҳаммом...

— Чала!

— «Большевик»даги мактаб-чи?

— Мактаб топширилган, аммо кинотеатр биноси қоғозда битган. «Наримонов» марказидаги «Билим жамияти» биноси, «Озод» посёлкасидаги «Дилором» чойхонаси ҳам қоғозда битирилиб, ҳисоботда ёлғон далил кўрсатилган. Пойдевор кўтарилганча қолиб, ўт босиб ётган объектлар бор. Энг ачинарлиси шундаки, қурилишлар плансиз, яккам-дуккам... Тўғри келса-келмаса қаққайтириб кетилмоқда. Бундай тартибсизликларнинг олдини олиш учун у ерлардаги ишларни вақтинча тўхтатиб туриш лозим. Мендан кетгунча эгасига етгунча қабилида иш юритилган жойлар ҳам талайгина. Худди ўша объектларда ремонт бошлаш зарур.

Раис кутилмаганда хахолаб юборди.

— Ҳар квартал фалон объектни муддатидан олдин топширдик, деб ўзларини мукофотга тикишади-ку? Турган-битгани ёлғон экан-да?

— Ҳа, ёлғон. Одат тусига кириб, ҳамма деярли ўрганиб қолган ёлғон. Қурилишдагиларнинг кўпчилиги совуққон, калтабин, асосан ўз манфаатини ўйлайди. Уларга қарши чора кўришга тўғри келади, Шерали Назарович. Бошқаларга ибрат бўлсин учун қилмишларига яраша жазо олсинлар.

— Қанақа жазо?

— Ҳеч бўлмаса, шундай раҳбарларни бўшатиш. Ўрнига қобилиятли, масъулиятни ҳис қила биладиган ҳалолроқ одамларни қўйинг.

— Унда... Жуда кўп одам билан жанжаллашишга тўғри келади.

— Бўлмасам, нима қилиш керак? Билганингча расвою радди балосини чиқаравер, деб ўз ҳолига ташлаб қўяверамизми?

— Йўқ, — деди қатъий оҳангда раис, — иложи борича тезроқ шу балонинг олдини олиш зарур. Бу сизнинг вазифангиз. Чора кўриш билан иш битса, аллақачон битарди, Расулжон Комилович. Хато қилган айбдорни қўлга туширишдан қийини йўқ, балиққа ўхшайди, қўлингдан шилқ этиб чиқиб кетганини сезмай қоласан. Бири бирига солаверади. Гапини эшитиб турсанг, ҳаммасиники тўғридай... Аслида... Келинг, қўйинг, олиша-олиша чарчаганимиз етар. Оқибатда ўзимизга зиён бўларкан. Қурувчи аҳли ўз қадрига ўзи етадиган давр ҳозир.

Салдан салга ранжиб, бошқа даромадлироқ жойни мўлжалга олаверади, қураётгани чала-чулпа қолиб кетаверади. Сиздан олдинги ўринбосаримиз кўп курашди, қўлидан келмади. Андак бўшанглик қилди ҳам! Биз сизга катта умид боғлаб, шу ишларни равонроқ йўлга солиб юборасиз, деб ўйлаганмиз. Сиз чора кўришдан бошламоқчисиз. Уларни чўчитиб, ўзимиздан бездириб қўймайлик. Ҳозирча аҳил бўлиб ишлаб туринг, шунда ютамыз, ютқизмаймыз.

«Демак, раис билан Ҳайдар Ғуломович ўзаро фикр юритиб, бир тўхтамга келиб олишган, деб ўйлади Расулжон. — Мени шу усулни қўллашга чақиршяпти. Муросасозликка ўргатишмоқчи. Вой, анойилар-ей...»

— «Авангард» колхозининг шифохонаси битганлиги тўғрисидаги қабул комиссияси фикрини ҳам бекор қилиш ниятида эмишсиз, — давом этди раис, — буни яна ўйлаб кўринг, балки андак ён беришга тўғри келар? Ҳа, азизим, ҳарҳолда ўйлаб кўринг!

Расулжон ичиди: «Жин урсин мунақа мушоҳадаю андишага бораверишларни!» деб ўйлади. Шу билан соддадил бошлиғининг танлаган йўли янглиш эканлигини ётиғи билан тушунтиришга киришди. Янги шифохона қабул қилишга ҳали тайёр эмаслигини уқтирди.

Раис гаплари нишонга бориб тегмаганлигидан афсусланиб, хўрсиниб қўйди. Лекин ниҳоятда вазминлик билан ўринбосарининг сўзларига қулоқ солди. Расулжон далиллар келтирди:

— Қўл учиди қилинган ишнинг оқибати кейин ёмон бўлади. Ахир бугунги қурилишлар бир йил, икки йил, ўн йил эмас, мангу ҳайкалдай асрлар оша туриши керак-ку? Номигагина эмас, инсон учун, фақат инсонга хизмат қилиши учун яратилиши керак-ку? Масалага бундай енгил-елпи қарайдиган бўлсак, келгуси авлод олдида кулги бўлмасмикинмиз? Қолаверса, бугунги йўл қўйган хатойимиз учун эртага минг пушаймон еб қолишимиздан нима наф? Беҳуда сарфланаётган, исроф бўлаётган маблағларга жонимиз ачиса-чи! Шулар ҳақида ўйлаб, виждонни ўртага қўйиб, ўзимизга ўзимиз бир ҳисоб бериб қўйсак, ёмон бўлмасди!

Шерали Назарович аввалига қошларини чимириб турди-да, кейин шубҳали қиёфада кулиб қўйди. Расулжон эса унинг бу қилиғига бепарво қараб, ўз мулоҳазасини давом эттираверди. Раис қовоғини уюб, панжалари билан столни тез-тез черта бошлади.

— Гапингиз тугадими? — сўради у зўр бардошли одам сингари.

— Йўқ! — деди кескин Расулжон. — Чоркапа тақдирини масаласида ҳам бир хулосага келиб олишимиз керак. Аҳолини йил охиригача кўчириш тўғрисидаги қарор бор экан. Ҳозирча буни тўхтатиб турсак...

— Нимани? Қарорними?

— Аҳолини кўчиришни!

Раис кулиб юборди.

— Ҳозирча йигирмата хонадон учун уй битган, қулинг ўргилсин уйлар. Битганига кўчаверишсин. Халал берманг. Икки-учта қариқартанг эски кавушини кўзи қиймай оёқ тираб турган бўлса, ижроком тасдиқлаган қарорни бекор қилишимиз керакми?

— Ахир қарорлар догма эмас-ку?

— Dogма бўлмаса ҳам буйруқ каби ҳукми бор!

— Буйруқ ҳам догма эмас! — деб юборди Расулжон. — Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Расулжон раисга синчков назар солди.

Шерали Назарович қотма, ўртабўй, сочлари оқиш, ранги қандайдир дардчилроқ киши. Доим ишининг кўплигидан боши ғовлаб кетаётганга ўхшаб кўринади. Оқ костюм кийиб юриши билан ўзининг расмий қиёфасини сақлашга, таъкидлашга уринади. Бундай одамнинг гапига унча эътибор бермаётгандай кўринса-да, лоқайд ўтирган ҳолида сўзингизнинг биттасини қўймай тинглайди, фикр қилади, фақат дафъатан жавоб беришга ошиқмайди. Иложини топса, жавоб бермай-

ди. Кейин бир ишкали чиқиб қолиши ҳам мумкин-да. Ҳозир ҳам у Расулжонга кўзларини қадаб, нимадандир азоб чекаётгандай юзини сал бужмайтириб, баҳузур ўйлар, ўртага қўйилаётган янги фикрнинг марғзини чақар эди.

— Чоркапага бунчалик меҳр қўйишингизнинг боиси бордир, билсак бўладими? — дея у Расулжонни тезроқ мақсадга кўчишга ундади.

— Бир фикр туғилиб қолди...

«Бир фикр?! — раис хаёлан хитоб этса-да, жаҳли чиққанини билдирмади. — Яна фикр! Мунча осон. Ҳар ким миясида туғилган фикрлар билангина ихтиёрни қўлга олаверса, дунё остин-устун бўлиб кетмайдими? Бугун Чоркапани кўчиришни тўхтатса, эртага яна нималарни ўйлаб чиқармайди? Йўқ, бу хомхаёлнинг ғоясини миясидан қоқиб ташлаш керак. Қаранг-а, бундақаларнинг гапини маъқуллаб қўйсанг, бошингни бирон балога гирифтор қилиши ҳам ҳеч гапмас. Чоркапа-я... Қобил Комиловичдай аллома у ерга пахтани қайта ишлаш заводи қуриб, қишлоқ ишлаб чиқариш ҳаётида янги бурилиш ясамоқчи. Юқоридан бу ҳақда топшириқ бор. Янги уйларни тезроқ битириб, оилаларни кўчиришни кечиктирилганлиги учун эшитган гап-дашномларимиз етмасмиди?»

— Хўш, қандай фикр? — деди раис бамайлихотир овозда.

— Чоркапа масаласида ҳозирча ошиқмасак, обдан ўйлаб кўрсак, — деди Расулжон.

Раис оёғини тираб олди:

— Бу мумкин эмас, асло мумкин эмас! Одамларни кўчириш шарт! — деди.

Одатда одамлар унинг қатъий айтган сўзига тан бериб чиқиб кета қолишарди. Аммо Расулжон ундайлардан эмас экан. Қалласини бошлиғининг гапи оҳангига мослаб тебратганча ўтираверди.

— Расулжон Комилович, қурилишлар, ободончилик сизнинг зиммангизда, — дея ён босишга мажбур бўлди ниҳоят раис. — Мана бир ой ичида ҳаммаси ўзингизга беш қўлдай маълум бўлибди, бу ишларни изга солиш, авж олдириш сизга боғлиқ. Ишонаманки, бизларни панд едириб қўймайсиз, келишдикми, азизим? Аммо-лекин Чоркапа борасидаги фикрингизни қўллашимга ишонманг, чунки бунақа гаплар битта бу хонада ҳал қилинмаслигини биласиз.

Шундан кейин ҳам Расулжон ўрнидан қўзғалмади. Ҳеч кимни юзхотир қилмай йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташлади, райондаги ҳолат, нуқсонлар хусусидаги фикрларини очиқ айтди. Айни ҳолда икки-уч кишининггина совуққонлиги сабаби эмас, балки бунда ижроком ходимларининг ҳам, қолаверса шахсан раиснинг ҳам айби кам эмас, деган маъно сезилиб турарди сўзларидан.

Раис бундан хафа бўлмади, тутақиб ҳам кетмади. Унинг сўзини қайириб ҳам ташламади. Гўё уни маъқуллаётгандай бошини қимирлатиб, қоғозга нималарнидир чизиб ўтираверди.

— Тўғри, — деди у ҳорғин бир оҳангда, — мен ҳам собиқ ўринбосаримизга кўп ишларни топшириб қўйиб, хотиржамликка берилгандирман. Унинг устига соғлиқнинг мазаси қочди, узоқ вақтгача даволаниб юрдим. Қурилиш ишларини кузатишдан бир оз чалғишга мажбур бўлдик. Андак қусурга йўл қўйилганидан хабарим бор. Бу масала райком бюросида кўрилган. Собиқ ўринбосар ишдан олинди, мана сиз келдингиз... Аммо иш сиз таърифлаган даражачалик деб ўйламасдим...

— Собиқ ўринбосарингизга ишониб хато қилганингиз ҳақ! — деди Расулжон. — У сизни доим алдаб келган.

— Расулжон Комилович, менга бунчалик таъна қилаверманг... Ҳар ҳолда сиздан икки-уч кўйлакни ортиқроқ тўздирганман. Камчиликларга келганда... Яна бир ўйлаб кўринг, ҳадеб нуқсонларни бўрттиравергандан кўра, уни бартараф қилишга киришинг. Кечаги қусурларни рўқач қилавериш билан фойда чиқса, кошки.

— Тушундим. Қурилиш ишлари, умуман ободончилик менинг зиммамдалигини яхши ҳис қилиб турибман, аммо сизларнинг ёрдамларингизсиз узоққа боролмайман, буни сиз ҳам тушунишингизни истардим.

— Қўлдан келганча ёрдам берамиз. Аммо дилсизхлик камроқ бўлсин. Элни ўзимиздан бездириб қўймайлик.

— Ҳаракат қиламан, Шерали Назарович, яна бир масала...

— Хўш?..

— Район маркази қурилиши бош планини қайта кўрсак, баъзи ўзгаришлар киритсак.

Шерали Назарович ялт этиб яна унга қаради.

— Бу фикрингизга қўшиламан. Хўш, буни кимга топширасиз, ўзимизникилар қиладими?

— Йўқ, ўзимизникиларнинг қўлидан келадиган иш эмас. Акбар Қодировни ўз ўрнига тиклаб, унга топширсак, яхши бўлади.

— Акбар Қодировки... Собиқ ходимимизми?

— Ҳа, собиқ ходимингиз.

Шерали Назаровичнинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди.

— Жавҳар Қобуловични, жиянингизни қаёққа жўнатасиз? — кесатик қилди у.

— Унинг ўзига лойиқ хизмат топиб бериш қоғмас.

— Билмадим, билмадим, — деди Шерали Назарович жиддий қиёфасини бузмай. — Буни кўп ўйлаб кўриш керак. Ҳар ҳолда, шошилмаган маъқул.

Расулжон эшикни астагина ёпиб чиқиб кетди. Елғиз қолган Шерали Назарович анча маҳалгача ҳеч кимни қабул қилмади. Фикрларини бир ерга йиғиб олишга уринаётгандай чаккасига қўлини тираб ўтирди. Кейин ғаладондан сигарета олди. Чекмоқчи бўлиб, гугурт чакдию ҳадеганда ўт олдирилмади. Гугуртнинг қизғиш алангаси унинг бармоқларигача етиб бориб, куйдирди. Бир силташ билан ёнган чўпни сим саватга иргитди. Зарб билан ғаладонни ёпди. Кўзи ҳозиргина Расулжон ёпиб чиқиб кетган эшикка тушди. «Бўш келадиганга ўхшамайди бу! — деб ўйлади ичида, сўнг мийиғида кулди. — Чакана эмас!»

Худди шу куннинг эртасига Расулжон кўп жойлардаги қурилиш ишларини тўхтатиб қўйди. Ишчиларни махсус лойиҳалар билан қурилаётган муҳимроқ объектларга юбортирди. Бу ўз навбатида хўжалик раҳбарларининг иззат-нафсига қаттиқ ботди. Жанжал бошланди. Ҳар қайси раҳбар ўзининг қурилишини энг муҳим дея исботлашга уринарди...

— «Озод» колхозининг раиси устингиздан обкомга шикоят ёзибди, — деди унга райижроком раиси.

Расулжон: «Ундан каттароқ жойларга ёзишмайдами», — деб аҳдидан қайтмасликка астойдил бел боғлади.

Бешинчи боб

Райижроком ҳаёти сиртдан қараганда бир маромда, сокин оқаётгандай кўринса-да, унинг ичида эскиган тартибларга қарши кучли ҳаракат борар эди. Бу кураш ўз навбатида коллективни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб юборган, деярли ҳар куни бу курашувчилар нисбати ҳам ўзгариб турар эди.

Ижроком раисининг идеология бўйича ўринбосари Ҳайдар Гуломов аввалига Расулжонга жуда қатъиятли, адолатпарвар ўртоқ сифатида кўринган бўлса, энди аста-секин ичидаги иллати юзага чиқа бошлади. Расулжоннинг ихлоси қайтса-да, буни билдирмай, мураса қилишга уринар, рўёбга чиқарилаётган муаммоларнинг туб моҳиятига тушуниб, қўллаб юборишдан умидвор эди. Бироқ унда қатъият етишмас экан. У райкомнинг иккинчи котиби Иззат Тойлоқовнинг

чизган чизигидан чиқмас, ўшанинг айтгани айтган, дегани деган экан. Ўз фикрининг ҳоқони бўлолмаган бундай одамларни шамол парракка ўхшатиш мумкин, шамол қаёққа эсса, ўша ёққа қараб париллаб айланаверади. Лекин гапга чечан. Айниқса мажлисларни олиб бориш, нутқ сўзлашнинг ҳадисини олган.

У кечагина ўйлаган, билган, эшитган сўзини бугун программадай бажарилиши лозим деб ҳисоблар эди. Мабодо бирор кишининг арзимаган нуқсонини кўрса, туядай қилиб кўрсатар, бирор кимса номига ё иш йўсинига тил теккизса, ундан албатта ўч олиш пайига тушар эди. Шунинг учун ҳам Расулжон билан ҳеч келишолмай қолди. Мавридини топиб, астойдил бир чўқиб қўйишни ўйлаб қолди. Кўпчилик уни ёқтирмаса ҳам, ҳайиққанларидан тарафини олишарди. Ана шундайлардан бири кўк пиёз сотиб ўтирган кампирни Расулжон милициядан ҳимоя қилганини айтиб берганда Ғуломовнинг жиғи-бийрони чиқди. Расулжонни дарров ёнига чақириб, ўша воқеани эслатди:

— Нима учун ўз вазифангиз қолиб, бошқаларнинг ишига аралашасиз? Милиция бўлими менга қарайди-ку?

Расулжон елкасини қисди:

— Менимча, ҳаммамизнинг ишимиз бир. Меники, сеники деган гап йўқ, — деди.

— Кўча қонун-қоидалари билан шуғулланадиган махсус ходимларимиз борлигини ҳам унутиб қўяётганга ўхшайсиз!

— Тўғри, лекин ўша махсус ходимларга ҳам йўл-йўриқ кўрсатиб туриш бизнинг вазифамизга кирмайдими?

Ҳайдар Ғуломов гап қайтарган тобе ходимини ёмон кўрар, ҳар сўзини оғзидан чиқмай бўғзига уришга ошиқарди. Бироқ бу сафар тилига калима келмай, ғалати қараш билан чекланди.

Расулжон районнинг деярли ҳамма хўжаликларини кезиб чиққанига қарамай ҳалигача ўзи яшаб, ишлаб турган жой атрофини дурустроқ кузатмаган экан. Бир куни тушдан кейин шу яқин-атрофни айланиб кўрди.

Одамлар автобус бекатларида гивир-гивир қилишади. Машиналар гиз-гиз ўтади, бир неча муддат пиёдаларни тўхтатиб қўяди. Ошхона, магазинлар олдида хўрандаларнинг шов-шувлари, харидорларнинг ўзаро тортишувлари баралла эшитилади. Тўрхалта, қоғоз пакет, тугун кўтарган аёллар дам у дўконга, дам бу дўконга ўзини уради. Бозорда ҳам савдо-сотик авжида. Машиналарнинг дид-диди, одамларнинг бир-бировини чақирishi, челак-тоғораларнинг тақир-туқир...

Расулжон окшомгача шу атрофда юрди. Дафтарига нималардир ёзди. Эрталаб эса район милиция бошлиғини чақириб:

— Сизга бир савол бор. Уйда резавор, полиз маҳсулоти ишлата-сизми? — деди.

— Албатта, ўртоқ раис ўринбосари! Резаворсиз тирикчилик ўтадими? Таомга таъм киритади-да.

— Резаворни қаердан сотволасиз? Томорқангиз борми?

— Йўқ, ўртоқ раис ўринбосари, бизда ҳовлиям йўқ, томорқаям. Биз район марказида — домда турамиз. Резаворни бозордан оламиз.

— Чайқовчиларданми?

Милиция бошлиғи доврираб қолди.

— Чайқовчиларнинг уруғини қуритганмиз, ўртоқ раис ўринбосари. Аҳоли ўз шахсий хўжалигида етиштирган маҳсулотнинг бир қисмини бозорда сотишга ҳаққи бор. Улар чайқовчи саналмайди.

— Ҳа, балли. Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Лекин кеча бир ходимингиз автостанция майдонида резавор сотиб ўтирган кампирнинг кўк пиёзини тоғора-поғораси билан улоқтирганини кўриб қолдим. Бунга нима дейсиз?

— Шундай қилган бўлса, унга чора кўришга тўғри келади. Қўполлик қилмай, яхши гапириб, ҳайдаши лозим эди.

— Нима учун албатта ҳайдаши керак? Ҳозиргина ўз оғзингиз билан айтдингиз-ку, ҳар ким ўзи етиштирган дала маҳсулотининг бир қисмини сотишга ҳаққи бор, деб?

— Айтганим рост. Лекин қаерда сотишни ҳам билиши керак! Автостанция майдони — бозор эмас, ўртоқ раис ўринбосари.

— Автостанция энг гавжум, серқатнов жой. Биров келади, биров кетади. Биров хизматдан кеч қайтиб, бозор қилишга ё улгуради, ё улгурмайди. Менимча, резаворгина эмас, бунақа жойларда мева, сабзавот маҳсулотлари сотилса, ҳаммага нафи тегади.

Милиция бошлиғи кўзларини пирпиратиб, нимадир демоққа оғиз ростладию гап қайтаришни маъқул кўрмади шекилли, оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига ташлаб тураверди.

— Ё эътирозингиз борми? — далда берган бўлди яна Расулжон.

— Эътирозим йўқ, лекин, — аста жилмайди у, — программада атрофи очиқ-сочиқ, санитария-гигиена қоидаларига жавоб беролмайдиган жойларда савдо қилинаверсин, дейилмаган-ку?

— Программада «Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари» дан харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини кенгайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашилсин... ана шу маҳсулотларни сотиш учун бинолар ажратиб берилсин, транспорт воситалари билан таъминлашда уларга ёрдам кўрсатилсин!» дейилган. Демак, санитария-гигиена қоидаларига жавоб берадиган шароит яратилмаган бўлса, яратиб бериш керак. Кооператив ташкилотларга айтиб, одамлар гавжум жойларга чоғроқ-чоғроқ, усти ёпиқ пештахталар қурдиринг. Ташаббус кўрсатинг. Бу ҳам тартиб ўргатишга киради. Аҳолига ғамхўрлик кўрсатиш билан отангизга балли, деган олқиш орттирасиз. Келишдикми?

— Келишдик, ўртоқ раис ўринбосари!

Милиция бошлиғи шахдам юриб, кабинетдан чиқди-да, тўппа-тўғри Ҳайдар Ғуломовнинг олдига кирди.

— Ўртоқ Ғуломов!

Ҳайдар Ғуломов ўқиб ўтирган қандайдир ҳужжатлардан бош кўтармай садмоқланиб:

— Хўш, тартиб посбонларимиз сардорининг ташриф буюришидан мақсад нималигини эшитайлик-чи, — деди.

«Тартиб посбонларининг сардори» Расулжон билан ўзаро нима-йики гап бўлган бўлса, ҳаммасини батафсил ҳикоя қилиб берди. Унинг автостанция майдонида савдо ўчоғи ташкил қилиш ҳақидаги буйруғини ҳам унутмади.

Ҳайдар Ғуломов кўзойнагини қўлига олди-да, бошини қашлаб туриб:

— Хўш, бунинг нимаси нотўғри? — деди. — Жуда ўринли гап, менимча.

— Савдо ўчоғи ташкил қилиш ҳақидаги буйруғига қандай қарайсиз?

— Қандай қарардим... Ўринбосаримизнинг буйруғини менинг буйруғим деб билинг. Шундай қарайман.

— Эшитаман! Кетишга рухсат этинг.

Милиция бошлиғини эндигина кузатиши билан унинг олдига район халқ контроли бошлиғи кирди-да, Расулжонни ғирт расмиятчиликда айблади.

— Магазинларда пичоққа илинадиган ҳеч нарса топилмасмиш... Бари яхши мато, пештахта остидан олиб сотилармиш. Озиқ-овқат дўконига шу бугун нима келса, рўйхатини олиб, харидорларнинг қоқ пешонаси қаршисига осиб қўйиш зарурмиш. Жуда назариётчи чиқиб қолди-ку бунингиз!

Орадан кўп ўтмай шундай арзиҳол қилиб нон заводидан сим қоқишди. Ноннинг сифати бузилаётган эмиш.

Шундан кейин Ҳайдар Ғуломовичнинг миясида яна нималардир гивирлаб қолди. «Шикоят устига шикоят... — дея такрорлади ичида. —

Ҳақиқатан ҳам ҳаддидан ошяпти. Қайси куни редакцияга кириб, қанақадир фелъетонни босилаётган ерида тўхтатиб қўйибди. Ростданам мунча ўзини билагон қилиб кўрсатавермаса?.. Майли, бу йиғилган фактлар энди иш беради. Танобини тортиб қўйишга баҳоналар тахланиб қолди. Айни муддао!»

— Ишдан кўра тўполон кўпайиб кетяпти! — дея писанда қилди у Расулжонни чақириб. — Бу ердагилар сиз ўйлаганчалик оми эмас. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, деганлар. Бошқаларни менсимаслик калтабинликка кирмасмикин? Эски тартиблар деб, кўп йиллик синалган тажрибаларни ҳам менсимай қўйдингиз, чамамда?

— Сиз айтган тажрибаларга суянсак, бир ерда тўхтаб қоламиз. Бунинг хосияти йўқ. Янгича ишлаш керак!

— Менга ҳам ақл ўргатмоқчимисиз?

— Ҳаммамиз бир-биримиздан ўргансак, ёмон бўлмасди. Акс ҳолда ҳар биримиз ўзимиздан бошқа ҳеч кимни кўрмай қоламиз. Ўзаро қўллаш ўрнига бир-биримизга халал беряпмиз. Менинг айрим буйруқларим, кўрсатмаларим амалга ошар чоғда бирдан тўхтаб қолаётганини сезяпман. Баъзан райкомнинг иккинчи котиби, баъзан сиз бекор қилаётганингизни эшитаман. Бундан мақсад нима?

— Мақсад шуки... сиз бераётган буйруқларга ҳали фурсат етмаган деб ҳисобланмоқда.

— Тушунарли. Лекин бугун бўлмаса, эртага албатта фурсат беришга мажбурсиз!

— Қўрқитмоқчимисиз? Буйруғимни бекор қилишмоқда, деб каттароқ жойга шикоят ҳам қиларсиз?

— Ҳозирча йўқ. Бордию бу яна давом этса, шикоят қилишга ҳам тўғри келади.

— Маслаҳат бермайман. Биз бирга ишлайдиган одамлармиз. Шунинг унутманг. Бир-биримизнинг устимиздан арз-дод қилиб юрсак ярашмайди. Ҳар ҳолда раҳбар кишилармиз.

— Сиздан, мендан ҳам ортиқроқ раҳбарлар бор, бу — коллектив! Сиз ҳам буни унутманг!

Расулжон сўнги пайтлар Ҳайдар Ғуломовичнинг тутган мавқеига ҳеч тушунолмасди. Расмиятчи деса, расмиятчига ўхшамайди. Ичиқора деса... Майли, унинг бирон мақсади, бирон муддаоси бордир, дейлик, нега бўлмаса, шу муддаони очик-ёриқ айтмайди. Ичида нима борлигига ҳайронсан.

Ҳайдар Ғуломович аслида ўз иззат-нафсини ўйларди. «Расулжон ўзининг бевосита вазифаси қолиб, бошқаларнинг ишига аралашади. Ҳеч бўлмаса, кириб маслаҳат сўрамайди, нима қилмоқчилиги ёки қилганлиги ҳақида лом-мим демайди. Режасини тушунтирмайди. Бунинг устига ҳаммани ўзига қаратиб олди. Бутун ишни ёлғиз ўзи дўндирмоқчимми? Мана, қўлимдан нималар келишини билиб қўйинглар, сизлар фақат буйруқвозликни биласизлар, холос, амалий иш мана бунақа бўлади, демоқчи шекилли. Вой, найнов файласуф-ей... Ўзларини тенги йўқ одам санасалар керакда. Тафтиш юритиш, уни ўзгартир, буни ўзгартир билан ўзидан катта раҳбарларни ўзига қарши қўяётганини билармикин? Унинг ҳақида нима гаплар тарқалаётганидан хабари бормикин?»

Ижроком раисининг олдига кириб, Ҳайдар Ғуломович ҳозиргина кўнглидан кечганларни гапириб берди. Раис диққат билан эшитди.

— Кимлар гап тарқатяпти? — деб сўради кейин. — ОКС бошлиғига ўхшаганларми?

— Фақат ОКС бошлиғигина бўлса-ку, майли-я, район молия бўлимига кирсанг, дув-дув гап. Райплан, маориф бўлимидагилар... Ҳамманинг ишига бурнини тикқани тикқан. Тайёрлов бўлимига кириб, бошлиғига дағдаға қилибди: «Қизиғи шундаки, бу ердаги хўжасизлик, бу ачинарли, хунук аҳволлар бирортангизни хижолат қилмай қўйибди!» дермиш. Одамлар унинг гапиришини мазахлаб, тоза кулишармиш. Марат Маматов эса...

— Сиз Маратни ҳадеб ҳимоянгизга олаверманг, — деди раис унинг сўзини шартта бўлиб. — Унингиз қанақа одамлигини ўзи исботлаб қўйди.

— Сиз ўша шифохона биносини назарда тутаясиз-да, Шерали Назарович...

— Ҳа, уни энди янги комиссия ҳал қилади. Иморатни кўрдим, Расулжоннинг айтганича бор, чала иш.

Ҳайдар Ғуломович ютиниб олди.

— Жавҳар — ўзимиз тарбиялаган кадр, оддий прорабликдан ОКС бошлиғи даражасига ўзимиз кўтаргандик. Ўзимиз мансаб бериб қўйиб, ўзимиз бўшатсак...

— Инсоннинг фазилати унинг мансабида эмас!

— Майли-ку, — мулзам ҳолга туша бошлади Ҳайдар Ғуломович, — мен бошқа нарсани ўйлаяпман. Илгари районимизнинг айрим ички сирларини ташга чиқармасин, деб аввалги ўринбосаримиз ишидан норози эдик. Буниси бир жиҳатдан ишчану иккинчи жиҳатдан, сирни фош қилишда ундан ўн чандон ошиб тушадиганга ўхшайди. Ёмғирдан қочиб, қорга учраган кўринамиз.

— Сир, сир... Шу ҳам гап бўлди-ю! Чумчуқдан кўрққан тарик экмайди. Шунақа кўрқоқ эканмиз, нимага ўзингиз уни бошлаб келдингиз?

— Бунчалик бўлиб кетганини қаёқдан билибман. Хато қилдим чоғи.

— Менимча, бу сафар хато қилмагансиз!

Ҳайдар Ғуломович оғзини ланг очганича туриб қолди. «Бу Расулжони тушмагур раисни ҳам қўлга олганга ўхшайди. Қачон улгурдийкин? Бутунлай ўша томонга оғиб кетибди-я!» деган фикр ўтди кўнглидан.

Ҳайдар Ғуломович ижроком раисининг шундай чўрткесарлигини азалдан ёқтирмас, кўп масалаларда у билан келишолмас эди. Аҳён-аҳён баҳслашиб қолган маҳал бирон фикри билан енгилга уринарди-ю, лекин доим панд еб қоларди. Кейин бу ўзига алам қиларди. Бу сафар ҳам шундай ҳолга тушди.

— Расулжон Комилович, — дея таъкидлади раис, — шифохона масаласини тўғри ҳал қилди, бунга тан бериш керак. Бошқа соҳадаги ишлари ҳам ёмон кетмаяпти. Мен шундай деб ўйлайман. Ҳа, ҳақиқатни қўллашни ўйлашимиз керак. Сиз билан бизнинг биринчи вазифамиз шундай бўлсин. Расулжоннинг жафокашлигини кўрмайсизми, сезмайсизми? Аллақачонлар бизга худди шундай одам керак эди!

Ҳайдар Ғуломович кабинетдан сўлжайиб чиқиб кетди. Хонасига киргандан кейин ҳам анчагача асабийланиб ўтирди. Ўйлаб-ўйлаб, ўзича бирон тўхтамага келишга қарор қилди. Чунки Расулжонни бугун раис қўллай бошдаган бўлса, эртага райкомдагилар қўллаб қолиши мумкин. Ундан сўнг ошиғи олчи. Биринчи ўринбосарликка ҳам мўлжал қилишлари ҳеч гапмас. Қарабсизки, Ҳайдар Ғуломовичнинг иши хуржун. Дарвоқе, Расулжоннинг мақсади ҳам шунақамасмикин? Елканни кенг ёйиб, олис сафар сари шайланган бўлса-чи? Ҳар нарсани қутиш мумкин. Шунинг учун эҳтиёткорликка не етсин! Барибир очиқчасига қарши чиқишнинг иложи йўқ ҳозир. Одамлар нима деб ўйлайди. Ўзи районга етаклаб келиб, ўзи хужум бошлади, деган гапдан асрасин. Зотан биринчи ўринбосарликка лойиқ, албатта. Ишини билиб қилади. Бордию Ҳайдар Ғуломович раиснинг ўрнини эгаллаганда, шундай бўларди ҳам. Ҳайдар Ғуломовичнинг орзу-ниятини шу эди. Бироқ ҳамон ният ниятлигича қолиб турибди. Ўн беш йилчадан бери шуни кутади. Вақт эса ўтяпти. Ёш ҳам ўтяпти. Аммо раиснинг қулашидан дарак йўқ. Расулжон ҳам раис билан тил топишди чамаси. Эҳ, хомкалла, аслида шундан эҳтиёт бўлиш керак экан-ку! Расулжоннинг тизгинини маҳкам ушлаб туришнинг эвини қилолмай қолди-я. Яна ҳаммасини бошдан бошлаш керакми ё? Қачонгача чўзилади бу? Яна қачонгача ўзини итоаткор, тобе ходимдай

кўрсатишга ҳаракат қилади, раҳбарининг панд ейишини, тавбасига таянишини кутади? Худбин бўлиб, виждонли киши қиёфасида юришдай оғир иш йўқ экан-ку дунёда. Шунча йил одамларга яхши кўринишга уринди, улар ичидан маслакдошлар орттиришга тиришди. Ҳар бир раҳбарнинг хизматини кўкларга кўтариб, лаганбардорликни ўрнига қўйишга интилди, шу йўл билан омад учун курашди. Аммо ниятига эришолмади ҳеч. Мана, раис Расулжонга тан берганини бўйнига оляпти. Бунга қандай муносабатда бўлиш керак? Раиснинг фикрини маъқуллаш эса Расулжонга нисбатан ён босиш билан баробар. Ён босмаслик — раиснинг фикрини менсимаслик дегани. Ора йўлда қолишни асло истамайди. Ундан қутилишнинг чораси бормикин? Бўлса қандай?..

Масаланинг бу жиҳати бўлмаганда Расулжонни ёқлашга асло тобу тоқати йўқ эди. Қандай бўлмасин, бугунги ўзаро кўнгилхи-жилликни ҳам Расулжоннинг юрагидан чиқариб ташлаш маъқулдир. Лекин қандай? Бордию уйига таклиф қилса-чи? Келармикин?

О л т и н ч и б о б

1

Норин дарёси жўшади, дам очиқ чирой билан жилмайиб, оҳиста оқади. У пайдо бўлгандан бери неча бор ўзанини ўзгартириб, неча бор соҳиллари янги қиёфага кирганини ҳеч ким билмайди. Қанча қишлоқлар яралиб, қанча-қанчаси емирилди, қанча элатлар келди, қанчаси кетди, қанчаси бир умрга турғун бўлиб қолди.

Ҳаёт шунақа, бир ерда тўхтаб қолмайди. Дарё ҳам ҳаётга ўхшайди. Дарёнинг ҳаракати тинмайди, номи эса ўша-ўша — Норин.

Нориннинг икки соҳилига кечки салқин тушмоқда. Шафақнинг майин ёғдуси борлиқни, инсон борлигини силаб, аллалайди.

Шом тушди. Дарё қорайди. Ёш жувонларнинг шивир-шивирига ўхшаш товуш бериб оқаётган сувнинг кўкиш туси тўқлаша-тўқлаша сокинлашди. Худди шу маҳал соҳилдан унча олис бўлмаган жойдаги «Чаман нор» деб аталмиш кўркам боғда, муаттар гуллар билан ўралган шийпонда бир жувон ўтирарди. У қалин қилиб солинган кўрпачада чиройли қўллари билан тиззалариқни қучоқлаб, тиззаси устига иягини тираганича қаршидаги йўлак томондан нигоҳини узмай, қандайдир тотли интизорликдан беҳол одамдай сузилиб, маъюс боқар эди.

Бирдан бошини кўтарди, қулоғини динг қилиб, яқинлашиб келаётган шарпага қулоқ тутди. Гулзордан бошланган қуюқ дарахтзор ичида ранг-баранг думини кенг ёйиб, аста-аста одимлаётган товус экан. Жувон ҳафсаласи пир бўлгандай тескари қаради. Қуюқ япроқлар орасида сўлим оқшомнинг осуда нимранг нурлари жилваланади. Жувон чўғдай гилам узра юриб бориб, шийпон устунисидаги мурватни бураб, чироқни ёқди.

Унинг қадди-қомати жозибадор, ҳарир қўйлаги остидан бўртиб турган кўкси, оппоқ билаклари юракни ларзага солгудай. Аммо юзи тунд. Кўзлари хира тортган. Чиройли лаблари аста қимирлаб, «Келмай қолса-я!» дея шивирлади. Ўзи гўё нима қилишини билмай боши қотган одамдай безовталанди, изтиробли юраги туз сепгандай ачишди. Миясида қандайдир совуқ, бадбин фикрлар пайдо бўлиб, тугён кўтарди. Кўзлари ёшланди. Дафъатан ўзини кўрпачага ташлаб, кўксига ёстиқ тортдида, йиғлай бошлади. Фақат пиқиллашию хўрсиниши эшитилар, нозик елкалари енгил титрар эди. Кўп ўтмай бу вазият ҳам ўзгарди. Нафас олиши сезилмайдиган даражада жим бўлди. Аста уйқу элитган эди уни. Бир тутам қора сочи елкасидан сидирилиб тушиб, ёстиқ узра тўлғонганча қотди.

Шу ётишда у туш кўрди. Тушида Кисловодекнинг Кичикэгар деб

аталмиш тоғларида сайр этиб юрганмиш. Ажойиб, тиниқ осмонга қўл чўзса етгудай. Енида азиз бир киши бор. У билан қўл ушлашиб, ваҳимали дараларга кўндаланг тушган осма кўприклардан ўтишармиш, ер билан тоғларни улаган баланд ҳаво «трамвай»ида учишармиш. «Макр ва муҳаббат» қасрини томоша қилиб юриб, ғаройиб ҳикояларни тинглашармиш. Жуда ҳам юқоридан маржон-маржон томчилар сачратиб, қулоқни батанг қилгудай гумбурлаб тушаётган шалола остида туриб, узоқ ҳижрондан сўнг учрашган ошиқ-маъшуклар сингари бир-бирларига меҳр билан тикилишармиш. Ишқилиб, икковларининг армонлари аригандай эмиш. Чунки кўпдан орзу қилиб юрган ниятларига эришгандай эмишлар...

Бирдан осмону фалак қаттиқ гумбурлаб, қандайдир баҳайбат қуш учиб келиб, балои қазодай уларга чанг солармиш. Қушнинг панжалари қоп-қора қон, тушугидан олов сачармиш. Қуш ёнгинасида турган севгилисини даст кўтариб, осмон билан ўпишган тоғлар устига олиб кетибди. Бундан даҳшатга тушган жувон тоғ-тошни ларзага келтириб, шундай қаттиқ бақирармишки, унинг товуши зарбидан ҳаракатга келган тоғдан уйда-уйдай харсанглар ерга отилармиш. Ҳаммаёқ харсангларга тўлиб кетганмиш. Ундан қутулиб, йўл топишнинг иложи йўқ, нажот бергувчи яқин ўртада кўринмас, овози ҳам эшитилмас эмиш. Жувон қалт-қалт титраганча кўзи тиниб, улкан жарликка томон қулаётган эмиш...

У қора терга ботиб уйғонди. Анчагача кўзини очмай туш таъсирида ҳаяжонланиб ётаркан, бош томонида кимдир уни кузатиб тургани сезилди. Чўчиди. Илон чаққандай ўрнидан сакраб турди-да, шийпоннинг охиригача югуриб борди. Устунни кучоқлаб қолмаганда, пастга қулаб тушарди. Ҳансираб, нафаси тиқилган ҳолда ортига шартта бурилди. Қаршисида тушида кўрган улкан қуш панжасидаги кимса илжайиб турарди. Жувоннинг ингичка қошлари ҳайрат билан кўтарилиб, оғзи ярим очилганча қотди. Бу ўша — бугун келмай қоладими, дея ўйлагани Қобил Комилович эди.

Жувон уни бир кун кўрмаса, бирор оқшом бирга бўлмаса, ўзини қўярга жой тополмай, питирлаб қолади. Бугун ҳам келмайдими, деб қўрққан эди. Ваҳоланки, икки ой бирга дам олишди, Қисловодскдан келганларига уч кунгина бўлди, холос. Шу уч кун ичида Қобил Комилович хўжалиги ишларига берилди, йўқлигида юз берган айрим ўзгаришларнинг сабабини ўрганди. Енди, қоврилди, кимлар биландир уришди, тортишди. Кимдандир қасд олмоққа чоғланди. Аммо қош қўяман деб кўз чиқариб қўймасликни ўйлаб, яна ўзини босди. Бу орада юраги минг жизиллаб турмасин, Зилола билан учрашишга вақт ажратолмади. Зилола эса биринчи кун чидади, иккинчи кун ҳам бир навидай ўтди. Аммо учинчи кунга келганда, чидамани йўқотди. Қандайдир нарса қитиқ патини юлар, кўнглининг чуқур ерини ғашлантирар, ички қандайдир овоз нималарнидир шивирлаб, ноаниқ тасодифлардан огоҳ бўлишга чақирар эди.

— Бағритош! — деди ўпқаланиб у. — Келаркансизу? Мен бутунлай қорангизни кўрмасман, деб ўйлагандим.

Шундай дедию ойдаи балқиб, икки қўлини чўзганича қаршисидаги эркакни яқинроқ келишга чорлади. У ҳам сеҳрлангандай эста одимлаб борди-да, аёлни ўзига тортди.

II

Қобил Комилович кўпдан «Чаман нор» томон серқатнов бўлиб қолган эди. Зилолани кўрса, дунёнинг бутун ташвишларини унутар, гўдакдай яйрар эди. Уйда хотини, бўйга етган қизи, ўғли борлиги ҳам, ёши бир ерга бориб қолгани ҳам бир мунча вақтга эсидан чиқар эди. Баъзан у: «Қалбга қаримоқ йўқ, севгига айб», дея ўзини оқлаб қўярди...

Зилола ҳам уни кўрмаса, ёлғиз қолиб нохуш хотираларга берилар,

азоб чекар эди. Улар бир-бировига овунчоқ бўлиб қолгандилар. Лекин имковлари ҳам бундай юришнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳеч ўйлашмасди. Зилола, у оиласини ташлаб бутунлай менинг олдимга келади, умрбод меники бўлади, деган умйд билан яшарди. Аммо буни унга айтмасди. Унинг оилавий ҳаёти, болалари ҳақида оғиз очмасди. Андиша қилаётгани учун эмас, балки нафсониятига тегиб кетишидан чўчиб, индамасди.

Мана, ҳозир ҳам ёнма-ён ётишаркан, Зилоланинг хаёлига шу фикр келди. «Таваккал қилиб кўрсамми? Бугун бўлмаса, бошқа бир кун айтаман-ку барибир», деб ўйлади. Сўнг:

— Сизимнан жиддийроқ гаплашса бўладими? — деди шўх карашма билан.

— Қанақа гап? — лоқайдгина сўради Қобил Комилович, жувоннинг эркалалашларидан мумдай эриб. Лаблари орасидан тилла тишлари йилтиллаб кўринди. — Жудаям жиддийми?

— Жудаям... Жоним... — деди у ҳамон эркаланишда давом этиб. — Менга тушунингизни ўтиниб сўрайман. Майли, денг, хўп дейман, денг.

— Хўп, айт гапингни, жоним... — Қобил Комилович қулоғини динг қилиб, гап нима ҳақда боришига қизиқиб қолди.

— Жоним, — деди яна жувон, оғзининг таноби қочиб, аммо юраги хавотирли ура бошлаганини ўзи ҳам эшитмоқда эди... — Жоним, келинг, бирга яшайлик. Уйингиздан кетинг! Оилангиз билан масалани бир ёқлик қилингу чиқиб кетинг. Барибир улар билан бирга турмайсиз-ку... Қачонгача шунақа қилиб яшаб юрамиз. Ахир биз бир-биримизни севамиз-ку, бунинг нимаси ёмон?

Қобил Комиловичнинг тили танглайига ёпишиб қолгандай ҳеч нарса деёлмай, бир муддат жим қолди. Кейин:

— Бунақа дейишга қандай ботинолдинг? — деди ютиниб.

Ойдинда жувоннинг юзи бирдан ўзгариб, қовоқ-тумшуги осилгани аниқ сезилди. Кўзлари ёввойи мушукнинг кўзларидай ёнди. Ўзини унинг бағридан нари тортди.

— Манга жавоб қилмадингиз!

— Уйингдан кет, эмиш! Бу айтишга осон!

Жувон унинг қўлларини итариб ташлади.

— Ел кўтарсин шу исқотини! — деди зарда билан. Қирмизиранг ичкўйлаги этакларини тортиб, тиззасигача ёпди.

— Қўй, — дея уни юпатишга тушди Қобил Комилович, қайта бағрига тортаркан, — ҳозирча бунақа гапларни ўйламай турайлик: Шу юриш-туришимизнинг нимаси ёқмаяпти санга? Нима халал берапти?

Жувон терс ўгирилиб, ётиб олди. Кутилмаганда йиғи бошлади. Бўғилиб-бўғилиб йиғлади. Қобил Комиловичнинг шунча ялиниб-ёлборишлари ҳам таъсир қилмади. Охири ваъда беришга мажбур бўлди:

— Ҳай, майли, тинчлан, жоним. Бир кунда ҳал бўладиган масаламас бу. Ўйлаб кўриш керак. Аммо шопилтирма! Ўзинг кичкинамаман, тушунасан-ку?..

Тонг отди. Яқингинада сувнинг шовуллагани, қушларнинг сайраши эшитилди.

Зилола ётган жойида қўлларини ёйиб, эринибгина керишди-да, шийпоннинг нариги бурчида соқол олаётган Қобил Комиловичга қараб жилмайди.

— Бугун нима қилай? — сўради у вазиятини бузмай.

— Ишга бор, — буйруқ қилди раис, иягини қиртишлашда давом этиб, — келди-кетдига ўзинг жавоб қилиб тур, жонгинам, менинг бўлишимдан бўлмаслигим аниқроқ.

— Яна соғинтирдингиз келиб қолдими? Ишингиз битди-да, а? Қаёқларда санғимоқчисиз?

Қобил Комилович юзидаги совун кўпиги қолдиқларини артиб ташлаб, унга талпинди.

— Укам келибди, исполком ўзимиздан чиқиб қолди. Ҳарқалай, жигар-да, келганини эшитиб, кўнглим чоғ бўлди. Шунақа, ҳар қуш ўз уясини қўмсаб учаркан. Келибоқ акасини йўқлабди. Мен йўқ, кўролма кетибди. Энди ўзим борай. Кўпдан кўришга муштоқ эдим.

— Эшитдим, — деди Зилола, шўхчан киноя билан, — ўзи йўқдай бўлсаям, сўзлари ўқдай эмиш жигарингизнинг. Келганидан бери анча жойли остин-устин қилиб юборибди. Қурилишларингизни бракка чиқарибди. Эҳтиёт бўлинг, ҳали кўп иллат топади сиздан. Акам деб аяб қўядиганга ўхшамайди! — жувон ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб, тоғдан тушган шалоланинг шалдирашидай овоз чиқариб қаттиқ кулиб юборди.

Қобил Комилович кийинаётган жойида шойи кўйлагининг бир энгига қўлини тикқанча қотиб қолди. Юраги туз сепилгандай ачишди. Қовоғи солиниб, жиддий тортди.

— Янги кўзанинг суви тотли бўлади, деган гапнинг мағзини чаққанмисан?

Жувон унинг нима деяётганига тушунолмай, таноби қочган оғзини аста ёпди-да, баёвгина тикилди.

— Саволимга жавоб бер, акаси жонидан! — қисталанг қилди яна Қобил Комилович.

— Тушунмадим...

— Тушунмасанг, тушуниб қўй, тотли сув тез тугайди. Биз булоқ устидамиз, уни ҳеч тугатиб бўлмайди, ҳеч ким лойқалатолмайдиам. Жигарим экану отам бўлгандаям йўл қўймайман лойлатишга! Қобил Комилович ҳеч кимга ҳеч қачон бўй бермаган, бермайдиам!..

Е т т и н ч и б о б

Расулжон Зарқўрғонга келгандан буён ёшлигининг энг ширин дамлари ўтган жойларда, айниқса сержилолиги билан кишини мафтун қилувчи кадрдон дарё бўйларида андак сайр-саёҳат қилишга вақт тополмаганидан кўнгли ўрнига тушмай юрарди. У ҳайдовчига машинани соҳил томон буришга буйруқ қилди. Ярим соат ичида дарё бўйига етиб келишди. У ечиниб сувга тушди. Болаликдан таниш, оромбахш сув бадан-баданига сингиб қалбини, танини яйратди. Қулоч отиб сузди. Сузар экан, сув юзасига, дарё мавжларига туташ бошланган қирғоқ, далалар, осмон манзарасига боқди, неча йиллардан буён ўзи бундай ҳолатни бошдан кечирмаганини, кўзи шундай манзарани кўрмаганини эслади. Шу дамга етишганига хурсанд бўлиб, қирғоққа чиқиб ўтирди. Хаёлга чўмиб, дарёга боқди.

Расулжон шунча вақт қаерда юрмасин, қаерларда бўлмасин, ҳамма вақт мана шу роҳатбахш тўлқинлар бешигида неча бор тебраниб, эркаланганлари, шу тўлқинлар билан бирга аллақачонларга оқиб боришдай истакларини эслаб соғинар, пишадай тиниқ, осмон каби жилвакор жамолига тўйиб-тўйиб боқишларини қўмсар, ҳатто кўзларига ёш қалқиган дамлар ҳам бўлган эди. Баҳор чоғи қалдирғочларнинг сувга тўш уриб учишларини, жиблажибоннинг тошларга қўниб, думи билан олачибор қанотларига сув отишларини, дарёнинг яшил далалар садосига ҳамоҳанг шилдираши-ю, тошқин пайти кўпириб, пишқириб оқишларини кўп бор эслаган.

У хаёлга, хотираларга берилиб, қирғоқда қанча кезганини сезмади. Ҳайдовчи, кетамизми, дея овоз бергач, хаёли бўлинди. Унинг қалби тотли ҳаяжон, беқиёс туйғуларга лиммо-лим эди. Машинага тушиб, дарёдан узоқлашса ҳам ҳамон шу туйғулар лаззатига ғарқ, мамнун эди.

Машина кўприкка кўтарилди. Кўприк остидан қўм-кўк суви жилваланиб Норин оқмоқда. Илгарилари бу ердан тахталари кўчиб ётган гижир-гижир кема қатнарди. Юк ташувчи машина ҳайдовчилар,

аравакашлар, от-эшак минган йўловчилар навбат талашиб, жиғибийрон бўлишар, кемачини оғизларига келган гаплар билан жийитиб сўкишар, ҳатто ёқалашлар ҳам эди. Кейинчалик дарё ичига ёғоч устунлар ўрнатилиб, тахта кўприк қурилди. Аммо ҳаракат йилдан йил кўпайган сайин у ҳам қувватини йўқотиб, мункиллаган чолдай қалтирай бошлади. Мана, ниҳоят, темир-бетондан мустаҳкам янги кўприк бунёдга келибди. Кўприкнинг чўян тўсиқлари белга етгудай. Чўян устунларга чироқлар ўрнатишган.

Расулжон икки ёқдан ғир-ғир эсан салқин шабадага кўксини тутиб бораркан, нариги соҳилга етар-етмас, кўприк панжарасига суянганича кулиб турган ёш жувонга кўзи тушди.

Ҳайдовчи мийғида кулиб:

— «Чаман нор» маликаси, отлари Зилолахон, — деди. — «Авангард» колхозни раисининг секретари.

У шундай дейишга деди-ю, қандайдир сирни ошкор қилиб қўйгандай лабини тишлади. Ҳайдовчининг талмовсираганини сезган Расулжон гапнинг тагига етди. «Демак, шу экан-да, — дея ўйлади, жиянининг отаси ҳақидаги ҳикояси эсига тушиб. — Қойил, Қобил Қомилович, шундай жонон билан ишратдаман, денг ҳали? Қарисанг ҳам қувилмабсан-да, азамат?..»

— Қисловодскда эди шекилли? — деб юборди Расулжон бехосдан.

— Келишибди, — деди ҳайдовчи.

Машина дарё ёқалаб борарди. Болаларнинг шовқини бутун соҳилни босиб кетган. Бир гуруҳ ёшлар тўп ўйин билан банд, айримлар сувда қулоч отишади, бошқалар қорайиб, чиниқиш учун баданларини офтобга тоблашмоқда.

Бир томон дарё, бир томонда саф тортган баланд-баланд тераклар, чинорлар тизилган. Ана шу дарахтлар шувури, ўт-ўланлар шивури дарё сувининг намғир шовурига қўшилиб, денгиз садосини берарди. Бу ердаги сурон, шабада тебратган барглар саси, қушларнинг тинмай чулдираши — бари аралашиб, ўзгача кайф бахш этарди кишига.

Бора-бора асфальт йўл дарёдан узоқлашиб, қишлоқ йўлига туташиб кетди. Бу — «Авангард» колхозни марказининг йўллари. Энди икки томондан уч-тўрт қаватли уйлар, ҳар хил иморатлар лип-лип ўта бошлади. Улар шунча кўп, бир-бирига шунча яқин, зич қурилганки, ям-яшил далани баланд девордай тўсиб қўйишган эди. Расулжонга буниси асло ёқмади. Ҳалиги очикликдаги ғир-ғир шабада ўрнига қуёшда қизиган ғиштларнинг тафти юзга уриларди. Унда-бунда ўсган дарахт япроқлари сўлғин, шохлари осилинқираган.

«Акам дабдабали уйлар қуришга жуда ишқибоз бўлиб кетган кўринади, — деб ўйлади Расулжон, — Ана, янги шифохона. Ҳашаматини қаранг. Тасодифий келиб қолган одам бирон министрликми деб ўйлайди. Ҳа, ташига жуда зеб берилган, ичкарасига кирсанг, юрагинг сиқилади. Қоп-қоронғи, узундан узун коридор, бир одам аранг сиққудай эшиклар... Бари саводсизларча қурилган. Ҳа, бу ерда ҳар ким ўзича архитектор бўлиб кетибди. Акбар ҳақ — дала жойнинг очик бўлгани яхши. Теваракка тикилиб, кўнглинг ёришади, бағринг ҳам тобора кенгайиб бораётгандай ҳис қиласан. Бойдада муаллимнинг гапида жон бор: «Қишлоқдан қишлоқ ҳиди келиб турмаса, шаҳардан фарқи қаёқда қолади?»

— Колхоз идорасига борамизми? — деб сўраб қолди ҳайдовчи чорраҳага етилгач.

— Йўк, тўғри ҳайдайверинг. Идорага қайтишда кирармиз.

Расулжон яқинда бу ерларда бўлган, ободончилик, қурилишлар билан танишган эди. Аммо Бойдада муаллимнинг гапидан кейин кўрган жойларини қайта кўздан кечиришга аҳд қилди. Яна йўлга чиқди. Мана энди бошқачароқ кўз билан атрофга тикилмоқда. Бошқачароқ фикр юритмоқда.

Оддий одамлар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туриш керак экан. Кўп нарса ўрганасан, биласан.

Машина икки яшил майдоннинг ўртасидан кесиб ўтган адил йўл устида борарди. Тракторларнинг сурони авжида. Унда-мунда кетмон кўтариб, жўякларга сув тортаётганларнинг қораси кўринади. Олисида радиодан таралаётган куй эшитилади. Ғўзалар бўлик. Ҳар тупда ранг-баранг гул.

Далада ўсиб-улғайган, асл деҳқон ўглининг юраги завққа тўлиб кетди. Ногаҳон қаршисидан Чоркапанинг айқаш-уйқаш жойлашган лойтомли кулбалари, молхоналар, олди очик айвонлар кўриниш бериб, яқинлаша бошлади. Расулжоннинг юраги безовталаниб гуп-гуп урар, кўнгли ёришиб, қандайдир яхши нарса уни кутаётгандай ҳаяжонланар эди. Айниқса, Чоркапа кўчаларига кириб борганда бошини машинадан чиқариб, ҳар бир муюлиш, ҳар бир эшикка илҳақлик билан тикилар, уларнинг ҳар бири Расулжон унута бошлаган ажойиб ва ғаройиб воқеаларни қайта эсига солаётгандай бўлаверарди... У кўзига илинган ҳар бир нарсадан йиллар оша сақланиб қолган, кадрдон бирон белгини қидирарди. Ҳаммаси жойида, ўз ўрнида. Фақат ўша пайтдаги гавжумликдан асар йўқ. Еш-ялангга тўлиб турган кўчалар, ариқ бўйлари, дарвозалар биқини бўм-бўш, сассиз, садосиз шумшайибгина боқарди. Ёмғирда ивиган паҳса деворлар қулаган, туя ўрқачларини ёслатар, оқланган жойлари сарғайиб, лойқа ёгин излари қотиб қолган.

Расулжон буларнинг ҳаммасига юраги эзилиб боқади. Ҳозиргина қувончга ғарқ кўнгли хира тортди. «Эҳ, Чоркапа! — дея пичирларди қалбидаги ҳазин бир овоз. — Ўтган шу муддат ичида наҳотки шунчалик хўрлаб қўйишди сени? Наҳотки мана шу шумшайган кўчалар, бостирмалар, трактор устахоналарини тартибга келтириб, мана бу ланг очик эшиклар орқали ғарибона боққан уйларга, биноларга саранжом-сарипшталик бахш этиб, чирой бериш ҳақида бош қотирадиган топилмади? Бунинг ўрнига бор ақлингни кўчириш пайдалар. Бундан баттар қилиб, ўғри урган ҳовлидай ҳувиллатиб қўйишмоқчимми? Чоркапа деган номингдан ҳам нишон қолдирмасликка ҳукм чиқариб қўйибдилар. Қайси гуноҳинг учун? Кимга халаллик текканди? Ариқ бўйларидеги дов-дарахтлар сўлиққан, ўрмондай шовуллаб турган боғлар, булоқ бўйлари бир аҳволда. Инсон баҳри-дили очилиб, яйрайдиган жойлар таг-туғи билан емирилибди, яп-яйдоқ бўлибди. Тўғри, экинзорлар керак, пахтазоримиз кенгайгани яхши, уларсиз бугунни, эртани тасаввур ҳам қилиб бўлмас, улар бизнинг фахримиз, шуҳратимиздир. Лекин шу фахримиз, бебаҳо бойлигимизни яратаётган инсон кадрни қани? Ҳар нарсанинг чеки бўлмоғи керак-ку? Бирини яратаман, деб, иккинчисини қурбон қилиш инсофданми? Бунақада мерос қаёқда қолади? Ота-боболаримизнинг эртанги кун умиди билан яшаб, ҳалол тер тўкиб яратганлари, табиати тарихидан келгуси авлод учун мерос қолдиришни ўйлаш вожиб-ку!»

Расулжон шуларни кўнглидан кечириб бораркан, икки тавақали дарвозанинг чўян ҳалқалари кўзига оловдай кўринди-да, ҳайдовчининг елкасига аста туртди. Машина тўхтади. Ҳалқалар ҳам уни кўриб, тебрангандай туюлди. Расулжон туша солиб ҳалқалар томон интилди. Икки қўлини чўзганича бориб, маҳкам ушлаб олди. Боши ўзидан ўзи эгилиб, пешонаси дарвоза тавақасига тегди. Шу қиёфада анчагача туриб қолди. Бир вақтлар мактабдан ёки кўча, дала кезиб, уйга қайтаркан, неча-неча бор мана шу ҳалқаларни ушлаб, тақиллатган чоғ онаси ичкаридан, «ҳозир, болам, ҳозир» деган овоз берар, дарвоза очилгач, «келдингми» деб уни бағрига оларди. Ҳозир ҳам худди ўша ҳолат такрорланадигандай туюлди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди...

Бу ҳалқаларни уриб, ҳар ким ҳар хил тақиллатарди: уч марта урилса, отаси келганини, тез-тез, кетма-кет урилиб қолса — акаси Қобилжон келганини билардилар. Онаси эса салмоқлаб, бор-йўғи икки бор уриб қўярди.

Буларнинг ҳаммаси Расулжон учун тушга ўхшарди ҳозир. Шунинг учун тақиллатишга юраги бетламай, қотиб тураверди. Кутилмаганда енгил оёқ товуши эшитилди. Онасининг оёқ ташлашига

айнан ўхшаш. Бирон шарпаси ўзгамас. Расулжоннинг юраги шиддатли уриб, пешонасига тер резалари қалқди. Ҳа, яқинлашиб, дарвозани очмоқчи у. Бу нима, арвоҳми ёки туш кўряптими?

Дарвозанинг бир қаноти очилди. Бўсағада паст бўйли, чуваккина, соқоли оппоқ чол пайдо бўлди.

— Кириг, марҳамат, хуш келибсиз!— деди у дарвозанинг иккинчи тавақасини ҳам очиб.

Расулжон нима дейишини билмай, шошиб сўради:

— Бойдада муаллим... ҳовлилари бумасми?

— Бойдадаҳон сал нарида туради, мана бу жойдан саккизта эшик санаб борсангиз, саккизинчиси уники. Қани, аввал бу ёққа кирсинлар, хизматда бўлайлик,— сертакаллуфлик қилди чол,— ўзи келган меҳмон атойи худо, деган гап бор эскиларда. Толойдан бўлибми, биз пакирнинг эшигини қоқибсиз, бу яхши хосият, бир пиёла чой ичиб, хужрамизни обод қилинг, мулла йигит.

— Раҳмат ота, меҳмон бўлиш қочмас. Бойдада муаллимниқига ров кириб чиқиш ниятим борида.

— Келинг, ўзим кузатиб қўяй унда.

Чол пилдираб олдинга тушиб кетди. Ортидан Расулжон, унинг кетидан машина ҳам қўзғалиб, аста эргашди.

Бойдада муаллимнинг ўзи қулочини ёйиб кутиб олди.

Сочлари кумуш рангида товланиб, анча қариб, жуссаси кичкинагина бўлиб қолган Нуржон кампирнинг севинчи ичига сиғмай нуқул «вой, боламдан ўргилай, вой бўйларига гиргиттон бўлай», дерди. Ҳовли тўй бошлангандай жонланиб кетди.

Бойдада муаллим дам у келинига, дам бу келинига қаерга қандай жой тайёрлашга буйруқ қилар, ҳаммани зир югуртирарди. Расулжонни бошлаб кирган қўшни чол эса тасодифий кўтарилган бу қий-чувдан завқи ошиб, тишсиз оғзини очиб қуларди, холос. Расулжоннинг ўзи бир четда қўл қовуштириб турар, кампирнинг жағи-жағига тегмай жаврашига қулоқ тутиб, ҳадеб қуллик қиларди.

— Хизрни йўқласак бўларкан-а, ҳалигина отангиз гапириб ўтиргандилар. Расулжон гап гапирсанг, чурқ этмай, қулоқ соладиган бўпти бояқиш, бошлиқ бўлсаям, бошли бўладиган зуваласи бор, деб тоза мақтадилар. Илоё айтганингиз келсин, отасига тортибди, дейман. Комил Сардор бебаҳо, беназир одам эдилар. У кишининг ҳиммат, саховатларини кўп кўрганмиз. Кечагидай эсимда бари. Хуш келибсиз! Катта бошингизни кичик қилиб кириб келганингиз кўнглимизни тоғдай кўгарди. Ҳой, отаси, қўйинг ўша ишларни, келинлар ўзи қилаверади. Анави қўзини сўйсангиз-чи, дарров. Вой, эсим қурсин, нимага икковингизни ҳовлининг қоқ ўртасида ушлаб турибман? Қани, супага ўтинг. Ҳов, отаси, қанисиз?

Бойдада муаллим ичкаридан челақ олиб чиқиб, ҳовлига шакароб қилиб сув сепишга киришган эди, кампирнинг шовқинидан кейин юмушини келинига топширди-да, югуриб келди.

— Айбга буюрмайсиз,— узр сўради у меҳмондан,— сизни кўриб, шошиб қолдим.

— Мен узр сўрашим керак, айтмай-нетмай кириб, безовта қилиб қўйдим ҳаммангизни.

— Безовтаси нимаси, жоним болам, қутлуғ меҳмоннинг қўққисдан келиши қутлуғ тўйга баробар.

Шундай деди-ю, кўрпачалар солиб, бежирим ясатилган шоҳсуна томон етаклаб кетди. Келинларига дастурхон тузатишга кўмаклашаётган кампир ранжиган товушда деди:

— Ҳой, отаси, нима дедим сизга? Пичоқни чархлаб, қўйни сўйинг тез!

Расулжон қаршилиқ қилди.

— Бунчалик овора бўлишнинг ҳожати йўқ...

— Бизни йўқлаб келганингиз учун оёгингиз остига ўнта қўй юмалатсак, оз, гиргиттонингиз бўлай!

— Онангнинг раъйини қайтарма, ўғлим,— деди Бойдада муаллим,— суюнганидан боши кўкка етиб, ўзини кўярга жой тополмай қолди, бояқиш. Қани, сизлар чойни ичиб ўтиринглар, мен қўйни бир ёқлик қилиб чиқаман. Айтгандай, шофур бола кўчада қолдими? Чақиринглар-ой, шофур бола кирсин бу ёққа!

Бойдада муаллим қўйхонадан думбаси етила бошлаган кўзини етаклаб чиқиб, жўхоризор орқасига томон ўтди. Расулжоннинг кўзи ҳовлига киравериш жойидаги даққионуздан қолган эски тракторга тушди. Тўрт гилдирагию сўппайган дудхонасидан бўлак ҳеч нарсаи қолмаган.

— Уша «Норжон трактор» деганимизми?— сўради Расулжон.

— Ҳа, танидингизми,— деди қўшни чол,— худди ўзи. Дастлабки колхоз қурилиш йиллари жуда иш берган. Норжоной ергаям, кўккаям ишонмай бу жойга олиб кириб қўйганча, ҳали туради.

— Маним полвоним-ку бу!— гап нима тўғрисида бораётганини илиб олган Норжон кампир қиқирлаб кулди.— Мактаб болалари темир-терсакка топирамитиз, деб, ҳали-ҳали келишади денг. Бергани кўзим қиймайди.

— Темир-терсак йиғувчиларга бермай тўғри қилгансиз, она,— деди Расулжон кампирнинг гапини қувватлаб,— ҳақиқий қахрамон трактор бу! Донғини кўп эшитганман. Қишлоғимизнинг қоқ марказида супа кўтариб, устига ўрнатиб қўямиз. Колхоз тузуми йилларидан, аёллардан чиққан биринчи тракторчи Норжон холанинг ҳаётидан авлодларга ҳикоя қилиб турсин.

Кампирнинг оғзи қулоғига етиб, яйраб-яшнаб кетди. Кейин бисотидаги бор олқишларни тўкиб солди.

Қўйни сўйиб келган Бойдада муаллим ҳозир қишлоқда ҳам жонлиқ асраш борган сари қийинлашиб бораётгани ҳақида яна зорланиб қолди.

— Илгари қирдан қайтган сигирлар елинларини кўтаролмай келарди. Бўригул, бурчак, қирққулоқ ўтларини еган қўй-эчкилар йилига эгизак туғарди. Жониворлар серюн, сермой, гўшти ҳам мазали бўларди. Энди ўша ўтлар у ёқда турсин, қир-адирнинг ўзи қолмапти.

— Бир йили отанг раҳматли олти гектарча бурда-сурда ерни тобига келтириб, зироат бошлаб юборди,— чолининг гапини илиб кетди Норжон кампир.— Нима қиларкин, десак, қаёқдандир қовун-тарвузнинг эртапишар уруғини топиб келиб, олти гектарнинг барига экирди. Июль ойи бошига бориб, шунақанги ширин-шакар бешак қовунлар, сергўшт тарвузлар етилиб бердики, баайни тилингни ёрадиган.

— Арава-арава қилиб бозорга жўнатавердик,— унинг ҳикоясини давом эттирди эри.— Ҳали ҳандалакка тузук-қуруқ тил тегиб улгурмаган пайт қовун-тарвуз танқис туюлиб, борган жойида талаш бўп кетарди. Комил Сардорнинг ўзиям гард-қурумга беланиб, қорайиб, озиб кетганди, бояқиш. Локигин тоза пул йиғди. Одамлар «Авангард» колхозининг раиси пул топиш йўлини билиб, бойишга тушиб кетди, деб гап қилишди. Шунча пулли нима қиларкин, деб ўзимизам ҳайрон эдик. Қормоллигига қойил қолдик кейин. Йиққан пулининг сўнгги чақасига-ча сигир-бузоқ орттиришга сарфлади. Бир йилнинг ичида йигирмата зотли сигир, ажабгвор новвосли бўлиб олдик. Иккита ғунон, қирқ беш бош ҳисор қўй... Буларнинг бари тоза кор келди. Колхоз чорваси ҳам, уйлардаги мол-ҳоллар ҳам кўпайди. Сут-қатиқ ошиб-тошиб кетди. Уруш йиллариям шу чорва жонга оро кириб, оғиримиззи енгил қилиб турди. Унча танқислиқ кўрмадик. Қани ўша зотли сигирлар, дейман, думбаси ларзон қўйлар... Э-э, ўғлим-а, ҳозир нукул шуҳрат кетидан қувиб қолганмиз ҳаммамиз.

— Унчаликмас,— эътироз билдирмоқчи бўлди Расулжон,— сут-қатиққа сероб хўжаликлар ҳозир ҳам камми? Биргина «Янгиобод»нинг етти юз элликта қорамоли бор экан, шундан тўрт юзтаси соғин сигир.

— Тўғри айтасан, ўғлим, «Янгиобод»нинг раиси Аҳмадалихон

Комил Сардорнинг қўлида ўсиб, иш ўрганганлардан. У хўжаликдаги ҳамма соҳани бир хилда ривож топдириш йўлини билади. Буларни билиб қўйгин, сан учун фойдали. Биз қарияларга кечаминан бугунни солиштириб, афзал, ноафзал томонини ажратиб ўтириш одат бўп қолган. Кечадан бугунимиз яхшироқ бўлишини истаймиз. Бир аллома, тушимдаги еган таомнинг лаззати кўп маҳалгача оғзимдан кетмай юрди, деган экан. Локигин минг лаззатли бўлмасин, таомни тушда еган-ку? Утган кунлар ҳам шунга ўхшаган гап. Бундан буён эртанги таом лаззатини ўйлаш керакдир кўпроқ. Е гапимда янглиш борми?

— Ҳамма ҳам сизга ўхшаб куйиб-ёнса кошки. Аммо шунақа мулоҳазаларни ўзаро гапириб юргандан кўра, кўпчилик ичида, мажлисларда чиқиб, ўртага ташланса эди.

— Бундан бирон ҳаён чиқармиди?

— Юракдан чиққан сўз карнинг қулоғини ҳам динг қилади, дейдилар. Беғараз маслаҳат кичик бўлса ҳам баъзан катта мунозараларни туғдиради.

— Ҳа, балли, ўғлим, «баъзан», локигин ҳамма вақтмас. Худди ўша «баъзан» санга кулиб боқмаса-чи? Гапинг инобатга ўтмаса, масалан? Отилган ўқ нишонга тегсаю тегди, тегмаса, қурол тутган қўлинг қалтироқ бўлиб қолади. Ана масала қаёқда. Қобилжон ақлли одам. Колхозни кўтаришга келганда куч-қувватини аямади. Баъзи вақтда шунақанги нодир ишлар қилдики, кўриб ёқа ушлайсан. Локигин маслаҳатни ёқтирмайди. Санга ўхшаш меҳрибон одамгина чумолини кипригида тута билади. Узига бино қўйганлар йўлбарсниям мушукчалик санамайди. Ол, ана, инобатга олдиям, дейлик, оғилхоналаримизни қайта қуриб берадимми? Қаерда? Янги кўчиб борадиган жойимиздаги гаражини кўчириб ташлабми? Чорвагаям, бошқа нарсаларгаям шарт-шароити кўтарадиган Чоркападай жойларимизни чикитга чиқариб, вайрон қилиш эвазигами ё?

— Чоркапани ҳеч ким вайрон қилолмайди.— Расулжон қизишиб бораётган чолнинг ҳоврини босишга уринди.— Чоркапа обод бўлади. Ҳа, отахонлар, бунақа қишлоқларни иложи борича кўпайтиришимиз керак! Илгари еримизни кунчиқардан кунботаргача айланиб чиқиб бўларди. Ҳозир хўжаликлар ниҳоятда йириклашиб, у учи билан бу учига машинада ҳам етиб бўлмай қолган. Битта «Авангард»нинг ўзи бундан ўн беш йил аввалги йигирма тўрт хўжаликдан ташкил топибди. Шунинг учун шундай катта хўжалик маркази атрофида йўлдош қишлоқлар бўлишлигини шароит талаб қилмоқда.

— Балли, ўғлим, «Янгиобод» қишлоғининг маркази атрофида бир эмас, уч қишлоқ бор. Хўш, бундан улар камлик кўрадимми?

Расулжон Акбарнинг Чоркападай жойларни йўқ қилиш эмас, балки уларни қайта қуриш, янгича, обод қишлоқлар барпо этиш тўғрисидаги ғоясини гапириб берди.

Пиёлага қуйилган чойлар ичилмай, совиб қолганини кўрган Норжон кампир чолини силтаб ташлади:

— Ҳой, отаси, уйингизга меҳмон келса, жағингиз тоб емай қолади-я? Аввал таом, баъдаз калом, дейдилар. Расулжон, олинг, қоқиндик!

— Узр, узр,— деди чол хижолат чекиб,— қадрдонинг келганда, қадр сийлаш ўрнига, тухум қўймас товукдай қақалашим бор бўлсин. Кечир, ўғлим, гапга берилиб, меҳмоннавозлик эсдан чиқибди.

Расулжон эътироз билдирди:

— Сизда айб йўқ, сизларни гапга солган менинг ўзим-ку? Мақсадим — андак отамлашиб, баъзи масалаларда маслаҳат сўраш эди. У қолиб, бошқа гапларга берилиб кетибман.

Ўртага жигар аралаштирилиб қовурилган гўшт келди.

— Тандир кабоб пишгунча қоринни алдаб туринглар,— деди кампир.

— Қани, олинглар,— дея меҳмонларни таом емоққа таклиф қилди муаллим. Кейин Расулжоннинг елкасига қоқиб:— Балли, ўғлим!—

деди.— Ҳзгани менсимамай, ўз тафаккурини олиий санаганнинг ҳолига вой. Унақалар барибир панд ейди. Қўшни қўшнидан эрта туришни ўрганайди-да. Ҳзиндан қиёс, ҳаммасини нукул ўзим биламан демай, маслаҳат сўраб келибсанми, буям бесабабмасдир, ўғлим. Ҳамма нарса заруратминан ҳаракатда. Чоркапа учун жон куйдира бошлаганингни ўзи катта гап. Дунёда тузмоқнинг хосиятидан ортиғи йўқ. Тузмоқдан бузмоқ осон. Бир дарахтни улғайтириб, томир оттириш амримаҳол, унга болта уриб қулатмоқлик бирпаслик иш. Чоркапаям, чоркапаликлар ҳам ана шу дарахт мисол томир отиб қўйган. Буни ўйламаслик копар хатоидир. Биров ибодат учун келади дунёга, биров иморат учун. Иккинчисини танлаганингни умри боқийдир. Қани, овқат совимасин...

Кўп ўтмай иштаҳа очадиган бўй таратиб тандир кабоб келди. Тандир кабоб ейиш пайти ҳам суҳбат тинай демади. Расулжон айрим хўжаликлардаги қурилишларнинг қўл кучи етишмаслиги натижасида ўлда-жўлдалигини гапириб берди. Ҳадемай, йиғим-терим бошланиб қолса, бу хилдаги ишлар устига қор ёғиши мумкинлигидан нолиди.

Икки кекса бир-бирларига қараб олдилар.

— Бордию шунақа юмушларга бизларни тортсанг, қанақа бўларкин?— деди Бойдада муаллим,— уринган иш ўринсиз қолмас, деганларидай бир унаб кўрайлик. Бизларни пенсионер, қўлидан нима келарди, демасанг, бир синовдан ўтказ. Айбим белим букиклиги, бўлмасам, Маккаю Мадинангни судраб келардим, деган экан чумоли ҳам. Биз ҳарқалай, чумолимасмиз-ку? Инсоннинг қўлидан қочиб қутиладиган нима бор дунёда? Мана шу ўтирган отанг уста дурадгор. Қўлига ёғоч тушса, сайқалидан кўзинг жимирлашади. Яна атрофимизда девор кўтариб, қўли пишган пахсакашларимиз ҳам бор.

— Мадамин ота деганимиз бир вақтлар гишт терувчилик қилардилар-а?— эсга олди қўшни чол.

— Ҳа, балли, қидирсак, яна топилади. Ҳозирни ўзида тўртта бўлдик. Буям бир коллектив.

Расулжоннинг кўзлари нурга тўлди.

— Раҳмат, отахонлар, саховатингиздан бошим осмонга етди. Ҳзим ҳам шуни назарда тутиб, гап очган эдим. Демак, янглишмабман. Аммо битта андишали жойи бор: мен чала-ярим қурилишлар ҳақида гапирганимда «Авангард»нигина назарда тутаётганим йўқ...

— Ҳар ким ўзи ўтирган пўстагини уйим деса хато қилади. Сурилганнимас, сурувда юрганнинг жони омон доим. Тўрт девор ичини хонадон санаш сурувдан қолиб яшаганминан баробар. Хонадон — бу қўни-қўшни, уруғ-аймоқ, яқин-йироқ, бутун қишлоқ... Қолаверса, бутун районимиздир. Бир тупроқдан ризқ-насиба терамиз, бир дарёнинг сувини ичамиз, бир ҳаводан нафас оламиз. Тўй-томошаю маърака-маросимлар ўртада. Тотувнинг тани бир, ўғлим, биз хонадон деганда ана шу тотувликни тушунамиз.

Расулжон чолларнинг беғараз ҳимматидан кўнгли кўтарилди, бошқа хўжаликларда ҳам ана шундай қалби дарё кўмакдошлари топилишига ишонч ҳосил қилди. Фақат, улар билан ҳам мана шундай учрашиб, кенгашиб олса, бас.

С а к к и з и н ч и б о б

Қобил Комилович хушбичим қоматли, хуштабассум одам. Эгнида дазмолланган олди очиқ оқ шойи кўйлак, кулранг шим, оёғида ялтироқ туфли. Кўзида қора кўзойнак, сочларини бўяб олгани учун битта ҳам оқи кўринмайди. У укасини узоқдан таниди-да, машинасини йўл четида қолдириб, илдам пиёдалаб кетди.

Расулжон эса уни илғамади шекилли, пайкалга яқин жойда тўхтаган механизаторни кўриб, яқинлашаверди. Агрегатидан сакраб тушган механизатор ҳам уни қаршилаб бориб, сўрашишга қўл чўзди. Гаплашиб туришганда, Қобил Комилович етиб келди. Аммо Расулжон орқасида акаси кузатиб турганини сезмади.

— Фаолиятингни одамларимизнинг ҳасратини эшитишдан бошладингни, акаси жонидан? — Қобил Комилович сабри чидамай сўз қотди.

Расулжон таниш овозни эшитиб, бурилган эди, қаршисида қўлларини чўзиб, қучоғини очиб турган акасини кўрди. Икки жигар қучоқлашиб кетдилар.

— Келдингни, акаси жонидан? — Қобил Комиловичнинг кўзи намлангандай бўлди, юзини укасининг дам у юзига, дам бу юзига суркар эди, Расулжоннинг димоғига атир аралаш бензин ҳиди урилди. — Идорангга излаб борсам, нуқул йўқ бўласан... Исполком ҳам ўзимиздан чиққанини айтмайсанми! Маладес, маладес! Хўп кепсан-да. Шунақа, қуш қанча олис учмасин, барибир ўз уясини қўмсаб, қайтиши бор, албатта. Бу яхши хосият. Туғилган тупроқ... Бу шунақа нарсаки... Нимага серрайиб турибмиз, юрсанг-чи, бир отамлашайлик, ахир! Машинанг орқама-орқа бораверсин, сен мен билан юр!

Расулжоннинг қалби тўлқинланиб, томоғига бир нима келиб қолгандай туюлди. Тилига яхшироқ гап кела қолмаганига ҳайрон. Узоқ жудоликдан сўнг у худди отасини учратгандай вазиятни бошдан кечирарди. Акасидаги шу ўйноқи кўзлар ҳам, рул ушлаган ана шу бақувват қўллар, ғоз кўтарилган бош, хуллас, ҳаммаси, уни ҳаяжонга солар, отасини эслатар эди.

Машиналар катта доира шаклидаги гулзорни айланиб ўтиб, икки қаватли гиштин бинонинг олдида тўхтади.

— Идорага кирмаймиз, — деди акаси машинадан тушибоқ, — ичкари дим, бу ёқда очиқ ҳавода қулинг ўргилсин жой қилдириб кўйганман, юр!

Идоранинг қуёшга терс томонида жон ҳузур топадиган сўлим жой бор экан. Гумбаз сингари қаппайган икки улкан сада остига чорпоя қўйилган, чўғдай гилам, юмшоқ кўрпачалар солинган, атрофга сувлар сепилган. Каттакон ҳовуздан салқин шабада эсиб туради. Сада шохларидаги қушларнинг живир-живири, тўрқовоқлардаги беданларнинг сайраши бу ерга янада бошқача тароват бахш этган.

— Шунақа жойлар ҳам бор экан, хайрият, — деди Расулжон атрофга суқланиб тикиларкан.

— Бор, акаси жонидан, бор. Аммо оз қолди. Нимага десанг, ҳозир одамларнинг илгаригиндай бунақа жойларда дўппини ерга қўйиб, кўк чойни майдалаб ўтирадиган вақти қолмаган. Давримиз шунақа. Айниқса, биз пахтакорлар учун ҳар дақиқанинг қадрига етиш, ардоқлаш зарур. Нимага десанг, мамлакатга пахта керак, жуда кўп керак. Мана ҳозирча одамларимиз андак нафасини ростлаб, ўз шахсий домушига қўли теккан пайти. Эрта-индин кўрибсанки, дала жўшқин дарё бўлиб кетади. Тонг отгандан кун ботгунча, Ке, бу гапларни қўятурайлик. Қани, айт, нима буюрай? Яхши бир шўрва қилсинми ё ошми?

— Ҳеч нима буюрманг. Ҳозиргина тандир кабоб еб келдим, ака. Чой бўлса, бас. Кейин тез кетишим керак. Эрталабдан бери идорада кўринганим йўқ.

— Қаёқда тандир кабоб тайёр турган экан? Э, ҳа, исполкомнинг оёғи етган жойнинг зиёфати нари-бери бўлмайдику-а? — тилла тишларини ялтиратиб кулди Қобил Комилович. — Бугунча қолсанг бўларди, ахир кўришмаганимизга қанча бўлди? Ановда уйга борибсан, янганг, жиянларингни кўрибсан — боши кўкка етиб, ҳали-ҳали эслашади. Энди акангниям соғинган кўнглини кўтаргин-да.

— Шу ердаман-ку, учрашаверамиз, жонингизга ҳам тегиб кетарман ҳали.

— Қўй, бу гапингни! Дийдорингни кунда кўрсам, ўша кун шарофатидан жоним айлансин! — шундай деди-ю, сал нарида қўл қовуштириб турган ўсмирга аччиқ кўк чой дамлашни буюрди, — хўш, келиним билан жиянларимни қачон кўчириб келадиган бўлдинг?

— Ишларимни жўнаштириб юборай, кўчириб келиш қочмас.
— Шунақа қил, ҳамманг жамулжам ёнимда бўлсанг, кунда кўриб, бағрим тўлиб туради. Райондан квартир-пвартир қилиб юрма, тўппа-тўғри ҳовлига кел. Истасанг, ҳовлининг бир бурчида дангиллама уй солиб берай. Мактаб яқин, келингаям иш топилади. Шаҳардагилардан қолишмайдиган маданият саройимиз, дам олиш уйларимиз, қироатхоналаримиз бор, марҳамат, униси ёқмаса, бунисида ишлайверади.

— Ҳа, колхозингиздаги қурилишларингизга қойил қолгудай. Батафсил танишганман.

— Унчаликмас, исполком, ҳали қурадиган нарсаларимиз кўп, — Қобил Комилович укасига қарама-қарши ўтириб, чойнакдаги чойни қайтара бошлади. — Ободончилик планимиз ҳали-бери битадиганмас.

— Планингиз яхши, лекин...

— Нима «лекин»? Ишимизнинг нимаси ёқмади сенга?

— Маданият саройингизнинг тушган ери ёқмади. Шундоққина катта кўча юзига қараб тушибди. Бунақа биноларнинг олди гулзор, сайргоҳ бўлиши керак. Саройдан чиққанлар кўчадан ўтаётган машиналарни қаршиламай, бир оз юриб, сайр қилиб, ҳордиқ чиқарадиган бўлиши керак.

— Бу гапингда жон бор, — дея Қобил Комилович тан ола қолди. — Биноларимизни ўтган-кетганинг кўзини куйдирадиган қилишга эътибор берамиз-у, ҳордиқ чиқарувчиларга қулай томонларини кам ўйлаймиз. Хўш, яна?

— Янами? — ўсмоқчилади Расулжон, — янги қурган шифохонангиз...

Қобил Комилович қўл силтаб, укасининг гапини бўлди:

— Бу ҳақда қўятур, акаси. Ҳозирча бошқасидан гапир.

— Чоркапага завод қурмоқчилигингиздан хабарим бор...

— Яшавор, акаси. Бу масала сен келмасингдан илгарироқ тепада маъқулланган. Чоркапа аҳолиси узоғи билан бир йил ичи янги уй-жойларга кўчирилади. Йигирмата хонадон бугун-эрта кўчиши керак эди. Аксарияти бўлмағур баҳона билан оёқ тираб турибди. Шу ишни тезлаштиришга кўмаклашсанг, дегандим.

— Чоркапа масаласида бошқа фикр туғилиб қолган.

— Қўйсанг-чи, бўлмағур фикрларни.

— Йўк, ака. Жиддий айтяпман. Чоркапани кўчиришни тўхтатамиз.

— Ким айтди? Ўзингдан чиққан гапми бу ё исполкомни қарори ўзгардими?

— Ўзгармаса, ўзгаради!

Қобил Комиловичнинг қошлари чимирилди, кўзини қисиб, шундай хўмрайиб тикилдики, гўё Расулжоннинг қаршисида бутунлай бегона одам тургандай.

— Кимсан ўзинг, Расулмисан, акаси?

Расул қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Ухшатмаяпсизми?

— Ҳайронман, — деди қиёфасини ўзгартирмай раис, — менинг укам ўйламай-нетмай бунақа бетаъсир гаплар қилмасди-ку? Ё ҳазилингни бу? Унда қанақа бўлади, бугун қарор чиқариб, эртага бекор қилаверса, эътиборли ташкилотнинг обрўси қаёқда қолади?

Энди уни таниб бўлмасди. Аввалига кулиб, мулойим боқишларидан асар ҳам қолмади.

— Мен завод қуришим керак, завод! — деди у яна кўкрагига уриб. — Жуда тез қуришим керак. Ун беш минг тонна пахта бераман-а! Бу атрофда менга етадигани йўк. Бордию завод курсам, давлатга чигитли пахтамас, соф тола топширадиган бўламан. Бунга ақлинг етадими? Ҳозир ҳосилимнинг етмиш пойизи биринчи сортни ташкил қилмоқда. Ундан олинадиган тола ҳам кичкина бўлмайди. Тола, чигит сақланадиган омборлар қурдираман. Колхозим келгусида колхоз-

завод, деб аталади. Шунинг истаيمان. Ана мақсадим! Сенга ўхшаганлар бунинг маънисига тушуниб-тушунмай келди шу чоққача. Тўққиз пулдай миясига қуйгунимча эсим кетди. Қураша-кураша, энди галабага эришганимда, сендан чиққан гап шу бўлдики? Йўқ, акаси жонидан, мен етдим деганда йиқилиб қоладиганларданмасман. Шунча бўш келмадим, яна бўш келмайман. Мақсад йўлида курашиб, суягим қотиб кетган. Бўш келиш йўқ. Ғов бўлишни қўй, жигар, панд еб қоласан! Анови шифохонга тўғрисидаги гапдонларингни ҳам тўхтат. Худди хафалашиб қоламиз.

— Қизишманг, ака, ётиги билан тушунтирай...

— Тушунтиришнинг ҳожати йўқ! Айтадиган гапларингни тушуниб турибман. Кеча келиб, бугун районда янги тартиб ўрнатмоқчисан. Ешсан-да, кучингни қаёққа ишлатишни билмай, чиранаётган пайтинг. Етган жойингдан бир янгилик қўзғаб, ўзингни кўрсатишинг керак. Аксинча бошқалардан нима фарқинг қоларди!

Бу гаплар Расулжонга қаттиқ тегди.

— Бехуда ловиллаясиз, ака, — деди у илжайишга ҳаракат қилиб. — Мақсадларингизни ҳаспўшламоқчимасман. Қойил қолса арзийдиган мақсадлар.

— Биз бойлик яратишдан ташқари инсонларнинг соғлигини ҳам ўйлашимиз керак. Бу кичкина гапмас. Энди, бойлигимизга келганда, уни тежаб-тергаш устида ҳам жон куйдирыпмиз. Қаёқдан қаёққа машина, от-арава овора, одам овора қилиб пахта ташигандан кўра ёнгинангда ҳаммаси рўёбга чиққанига нима етсин. Баъзи йўл қўйилаётган нес-нобудгарчиликка ҳам барҳам берамиз. Е ўша Акбар дўстинг сениям ўзига ром қилиб қўйдими дарров? Лойиҳаси ёқиб қолдими?

— Бундан уч йилча бурун ўзингиз ҳам ром бўлиб юрган экансиз-ку.

— Бўлса, бўлгандир. Уч йил бурунги гап бугунга тўғри келмай қолган экан — ундан воз кечган хато қилмайди. Акбарнинг лойиҳасини ҳалиям ҳимоя қилишга тайёрман. Аммо рўёбга чиқаришни бошқа ёқда, истаган хўжаликка бориб ўтказсин, фақат Чорқападамас! Чорқапада завод бунёд қилиш бугуннинг сиёсий масаласи бўлиб турибди. Буни қўлламасдан иложинг йўқ!

— Мени чўчитишга ўтдингиз чоғи?

— Ҳе, йўқ, сани чўчитиб бўлмаслигини биламан. Сиёсатни мандан кўра кўпроқ уқиб олганингга ақлим етади. Аммо умрингнинг ярми шаҳарда ўтган, қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг бугунги талаблари билан ошно эмассан. Айниқса, социалистик усул қишлоқда қанчалик устун келаётганлигини унча тушунмаётган кўринасан. Ахир завод қурилса, биз келгусида пахтадан ташқари давлатга яна қанча қўшимча фойда келтирадиган ҳам бўламыз-да. Ҳисоблаб берайми?

— Ҳожати йўқ, ака, — Расулжон ҳам қизиша бошлади, — сизнинг заводингиз туфайли беш-олти йил ичидаёқ атроф-теварак кукун, чиқитларга беланишини, инсон ҳаёти қисқаришини ва бу давлатга қанчага тушишини ҳам ҳисоблаб берганингизда, бўлак гап эди. Биздан кейин дунёни сув босса боссин, қабилида иш тутиш ҳеч қандай усулга кирмаслигини билиш керак. Ҳаммаёққа гард-гурд тарқаб, нафас олишнинг қийинлигини кўз олдимизга келтириш ҳам виждоний бурчимиз бизнинг. Сиз айтгандай бўлса, экин-тикин, бутун наботот нимага айланишини биласизми? Табиатни муҳофаза қилиш қонунларига хилоф иш бу!

Кейинги йиллар завод қуриш масаласи Қобил Комиловичнинг фикри-зикрини банд қилиб олган. Шу ниятини амалга ошириш йўлида тиним билмай югурди, бормаган жойи, кирмаган эшиги қолмади. Олишди, тортишди. Мақсадга эришди. Фақат кечагина келиб, ишга тушган «зумраша» жигари буни пучга чиқармоқчи. Бошқа маҳал бўлганда, у билан ади-бади айтишиб ўтирмасди. Бироқ унинг раҳбарлик ҳурматини ҳам сақлаши керак.

Шуларни ўйлаб туриб ҳам, Қобил Комилович кўрслигидан тушмади ва:

— Завод қурилади, гап тамом! — деди. — Аҳдимдан қайтарадиган туғилмаган ҳали. Зарур бўлса, ЦКгача бораман, Москвага хат ёзаман. Ҳамма заводлар табиат муҳофазасига халал бeryаптими? Қайси завод туфайли нафас олишдан нолишмоқда одамлар? Қани, айт-чи?

— Улар ҳавога гард тарқатмайдиган қурилмалар учун мосланган ерларга қурилган.

Қобил Комилович ўрnidан шартта турди-да, баланд пошнали яп-янги туфлисини тўқиллатиб, индамайгина ҳовуз томон кетди. Расулжон бошини қўйи эгганича ўтираверди. Акаси билан учрашувнинг биринчи соатиданоқ шундай ҳол юз берганидан хижолат чекди.

Айни тепага келган қуёш нурлари қайрағоч шохлари оралаб ҳовузга тилладай ёғиларди. Иссиқдан жон асраш пайида сада ичига ўзини урган чумчуқларнинг чуғур-чуғури бир зумга тинай демайди. Аҳён-аҳён дарахт шохларининг эринибгина силкиниши билан қўзғалган кучсиз шабада сув юзини сийпаб ўтар, билинар-билинемас тўлқинчалар тарам-тарам из тортиб, югуриб қоларди. Қобил Комилович онасидан дакки эшитиб, аразлаган ёш боладай терс ўгирилганча, қайрағоч танасига қўлини тираб, сувдаги жилвадан кўз узмасди.

Расулжон оҳиста келиб елкасига қўлини қўйди. Қобил Комилович аста қайрилар экан, укасининг кечирим сўраётгандай мулойим тикилишини кўрдию дили ёришди, жилмайди. Икковлари битта-битта одимлаганларича раста-раста дарахтлар оралаб кетдилар. Кенггина асфальтли йўлка кўркам устунли янги бино олдидаги майдонга бориб уланди. Уч қаватли, салобат тўкиб турган бу бино маданият саройи эди, очиқ деразаларидан қандайдир машғулот билан банд болаларнинг жарангли шовқини, доира, рубоб, гижжак садолари ташқарига оқар эди. Бинодан сал нарида эса атрофи нақшдор темир панжаралар билан қуршалган спорт майдони, ундан сал нарида гиштин мактаб биноси.

Қобил Комилович хўжалигига йўли тушган ҳар бир меҳмонга ўз ютуқларини намойиш қилишни ёқтирарди. Ҳозир ҳам укасини шу ёққа бошлади. Ҳақиқатан ҳам мақтанса арзигудек янги бинолар, адил йўлларни кўриш завқли эди. Аммо Расулжон булар билан акасининг етакчилигисиз ҳам танишиб чиққан, бундан Қобил Комиловичнинг ўзи ҳам хабардор эди, аммо шунга қарамай, укасига ҳар бир бинони тавсифлаб, анчагина вақтини олди. Одатда кундалик турмушидан ниҳоятда мамнун одамгина ўз фаолияти ҳақида шундай тўлиб-тошиб гапира олади. Расулжон унинг гапларини тинглардию айни пайтда тез-тез соатига ҳам қараб қўяр, бу билан акасининг жиғига тега бошлаганини ҳам сезмас эди.

— Кечирасан, — деди нозик кесатиқ билан Қобил Комилович, юзига балқиган тер резаларини рўмолчаси билан арта туриб, — маъмурий ходимларнинг ҳар дақиқаси ўлчоғлиқ бўлишини унутибман.

Расулжон жиддий, ўйчан қиёфада:

— Шошаётганлигим рост, — деди, — соат бешларга идорага етиб боришим керак, кичкина кенгашимиз бор, сиз ҳам қатнашинг, ака.

— Бугунча шу ташвишдан холи қўй мени.

— Битта савол: шу шифохонани яхши қурилган, деб ҳисоблайсизми?

— Яхшими, ёмонми битган нарсани барбод қилгим йўқ. Бу инсофданмас. Шу гапимни мағзини чақиб оларсан деб ўйлайман.

— Бўлмасам, менга рухсат...

— Изминг менда бўлса, бугун кетказмасдим. Нима, ака-уканинг кўришуви бундан буён шунақа оёқ устида бўлаверадими?

— Йўғ-э! Бошқа келаман. Ҳамжихат ҳал қилинадиган ишларимиз камми ҳали? Жиянларимнинг тўй маросимларини менсиз ўтказмасиз, ахир?

— Тўғри айтасан, бунақа ишлар маслаҳатсиз битмайди. Яхши эсимга солдинг, яқин ўртада вақт топиб келсанг, бақамти ўтириб, келишиб оладиган гапимиз бор.

Расулжон бу ишорани ўзича тушунди:

— Уни кечиктириб бўлмас, ака, — деб юборди бирдан, — иложи борича тезлаштирган маъқул. Вақтим зиқ бўлмаганда шу бугуноқ бир битимга келиб олардик. Балки эртас, индинларга вақт топарман. Янгамга ҳам айтиб қўйинг, жамулжам маслаҳатлашамиз.

Қобил Комилович юриб бораётган ерида тўхтаб, укасига қаради.

— Янганг билан ҳал қиладиган қанақа гапинг бор? — унинг овозида ташвишли оҳанг сезилди.

— Қанақа гап бўларди. Жавҳарга боғлиқ маслаҳат-да!

Қобил Комилович безовталанди.

— Жавҳарга нима қипти? — шошиб сўради у.

Расулжон энди ҳеч нарсага тушунолмади қолди.

— Ўғлингизни уйлантирасизми, йўқми?

Қобил Комилович хахолаб юборди. Гапинг тагига етганидан кўнгли ўрнига тушиб, хотиржам бўлди.

— Вой, сеней, гап буёқда, дегин? Ҳа, акаси жонидан, кейинги йиллар шунчалик узоклашиб кетдингки, хонадонимизда нималар бўлиб, нималар кечаётганидан хабаринг йўқ. Мана битта исботи: жиянингнинг уйланганиниям билмас экансан.

— Уйланганми?

— Ҳа-да, Самарқандда ўқиб юрган йили уйлантириб қўйгандим. Кейин бизга билдирмай ажрашиб ҳам олибди. Қизчасиям бор. Она-бола ўша ёқда туришади. Бизнинг томонлар ёқмасмиш. Янганг бориб, ёлборибди, гапга киритолмабди. «Ўғлингиз шу ёқда турса, ярашаман», деб шарт қўйибди келини тушмагур. Унга Жавҳар кўнадиганмас.

Расулжоннинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, хомуш тортиб қолди. Кўз олдига дар-дунёси тор келиб, аламини йиғидан олаётган Нозима келди. «Бизлар уларнинг дидига ёқмадик чоғи. Ҳарна қилса, кимсан, палон қаҳрамоннинг ўғиллари-да, ахир...» Бечора Рухсора беҳудага гина қилиб нолиётган экан-да, бу воқеалардан хабари йўқ экан-да, деб ўйлади Расулжон.

— Ўзи бориб-келиб турадимми? — дея сўради акасидан.

— Самарқандгами? Қаёқда! Болангни кўриб келгин, деб худонинг зорини қиламан. Эшитгиси келмайди. Хотинидан кўнгли паққос қолган-да. Боре, деб воз кечай, деса, униси ажрим хати бермайман, деб оёқ тираб олган. Орага тушиб, бир ёқлик қилайлик десам, ўртада бола бор, жонинг ачирқан. Ҳа, акаси, жиянинг бизни бир ёқдан ҳайрон, бир томондан гирён қилиб қўйган. Бундан қутилиш чорасини ўйлавериб бошим қотган. Қани, амаки сифатида ўзинг бир чора ўйлаб кўр, зора мушкулумиз ариса...

Расулжон жим қолди. Аввалига бошини ҳам қилганича битта-битта босиб, акасининг ёнидан олислашди-да, кейин шахдам одимлади. Кўча юзида турган машинаси олдига етганда, орқасига ҳам қарамай, кабина эшигини зарб билан очди-да:

— Мен кетдим, хайр! — деди ниҳоятда руҳсиз бир аллозда.

Қобил Комилович унга жавоб қилишга улгурмай, эшик яна шиддат билан ёпилди-да, машина физиллаганича йўлга тушди.

Т ў қ қ и з и н ч и б о б

1

Расулжон идорага етиб келгунга қадар ҳам таъби ёришмади. Жавҳарнинг тақдири уни ўйлантириб қўйганди. Дам-бадам хаёлга толар, бўлиб ўтган бу ишлар учун кимни кўпроқ айблаш кераклигини билмай қийналарди.

Қабулхонага одамлар тўлиб, унинг келишини кутишаётган экан. Расулжон ҳамани ичкарига таклиф қила туриб, олазараклик билан Жавҳарни қидирди. Ҳозир кенгаш чақириб қўймаганида эди, жиянининг таъзирини бериб қўярди. Бироқ не иложки, одамлар олдида бундай қилиш мумкин эмас.

Ҳамма ғовур-ғувур билан узун столнинг икки четига қатор ўтиргандагина жиянининг қорасига кўзи тушди. Жавҳар тунд эди. Амакисини кўрган заҳотиёқ важоҳатидан нималардир содир бўлганини пайқаганди. Шунинг учун одамлар ичида писиб, назардан панароқ ўтиришга интиларди.

Кенгаш қаттиқ тортишув билан бошланди. Қурувчилар бир томон, буюртмачилар бир томон. Ҳар ким ўз фикрини маъқуллайди. Кўринишдан ювошроқ бўлгани билан Давлатбой Соғиндиевич ҳам бўш келадиганлардан эмас экан. У Марат Маматов билан ОКС ходимларининг қўл учидагина ишлаш тарзини очиб ташлашга уринди.

— Авваламбор шифохона лойиҳаси қандай қабул қилинганига ҳайронман, — деди у. — Бунақа лойиҳа яратиш йигирманчи йилларга хос эди. Қандай бўлмасин, тезроқ бирон бошпана қуриб олиш керак. Инсоннинг яшаши ва даво топиши учун энг зарур афзалликлари бўлмаган, фақат номига қўққайтириб қўйилган бинодан кимга наф? Тўғри, мазкур иморатнинг ташқи кўринишига анча аҳамият берилган, деразалари кенг, оппоқ, чиройли колоннали фасад. Ички шароити эса оддий ётоқхонадан фарқ қилмайди. Йўлаклар тор, беморлар вақт-бемаҳал ўзаро суҳбатлашиб, телевизор кўриб дам оладиган фойэ, қиш кунлари ҳам ёни эслатиб турадиган манзарали махсус жойлар йўқ. Ахир беморни фақат дори-дармон билангина даволамайдилар-ку? Атроф-муҳитдан етарли баҳра олиш билан ҳам даво топишларини унутмаслик керак. Бундан ташқари ювиниш, табиий эҳтиёжга зарур махсус хоналар умумий бўлмай, балки ҳар бир палатанинг ўзида мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Афсус, буларни бутунлай эътибордан четда қолдирганлар. Зарур қулайликлардан маҳрум шифохона — шифохона бўлолмайди!

— Кимнинг хатоси бу? — сўради қурувчилардан бири.

— Ўзингиз кимники деб ўйлайсиз? — саволга савол билан мурожаат қилди Расулжон.

— Ҳарҳолда бизникимас, деб ўйлайман! Чунки бизга шундай қур, деб буюришган.

Ҳамма гурр этиб, боядан бери гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб ўтирган лойиҳачига қаради. У бўлаётган гапларга ўзини ҳеч алоқаси йўқ одамдай кўрсатишга минг уринмасин, ичидан ўтгани сезилиб турарди. Одамларнинг назарини сезгандан кейин ҳам бошини кўтаргиси келмай, ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб, нималарнидир қоғозга чиза бошлади. Чунки ҳозир гап бошласа, ўзини тутолмай қолишини, барчанинг ҳафсаласини пир қилиб қўйишини ҳам биларди. Жавҳардан мадад кутиш эса очик ҳаводан ёмғир кутиш билан баробар.

Бу ерга киришдан аввал у дўсти билан маслаҳатлашиб олишга жазм қилганди, Жавҳар, лойиҳанг борасида мен оғиз очмайман, ўзинг жавоб қилавер, деган эди. Шунга амал қилмоқда чоғи.

Маратнинг нафасини ичига ютиб, жимгина ўтиришини кўрган қурувчи баттар тутатди:

— Доим шунақа, — деди у куйиниб, — қилғилиқни бошқалар қилиб, ўзларини четга олиб туришаверади, гапни эса ижрочи эшитади. Бунақа дим-дим ўйин кимга керак? Мард бўлсанг, майдонга чиқ. Инсоф билан айтганда, лойиҳадаги шунақа камчиликларни ўз вақтида кўрсатмаганмидик? Лойиҳачилар бунга қулоқ солдими? Буюрганни қилсанг-чи, дейишди. Гўё қурувчилар оми одамлару лойиҳачилар тенги йўқ истеъдод эгалари. Оқибатда доим бошқача бўлиб чиқади. Аламини биз тортамыз. Дакки эштамыз, ҳайфсан оламыз, мукофотдан қоламыз. Йўқ, қонун ҳаммага баробар бўлиши керак. Ким сувни лойлатган бўлса — ўзи ичаверсин!

— Ҳамма айбни лойиҳачиларга тўнкаш тўғримас! — деди кимдир.

Бу ўз навбатида баттар шов-шувга сабаб бўлди.

— Билмай-нетмай валдираш осон! — ўрнидан сакраб турган Марат асабий ҳолда столга бир мушт урди, тўлагина, юмалоқ юзи чўзилиб кетгандай кўринди. — Лойиҳага намунча ёпишиб олмасанглар? Ахир у ишга тушганга қадар юзта чиғириқдан ўтган, тасдиқланган. Объектни қабул қилиш комиссиясига келганда, уни мен тузмаганман! Комиссия составида соғлиқни сақлаш бўлими вакиллариам бор эди-ку? Нимага улар қабул пайтида гинг дейишмай, энди тилларига эрк бериб қолишди?

Расулжон тортишувга ҳеч алоқаси йўқ одамдай, ўзини хотиржам тутиб ўтирар, аслида эса комиссиянинг масъулиятсизлиги ҳақидаги фикрларни очиқ-ойдин билгиси келарди. Марат оғзини кўпиртириб, ҳеч тўхтамай гапирар, тиш-тирноғи билан комиссия хулосасини астойдил ҳимоя қилишга уринарди. Район бош врачининг эътирозлари ҳақида тўхталиб, ўзини тушунмасликка солди.

— Ундай-бундай деб ақл ўргатишга ҳаммамиз устамиз, — давом этди Марат, — аммо ҳар бир янги нарсани вояга етказиб, амалга оширишнинг қанчалик мураккаблигини таъ олгимиз келмайди. Тасаввур ҳам қилгимиз келмайди ҳатто. Ариқ тўла сувдан ҳеч қийинчиликсиз, истаганча фойдаланаверишимиз мумкин, ўша ариқни қазиганларнинг заҳмати эса ҳеч ким эслагиси келмайди. Лойиҳачиларнинг меҳнати, ўз ғоясини рўёбга чиқаришдаги азобларини менсимаслик ҳам инсофли одамнинг ишимас!

— Ҳеч ким менсимаётгани йўқ! — унинг сўзини бўлди врач. — Ҳозир гап шифохона қурилишидаги камчиликлар ҳақида кетяпти.

— Ким йўл қўйганини топиб гапиринг-да, бўлмасам! — Марат бош врачнинг асосий фикрдан бир оз чалғиётганидан фойдаланишга уринди. — Айнан лойиҳага ёпишиб олиш диёнатданми?

— Намунча ўзингизни гўлликка соласиз, Маратжон, сиз фақат лойиҳа муаллифигина эмас, ОКС бошлиғи ҳамсиз-ку? Бутун қурилишнинг масъулияти сизнинг зиммангизда бўлмай, менинг зиммамда бўлсинми? Ҳар объектни беками-кўст битириб, топширгунча бошида ким туриши керак, сизми? Демак, йўл қўйилган хатога ўзингиз жавобгарсиз, шундаймасми?!

— Э-ҳа, бутун қусурлар мен туфайли экан-да! — бўш келмаслик пайдан бўлди Марат. — Балки атайи қиялтиям деб айбларсиз? Шу чоққача кўпгина қурилишларни охирига етказиб, оғизга тушиб юрган одам энди ёмонотлиққа чиқиб қолдимми? Нима ҳам деймиз, майли, хатога йўл қўймайдиган бошқасини топинглар унда!

У ишнинг кўзини биладиган мутахассис саналарди. Ўзи ҳам баҳоси йўқ одамдай гердайиб юрар, айрим раҳбар ходимларнинг ҳожатини чиқариш билан мавқеини мустаҳкамлар, ҳатто киссасига мўмай-мўмай пуллар тушиб, димоғи анча кўтарилиб қолганди.

Ҳозир ҳам миси чиқаётганига қарамай отдан тушиб, эгардан тушгиси келмас, бугун бўлмаса, эртага кимдир албатта ҳимоясига олишига ишонарди. Шулардан бири анча обрў-эътиборли саналган район прокурори бўлишига ҳам шубҳаси йўқ.

II

Қурилишларда ишчи кучи етишмаслиги сабабли Расулжон ремонт ишларини тўхтатиб қўйиш билан ўзига рақиблар орттириб олган эди. Шулардан бири район прокурори. Чунки ОКС ходимлари унинг кенг саҳнли уй-жойини ремонт қиладиганларидан хабар топиши билан Маратни чақирган, тезда ишни тўхтатиб, ишчиларни асосий объектларга юборишни буюрган эди. Буйруқ бажарилди. Аммо ремонтни ўлда-жўлда қолган прокурор тўппа-тўғри райкомга арз қилди. Райком

котиби Иззат Мардонович билан ўрталарида яқинлик бор эди. Шунинг учун арзни эшитиб, у Расулжонга сим қоқди:

— Расулжон Комилов, — деди у, — биродар, прокуроримизнинг ремонтни битмай қолибди, ОКС бошлиғига айтинг, бир-иккита одам юбориб, охирига етказиб берсин!

— Ремонт учун ажратилган ортиқча ишчи йўқ бизда! — кескин жавоб қилди Расулжон.

— Йўқ деманг, биродар, бунақа қилсак, ўзаро дўстлик муносабатларимиз нима бўлади?

— Умуман иш борасида мен ҳеч қандай дўстлик муносабатларини тан олмайман. Ремонт жуда ошиқич бўлса, мардикор чақирсин.

— Қўйсангиз-чи, ўзимизда ойлик олиб ишлаётган тайёр мутахассислар туриб, бировларни қидириб юриши бормиди? — ажабланиш ва таҳдид оҳангида гапирди Иззат Мардонович.

— Худди ўзимизда ойлик олиб ишлаб турганлари учун ҳам айтяпманда. Бордию пули бўлмаса, ёр-дўстларини ҳашарга чақирсин.

Тойлоқов жим қолди.

— Ҳа, сиз билан муроса қилиб ишлаш хийла оғирга ўхшайди... — дея тўнғиллади анчадан кейин.

Шу чоққача Иззат Мардоновичнинг гапини биров икки қилган эмасди. Қайтага қўл қовуштириб, буйруғига маҳтал туришарди доим. Расулжоннинг қайсарлиги унинг жаҳлини қўзғади. Қаршисида ўтирган прокурорга қарагиси келмай, бошини қуйи эгиб, қовоғини солди.

Орага тушган ноқулай сукунат анчагача чўзилди. Охири прокурорнинг сабри чидамай, ўтга керосин сепди:

— Кеча келиб, бугун ҳунар кўрсатяптими, сизгаки шунақа терс гапирса...

Тойлоқов жавоб қилмади.

Худди шу куни ижроком ҳовлисидаги ошхонада тушлик қилиб ўтирган Шерали Назарович Расулжонга:

— Раҳбарлар билан нимага айтишиб юрибсиз? — дея савол берди.

Расулжон гап нима устида бораётганига дарров тушунди.

— Бор гапни айтдим, — деди у, маставага қатиқ солиб аралаштирар экан, — қурилишларда шундоқ ҳам одам танқис маҳал бировларнинг уйини ремонт қилишлар барҳам еганини тушунтирдим.

— Район прокурори биров бўлдими? Бир-иккитасини юбортириб, ҳожатини чиқарсангиз нима қиларди? Одамларимиз билан яхши муносабатда бўлинг, демаганмидим?

— Яхши муносабатда бўлишнинг жин урсин! — тажанглиги тутган Расулжон яримлаган косасига қошиқни тарақ этиб солди. Бошида оғриқ турган одамдай икки чаккасини эзиб-эзиб қўйди. — Районнинг қоқ ўртасида қуриляётган болалар боғчаси чала-ярим... Етти йилдан бери стадионга қарашга қўл тегмаган, қурилиш материалларини ташиб кетишган. Лоақал сочилиб ётганларини тартибга солишга ҳам одам етишмай, бошини қаёққа уришни билмайсану яна булар ремонтларини орага тиқишади.

— Иззат Мардонович шахсан ўзи илтимос қилган экан, — давом этди раис, — гапини эшитгингиз ҳам келмабди. Райком секретарининг илтимоси буйруқдай гап. Уни инобатга олмаслик — шаккоклик! Ҳарҳолда тобелигимизни унутмаслигимиз керак.

Расулжон бошини кўтариб, синовчан тикилди-да, яна ерга қаради. Бевосита раҳбарнинг сўзини шартта бўлиб, терс гапириб юборишдан ўзини аранг тутди. Иштахаси бўғилиб, овқатга қўл урмади.

— Бунақа дангаллик сиз билан бизга тўғри келмайди, — давом этди раис, — қизик, худди шундай илтимосни мен қилганимда нима бўларди?

— Унда ўзим бориб ҳашар уюштирардим. Бунақа ишлар қўлимдан келади. Студентлик йилларимиз оғайниларникига бориб, гишт териш, сувоқ-пувоқ қилишларга қўлим келиб қолган.

Шерали Назарович кулди.

— Ижроком раиси ўринбосарининг қоригмага беланиб, сувоқ қилаётгандаги афт-ангори кўзимга кўриниб кетди, — деди у нон синдириб оғзига солар экан, — яшанг, азизим...

— Нима қипти, — пинагини бузмай жавоб қилди Расулжон ҳам, — ҳаммамиз асли деҳқон боласимиз. Деҳқон эса меҳнатдан ҳазар қилмайди. Ота-боболаримиздан қолган мерос бу.

Шерали Назарович елкасини қисиб қўйди. Сўнг прокурорнинг Расулжон устидан қилган яна бир шикоятини айтиб берди. Ижроком раиси ўринбосари ўзбошимчалик қилиб айрим қонунбузарларни ҳимоясига олаётган эмиш. Бу билан уларнинг иши, обрўсига путур етказиб қўяётган эмиш... Шунга ўхшаш миш-мишлар юрганни эслатди.

— Қойил, мен унга расмиятчиликдан ташқари, иңсоний ҳам бўлишликни уқтиргандим-ку? — деди Расулжон. — Гапимга тушунгиси келмай, нуқул қонунни рўкач қилади. Магазиндан суви қочган беш-олти буханка нон олиб кетаётган аёлни ушлаб, милицияга топширишибди.

— Нон билан сигир боқиш жиноятлигини биласиз-ку?

— Тўғри, қилмиши учун аёлни жавобгарликка тортиш керак. Аммо... аёл магазинда суви қочиб, сотилмай қолган нонларни олар экан. Эри йўқ, бир эмас, икки қиз, уч ўғилчаси бор экан. Ўзи мактабда фаррошлик қилиб, ойига етмиш сўм маош оларкан, холос. Бошқа даромади йўқ. Фақат биттаю битта сигири жонларига аро кираркан. Ем-хашак танглигидан қаттиқ нон билан боқишга мажбур бўлган.

— Нон қанақалигидан қатъий назар, молга едириш увол. Ҳамма ҳам ҳовлисида сигир сақлагиси, ҳамманинг ҳам сут ичгиси келади. Ем-хашак эса хўжаликларнинг ўзидан ортмайди. Шунақа экан, деб ҳамма магазиндан нон олиб мол боқишига йўл қўйиб берсангиз... Бугун биттасига шафқат қиласиз, эртага яна бошқасигаам шундай қилишга тўғри келади. Юзхотирликнинг оқибати нималарга олиб келишини биласизми? Йўқ-йўқ, бунақа юмшоққўнгил бўлишингизга қўшилмайман. Барча учун қонун битта, қонунга хилоф қилдими, жазосини тортсин, тамом!

— Тўғри, аёл нобакорлик қилган. Нонни увол қилиш — ростдан ҳам жиноят. Хўп, уни жавобгарликка тортдик, қамадик ҳам дейлик, — Расулжон столдаги нон увоғини олиб, ликобчага қўйди, — уйда чирқиллаб қоладиган беш нафар норасидасининг ҳоли нима кечади кейин?

Шерали Назарович оғзига олиб бораётган қошиғини ярим йўлда тўхтатиб, ўйланиб қолди.

— Мен уни бугуноқ жиноятга тортиб, қамаб қўйилсин, деганим йўқ-ку? Чора кўриш йўллари камми?

— Аёлни чақириб, қаттиқ танбех бердик. Айбига иқдор у. Тавба-тазарру қилди. Бевалиги, болаларининг балоғатга етмаганлигини назарга олиб, уйига яқин колхоз идорасини ҳам супуриб-сидириш, меҳнат куни эвазига озиқа билан таъминлашларини келишиб қўйдик.

— Прокурор нима деди?

— Прокурорингиз суд қилиш керак, жазо бериш керак дейди. Керак-керакдан оғзи бўшамас экан. Кейин мени консерваторликда айблашга тушди. Али десам, бали дейди, оғзимни очиргани қўймай, нуқул сафсата сотади. Охири кабинетдан ҳайдаб чиқаришга мажбур бўлдим.

— Яхши қилмабсиз! — дея гижинди Шерали Назарович. — Тойлоқовга ҳақорат қилди, деб айтибди. Кўпларимизнинг тағимизга сув қуйиш пайида, ОКС бошлиғининг думини тугмоқчи, дебди. Ҳайронман, Расулжон Комилович, ўзингизга қарши рақиблар ортиришнинг нима зарурати бор?

— Шерали Назарович, ҳаммасини кўра била туриб, ўзимни кўрмасликка солишим керакми?

— Ҳарҳолда, одамларимизнинг феъл-атворига қараб муомала қилишни билинг. Бунинг охири бахайр бўлади. Елғиз отнинг чанги чиқмас, деган гап бор, биласиз.

Расулжон нима қилиш лозимлигини яхши биларди. Шунинг учун бошлиғининг сўнги сўзларини эътиборсизлик билан қабул қилди-да, яримлаб қолган маставани нари сурди, ликопдаги мантини ейишга тугинди.

У н и н ч и б о б

Ҳайдар Ғуломовичнинг хотини Санобархон қирқ беш ёшларда; сарғиш юзли, бағбақаси осилганроқ, семизлигидан лорсиллайди. Нафаси тикилгудай ҳансирайди, аммо ўта ҳаракатчан, шу билан бирга тилли-жағликкина аёл. Шу ҳолатда магазинма-магазин юра-юра терга пишиб, энка-тинкаси қуриди. Лекин истаган нарсаи топила қолмай, тоза хуноби ошди.

— Меҳмон кутмоқчийдик, тўрттагина товуқ топиб беринг, айланай, — деди гастрономга кириб.

— Товуқ тушгача сотиб бўлинган, опажон, эртага хабар олинг.

— Ўзингизга олиб қўйганингиз бордир? Прилавкангиззи тагини қараб кўринг, барака топкур...

— Ишонмасангиз, ўзингиз кириб, харидорлардан яшириб, ушлаб туриш ман қилинган.

Санобархоннинг энсаси қотди. Лабини асабий буриб, бугун омади юрмаганидан куйиниб, сўлжайиб чиқиб кетар экан, ўзича ўйлади: «Нима бўляпти ўзи? Илгари бунақамасди-ку? Бир нарса қидириб кўчага чиққанмидим ҳеч?»

Дарҳақиқат, уйда ўтирганича телефон қилиб қўйса, бас эди. Энг танқис нарсалар ўзидан ўзи келиб қолар, ҳатто савдо ходимлари магазинга нима келганлигининг хабарини бериб туришар эди. Ҳайдар Ғуломович илтимос эмас, буйруқ тариқасида мурожаат қилар, ҳаммаси уни адо этишга ошиқар эди. Энди эса ялиниб-ёлборса ҳам, биров пинагини бузгиси келмайди. У уйга қайтибоқ эрига захрини сочди:

— Чақирган меҳмонингиз балонинг ўқини есин! Тангрининг молини шайтон қизганибди, деганлари ҳақ экан. Ҳаммаёқни қуриб қўйибди-ку, анави янги келган тавиянгиз! Яна ўшани меҳмонга чақирганингизга ўлайми!

Ҳайдар Ғуломович пижамасини кийиб олиб, телевизор кўриб ўтирар, кўзи экрандаю хаёли бошқа ёқда. Таъби ҳам хира. Бунинг устига, товуқ харид қилишга чиқиб кетган хотинининг қуруқ қайтгани ўлганнинг устига тепгандай бўлди. «Ҳа, ҳаддидан ошиб кетяпти у», деб қўйди яна ичида Расулжонни кўз олдига келтириб.

— Бўлди, ҳафсалам пир! — деди хотини ҳансираб бориб диванга чўзиларкан. — Ўзингиз таклиф қилибсизми, ўзингиз кутиб олаверинг. Мен аралашмайман. Шовла пиширасизми, ёвғон шўрва-шўртак қайнатасизми — билганингиззи қилинг.

Ҳайдар Ғуломович аста қайрилиб, хотинига тушунтирди:

— Менга қолса, меҳмонга айтгим бормиди уни, хотин, — унинг овозида кимдандир нолиш оҳанги бор эди. — Бундан ўн-ўн беш кун бурун оғзимдан чиқиб кетувди, сўздан қайтиш номардлик бўлармикин, деяпман-да.

Эрининг овозидаги ана шу оҳанг Санобархонни бир қадар хушёр торттирди. Расулжон Комилович дегани ҳаммаёқни элак-элак қилиб ташлаётган эмиш, баъзиларнинг посонгисини тўғрилаб қўйибди. Эрининг ҳам авзойи синиқроқ чамаси. Уша бадгир туфайли бўлмасин тагин. Кеча райком бюросида ҳам гапириб, кўпларнинг пўстагини қоқипти тоза. Казо-казолар ҳам лом-мим деёлмай қолганмиш. Эрига ҳам ёпишган бўлса-я...

— Бюрода нима мунозара юритдинглар? — қизиқсинди Санобархон, — намуноча сир тутиб қолдингиз?

Ҳайдар Ғуломович хотинини идорасида содир бўлган бирор гапдан хабарсиз қолдирмас, ҳеч нарсани яширмас эди. Яширганда ҳам Санобархоннинг ўзи уёқ-буёқдан эшитиб келиб, эрини баҳсга тортар, унга ҳатто йўл-йўриқ кўрсатар, баъзида энг мураккаб тушқунликдан ҳам қутилиш чорасини топишга кўмаклашар эди. Аммо бу сафарги бюро мавзусидан батафсилроқ бохабар қилмагани учун унга ўшқирган бўлди:

— Сиздан сўраяпман, ҳой эр, ёрила қолсангиз-чи, нима гап бўлди бюрода? Анов билармонхожи сизгаям ёпишдимми ё?

Ҳайдар Ғуломович унга ҳайратомуз қараб қўйди.

— Менга ёпишадиганлар онасининг қорнидан тушмаган ҳали, хотин. Бошқаларнинг қитиқ патини юляпти. Маратни роса қовурди.

— Вой, анави ОКСи бошлиғини-я? Бамаъни, ҳаппа-ҳалол одамга ўхшовди-ку? Бир оғиз гапингизни икки қилмай, дачамиззи қуриб берувди-я, шўрлик.

Ҳайдар Ғуломович совуқ сув сачрагандай сакраб тушди.

— Жим, дача қурганимизни айта кўрма бировга! Расул деганинг худди шунақа ишлардан қийиқ топяпти. Билса, чилдирма чалишни бошлайди.

— Вой, ўлибманми бировга айтиб. Ўзи оғзидан гуллаб қўймасмикин?

— Ким?

— Марат-да.

Ҳайдар Ғуломович елка қисди.

— Сотолмайди. Дарахт йиқилса, шохи ҳам синишини билади. Ўзининг бўйнига тушиб қолишидан қўрқади.

— Ҳа, энди базмга қиров тушди, деяверинг. То ўзининг тагига сув келиб, тавбасига таянмагунча аҳвол шу, кўпларнинг бошига етади ҳали бу шумтака Расулжонингиз!

— Қўявер, бақа буқа бўламан, деб ёрилиб ўлган экан. Биздан олдин ўзининг акасидан шохи синадиган бўлиб турибди.

— Акасигаям ёпишганмиди?

— У қурдирган иморатни йўққа чиқарди. Уғли Жавҳарнинг дўпписини тор кийгизиб қўйди.

— Ўз жияни бўлатуриб-а?

— Вақти келса, отасини ҳам танимай қолади у! Шунақанги далилларни тахлаб ташладики, ўғлини ҳимоя қилиш у ёқда турсин, Қобил ака капалаги учиб, оғиз очолмай қолди. Э, хотин, Расулнинг замзамаларини эшитмабсан. Эшитсанг, сочларинг тикка бўлиб кетарди. Мени тўққиз пулга олмай қўяди-ю... Асли бу ерга келишига ҳомийлик қилган мен эдим. Сен кимсан-у, нима буйруғинг бор демайди. Менга тегишли ишларгаям тумшугини тикқани тикқан. Ҳеч кимни писанд қиладиганмас. Ўз бошимга балони ўзим сотиб олганга ўхшайман-да!

— Сиз унча-бунчага бўй берадиганларданмассиз, отаси. Чилласи чироқ кўрмаган бунақаларни таптидан тушириб қўйиш қўлингиздан келади. Бунга ишонаман.

— Менсиз ҳам қўлтиғига сув пуркаб қўядиганлар чиқиб қолган ҳозирдан. Шунақанги арзи додлар тушаяптики... Обкомга ҳам ёзишибди. Ёзишаверишсин, ҳимоя қилмайман, деб сўз бердим ўзимга. Бир тавбасига таянсин, кейин бурнини тортиб келганда, доғлайман.

— Мажлислардами, кўпчилик ичига тушгандами, бошлаб бурнини ерга ишқанг. Аммо анавундақа ёзмачиликка аралашманг, қўшоқнинг орасида тушоқ бўпти, деган гап тарқамасин. Ҳарқалай, униям обрўси ошибди. Эл-улус оғиз тўлдириб гапириб қолган. «Барака топсин, эгри айланган чархпалакларни тўғри йўлга солиб, сувга ташланган бўғовларни олиб ташляпти», дейишади. Халқнинг эътиборини қозониб олибди-да, устамон!

— Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Шу кетишда бўлса, узокқа бормади, — деди Ҳайдар Ғуломович.

Хотини ҳовридан тушди.

— Майли-ку, — деди бўшашиб, — товук тополмаганимга жаҳлим чикди-да, бўлмасам, меҳмон кутишдан қочармидим.

— Тўхта, — эрининг эсига нимадир тушиб севиниб кетди бирдан, — райторг мудирининг ўзига сим қоқамиз. Сизни бир пиёла чойга таклиф қилмоқчийдик, десак, товуклар ўз оёғи билан кириб келади.

Санобархонга бу маслаҳат маъқул тушиб, ишга тез киришиб кетди. Энг яқин дугоналарига сим қоқди, улар етиб келишди. Гўшт сомса, қуштили, бўғирсоққа мўлжаллаб хамир қоришди.

...Расулжон кириб келган маҳал ниҳоятда дид билан тузатилган дастурхон теварагида жамоат жам эди.

— Кираверинг... — уй бекаси уни остонада кутиб олди. — Хуш келибсиз, қани, ичкарига марҳамат!

Меҳмонлар гурр этиб ўринларидан туришди-да, Расулжонга пешвоз чиқишди. Уларнинг аксарияти таниш, Иzzат Мардонович, район агросаноат бирлашмаси бошлиғи Тоҳиржон Пўлатов, райторг мудир Мунаввар Боев ва уларнинг хотинлари.

Боев оғзида бир луқма гўшт чайнаб, ошхона томондан чиқиб келди. У пастак бўйига ҳеч ярашмаган тарвуздай қорини чап қўли билан босиб, ўнг қўлини сўрашишга чўзди. Қўли терлар экан, Расулжонни сескантирди.

— Ас-сало-ому аллайкум! — деди у чўзиб. Кейин бидиллай кетди: — Қадамларига ҳасанот! Келмай қоласиз, деб чўчувдик, хайрият, хайрият! Хизматдан ташқари маҳалдаям кўришиш насиб қиларкан-ку...

Аёлларни Ҳайдар Ғуломовичнинг ўзи таништира бошлади:

— Тойлоқова Мунирахон, — деди у, лаблари гунчадай, қошлари ингичка қилиб терилган, юзи сутдай оппоқ, кўзлари тийрак боқувчи, шўхчангина жувонни кўрсатиб. Унинг ёнида, бу аёл бизга тегишли дегандай гердайиб, тилла тишларини ялтиратиб, илжайганича райкомнинг иккинчи котиби турарди. — Мунаввар Боевнинг оилалари, — ўрта бўй, тўлагина жувонни кўрсатиб, таништиришда давом этди мезбон, жувон эса чаққонгина юмшоқ қўлини чўза қолди.

Тоҳиржон Пўлатовичнинг хотини ингичкадан келган, очиқюз, мулойим табиатли, ширинсухан аёл экан.

Тоҳиржоннинг ўзи ижроком раисининг биринчи ўринбосари ҳуқуқига эга бўлиб, ўз вазифасини доим сидқидил ва ҳалол адо этиши, босиқлиги билан Расулжонга дастлабки кунларданоқ ёқиб қолган эди. Қачон у билан кўришиб, ёнма-ён ўтириб қолишса, Расулжоннинг дили ўзидан ўзи ёришиб кетар, бажонидил суҳбатлашар эди. Айниқса кечаги бюрода Расулжон ўртага ташлаган масалаларга қўшилиб, ён босганидан бери яна бир-бирларига жуда яқин бўлиб қолгандай эдилар.

Расулжонни қўярда-қўймай тўрга ўтқазишди. Худди шу маҳал пешбанд тутиб олган Рухсора ошхона томондан чиқиб келди. Расулжон, Акбарни ҳам кўрсам керак, деб ўйлади. Ўрнидан туриб, сўрашишга чоғланган эди ҳамки, Рухсора югуриб келиб, уни қўзғал-масликка ундади:

— Қимирламанг, Расулжон ака, — деди уни елкасидан хиёл босиб, — сиззиям кўрар кун бор экан-ку?

Расулжон уни ёнгинасига ўтқазди.

— Болалар соғ-омонми? Акбар келмадими?

— Бо, биласиз-ку, ҳозир айна даҳага кирган пайтлари. Чизганлари чизган. «Расулжон дўстим ваъдасига амал қилиб, қайта ишга олди, энди топшириғини бажармасам бўлмас», деб бугундан район маркази лойиҳасини қўлга олганлар. Узим келавердим кейин. Санобархон билан азал опа-сингилдаймиз. Меҳмон келса дарров мениям йўқлатадилар. Пишириш-куйдиришларга қарашвораман. Бугун сиззи келиш дарагингизни эшитиб, оёғимни қўлимга олиб югурдим. Дўстингиз салом айтиб қўй, дедилар. Узингиз тинчмисиз? Тошканга телефон

қилиб, болалар, Сайёраминан гаплашиб турибсизми? Тинчми ҳаммаси?

Расулжон жавоб бериб улгурмай пойгакда уй бекаси кўринди, икки қўлини кўксига қўйганча қуллуқ қилди:

— Яна бир марта хуш келибсизлар, айланайлар! Қани, дастурхонга қараб ўтиринглар. Мени бу ёқда ишим кўп ҳали...

У қайтиб, ошхона томон йўл олган эди, Мунираҳон жарангдор овоз билан тўхтатди:

— Яна қанақа иш, Санобархон опа, — деди. — Шунча ноз-неъмат устига тагин нима пиширяпсиз?

— Қутдуг уйга келгансиз, айланай, қуруқ кетгизмайман. Сиздай мўътабар ёру биродарлар келишди, Расулжондай оғамиз қадам ранжида қилибдилар, ҳимматлари бош устига. Оғанг келса, оғилдаги отингни аяма, деганлар, от сўймадик, қўй сўёлмадик, топган-тутганимизни тўкиб солишим фарз-да, айланай.

— Азизлар, — деди Ҳайдар Ғуломович дағалроқ овозига тантанавор оҳанг бериб, — иштаҳа очди қилиб олсак, қаршилиқ йўқми?

У майда биллуқ қадаҳларга коньяк қуйди.

Расулжон ичкиликка унча ҳуши йўқлиги учун қадаҳни лабигагина тегизиб, дастурхонга қўйди.

— Йўқ, унақаси кетмайди, — деди Ҳайдар Ғуломович қадаҳни олиб, қайта унинг қўлига тутқазаркан. — Ижозатингиз билан мен тост айтишим керак. Сиз бизнинг уйимизда биринчи бўлишингиз, шунинг учун биринчи қадаҳни сизнинг соғлигингизга кўтарамиз. Охиригача ичиш.

Ҳамма ўрнидан туриб, қадаҳларни чўқиштирди. Расулжон эътироз билдирди:

— Нимага менинг соғлиғимга? Бу ерда шунча меҳмонлар бор, аёллар ўтиришибди...

— Сазамизни қайтармаслигингизни илтимос қиламан. Ҳаммамиз шунга келишиб олганмиз. Аёллар учун янаги сафар. Хўп, денг... Ерга қўйиш йўқ қадаҳни, Расулжон Комилович, хафа қилманг бизни. Сўраймиз, ичинг. Барибир қўймаймиз. Биз кўпчиликмиз...

Барча баробар шовқин солиб, уни қистай бошлади.

— Йўқ, азизлар, бу адолатданмас, — сўзида қаттиқ туриб олди Расулжон, — менимча, мана шу уйнинг бекаси — Санобархон опа соғлиғи учун ичганимиз яхши. Шунга тақлиф қиламан, тамом!

Ҳамма кўнишга мажбур бўлди.

Иккинчи қадаҳ унинг соғлиғи учун кўтарилди.

Аёлларнинг аксари Расулжонни биринчи кўришлари эди. Аммо таърифни кўп эшитиб улгуришган, ишга тушганининг дастлабки кунлариданоқ шов-шувларга сабаб бўлаётганидан бохабар эдилар. Турли миш-миш гапларгача эшитиб, кўришни орзу ҳам қилардилар. Мана ниҳоят у қаршиларида ўтирибди. Бўйи узунлигини назарга олмаганда, акасига айнан ўхшаб кетар экан. Фақат Қобил Комиловичнинг кўзлари ўйнаб туради. Тилла тишларини кўрсатиб, чиройли кула олади. Бунисининг боқишлари жиддийроқ, қарашлари дадил, афтидан, тўғри келса-келмаса валдиоровчиларга тоқати йўқ. Аёлларга нисбатан қув қараш қилмайди. Буни Мунираҳон ҳаммадан аввал сизди. У азалдан шўхроқ аёл бўлиб, эркакларни жалб этишни ёқтирарди. Ҳозир ҳам нимадир демоққа чоғланардию гаплашишга ёнида эри ўтирганиданми, тузукроқ бир баҳона ўйлаб тополмаётган эди. Хуллас, у тезроқ қувноқ ҳангомалар, кулги, қаҳқаҳалар кўтарилишини истар, бунақа сипо ўтиришлардан юраги сиқилаётган эди. Шампан виноси кучини кўрсатди: ширакайф аёл тилга кирди:

— Расулжон ака, Сайёра опамларни қачон кўчириб келасиз, сўққабошлиқ жонингизга тегмадими?

— Тегди! — тан олди Расулжон.

Орага Боева тиқилди:

— Расулжон аканинг билганлари бордир-да, Мунираҳон. Кўздан

нари кўнгилдан нари, дегандай, Сайёрахонни у ёққа ташлаб, ўзлари бу ерда бирон маликаи дилоромни кўзлари остига олиб, ёки сувга қармоқ ташлагандай биронтасининг илинишини кутиб юрган бўлсалар, нима дейсиз? Елғизликда ёт яхши, дейдилар-ку?

Уртада гур кулги кўтарилди. Мунира чўғ ташлади:

— Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши экан-да?

Яна кулишди.

— Мен Сайёрамни ҳеч кимга тенг қилолмайман! — кулиб туриб жиддий гапирди Расулжон.

— Бўлди, бўлди, суюлманглар. Ҳазилбоб бошқа гап қуриб қолганми? — деди Рухсора.

Меҳмонлар бир оз кулишиб ўтиргач, мезбон уларни туришга ундаб, уйлари билан таништира бошлади.

Чорси ҳовлининг тўрт томонида бир-биридан шинам, пешайвонли тўртта уй қад кўтарган, унда Ҳайдар Ғуломовичнинг тўрт ўғли келинлари билан туришади. Ойнаванд эшиклар, зич вассали шифтлар безаги, бўёқлари кўзни олади.

Емакхонада ҳам, болалар хоналарида ҳам алоҳида-алоҳида қўйилган хорижий жавонлардан ташқари ўзбекона токчалар ҳам бор, баъзиларига эски-янги китоблар тахланган. Рангли телевизор, биллур қандиллар, гиламлар... Ҳар бир уйда Ҳайдар Ғуломовичнинг ўғил ва неваралари билан бирга тушган катта-катта суратлари осиглиқ.

«Ҳа, шоҳона турмуш кечирар экан, — деб ўйлади Расулжон, — кимларгадир квартира етишмай, навбат кутиб ётади, кимлардир уйини дурустроқ ремонт қилиб олишга ҳам зор. Бунга ўхшаган мансабдорлар эса яшаш шароитини мана шундай беками-кўст қилиш пайида доим. Данғиллама бинолари кўзни олади...»

— Қалай? — дея савол бериб қўйди унга ҳовли эгаси худди хаёлини ўқиб тургандай.

— Мақтанса арзигудай.

Расулжоннинг нозик кинояси унга етиб бормади.

Ҳайдар Ғуломович меҳмонларни ўз ортидан эргаштириб, дераза пардаларини тортиб кўришга, кранлардан сув оқизиб, телевизорнинг мурватиғача ўз қўллари билан бурашга ундар эди. Унинг мақтанчоқлиги Расулжоннинггина эмас, Тоҳир Пўлатовичнинг, ҳатто Иззат Мардоновичнинг ҳам энсасини қотира бошлади. Нима демоқчи у? Кўриб қўйинглар, ҳаётнинг лаззатини тотиш мана шунақа бўлади, демоқчимиз, ё атайи ҳасад уйғотмоқчимиз?

Тоза ҳаводан мириқиб симирмоқ баҳонасида Расулжон тезроқ ҳовлига чиқа қолди. Олдига гулу райҳонлар экилган чорпоёга келиб ўтирди. Бир нафасдан кейин бошқалар ҳам унга бирин-кетин яқинлашиб, ўраб олишди. Латифанамо ҳангомалар қизиди. Негадир ҳамма ўзини Расулжонга яқин тутишга ҳаракат қилар, гапини олишга уринар эди.

Биринчи бўлиб, Иззат Мардоновичнинг хотини бетакаллуфгина сўз қотгиси келди:

— Расулжон ака, бир савол бермоқчийдим сизга... — бу гапга эрим қандай қараркин, дегандай Тойлоқов томонга нигоҳ ҳам ташлаб қўйди. — Ақлим бовар қилмайдиган миш-мишлар эшитдим-да... Агар хато тушунган бўлсам, кечирасиз. — Унинг сўзлаш оҳангида жуда нозик таҳқирлаш борлигини Расулжон сезгирлик билан пайқаб турарди.

— Марҳамат! — чуқур маъноли бирон ҳикматли гап эшитишга ҳозирланган вазиятда хиёл эгилди Расулжон.

— Қизиқиб қолдим-да, айбга буюрмайсиз, — яна талмовсиради аёл. — Иззат акадан шунча сўрайман, денг, ҳеч ётиги билан тунтирмайдилар. Идорадаги гапларни уйга ташишни ёқтирмасмишлар... Чоркапа марказга айлантирилариш, шу ростми?

Хотинининг ноўрин сўз қотганидан хижолат чеккан Иззат Мардонович энсаси қотиб, ичдан пишқириб қўйди.

— Сизга нотўғри ахборот беришибди, — деди Расулжон жилмайиб, — гап Чоркападай жойларимизни вайрон қилиш эмас, обод қилиш масаласида борган эди. Марказга айлантириш керакми, йўқлиги ҳақида баҳс очилганини биринчи эшитишим.

Теваракдагилар енгил кулиб олишди.

— Чоркапанинг йўқ қилинишига мен азалдан қарши эдим, — орага суқилди Тоҳир Пўлатовичнинг хотини, — шунини сақлаб қолишни ўйлаб тўғри қилинган. Сўлимбекдай қишлоқни йўқ қилиш ҳам ноинсофлик бўлди, менимча!

— Қойил, ҳақ гапни айтдингиз, — яйраб кетди Расулжон, — дунёда яратиш қийин, яратилганни вайрон қилишдан осони йўқ! Мана сиз тушунибсиз бунга. Шунақа тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Бу гапни ҳазил қабул қилган ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Аммо аёл бўш келмади:

— Бунини куладиган жойи йўқ, ачиниш керак. Ота-боболаримиз униб-ўсган, обод қилган жойларни номи-нишонсиз йўқотиш копар зиён-ку!

Расулжон чапак чалиб юборди.

Ҳақиқатан ҳам Сўлимбекдай қишлоқнинг бошига тушган қисмат кўпларни қаттиқ ранжитган эди. Энди бу қишлоқнинг ўрни шипшидам дала. Ҳосилдор ерларни кенгайтириш эвазига бутун бир қишлоқ йўқ бўлиб кетганди.

— Юртга пахта керак! — кўрсаткич бармоғини кўкка ниқтаб гапирди Иззат Мардонович. — Бунини инкор этиш сиз билан бизга ножоиз.

— Ҳа, — дея уни қувватлай қолди тантанавор оҳангда Боев, — эски, увадаси чиққан қишлоқларни ўзлаштириб яхши қилинган.

Расулжон унинг сўзини шартта бўлди:

— Тўхтанг, биринчидан, Сўлимбек «эски, увадаси чиққан қишлоқ» эмасди, номи билан сўлим эди у. Иккинчидан, пахта учун ер ўзлаштиришга ҳеч ким қарши эмас, аммо ер ўзлаштиришни палапартишлик билан олиб борилса — у зарар. Ҳамма нарсага ақл кўзи билан қаралгандай, ер ўзлаштиришга ҳам ақл ишлатиш керак! Ўзлаштириладиган жойлар камми?..

Расулжон хайрлашиб кетгандан кейин ҳам унинг талқинини ҳар ким ўзича изоҳлаб, узоқ баҳслашиб ўтиришди. Расулжоннинг гаплари Ҳайдар Ғуломовичга асло ёқмади. «Бунақа шарттаки гапларнинг ўзининг бошингга етмаса гўрғайди», деб қўйди ичида. Иззат Мардонович учун Расулжон ўзига ҳаддан ортиқ бино қўйиб юборгандай туюлди. «Майли, ҳали хомсан, пишарсан, бу дамингдан туншарсан!» дея у ҳам иягини силаб қўйди.

Ў н б и р и н ч и б о б

Расулжон эрталаб уйқудан кеч турди. Ишга ҳам кечроқ қолиб келди. Уни райкомдан икки марта йўқлаганларини айтишди.

— Тез чиқармишсиз, — деди Зайнабхон ўрнида вақтинчалик ўтирган қиз.

Расулжон кабинет эшигининг тутқичидан ушлаганича туриб қолди, аммо очмади. Аввалига секин-аста одимлаб ортга қайтди-да, йўлакка чиққач илдам юриб кетди. «Яна Чоркапа масаласи қўзғалиб қолгандир», дея хулоса чиқарди йўл-йўлакай.

Барча баробар дала ишига шўнғиб кетгани учун Чоркападан йигирмата хонадонни кўчириш ҳақидаги гаплар бир оз тинчиб турган эди. Ҳамманинг фикри-зикри пахта йиғим-терими билан банд. Акаси Қобилжон Қомилевич ҳам хархаша кўтармай қолган. Акбарнинг лойиҳасини мунозарага қўйиш масаласи ҳам сурилиб кетди. Шундай долзарб кунларда одамларни асосий ишдан чалғитиш мумкин эмас.

Саркотиб кабинетида жамоат жам экан. Узун стол бошида тик гавдали, сочлари тўкила бошлаган, дўнг пешонали, эллик беш ёшлардаги Собир Ниёзовичнинг ўзи ўтирарди. Унинг соқоли олиниб, силлиқлашган ияклари йилтилар, сарғиш юзи, юпқа лаблари пинҳона илжаяр, негадир кифтлари учиб-учиб қўярди. Қуюқ қора қошлари остидаги катта кўзлари эса мўғамбирона боқарди.

Унинг чап томонини ижроком раиси Шерали Назарович, рўпарасидаги курсини Хайдар Ғуломович эгаллаган, Тоҳир Пўлатовичга қарама-қарши Иззат Мардонович, столнинг энг охирида Акбар ўтирар эди. Унинг боши эгилган, кўзойнаги нақ бурнининг учгинасида илиниб, тушай-тушай деб турибди.

Афтидан Расулжон кирмасдан бурунроқ қандайдир баҳс бошланган уни ҳал қилишда ҳали бирон битимга келолмай бошлари қотаётган эди. Буни бир ёқлик қилиш Расулжонга қараб қолган. Шунинг учун унинг кириб келиши билан калаванинг учи топилгандай жонланиш пайдо бўлди.

— Марҳамат қилинг, Расулжон Комилович,— деди саркотиб ижроком раисининг ўринбосари кеч қолганидан норози оҳангда.

Расулжон Акбарнинг ёнига ўтирди. Бир нафас жимлик чўкди. Саркотибнинг индай қолишини кутиб, бошқалар оғиз очишни эп кўришмасди. Собир Ниёзович эса кириб келувчига синчковлик билан тикилганча стол четини черта бошлади. Расулжон ҳаммага бирма-бир кўз югуртириб, салом бериб чиқди.

— Бугунги газетани ўқидингизми?— сўради ниҳоят саркотиб. Расулжон жавоб беришга улгурмай, ёнидаги икки саҳифаси очиқ область газетасини узатди унга.

Узун столнинг иккала ёнини эгаллаганларнинг ҳаммаси Расулжон томонга қаради. Учинчи саҳифанинг бошроғидаги унча катта бўлмаган мақолани ўқиб бўлганга қадар сабр-тоқат билан кузатишда давом этишди. Ниҳоят Расулжон газетани қайтарди. Саркотиб унинг қўлидан газетани ола туриб, қизарган қовоқларини каттароқ очди.

— Айтадиган гапингиз йўқми?— деди таажжубланган вазиятини бузмай.

Расулжон ҳеч иккиланмай:

— Нима дердим, ҳаммаси тўғри,— деди.

Иззат Мардоновичнинг энсаси қотди. Ўтирган ерида безовта қўзғалиб, ғалати нидо билан пишқириб ҳам қўйди. Шерали Назарович ҳаяжонланди. Хайдар Ғуломович сапчиб оёққа турди. Фақат Тоҳир Пўлатович билан Акбардагина ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

— Менимча, Расулжон Комилович мақоланинг моҳиятига яхши тушунмади чоғи.

— Йўғ-е, жуда қойил ёзилган, Собир Ниёзович, нимага ундай дейсиз, тушуниб бўлмайдиган мураккаб жойи йўқ-ку?

— Демак, сиз тўғри ёзилган деб санайсизми?

— Ҳа, шундай.

Хайдар Ғуломович тутақиб кетди:

— Мен нотўғри ёзилган деб санайман!

— Мен ҳам!— уни қўллаб юборди Иззат Мардонович.

— Сиз-чи, Шерали Назарович?

Ижроком раиси елка қисди.

— Менинг битта нарсага ақлим етмай турибди,— қувлик билан жавоб қилди у,— газета мухбири материални кимдан ола қолдийкин? Бунчалик батафсил ахборот берган ким бўлди?

— Буниси маълум!— дея асабий бир ҳолатда Собир Ниёзович газетани олдида нари суриб ташлади.— Бунақа иш фақат лойиҳа авторининг қўлидан келади. Уз-ўзини бозорга солиш бу!

Акбар кўзойнагини тўғрилаб олди.

— Кечирасиз, Собир Ниёзович, бугун, шу бугун, шу соатда биринчи кўриб туришим...

Расулжон унинг сўзини бўлди:

— Акбар тўғри айтяпти. Хабар ийўқлиги рост. Чунки газетага материални мен берганман.

Ҳақиқатан ҳам бундан икки ҳафтача бурун Заркўрғонга келган газета муҳбири Чоркапа тақдири билан қизиққан, Расулжон эса бу ҳақда нималарни ўйлаб, режалаб юрган бўлса, ҳаммасини гапириб берган, Акбар чизган лойиҳанинг афзалликларини батафсил ҳикоя қилган эди. Қишлоқ истиқболи учун жуда аҳамиятли туюлган бу мулоҳазалар муҳбирга ёқиб тушган ва ана шу таассуротини газетада чоп этдирган эди.

— Нима қилиб қўйганингизни биласизми? — пўписа аралаш гап қотди Собир Ниёзович. — Бошимизни ғалва гирдобига тикиб қўясиз-ку? Бугун область газетасида чиққан бўлса, эртага республика матбуотидагилар қизиқиб қолишади бунга. Уларга нима деб жавоб қиламиз? Кечирасизлар, янглишув содир бўлибди, деймизми?

— Унақа демаймиз, Собир Ниёзович, тўғрисини айтамыз. Сарқотиб қийғир қараш қилди.

— Тушунмадим. Нимани тўғрисини айтасиз, йўқ нарсаними?

— Бор нарсани, Собир Ниёзович. Тўғри, у ҳали қоғозда, аммо эртаниндин амалга ошиши муқаррар!

— Амалга ошишига ишонасизми? Ахир Чоркапа масаласи ҳал қилинган-ку? Лойиҳага келганда... У ҳали муҳокама қилинмаган, тасдиқдан ҳам ўтмаган, чала муаммо-ку?

Расулжон кўлди. Икки қўлини ёйиб, ажабланаётганини изҳор қилди:

— Кимга муаммо, кимга ҳақиқат, Собир Ниёзович. Мен уни амалга оширса бўладиган дастур ҳисоблайман. Ҳақ гапни айтдингиз, уни жамоатчилик фикрига ҳавола қилганимизча йўқ. Бунга ўзинглар имкон бермаяпсизлар...

— Ким имкон бермади, менми?

— Йўқ, мен! — деди Шерали Назарович, боядан бери қоғоздан қор ёғиб ўтирган вазиятини бузмай. — Ҳамманинг ташвиши бошидан ошиб-тошиб ётибди ҳозир. Ҳар бир тадбирнинг вақти-соати бор, дедим.

— Мен ҳеч нарсага тушунмаянман, — орага Тоҳир Пўлатович суқилди, — шунчалик мунозарага қўйса арзийдиган тайёр нарсами?

Шерали Назарович шахд билан бошини кўтариб, унга тик қаради.

— Арзийдигина эмас, зарур нарса! Йигирма йиллик хизмат фаолиятим даврида турли лойиҳалар билан танишавериб, даққи бўлиб кетганман. Уша кўрганларим ичида энг дурусти шу. Аввалига мен бунга шунчаки аҳамиятсиз нарсадай қарагандим. Буни тан оламан. Кейин, Расулжон Комилович айтгач, қайта кўриб чиқдим. Ростини айтсам, фикри-ёдимини ўзига боғлаб олди. Қанийди амалга ошса, дейман. Буни бошқалар илиб кетмасдан ўзимизда тажрибадан ўтказсак, дейман. Бордию тажрибадан ўтказсак, қаерда ўтказишимизни ўйлайман. Охири бир хулосага келдим: лойиҳачи Чоркапани танлаб тўғри қилган. Ҳа, Чоркападагина амалга ошириш мумкин. Ўзингиз биласиз, Чоркапа масаласида ҳали-ҳозиргача ҳам бир тўхтама келганимизча йўқ-ку? Ҳамон иккиланиб юрибмиз. Мен шундай деб ўйлайман. Баъзан шошма-шошарликка берилиш ёки юқоридан берилган буйруқлар тазйиқида ҳукм чиқаришга устамиз. Шундай қилиб қўямиз-да, кейин йўл қўйган хатоимизни тузатолмай, аламини ичимизга ютиб юрамиз. Сўлимбек борасида шундай хатога йўл қўйганимиз кўзимизни очмадим? Чоркапа бошига ҳам шундай савдо тушишининг олдини олганимиз маъқул. Буни ҳайфсан олганим учун эмас, балки виждоним олдида, жамоатчилик олдидаги масъулиятимни сал бўлмаса унутиб қўяётганимни тан олганимдан айтяпман. Келгуси авлод олдида Чоркапа учун ҳаммамиз жавобгармиз. Буни унутиш ярамайди, азизлар. Шунинг учун Чоркапа масаласида бир тўхтама келмаганмиз, деб ҳисоблашингизни сўрайман. Ҳали бу мунозара давом этади...

— Ундан ташқари, — унинг сўзини давом эттирди Расулжон, —

лойиҳани рўёбга чиқаришдан мақсад биргина Чоркапанигина қайта тиклаш эмас, балки жуда кўп қишлоқларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, ғамини ейишдир. Беплан, белойиҳа, яккам-дуккам уй-жой қураверишларга барҳам беришдир. Узимиздаги бир эмас, бир неча қишлоқларнинг ҳалигача мукамал бош плани йўқ.

— Нима, барча қишлоқларни бир қолипга солиш ниятингиз борми?

Иззат Мардоновичнинг бу саволига Шерали Назарович жавоб қилди:

— Агар Акбар Қодировичнинг лойиҳаси қолип деб саналса, у яхши қолип бўлади. Мен шундай деб ўйлайман, азизлар!

Акбар яна қаттиқроқ дакки эшитиб қолмасам гўргайди, кечагина хизматга қайтиб келган одамман, дегандай боядан бери нафас чиқаришдан чўчиб ўтирарди. Ижроком раисининг гапларидан кейин бошини кўтариб, қаддини тиклаб олди. Расулжон томонга назар солиб, бурнини кулгили жийирди.

Расулжон бошлиғининг лойиҳага бунчалик меҳр қўйиб улгурганини билмас, бугунгидай гаплар чиқишини эса мутлақо кутмаган эди. «Ҳа, анойига ўхшамайди раисимиз, — дея ичида яйраб кетди кейин, — лойиҳа ҳақида шунча фикрга эга экану индамай юрганига қаранг-а!»

Саркотиб портсигарини шарақлатиб очди-да, ундан сигарета олиб, оғзига тутди, аммо тутатавермади.

Иззат Мардонович зўраки жилмайди.

— Менга бир нарсани тушунтириб беринг, — деди кейин кўзларини катта-катта очиб, — райижроком Чоркапа борасидаги аввалги қарорини инкор қилмоқчимми?

Шерали Назарович икки муштини стол устига қўйганича, жиддий туриб деди:

— Йўқ, райижроком йўл қўйган хатоларини тузатмоқчи!

Ҳайдар Ғуломович бевосита бошлиғининг муштирага ўйчан тикилиб қолди. Шу мушт орқали унинг кучини чамалаётгандай гўё. «Илгарилари Шерали Назарович райком кабинетига бўладиган баҳсларда бунчалик шахд билан гапиришга ҳад қилолмасди. — деб ўйлади, — анча ўзгариб қолди. Ҳа, Расулжоннинг таъсирида ўзгарди».

Бошқалар саркотибга қарашди. Собир Ниёзович қўлидаги ёндирилмаган сигаретани ўйнатиб жилмаярди.

— Шошманглар, — деди қалин қошларини камон шаклида ёй тортириб, — ҳозирги гап Чоркапа хусусида кетаётгани йўқ. Мана бу масалада, — яна газетани қўлига олиб, силкитди, — лойиҳангиз қай даражада тайёр, тайёрмаслиги ўзинглардан бошқа ҳеч кимга маълум эмас. Лекин шунини унутмаслик керакки, жамоатчилик фикрини қозонмаган, тасдиқдан ўтмаган қоғоздаги нарсалар реал саналавермайди. У фақат идеядир. Идеяни етилар-етилмас элга ёйишга ошиқиш ҳамма вақт ғалабага олиб келавермайди. Унга дарҳол зарба бериб қўйишлари мумкин. Кейин таназулга дучорсизу кулги бўлганингиз қолади. Ҳар гапнинг бирида калакасиз. Ҳайронман, ўзимизнинг аравамизни тортавермай, қаёқдаги бош оғриғи гапларни ортдириб юрмасак, нима қиларкин? Бу нарсани газетада чиқара қолишга мунча шошилмасак?

— Ўз-ўзини мақташлик! — писанда аралаш гап қистирди Иззат Мардонович. — Шунақа тайёр лойиҳа бор экан, деб эртага ҳаммаёқдан хатлар ёғилиб келади. Бизга беринглар, деб илтимослар кўпаяди.

— Хатлар келиши турган гап! — унинг тахминини тасдиқлади саркотиб. — Нималар деб жавоб қиламиз кейин? Таваккал қилмоқчийдик, қоғоздаги нарсалар амалда бутунлай тесқари натижа бериб қолиши мумкинлигини ўйлаб кўрмабмиз, деймизми?

Расулжон жўшиб келаётган аламини аранг тийиб, ўжарлик билан бошини ён томонга бурди.

— Кечирасиз, Собир Ниёзович, лойиҳа истиқболга ишончимиз комил, унинг амалда тесқари натижа бермаслигига аминмиз.

- Кафиллик ҳам бера оласизми?
- Зарур бўлса, кафиллик ҳам берамиз!

Қатъий ишонч билан айтилган бу сўзлар Шерали Назаровичу Тоҳир Пўлатовичга ҳам жуда ёқди. Акбар оғзига кафтини қўйиб томоқ қириб олди.

- Сиз-чи, Акбар Қодирович?

Акбар хаёли паришон одамдай бармоқлари билан иягини силаётган эди, Собир Ниёзовичнинг тасодифий саволидан кейин ўрнидан салчи туриб кетди. Кўзойнагини бурни устига кўтариб қўйди.

— Мен гапимда қаттиқ тураман... Лойиҳанинг мукамаллигига ишонаман!

— Камтарликни қаранг-а, — кулди саркотиб. — Бунақа дейишдан олдин айтадиган гапни тоза ўйлаб, пишитиб олиш керак, Акбар Қодирович. Чунки ўзимизга ҳаддан зиёд ишониб кетсак... Шартта гапириб қўйиб, зиммамизга қандай масъулият юклаётганимизни сезмай қоламиз баъзид.

Иззат Мардонович бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳамма ўзиникини маъқул санашга ўрганган бизда, — деди у куюниб ва лабларини алам билан қаттиқ қисди. — Бугун лойиҳа авторигаям, ижроком ходимларигаям катта гапириш осон. Оқибати танг келса, биринчи галда райкомни айблайдилар. Аравани от тортади-да, ахир!

Расулжон ранжигансимон бош чайқади-да, ўзини тутиб туролмади.

— Бу мулоҳазангизга қўшилолмасам, кечиринг, Иззат Мардонович, бизлар отлар эмасмиз, коммунистлармиз! Районимиз юкини баробар тортамыз! Битта устун ҳеч қачон бутун бир иморатни кўтариб туролмайди. Бургут ҳам ёлғиз қанот билан учолмаслиги аниқ, шуни билиб қўйинг!

Расулжоннинг юзи бир зумда бўртиб, тарам-тарам қизил доғлар чизиқ тортди. Иззат Мардонович жўяли гапирмаганини ўзи ҳам сезиб қолиб, хиёл бўзарди. Бошқалар мийиқларида кулиб қўйишди. Расулжон ҳамон қизишиб борарди. Буни кўрган Собир Ниёзович вазиятни юмшатишга киришди:

— Ошиқманглар. Қизишманг, Расулжон Комилович, менимча, суҳбатимизни ўзингизга оғир оляпсиз. Келинглар, шундай келишайлик: лойиҳа материаллари билан мен ҳам танишиб чиқай. Кейин бирон фикрга келармиз, розимисизлар?

Йўлакка чиқишгач, Акбар дўстининг елкасига қоқди.

— Хонасини топиб, гапга пархиш бердинг тоза, оғайни, мала-дессан!

Расулжон елкасини силтаб, тортиб олди.

— Ўзинг-чи? Оғзингга талқон солгандай нафас чиқарай демардингку! Катагингда керилиб, донга тўймаган хўроздай кекиртагингни чўзишга устасан!

— Ола... — бегараз кулди Акбар, — текиннинг миннати кўп, дегандай, қайта ишига тикладим, деб юриш-туришимдан иллат топаверасанми энди?

Ў Н И К К И Н Ч И Б О Б

Расулжон барибир ким ҳақ, ким ноҳақлиги аён бўлишига ишонарди. Шунинг учун бугунги гаплардан ранжимади ҳам, хавотирга ҳам тушмади. Фақат Акбаргина изтиробли, ўзидан-ўзи пешонасидан тер чиқиб, безгак тутгандай қалт-қалт титрар эди. Туни билан кўз юммади. Эрталаб рангига қараб бўлмайдиган даражада сарғайиб кетибди. Қутилмаганда қорни ҳам оғриб қолди, бадани қизиб, иситмаси кўтарилди. Рухсора доктор чақиртирган эди, у, зардаси

қайнар экан, ўтиб кетади, деб қандайдир тахир суюқ дори бериб, жўнаб қолди.

Акбар ишга келиб, Расулжоннинг олдига кирганда, дўсти уни кўриб кўрқиб кетди.

— Сихатинг жойидами ўзи, намунча рангингда ранг қолмабди?

— Хаммаси асабдан, оғайни, кечаси билан мижжа қоқмадим.

Ичим оғриб чиқди.

— Врачга кўриндингми?

Акбар қўл силтади.

— Сандан илтимос, оғайни, шу бугунга белгиланган мунозарани тўхтатайлик... Барибир оғзимдан бир гап чиқиши қийин, шарманда бўламан. — У кўрсаткич бармоғи билан чаккасига тўқ-тўқ уриб қўйди, — мана бу қутичада ҳеч вақо йўқ. Довдирга ўхшаб, эсанкираб қолганман.

Расулжон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Қойил-е, ҳолимга маймунлар йиғлайдиган даражага тушганман, дегин? Шу юрак билан бош кўтариб юрибсанми? Ҳали йиғинда зарбага учрасанг, қуённинг иини ижарага оласанми?

— Қўй, шу даҳмазамиз рўёбга чиқмаса чиқмас... Кўпчилик ичида гапимни эплаб гапиролмайдиганга ўхшайман. Уялиб қолсам, бошимни кўтаролмай юраман кейин.

— Бунчалик журъатсизсан деб ўйламасдим. Узингни қўлга ол, ландовур! Уйингда тилинг бир қарич. Бировга танбеҳ беришга суягинг йўқ. Фикрингга зид келганни таъзирини беришга устасан. Майдонга чик, деса, аҳволинг танг. Суф-е, сендақа арбобга!

— Расул, оғайни, тушунсанг-чи...

— Қўй-е, — зарда билан терс ўгирилиб олди Расулжон, — бир пулга қиммат гапларинг. Ҳеч қанақа иккиланиш бўлиши мумкин эмас. Лойиҳангнинг тафсилотини ўзингдан бошқа яхшироқ биладиган йўқ-ку, ўзинг тушунтиришинг керак, тамом! Шу кунга етгунча кам кутдикми?

Акбар турган ерида шилқ этиб ўтириб қолди.

Лойиҳа муҳокамаси роппа-роса соат учга мўлжалланган эди. Ун дақиқа кам учда ҳам залда одам шарпаси кўринмади. Райондаги қурилиш соҳасида илми бор мутахассислардан ташқари хўжалик раҳбарлари ҳам таклиф қилинган эди. Беш минут қолганда ОКС ходимларидан уч киши келиб, залнинг охириг қаторидан ўрин эгаллаб ўтиришди. Уларнинг қовоқлари осилган, афтидан бемаврид чақирилганликлари учун бари нохуш эди.

Расулжон залга қарадию руҳи тушди. Бугунги тадбирни қолдиришга тўғри келади шекилли, деб ўйлади ичида. Акбар худди шуни истарди. Қандай бўлмасин, йиғин қолдирилса, бас. Шунга қарамай, саҳнани серҳафсалалик билан безатиб юборди. Улар чизма қоғозларидан кўра кўпроқ ҳақиқий рассом ишлаган чиройли биоларнинг тасвирлари, ажойиб манзараларни эслатувчи суратларга ўхшаб кетарди.

Ижроком биносининг қайси бир хонасидан роппа-роса учга занг урилгани эшитилди. Саркотиб бошлиқ бир неча райком ходимлари залга йўл олишди. Худди шу маҳал кўча томондан ҳам гурра-гурра бўлиб одамлар кириб кела бошлади. Ижроком жойлашган қаватнинг кабинетлари ҳам бўшаб қолди. Акбар Қодиров деганлари, қани, қанақа ҳунар кўрсатаркин, дегандай бирин-кетин кириб, залнинг у ер-бу еридан ўрин олиб ўтиришди. Қутилмаганда зал одамлар билан тўлди. Говур-гувур тугаб, барчанинг кўзи саҳнадаги ранг-баранг бўёқлар билан ишланган турли шаклларга, саҳна ўртасида ийманибгина, бошини кўтаришга ҳам ҳад қилолмай турган Акбарнинг қиёфасига тушди.

Йиғилганлар бир неча дақиқа чинакам маҳорат эгасининг кашфиётига тикилиб, маҳлиё бўлиб қолгандай жимгина ўтирдилар, ногаҳон қарсак уриб юбордилар.

Акбар аста бошини кўтарди. Унинг назари энг олдинги қаторда саркотиб билан ёнма-ён ўтирган Расулжонга тушди. У ҳам Акбардан кам ташвишланмаётгани сезилиб турар, аммо юзида кундай ёрқинлик акс этар эди. Ана шу ёрқинлик таъсирида Акбар ҳам хиёл жилмайди. Андак руҳи ёришди. Расулжон «бўш келма» деган ишора билан кўз қисиб қўйди.

Собир Ниёзович лойиҳа материалларини олгандан кейин астойдил уни ўрганишга киришди. Бироқ бу ҳам осон иш эмас экан. Биринчидан, бу машғулот учун махсус ажратилган вақти етмади, иккинчидан мукамалроқ маълумотга эга бўлиши учун малакаси камлик қилиб қолди. Аммо қизиқтириб қўйгани рост. Аллақандай оҳангжамалари билан боғлаб олди ўзига. Шунинг учун лойиҳанинг муҳокамага қўйилишини тезлаштирди. Шунча уриниб, ечолмаган жумбоқларини муаллифнинг ёрдами билан барча қатори тагига етишга ошиқди.

Акбар қўлида таёқчаси билан лойиҳанинг ҳар қисми устида алоҳида-алоҳида тўхталар, ҳаммадан кўра кўпроқ Собир Ниёзовичнинг ўзи бутун диққатини бериб тинглар эди. У аввалига гапида тутилиб-тутилиб қолаётган бўлса ҳам аста-секин ўзини қўлга ола бошлади. Залда одамлар тўлиб ўтирганини ҳам унутди. Оқар сувдай раvon ва жарангли овозда сўзлай бошлади. Қалби орзу ва ишончга тўлди, кўзлари эса чақнаб турарди. Аҳён-аҳён залга нигоҳ ташлаб, хаёлга берилган ёки уни лоқайдлик билан тинглаб, мўғамбирона илжайиб ўтирганларни ҳам назардан қочирмасди. Уларнинг бари мана шу катта аҳамият касб этадиган масаланинг муҳимлигига яхшироқ тушуниб етармикинлар? Шу тарқоқ фактлардан иборатдай кўринган тавсифлари билан улар қалбида сал бўлса ҳам қизиқиш, эътибор уйғота олармикин? Шулар ҳақида ҳам фикр юритарди у.

— Асосий вазифа шуки, янги типдаги қишлоғимиз ниҳоятда кўркам, бинолари чиройли, яшаш учун ҳар томонлама қулай бўлишини таъминлашимиз керак. Энг муҳими арзон тушишини, тез ва осон қурилишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир! — дея хулоса қилди Акбар.

Залдан анча вақтгача садо чиқмади. Пашша учса эшитгудай. Акбар гапини тугатди-ю, ўтиришини ҳам, тик тураверишини ҳам билмай, Расулжонга қаради. Расулжон кутилмаганда ўрнидан туриб, залга мурожаат қилди:

— Қалай, ёқдимиз ё унчаликмасми? — деди у мийиғида айёрона кулиб.

— Чаккимасга ўхшайди... — деб қўйди кимдир.

— Саволлар борми?

— Менда бор, — қаддини аранг кўтариб ўрнидан турди «Янги-обод» колхозининг бухгалтери Юсупали ака, — мана, сиз булар арзонга тушиши керак, дедингиз, қанақасига... нималарни кўзда тутиб гапираётганингизни билсак бўладими?

— Бажонидил жавоб бераман, — деди Акбар кўзойнагини тўғри-лаб, негадир тавозе билан хиёл эгилиб ҳам қўйди. — Иморатнинг арзон тушиши қурилиш материалларига боғлиқ, албатта. Материал қанча арзон бўлса, иморат ҳам шунга қараб кам харажат талаб қилади. Бизда бунга имкон бор. Чунки синчли уйлар қурмоқчимиз. Синчли уйлар учун материал ўзимиздан чиқади. Хабарингиз бўлса Сўлимбек атрофи теракзор эди. Қишлоқ бўзилиб кетди, аммо тераклар ўрни-ўрнида. Гурунктепа атрофи ҳам зич теракзордан иборат. Кимсасиз жойда теракдан фойда йўқ. Буларни кессак, текин тахта-ёғочларга эга бўламиз. Гурунктепа қирлигида ганч қазилмаси мавжуд. Иморат учун ганч бебаҳо ашё. Норин дарёсининг қуми ҳам жонимизга аро кириши мумкин. Фақат цемент масаласида камчил жойимиз бор, холос. Бунинг ҳам эвини қиламиз. Цементни ганчга алмаштириб келамиз... Ана шуларни кўзда тутиб гапиряпман. Жавобим қоникарлими?

— Уйлар синчли қуриладими?

— Синчли қурилади. Синчли уйнинг афзалликлари ота-боболаримиз замонидан маълум: қаттиқ ер силкинишларига ҳам бардошли. Саккиз-тўққиз балли ер қимирлашларда кифт қоқиб қўя қолади. Камдан-кам ҳолда зарар кўради. Узи ёғоч билан оддий гуваладан қад тиклайди. Унинг ташига цемент сувоқ бериб, оқланса, ичини ганч сувоқ билан безалса, ҳуснда ҳар қандай гиштин уйлардан қолишмайди. Бундан ташқари, печкадан таралган иссиқлик синч девор оралаб юриб, қаҳратон совуқ кунлари ҳам бутун уйни бир хилда ҳарорат билан таъминлайди. Демак, қишда иссиқ, ёзда салқинлик касб этади. Бу — жоннинг ҳузуримасми?

— Жоннинг ҳузури бўлса бордиру, — деди кимдир залдан гап ташлаб, — аммо битта камчил жойи чиқиб қоларкан-да. Анаву кўрсатган суратингизга қараганда, ҳовлиларнинг деворлари илматешик бўладиганга ўхшайди, нима бало, ғалвирри ичида ўтирамизми?

Енгил кулги ўрмалади.

— Қанақасига ғалвир?.. — соддалик билан жавоб қилди Акбар. — Бу — безакли девор. Ичи ғовак, соз тупроқли бетондевор. Ҳар хил шакл билан безак берилган.

— Ана шу безаги ёқмай турибди-да, — деди яна ҳалиги овоз. — Бизга ўзимизнинг зайпана деворларимиз дуруст эди. Сизларнинг бунақа жимжимадор, олифта деворларингиздан наф камроқ. Нимага десангиз, ҳовлида бир нима иш қилсанг, кўча томондан манаман деб кўриниб тураркан. Хотининг билан мириқиб уришолмасанг. Жуда очиқ экан, ўтган-кетганга текин томоша-ку? Йўқ, оғайнилар, эсинг борида этагингни ёп, деганлар. Бунинг олдини олмасангиз бўлмайди. Вақт-бемаҳал сирингни элга ёйиб, ўсал қиладиган шарманда деворнинг боридан йўғи яхши. Ҳа, бунақаси кетмайди бизга!

Бутун зал хахолаб юборди.

— Қачон бошлайсизлар бу ишларни? — залдан савол тушди яна.

— Қайси қишлоқдан бошланади? — сўради бошқа овоз.

Акбарнинг ўрнига Расулжон жавоб қилди:

— Лойиха сизларга ёқдими, шундан гапиринг, агар ёққан бўлса, истаган қишлоқингиздан бошлайверамиз. Лекин дастлабки ишни тажриба тариқасида Чоркападан бошлаш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

— Йўқ, акаси жонидан! — орқароқ қаторда ўтирган Қобил Комилович унга зарба беришга ошиқди бирдан, — Чоркапага тил теккизмаслигингни маслаҳат бераман. Бунга йўл қўймайман!

— Майли, бу тўғрида кейин гаплашамиз, — муросага келган бўлди Расулжон.

Шу кунги муҳокама жуда қизгин ва кутилган даражада ўтишига қарамай, на бирон протокол тузилди, на бирон қарор қабул қилинди. Энг муҳими — жамоатчилик ўртасида лойихага нисбатан хайрихоҳлик уйғотилди. Расулжонга ҳам, Акбарга ҳам ҳозирча шунинг ўзи кифоа эди.

У н ч и н ч и б о б

Иссиқ тоб ташлади. Ҳар замонда уфқнинг ғарбида тўс-тўполон бошланиб қолади. Бу бесаранжомлик ер сатҳига ҳам яқин келиб, булутли осмон чиннидай тиниқ дераза ойналарида, бир маромда оқаётган дарё сатҳида жимирлаб, акс эта бошлайди. Қаердадир, жуда олисда момақалди роқ қалдирайди.

Табиатнинг бунчалик тез ўзгариши деҳқонларни шошириб қўйган. Очиқ келган ҳар куннинг дақиқасидан унумли фойдаланиб қолишга ошиқадилар. Соат сайин суръатни ошириш керак. Акс ҳолда чигитни киприкда йўрғақлаб, ҳосилини кўз-кўз қилгунга қадар сарф бўлган деҳқон меҳнати хавф остида қолиши муқаррар. Шунинг учун деҳқонда яшовчи борки, бари теримчига айланган, каттаю кичик ёгат оралайди. Қаёққа қараманг, уюм-уюм, хирмон-хирмон пахта. Пайкал бошидан, катта йўлларда пахта карвонлари булутлардай кўчиб юради.

Ободончилигу қурилиш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетди. Жавҳар бошлиқ бир гуруҳ одамлар ҳам тонг билан далага гурр этиб чиқар, шом қоронғисидагина уй-уйларига қайтишарди. Жавҳарнинг ўзи эса даладан қайтарди-ю, ниҳоятда ҳориб-чарчаганлигидан овқат ейишга ҳам ҳоли келмай, каравотига таппа ташларди-да, кўзи илинарди.

Бугун ҳам даладан қайтиб, эндигина ечиниб, апил-тапил ювиниб олишни ўйлаб турганди ҳамки, дарвоза тақиллади. Уни Жавҳарнинг ўзи бориб очди. Кайфи тароқ, авзойи бир аҳволда Марат кўринди.

— Икки ми... икки минутга вақтинги оламан, — деди у. — Уйингга қўясанми? Кейин қорамниям кўрсатмайман сенга!

У қандайдир нохуш хабар олиб келгандай туюлди. Жавҳарнинг кўнгли ғаш тортди.

Улар айвонга, курси теварагига солинган кўрпачага чўзилишди. Жавҳарнинг синглиси чой дамлаб келди.

Маратнинг юзи алам ва кайфдан мис рангга кириб, бўғриқиб кетган эди.

— Қаёқда ота қолдинг? — сўради Жавҳар унинг сарғиш ва инидан бошини чиқариб турган сичқонниқидай аланг-жалаңг боққан кўзларига қараб, — тоза симирибсанми?

— Ресторандайдим, — деди у бурнини тортиб, шу заҳоти афти бужмайиб, мункиллаган чолнинг башарасига ўхшаб кетди. — Чўнтагимдаги ярми пулим тагига турна экиб келяпман. Узинг қалайсан? Зарбдорликка аҳди-паймон қиялпсан шекил? Бунақада сал ўтмай кўзга кўриниб, герой бўп кетасан. Кўксингга юлдуз илиб олганингдан кейин биздай жабрдийдаларни унутмайсанми? Ҳарқалай азалдан иноқлигимиз унча бўлмасаям, онда-сонда отамлашиб, юзта-юзта отиб турардик.

Жавҳар унинг гапларидан ранжимади. «Кайфи бор одам билан гап таллашиш ақлдан эмас, ичмаганда, билиб жавоб қиларди-я. Майли, гапираверсин. Ишдан кетиб, аламини кимдан олишини билмай юрган одамда», деб ўйлади.

Кейинги пайтлар улар бир-бирларини ёқтирмай қолишди. Аммо ҳар ким ўз муносабатини усталик билан ўзича яшириб юрарди.

— Унчаликмас, — ниҳоятда босиқ жавоб қилди Жавҳар, — ҳозир пахта теряпмиз.

— Ҳозирча пахта, кейин қорхонангнинг донгини оламга ёясан! Мен бўлсам, оғзимдагини олдириб, такасалтангликни ҳунар қилиб юраверай, а, шундайми?

Жавҳар бир оз қизишди.

— Оғзингдан нимани олдиридинг? Биринчидан, сенга, ишла, дейишди, назар-писанд қилмадинг...

— Тавсияси қурилишда бригадирликми? Обориб, экиб қўйсин унақа лутфи карамини. Кеча ОКС бошлиғи, бугун бригадирми?.. Тошини терсин амакиңг!

— Тўғри, баланд охурдан сув ичиб ўрганганга пастдан ем ейиш қийин, — пичинг қилди Жавҳар. — Иккинчидан, ҳаммаёқни булғатиб кетгансан, уни эпақага келтириб, қорхонангнинг донгини таратишнинг ўзи бўларканми?

— Ҳа, мен булғатганимда, сен қараб тургансан. Мен қоқ-қора, сен қордай опшоқсан. Сеники билинмайди. Негаки, бир ёқдан отанг қўллайди, бир ёқдан амакинг. Минг қилсаям ўғилсан, исполкомга жигарсан, султон суягини қачон хўрлаган?

Ўзини «жабрдийда» санаган Маратнинг бадбўй ички дунёси аста-секин юзага чиқаётганини сезган Жавҳар қўланса ҳиддан димоғи бўғилгандай бурнини жийирди-да, силтаб ташлади:

— Писандаларинг жонимга тега бошлади. Бас қиласанми, йўқми? Мен чарчаганман. Дам олишим керак. Аччиқ-чучук гапларингни бошқа кунга қолдир. Бугунча тинч қўй мени.

— Жонингга теккан бўлсам, кетаман. Йўқ, санминан айтишмоқчимасман. Сипоҳнинг боши кўприк бўлсаям, босиб ўтма, деганлар.

Санминан тенглашиб обрў топармидим... Сандақаларга лаганбардорлик қилган ёқади. Манинг қўлимдан унақа ҳунар келмайди, хомтама бўлма. Санларсиз куним ўтиб қолар. Очимдан ўлиб қолганимдаям бошимни ҳам қилмайман!

Жавҳарнинг жаҳли чиқиб, жеркиб ташлади:

— Жўна!

Марат ўлжасидан айрилиб қолаётган йиртқичдай ваҳшиёна тумтайиб, ўшқирди. Кейин рақибига ташланмоқчи бўлаётгандай ўқрайди, шу алпозда қўзғалди.

— Санларни журъатинг ҳайдашга, бировнинг иссиқ, ўрнини совутиб, қувлашга етади. Локин битта нарсани айтиб қўяй, бугунча сувнинг тиниғида, ўтнинг қуюғида юрибсанлар, эртага шохларинг синиб, чурраларинг тушиб қолар, ўшанда шимилдириқ кўрсатаман санларга! Шу гапимни эсда тут, айтиб қўяй: ўша буғдойи қийшиқ амакинг устидан ёзилган яна битта хатга қўл қўйиб келдим ҳозир. Тавбасига таянтириб, думини тугамиз тезда. Маратнинг ўшанда куни туғади. Ҳа, билиб қўй, Маратга ўхшаганлар ўзини кўрсатади ҳали. Сан ҳам оёғи куйган товукдай питирлаб қолмасанг, нима эмиш... Олдинга похол солиб қўймасам, юрган эканман!

Жавҳар унинг гапларига чидолмасдан ирғиб турди-да, ёқасидан ушлади. Уйнинг ичида уларнинг овозини эшитиб ётган бемор онаси билан сингисининг эҳсонаси чиқиб кетди. Икковлари нималардир деб бақирди. Аммо булар бировнинг овозини эшитар ҳолатда эмас эдилар.

— Сени ичинг қанақалигини билардим,— деди Жавҳар унинг ёқасидан қўйиб юбормай, дарвоза томонга судрар экан,— сочингнинг толасидан тирноғинггача аблаҳлигингни билмас эканман. Йўқол, ит эмган!

Жавҳар ўзида шунчалик куч пайдо бўлганини сезмай, Маратни бир қўлида диққат билан дарвоза томонга олиб борди-да, кўчага улоқтирди. Марат ҳам бўш келмади. Бор кучи билан дарвозага ёпишди. Рақибини доғлашда давом этди:

— Мани айтди дерсан, ҳамманг тавба-тазарру қилсан ҳали! Мандақанинг ювиндихўрига айланасан! Даданг анави манжалақининг оёғини қанақа ялаётган бўлса, ўзинг ҳам мандақаларнинг чуррасини...

— Йўқол!— Жавҳар унинг ортидан қувлаб етолмади. Анча жойгача югуриб борди-да, кейин тинкаси қуриган одамдай бўшашганича секин-секин ортига қайтди. Маратнинг сўнгги сўзлари унга қаттиқ таъсир қилиб, лаби лабига тегмай титрар, аъзойи бадани безгак тутгандай қақшар эди. У яна келган томонига қайтди. Уйқусираб, тусмол билан қадам босганча деярли гандираклаб борарди. Қаёққа йўл олётганини ўзи ҳам билмас, кўз олдидаги нарсалар айқаш-уйқаш бўлиб, миясида ғира-шира шарпаларгина ғужғон ўйнади. «Ана у манжалақининг оёғини...» деган сўзлар қулоғи тагида ҳамон такрорланар, бутун вужудини қақшатар эди. Эшитгани тушими, ўнгими? Бу гапни келиб-келиб шундан эшитдимиз? Балки бошқалар ҳам гапириб юргандир. Еки тушимикан бу? Зора туш кўриб, тушида алаҳсираётган бўлса...

У отасини ёмон кўриб кетди, ҳозир учраганда, бор айтадиганини айтарди, бор аламини оларди.

У дарё бўйига борди. Бир нафас ёлғиз қолиб, юраги тин олгунга қадар қирғоқда тентирагиси келди. Қулоғи остида ҳамон Маратнинг сўнгги сўзлари таҳдидли жарангларди. Ҳа, отаси туфайли эшитди бу гапларни. Отаси туфайли онаси гарансиб қолган, ичи тўла дард. Мана, икки-уч йилдирки, ота туфайли камситилади у. Қайси гуноҳи, қайси айби учун?..

Жавҳар соҳил бўйлаб юра-юра Гурунктепа олдидан чиқиб қолди. Қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Тун илиқ, шундоққина қулоғи остида искабтопар винғиллайди. Қаердадир эшак ҳанграйди, ит вовуллайди. Қайси бир дарахт шоҳида қийғирнинг чийиллаши

баралла эшитилади, яна тинади. Шох-шабба қисирлайди. Чап томонда кечаси янада ваҳималироқ бўлиб кўринган Гурунҗтепа адирлиги. Қўрқинчли хилватгоҳлар. Гурунҗтепа этаги дарёга туташиб кетган. Қирғоқ қамишзор. Ундан бойқушнинг ноласи эшитилади.

Дарё шу ерга келганда анча торайиб, шўхчан оқади. Балиқлар кўп бўлади. Ёз пайтлари ёш-яланг қамишзорларда ўтириб, балиқ овлайди, ўрдак тухумларини ййғади. Шу атрофда ҳаваскор овчилар қурган қамишқапа ҳам бўлиши керак. Унинг ёнида иккита қайиқ тўнтариглиқ. Аммо Жавҳар буларни кўрмасди ҳозир. Қайфияти ниҳоятда бузук, хўрланган волидаси учун юраги ачишиб, кимдан аламини олишни билмай боши қотганди.

Доим ёлғиз қолганида мана шундай нохуш ўйларга ботади. Турмушнинг аччиқ-чучугини дурустроқ татиб улгурмаган йигитни ўзининг, онасининг бошига тушган машмашали воқеалар дам-бадам ҳайратга соларди. Бунга ким айбдор, ким ҳақ, ким ноҳақ — тушунишга уринар, ўйининг охирига етолмасди. Ҳаммадан онасининг қисмати унга тинчлик бермас, қаерга бормасин, кўзида ёш, изтироб чекаётган бир қиёфада ортидан эргашиб юрар, баъзан эса қаршисида узоқ-узоқ туриб қолар эди...

У аста юриб, қамишларни шалдиради, дарёга яқин келди-да, тўнкарилиб ётган қайиқларнинг бирини ағдарди. Қайиқ тагидан эшакларни тортиб олди.

Қайиқни сувга туширди, эшак эшиб, оқимга қарши сузиб, чайқала-чайқала илгарилай бошлади. Сув шовиллайди. Олис юлдузлардан тўкилган совуқ шуълалар дарё қаърига найза янглиғ санчилар, аммо теваракни ёритишга қурби етмас эди. Баланд қоядай қопқорайиб, ғоз турган Гурунҗтепа тунги йўловчини олисдан кузатар, тебрана-тебрана ортга чекинаётгандай туюлар эди. Укки нохуш овоз чиқаради. Қамишлар шалдирайди. Қаёқдандир гумбурлаган овоз эшитилади. Момақалдироқ. Жавҳар шиддат билан эшак эшарди. Қайиқ силкинар, шитоб билан оқаётган сув энди аранг унга бўйсунар, тўлқинлар қайиқ биқинини ялар, рақибига ҳамла қилган илон сингари тиллари билан ништар урар, туртар, яна майин, жилвакор сирпаниб, шилдираб қўяр эди.

Қаршидан қуюқ туман сингари қора парда тортган қирғоқ яқинлаша бошлади. Туман ичида чироқлар жимирлайди. Сершоҳ дарахтлар, кулранг бутазор сингари ғўзалар ғира-шира кўзга ташланиб, бир маромда нафас олиб, нафас чиқараётгандай.

Жавҳар қайиқни яна судраб қирғоққа чиқариб қўйди-да, чироқлар томон илдамлаб кетди. Кўп ўтмай «Чаман нор»га етди.

Дарвоза берк. Жавҳар бир сакрашда панжарадан ошиб, боққа тушди. Кимсасиз йўлқадан анчагина юрди. Шийпонда чироқ ёниқ, аммо ҳеч ким йўқ. У ёқ-бу ёққа аланглаб, одам қорасини кўрмади. Шийпон ёнидаги скамейкага бориб ўтирди. У отаси билан жаңжаллашмоққа астойдил бел боғлаган эди. Бироқ бу ерга етиб келгандан кейин мияси бўм-бўш бўлиб қолди. Ҳозир отаси билан учрашганда нима деб гап бошлайди? Чўрткесар ота унга қулоқ солиб, жим турармиди? Шартта гапини бўлади-ю, олдига солиб ҳайдайди...

Бир неча дақиқа хаёлга чўмди. Қаршидаги бинонинг деразасида чироқ ёнгани диққатини тортди. Оппоқ докапарда орқасида икки кишининг сояси кўринди. Ўзаро гаплашгандаги ғўнғир-ғўнғир овоз ҳам эшитила бошлади.

Жавҳар яқинроқ борди. Дарахтлар ортида туриб, дераза орқали ичкарига мўралади.

— Энди бунақа яшашга чидолмайман...— деди аёл овози, — тўғри хотинингизга бориб ҳаммасини айтаман, вассалом. Орани очиқ қилиш керак.

Эркак ўртаниб гапирди:

— Бунақа қилишингмиан турмушимни бузиб келсан, холос. Яхшиси сабр қилганинг дуруст. Шошилма!

— Қачонгача сабр қиламан, ўлиб бўлдим-ку ахир, — аёл йиғлай бошлади. — Ҳеч раҳм қилмас экансиз-да? Ҳар келганингизда соатингизга тикилаверишингиз жонимга тегди.

— Ношукур банда экансан, ҳар оқшом ёнингда бўлсам, ишдан қўлим бўшади дегунча олдинга югурсам...

— Мени бунақа чакана турмуш қондирмайди. Одамларга ўхшаб, эринг борми деганда, ҳа деб жавоб қилишни истаيمان. Ўғри мушукдай пушиб, қимтиниб, ҳаммадан яшириниб яшашдан тўйдим. Наҳотки, бир-биримизни нуқул булғайверишимиз сизни қондирса?

— Нима қилай, ҳозирок уйимга бориб, орани очиқ қилиб, бутунлай шу жойга кўчиб келайми?

Эркакнинг овозидан ажабланиш ва аламли оҳанг сезиларди. Бу овоз эгасини Жавҳар дарров таниди. Дарахтдан узилиб, деразага яқинроқ борди. Энди шинамгина уй ичи унга яққол кўриниб турарди.

Жувон ички кўйлақда, оёқлари, билаклари яланғоч. Майкачан эркакка энди мендан қочиб қутулолмайсан, деган назар билан тик қараб турибди.

— Ҳа, ҳа, ҳа! — деди у уч марта, — кўчиб келинг, шу ерда мен билан бўлинг. Нимадан қўрқасиз, хотинингизданми? Обруйингизга путур етказишиданми?

— Ҳа, ундан ҳам, бунисидан ҳам қўрқаман, — деярли бақириб гапирди эркак. — Сен нимага тушунардинг. Сен фақат ўзингни ўйлайсан, ўз фароғатингни, ўз тинчингни... Олдинга бутунлай келиб олсам, кейин нималар содир бўлишини тасаввур қиласанми? Биринчидан, яхшими-ёмонми, оилам бор, болаларим бор. Уларни ташлаш... бу хоинликдан баттар, ахир! Иккинчидан, ишим! Ўзимнинг жондан севган ишим. Унга халал етмайди, деб ўйлайсанми? Партия олдида нима деб жавоб қиламан?

Жувон икки бармоғи билан қулоғини беркитиб олиб, бош чайқади.

— Билмайман, билмайман... Ҳеч нимани билишниям истамайман!

У бориб каравотига ўзини таппа ташлади-да, бошини ёстиқ остига яширди. Эркак унга яқинлашиб, каравот четига ўтирди-да, ёстиқни олиб ташлаб, аёлнинг бошини силади, эркалаб, юпатмоққа уринди.

— Сенга нима етишмайди, акаси жонидан? Мунча қисталанг қилавермасанг. Истаган маҳалинг ёнингдаман, истаган нарсанг муҳайё...

— Гап нарсадами? — аёл туриб ўтирди-да, эркаланиш билан эркакнинг пинжига кириб, маҳкам қучоқлаб олди. — Менга сиз кераксиз, бутунлай кераксиз, вассалом. Мен сизни севаман-да, ахир. Сизсиз яшай олмайман. Айбим шу, билдингизми, омонатдай келиб-кетаверишингиз мени қониқтирмайди. Келинг, айланай сиздан, тошбағирлик қилманг, оилангиз билан ажрашинг-да, мен билан туринг. Турмушимиз шундай кечсинки, ҳамманинг ҳаваси келиб, бизни гапириб юрганларнинг ичи куйиб ўлсин...

Эркак ўрнидан шартта туриб, ундан узоқлашди.

— Яна ўша гап! — дея зорланди у. — Қулоғингга танбур чертапманми боядан бери? Оиламдан ажрашим асти мумкин эмас, ўлимимга рози бўлсам бўламанки, ундай қилишга журъат қилолмайман, ҳеч қачон!

Жувон чаққон кийина бошлади.

— Унақа бўлса, мен кетаман!

— Шундай маҳалда қаёққа бормоқчисан?

— Бошим оққан томонга. Кўчада қолиб кетмасман, «Чаман нор» бўлмаса, биронта чаман гўр топилиб қолар.

— Жиннилик қилма, ширингинам, сен қол, мен кетай. Ўзингни босиб, дамингни ол. Эртага гаплашармиз, — дея у ҳам илдам кийинишга тутинди.

— Менинг бугуним ҳам, эртам ҳам йўқ энди. Шунча маҳал чидаб, дамимни чиқармай келдим. Қадримни билмадингиз. Бундан буюк гўсхўрингизни топиб олинг. Шунча майна бўлганим етар!

Эркак ялиниб, юпатишга тушган сари унинг шаддодлиги ошиб, гапни бермай, жанжални авж олдирадди.

Жавҳар деразадан узоқлашди. Йўлакка ўтиб, дарвозагача келди, панжарадан, ошиб, кенг дала этагидан чиқди. Бир кўнгли келган томонига қараб кетаверишга ундаса, бир кўнгли андак кутишга ундарди. Уч-тўрт қадам юрар-юрмас, тўхтади. Ичкари томондан шарпа эшитилганини сезиб, дарров дарвоза тарафга қайтди.

Хонадан кийиниб чиққан Қобил Комилович йўлканинг чап биқинидаги ялангликда турган машинаси томон чаққон юриб келарди.

Кўп ўтмай машина мотори гувиллади. Кейин Қобил Комилович дарвозани очгани келиб, қулфига қалит солган эди ҳамки, қаршисида турган Жавҳарнинг ғира-шира қиёфасига кўзи тушди.

— Ким? — деди у ҳаракатдан тўхтаб, қоронгилик ичига синчиклаб зеҳн соларкан.

Жавҳар бир қадам олдинга силжиди.

— Мен.

— Жавҳар, нима қилиб юрибсан бу ёқда?

— Шундай ўзим, — гаплашгиси келмаётгандай қисқа жавоб килди ўгил.

Қобил Комилович дарвоза қанотларини очди-да, нима қиларини билмаётгандай серрайиб тураверди. Негадир ун чиқмасди.

Жавҳар хаёлида, онамнинг соғлигини сўраса керак, деб ўйлаб яқинроқ келди. Ота яна ҳеч нима демади.

— Уйга борасанми? — деб сўради кейин. — Машинанг борми?

— Йўқ.

— Ўтир меникига.


Ҳозир ёнма-ён ўтирса, ғир этиб онасининг ёнига етиб борарди. Бироқ бирдан ўжарлиги тутди.

— Йўқ, мен пиёда... — деди-да, ҳалигина келган томонга қараб кетаверди.

Тўхта, қаёққа?

Жавҳар жавоб қилмай йўлида давом этди. Анча жойга ҳаллослаб борди. Оёғи секинлашди. Дарёга етар-етмас ўрикзор ичига кирди, катта бир дарахтга суяниб, бошини қуйи эгди. Онасининг сиймоси қайта кўз олдига келиб, юраги туздай ачишди. Унга раҳми келди. Бирдан кўзига ёш қалқди. Узини шўрлик, чорасиз бир ғарибдай ҳис қилди. Бошидан ўтган барча воқеаларни эслади. Ҳозиргина кўрганларини, онасининг тақдирини ўйлади. «Нима бўляпти ўзи? — дея ўзига савол берди. — Вазиятни ўзгартириш учун нима қилиш керак? Қаёққа борсам, кимга арз қилсам? Кимдан кўмак сўрасам? Бунақада бирор маслаҳатгўй топиш ҳам қийин. Боре, деб бир ёққа жўнаб қолсаммикин? Шаҳарга борсам, ўзимга лойиқ бирон иш, ётар-турарга жой топилиб қолар? Аммо онамни бу аҳволда қандай ташлаб кетаман?»

Охири келгуси сонда



Раззоқ Абдурашид

ШУ ОСМОН ТИНЧ БЎЛСА, ТИНИҚ БЎЛСА БАС!

* * *

Эшик қоқиб мағрур ва шоён
Бўсағада тургувчи кимса,
Не мақсадда келдинг, қил баён
Ва ўзингни таништир, кимсан?

Дўстим бўлсанг, эшигим очик,
Ичкари кир, бўл азиз меҳмон.
Рақиб эрсанг, юқорига чиқ,
Икки бор кўп сийлайман инон.

Ҳа, кўрсатиб меҳр-илтифот
Бор кекингни ювишга шайман.
Дўст тутинсин бунга кирган ёт,
Ёмонликни ҳайдаб яшайман.

Қани, айтгил, кўнглингда не бор?
Кел, барчасин тўккил қолдирмай,

Мен ҳам кўнглим дастурхон мисол
Очиб. кўяй шунда олдинга.

Гаплашамиз очик, мардона,
Ҳақиқатга келтирмасдан шак.
Бизнинг ушбу суҳбатга яна
Кўп жиҳатдан боғлиқ келажак.

Юрагиннинг бирор четида
Эзгуликка бўлса иштиёқ,
Бу суҳбатнинг албат кетида
Ёнган бўлар кўнглингда чирок.

Шунақа гап, қилмай тавозе
Барин айтдим, сақламадим сир.
Шундоқ қизғин суҳбатга рози
Бўлсанг қани, ичкарига кир.

От ҳақида ривоят

(Чавандоз ҳикояси)

«Яхши отнинг бир қилиғи бор», дейдилар,
Баҳс айлагим келар ушбу матал билан...
Яхши от деб гоҳ одамлар панд ейдилар,
Эҳтимол бу қирчангидан қолган бир фан.

Бу — от деган ҳикмат эрур бошдан-оёқ,
Яхшиси-ку юрсанг — йўлдош, учсанг — қанот.

Ёмон қилиқ нима қилсин унда, ўрток,
Чавандозни доғ қолдирмас ҳеч яхши от.

Сизга айтсам жониворнинг хислатидан:
Энг аввало, содиқ дўстдир, фидойи жон.
Унинг фаҳми, зийраклиги, фикратидан
Баъзан одам боласи ҳам қолар ҳайрон:

Ёшлигимда чопганман денг, хўп кўпкари,
Қамишқулоқ бир саманим бўлар эди.
Уни эслар чавандознинг, ҳей, кўплари,
У ўртага тушса майдон тўлар эди.

Қушдек енгил кириб бориб эл тўпига
Энг кори ҳол ерга ўзин урар эди,
Йўл бермасди от деганнинг, ҳа, кўпига,
Оёқ тираб қоя мисол турар эди.

Улоқ деган асли ўзи бир талотўп,
Майдон тўлар чоп, ҳа, чоп-у, бос, ҳа, босга...
Чопган кўпу, тортган кўпу йиқилган кўп,
От жонивор-чи, қани бирор касни босса!..

Кўп ибратли яна унинг ирсияти,
Неки савдо солса ҳамки бошга ҳаёт;
Ерга урмас сира-сира ҳамиятни,
Ўз қонини булғамайди ҳеч қачон от.

Бирор ерга ё одамга қўйса меҳр,
Илло, қаттиқ боғланади бу жонивор.
Талай кунлик йўлдан тортган янглиғ сеҳр
Уйин топиб келганини кўрганим бор.

Ёшлик кезим, қирда буғдой ўрар эдим,
Ойлаб қолиб кетар эдик қизғин палла...
Безгак деган бир касалдан кўп панд едим,
Тутган кези эт қақшару қовоқ — калла.

Бир кун йўлга чиқибман денг бетоб алпоз,
Ҳаво иссиқ, безгак яна қилар беҳол.
Бир томондан хумор қилса, қурмағур, нос,
Бир томондан толиқишми, қурир мадор.

Бош айланиб от бўйнига астагина
Суянганим, ётганимни биладан, рост,
Қолганини эслолмайман,
Хаста танам
Кесак бўлиб ҳушдан кетдим шунда паққос.

Кўзни очсам: бир замон денг, уйимдаман,
Ҳайрон бўлдим, ким келтирди, ҳамда қачон?
Айтишдики, кеча оғган палла экан,
Уйку ичра фарқ ётаркан гўё ҳарён.

Шундоққина остонада кишнабди от,
Онам ошқич югурибди эшик томон.
Чиқса отим, депсинармиш нотинч, бот-бот, —
Елкасида ётганмишман, рамақижон...

...Ҳа, раҳматли отам дерди, от боқ, болам,
Агар меҳрин қозонолсанг зўр бўласан.

Уни ниқтаб азоб берма, урма ҳеч ҳам,
От қарғаса шол бўласан, кўр бўласан...

Жониворлар орасида ўрни бўлак,
Нақл борки: «Қўй бўлмагил, от бўл!» деган.
Сидку вафо борасида отдир ўрнак,
Бемехрга от мисоли ёт бўл экан.

Шунақа кўп хосиятли жонивор, от.
Шунча кўриб чопқир, ювош, эркинини,
Учратмадим ҳеч бирида «лекини»ни,
Иноқлашдим бари билан энгилу бот.

Лекини бор деганлари от резгиси,
(Одамнинг ҳам жўн — резгиси бор-ку ахир!)
Бундоқларда йўқдир, ошна, фахр сезгиси
Ва кўнглида товланмайди заррача меҳр.

Мен айтганим, етти пушти чин тулпорлар,
Ҳамияту садоқатда айнимас зот.
Шу заминнинг донғи бўлиб ҳур ўтарлар,
Ҳа, буларни ярашади гар десанг от.

* * *

Бориб эрдим эшигига саҳарким арзи ҳол айлаб,
Умидвор илтифотидан, гуноҳим не, савол айлаб.

Саҳарлаб ул шакарлаб, вох, кулиб офтоб мисол чиқди,
Кулиб офтоб мисол чиқди тану жоним қамал айлаб.

Дилимда шавқ, сурур қайнар, тилим айланмагай сўзга,
Турарман ушбу алпозда шошиб, минг турфа фол айлаб.

Юрак ҳиддат билан ўйнар, гапир дер дилда борингни,
Гапимни тилга олсам, сўз ёқар жонга завол айлаб.

Муҳаббат ушбу ҳолатга мени солмиш, нетай охир
Келибман пойи хокинга жунунликни камол айлаб.

Букилган қад, паришон ҳол, эрур тоқ тоқату бардош,
Кўтар қаддим, аё дилбар, сўзу лабзингни бол айлаб.

Юрай токим танимда жон, сенинг меҳринг қилиб дoston
Ва ё ёққил, ўзинг ҳам ён; фақат қўйма хаёл айлаб.

Юрак тушкур, гапир дейди, тушунмас ҳоли-аҳволим:
Муҳаббатдан урар ким дам бировларга малол айлаб?!

Буюк ҳис-иштиёқ сенга насиб ўлмиш, аё Раззоқ,
Яша, токи ҳаётсан ишқ, вафо расмин амол айлаб.

Осмон боқий


Бошимиз устида соябоқсимон
Мангулик паноҳдир бизга бу осмон.
Кўзни очгандан то юмгунга қадар,
Кўнгил шодмон бўлсин, бўлсин серкадар.

Осмонга учишга ҳавасли, шаймиз,
 Унга руҳан биз талпиниб яшаймиз...
 Ақлимиз олади теранликлари,
 Сирли замзамаси, минг рангликлари.
 Бизга эҳсон эрур тиниқлиги ҳам,
 Тонгдаги насими — илиқлиги ҳам.
 Кундузлар тусига бўлиб маҳлиё,
 Тунлар юлдуздан ичамиз зиё.
 Кўнгилга туташдай бор йироқлари,
 Кўкламги чақмоғи, қалдироқлари...
 Бизни холи қўймас мурувватидан,
 Саховат, шиддати, кудуратидан,
 Ёлғиз қолган кезде, изтиробли дам
 Уша бўлар бизга тиргак ва ҳамдам.
 Бутун кенглиги-ла, сезган биладир,
 Муштдек юрагингга кириб келадир
 Ва бирдан кўксинг этади у тоғ,
 Чекинар тоғ сифат бўлсаям фирик.
 Дунё шундоқ экан: бўронлар ўтар,
 Булутлар, ваҳшатлар, суронлар ўтар.
 Ўтар рутубатлар, гардлар, туманлар,
 Туманлар сингари ўтгай гумонлар.
 Кўк юзин тўсгувчи не ғуборки бор,
 Бари ўтиб кетар, тўхтамас зинҳор.
 Фақат осмон қолар, ложувард осмон,
 Ўлмас ҳақиқатнинг тимсолисимон.
 Бугунги ранжларнинг йўқдир кераги,
 Булутдек тарқайди ранжлар, юрагим.
 Сени тарк этмагай муҳаббат, ҳавас,
 Шу осмон тинч бўлса, тиниқ бўлса бас!

Биринчи невара кўрганлар суҳбатидан

(Ҳазил)

Янги меҳмон туғилдию оилада:
 Бириси бўлди бува,
 Бириси эса буви.
 Иккисин ҳам кўкси баланд,
 Суюнади,
 Бола пайров,
 Гап қилишар уни-буни.
 Чақалоқни тутар буви:
 — Дадажони,
 Соғинганмиш,
 Қўзичоқни оласизми?
 — Ҳа, соғинса бера қолинг, онажони,
 Сиз ўзингиз қўзичоқсиз қоласизми?!
 — Вой қаранг-а, — бола тутиб буви кулар, —
 Бува бўлиш, қани айтинг, қандоқ экан?!
 — Бува бўлиш соз-а, — эри гапни бурар, —
 Тургинг келмай қолар экан буви билан.
 Лекин сенга ром бўлган-ку кўнглим қуши,
 Ўзгаларга оғмас сира ақлу ҳушим.
 Буви бўлсанг ҳам яхшисан, ҳа-да, гап бир,
 Ўнта қизга алмашмасман сени, кампир!



Сотволди Ражабов



Умринг бир куни

Ҳамдамқулов билан кампири бир қарорга келишди: бола боқиб олишади. Ахир мол-дунёга эгаллик қиладиган бирорта одами бўлиши керак-ку.

Кампир даставвал бошини эгиб, хўрсиниб турди.

— Нима, рози эмасмисан, — деди Ҳамдамқулов кампирига ташвишли тикилиб. — Нега индамайсан ахир, гапир! Дитдомга борамизми! Дитдомни болалариниям жа баттарин дейишади...

— Синглим Кароматхоннинг кенжасини олиб келсак-чи, — деди ниҳоят кампир. Унинг кўзлари киртайиб турарди. Бояқиш бола келтириб боқиш ҳақида чолига маслаҳат соляпти-ю, ўзи ич-этини еяпти. Туғиб-туғиб қуруқ қолди, бирорта боласини тирик бағрига босмади. Дарди ичида.

— Кароматнинг кенжаси дегин... — Ҳамдамқулов бир нафас мулоҳаза қилди. «Укам Қобилнинг фарзандлари-чи? Бирмас, нақ ўнта. Укам бояқиш камхарж. Болаларининг айримлари йиллаб оҳорли кийим кийишмайди. Етказа олмайди-да, етказганда-ку. Ўнта бўлса ўрни бошқа дейишади, лекин кампирнинг гапидаям жон бор...» деб ўйлади. — Майли, сен айтганча бўлсин! — деди сўнг.

Кампир синглисига бор гапни айтди. Даставвал Каромат «маъқул» дегандай бош силкиди. Лекин оиланинг кенжаотойини опасига беришга рози эмасди. Қандоқ қилиб берсин. Оиланинг энг суяклизси. Эри ҳам ишдан келибоқ Кенжаботирини сўроқлайди. Уни эркалаб чарчоқни ёзади. Бундан ташқари маҳалла-кўй олдида уят. «Ҳа, Каромат пошша, болаларингизни бақолмай қолдингизми? Унақа экан, нега туғасиз каторлаштириб?» дейишлари мумкин.

Бироқ муштипар опасининг илтижо билан термилиб туриши бу иккиланишларидан устун келди.

— Майли, опа, ҳали битта экан, ўнтасини десангиз ҳам бераман, — деди шошиб. — Лекин куёвингиздан ҳам бир оғиз сўраб қўйсам ёмон бўлмасди. Ҳарҳолда эркак, уйнинг хўжайини...

Гарчи кўнгли чопмаса ҳам, эрига бу ҳақда ган солди.

— Опамни кўнгли учун йўқ деёлмадим. Лекин қараб турасиз, икки-уч кунга қолмаёқ Кенжаботирингиз хархашасига тўяди улар. Нима қилсин, кўнгиллари бола тусаб қолибди.

Эр ҳам «ваъда берган экансан, нима ҳам қилардим» дегандек елка қисди.

Бола хувиллаган ҳовлига нур олиб келди. Еқимтой, дўмбоққина!

Ҳамдамқулов яйради, у болани тез-тез бағрига босар экан, унинг сочидан келаётган, фақат болаларгагина хос ҳидни ҳис қилиб, вужуди титради, юраги орзикади. Болани нега аввалроқ олиб келмаганидан, калласида бу фикр нега барвақтроқ пайдо бўлмаганидан афсусланди.

Кенжаботир кенг ҳовли саҳнида худди капалакка ўхшаб дам уёққа, дам буёққа чопади, тиним билмайди. Ҳамдамқулов боланинг ҳаракатларини кузатар экан, кексаларини, юрак ўйноғини ҳам паққос унутади. Акашакдай узун қўлларини ёнига шاپиллатиб уриб, унинг ортидан «қувалайди». Бола қочади, у қувалайди. Етиб олиб кучоқлайди. Қўярда-қўймай белига миндиради. Худди қирчанғи от каби дикир-дикир чопади... Кампир улар ҳаракатини кузатар экан, кўзлари йилтиллаб туради.

«От» ҳам, «чавандоз» ҳам чарчашди. Ҳамдамқулов ғайриихтиёрий ҳаракат туфайли ҳориб, худди сувсираган дакан хўроздай оғзини очиб, сууга суянганча ўтириб қолди. Нафас ростлагач:

— Қани, ўғлим, бери кел-чи, — деди. Бола «Бу кекса, лекин шўх одам ким бўлди экан-а!» дегандай ҳайронлик билан унга яқинлашди. Ҳамдамқулов боланинг чанг бўлиб кетган энгил-бошини қоқаркан, кўзларига тикилиб: — қани айт-чи, мен ким бўламан сенга? Дада-а! Қани, дада, де-чи? Дад-да-а! — деди.

— Ҳа, Кенжаботир, дада дегин, ширин ўғлим, дада де, ўргилай! — ялинди кампир ҳам.

Бола бошини қуйи эгганича жим тураверди. Ҳамдамқулов шошди.

— Сен кампир жим тур, сен болани эрита олмайсан. Бизлар дўстлашиб қолдик, тўғрими? Хў, баракалла! Қани, энди биррр дада деб юбор-чи!

— Дадам бой-ку... — деди бола бош бармоғини тишлаб.

— Қани, азамат ўғлим, бир дада де-чи, десанг-чи, ахир, — Ҳамдамқулов ялинавериб ниҳоят жаҳли чиқиб кетди.

— Сис дадаммас, поччасис.

— Йўқ, почча эмас, дада! Дада дегин, — деди кампир болага астойдил ялиниб.

— Дадам бой мени... — деди бола, кейин кутилмаганда йиғлаб юборди.

Ҳамдамқуловнинг ичида аллақандай аъзоси чирт узилиб кетгандай ҳолсизланди. Маъюсланиб теварак-атрофига жавдираб қаради. «Бир оғиз дада деб қўйсанг нима қиларди. Шунчалик қийинми дада деб қўйиш?!» деган аламли ўй кўнглидан ўтди.

Ҳамдамқулов ўрнидан туриб, эгини ҳам қоқмай, бўшашиб, хужра томон юрди. Кейинги пайтларда у мана шу хужрада тунашни хуш кўрадиган бўлиб қолган. Неғалигини ўзи ҳам билмайди.

Эшикни очиб ичкари қадам қўймоқчи бўлди-ю, аллақандай илинжда орқасига қаради. Кенжаботир ажабланибми, ҳайрон бўлибми унинг ортидан тикилиб турар, кампири эса қафти билан юзини тўсганча жим ўтирарди. Унинг юраги санчигандек бўлиб ичкарига қадам босди, эшикни жипс ёпди.

Анчадан сўнг орқасидан кампири кирди. Ҳамдамқуловнинг кўзи ёшли эди. Кампир унинг ҳолатига тушунди.

— Кўнглим учун дада деб қўймади-я! Аттанг! — нафасини ичига тортиб зорланди Ҳамдамқулов.

— Хафа бўлманг, бола-да. Ҳали ўрганиб ҳам кетади. Дада дейди ҳам.

— Энди керак эмас, дейишини кераги ҳам йўқ. Уз пушти

камарингдан бўлмагандан кейин... Ҳаҳ... Ҳа, кампир, тамом бўлдим. Сениям, ўзимниям адои тамом қилдим. Дунёда ҳеч қанақанги умидимиз қолгани йўқ, билсанг. Кимга илҳақ бўлиб яшаймиз, айт-чи, кимга? Орқамиздан йиғлаб қоладиганимиз бормиди?

— Тавба денг, чол!

— Юпатма мени. Еш бола эмасман. Ҳеҳ-хе, бу бола қачон катта бўлиб бизларнинг оғиримизни енгил қилади-ю! Унғача ким бору ким йўқ... Гап шу, болани андармон қилмай, обориб бер синглингга...

— Уйлаб гапиряпсизми? Синглим олдида икки пуллик одам бўламан-ку!

— Билмадим, кампир. Лекин менга энди бу боланинг сира кераги йўқ. Билганингни қил!

Кампирнинг боши қотиб қолди. Қизиқ бўлди-ку! Синглисига: «Улмасам, кенжангни катта одам қиламан, топганим ўшанга қолади», деганди-ку! Бола шўрликни ақалли икки кунгаям сиғдирмади-я бу дардисар, зиқна чол!

Кампир ўйлай-ўйлай болани олиб кетди, аммо шу кетганича қайтмади. Даставвал Ҳамдамқуловга кампирининг йўқлиги, ёлғизлик биллинмади. Қулоғи тинчиб қолгандай. Зерикса телевизор қўяди, радио овозини баландлатади, ўзича нималарнидир минғирлаб хиргойи қилади. Қорни оч қолса, ўз билганича бирнима пишириб ейди. Қорни тўйғач, кўрпага бурканиб ётаверади, ётаверади. Хаёл суради, сураверади. Эй, бу мияга қанақанги ўй-хаёллар келмайди дейсиз-эй!

Дарҳақиқат, шунақа пайтда одамда шундай ҳолат рўй беради: хаёлга толадию кўз олдида қувноқ болалик даври намоён бўлади. Ҳазин боладай ҳис қилади. Бир нафас яйраб олади. Кейин буларнинг барчаси хаёл, тасаввур эканини билгач, нафаси қайтиб, бўшашиди. Лекин шунда ҳам, барибир, қачонлардир ўша навқиронлик дамларига албатта қайтадигандай ҳис қилади ўзини. Бунга қатъий ишонади...

Ҳамдамқулов қартайди. Умри югур-югур билан ўтди. Раҳбарлик қилди. Дам у районга кўчди, дам бунисига. Қаерга борса, икки кун ўтмаёқ хотинини ҳам кўчириб олиб борди. Турсунбой Кўктеракда туғилган эди. Бир ойга етиб-етмай нобуд бўлди. Сабаби нима эканини ҳам билолмай қолишди. Кейин бошқалари ҳам шундай, кутилмаганда... Шундан сўнг хотини бошқоронғи бўлмай қўйди. Ҳамдамқулов югуриб-югуриб хотинини даволатса бўларди, кучи етарди бунга. Лекин ташвиш, иш баҳона бу каби «юмушлар»ни кейинга сурди.

Энди бу ҳақда ўйлашнинг вақти ўтди.

«Дада демаса демасин эди! — бирдан Ҳамдамқулов жаҳли чиқиб кетди. — Нега энди шунинг учун боладан ўнкалашим, кампирнинг дилини оғритишим керак экан? Тавба, дадаси туриб мени «дада» демайди-да, ахир. Лекин боласи тушмагур хўп ёқимтой экан-да!»

Чиндан ҳам Кенжаботирнинг бу хонадонга, айниқса Ҳамдамқуловга ҳады этган шодлиғи, қувончи... У анчадан буён бунақанги ёзилмаганди. Тавба, бола орқасидан чопиб ўтирибди-я! Буниси ҳам майли-ку, қирчанғи отдай дикирлагани-чи! Одам бўлиб ҳеч вақт шундай қилмаганди.

Асаб қурсин, асаб! Э, Ҳамдамқуловда асаб қоптими!

Шу куни Ҳамдамқулов тонгни бир ўзи, ёлғиз оттирди. Кампири ҳам ундан астойдил ранжиган шекилли, синглисиникидан қайтмади. «Қани, синглингникига неча кун сиғаркансан, кўраман!» деди у ғижиниб. Лекин кампир эртаси куни ҳам қайтмади. Ҳамдамқуловни ваҳима босди. Ҳар хил хаёлларга борди. «Кампирининг ҳам юрак ўйноғи бор эди, тутиб қолган бўлса-я! Оғир гап қилдим, юракка ботадиган гап қилдим, ахир!» деб ўйлади.

Бир кўнгли, шартта туриб, кампирининг орқасидан борай, деди. Лекин шаштидан қайтди. «Нима гап қилдим? Болани обориб бер, дедим холос. Бунинг нимаси қўпол? У ҳам ўйлаши керак эди. Хўш, мен синглимникида юрибман, лекин ёлғиз чолимнинг ҳоли нима кечди экан, деб ўйлаётимикин? Ҳа, йўқ! Ҳайлаганда шу дамгача кириб

келарди эшикдан. Қирқ йил турмуш қурибмиз-у, ҳалиям ўртада оқибат йўқ экан. Демак, бизларнинг турмушимиз ҳалиям омонат, орада боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ. Омонат!»

Ҳамдамқулов тиззаларини қисирлатиб ўрнидан турди, китоб жавонини очди. Қалин муқовали китобни олиш учун чўзилиб ета олмагач, оёғи остига курсича қўйди. Китобни олиб, шошиб варақлади. Лаби алланима деб пичирлади. Юзи ёришди. Пуллар. Ҳар бири нақ юз сўмлик, нақ ўнта.

«Бу ҳам омонат!» деди Ҳамдамқулов ҳадик билан атроф-теварагига қараб оларкан.

У ёнбошлаб, юпқа тортиб кетган тўшакни устига тортди. Кейин қўйнидаги пулларни олиб, бармоқларини ҳўллади-да, санай бошлади. Ўнта. Лекин худди адашиб кетгандай тагин қайта санади.

Уй орқасида нимадир «гурс» этгандек бўлиб Ҳамдамқуловнинг юраги шиғиллаб кетди. Пулларни қўйнига тикиб ўрнидан турди. Шу тобда эшикдан биров кириб унга ҳамла қиладигандек тоқчадаги ўрик ўтиндан калтакбопини олди. Нафасини ичига ютиб бир зум сукут сақлади. Ҳеч ким йўқ! Эшикни очиб ташқарига чикди. Кулранг осмон куйган қозон остига ўхшайди,— сонсиз-саоқсиз юлдузлар милт-милт қилади. Ишқомдан тушган резгилар кучсиз изғиринда ваҳимали шитирлаб қўяди. Лекин ҳеч ким йўқ!..

Ҳамдамқулов кўча дарвозасини ҳам аллақачоноқ тамбалаб қўйганини эслаб, хийла хотиржам бўлди. Шундай эса-да, ҳужранинг аллақайси бурчагида кимдир яшириниб, унинг қўлтиғидаги пулни қўлга киритиш ниятида тургандек бўларди...

* * *

— Поччанг қариганда айниб қолди. Айрим қилиқларига сираям тушуна олмайман. Туриб-туриб бақириб юборадиларми, кимнидир келиштириб сўкадиларми-ей. Еқа ушлаб қоламан,— кампир кўкимтир батис рўмолчасига бурнини чимдиб артди ва унсиз йиғлади.— Қариганда шунақа бир-биримизга дардисар бўлиб қолдик. Ҳар гапнинг бирида: «Минг йил ҳалол ишла, аммо бир кун эркалик қил, ҳеч ким кўтармас экан! Қани мени кучга тўлган навқиронлик дамларим, қани! Уни ким қайтариб беради? Уйқусиз, ҳаловатсиз кунларим товонини ким тўлайди?!» дейди жазаваси тутиб. Бақиради. «Қўни-қўшнилари эшитса нима бўлади, бақирманг!» десам, баттар тутақади. «Эшитсин, майли, мени тентак десин, бақираман!» дейди.

— Хафа бўлманг, опа,— юпатди Каромат.— Поччаннинг қандай одам эканлигини эл-юрт, каттаю кичик яхши билади. Ахир у қанча-қанча одамларнинг пешонасини силамади. Бир-иккита одам билмаса билмас, эл билади, юрт билади. Шунгаям жизғинак бўлиб ўтирибдими? Уни юпатадиган, кўнглига таскин берадиган сиз-ку, ахир! Кўнглингизга келмаса, айтай, поччамни бир ўзини ёлғиз қолдириб бу ерда юришингизни маъқул кўрмайман. Бу фақат менинг гапим эмас, ҳатто куёвингиз ҳам шундай деяпти.

Кампирнинг юзидаги ғамнок ифода бирдан сўниб, кўкарди ва синглиси кўзига тик қараб:

— Ҳайдамасанг ҳам кетаман. Бу ерга қапа тикиб ётиб олгани келганим йўқ. Ҳарқолда ўз уйим бор, — деди-да, этак қоқди. Синглисининг:

— Ярим тунда кетасизми, тонг отсин ахир, — деганигаям парво қилмади.

* * *

«Ажабмас, эрталабгача ётган жойимда ўлиб қолсам, — ўйлади Ҳамдамқулов. — Ёлғизликдан қутуламан. Улим! Ер юзида яшаётган одам ва жонзотлар ўлимга маҳкум. Паймонаси тўлғач, албатта оламдан ўтади. Шунда буюк фикрларни, ноз-неъматларни яратган қўл

ва мия тупроққа айланади, чириydi. Бу тупроқ экинлар томирига сингиб дарахтлар новдасида, атиргуллар гунчасида намоен бўлади...»

Ҳамдамқулов худди ёш болага ўхшаб йиғлай бошлади. Ёлғиз қолганидан, юрак армонлари жунбишга келганидан зорланиб йиғлади. У қартайиб, ажал жарчиларига яқинлашиб қолганига, ҳув ўша навқиронлик дамларига энди асло-асло қайта олмаслигига, фарзандсизлик доғи-ҳасратини энди сира ҳам юва олмаслигига кўзи етгани учун ҳам йиғларди...

Хужра деворини кимдир «гурс-гурс» ургандек бўлиб, Ҳамдамқулов хушёр тортиди. Уй-хаёллари пароканда бўлди. Девор такрор гурсиллади. Ҳамдамқулов шитоб чиқиб кўча дарвозасини очди. Букчайиб турган кампирини кўрди. У: «Бормисан, нега мени ёлғизлатиб ташлаб кетдинг?» демоқчи бўлди, аммо қадрини синади. Эшикни очди-ю, ортига шитоб қайтди. Кампир ҳам индамай дарвоза эшигини бекитиб кирди. У ҳам араз қилгандай печка эшикчасидан тўкилиб турган кулни сим билан титкилаб жим ўтираверди.

Ҳамдамқулов «Ҳалиям ҳовуридан тушмаган кўринади!» деб ўйлади. Кампир ҳам чолнинг бир оғиз гапига илҳақ эди. Шу илинжда чолига ер остидан қаради. Кейин кўзи ерда сочилиб ётган пулларга тушди.

— Пулми ановилар? — деб юборди кутилмаганда. Ҳамдамқулов «ялт» этиб унга қаради. Ранги қув ўчди. Нима дейишини билмай каловланди. Ниҳоят:

— Ҳа, пул, — деди.

— Кимники? — деди кампир сўзни бошлаб олганидан хийла енгил тортиб. — Мунча кўп?!

— Бизники, — деди Ҳамдамқулов кўзларини пирпиратиб, — ҳм... Сеники.

— Шунча пул-а? — деди кампир ва кўзлари катта-катта очилди.

— Ҳа, шунча пул, — деди Ҳамдамқулов ютиниб. Кейин негадир Ҳамдамқуловнинг кўнгли ёришгандек, миясини ишғол қилган васвас хаёллар ҳам тарқалгандек бўлди. Олдинги кун Кенжаботир билан чопқиллашиб ўйнаганда мана шундай роҳат ва лаззатни туйганди.

Ажаб! Қирқ йил давомида Ҳамдамқулов бунақанги бағри тўлиб яйрамаганди. Тавба, ёш боланинг орқасидан чопқиллаб юрди-я! Ҳеч вақт шундай қилганмиди у? Асло!

Ҳозир, аини шу дамда унинг яна қирчанги от каби чопгиси, ўша шўх, пўмпоқ бола билан қувлашмачоқ ўйнагиси келди.

Қаддингни тут, Раҳматқул!

— Сизниям чақирибдими, демак, ҳаммаси равшан, — деди Ҳамробой қимтиниб, искиланиб правление идораси олдида турган, раис олдига киришга тараддуд кўраётган Раҳматқул акага. — Ҳеҳ-хе. Аввалги ишлаган жойида барчани зир қақшатар экан, эшитдим. Энди, акам бўлсангиз, ақлни борида ўз ишимизни билиб қилганимиз яхши. Аввалги раисга ўзини яқин олиб юрганки одам бор, ҳаммасини элакдан ўтказяптимиз...

Раҳматқул аканинг қадами сустлашди, баданида алланима ғимирлагандек бўлди. У кўрқди.

— Лекин парво қилманг, — деди Ҳамробой унга таскин берган бўлиб. — Ҳа олса бригадирчиликни олади, жонни олармиди? Лаббай! Биздақаларда деплом бўлмаса, бошқа бўлмаса...

Раҳматқул ака таваккал қилди. «Нима бўлса пешонамдан кўрдим» дея раис хонаси эшигини оҳиста итарди.

— Мумкинми?

Раис йўғондан келган, аммо пакана бўйли одам. Буни у сўрашаётганда сездди. Жуда салобатли экан-у, бўйи сал настрок...

Раҳматқул ака у билан сўрашгандан сўнг итоатгўйлик билан қўл қовуштирди. Раис курсига имо қилди. Утирди.

— Раҳимқуловмисиз? — унинг овози ҳам бригадирнинг қулоғига жаранглаб эшитилгандек туюлди.

— Имм, — деди Раҳматқул ака, сўнг ўрнидан қўзғалиб «қулт» этиб ютинди.

— Утиринг, ўтириб гапираверинг. Мен ҳар бир актив билан якка тартибда сўзлашмоқчиман, одатим шунақа. Сизни ҳам шунга қақиртирдим, — раис шундай деб бир нафас сукут сақлади. Мана шу сукут баҳона у Раҳматқул акага бошдан-оёқ разм солди. Худди терговчиларга ўхшаб. Бригадир иккала оёғини жуфт қилганча қимирламай, ҳукми кутиб ўтирарди.

— Қирқ йил ишлабсиз-а, шундайми?

— Ҳа, қирқ йил...

— Айтинг-чи, шундан неча йилини ҳалол ўтказдингиз?!

Раҳматқул аканинг кўзи олайиб кетди. Тушуниксиз нимадир деб чулдиради.

— Саволимни тушундингизми? Хўп, виждон билан айтинг-чи, неча йил ҳалол юракдан чиқариб ишладингиз? Эллигинчи йилдан партия аъзоси экансиз. Хўш?

— Шу... мм. Нима десаам экан... Қандай жавоб қилишним билмай... Ҳар йили қўлдан келганча... — Раҳматқул ака гўё босинқи-рагандек пойинтар-сойинтар сўзлади. Кейин буни ўзи ҳам сезди шекилли, сўзлашдан таққа тўхтади. «Ҳа, мени кимдир раисга чаққан, устимдан хат ташлаган. Бўлмаса у менга бунақа саволлар бермасди. Лекин унинг саволига қандай жавоб қилсамикин? Фалонча йил ҳалол ишладим ёки умуман ҳар доим ҳалол ишлаганман, деса-чи. Виждон бунга йўл қўярмикин? Ҳа, ҳаммасидан унинг хабари бор, лекин атайин ўзини билмасликка олиб, талмовсираб сўраяпти... Ҳа...»

Раҳматқул ака бармоқларини қовуштирганча тобора курсига чуқурроқ чўкди.

— Индамайсиз? Демак, жавоб беролмайсиз. Яхши. Мажбурия-тингиз қанча эди?

— Қачон? — бригадир ютинди ва шу аснода раисга ер остидан кўз ташлаб олди.

— Утган йили.

— Қирқ.

— Қанчага бажардингиз?

— Уттиз.

— Ун центнер қани?

— Ҳаво айниб, қор ёғиб...

— Нега олдинроқ териб топширмадингиз? Режангиз аниқ эмас экан, нега қирқдан бераман деб чирандингиз? Менга қаранг, ўртоқ зарбдор. Сиздақаларнинг касрингизга қолиб, ҳалол, асл деҳқон кўкрагини кўтара олмай қолди-ку! Шуми виждонли коммунистнинг иши?

— Айб менда, раис, — деди Раҳматқул ака ҳолсизланиб. Шундай деса, ажаб эмас, раис ҳовридан сал тушса. Аввалгилар ҳам роса дағдага қилишарди, оттираман, чоптираман, дейишарди. Айбни бўйнингга олсанг, елкангга уриб чиқариб юборишарди. Бироқ... бу раис баттар тутакди.

— Айб сиздами, жуда соз! Ундай бўлса, нега киссангизда партбилетни кўтариб юрибсиз? Айбли одам бундай номга нолойиқ!

Раҳматқул ака раисга саллоҳнинг қаршисидаги кўйдаи ночор, мўлтираб боқди. Кейин, э, қиладиганингни қилавермайсанми дея тақдирга тан бермоқдан бошқа чораси йўқдек сўзсиз тураверди.

— Эркак кишида лафз деган нарса бўлади, ўртоқ Раҳимқулов, — деди раис кўлини биғиз қилиб. — Лафзни йўқотган одам элдан чиқади. Буни мендан ҳам яхшироқ билсангиз керак. Тавба, қирқ йил заҳмат чекибсизу ҳалиям меҳнатингиз қадрини тушунмабсиз-а! — раис

орқасига қайтди. Бориб айланма креслога ўтирди. Ҳамон сўзсиз, мутедай қўл қовуштириб ўтирган бригадирга тикилди-ю, хуноб бўлиб, қўлларини силкиди. — Тавба, қанақа одамлар ўзи? Нега улар бахслашмайди, ҳақини талашиб-тортишмайди? Мисоли қулнинг ўзи. Нега бу одамлар ўз қадр-қимматини билишмайди? Кимдан тили қисик жойи бор, кимдан? Наҳотки қирқ йил тупроқ кечиб, умрини тупроққа берган одам қатъий жавоб қилолмаса?!

— Бор гап шу, — деди Раҳматқул ака кутилмаганда тилга кириб. — Гапларингиз тўғри, меҳнатимиз қадр-қимматини тушунмаганимиз ҳам тўғри. Чунки унинг қадрини бизларга ҳеч ким эслатмай қўйган эди. Ишлаб-ишлаб қарсакка эга бўлардик, холос. Шунга ўрганиб, кўниқиб қолган эканмиз. Нима қилайлик, ахир. Бизлар радавўй одам эканмиз, буюрувчи кўп, бажарувчи биз... Э, яна нимани ҳам гапираман...

Раис астойдил кафтига жағини тираб, Раҳматқул акага жиддий тикилиб тураверди, аммо сўзини бўлмади. Бригадир сўзлашдан тўхтаб, жавдираган эди, раис, давом этинг, дея бош қимирлатди.

— Йилдан йил оғир деганларидек, ер торайиб, тупроқ кучсизланса кучсизланиптики, аммо сентир камаймаяпти. Энди гапнинг бўлари... Сиздақаларнинг устолингизни ўйлаб қанақанги лафзсизлик қилсак қилгандирмиз...

Раис бригадирнинг бироз қизишганини сезиб, «Ҳа, бор экансиз-ку!» дегандек бошқачароқ қараб қўйди.

— Ким келса, биздақа радавўйни тепкилайди. Колхозданми, районданми, областданми келган вакил аввало бригадирга сочади қаҳрини. Шунақа пайтда жавдираб раисимизга қараймиз. «Нима қилай, мен ҳам гапираверайми?» дегандек. Ҳам унинг ҳурматини ўйлайсиз. Лекин раисингиз вакилнинг гапини маъқуллайди. Биргалашиб пўстагингизни қоқади. Хўп, сўкди, дейлик. Кейин мажбурлаб сўзингизни олишади. «Бу йилги ҳосил қанчадан бўлади?» «Ўттиз беш» дейсиз. «Э, қаёқдаги бўлмағур гапларни қиласиз-а! Ўттиз беш нимаси, фалончи қирқ центнердан бир грамм ҳам кам қилмайман деяпти. Сиз бўлсангиз... Қўйинг-э!» «Ана, қирқ бўлса, қирқ-да!». «Жиндак қўшинг, ўша ҳовлиқма доғда қолсин!». «Э, боринг-а, оғзининг ели, қирқ беш!» Бирмас, саккиз фарзандим бор. Бояги гапингизга айтаман. Ҳарҳолда, шу болаларни ҳалол боқялман. Пахтага ҳаром аралашдим, ундан барака кетади. Буни ота-бобаларимиз айтишган, янги гап эмас. Шукрки, пахта туфайли тирикчилигимиз ўтапти, бола-чақани боқялман. Энди, кичкина одам эканмиз, бирини ака, бирини ука деб яшаб келялмиш... Қариб ишга яроқсиз бўлибман шекилли. Иззатимни борида менга жавоб берсангиз ҳам бўлар, раис. Мен ҳам бундай одамга ўхшаб маҳалла-кўйимга аралашай...

— Бунақа гапни қўйинг, сизни осонликча бўшатиб қўймаймиз.

Бу гап Раҳматқул аканинг бошини зимиллатиб ўтди. «Қаматиб юборармикин? Замон қалтис, пахтадаги эгриқўллик учун сира шафқат йўқ!» Раҳматқул ака югинди. Юрагидаги бошқа гапларни ҳам шартта-шартта айтиб олишга чоғланди. Аммо раис гапни илиб кетди:

— Бу йилги режа қанақа?

— Насиб қилса, ўттиз сентирдан кўзлаётгандим.

— Нега умидсиз гапирясиз?

— Энди... — Раҳматқул ака гапини йўқотди. — Нима деса экан...

— Ўтган йили қанча центнердан олгандингиз?

— Ўттиз уч.

— Нега бу йил кам?

— Кам-да, — деди Раҳматқул ака жириллагандай.

— Нега кам бўлади? — баттар сўроққа тутди раис. Бу савол Раҳматқул аканинг жаҳлини жунбийишга келтирди.

— Менга қаранг, раис, бўладиган гапни гапиринг. Мақсад нима? Мени қамашми, довдиратманг, оборинг-да, қаманг! Э, — дея қўл силтади бригадир.

Раис энди бригадирга тамом ажабланиб қарарди. Аввалги жиддий вазиятини ўзгартирмаган ҳолда яна уни саволга тутди:

— Нега чекинаси? Утган йилги марра бу йил албатта план бўлишини билмайсизми?

— Билмайман, энди менга бунинг қизиғи йўқ, — деди Раҳматқул ака кескин.

— Нега қизиғи бўлмас экан? Жавобгарликдан бўйин товляяпсизми? Қани, ўттиз беш центнердан кам ҳосил беринг-чи, сиз билан қанақа гапашаркинман.

Раҳматқул ака қаддини сал тиклади. «Э, кўрқиб ўтирибман-а. Қаматиб юборармикин, дея талвасада эдим. Хайрият!»

— Хўп, — деди юзи сал ёришиб. — Уттиз беш албатта бўлади, ишонаверинг, раис.

— Ўттиз беш?! — раиснинг қошлари чимирилди. — Уттиз беш, холосми?!

Раҳматқул ака, «Озроқ, раис чамасидан пастроқ айтдим-ов», деб ўйлади ва овозини сал балаandroқ кўйиб:

— Қирқ албатта бўлади, — деди.

Раис ўтирган жойида елкалари силкиниб, кафтларини бир-бирига уриб кулди. Кулди-да, бирдан жиддий тортди. Кулги кучидан ёшланган кўзини рўмолча билан артди.

— Яшанг... Қойилман. Лекин, гапнинг ўғил боласи, сизга сира тан бермадим, ўртоқ Раҳимқулов, сираям. Тавба, қачон ҳам қатъият ва лафзни билар экан сиздай одамлар... Чиқаверинг, керак бўлсангиз чақирамиз...

Раҳматқул шалвираб ўрнидан турди. Раис бригадирга ич-ичидан ачинди ва айни чоқда ундан нафратланди.

Ҳамрой Раҳматқул акани кутиб турган эди, бўшашиб чиқиб келган одамни шитоб келиб тирсагидан олди-да, сайраб кетди:

— Айтганмидим, сизга эслатганмидим! Ҳа, жа кўпол одамлиги рост эканми, икром бўлдингизми? Бўғилманг, ака, бизларда диплом бормидики, тортиб олгани...

Раҳматқул ака раисдан хафа эмасди. Аммо унинг бугунги муомаласи ва дўқ-пўписаларини ҳам тўла тушуниб етмади. Шундай эса-да, алланимани англагандай руҳи ёришди.



ИНТИҚ ЮРАКЛАРГА БЕРГУМ СЎЗИМНИ

Қамчибек Кенжа

Хислат

Эзгулик ҳукми бу — кимдир кимнингдир
Қай бир фазилатин қилади ҳавас.
Ҳавас — ўзиш илми, парвоз илмидир,
Ҳаёт ўша билан олади нафас.

Қай бир хислатига қўйиб эътиқод,
Тақлид қилгандирман мен ҳам — тонмайман.
Қайси бир сифатим ўзгага ибрат —
Айтолмайман — ахир, мақтанолмайман.

Фақат шу одатим шипшийман сизга:
Севмоқ — жон-дилдан ва ўртаниб севамоқ —
Онани, Ватанни, гулларни... яна
Бунисини ошкор этиш қийинроқ.

Севамоқлик ҳавола ўз таъбингизга:
Онани, Ватанни, гулларни... бироқ...
Ягона хислатим бермайман сизга:
Жимгина севамоғу жимгина куймоқ...

Ёз ҳақида, гул ҳақида ўйлар

Ёз фасли ўтмоқда жўшқин ва шитоб,
Ризқи рўзга тўла юртим боғлари.
Сокин, рангпар кузга талпинар офтоб,
Ялтираб кўринар шимол тоғлари.

Айни навқиронлик гаштин сурар йил,
Ҳадемай далалар оқарар сочдай.
Оқлик-ку — покликдир, аммо мўътадил
Бир ҳиски, гоҳ қалбга ботгуси тошдай.

Зил-замбил юкни ҳам баъзида инсон
Кўтармоққа қодир азот, ҳимосиз.
Аммо гул гирдида парвона, гирён,
Инсон юрак майли олдида ожиз.

Одамзод муҳаббат асири азал,
Гул атри онадир ҳар қандай ҳисга.

Гулсиз на дунёю на ҳаёт тугал,
Шу боис у қиёс этилгай қизга.

Ложувард осмон ҳам гул ҳидидан маст,
Гулбаргда рақс тушар тигдай ўткир нур.
Асли, саратоннинг саховатимас,
Райҳон, чечаклари жонларга ҳузур.

Афсунми ё сеҳр, ё ноз, таманно:
Мағрур ғунча, «сирим этмай» дебми фош,
Булбулга юз очмас, аммо тонг аро
Ҳарир ёноғида қалқиб қолар ёш.

Тавалло қилмагай булбул бесама,
Ахир митти қалбнинг нияти зилол.
Қоронғи дилларни мунаввар айлар,
Кўкнинг тул бекаси — сал кемтик ҳилол.

Талъат Солиев

Ўзбек ўғлонлари

Улуғ Ватан урушидан қайтмаган ўзбек жангчиларига

Тонгда отландингиз,
Қилай деб халос,
Қон-қардош Россия, Украинани.
Кўзин йўлга тикиб кетганингиз рост,
Авайлаб ўстирган мунис онани.

Қардошлар ерида — узоқда туриб,
Ўзбекистон учун тикдингиз жонни.
Ўқлар ёғилганда кўксингиз кериб,
Ҳимоя қилдингиз Ўзбекистонни.

Она юртингизда қолди қундузлар,
Шахло кўзларида ёшлар шашқатор.
«Тигр»лар остига ташланиб сизлар
Қилдингиз юҳонинг ҳолин тангу тор.

Танклар қаршисида турдингиз рўй-рост,
Пўлатни мот қилди метин сабрингиз.
Интиқ юракларда ўкинч бор бир оз,
Биздан олисларда қолди қабрингиз.

Мағрур кўксингизга қанча ўқ төккан?
Сизларни қулатган ерга қанча ўқ?
Олис қабрингизга,
Отангиз эккан
Она юрт гуллари етиб борган йўқ.

Қардошлар ерида — узоқда туриб,
Ўзбекистон учун тикдингиз жонни.
Ўқлар ёғилганда кўксингиз кериб,
Ҳимоя қилдингиз Ўзбекистонни.

Кўкрак

Юрак, сен ҳақдамас бу галги сўзим,
Кечир, сен ҳақингда кўп, яхши калом.
Кел, метин кўкракка тилайлик тўзим,
Унгадир бу галги ҳурмат, эҳтиром.

Ҳеч қачон ишонмам, кўкрак соғ туриб,
Сени ханжар тилди десалар — ёлғон.
Шу, кўкрак ҳамиша мардона туриб,
Сен ҳамда мен учун бўлади қалқон.

У — вужуд девори, тоғдек мустаҳкам,
Аммо бунини зинҳор солмас бетингга.
Қандайдир зоти паст тиг ўқталган дам —
Шу заҳот айланар кўкрак метинга.

Кўксини бургутлар минг йил чўқиган,
Олов ўғриси¹ бор, у учун ибрат.
Унга мардлик дарсин Тўйчи ўқиган,
У сенга хизматда топади ҳурмат.

Шу сабаб унгадир бу галги қўшиқ,
Сени деб олар, у, неча бор зарба.
Агар бўлмасайди шу метин тўсиқ,
Тегарди дайди ўқ сенга ҳар лаҳза.

Тинимсиз теласан борки шу девор,
Амин бўл, сенга кўп асқотар ҳали.
Ўзиму сен учун айтурман минг бор:
Бизга қалқон бўлган кўкракка балли!

Турсун Али

Теримчи қизларнинг бир куни

Юлдузлар ухламай, уйғонар
Қишлоқнинг теримчи қизлари.
Шудрингли далага йўл олар,
Тонг нурига чайиб юзларин.

Юлдузлар кулганда самода,
Даладан қайтишар ҳоришиб.
Чарчоқлик кезса ҳам вужудда,
Боқишар юзлари ёришиб.

Оппоқ хаёлларга беланиб,
Кутишиб ётишар эртани.
Қишлоқнинг қизлари тушида
Қучоқлаб ухлашар пахтани...

¹ Прометейга ишора

Қари дарахт

Қари дарáхт тунлари нотинч
Тикилади атрофга оғир.
Кўкрагида тўлғаниб ўкинч,
Шамолларга очади бағир.

Қари дарахт тунлари нотинч,
Олисларга боқади узоқ.
Тепасида юлдузлар эмас,
Қўлларини чўзади чақмоқ.

Анора Пардабоева

Пискарёв қабристонида

Бунда зиналардан секин-секин чик,
Бунда зиналардан жим, оҳиста туш.
Ахир ухлаётган каттаю кичик
Хўрсиниб-хўрсиниб кўраётир туш.

Ҳеч нарса сўзлама, эггин бошингни,
Юрагинг нечоғли бўлса ҳамки хуш.
Абадий унутиб улар ёшини
Секин ўксиб-ўксиб кўраётир туш.

Тўхта, қўйма бехосдан қадам,
Ахир, бир қарич ҳам жой йўқ бунда бўш.
Ватан тақдирига тикиб улар жон,
Сўнмас олов бўлиб кўраётир туш.

Бунда жасоратни куйлаётгандай,
Осмонга буй чўзган қайинзор-оққуш.
Миллион-миллион қадам товушлар ичра,
Ватан оғушида улар кўрар туш.

Яҳё Тоғаев

* * *

Ой битта, биламиз,
Офтоб ҳам битта.
Юлдузларнинг эса саноғи йўқдир.
Хоҳласанг хаёлан, хоҳласанг чўтда
Бу тун юлдуз санаб чиқайлик, дўстим.

Осмон юлдузларни ҳисоблаб юрмас,
Кел, санаб чиқайлик бирга, жўражон.
Бари ўзиники, билади,
Бирок,
Санашни билмайди бечора осмон.

Айрилиқдан сўнг

Сой солланар сўзимизга зор,
Биз айтмаймиз тушларимизни.
Қутмай қўйдик — ҳолбуки, баҳор —
Учиб кетган қушларимизни.

Юлдузларни ёлғиз санарсан.
Юрагинг тош.
Тошдандир бошим.
Сен суйганин сотган санамсан,
Мен ишқидан тонолган ошиқ.

Кўпқарида

Машҳур чавандоз Абдуваид
акага бағишланади

Тўдани ёриб чиққан
Тулпор ёниб борадир.
Суворийнинг кўзида
Хулқар ёниб борадир.

Узанги — кундан парча,
Туёқда ойнинг ўзи.
Отга қанот бағишлар
Сарбознинг ўтдай сўзи.

Асли бу, сўз эмасдир,
Чавандознинг туғёни.
Умидбахш бир нафасдир:
— Ҳа жоним-а, чу жоним!..

Марра сари от елар,
Марра келар от сари.
Улоқни тақимиға
Босиб борар шунқори.

От бўйинини бармоқлар
Сийпаб, қоқиб борадир.
Чўғдай лаблар ёлини
Ўпиб, ёқиб борадир.

Ерга тегмас туёқлар,
Ҳавони ўқдай ёрар.
Сувлиқни тишлаб олган
Хаёлдай учиб борар.

(Тизгин. Тизгин. Тизгин-а.
Тизгинингни узгин-а.
Бойчибор бўл, Фиркўк бўл,
Ғанимлардан ўзгин-а.)

Бу тезликнинг қошида
Ер чизиб қолар шамол.
Болалар ҳайқиради,
Чоллар қувватлар: Ҳалол!

Сонини қамчи ёқмас.
Лол қолдириб дунёни
Ёлини ёқар бир сас:
— Ҳа жоним-а, чу жоним!..

Тўдани ёриб чиққан
Тулпор ёниб борадир.
Чавандознинг кўзида
Хулқар ёниб борадир...

Эргаш Ёндош

* * *

Ечилмаган тугун,
Очилмаган қитъа,
Ёзилмаган шеърмиз.
Йўқ!

Дунёмиз, сарҳадсиз, ўрганилмаган,
Фақат орамизда тоғ ўсиб ётар,
Меҳримиз йўлини у тўсиб ётар.
Мен уни қазийман... тирноғим билан.

* * *

Қалб томирларингизда қон сингари жўшурман,
Жисму жаҳонингизга сингурман қувват бўлиб.
Дўстлар,
Бир умрингизга минг бир умр қўшурман,
Сиз қўнган манзилларда балқийдирман бахт бўлиб,
Қўйманг назарингиздан!

Аввал-азал сизни деб, келдим ёруғ дунёга,
Тошдан-тошга урилиб сайқалландим, тиниқдим.

Кўзингиздан жой олсам, айланурман зиёга,
Ўзни қуёшда тоблаб, жон куйдириб чиниқдим,
Қўйманг назарингиздан!

Мен куз ёмғири каби осмондан ёғилмадим,
Ё баҳор гиёҳидек униб чиқмадим ердан.
Бир қалам тортиғидан ўлмоққа туғилмадим,
Мен олам умри қадар умр кўргувчи шеърман,
Қўйманг назарингиздан!

Созандага

Хайрат-ла боқаман, сенга, созанда,
Санъатинг сирларин ҳеч билолмайман.
Сен совуқ симларни сайратган дамда,
Мен қайноқ қалбимни шеър қилолмайман...

Қамбар Ўтаев

Ватан

Ватаним, агарда табиат менинг —
Қўлларим ўрнига қўндирса қанот,
Ер билан осмонни тенг берса ҳаёт,
Уч деса, сеники, деса коинот.
Ҳеч кимнинг изи ва сўзи етмаган
Юлдузлар бағрида қил деса роҳат.
Ҳеч ким кўролмаган — кўзи етмаган
Жойларни кўрасан — шу деса омад.
Эҳтимол, қизиқиб кўкка учардим,
Кўп ўтмай сўнг Ерни соғинар эдим.
Оғир бўлар эди юрақда дардим,
Ватан, Ватан дея сиғинар эдим.
Қай бир мўъжизага етганим дамда,
Учар қанотимни олиб ташласа,
Афсус, надоматда, қолардим ғамда,
Боқмас эдим «жаннат» кўнглим хушласа.
Ерга талпинсаму тортиш кучига
Дуч келиб агарда бўлсам овора,
Ватаним, қудрат бер! Жим турай нега?
Ватан ишқи билан топардим чора...
Севаман, яшолмай Ватандан йироқ,
Уники борлиғим — жоним, жаҳоним.
Менинг авлодимни улғайтган тупроқ,
Халқимнинг юраги — Ўзбекистоним!

Аскар

Одам таниб эс билганингда
Юрагингга ўрнашар Ватан.
Халқ тинчлигин ҳис қилганингда
Чоғланасан хизматга, ўғлон.
Уйла, кичик одам эмассан,

Энди сенсан толега посбон.
Ўз жонингни асрай демасдан,
Ўзгаларга бўласан қалқон.
Амал қилар темир интизом,
Қонда кезар Ватан туйғуси.

Юракдан жой олган мустаҳкам
Халқ севгиси, эл-юрт севгиси.
Ҳис қилгансан қалбдан эҳтимол,
Юртга мангу аскар бўлишни.
Умринг бўйи содиқ ва ҳалол,
Ватанингга хизмат қилишни.
Бўшангликка бўлиб бешафқат,
Иродангга етади кучинг.
Интизомни бузганинг заҳот,
Мардлик сендан олади ўчин.
Эзгуликка берилган қасам,
Юрагингга доим муқаддас.
Аскар учун эркдир — интизом,
Мўътабардир тинчликка ихлос.
Дунёда ризк, бахт бўлсин бутун,
Юртни севиш — энг улуғ қисмат.
Халқинг эркин яшаши учун
Ватанингга посбон бўлмоқ шарт!

Ҳамқишлоқлар

Бир қишлоқнинг одамларимиз,
Элдан чиқса битта қаҳрамон,
Дадил бўлар қадамларимиз,
Кўкрагимиз тоғ бўлар чандон.

Бошимизга бахт қуши кўнар,
Юзлаб киши доврўғ таратар...
Қайбир нокас кўрсатган ҳунар,
Бир қишлоқни ерга қаратар.

Эркалатар гоҳида замон,
Гоҳ ҳаётнинг аччиғин тотгин.
Чиқмаса ҳам майли қаҳрамон,
Қишлоғингдан чиқмасин сотқин.

* * *

Бўлсин доим бошгинанг омон,
Эй болажон, қўлларинг очик.
Ҳовучингга дон тушган замон
Юбор уни шудгорга сочиб.

Хосият Бобомуродова

* * *

Гўдак кутган дунё бағри оқ,
Кўрқувларга бошлайди хаёл.
Кўрқма, шеърга ўхшайди тўлғоқ,
Мен сен билан биргаман, аёл.

Турмуш юки кетдими босиб,
Ҳаёт жангдир, эмасдир эртак.

Шодлик ярат, ўт ғамни босиб,
Мен сен билан биргаман, эркак.

Кўргилик-да, қиличинг синди,
Аммо дилда орни маҳкам тут.
Рақибларга бермайман сени,
Мен сен билан биргаман, йигит.

Бўлма ишқдан юрак-бағринг хун,
Тополмасам сенга лойиқ сўз,
Шоир бўлиб яшамоқ нечун?
Мен сен билан биргадирман, қиз.

Илк қадаминг кўрқмайин ташла,
Узавергин, сеники лола.
Келажакни қуёшга бошла,
Мен сен билан биргаман, бола.

Болам, деган тилингдан ўпай,
Ўзингдирсан меҳрибон бахтим.
Ўсиб-унгин, ўзингдан кўпай,
Мен сен билан биргаман, халқим!

* * *

Менга устоз бўлолмади ой,
Тунги қийноқларга бўлсам ҳам шерик.
Мени қучоғида ўлдирганда шеър,
Кўкда кезаверди у ҳиссиз, тирик.

Ёнмоқни ўргатиб, ташлади — қочди,
Ортиқ тоқат топмай қудратли қуёш.
Қайдан ҳам сиғиниб бағримни очдим,
Эрмайин қолди кўксимдаги тош.

Тушунмади дўстим менинг тартибсиз,
Гоҳи шўх, гоҳ маъюс ҳасратларимга.
Қоқилган чоғимда юмиб кетди кўз,
Жавоб ёзмай қўйди у хатларимга.

Тушунмадим гоҳо ўзим-ўзимга,
Худа-беҳудага қалбим эзилди.
Бўронлар гардини урди кўзимга,
Юракнинг қирқ тори куйлаб узилди.

* * *

Кетаман, севикли дугоналарим —
Қалби пок пахтакор қизлар ёнига.
Яна аввалгидай қуёшда ёниб,
Қўшилиб бораман эл хирмониغا.

Кетаман, саҳрода сурув ҳайдаган,
Чидамдан яралган мардлар ёнига.
Улар дарс бермади менга бардошдан,
Уфқлар топаман қалб имкониغا.

Укинмайман энди лутфингни кутиб,
Елбормайман оқ қоғозга зор.
Укинаман далам бағрида туриб,
Оппоқ толаларга ёғар бўлса қор.

Кетаман, мен сени гумонга ташлаб,
Қачонгача ишқнинг бағрин тиглайман.
«Мотамсаро она» ёнига бориб,
Йигирма миллион мард-чун йиғлайман.

Кетаман, қайдадир йўқловимга зор,
Интиқ юракларга бергум сўзимни.
Сиғинсам арзирли буюкликлар бор,
Сен деб хор қилмайман ўзим-ўзимни.

Раҳим Бекниёз

Чегара

Мангулик ва лаҳза, ҳаёт ва мамот
Қаерда туташар, қайда ажрашар?
Менинг юраккинам дашт сойи сифат —
Бирдан қуриб қолар ва бирдан тошар.

Қувонч билан қайғу, кулги ва кўзёш
Қаерда бошланиб, тугайди қайда?
Чегара билмайди ҳисларим бебош
Ва қарор тополмас бирон-бир жойда.

Қаерга илк муҳрин босди — биламан,
Қаерда узилар, билмам, изларим.
Ҳисларим изидан елдек еламан,
Майли тутқич берманг, учинг ҳисларим,
Долғали ҳисларим, учкур ҳисларим.

Жонон кўчасинда

Инграйди рубоб, интизор жонон кўчасинда,
Афғони фалак, яъниким, ҳижрон кўчасинда

Гулшанда хониш айлади жўр бўлиб рубобга
Булбулигўё кўзёши маржон кўчасинда.

Ларзага солур лолаю райҳону суманни,
Ошиқлар зорин тугёни бўстон кўчасинда.

Товусми, қаранг, хиром айлар ўшал бағритош —
Жононни эса бошлари осмон кўчасинда.

Осмонда Қутб юлдузи, бу ерда эса мен,
Мафтуну асир шому шабистон кўчасинда.

Алқисса, раҳм этмас экан менга жонона,
Жон бераман, жон бераман жон кўчасинда.

* * *

Тонг ели
Олиб бўса,
Қизартди ғунча лабин...
Қиқир-қиқир кулишди,
Бақалар кўриб қолиб.
Чақнаб турган юлдузлар
Кўз юмишди
Уялиб,
Дарахт бўлса
Завқланди:
Чайқалиб,
Чапак чалиб...
Атрофга кўз ташлади,
Уйғониб кетган булбул.
Жим қотиб турди анча
Унутгандек қуйини.
Такрор боқди —
Чор атроф ўзгариб кетган буткул.
Томоша қилди бир оз
Қувноқ
Гуллар
Уйинин...
Гул қошида
Бошлади,
Туганмас
Қасидасин.
Шу заҳоти очилди,
Уфқнинг ҳам чехраси.
Тоғларни ҳам уйғотди
Куй ва баҳор нафаси...
Кун
Кириб келди секин.



Лу Синь

Телба хаёллар

Ака-ука Х...лар — ҳозир номларини айтиб ўтирмай — илгари ўрта мактабда бирга таҳсил кўрган пайтимизда менинг қадрдон дўстларим эди. Кейин ҳар ким ҳарёққа сочилиб кетди, орадан йиллар ўтгач, аста-секин орамиздаги алоқа ҳам узилди. Яқинда уларнинг бири оғир дардга мубтало бўлганини фавқулодда эшитиб қолдим: она юртимга бораётиб, дўстларимникига бирров кириб ўтдим-у, фақат акасини учратиш насиб этди, айни ўша акаси гапириб берди укасининг хасталигини.

«Бизни кўрай деб, бекорга овора бўлибсиз шунча йўл босиб. У аллақачон тузалиб, ҳозир N. шахрига давлат хизматига кетди». Кейин хохолаб кулиб юборди-да, укамизнинг хаста аҳволини қадрдон оғайниларга айтиб қўйсак зиён қилмайди, деганча, кундалик шаклида ёзилган иккита дафтарни топиб чиқди. Уларни олиб уйга қайтдим-у, ёзувларни кўздан кечирганимдан сўнг, бемор «васвас» касалига йўлиққан экан, деган хулосага келдим. Воқеалар чалқаш, бири боғдан, бири тоғдан, бири-бирига қовушмаган сўзлар эса қалашиб ётарди; ёзилган ойи ҳам, куни ҳам кўрсатилмаган, сиёҳ ранги ва дастхатнинг ҳар хиллигидан узоқ вақт ёзилганини билиш мумкин эди. Эпақага келадиган, бир-бирига сал боғласа бўладиган жойларини териб-териб олдим-да, шифокорлар эътиборига ҳавола этиш учун уни китоб шаклига келтирдим. Лекин биронта сўзига ҳам тегмадим, гарчи зарурати бўлмаса ҳам фақат исм-фамилияларни ўзгартирдим, чунки унда тилга олинган одамларнинг бари қишлоқда яшаганлари сабабли уларни

XX асрнинг йирик реалисти, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти, рус адабиётининг оташин тарғиботчиси бўлган машҳур хитой ёзувчиси Лу Синь (1881—1936) ўз бадиий ижодини нисбатан кейинроқ бошлаган. Биринчи ҳикояси — «Телба хаёллар» нашр этилганда у ўттиз етти ёшда эди: аммо шу битта ҳикоянинг ўзиёқ XX аср жаҳон адабиётига буюк сиймо кириб келганини кўрсатди.

«Художественная литература» (Москва) нашриётида чоп этилган адабнинг «Танланган асарлар»идан олинган бу ҳикояда муаллиф эсдан оққан одам тилидан алмойи-алжойи воқеаларни тасвирлайди. Гарчанд асар мазмуни телба одам назари орқали очилса-да, унда чуқур кўчма маъно бор. Автор Хитойнинг асримиз бошидаги ўтмишини, инсон ҳуқуқини поймол этувчи, одамхўр жамият — феодал даврининг ҳақиқий башарасини катта маҳорат билан очиб ташлаган.

ҳеч ким танимас эди. Сарлавҳасига келсак, сарлавҳаси ҳам ўзгартирилмади, кундалик муаллифининг ўзи тузалганидан сўнг уни шундай деб номлаган экан.

I
Еттинчи йил, тўртинчи ой, иккинчи кун.

Бугун тунда ҳаммаёқ сутдай ойдин.

Ойни кўрмаганимга ҳам ўттиз йилдан ошди, қарангки, бугун кўришим билан дилим ёришиб кетди. Ўттиз йил борлиқни зулмат босиб турганини ҳозир тушундим. Аммо жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Акс ҳолда Чжао ҳовлисидаги ит... Нега у менга олайиб қаради?

Кўрқаётганим бежиз эмас...

II

Бугун ой чиқмади; англадимки, яхшиликка олиб келмайди бу. Эрталаб эҳтиёт бўлиб кўчага чиқдим. Чжао Гуйвэннинг қарашлари бежо: ё мендан кўрқяпти, ё менга қасд қилмоқчи. Қолган етти-саккиз киши ҳам мен ҳақимда шивир-шивир гаплашишяпти. Пайқаб қолишимдан чўчиб, кўрқиб туришибди. Кўчада кимни кўрсам, ҳаммаси ўзини ғалати тутяпти. Айниқса, биттаси жудаям ёвуз: менга кўзи тушиши билан оғзининг таноби қочиб кулди. Тепа сочим тикка бўлиб, титраб кетдим, баданимни совуқ тер босди, билдимки, ҳаммаси тил бириктиришибди.

Бироқ мен кўрқмай, гўё ҳеч нарса сезмагандай йўлимда кетавердим. Олдимда бораётган бир тўда болакайлар ҳам мени янишяпти. Улар ҳам худди Чжао Гуйвэндек олазарак, юзлари чўянга ўхшаш қорайиб кетган. Уйланиб қолдим: бу болаларга нима ёмонлик қилибманки, мени бунча ёмон кўришса? Охири чидолмадим ва «Хей, мақсадларинг нима?» дея бақириб бердим, аммо улар ура қочишди.

Яна ўйладим: бундан йигирма йил аввал Гу Цзюнинг эски кириш-чиқим дафтарини тепкилаганимни айтмаса, Чжао Гуйвэнга нима ёмонлик қилибман, йўлда учраган анови одамларга нима ёмонлик қилибман. Жаноб Гу Цзю анча хафа бўлган эди. Чжао Гуйвэнъ, гарчи уни танимаса ҳам, лекин, ҳойнаҳой, шу гап қулоғига етгану, Гу Цзюнинг тарафини олган: йўлдаги одамларни менга гижгижлаган ҳам ўша. Аммо болалар-чи? Ахир, улар у пайтда ҳали дунё юзини ҳам кўрмаган эдилар-ку; нега менга бугун бу қадар ғалати, еб қўйгудек тикилишди. Ё мендан кўрқибди, ё тагимга етишмоқчи. Шуларнинг бари юрагимга ваҳим соляпти, ҳайронман, айни пайтда жуда хафаман.

Тушундим. Ҳар қалай, ота-оналари гап ўргатишяпти уларга!

III

Тун бўйи ухлолмадим. Нимаики нарса бўлмасин, фақат синчикласанггина тагига етасан.

Ахир, бу одамларнинг бўйнига кунда осган — уезд бошлиғи юзига тарсаки урганлар — помешчиклар, хотинларини тортиб олганлар — уезд миршаблари, ота-оналарини нобуд қилганлар — судхўрлар-ку, лекин афту башараларини кеча таниб бўлмасди, қутуриб кетган эдилар.

Айниқса, кўчада рўбарў келган аёл ўзини ғалати тутди: ўғлини савалаб, «Мен сенга кўрсатаман ҳали! Сени емагунимча қўймайман!» деб бақирди-я. Шундай деб туриб, менга босим тикилиб қолди. Кўрқиб кетганимни ҳамма сезди. Бир гуруҳ одамлар сўйлоқ тишларини кўрсатиб, беибо хохолаб кулишди. Чэнь Бешвой ёнимга югуриб келди-да, мени уйга судраб кетди.

Уйга судраб келди... Уйимдагилар ҳам гўё мени танимагандай лоқайд тутишди ўзларини: худди ановилардек, бегона одамлардек талмовсираб тикилишди менга... Кабинетга киришим билан, товуқ ё ўрдакни қафасга қамагандай, эшикни қулфлаб олишди. Нима гаплигини тушунмай, ҳайронман.

Бундан бир неча кун олдин Бўрихона қишлоғидан бир ижарачи келиб, ҳосил унмаганидан нолиди; қишлоқдагилар ўзаро тил бириктириб, ёвуз бир ҳамқишлоқларини ўлдирганларини ҳам акамга гапириб берди; кейин қувват бўлади деб, ўша ўлган одамнинг юраги ва жигарини қовуриб ейишибди. Гапга аралашмоқчи бўлган эдим, ўша захоти ижарачи ҳам, акам ҳам менга қараб-қараб қўйишди. Кўзлари худди кўчадаги одамларникига ўхшаш бежолигини ҳам фақат бугун пайқабман.

Шу фикр хаёлимга келиши билан вужудимни қалтироқ босди.

Модомики, улар одам ея олар эканлар, демак мени ҳам еб қўйишлари мумкин-да.

Сал ўйлаб кўринглар, ахир! «Емагунимча кўймайман» деб бақирган анови аёл, қоп-қора башара, сўйлоқ тишли кимсаларнинг хоҳолаб кулиши, акам билан ижарачининг гаплари — буларнинг бари бежиз эмас. Аёлни сўзи — оғу, кўчадагиларнинг кулгиси — тиг, оппоқ, ўткир, йиртқишларникидек қарсиллаб турган тишлари эса одамларни ейишга атайлаб мосланганга ўхшайди.

Тахминимча, Гу Цзюнинг кирим-чиқим дафтари ни тепкилаганимдан кейин, мени ёвуз эмас, дейишнинг ўзи ҳам қийин бўлса керак. Ҳар қалай, ҳозирлик кўришяпти нимагадир, аммо нимага — билмайман. Қизиқ, бирон кишидан сал ранжидими, дарров ёвузга чиқаришади уни. Акамнинг насиҳати эсимда: у бир марта, энг яхши одамга ҳам гап қайтарсанг, дарров юзинга ташланади: лекин энг бемаъни одамга, агар унинг валақлашига чидасанг, ким яхши — сен яхшисан, «қанчалар доно ва оқил одам экан, бошқаларга ўхшамайди» дея сени мақтайди, деган эди. Хуллас, уларнинг ҳақиқий ниятини билолмай доғдаман, бунинг устига, ахир, гап одамхўрлик ҳақида боряпти-я.

Нимаки нарса бўлмасин, фақат синчикласанггина тагига етасан. Илгари замонда одамларни кўп ейишган: сал-пал бўлса ҳам тарихдан эслаяпман буни. Янаям аниқроқ билиш учун тарих китобини очдим, китобда куни кўрсатилмаган, аммо ҳар саҳифасида «инсонпарварлик», «адолат», «ахлоқ», «яхшилиқ» деган сўзлар қалашиб ётибди. Ухлолмадим, бари бир, ярим кечада китобни яна диққат билан ўқий туриб, мисралар орасида «одамхўрлик» деган битта сўз ҳадеб такрорланаверганини бирдан кўриб қолдим.

Бу сўз, бамисоли ҳиринглаб, таъна билан менга кўзини лўқ қилиб тургандай эди. Менам одамман, мени улар ейишмоқчи!

IV

Эрталаб, энди кўнглим тинчиб ўтирган эдим, Чэнь Бешвой кириб келди. У димлама балиқ олиб кирибди: балиқнинг кўзлари оқиш, ўшшайган, оғзи эса худди анови одамхўрларникидек ваҳшиёна йирилган. Бир-икки нимтасини егандим: шилимшиқ, балиқми ё одам гўштини, билиб бўлмайди, кўнглим айниб кетди.

«Чэнь бобой, — дедим унга, — акамга айтинг, зерикиб ўлдим жуда, боғни айланмоқчиман». Чэнь индамай ташқарига чиқиб кетди. Аммо тезда эшикни очиб қайтиб кирди.

Ўрнимдан жилмай, уларни кузатяпман: нима қилишмоқчи мени? Биламан, ташқарига чиқаришмайди мени. Ана, билдинларми энди! Акам нотаниш бир мўйсафидни эргаштириб, секингина кириб келди. Чолнинг кўзлари еб қўяман дейди-ю, сезиб қолишимдан чўчиб, ерга қарайди, кўзойнаги тагидан хуфиёна қараб-қараб ҳам қўяди. Акам: «Чамаси, бугун ўзингни анча яхши сезяпганга ўхшайсан-а?» деб сўради. Мен: «Ҳа» деб жавоб қайтардим. Акам: «Сени кўриб қўйиши учун доктор Хэни тақлиф қилдим», дея гапида давом этди. Аслида бу чол — либосини ўзгартирган жаллодлигини билиб турсам ҳам, «Майли!» деб жавоб қайтардим! У ўзини томиримни санаётгандай қилиб кўрсатиб, аслида қанчалик семиз-ориқлигимни аниқламоқчи, шунда унга ҳам бирон нимта тегса керак-да. Мен мутлақо кўрқмадим. Одам гўштини емасам ҳам, бари бир, улардан анча довурак эканман. Қўлимни мушт қилиб тугдим, чолга узатдим, нима қилишини кузата бошладим. Чол ўтириб, кўзларини юмиб олганча, анча вақт томиримни пайпаслади, анча вақт ўйланиб қолди, кейин иблисона кўзларини бақрайтириб: «Ҳеч нарсани ўйламасин, бир неча кун бутунлай осойишта боқинглар уни, шунда ҳаммаси жойига тушиб кетади», деди.

«Ҳеч нарсани ўйламасин, бир неча кун бутунлай осойишта боқинглар уни!» Тушунарли: обдан семирғунимча боқиб туришмоқчи мени, ана шунда, қарабсизки, пичоғи мойда уларнинг: аммо «ҳаммаси жойига тушиб кетади» дейишгани нимаси? Бу кимсалар шу қадар муғамбирки, ўзлари одам ейишмоқчи-ю, айни пайтда буни яна яширмоқчи ҳам бўладилар, очикчасига иш тутишга чўчишади-ям — ўласизми-куласизми бунисига! Узимни тутолмай қаҳ-қаҳ кулиб юбордим. Ҳузур қилдим рўса. Кўрқмай, дангалига кулдим ўзим ҳам. Кутилмаган бу дангаллигим ва довураклигим таъсир қилди шекилли, чолнинг ҳам, акамнинг ҳам ранги ўчиб кетди. Аммо мен қанчалик ботирланганим сари улар мени тезроқ ейишнинг пайига туша бошладилар — довураклигим уларга ҳам юқди-кўйди. Чол хонадан чиқди-да, эшикдан хиёл нарилаб, акамга: «Келинг, тезроқ ея қолайлик», дея шивирлади. Акам маъқуллаганча бош ирғади. «Демак, сен ҳам ўшалар билан бирга экансан-да!» Бу янгилик фавқулдга ўхшаб туюлса ҳам, аммо мантиқан тўғри эди. Мени емоқчи бўлган тўда ичида акам ҳам бор экан-а!

Акам — одамхўр!

Мен эса — одамхўрнинг инисиман!

Мени еб гумдон қилишади-ю, одамхўр аканинг укасилигимча қолавераман, бари бир.

Кейинги бир неча кун ичида аввалги тахминларим бир оз ўзгарди: дейликки, ўша чол ниқоб кийиб олган жаллод эмас-у, ҳа, ана, чинакам табиб ҳам бўла қолсин, лекин, бари бир, у одамхўр. Уларнинг илмидаги пири Лю Шичжень, адашмасам, ўзининг «Илдизлар ва гиёҳлар» деган китобида одам гўштини қовуриб еса бўлади, деб очиқ-ойдин айтган. Шундай экан, қандай қилиб бу муттаҳам чол одамхўр эмасман, дея олади?

Бир қориндан талашиб тушган акамга ҳам бекордан-бекор гап ташлаётганим йўқ. Қадимги ёзувлар маъносини тушунтира туриб, у ўз оғзи билан «болаларни алмашлаш ва уларни ейиш» мумкин, деган эди. Бир марта қандайдир ёмон одам ҳақида гап кетганда, акамнинг: «Уни нафақат ўлдириш, ҳатто гўштини қиймалаб еб, терисини тагингга солиб ётишинг керак», деганини ҳам эслаяпман. У пайтда мен ёш бола эдим, азбаройи кўрқиб кетганимдан анчагача юрагим дукурлаб юрган. Бир неча кун муқаддам бизникига Бўрихона қишлоғидан келган анови ижарачи «бечоранинг юраги ва жигарини ейишди» деб ҳикоя қилганда ҳам акамнинг ҳатто бир туки қимирламади. Аксинча, у ҳадеб бош ирғаб маъқуллай-верди. Ҳойнаҳой, у ҳозир ҳам худди илгаригидай ёвуз. Модомики, у болаларни алмашлаш ва ейиш мумкин, дея ҳисоблар экан, демак, унда истаган нарсани алмашлаб, истаган кимсани ейиш ҳам мумкин-да. Мен илгари унинг адолат ҳақидаги гапларини эшитиб, соддалигим қурсин, унга ишонардим, энди бўлса, гарчи адолат ҳақида гап сотса ҳам, лаб-даҳани нафақат одам ёғига булғангани, ҳатто юраги ҳам одамхўрлик ниятига тўлиб-тошганини яхши биламан.

VI

Зимистон, кундузми ё кечами, билмайман. Чжао ҳовлисидаги ит яна акиллаяпти.

Арслондек йиртқичлик, қуёндек кўрқоқлик, тулкидек айёрлик.

VII

Мен уларнинг йўлини билдим, ошкора ўлдиришни иштамаяпти ва бунга журъат ҳам этишолмайди, гуноҳга ботишдан кўрқиб. Шу сабабли улар ўзаро тил бириктиришиб, ўз оёғимдан илинишимни кўзлаб, ҳаммаёқни тузоқ, тўрга бостириб ташлашган. Бир неча кун аввал кўчада учраган анови эркаклар билан аёлларни эсланг, акамнинг ғалати қилиқларини ўйлаб кўринг, бир зумда ҳаммаси равшан бўлади-қўяди. Мен учун энг яхши йўли — арқон топиб, тўсинга уни маҳкам боғлаб — осилиб ўлганим тузук, шунда улар гуноҳга ботишмайди, истаклари рўёбга чиққанига қувониб, хоҳолаб кулишади. Бунисидан ҳам кўра, кўрқувдан ёки ғамдан эзилиб ўлган яхши: унда у қадар семирган бўлмайман-у, шундаям улар юз берган воқеани маъқуллаб, қайта-қайта бош ирғашлари мумкин.

Фақат билганлари одам гўштини ейиш! Эсимда, китобларда ёзилишича, сиртлон деган махлуқ бор. Жирканч махлуқ, айниқса, кўзлари жирканч. Улакса ейди: чайнаб-чайнаб, катта сўнгаларни ҳам ютиб юборади. Ҳатто ўйлашга ҳам кўрқасан уни. Сиртлон — қашқирлар наслидан, қашқир эса итлар оиласидан. Чжао ҳовлисидаги ит ҳам уч кундан бери менга босим-босим тикилиб қўяди, анавилар билан тил бириктиргани аниқ. Эй, сен, чол, кўзингни ерга олганинг билан, бари бир, мени алдолмайсан.

Айниқса, акамга ачинаман. У ҳам одам-ку, ахир, нега зиғирча бўлсаям кўрқмайди? Бу ҳам етмагандай, мени ейиш учун шу тўдага қўшилганми у? Нима ўзи — одамхўрликни гуноҳ деб ҳисобламаган қадимги одатми бу, ёки онгли равишда жиноят қилиб, бутунлай виждонини йўқотган кимсанинг ишими? Мен одамхўрларни, аввало акамни лаънатлайман: уларни одамхўрликдан қайтаришга уринаман ва буни акамдан бошлайман.

VIII

Очиғини айтганда, ушбу далиллар уларга ҳам мутлақо тушунарли бўлиши керак.

Тўсатдан бир одам кириб келди: кўринишидан йигирма ёшларда, ундан ошиқмас. Аммо афту ангорига тузукроқ разм сололмадим. Оғзининг таноби қочиб, менга бош ирғайди. Жилмайиши ясама. Мен ундан:

— Одамхўрлик — тўғри ишми шу? — деб сўрадим.

У ҳамон жилмайганча:

— Нега одам ейиш керак экан? — дея жавоб берди.

Дарров тушундим, бу ҳам ўша тўдадан, бу ҳам одам ейиш деса суяги йўқ. Ботирлигим юз чандон ошиб кетди-ю, «Тўғрими шу?» деб қисталанг қилдим.

— Кўйсангиз-чи, бунақа гапни? Ҳазилкашмисиз дейман ўзингиз ҳам...

Ҳавонинг очиклигини қаранг.

Чиндан ҳам ҳаво очик, сутдек ойдин эди.

— Йўқ, бари бир, жавоб берасан сен: «Тўғрими шу?»

У нима қилишини билмай турди. Ниҳоят:

— Йў-ў... — дея дудуқланди.

— Нотўғрими? Нега унда улар одам ейишади?

— Бўлмаган гап.

— Бўлмаган гап? Бўрихона қишлоғида очикчасига ейишади, бу ҳақда истаган китобингда ёзиб ташланган.

Унинг ранги ўчиб, башараси чўяндек қорайиб кетди. Менга синовчан тикилиб:

— Яхшиси, бу гапларни қўйинг, қайтага ўзингиз айбдор бўлиб қоласиз! —

деди.

Кўзларим олайиб, сапчиб ўрнимдан турсам, ҳалиги одамдан соя ҳам йўқ. Аъзои баданимни тер босиб кетди. Акамдан анча-мунча ёшлигига қарамай, у ҳам тўдаданлигини сира кутмагандим. Сўзсиз, ота-онаси ўргатган унга. Ўз навбатида у ҳам ўз ўғлига ўргатиб қўймаганмикан, деган хавотирдаман, шу сабабдан бўлса керак, болалар менга ўқрайиб қарашади.

Бир-бирларини ейишади-да, ўзлариниям биров еб қўйишидан кўрқиб, бир-бирларига шубҳа билан қарашади...

Қаники, улар ёвуз фикрларидан қайтсалар, ўз юмушларини қилиб тинчгина ухлаб, ўйнаб-кулиб, еб-ичиб юрсалар-ку, қандай дорилзамон бўларди-я. Бунинг учун кўп нарса зарурмас, салгина истакнинг ўзи кифоа. Аммо улар тўда-тўда бўлиб олиб, ҳаммалари: оталару, ака-укалару, эру хотин, дўсту биродар, муаллиму, ўзаро ғаним ва бир-бирини мутлақо танимайдиганлар ҳам — ҳаммаси бир-бирини бир-бирига гижгижлаб, ўлиб қолсалар ҳам тинч яшайлик, дейишмайди.

IX

Эрталаб азондан акамни қидира бошладим: у ҳовлида, теварак-атрофни томоша қилаётган экан: орқасида тўхтадим-да, ғоят хотиржамлик билан, ўта мулоим овозда:

— Ака, сизда бир гапим бор, — деб мурожаат этдим.

— Марҳамат, гапир, — деди у шарт ўгирилиб, кейин бош силкиди.

— Бор-йўғи уч-тўрт оғиз сўз-у, тилим бормаяпи. Йўқ! Ака! Ҳар қалай, жамики йиртқишлар, аввалига оз-оздан бўлса ҳам, одам гўштини тотиб кўришган. Кейинроқ, эътиқодларига қараб, айримлари одамхўрликдан воз кечишган, бутун фикру хаёлларини камолотга сарфлаб, охир-оқибатда одамга, ҳақиқий инсонга айланганлар, бошқалари эса ҳамон одамхўрликка ружу қўйганлар. Худди қурт-қумурсқанинг ўзи: бир хиллари тадрижан балиқ, қуш, маймун ва, ниҳоят, одамга айланган, бошқалари эса тақомилга интилмаб, ҳамон қумурсқалигича қолиб кетган. Лекин одамхўрлар шу қумурсқага қараганда ҳам осмону ер.

И Я ўз ўғлини қовуриб, Цзе ва Чжоунинг таомига берган, чунки қадим-қадимдан шу одам ҳукмрон эди. Паньгу осмонни ердан узгандан бери ва И Янинг ўғлини еганларидан; И Я ўғли воқеасидан то Сюй Силингача; Сюй Силиндан то Бўрихона қишлоғидаги одамхўрликкача, ким билади дейсиз, бу орада қанча-қанча одамзод еб ташланганикин? Ўтган йили шаҳарда бир жинойтчи қатл этилганда, қандайдир симён одам нон бурдасини марҳумнинг қонига булғалаб, маза қилиб ялаган.

Улар мени ейишмоқчи, сиз, албатта, ёлғизсиз, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Лекин нега уларнинг тўдасига қўшилиб қолдингиз? Одамхўрлардан яхшилик кутманг! Мени ея олишар экан, сизни ҳам еб қўйишлари мумкин, кейин бир-бирларини ейишади. Аммо сал нафсларини тийишса-ку, одамлар ўртасида қандай осойишталик ҳукм сурарди. Майли, энг сўнгги пайтгача ҳам ҳеч нарса қилинмаган бўла қолсин, лекин, наҳотки, камолот сари интилишимизнинг иложи йўқ, ахир, айтинг-чи, наҳотки иложи йўқ? Ака, биламан, сизнингча бунинг сира чораси йўқ: ху анови куни ижарачи ҳақини пасайтиришни сўраганда, сиз унга рад жавоби бердингиз.

Акам аввалига совуқдан-совуқ илжайди, аммо гапирган сарим афту ангори гезариб, пинҳона ниятларини фош этиб ташлай бошлаганимда эса юзи нақ қорайиб кетди.

Ташқарида одамлар уймалашиб турибди: улар орасида Чжао Гуйвэнь ҳам итини етаклаб юрибди. Ичкарига бўйинларини чўзиб, остонага суқилишади. Бир хилларининг қиёфаси, худди парда орқасидан кўрингандай, ғира-шира кўзга

чалинади: бир хиллари эса ҳў ўша галдагидек сўйлоқ тишли, қоп-қора юзли. Улар лабларини қимтиганча мийиқда кулишяпти. Ҳаммаси бир тўдаданлигини, ҳаммаси одамхўрлигини мен биламан. Лекин ҳар хил фикрлашларини ҳам билиб олдим: айримлари одамларни еявериш керак, деб ҳисоблашади: айримлари эса одамни ейиш гуноҳлигини билиб турсалар ҳам, бари бир, егилари келаверади. Аммо бу пинҳона ниятларини бошқалар сезиб қолишдан қўрқадилар, шу сабабли ҳам мен гапирганимда тоқатлари тоқ бўлиб, лабларини қимтиб жилмайишади.

— Йўқолинглар! Ақлдан озган одамни томоша қилишга уялмайсизларми!

Айни шу аснода уларнинг яна бир муғамбирлигини сезиб қолдим. Инсофга келиш хаёлларида ҳам йўқ, қайтага мени телба деб бирон-бир жойга гумдон қилишмоқчи. Ана шунда мени ейишади-ю, туя кўрдингми йўқ, бунинг устига уларнинг ёнини оладиганлар ҳам топилиб қолади. Ижарачи ҳам худди шундай ҳодисани гапирган эди. Ҳаммаси улар истагандек бўляпти.

Чэнь Бешвой ғазабга тўлганча ёнимга чопиб келди. Қанчалик овозимни бўғишни истасалар ҳам, бари бир, уларга қарата: «Тавба қилишларингга ҳалиям кеч эмас, чин кўнгилдан тавба денглар! — дегим келади. — Биласизларми, келажакда ер куррасида одамхўрликка ўрин қолмайди. Агар ҳақ йўлига ўтмасанглар, ўзларингни еб битиришади. Минг-минглаб тухум очсанглар ҳам, ҳақиқий одамлар сенларни худди бўрини қирган овчидек қириб ташлайдилар. Худди қурт-кумурсқадек эзиб ташлайдилар!»

Чэнь Бешвой тўдани ҳайдаб юборди. Акам ҳам қаёққадир кетди. Чэнь Бешвой алдаб-сулдаб мени хонага киришга кўндирди. Хонада зим-зиё қоронғилик. Хари ва тўсинлар бошим устидан бирдан чайқалиб, анчагача қимирлаб турди ва ўзидан-ўзи катталаша бошлади...

Нимадир вужудимни тошдек босди, қимир этолмайман: улар ўлимимни кутишяпти. Кимдир мени босиб турганини ҳис этдим, жон ҳолатда туришга уриндим. Бошимга қилич келса ҳам уларга: «Ҳозироқ тавба қилинглар, чин кўнгилдан тавба денглар! Биласизларми, келажакда одамхўрларга ўрин йўқ...» демоқчи бўлдим.

X

Еруғ жаҳонни кўрмайман, эшикни очишмайди: кунига икки марта овқат беришади... Чўп қошиқни кўлга олишим билан акамни ўйлаб кетаман: жажжи сингилчамнинг ўлимига ҳам акам айбдорлигини биламан. Кўз ўнгимдан ҳали-ҳали сингилчамнинг қиёфаси кетмайди. Қанчалар ёқимтой ва ғамгин қиёфа. Ахир, у бор-йўғи беш ёшда эди. Онам тўхтовсиз хўнграб йиғлаган эди, шундай қилган тузук, деб ўйлаган бўлса керак. Бир воқеани эслаяпман, беш ёшдамидим ё кичикроқмидим, уй олдида, шабадада ҳузур қилиб ўтирганимда акам, агар ота ёки она дардга чалинса, ўғил ҳатто жонини аямай, танини кесиб, ота-онасига ҳада этиши зарур: ана шундагина у ҳақиқий ўғил саналади, деган эди. Онам эътироз билдирмаганди. Аммо бир парча гўштни ейиш мумкин бўлса, унда бутун одамни эса ҳам бўлавераркан-да. Лекин онам бечоранинг йиғлаганларини эсласам, ҳали ҳануз юрагим тарс ёрилиб кетгудек эзилади. Чиндан ҳам бу ишлар хўп ғалати!

XI

Ўйлашга ҳам ҳолатим йўқ. Фақат бугун билибман, қаранг, мен яшаётган бу оламда тўрт минг йил давомида одамларни ейишар экан: сингилчам ўлганда бутун рўзғор акамнинг қўлида эди, ким билади, балки у бизга синглимнинг гўшtidан едиртиргандир.


Эҳтимол, ҳеч нарсадан беҳабар, мен ҳам синглимнинг икки-уч луқма гўштини егандирман, энди бўлса ўзимга навбат келди...

Тўрт минг йил одамхўрлик қилиб келганлар ичида яшаб, ҳақиқий инсон топиш қанчалар мушкуллигини энди билибман-а.

XII

Эҳтимол, одам емаган норасида болалар бордир ҳали?
Болаларни асранг!

Апрель. 1918 йил.
Русчадан Уктам УСМОНОВ таржимаси



Сафо Очил

Бургут

Эртақ

Тоққа ёндаш —
Ям-яшил қишлоқ.
Унда ҳаёт
Қайноқдир қайноқ.

Саховатли,
Манзурдир, манзур.
Чорва билан
Оламга машхур.

Мўл-кўлчилик
Ҳаддан зиёда.
Соф ҳавоси,
Танга шифо-да!

Бир томони,
Тоққа туташ қир,
Бир томони,
Яйлов, даладир.

Сой бўйида,
Майин майсалар,
Завқ бағишлар
Шивирласалар.

Қачонлардир,
Ўтган замонда,
Тоққа туташ
Уша томонда

Кун кўрарди
Ажиб бир йигит.
Паҳлавон, мард,
Исми-чи, Бургут.

* * *

Бургут — синчков,
Кўзлари ўткир.

Ҳатто одам
Ҳаёлин ўқир.

Ўзи эпчил,
Довруғдор мерган.
Юрт кўриқлаб,
Юргани-юрган.

(Ҳаммага тенг,
Ҳаммага одил.
Дилда борин
Айтарди дадил.)

Атрофни у
Кузатар сергак.
Бирок феъли
Кўрсроқдир андақ.

* * *

Сўлим-сўлим
Эди бу қишлоқ
Заминдори
Юрар кайф тароқ.

Тўй тўрида
Мўйловин бураб,
Кўнглига у
Тушганин сўраб,

Ўтирарди,
Мисоли хоқон.
Тўкин эди,
Тўкин дастурхон.

Еб-ичарди
Ҳўкиз сингари.

Хизматдадир
Ешларнинг бари.

Бунда лекин
Кимдир кўринмас.
У ўйланди...
Ўйланди бирпас.

«Бургут йўқ-ку.
Нега келмайди.
Нега менга
Хизмат қилмайди?»

Боққан бўлсам,
Уруғ-аймоғин...
Кўтаради
Нега димоғин?

Чақиртирди,
Ўйди қовоғин.
Уқала, деб
Чўзди оёғин.

Бургут томон,
Барча тикилди.
Утирганлар
«Хо-хо»лаб кулди.

Унинг ранги
Кетди бўзариб.
Таҳқир кўксин
Борарди ёриб.

Вужудида
Сезди у малол.
Қўлга олди
Ўзини дарҳол.

Одамларга
Термилди ёна.
Бўлиб ўтган
Ушбу ҳангома,

Тегди Бургут
Иззат-нафсига.
Сўнг ўқрайиб,
Басма-басига,

Шарт бурилиб,
Кетди, еб азоб.
Заминдор-чи,
Қолди дарғазаб...

* * *

Қайси бир кун
Тарқалди миш-миш,
Қишлоққа ёв
Келаётганмиш.

Эл бағрида —
Аянчли ингрок.
Заминдорни
Босди қалтирок.

Хавфсираб у
Молу мулкидан,
Амалию
Узун илгидан

Буйруқ берди:
«Жарчилар, алҳол,
Ёвқурларим
Чорлангиз дарҳол.

Содиқ бўлса,
Ким бу масканга,
Тайёрлансин
Беомон жангга»

* * *

Қир устида —
Қирдай бир махлук,
Девми деса,
Ухшамайди, йўқ.

Кўзларидан
Олов сачратар.
Қараб турсанг,
Кўнглингга ботар.

Оғзи эса
Ғордай, баҳайбат.
Юрт бошига
Келган касофат.

Елкасида
Ёли селкиллар.
Бошқача бир
Аждардир, аждар.

Пастда кўйлар
Ётар қирилиб.
Бургут титрар,
Ғазаби келиб...

* * *

Аждар бирдан,
Бургутни кўриб,
Ут пуркади
Бошин кўтариб.

Бургут қалбин
Қуршаб олди ўч
Ва чулғади
Ғаройиб бир куч.


Ташланди сўнг
Шердай ўқириб.

Аждар пуфлаб
Ташлади суриб.

Пуфлаши-чи,
Мисоли бўрон.
Силжигани
Бермайди имкон.

Камон тортди,
Кўзлаб кўзини.
Қонга белаб,
Аждар юзини,

Бамисоли
Момақалдирок



Гумбурлади,—
Даҳшатли ингроқ.

Қаҳри келиб
Тула важоҳат,
Ўрмаларди
Тезкор касофат.

Бургут ҳидин
Искаб, оҳ тортиб,
Дуч келганни
Домига тортиб...

Қасирларди
Бургутнинг тиши.
Олдин ўтган
Мардларнинг иши.

Едга тушгач,
Севинди ғоят.
Мадад бўлди
Тенгсиз жасорат!

Қиличини
Қиндан суғуриб,
Сўнгра бир оз
Энгашиб туриб,

Шундоқ, олдга
Кўндаланг тутди.
Аждар уни
Домига ютди.

Ўвуз Аждар
Тани тилиниб,
Қоқ иккига
Қолди бўлиниб...

Бургут бўлиб,
Ишидан шодон,
Терин артиб,
Боқди юрт томон!..

* * *

Заминдорнинг
Етти навқари,
Қўрқиб титрар
Симоб синқари.

Аждар ўлди,
Ўлгани аён.
Навқарлар-чи,
Севинди чунон.

Бургут қани?
— Ўлди у ноқас.
— Ўлди, ў-лди-и...
Қайта тирилмас.

Бунга чиндан
Ишониб улар,
Қишлоқ сари
Чопиб кетдилар.

Қачон келар,
Дея хушxabар,
Қишлоқ аҳли
Бургутни кутар!

* * *

Етти навкар,
Келди юриб ғоз.
Қишлоқ аҳли
Чиқишди пешвоз.

Навкарбоши
Гердайиб туриб,
Сўз бошлади
Томоғин қириб:

— Тепаликда
Аждар ётарди,
У хотиржам
Хуррак отарди.

Босиб бордик,
Сездирмай аста.
Сўнг битказдик,
Кунин бир пасда.

Бургут асли
Ўзи кўрқоқ-да,
Қочиб қолди
Бошқа қишлоққа.


Бургут-қочоқ!
Наҳотки?.. Сабаб?..
Кимдир ҳайрон,
Кимдир дарғазаб.

Уша куни
Қилишди қарор:
«Қайтиб келса
Ҳайдалсин беор!»

Мол-мулкини
Бўлишиб дарров,
Сўнг уйига
Қўйишди олов...

* * *

Бургут ғамнок,
Йўқ эди мажол.
Тутун ичра
Сурарди хаёл.



Сўзлаб берди
Онаизори
Бўлган гапни
Тутаб оҳ-зори:

— Ҳасадгўй кўп,
Кўпдир беимон.
Юрт ишонар
Уларга ҳамон?!

Халойиқ жим...
Бир сўз деёлмас.
Гўё оёқ
Остида чўп-хас.

Бургут ёнди,
Чекиб надомат.

Устун чиқди,
Ахир, хиёнат.

Бўхтон ёққач,
Қадри — шаънига,
Бундай ҳаёт
Тегиб жонига,

Чўлга томон,
Кетди-ку чопиб...
Сирли бир ўт
Егач у топиб,

Шамшир мисол
Қанот битибди.
Алам билан
Учиб кетибди.

Лаънат ўқиб,
Ёлғон турмушга,
Айланиб у
Улкан бир қушга

Булултарни
Кесиб борарди.
Дарди кўнглин
Эзиб борарди.

Уз-ўзига
Ненидир сўзлар.

У кимсасиз
Жойларни излар.

Кўринди, ҳу
Юксак қоя ҳам.
Яшайин, деб,
Ёлғиз, хотиржам

Одамлардан
Учди у йироқ.
Энди Бургут
Тинмай чекар оҳ!..

* * *

Куйиб қаллоб,
Номард дастидан,
Учиб ўтар,
Қишлоқ устидан.

Дардин ютар,
Асло айтолмас...
Одам бўлиб,
Ортга қайтолмас?!

Томирида
Юрт ишқи оқар.
Қоялардан
Соғиниб боқар!..



Меҳрибон Қобулова

Яшнар

Синглим Яшнар,
Барвақт турар.
Сўнг тез бошлар
Физкультура.
Айтар сўзи:
— Бир, икки, уч...
Яшнаб юзи,
Йиғади куч.
Бир кун тизди
Ўйинчоғин.
От, фил, қуён,
Қўғирчоғин.

Деди: — Ҳозир
Йиғамиз куч.
Қўл кўтаринг,
Бир, икки, уч...
Ўйинчоқлар
Тек турарди.
Яшнар эса
Дўк урарди.
Кор қилмагач
Айтган сўзи,
Йиғлаворди
Бирдан ўзи.

Ленин

Ленин доим биз билан
Бирга яшар юракда.
Миллион ўғил-қиз билан
Ҳамроҳдир соф тилакда.

Ленин доим биз билан
Бирга қадам ташлайди.
Дунё халқин нурафшон
Коммунага бошлайди.

Қорақалпоқчадан
Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ таржимаси

Ҳабиб Раҳмат

Мардлик

Ташқари чиққан заҳот
Боғча опа бир онга,
Буни кутган болалар
Тушдилар тўполонга.

Зир югуриб тойчоқдек,
Бир-бирларин қувлашар.
Бўлиб роса ур-йиқит,
Ирғишлашиб, хезлашар.

Бу ҳам камлик қилгандай
Отишдилар ўйинчоқ.
Боғча опа анграйиб
Қолди қайтиб кирган чоқ.

Уни кўриб болалар
Жим бўлишди, жуда тез.
Ўтирдилар жой-жойга,
Ҳеч ким очолмас оғиз.

Гуноҳкордай бош эгиб,
Ҳамма тишлаган тилни.
Боғча опа айланиб
Салим ёнига келди:

— Қани, тур-чи бурчакка,
Тўполонга сен айбдор...
Барчага бир-бир боқиб,
Турди секин «гуноҳкор».

Ҳайрат ва ҳавас тўла
Кўзлар унга қадалди.
Ҳамманинг айбин-юкин,
Ахир, Салим кўтарди...

Қуруқ ҳимоячи

Йиғлаб кирди қуёнча,
Акасин қаҳри келди.
Дағдаға билан сўрар:
— Ким сени хафа қилди?

— Қўшнимизнинг боласи
Ўзи, менинг ўртоғим.
Қачон, кўрдим дегунча,
Чўзиб қочар қулоғим.

— Қаерда у? Мен, ҳозир,—
Ирғиб турдию шартта,—
Бир адабин бермасам,
Юрибсан-да, сен латта.

Ўзи қандай, мендайми,
Ўша зўр, ўйинқароқ?
— Нима десам экан-а!..
Сиздан бир оз каттароқ.

— Ҳм... шундай де,— акасин
Важоҳати йўқолди.
Нимагадир бўшашиб,
Индамай қўя қолди.

Тўғрилиқ

Синфдоши Рустамдан,
Роса қилди гинани:
— Ургилдим сендай дўстдан,
Изза қилдинг одамни.

Дарсга келдим кечикиб,
Зўр важ топдим, кўрдинг-а.
Сўрасалар муаллим,
Сен-чи, «ёлғон», деддинг-а.

Яна дўстмиш, шундай пайт
Не қиларди ён боссанг.
Бир марта-я,
Бир марта.
Кетармиди асақанг?

— Нима десанг деявер,
Шудир менинг бўлганим.
Ёлғон гапга хушим йўқ,
Мен, айтаман кўрганим.

Николай Красильников

Билағон қиз Ойсара

Ойсара дер: — Олдиндан
Об-ҳавони биламан.
Ишонмасанг, олдимдан
Кетма, айтиб бераман:

Узунқанот қалдирғоч
Учдими ер бағирлаб,
Демак, тезроқ уйга қоч,
Емғир ёғар шағирлаб.

Тилла кўнғиз учмаса,
Гулга кўниб ухласа,
Денгиз тўлқин урмаса,
Қизиб кетар кун роса.

Билиб кўйинг, болалар,
Ойсара ақлли қиз.
Унга амма, холалар
Ҳайрон қолишмас бежиз.

Қизлар дейишар унга:
— Бўлсанг агар билағон,
Айтгин-чи, Тўлан нега
Жуда хафа, паришон?

Ойсара дейди: — Буни
Билиш жуда осон-ку.
Хафалигин боиси,
Ёмон баҳо олган у.

Менинг жимит укажоним

Менинг жимит укажоним,
Ярим ёшга ҳам тўлмаган.
Укажоним — тану жоним,
Кўп жойларни у кўрмаган.

Аравача ичида мен
Сайр эттириб йўрттираман.

Биз юрган йўл боғу роғу
Гастроном ёнгинаси.
Укажоним вақти чоғу
Йўқдир мендан ҳеч гинаси.

Хурсанд бўлиб ўссин доим,
Боғча, мактаб бўлсин жойи.

Мен каттаман, ҳар қаерда
Унга ҳамдам, мададкорман.
Дейман: — Сенга ҳамма ерда,
Ҳар ишингда доим борман.

Тишсиз оғзин очиб кулар,
Унга гапим ёққан бўлар.

Укажоним ўсиб-ўсиб,
Космонавт ҳам бўлар, балки.
Юлдузлардан, ойдан ўзиб,
Завқу шавққа тўлар, балки.

— Сиғаманми мен кемангга? —
Десам бошин силкир менга.

Фазоларда учамиз биз,
Юлдуз каби кемамизда.
Шунда ерни эслармиз биз,
Юлдуз бўлиб, чамамизда.

Шундай қилиб, укажоним —
Менинг бутун ҳаяжоним.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси

Раим Фарҳодий

* * *

Уйғотгил мени
Тонг билан боғбон.
Ариқлар очгай —
Қўлингда кетмон.

Шовуллаб турса,
Яшил новдалар,
Дилда хуш оҳанг
Майин чайқалар.

Майсазор бўйлаб
Хушбўй ялпизлар,
Таратиб турар
Покиза ислар.

Боғдаги гуллар —
Юксалган хаёл.
Ғунчалар лабин
Очмоқда шамол.

Баргларда худди
Синади қуёш.
Олмалар ғуж-ғуж,
Эгиб олган бош.

Менга касбингни
Ўргатгин боғбон.
Боғ бўлсин — ҳаёт,
Боғ бўлсин — жаҳон...

Олимжон БУРИЕВ таржимаси

Бахшулла Ражаб

Баҳона

— Бобо, бир вақт сиз ҳам мендай
Бўлганмисиз кичкина?
— Ҳа, бўлганман. Она қизим,
Бунни сўраб қолдинг нега?

Токчалардан сиз ҳам қанд-қурс
Олгандирсиз бир йўла?
— Ким ҳам қараб турар товоқ
Турса ширинлик тўла.

— Сўнг чиқариб бергандирсиз,
Болаларга улашиб?
— Бирга баҳам кўрар эдик,
Ҳамма қувнаб, дўстлашиб.

— Урра! Қаранг, бугун мен ҳам
Сиздай бўлдим, урра, денг.
Ойимларга бу гуноҳ-чун,
Дурдонани урма, денг.

* * *

Шамол турди, билмайман,
Недан чиқди ўт-олов?!
Мактабимиз омбори
Енди хасдек беаёв.

Кимдир стол-стулни,
Кимдир қалам-ручкани,
Кимдир оларди четга
Бўру парга, доскани.

Бурчакда-чи, глобус
Нажот қугиб ётарди.
Глобус — бу дунёмиз
Гўё ўтда ёнарди.

Мен уни даст кўтардим,
Ериб ўтли ҳавони
Ва оловнинг бағридан
Олиб чиқдим дунёни.

Ҳамидулла Муратов

Муғамбир

Онам тайинлаб кетди,
Ишни ташкил этамиз:
— Гулсанам, ҳовли супур.
— Товоқларни юв, Рамиз.

— Норбой, тезроқ суега чоп.
— Нонга боргин, Ойпопиш...
— Узинг нима қиласан?
— Менми? Тақсимлайман иш.



СССР ХАЛҚ
Артисти
ЛУТФИХОНИМ
САРИМСОҚОВА
ТУҒИЛГАН
КУНИНИГ
90
ЙИЛЛИГИГА

САҲНА — УНИНГ ҲАЁТИ

Саҳна ва санъаткор! Ўзбек совет саҳнаси...

Улуғ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан бошлаб Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Муҳиддин Қориёқубов, Аброр Ҳидоятлов, Мукаррама Турғунбоева...

Ўзбек совет театр санъати, қўшиқ санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшганлардан, ҳатто айтиш мумкинки, янги ўзбек совет театр санъатининг асосчиларидан яна бири Лутфихоним Саримсоқовадир. Унинг номини республика-мизда эшитмаган ёхуд бу санъаткорни танимаган одам кам топилади. Етти яшардан етмиш ёшгача — ҳамма уни ё саҳнада; ёки экранда, ҳеч бўлмаса телевизорда албатта кўрган. Ишонаманки, унинг юксак санъатига қойил қолган, тан берган, офарин айтган.

Мен ҳам эсимни таниганимдан бери Саримсоқова санъати билан ошманам. «Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», «Фарзандлар» фильмлари экранга чиққанида менинг тенгдошларим ҳали дала-дашда ўмбалоқ ошиб ўйнаб юрган, санъатнинг туб моҳиятини тушуниб етмаган бола эдилар. Аммо ҳаммамиз шу фильмлар хусусида гаплашар, айниқса, Лутфихон ая ижросидаги роллар ҳақида

баҳслашар эдик. «Сен етим эмассан»даги Фотима холанинг меҳридарёлигидан ҳайратга тушсак, «Фарзандлар»даги она сиймоси, айниқса, унинг ақлдан озиб қолиб, «Олиб кетинглар, мениям олиб кетинглар», деб ҳўнграб йўглаши қалбимизни ларзага солар эди. (Шу фильмни, ана шу кадрни эсласам ҳозир ҳам юрагим увишиб, йўглагим келиб кетади.) «Маҳаллада дув-дув гап» фильмидаги соддадил она-чи? Ҳар нарсадан ҳайратга тушиб, «Вой тиниб-тинчимаган одамлар-эй, нималарни ўйлаб топишмади-я», деган гапларидан завқланиб кулар эдик.

Лутфихон ая билан илк «танишувимиз» ана шундай бўлган.

Йиллар ўтган сари Аянинг санъатини чуқурроқ тушуна бордим. Бу эса ўз навбатида у кишининг ўзлари билан учрашиш, суҳбатлашиш иштиёқини туғдирди.

1976 йилнинг сентябрь ойи эди. Уша пайтда Аянинг 80 йиллик тантанасига тайёргарлик кўрилаётгани. Мен ўшанда «Ўзбекистон маданияти» газетасида ишлар эдим. Редакция топшириғи билан Аянинг уйларига бордим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, кечки пайт эди. У вақтларда Ая Кўкча даҳаси яқинида, яъни ҳозирги 1-шифохона атрофидаги ҳовлилардан бирида яшар эди. Тўғриси, мен ҳовлига, Аянинг уйига кириб, аввалига ҳайрон бўлганман. Ғоят камтарона, оддий турмуш. Ҳеч қандай ҳашам, безак, жимжима, ортиқча жиҳозлар йўқ. Торгина, шинам ҳовли. Ҳовлига сув сепиб, сўрига гилам тўшалган. Аянинг турмуш ўртоғи Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон Тожизода — ўшанда ҳаёт эдилар...

Ўшанда Ая билан ҳам, Муҳаммаджон ота билан ҳам узоқ суҳбатлашдим, турли газеталарни, суратларни кўрсатишди... Дарвоқе, эл-юрт ўртасида машҳур одамларни биз кўпинча жуда мағрур, баландпарвоз, унча-мунча киши билан гаплашиб ҳам ўтирмаса керак, деб ўйлаймиз. Аслида бундай эмас. Касбим тақозоси билан республикамизнинг ва қардош республикаларнинг бир неча атоқли адиблари, санъаткорлари билан суҳбатда бўлганман. Уларнинг аксарияти жуда оддий, камтар, самимий... Назаримда, Ая уларнинг ҳаммасидан кўра камтарроқ, соддароқ кўринди. Ҳатто мендан бир оз тортингандай, эркин гапиролмаётгандай туюлди.

У кишининг суҳбатини тинглаб ўтириб, Ая яратган образларни кўз олдимга келтираман. Қаҳрамонларидоги жиддий қатъият, ҳатто айтиш мумкинки, эркакча хатти-ҳаракатлар (Мастура сатанг образини эсланг), кесиб-кесиб гапириш... Эҳтимол, санъаткорнинг маҳорати шудир, балки Ая саҳнани-саҳна, ҳаётни-ҳаёт, деб билишининг натижасидир. Ахир, баъзи «артист»лар ҳаётга ҳам саҳна нуқтаи назари билан қарашларини биламиз-ку. Мен бу ерда камтарликни, одамийликни, самимиятни назарда тутаяпман...

Қисқаси, ўша суҳбатдан олам-олам таассурот билан қайтдим. Шундан кейин яна бир неча марта Ая билан гоҳ юзма-юз, гоҳ телефонда суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим...

Эсимда бор: ўша йили кузда Муқимий номидаги музикали драма театрида Аянинг 80 йиллик тантанаси кенг нишонланган эди. Атоқли санъаткорлар, Аянинг шогирдлари, ҳамкасблари, қардош республикалардан келган санъаткорлар у кишини муборак ёши билан қутлаган эдилар. Ўшанда Аянинг севинчи чексиз эканлиги унинг чеҳрасидан, мулоийм боқишларидан билиниб турарди. «Агар совет ҳукумати, жонажон партия бўлмаса мен учун, менга ўхшаганлар учун бундай иззат-ҳурмат, эътибор қаерда эди», деб ўз миннатдорчилигини изҳор этгани ҳамон ёдимда.

Меҳрибони бор

Мен бир қаро кунда туғилдим,
Туғилдим-у, шу он бўғилдим.

Ҳамид Олимжоннинг бу сатрлари Октябрь инқилобидан олдинги оддий меҳнаткаш ўзбек оилаларида дунёга келган фарзандларнинг ҳолу аҳволини ифода этади. Лутфихон аянинг болалиги ҳам ана шундай шароитда ўтди. У ҳали ақлини таниб-танитай ота-онасидан айрилди. Оқибатда кишилар эшигида сарсону саргардон кезишлар бошланди. Кейинчалик уни ҳоласи ўз тарбиясига олди. Лекин... Бахт ҳам, ташвиш ҳам эгиз бўлади дейишади — орадан кўп ўтмай Лутфининг ҳоласи ҳам қазо қилди. Яна одамлар эшигида санқиш, бир бурда нон учун қимларнингдир қўлига жавдираб термулиш...

Бу ҳам етмагандай уни ўн уч ёшида эрга бериб юборишди. Ўн уч ёш-а! Мана «туғилган заҳоти бўғилган кунлар». Ҳали кўчада ҳаммомпиш ўйнаб, капалаклар

қувлаб, лолақизғалдоқ териб юриши лозим бўлган қизалоқ рўзғор ташвишини чекиши керак. Нақадар жаҳолат! Муҳаббат, севги шавқидан баҳраманд бўлиш у ёқда турсин, ҳали бу сўзларни эшитиб улгурмаган қизча ҳаётнинг бешафқат қонунларига рўбарў келса!

Аслида бундай қисмат фақат ота-онасиз етим-есирларнинг эмас, балки ўша даврдаги деярли барча хотин-қизларнинг ҳам бошида бор эди. Бошқача айтганда, бу инқилобдан олдинги замоннинг, яъни феодализмнинг иллати эди. Оқ ит, қора ит — бари бир ит, дейди халқимиз. Демокриманки, феодализм ҳам, капитализм ҳам ваҳшийликда бир-биридан қолишмайди. Яқинда газетада Америка Қўшма Штатларида бўлган бир воқеани ўқидим. Бир қиз аввалига порнография билан шуғулланибди, фоҳишалик қилибди. Охири кучли наркотик чекиб, ҳаётдан кўз юмибди. Даҳшатли жойи шундаки, ўша қиз бор-йўғи ўн икки ёшга кирган экан. Ўн икки ёшга киргунча шунча «иш»ларни бажаришга улгурибди. Ёхуд америкалик Саманта Смит-чи! Тинчлик тарафдори бўлиб чиққан бу қизалоқнинг ҳаёти нима билан тугагани ҳаммамизга аён-ку. У бизнинг мамлакатимизга келганидан, социализмни ўз кўзи билан кўрганидан фоят шод эди. Самантанинг фожиали ўлими мамлакатимиз халқлари, хусусан болалар кўзига ёш келтиргани бежиз эмас.

Мана, империалистлар оғиз кўпиртириб мақтаётган жамиятнинг аҳволи! Шундай пайтда социалистик тузум, унинг ҳар бир куни янада қадрлироқ эканини ҳис этмаймизми? Бунга Лутфихон аянинг, ўнлаб лутфиларнинг ҳаёти ёрқин мисол.

Лутфихон зўрма-зўраки «барпо» бўлган оилани тарк этди. Тарк этди-ю, ўйлаб қолди. Хўш, энди нима қилиш керак? Қаерга, кимнинг олдига борсин? Оиладан воз кечди, аммо замондан-чи? Ундан воз кечиш, уни тарк этиш мумкинми? Бунинг учун Лутфи ожиз эди, албатта. Бироқ қафасдан учиб чиққан қуш ўзини қайта қафасга урмайди. Лутфи ҳам қафасдаги қуш эди — у шу қафасни ёриб чиқди. Майли, зарҳал идишларда овқат ичмайди, кимхоб кийимлар ҳам керак эмас. Майли, кишилар эшигига саргардон бўлсин, майли, оч-наҳор қолсин. Лекин қайтиб бормайди. Жони омон бўлса бир куни ўтар. Зеро:

**Олтин қафас ичра қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.**

Лутфининг бу оиладан чиқиб кетиши ўз озодлиги, эрки учун кураши сари қўйилган илк дадил қадам эди. Энди ўзининг тақдири, келажаги учун ўзи курашишга аҳд қилди. Ана шу ният билан туғилган қишлоғидан бош олиб чиқиб кетди.

Йўл юрди-йўл юрди. Охири Қўқонга кириб келди. Қаерга боришини билмайди. Тўғри келган томонга кетаверди. Бозордан чиқиб қолди. Қадимий Қўқоннинг Чорсу бозори. Кун иссиқ. Очлик, йўл юриш ёш Лутфихонни ҳолдан тойдирган. Шилқ этиб йиқилиб тушганини ўзи ҳам билмай қолди. Муздай сувдан сесканиб кўзини очди. Рўпарасида нотаниш бир аёл турар эди. Бу Холниса деган дўппидўз аёл экан. У Лутфини уйига олиб кетди. Ўз ҳунарини унга ҳам ўргатди. Лутфи кечалари ашула айтиб, дўппи, кашта тикади.

**Сарғайган бу дарахтнинг
Соябони бормикан!
Куюб ёнган юракнинг
Меҳрибони бормикан!**

«Куюб ёнган юракларнинг меҳрибони»... бор эди. Аммо бундан Лутфи ҳам, у сингари бошқалар ҳам бехабар эдилар. Бу — меҳрибон — доҳий Владимир Ильич Ленин амалга оширган Улуғ Октябрь инқилоби эди. Орадан кўп ўтмай ана шу инқилоб тўлқини Туркистон ўлкасига, жумладан, Қўқонга ҳам етиб келди. Кечагина ўз ҳасрати, дарду аламларини қўшиққа солиб, аммо баралла айтолмай ўтирган Лутфи ва минглаб лутфилар энди бемалол қўшиқ айтиши мумкин...

Буюк устоз

Ая билан неча марта суҳбатлашган бўлсам, доимо Ҳамзанинг номини эҳтиром билан тилга олганининг гувоҳиман. «Устозингиз ким?» деган саволга ҳеч иккиланмай «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий» деб жавоб беради.

Ҳа, Лутфихон аянинг санъаткор бўлишида, эл-юрт назарига тушишида Ҳамза ҳал қилувчи ўрин тутади.

Инқилобдан кейин Қўқонда очилган хотин-қизлар клубига Лутфихон ҳам тез-тез қатнаб турди. У янги-янги қўшиқлар ўрганар, ўзининг ширали овози билан

дугоналари олқишига сазовор бўлган эди. У қўшиқни берилиб, қалб қатларидан чиқариб куйларди. Узининг дарду аламлари, ҳасрати, туғилиб ўсган қишлоғига, қариндош-уруғларига бўлган соғинч туйғулари ашула оҳангига сингиб кетарди. Шунданми, у куйлаганда ҳамма сел бўлиб тинглар, дугоналари ундан янги-янги кўшиқлар айтиб беришини илтижо қилиб сўрашарди.

Бир кунни Лутфи қўшиқ айтаётганда, клубга Ҳамза кириб келади. Уни кўриб Лутфи ашула айтишдан тўхтайди. Аммо Ҳамза Ҳакимзода айтавер деб, имо қилгач, бироз тортиниб бўлса-да, қўшиқ куйлайди. Шу-шу у Ҳамзанинг назарига тушади. Инқилобчи шоир Лутфихон билан тез-тез суҳбатлашади, унинг тақдири билан қизиқади, ўзининг кўшиқларидан ўргатади, Ҳамзанинг таклифи билан Лутфи Қўқон театрига ишга қабул қилинади. Бу даргоҳда ўша кезлари Миршоҳид Мироқилов, Муҳиддин Қориеқубов, Тамарахоним сингари ўзбек совет санъатининг қалдирғочлари меҳнат қилишарди. Улар Лутфини ўз давраларига оладилар.

— Ҳамза билан танишмаганимда, у киши менга йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳат бермаганида тақдирим нима кечарди — билмайман, — дейди Ая ўша кунларни эслаб.

Ҳа, Октябрь инқилоби ғалаба қилгани билан социализмни барпо қилиш осон кечмади. Хусусан, бизнинг ўлкада — ҳали феодализм ҳукмрон бўлган жойда янги турмушни жорий қилиш осон эмасди. Хотин-қизларнинг саҳнага чиқиши эса тасаввурга сиғмайдиган гаплар эди. Ҳатто ўттизинчи йилларгача бу қараш қатъий тус олиб турди, неча-неча қурбонлар бўлди. Турсуной, Нурхон... Эндигина ўн олти ёшга кирган Нурхонни ўз акаси йигирма тўққиз жойидан пичоқ уриб ўлдирди. Ғузорлик Майна Ҳасанова-чи! Унинг фаолияти ҳали-ҳануз тилларда дoston. Бу жасур қиз советлар ҳукумати учун хизмат қилишни ўз жонидан, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёш умридан афзал кўрди.

Бу қаби жасоратли қизлар олдида ҳамиша таъзим қилсак арзийди.

Ана шундай шароитда саҳнага чиқиб ашула айтиш, рақсга тушиш, образ яратиш — жасорат, йўқ, жасорат камлик қилади, қаҳрамонлик эди! Лутфихон ая ана шундай қаҳрамонлардан бири. Буларнинг аксариятига оташнафас Ҳамза раҳнамолик қилди. Унинг юзлаб, минглаб шогирдлари қатори Лутфихон ая ҳам шогирдлик бурчини садоқат билан бажариб келди. Устоз қаламига мансуб асарларда роль ижро этганда, у яйраб кетади, бутун истеъдод ва маҳоратини ишга солади. «Нурхон»даги мушфиқ она, «Холисхон»даги Мастура сатанг, «Майсаранинг иши»даги уддабурон Майсара образлари бунга мисолдир...

— Мен ва менга ўхшаган қанчадан-қанча хотин-қизларнинг санъаткор бўлиб етишувига, янги турмуш сари дадил боришида устоз Ҳамзанинг хизматлари беқиёс, — дейди Ая. — У киши ҳам бевосита ёрдами, ҳам асарлари билан бизларни тарбиялади, сабоқ берди.

Келди очилур чоғи

ўзлинг намoён қил,

Парчалаб кишанларни

ҳар томон паришон қил, —

дея даъват этди.

Ҳамза асарлари ўзининг замондошларинигина эмас, ундан кейинги қанчадан-қанча авлодни ҳам тарбиялади. Ҳозирги санъаткорларимиз ҳам Ҳамза асарларини саҳнага қўйишни, уларда роль ижро этишни шараф деб биладилар. Зотан, классик адиблар қаламига мансуб асарларни саҳнага қўйиш, улардаги образларни саҳнага олиб чиқиш — ҳар бир режиссёр ва актёр учун маҳорат мактабидир. Ҳамза яратган Ғофир, Жамила, Майсара, Ойхон, Холисхон, Рустам ва бошқа образлар ана шундай ўлмас қаҳрамонлардир. Ҳалима Носирова, Сора Эшонтураева, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев ва бошқа кўплаб атоқли санъаткорларимиз маҳоратининг такомилда Ҳамза асарларининг аҳамияти жуда катта бўлгани шубҳасиздир.

Эрксевар, адолатпарвар кишилар, социалистик тузум бор экан, Ҳамза асарлари боқий бўлиб қолаверади...

«Саҳна — менинг ҳаётим»

— Саҳна — менинг ҳаётим, мен бахтимни саҳнадан топдим, — дейди Ая. Чиндан ҳам Ая саҳнада қарийб олтмиш йил ижодий меҳнат қилди. Бу йиллар давомида қанчадан-қанча образлар яратди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос қиёфага, характерга, кўринишга, гапириш манерасига эга. Уларни сира ҳам бир-бири билан адаштириб, қориштириб юбориш мумкин эмас. «Ҳалима»даги Ҳалима, «Аршин мол олон»даги Гулчехра, «Маликаи Турандот»даги Маликаи Турандот, «Фарҳод ва Ширин»даги Ёсуман, «Гулсара»даги Она, «Олтин кўл»даги Жамол хола, «Истеъдод»даги коммунист аёл ва бошқалар. Мана шу рўйхатнинг ўзиёқ Лутфихон ая истеъдодидан дарак беради.

Бу образларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш мумкин. Чунки улар шунчаки ижро этилмаган, балки ҳар бири образ даражасига кўтарилган. Бошқача айтганда, образнинг туб моҳияти юксак маҳорат билан очиб берилган. Томошабин актриса яратган Ҳалима, Гулчеҳра, Лайли, Нурхоннинг онаси Кимё хола, коммунист аёл каби ролларга хайрихоҳ бўлса, Ёсуман, Мастура сатанг сингари образлардан даҳшатга тушади. Ёсуман Фарҳодга гул олиб келиши, буни сенга Ширин бериб юборди, деб Фарҳодга гулни ҳидлатиши ҳамда уни хушидан кетказиши ва у беҳуш бўлиб йиқилганда ғалати бир овоз билан кулишини эсланг. Унинг овози, кулгиси томошабин юрагига ханжар каби санчилади. Ёки Мастура сатангнинг «Эй, Норбойвачча, ҳалиям бўлса белбоғни рўмолга алмаштириб қўя қолинг», деган аччиқ киноялари-чи. Унинг гапларидан илон пўст ташлайди. Бу сўзларни айтаётган санъаткор ҳаракатларининг ўзиёқ олам-олам мазмунга эга.

Шуни айтиш керакки, Лутфихон ая бугун бу ролда, эртага бошқа ролда саҳнага чиқди, дейди. Томошабин уни дарҳол таниб ололмайди. Нега? Сабаби, актриса ўзи ижро этаётган образни обдон ўзлаштириб олади, яъни роль ўйнамайди, балки саҳнада ўша образ қиёфасида яшайди.

Театрдан чиққандан кейин эса яна ўзимиз билган ўша оддийгина Лутфихон аяга «айланади». Бу — санъаткор маҳоратининг намунаси. Ҳолбуки, шундай актёрлар борки, улар бизнинг замондош ролида чиқса ҳам, бошқа миллат вакилларининг сиймосида кўринса ҳам, классик асарларнинг қаҳрамонларини ўйнаса ҳам саҳнага чиқиши, бир оғиз гапириши биланоқ қайси артист эканлигини билиб оламиз. Чунки образларнинг ҳаммаси бир хил оҳангда гапиради, бир хил юради, бир хил кулади ва ҳоказо. Мен Лутфихон аяни томошабин дарҳол танимайди деганда, мана шу жиҳатларни назарда тутаялман. Аслида томошабин танийди, аммо ким ижро этаётганини, ҳатто саҳнадаги воқеалар спектакль эканлигини эсидан чиқариб қўяди. Маълум ролни маромига етказиб ижро этган артистни ўша образ билан аташга ҳам ўрганиб қолганмиз. Айтайлик, Аброр Ҳидоятовни — Отелло, Олим Хўжаевни — Навоий, Обид Жалиловни — Солиҳбой, Соиб Хўжаевни — Тошболта, Раззоқ Ҳамроевни — Насриддин Афанди ва ҳоказо. Ёки Вячеслав Тихоновни — Штирлиц, Михаил Ульяновни — Жуков, дегандай...

Лутфихон ая Қўқон театрларидан кейин Андижон театрига ишга ўтди. У ерда Комил Яшин (адабий эмакдош), Тўхтасин Жалилов, Соиб Хўжаев каби санъаткорлар билан танишди, ҳамкорлик қилди. Кейин Тошкентга — республика музикали драма театрига ишга келди. Бу пайтда унинг актрисалик маҳорати анча шаклланиб, тақомиллашиб қолган эди. Шу боис Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова сингари машҳур санъаткорлар билан партнёр бўлиб роллар ижро этишга унча қийналмади...

Республикамаизда опера театрининг очилиши Лутфихоним санъатининг янги қиррасини кашф этди. Энди у операларда партиялар ижро эта бошлади. «Эр-Тяргин»да Тама, «Наргис»да Ноз-Ноз партиялари актриса ижодий таржиман ҳолини безаб турибди.

Муқимий номидаги театр ишга тушгандан бошлаб Ая ўзининг ижодий фаолиятини шу санъат даргоҳида давом эттирди. Бу саҳнада неча ўнлаб рангбаранг образлар яратди. «Холисхон», «Нурхон», «Олтин кўл», «Кимга тўй, кимга аза», «Икки билакузук», «Мавлоно Муқимий» спектаклларидаги роллар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири фақат Саримсоқова ижодида эмас, айна чоқда ўзбек совет музикали драма театри тарихида ўчмас из қолдирди. Шу билан бирга, ёш санъаткорлар учун маҳорат мактаби бўлди.

Ая 1937 йилни алоҳида ҳаяжон билан эслайди. Уша йили Москвада ўзбек санъати ва адабиёти декадаси бўлди. Шу тантанада Лутфихоним «Фарҳод ва Ширин»да Ёсуман, «Гулсара»да Ойсара ролини ижро этди. Бу ҳақда «Правда» газетаси қуйидагиларни ёзган эди: «Х. Носирова, Тамарахоним, Л. Саримсоқованинг муваффақияти — большевиклар ғалабаси, паранжидан озод бўлган ўзбек хотин-қизларининг тантанасидир. «Гулсара» лирик драмасида улар ўз ҳаётлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Бу спектакль ўз озодлиги учун курашган, халқ душманлари билан мардонатор олишган ўзбек хотин-қизларининг тарихидир. Шуни айтиш керакки, спектаклда асар қаҳрамонининг онаси Ойсара ролини ижро этган Лутфихоним Саримсоқова катта драматик истеъдодга эга эканлигини намойиш этди».

Бунга ўхшаган қалб сўзлари турли газета ва журналларда қанчадан-қанча ёзилди: Зотан, саҳнада 16 минг мартадан кўпроқ турли қаҳрамонлар сиймосида чиқиш, фақат чиқиш эмас, уларнинг характерини яратиш — бу айтишга осон, холос. Аслида улар машаққатли меҳнат, тинимсиз изланишлар, уйқусиз тунлар ҳисобига қўлга киритилган...



«Маҳаллада дув-дув гап» фильмидан тасвир

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Ая нимагаки эришган бўлса, фақат меҳнат, машқ эвазига эришган. Чунки у на бир олий ўқув юртида, на бир махсус студияда таҳсил олган. Фақат ҳаётдан, устозлардан ўрганган, холос.

Экранда...

Ая ижодини фильмларда яратган образларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу — оммавий санъатга у 1931 йили Марғилон фабрикасида суратга олинган «Озод» фильмида суратга тушиш билан кириб келди. Шундан бери ўнлаб фильмларда турфа образлар яратди. «Қасам» номли илк овозли фильмда ҳам Ая роль ижро этган. «Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», «Иккинчи баҳор», «Ҳамза», «Стадионда учрашамиз», «Фарҳоднинг жасорати»...

Бу фильмлар орасида айниқса «Сен етим эмассан» алоҳида аҳамиятга эга. Ая ижро этган Фотиما хола образи ўзбек оналарининг меҳрибонлиги, болажонлиги, фидойилиги тимсолидир. Фильмни кўрмаган томошабин йўқ ҳисоби. Шу боис уни таҳлил қилишга ҳам ҳожат йўқ. Фақат бир нарсани эслатиш кееракки, Аянинг ўзи ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида бошпанасиз қолган гўдакнинг бошини силаган, ўз тарбиясига олган. Катя исмли бу қизчага Каромат деб ном қўйди. Ая уни оналик меҳри билан тарбиялади, ўстирди, вояга етказди. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Асқад Мухтор Улуғ Ватан уруши мавзудидаги бир шеърида «Ҳа, ҳа, ўша машҳур Лутфихон ая» деб бекорга ёзмаган эди.

Лутфихон ая саҳнада, экранда яратган барча образлари бизга эзгуликдан, одамийликдан сабоқ беради. Ижобий образлари ўрناк бўлса, салбий оразлари огоҳлантиради. Бошқача айтганда, Ая яратган образларнинг фазилатларини ўрганамиз, иллатларини эса такрорламасликка интиламиз.

Мен Белоруссияда бўлганимда, Минскдаги Улуғ Ватан уруши музейи залларини айланганимда, Рига яқинидаги Саласпилс концлагери ўрнида барпо этилган ёдгорлик музейини кўздан кечирганимда киноларда кўрганимиз,

китобларда ўқиганимиз Улуғ Ватан уруши воқеаларини эсладим. Айниқса, Саласпилсда фашистлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган болаларнинг қўлидаги номерларини кўриб юрагим увишиб кетди. Бу ажалхонада етти минг гўдак ваҳшиёна ўлдирилган. Шунда менинг ёдимга Ўрта Осиёга, жумладан Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар тушди. Ҳар қалай улар бахтли болалар экан. Ҳолбуки, қанча-қанча болалар эвакуация қилинмай қолиб кетган. Афсус...


«Сен етим эмассан» фильми, бу фильмдаги Фотима хола образи менга шуларни эслатди. Зотан, ўзбек халқи қанча бола бўлса жонига жойлар эди. Бинобарин, бу советлар мамлакати халқларига хос фазилатдир. Лутфихон ая ана шу хусусиятларни бўрттириб, ёрқин очиб бера олган санъаткордир.

Алқисса

Лутфихоним Саримсоқова санъат учун туғилган. Бугун эл-юрт унинг муборак 90 ёшини нишонлар экан, бу йилларнинг ҳар бири олам-олам маънога, воқеаларга бойдир. Ая уларни ҳаяжон билан эслайди. Қўқондаги фаол хотин-қизлар — Тожиҳон Шодиева, Тўрахон Иброҳимова, Тўтиҳон Мавлонбекова, Жаннатхон Обидова кўрсатган ёрдам, ғамхўрликлар Аянинг ёдидан сира чиқмайди. Ҳар бир роль устида ойлаб ишлаганлари ҳамон хаёлида. «Нурхон» спектаклидаги Кимёхон ролини сахнада уч минг беш юз марта ижро этганини эсласа, қувончдан кўзига ёш келади. Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР халқ артисти унвонларини олган кунлари кечагидек эсида. Партия ва ҳукуматимизнинг унинг кўксига Ленин орденини, Октябрь ревоюцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденларини таққанини миннатдорлик туйғулари ила хотирлайди.

Пластинкаларни қўйиб бир вақтлар ўзи куйлаган «Омон бўлайлик», «Жамбилхон», «Кулинг», «Ўзганча» каби ашулаларини тинглаганда, хаёллар уни узоқ ўтмишга олиб кетади. Бир вақтлар одамлар эшигида хор-зор бўлиб юрган, бурда нон учун кишилар қўлига мўлтираб термулган Лутфи бугун Лутфихоним бўлиб ўтирибди. Уни фақат шогирдларигина эмас, бутун санъат мухлислари Ая деб эъзозлайдилар. У киши шогирдлари, ёш санъаткорлар камолига қараб ич-ичидан севинади. Буларнинг ҳаммаси улуғ Ленин туфайли, у яратган доно Коммунистик партия, совет жамияти туфайли эканлигига минг бора қуллуқ ва таъзим қилади. Фақат бизнинг жамиятдагина ҳалол меҳнат кадр топишини шогирдларига ўқтиради. Яна шуни ҳам айтадики, фақат ҳалол, виждонан қилинган меҳнат кадр-қиммат топади. Енгил-елпилик, қўл учуда иш қилиш, мол-дунёга берилиш яхшиликка олиб келмайди, деб таъкидлайди. Кекса коммунист санъаткорнинг нафақат ўғитлари, маслаҳати, балки ҳаёти, ижоди ёшлар учун ибрат, бутун бир мактабдир. Бу мактабдан кўп сабоқ олди, ҳозир ҳам сабоқ олмоқда, бундан кейин ҳам сабоқ олувчилар кўп бўлади...

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ



Ҳабибулла Олимжонов

УМР ЧОРРАҲАЛАРИ

Куёш олов пуркайди. Тошкентнинг қишлоқ йўли чеккасида экинзор далалар, боғ-роғлар, дов-дарахтлар куёш ҳароратидан ҳолсизланган, лоҳас тортиб зўрға нафас олаётгандек. Сердарахт посёлкага кириб борганимда ҳароратнинг кучи қирқилгандек бўлди. Хонадонда эса иссиқ яна бир баҳя пасайди. Мен дараклаган одам сўри-каравотда ўтирар, тепаси ишком, атрофи олма-уриклар билан қопланган ҳовлига ёшгина қиз сув сепарди.

Бу одам, гарчи саксон тўрт ёшга кирган бўлса-да, унга нисбатан «чол» сўзи қандайдир ёпишмайроқ турибди. «Бобо» дейиш эса жуда ўринлига ўхшайди. Чунки, чол деганда кўз олдимизга нуроний, юмшоқ чеҳрали, соқоли кўксига тушган, баъзан эса кичиккина жуссали одам гавдаланишига кўникиб қолганмиз, шекилли. Абдумажит ота бунинг акси: юзи дағалроқ, қорувли, овози йўғон. Хуллас, бу кишининг қиёфаси майин эшитиладиган «чол»га эмас, жарангдор «бобо»га монанд.

Абдумажит бобо уззукун мана шу сўрида ўтиради, ёнбошлайди, ётади. Кўп йиллардан бери аҳвол шу: оёқлари аввалига ишламай қолди, тузалай деганида фалокат босиб аравачасидан йиқилиб тушди... Бобо болаларининг, набираларининг бахтини тилаб, кези келганда эса бахт нимадалигини, дунга қандай эришиш мумкинлигини ўқтириб, насиҳат қилиб ётади. Бу насиҳатни олган фарзандлар — тўрт қиз ва тўрт ўғил кам бўлмади, ҳаммаси жамиятда ўз ўрнини топди...

Бобо эса... мана шу жамият учун, мана шу бахтли турмуш, фаровон ҳаёт учун курашганлардан. Курашганда ҳам...

Унинг ота-бувалари асли Наманганнинг Тўрақўрғонидан. Улар тақдир тақозоси билан ўтган асрнинг охирларида Турбатга, у ердан эса Сайрамга кўчиб боришади. Абдумажит 1903 йили шу ерда туғилди. Бироқ болалик пешонаси ярқирамаган экан, беш ёшлигида отадан, тўққиз ёшида онадан етим қолди. 1919 йили Сайрам қишлоғида миш-миш тарқалди:

— Комиссия келганмиш, қизил аскарга йигитларни жўнатармиш!

Айримлар бу хабарни эшитиб ўзини кавакка урган бўлса, энди ўн еттига қадам қўйган Абдумажитнинг ўзи ўша комиссияни қидириб келди:

— Мени ҳам Қизил Армияга олинглар!

— Ёш экансан.

— Бақувватман-ку?

У бўлғуси аскарлар рўйхатиغا киритилди. Улар 120 чоғли йигит эдилар. Чақирилувчилар вилоят маркази Чимкентга олиб келинди, у ердан Искобилга (Фарғона) жўнаб кетишди. Уч кундан сўнг роталарга, взвод ва батальонларга бўлиндилар. Абдумажит алоҳида бўлимга олинди. Разведкачилар тайёрланажак бу бўлимда Рўзмат Ортиқматов, Алимбой Тошматов деган йигитлар, ўзбек тилини «сувдай» билладиган Валя ва Зоя исмли икки қиз ҳам бор эди.

17-полкнинг казармасида сартарошхона очишди. Рўзмат Ортиқматов сартарош, йигитлар ва қизлар унинг «шоғирдлари» бўлдилар. Сартарошхона эрта тонгдан шомгача ишлар эди. Йигитлар ва қизлар чопон-дўппи, ўзбекча кўйлак кийиб олиб кун билан бозорларда, чойхоналарда, вокзалда ва бошқа одам гавжум жойларда кезишади, босмачиларнинг қаердалиги ва қанақа режалар тузаётгани тўғрисида маълумот тўплашади. Кечқурун эса «иш жойлари» бўлмиш сартарошхонага келиб, маълумотлар умумлаштирилади, бошлиқларга етказилади, янги топшириқлар олинади. Бошлиқлар Баранов, Маслов, Пўлатов уларга ҳам амалий ҳаракат йўлларини ўргатишар, ҳам ора-чора назарий билимлар беришар эди.

Уқиш даври етти ойга чўзилди. Шу муддат ичида бўлим йигит ва қизлари ўнлаб босмачиларнинг қароргоҳи тўғрисида маълумот тўплаб, уларни қўлга олишда ҳам иштирок этдилар. Ғоввасой қишлоғида Қозибобо, Муллатош, Юсуф, Ашур ўғри каби босмачилар қуролсизлантириб, қўлга олинди.

Шундан сўнг улар йирикроқ ишларда қатнашиш учун Қўқонга жўнатилди. Худоёрхоннинг собиқ қароргоҳида жойлашган полк аскарларидан бир гуруҳига отлар учун Яйпандан пичан олиб келиш вазифаси топширилди. Бунга 200 от-арава ва 200 аскар ажратилди.

Бир неча чақирим масофа босиб, номозшомда икки чеккаси жўхоризор йўлга кириб боришди. Бу йўлдан анча ичкарилаб боришгач, бирдан ўқ овозлари гўмбурлади. Аскарлар босмачи пистирмасига дуч келиб қолишган эди, командир ўринбосари Рўздат Ортиқматов бор овози билан буюрди:

— Орқага қочинглар! Учраган босмачини отиб кетаверинглар!

Тўс-тўполон, бақирик-чақирик, гўмбурлаган ўқ овозларига темир қоплама, тахта ғилдиракли араваларнинг тарақ-туруғи кўшилиб, чанг-тўзон ичида ким босмачию ким қизил аскарлигини илғаб бўлмай қолди...

Қароргоҳга озчилик омон келди. Жанг майдонига қайтиб боришганида ҳаммаёқ жим-жит, фақат унда-мунда оғир ярадорларнинг инграши эшитилар, ўликлар эса тинчгина ётар эди...

Яна янги топшириқ олишди:

— Қўқонга, мачитга борасизлар, босмачилар номозга келармиш, тинглайсиз! Разведкачилар чопон кийиб, салла ўраб, муллаваччалардек сипо тортиб, намозга тизилганлар орасидан жой олдилар. Абдумажит олдинги қаторда эди. Намоз орасида шивир-шивирлардан босмачиларнинг ҳужум режасини, қачон ва қаердалигини «килиб» олди. Бўлажак жанг майдонига тўплар тортилди. Ёш разведкачининг маълумоти беҳато эди. Мўлжалланган дақиқада қишлоққа босмачи тўдаси бўри галасидек ёпирилди. Қулай жойларга ўрнатилган тўплар баравар тилга кирди. Олағовурда Абдумажит Парпи понсодагга рўпара келиб қолди. Бир неча кун олдин у чойхона яқинидаги тўқнашувда Абдумажитнинг ёноғига маузер билан туширган, Абдумажит кўпчилик орасидан зўрға қочиб қутулган эди. Ҳозир ўша манзара кўз олдига келди-ю, кўкрагида қасос тўлқини кўзгалди, понсодининг пешонасига кўндоқ билан солди. Парпи чалқанча ағдарилди. Уни тепиб ўрнидан турғазиб, олдига солиб ҳайдаб келди. Қизил аскарлар қароргоҳида понсода кўп маълумотларни берди...

Сўнг Қирғизистон чегарасидаги тоғларни қароргоҳ тутган босмачилар билан қаттиқ олишувлар бўлди. Бўстонликқача қадами етиб, халқни талаган қирғиз босмачи Султон Бойарислонни қўлга олишди... Қизил аскар Абдумажит Абдуҳакимов 20-йилларнинг сўнгида Сайрамга қайтиб келди. Бу ерда ҳам эски тузум қолдиқлари бўлмиш бойларни тугатишда фаол қатнашди. Шунда партия аъзолиги-га номзодликка ўтди. Партия ячейкаси раиси Ҳасан Рўзматовнинг ўзи уни тавсия қилди.

Собиқ қизил аскар, разведкачи А. Абдуҳакимов 1932 йили Саригоч район милициясида ишлаш учун юборилди. Унинг кейинги бутун ҳаёти мана шу ер билан, бутун фаолияти совет ҳукумати душманларини, ўғри ва муттаҳамларни тугатиш билан узвий боғлиқ...

Бошлиқ тонг-саҳарда уч ходимни кабинетига чақириб, қисқа ахборотни баён қилди:

— Бугун тунда қишлоқ фаоли Турлибекнинг уйига босқинчилар бостириб кирган. Ўзини ўлар ҳолатда тепкилашиб, уйдаги бор мулкни олиб жўнашибди. Улар кўпчилик — ўн киши атрофида. Тўда бошлиғи мушук териси ёқали пўстин кийган.

Сўнг топшириқ берилди:

— Вақтни ўтказмай топши керак. Йўқса, улар яна кўп одамларнинг бошига мусибат солиши мумкин.

Ким қаерда ҳаракат қилиши режасини тузиб, тезда тарқалишди. Абдумажитнинг бу кезларда аини куч-қувватга тўлган, ўн йилдан ортиқ босмачи ва бойларга қарши курашда тажриба орттирган, тоғни урса толқон қиладиган забардаст даври эди. Аллақандай майда тўдаларнинг қоронғида, пана-пастқамда кўрсичқондай пусиб, мана бунақа ярамас ишлар қилиб юриши ўнинг ғашини келтирар, қонини қайнатар эди. Жаҳлини босиб мулоҳаза юрота бошлади: «Мушук териси ёқали пўстин... ҳмм...»

У район марказининг ҳамма бурчакларини кезиб чиқди, бир неча кун ўтди. Йўқ. Шубҳали одамни топмади. Ҳатто унга ўхшаганлари ҳам учрамади. Қидираётган эса битта у эмасди, район милициясининг бир неча ходимлари ҳам оёққа турган эди.

Абдуҳакимов темирйўл станциясида у ёқдан-бу ёққа боравериб зерикди, босқинчилар ҳануз топилмаётганидан сиқилди-да, энди жўнаётган эди... кутиш

хонасида папирос чекиб турган бир киши диққатини тортди: эғнида мушук тери ёқали пўстин: Абдумажит унга яхшилаб тикилди. Тикилди-ю, вужудида қўққис ғалаён кўзгалди: бу ўша! Худди ўзи! Беформа милиционер ўзини босиб олиш учун ортига қайтди, ташқарига чиқиб совуқ ҳаводан нафас олди. Бир дақиқагина ҳаяжонини босиб, олишув режасини тузиб, хонага кирди ва тўғри «мушук ёқа»нинг олдига борди:

— Гражданин, ҳужжатларингизни бир кўрайлик?

Ҳалиги киши билинар-билинмас сескангандек бўлди, лекин буни сездирмасликка ҳаракат қилиб, деди:

— Ҳужжатлар? Қанақа ҳужжатлар?

— Паспортингиз ёки гувоҳномагиз?— қатъият билан салмоқлаб гапирди Абдуҳақимов.

— Сен кимсан ўзи, ўғлим?

— Мен...

Абдумажит ўзини таништиришга улгурмади, бусиз ҳам уни таниб улгурган рақиб милиционернинг чакаги аралаш даҳанига туширди. Зарби бақувват экан, ўзига қаттиқ ишонгани учун унинг бунчалик қалтис ҳаракатини кутмаган Абдумажит ўтириб қолди. Рақиби урра қочди. Абдумажит ўрнидан тура солиб, уни қувиб кетди. Зумда станциянинг милтираган чироғи ортда қолиб, зим-зиё қоронғилик бошланди. Темирийўл бўйлаб қочиб бораётган рақиб қуваётган киши ортда қолмаётганини кўриб, йўналишини ўзгартирди: ён томонга, пастликка югурди. Абдумажит кетма-кет қичқирди: «Тўхта, отаман!» Рақиб тўхтамади. Яна кўз очиб юмгунча, у чакалак ичига ғойиб бўлиши тайин эди. Абдумажит ўқ узди...

Бир соатлардан сўнг «мушук ёқали кўрбоши» милиция бўлимида оператив группа аъзоларининг суроқларига жавоб бериб ўтирар, дамба-дам ўқ еган оёғини ушлаб, афтини бужмайтириб қўярди...

Эртаси куни тўданинг бошқа ҳамма аъзолари ҳам қўлга олинди. Улар террорчилик мақсадини кўзда тутган хавфли унсурлар бўлиб чиқди.

Бу воқеа милиционер Абдуҳақимовни бутун районда танитди, ҳамкасблари ўртасида бир дунё эътиборга сазовор қилди.

... 1934 йилнинг баҳор кунларидан бирида Абдумажит иш жойида оператив маълумотлар билан шуғулланиб ўтирганди, эшик тиқиллади.

— Кириш!— деди у қоғозлардан нигоҳини узиб бошини кўтараркан.

Хонага ўрта яшар, ўрта бўйли, одмигина кийинган одам кириб келди. Унинг ҳадиқсираброк туришидан бирор муҳим хабар билан келганини пайқаган Абдуҳақимов тезда ўрнидан турди-да, қўл бериб самимий кўришди, ўтиришга жой кўрсатди. Агар шундай қилмаса, бу одам чўчиб ё шубҳаланиб, айтмоқчи бўлган гапидан тониши мумкинлигини Абдумажит ҳис этган эди.

— Эшитаман сизни, биродар,— деди у янада самимийроқ бўлишга ҳаракат қилиб.

— Менинг исмим Даир,— дея дадилланиб гап бошлади келувчи,— «Тунка-рис» колхозидаги тегирмонда тегирмончи бўлиб ишлайман. Бугун ун торттиргани келган одамларнинг гапи қулоғимга чалиниб қолди: бу кеча қуролланган босқинчилар колхоз раиси Усмоновнинг уйига бостириб киришармиш, мол-мулкини ўмариб, ўзини ўлдиришармиш. Тўданинг бошлиғи Мапулбек Барлибоев экан, уларнинг орасида Камол дегани ҳам бор.

Абдумажит қаршисидаги бу одамнинг ахборотида зарра ёлғон йўқлигига у ишонди, чунки юқоридаги иккала ном ҳам унга таниш, шубҳали «рўйхат»даги одамлар эди!..

— Раҳмат сизга, Даир ака, минг раҳмат!— деди у келувчининг елкасига кафтларини қўйиб.— Сиз ҳақиқий инсоннинг ишини қилдингиз.

— Фақат,— дея кўзларида хавотир билан ўрнидан тураркан, унинг гапини бўлди тегирмончи,— менинг бу ерга келганимни...

— Хотиржам бўлинг!— деди Абдумажит унинг гапини бўлиб жилмаяркан.— Бизда, биласиз-ку, гап ташиш бўлмайди. Иш қилиш керак, иш. Иш эса, тиқилиб ётибди!

— Балли сизга, иним,— деди тегирмончи кетишга шайланиб,— мен сиз ҳақингизда кўп эшитганман, бугун мана, баҳонада ўзингизни кўриб турибман.

Абдумажит шу заҳоти жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Хохлов номига қисқа ва лўнда рапорт ёзиб, унинг ҳузурига кирди. Иккаласи ўтириб оператив режа тузишди-да, район милицияси бошлиғи Сапегин кабинетида ҳозир бўлишди. Бошлиқ режани тасдиқлади...

Кечқурун Абдуҳақимов билан Хохлов колхозда раис Усмонов билан биргаликда маслаҳатлашиб, колхоз фаолларидан иборат 20 кишилик отряд туздилар. Улардан тўрттасига ов милтиғи топиб берилди, қолганлар болта, теша каби қўлбола қуроллар билан қуролланди. Отряд аъзолари раиснинг уйи атрофидаги «пистирма»ларни эгаллади.

Худди Даир айтган вақтда, соат иккида раиснинг уйи олдига юзига қора тутган бир киши келди. У ёқ-бу ёққа аланглади-да, уйга кириш ўрнига ортига қайтиб кета бошлади. Абдумажит саросимага тушиб қолди: «Наҳотки бу бўри ҳид сезган бўлса?» «Нима қилиш керак?» «У ҳид сездимми ёки хавф йўқлиги тўғрисида шерикларига хабар бергани кетяптими?» «Шериклари қаёқда ўзи?» Отряд аъзоларига командасиз ҳужум бошламаслик тайинланган эди. Бироқ, Абдумажит ва Хохлов шивирлашиб бир маслаҳатга келиб улгурмасидан, бирдан ўқ овози гумбурлади. Анча олислаб улгурган бояги шарпага ўқ тегдими ё кўрқувданми, ўзини ерга ташлади.

Бирпасда ҳаммаёқ олатасир бўлиб кетди: босқинчилар шу атрофда экан. Тумтарақай қочишди. Ур-ҳа-ур дея қичқириб қувлаш, бақирқиққа қўшилаётган ўқ овозлари ҳаммаёқни тутиб кетди!..

Абдумажит «наган»дан отган ўқ бир босқинчини қулатди. Бояги биринчи ўқдан қулаган ўлди, бу эса, хайрият, тирик. Абдуҳақимов унинг оёғини мўлжалга олган эди, янглишмабди. Бунинг устига, бу ярадор ашаддий безори Камол бўлиб чиқди. Уни аравага жойлаб, район милициясига олиб кетишди. Қолганлар қоронғилик бағрига сингиб, жуфтани ростлаб улгуришган эди. «Ҳечқиси йўқ, мана бу ҳаммасини билади, бу тўда бошлиғининг «муовини». Айтади, ҳаммасини айтади. Айтмай ҳам кўрсин-чи...»

Эртасига Абдуҳақимов, Хохлов ва яна икки милиционер босқинчилар тўдасининг бошлиғи Барлибоевнинг уйига боришди. Юракликданми, фаросатсизликданми — у кечаги воқеадан сўнг хотиржам уйда ётган экан. Қўлларини кишанлаб, район милиция бўлимига олиб келишди. Сўнг, бу иккаласидан олинган маълумотлар бўйича бориб, тўданинг қолган ўн аъзосини ҳам қўлга олдилар. Тинтувда улардан иккита тўппонча, учта кесма милтиқ ва иккита милтиқ топилди.

Терговни ҳам Хохлов билан Абдуҳақимовларнинг ўзлари олиб боришди. Вилоят суди жиноятчиларнинг ҳар бирини 10 йилга озодликдан маҳрум этиб, мол-мулкларини мусодара қилди.

Абдумажит бир операцияни эндигина яқунлаб поёнига етказган ҳамона янги топширқ олар эди. Бугун ҳам бошлиқ унга қуйидаги ташвишли вазифани юклади:

— Абдуҳақимов, биласан, районда мол ўғрилари жуда кутуриб кетишди. Бу иш билан ўзинг шуғулланмасанг бўлмайдиганга ўхшайди. Кеча тайёрлов идорасининг базасидаги саройдан тагин битта сигир гумдон бўлибди.

— Бажараман, ўртоқ начальник!— деди Абдуҳақимов одатдаги ишчанлик билан. Бошлиқ бундан завқланиб ўрнидан турди, унинг қўлини қисди.

Аслида мол ўғриларининг районга, кимсан Абдуҳақимов ишлайдиган районга бориб қолиши, кунда-кунора одамларнинг, ҳали қаддини тиклаб улгурмаган колхозларнинг қўй-эчкиси, сигир-буқаси йўқолаётгани Абдуҳақимовнинг иззатнафсига тегиб юрган эди. Бу ишни бошлиқ унга топширгани айна мудоа бўлди.

Хўп, ишни нимадан бошлаш керак? «Ўғри осмондан тушмайди, ер тагидан чиқмайди. У атрофимизда, одамлар орасида. Ўғри кундузи бекорчи бўлади, кечаси изғийди. Хўш, бекорчилар кўпроқ қаерда вақт ўтказади? Албатта, соясалқин жойда, маишатда». Абдумажит катта кўчада шуларни ўйлаб бораркан, ўзидан ўзи истироҳат боғи олдига келиб қолибди. Боққа кириб, энг гавжум жой — пивохонага борди. Икки кружка пиво олиб, бир бурчакда ўтирди.

Ғирт бекорчилардек «лалайиб» ўтириб, пивони мириқиб симираркан, бирдан нигоҳи пиво ичаётган бир кишининг этигидеги... қонни илғади! Бир оз нафасини ростлаб олгач, бояги кишига яқинлашиб, қўлтиғидан олди.

— Ўртоқ гражданин, сиз мен билан юринг.

— Нима?!— деди у одам бир сапчиб тушиб.

— Мен билан юринг,— деди яна жиддий оҳангда шивирлаб Абдуҳақимов.

— Нега, сен кимсан ўзинг?

Абдумажит халқни тўпламаслик учун чўнтагидан гувоҳномани олиб кўрсатди. Пивохўр шу заҳоти сўлжайиб қолди, оёғини зўрға судраб, кўзига бало-қазодай кўринган «барзанги»га эргашди.

У, Саттор Қодиров, милиция бўлимида тайёрлов идорасининг базасидан йўқолган сигирни шериклари Карим Йўлчиев ва Эргаш Қолдибеков билан бирга ўғирлашганини айтиб берди. Абдуҳақимов «Далилий ашён»нинг изини йўқотмаслик учун дарҳол Утегеновни ёнига олди-да, Саттор айтган адресга — касалхона ёнидаги Рисқулбек деганнинг уйига кириб боришди. Саттор алдамаган экан, кечагина сўйилган сигирнинг гўшти ва калла-почалари шу уйда эди...

Сўнг, юқоридаги икки шеригини ҳам ўша кунидеъ топиб милиция бўлимига келтиришди, ҳар бирини битта-битта тергов қилишди. «Мен бундан бошқа мол ўғирламаганман», деб туриб олган Саттор навбатдаги терговда бирдан турки-тароватини ўзгартириб, Абдуҳақимовдан илтимос қилди:

— Агар ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб берсам, мени озод қилиб юборасизми?..

Саттор ваъда қилган муддатида келди, Абдуҳақимовнинг олдига кириб, қоғоз-қалам сўради. У тўрт кун ўтириб ёзди, бир неча дафтарни тўлдирди. Бу «қисса»да Тошкент яқинидаги Сариевоч, Келес, Калинин, Оржоникидзе районларида кейинги бир йил ичида юз берган деярли барча мол ўғирликлар тафсилоти битилган, ўндан ортиқ ўғриллар тўдаси аъзоларининг номлари, адреслари келтирилган эди.

Ўғирланган моллар эса Тошкентда, асосан битта йирик «точка»да — Пушкин номидаги истироҳат боғининг ошхонасида «реализация» қилинган. Ўғриллар ошхона директори ва бош ошпазнинг буюртмаси бўйича истаган молларни етказиб бераверган, улар арзон-гаров сотиб олиб, турли овқатлар, кабоблар тайёрлаб беш-ўн баравар фойда кўраверганлар. Абдуҳақимов бу иш билан шуғулланганда, ўзи учун қизиқ туялган айрим ипирисқи кашфиётлар очилди. Масалан, сигир — «тўнка», от — «девор», қўй — «ширин конфет», эчки — «аччиқ конфет» деб аталаркан. Улар орасида кўпроқ «Девор керакмас, тўнкани опке!» деган буюртмани эшитиш мумкин эди. От гўшти «ходовой» эмас, уни қишда фақат норин ва шилпилдоқларга ишлатилади, қази тайёрланади. Сигир ва қўй гўшлари эса ҳар кун тонналаб кетаверади. «Девор опке» деганда ўғрилларнинг жони кираркан: отни миниб қочаверишади, бошқа молларга ўхшатиб жон ҳовучлаб етаклаб юришмайди. Шунинг учун ҳам куз-қишда райком, райжроком, бошқа идораларнинг олдида боғлиқ турган отлар куппа-кундузи бедарак йўқолаверган...

Абдуҳақимов билан Утеганов ўғрилари ҳам, ошпазлари ҳам бирма-бир топиб ушлаб, Калинин район маркази бўлмиш Ачавотдаги милицияхонага қамайверишди. Маълум бўлишича, бу ошхона ўғрилardan юзлаб молни сотиб олган экан. Уларнинг ўз ушхонаси бўлган, шу ерда сўйиб гумдон қилаверишган. Ўғриллар эса 40 кишига етди. Улар устидан роса бир йил тергов ишлари олиб борилди. Сўнг область суди ҳар бирини 10—15 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди, мол-мулклари мусодара қилинди.

...1940 йил ёзда Чимкент область милиция бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи майор Серикбоев районга келиб, Абдуҳақимов олти ой муддатга «Қизилту» станциясига комендант қилиб тайинланганини айтди. Масала равшан эди: давлат бойлиги — ғаллани талон-торож қилиш, тўкиб-сочиш, ўғирлаш ҳодисалари кўпайиб кетди. Бундан хабардор Абдуҳақимов янги вазифани ўзига билдирилган яна бир ишонч деб қабул қилиб, хизматни сидқидилдан давом эттирди. Дарбоза, Жилға станцияларидаги ғалла тайёрлаш пунктлари ҳам унинг ихтиёрига топширилди.

Абдуҳақимов янги вазифада ишни объектларни ҳамда тайёрлов пунктлари ишчиларини ўрганишдан бошлади. Орадан икки ойча ўтгач, ёнғиндан сақлаш командасининг бошлиғи Петров билан бирга Жилға станциясига йўл олишди. Ғаллани сақлаш ахволини кўришлари керак эди. Текширишда, биринчи навли 200 қоп уруғлик буғдой очиқ ҳавода қолиб кетгани аниқланди. Шунча дон ёмғирда ивиб, сифати бирмунча бузилган эди. Улар акт тузишиб, омбор мудури Сайфуллинга топшириқ беришди:

— Тезда буларнинг устига брезент ёпасан!

— Хўп бўлади!

Бу ҳақда тайёрлов идораси директори Каргаполовга ҳам хабар қилиб, кўрсатма бердилар.

Орадан 15 кун ўтгач, иккиси «хўп бўлади» қандай бажарилганини текшириш учун Жилғага боришди. Ушқ кунги 200 қоп буғдой ўрнида йўқ эди.

— «Дарбоза» совхози олиб кетди,— деди Сайфуллин.

— Квитанциялар қани, кўрсатинг-чи,— сўради Абдуҳақимов.

— Квитанциялар... директор Каргаполов олиб кетди.

Абдуҳақимов Сайфуллиннинг овозида ва кўзларидаги хавотирни аниқ кўрди. Ахир, уни кўриш Абдумажитнинг касби-да... Шу заҳоти «қидирув ишлари»га киришиб, нарироқда турган соқчи Юсуповнинг олдига борди ва важоҳат билан сўради:

— Анови ердаги 200 қоп буғдойни қаёққа гумдон қилдинглар?

— Мен эмас, мен эмас,— деди ранги ўчиб кетган соқчи,— мен аралашмадим.

— Буғдой қани деяпман сенга?!— Абдуҳақимов қармоққа илиниб чиқаётган балиқнинг бошини сув юзида кўрган овчидек янада жадал ҳаракат қилиб, овозини бир баҳя кўтарди. Йўқса, балиқ сувга тушиб кетиши мумкин эди. Ана шундан кейин уни қайта тутгунча қанча овора бўлишингни кўравер.

Йўқ, у вазиятни бой бермади: Юсупов тилга кирди:

— Ҳов анави ерда,— у қўли билан этакни кўрсатди,— чуқур кавлаб кўмиб ташлашди.

— Ким қилди бу ишни?

— Каргаполов, Сайфуллин, Кузнецов, Кравченко, яна тўрт киши, кимлигини билмайман.

Абдуҳакимов район милициясига бориб, бу ҳақда рапорт ёзиб берди.

Эртаси эрталаб оператив вакиллар Утегенов, Сулаймонов билан биргаликда Жиғага қайтиб бораётиб, йўл-йўлакай дон тайёрлаш идораси раҳбарларини ҳам ўзлари билан бирга олишди. Улар 200 қоп ғалла кўмилган жойга борганларида айбдорларнинг ранги докадек оқариб кетди...

Мазкур иш бўйича 14 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Омборлардан жами 400 тонна ғалла, 20 тонна гуруч камомад чиқди, Каргаполовнинг уйи тинтув қилинганда, 500 қоп буғдой, бир неча центнер гуруч топилди. Уларнинг ҳар бири 10 йилдан озодликдан маҳрум этилди...

Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари... Қирқ тўртинчи йилнинг баҳор кунларидан бирида эрталаб Абдуҳакимов район милиция бўлимида навбатчиликни қабул қилиб олди. Орадан ҳечқанча вақт ўтмай телефон жиринглади. Нариги томонда район касалхонасининг катта медицина ҳамшираси Вера Свитова гапираётган эди:

—Касалхонамиз омборидан 6 кастрюлка, 4 чойнак, 20 темир тақсимча, 5 халат ва бир қоп қотган нон йўқолди.

Уша даврда бу айтилган нарсалар анча-мунча мулк ҳисобланарди, айниқса, беморлар учун аталган бир қоп сухари... Абдуҳакимов дарҳол милиция бошлиғи Игнатовга хабар қилди ва ўғриларни ўзи қидириш тўғрисида топшириқ олди. Навбатчиликни бировга топшираётиб, ишни нимадан бошлаш режасини тузди ва шу режа бўйича тўғри Калинин районидagi Келес темирйўл станциясига йўл олди. Вокзал биносига кирди. Билет олиш учун касса олдида икки эркак ва икки хотин турибди. Афтидан, уларнинг ҳаммаси бир-бири билан таниш. Уларнинг ёнида, сал нарида учта қоп, Абдумажит қопларга тикилиб, ичидагиларни — чойнак ва сухариларни «таниди». Тўғри уларнинг олдига бориб ҳужжатларини сўради. Маълум бўлишича, Кузнецов ва Егоров ўн йилдан «ўтириб», яқинда озодликка чиққан кишилар, аёллар эса уларнинг хотинлари экан. Шубҳага ўрин қолмаган эди. Шундай бўлса-да, эҳтиёт шарт, обдон текшириб кўриб, шубҳани исботлаб олиш учун уларни аввал жинроқ, Калинин район милициясига олиб бориб сўроқ қилди. У янглишмаган эди. Жиноятчиларни Сароғоч районига элтди.

Шу куни пешиндан оғанда у Игнатовнинг ҳузуринда ўтирган эди, кабинетга ветврач кириб келди:

— Уртоқ начальник!— деди у саломлашмасдан ҳам ҳовлиқиб,— бизда ишлайдиган фаррош Тукировани ўлдириб кетишибди. Бечоранинг еттита боласи бор эди, каттаси энди ўн тўртга кирган, уларнинг ҳаммасини ўлдириб кетишибди. Икки кундан бери Тукирова ишга чиқмаётган эди, хабар олай деб ҳозир уйига борсам, эшиги қулф. Ойнага қарасам, ҳаммаси ўлиб ётибди, ўртоқ начальник!

Ветврач эс-ҳушини йўқотаётган бир алпозда эди. У хабар қилган воқеани эшитиб, она-болалар бир уй бўлиб ўлиб ётганини кўз олдига келтириб, Абдуҳакимовнинг эши жимирлашиб кетди. Унда эса бунақа ҳолат камдан-кам бўларди...

Мурдаларни кўздан кечириб, протокол ёзишди ва ҳаммасини касалхонага жўнатишди. Игнатов қотилларни қидирув группасига Абдуҳакимовни бошлиқ қилиб тайинлади. «Бу кимнинг иши бўлиши мумкин? Албатта, Тукировада, бечораҳол бир аёлда бировнинг қасди бўлиши мумкин эмас. Эри ҳам нотавон, ишдан буйин товлгани учун икки ойдан бери милицияда ётибди. Мол-мулки ҳам йўқ. Демак, буни фақат энг пасткаш, иблис одамларгина қилишган. Улар фақат аёлнинг ожизлигини, ҳимоясизлигини ҳисобга олган, нимаси бор-йўқлигини олдиндан мўлжаллаб кўрмаган бегона одамлар бўлиши мумкин. Шошма! Боягиларнинг ишимасмикин бу?»

Абдуҳакимов миясига келган бу фикрдан жонланиб кетди. «Хўш, буни энди қандоқ билиш мумкин? Дабдурустан сўроқ қилсанг, ўлсаям бўйнига олмайди. «Кузнецов ва Егоров билан бир жойда қамоқ муддатини ўтаган, камомад учун қамалиб чиққан собиқ кассир аёл Цойни ишга солди. Аёл ёрдамлашишга рози бўлди.

Эртасига Цой келиб, «рапорт» берди:

— Мен, айтганингиз бўйича кечқурун уларнинг уйига меҳмонга бордим, икки шиша вино ҳам олдим. Кечаси, ўзимни ухлаганга солиб ётдим. Қайфи ошган Кузнецова билан Егорова узок алжираб ўтиришди. Гап орасида, 13 килограммгина жўхори учун бутун бир оилаи ўлдирилларини ачиниб «эсладилар».

Ҳа, бу ҳақиқат бўлиб чиқди.

13 килограмм жўхори учун...

Аччиқ ҳақиқат...

Урушнинг даҳшатли ҳақиқати...

Урушдан кейинги йилларда Абдуҳакимов Давлат Хавфсизлик комитетининг район бўлимида хизмат қилди. Қатор қочоқлар, хоинларни тутишда иштирок этди.

Абдумажит Абдуҳакимовнинг ҳалол, сидқидил меҳнатлари ҳақида турли вақтларда у билан бирга ишлаган, ҳозир ҳаёт бўлган бир неча собиқ бошлиқлар-

нинг характеристикалари ҳам гувоҳлик беради. Бу ҳақда унга берилган Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари, ташаккурнома ва раҳматномалар гувоҳлик беради...

...Шинам, озода, соя-салқин ҳовли. Томорқабоғга туташ бу ҳовлининг бир чеккасида, олма-ўрик дарахтлари тагидаги сўрининг бир чеккасида Абдумажит ака ёнбошлаб ётибди. Хоҳтахта устидаги дастурхон тўкин. Зеро, ҳамма хонадонда шундай. Бу — совет турмуш тарзи, совет воқелиги.

Бу воқеликка етиб келгунча эса қанча курашлар, қанча ошкора ва пинҳона жанглар бўлиб ўтди.

Ҳаётдан, умридан ризо бу одам қайси тоифа курашчига мансублиги билан ўзингиз танишдингиз, ҳурматли журналхон. Энди фақат бир нарса. Абдумажит отанинг пиру бадавлат эканини, фарзандлари — тўрт ўғил ва тўрт қиз отага муносиб, Ватанга муносиб кишилар бўлиб етишганини айтиб ўтиш жоиздир. Катта оиладаги фарзандлар ва келинлардан тўққиз киши олий маълумотли мутахассис; саккиз киши КПСС аъзоси. 1933 йилда дунёга келган тўнғичи Ойимхон Абдуҳакимова Москвада Тимирязев номидаги Қишлоқ хўжалик академиясини тугатган, Калинин райнида бош иқтисодчи бўлиб ишламоқда. Абдуҳамид ҳарбийда хизмат қилиб, полк командири лавозимигача кўтарилди, подполковник, пенсияга чиқди, ҳозир Жиззахдаги заводда инженер. Иккинчи ўғли Сароғочдаги автобазада шофёр, кейингиси Абдуғафур шу район ижроия комитетида масъул вазифада. Абдуқаҳҳор милиция капитани, Тошкент область ички ишлар бошқармасида катта инженер. Қолган фарзандлари ҳам ижтимоий меҳнат билан банд, ўзидан тиниб тинчиган... Агар ҳаммаси бир кунда ота ҳузурига йиғилишса, «ҳаммаёқ бозор бўлиб кетади». Йигирма икки неваранинг ўзи бир боғча...

— Бахт деганлари шудир-да,— дейди Абдумажит ота ҳаётига шукрона айтиб,— ёмонларга қарши курашдим, яхшиларни алқадим. Бу йўлда қанча-қанча сўқмоқларни босиб ўтдим. Фарзандларни ҳам шу руҳда тарбия қилдим. Шукр, меҳнатларим зое кетмади: ишимда ҳам, оиламда ҳам. Давлатга, касбимга хиёнат қилмадим. Ҳозирги бўлаётган ишларга қараб баъзан ҳайрон қоламан. Бир хил одамларнинг порахўрлигини айтаман-да... Ҳой инсон, эсинг жойидами ўзи — юз минглаб сўмни нима қиласан, гўрингга орқалаб кетасанми? Йўқ, бу — телбалиқдан бошқа нарса эмас. Оддий одамнинг телбалиги бир нав, амалдорнинг бунақа телбалиги жамиятни емиради-ку! Ахир, бу жамиятни қуришнинг ўзи бўладими? Минг шукрким, порахўрлар, кўзбўямачиларнинг пайи қирқилди. Уртоқ М. С. Горбачевнинг партия XXVII съездида, кейинги пленумларда гапираётган сўзлари — доно гаплар, инқилобий қайта қуришларга олиб келадиган гаплар. Минг раҳмат!..

QILQILAQ TALAP

1. Биринги асарингизнинг эвлон қилиниши тарихини гапириб берсангиз.
2. Сувосита ёзиш жараёни Сизда қай тарфиқа кезади? Ижодда „туртки“ деган тушунга бор. Масалан, Лев Толстой синиб ётган бутакўзни кўриши билан қалбда, шуурида тўсатдан „чакмоқ чаккану“ сизу биз яқши билладиган „Хажимурод“ деган аждойиб асарини ёзган экан. Сизнинг тажрибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз узун айниқса қадрли? Қайси бирдан кўнглингиз тўлмаган?
4. Ижодда кимни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив феожданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Гикаётган асарларингизнинг қайси камчилиги Сизни айниқса таъвишга солади? Ўз ижодингизда ҳам камчилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фозилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ёзағзи журналхонлар „фалон китобнинг фалон қаҳрамони ҳаётда борми ёки уни ёзувчи угидан тўқиб гикарғайми?“ деб сўрашади. Ҳаёт ҳақиқатининг бодий ҳақиқатга айланishiни ўз ижодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидга бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?

Ушбу сонда журналнинг анкета савол-ларига Евгений БЕРЕЗИКОВ ва Фарҳод МУСАЖОНОВ жавоб беради.

Евгений Березиков

1. Ижод билан ўн-ўн икки яшар болалигимдан шуғуллана бошлаганман. 1953 йили энг яхши шеър учун ўтказилган республика конкурсида менинг шеърим биринчи ўринга сазовор бўлди. Шеърят мени хазиналар дунёси — бадий ижод, мутолаа, хаёл ва фантазия оламига олиб кирди. Шу сабабли, мен ҳозир шеър ёзиш билан жиддий шуғулланмай қўйган бўлсам ҳам, барибир шеърятга бўлган ҳурматим чексиз.

Кейинчалик мустақил ҳаётда, ишлаб чиқаришда, комсомол ва партия ходими сифатидаги фаолиятимда юзлаб одамлар, характерлар, тақдирлар билан дуч келдим, уларни ўргандим. Шулар натижасида фикру хаёлимда инсон умрининг мазмуни, яшашдан мақсад ҳақида ўзимнинг шахсий хулосаларим тўпланиб, шакллана борди. Бир сўз билан айтганда, ана шу ҳаётини кузатишларим умумлашган ҳолда, насрдаги биринчи асарим — «Мен танлаган йўл» («Я сделал выбор») дунёга келди. 1971 йил «Ёш гвардия» нашриётида чоп қилинган бу китобимда мен мустақил ҳаёт остонасидан эндигина ҳатлаб кириб келаётган ёшларнинг кайфиятларини тасвирлашга интилдим. Китобнинг асосий ғояси — ёш ва ғўр йигитларнинг ички ишлар органларига ишга келиш сабабларини ёритиш, совет кишиларининг тинч ва ҳалол яшашларига, меҳнат қилишларига ҳалал бераётган баъзи ёт унсурларга қарши курашда ана шу ғўр йигитларнинг қандай чиниққанликларини очиб бериш эди. Бундан ташқари, мен илк китобимда жамиятимиздаги тартиббузарларга ўз муносабатимни билдирганман.

2. Мен ўн йиллар мобайнида Қашқадарё областида яшадим. Область партия комитетининг ходими бўлганим сабабли, хизмат тақозоси билан бу воҳанинг турли бурчакларида бўлдим, одамлар билан учрашдим, уларнинг турмуш тарзи билан танишдим.

Бу ўлкада қадимий, тарихий воқеалар билан, жанг-жадаллар билан боғлиқ не-не асотиру афсоналар йўқ дейсиз. Булар мен учун бутун бир хазинага тенг эди. Бу ердаги одамлар билан учрашиб, суҳбатлашсангиз, ҳар қандай ёзувчининг китобини безашга арзигулик афсонаю ривоятларни тинглаб ҳайратга тушасиз. Китоб районида «Алвасти кўл» деган жойда бир кўприк бор. Бу мўъжизамонанд кўприкнинг ким томонидан, қачон ва қандай қилиб қурилганлиги номаълум. Ақл бовар қилмайдиган даражада усталик билан қурилган кўприк туфайли одамлар орасида «бу кўприкни жинлар қурган, бу кўлда алвасти-жинлар яшайди» деган ақидалар юради. Худди шу кўприк ва кўл, унга боғлиқ бўлган миш-мишлар менга «Чўчиманг, каптарлар!» қиссамнинг ёзилиши учун туртки бўлди. Албатта, каптарлар у ерда мажозий образ. Реал инсонларнинг мўъжизакор ижодини жин-алвастиларга боғлаб тушуниш, инсон меҳнатини тан олмаслик тор фантазияли маҳдуд одамларга хос бўлиб, бу кўп вақтлар тараққийта ғов бўлиб келганлиги бор гап.

3. Ўзимга ёқадиган асарим — «Бахши» эссеси. Кўплаб халқ истеъодлари билан учрашиб, улардан халқ оғзаки ижоди намуналарини эшитиб, бир нарсага амин бўлдимки, бахшиларни ҳеч сўзсиз «халқ бадий тафаккурининг кўзгуси» дейиш мумкин экан. Улар ўз дostonларида инсониятнинг эзгуликка тўла орзу-ниятларини, интилишларини созлари ва сўзларида авайлаб-асраб, асрлардан асрларга олиб ўтганлар. Шу билан бирга бахшилар ўз дostonларида халқнинг қахрамонона жангу жадалларини, тарихини, яшаш тарзини тасвирлабгина қолмай, балки бутун-бутун халқларнинг ҳаёт фалсафасини бадий-илмий аҳамиятга молик ҳолда ифода қилганлар. Мен ўз эссеимда бахшилар фаолиятининг ана шу нозик қирраларини очиб беришга ҳаракат қилдим. Ва шу билан бирга ўз шахсий кузатишларимга, ҳаётини-фалсафий мушоҳадаларимга ҳам ўрин бердимки, «Бахши» эссеси менга ана шу томонлари билан қадрли. Шундай фикрни «Қизил Бухоро» роман-эпопеям ҳақида ҳам айтишим мумкин. «Қизил Бухоро» романим кўп планли асар бўлиб, бу романда инқилобий ўт-оловли йилларда Бухоро амирлигидаги тарихий-ижтимоий ўзгаришларни тасвирлашни асосий мақсад қилиб олганман. Туркистондаги социалистик революция «экспорт» қилиб келтирилган эмас, балки шу территориядаги халқнинг ўзи, оғир ҳаётнинг ўзи ана шундай янгилашишга тайёр бўлиб турган эди. Адабиётимизда эса, шу шонли йилларнинг бутун муҳим

қирраларини қамраб олган йирик полотнолар кам. Роман-эпопеяни ёзишда давом этаётирман, энди иккинчи китобини ёзиб тугатдим. Албатта, романга сўнги нуқта қўйилмагунча, у ҳақда узил-кесил фикр билдириб бўлмайди. Ҳар ҳолда, ҳаётимдаги асосий китоб «Қизил Бухоро» бўлиб қолса керак.

Ўзимни қаноатлангандиган асарларим ҳақида гапирадиган бўлсам, айтиш мумкинки, ёзувчининг ҳар бир асарида ҳам маълум камчиликлар вақт ўтиши билан сезила боради. «Чўчиманг, каптарлар!», «Мен танлаган йўл» қиссаларимдан кўнглим тўлгани йўқ. Бу асарларни сайқаллаш учун қайта қўлга олиш ниятим бор.

4. Бадий ижодда мен ўзимга улўф рассом Николай Рерихни устоз деб биламан. Бу бир қадар ғайритабиий бўлиб туюлиши мумкин. Рассом одамнинг ёзувчига устозлик қилиши ғалати ҳодиса, албатта. Лекин бу бир қарашдагина шундай. Гап маънавий устозлик ҳақида кетяпти. Николай Рерих асли россиялик, Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган. У буюк рассом ва файласуф, ўз даврининг энг маърифатли кишиларидан бири бўлиб, тафаккур доираси, қизиқиш соҳалари ниҳоятда кенг инсон эди. Ҳаётга, одамларга бўлган меҳр-муҳаббатини у ўзининг бебаҳо асарларига сингдириб кетди.

Адабиётдаги устозларга қайтадиган бўлсак, рус адабиётининг классик вакиллари — Тургенев ва Лермонтов асарларини ўқиб, кўп нарса ўрганганман. Ўзбек прозасининг бетакрор усталари Қодирий ва Ойбек романларини қизиқиш билан қайта-қайта қўлга оламан. Бу устоз ёзувчилар халқ ҳаётини, тарихини теран билганликлари билан мени ҳайратга солиб келади.

5. Ёзувчи — ҳаётий фаолияти билан ҳам, ижтимоий фаолияти билан ҳам ҳаётга, одамларга фаол аралашиб турадиган шахс. Замон шиддатини, вақт руҳини аниқ ҳис қилган ёзувчигина халқни алдамай, ҳақиқатни бўямай ёзади. Ҳақиқат эса битта — бу ленинча ҳақиқат. Ана шу ҳақиқатга хизмат қилишни ёзувчининг актив граждандлик позицияси деб тушунаман.

6. Мен бир куни ўзимда расм чизиш иштиёқини сезиб қолдим! Бу 43 ёшдан ошиб қолган пайтларимда рўй берди. Ўзимнинг ҳаётдан олган таассуротларимни, дунёқарашимдаги фалсафий, маънавий, эстетик қирраларни, бадийий умумлашма образларни тасвирий санъатга олиб кириш, уларни ранглар орқали ифодалаш орзуси менинг бутун вужудимни ларзага солиб юборди. Шундан бери расм чизиш билан шуғулланаман. Бу машғулот менга олам-олам завқ-шавқ, қувонч бахш этади. Образли тасвирлар топиш, уни полотнога тушириш дақиқалари мен учун бахтли дақиқалардир.

Бахтсиз кунлар... Кўнгилсиз воқеалар, муваффақиятсиз дамлар ҳар бир инсоннинг ҳаётида учрайди. Лекин ўзингнй бахтсиз, эзилган, хўрланган ҳис этиш — мен учун ёт ҳиссиёт. Мен бундай аҳволда қолган кунларимни эслай олмайман. Мен доимо курашиб келдим.

7. Қаламқаш дўстларимнинг асарларини ўқиб, кўпчилигимизда бир нечта муштарак камчиликларни сезиб, афсусланаман. Булар — ҳаётни кам билишимиз, асарларимизда китобхонни эргаштириб кетувчи ёрқин характерли қаҳрамонларнинг етишмаслиги. Яна, ёзувчиларимиз очилмай ётган кўриқ — халқимизнинг бой тарихи билан, маданиятимизнинг тарихи билан, ижодимизнинг барҳаёт манбаи — халқ оғзаки ижоди намуналари билан кам қизиқишади. Биргина мисол. Қадимий меъморчилик, халқ амалий санъати турлари бизнинг қизиқиш доирамиздан деярли чиқиб кетган. Ҳолбуки, бу ўзига хос санъат турлари минг йиллар бўйи отадан болага, устоздан шогирдга, авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб, такомиллашиб келган. Энди ана шу аъналарни бизнинг давримизга келиб тўхтаб қолишини, шу соҳалар ўзига хос ички сирларининг унутилиши, энг даҳшатлиси, исиз-нишонсиз ғойиб бўлиши мумкинлигини бир ўйлаб кўринг! Агар шундай жозибали санъат турлари унутиладиган, исиз йўқоладиган бўлса, бунда биз ёзувчиларнинг ҳам «ҳиссаси» бўлмайди, дейсизми?

Мен бу сўзлар орқали ёзувчилар халқнинг кундалик ҳаётига кам аралашаётганини таъкидламоқчи эдим, холос.

Ўз ижодимда ҳам камчиликлар бор эканини биламан, тан оламан, уларни иложи борича бартараф қилиш ҳақида қайғураман. Мен ҳали асарларимнинг тили устида тер тўкишим, бадийийлигини оширишим учун кўп ўқиб, ўрганишим зарур. Камчилигим йўқ деган ижодкор ёзувчи сифатида ўсишдан тўхтаган бўлади. Бу маълум ҳақиқат.

8. Қатъиятли, маънавий пок ва тартиб-интизомли, изланувчан ва янгилликка интилувчан кишиларни қадрлайман.

Инсон характеридаги маънавий қашшоқликни энг ёмон кўсур деб биламан. Чунки маънавий қашшоқ кимса, у қанчалик юксак мартабаларга эришмасин, инсон даражасига, шахс даражасига кўтарила олмайди. У ўзининг жоҳиллиги билан атрофдагилар учун, улўф мақсадларни кўзлаб яшаётган одамлар учун энг даҳшатли душманга айланади.

9. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ёзувчи маълум бир қаҳрамоннинг портретини, психологиясини, гапириш манерасини, характери ва руҳий оламини ишлар экан, албатта ҳаётдаги бор одамлардан фойдаланади. Ўз ижодимдан мисол келтирадиган бўлсам, қаҳрамонларимнинг деярли барчаси ҳаётда ўтган, бор одамлар. Икки мисол билан чекланаман. «Бахши» эссеимдаги бош қаҳрамоннинг прототиби машҳур халқ достонлари ижрочиси — Азим бахши. «Қизил Бухоро» романидаги Пиримқул образига халқ қаҳрамони Намоз ботирни асос қилиб олганман.

10. Бу борада ҳамма ёзувчиларнинг фикрлари деярли бир хил, мен бу фикрларни яна такрорлаб ўтирмайман, фақат шу нарсани айтмоқчиманки, танқидчи одамнинг ўзи истеъдодли ёзувчи ҳам бўлиши шарт. Адабий танқид тарихида бунга мисоллар кўп. Ёзувчиликдан, унинг меҳнатидан, ёзиш жараёнидан беҳабар одам қандай қилиб танқидчи бўла олади?

Ўзим танқидчи бўлганимда мана шу сўзларни оқлашга ҳаракат қилган бўлардим.

11. Ҳозир «Қизил Бухоро» романимнинг учинчи китоби учун материаллар тўплаялман. Шунингдек, партия ходими тажрибаларига асосланган замонавий мавзуда янги бир роман бошладим.

1. Мен биринчи асаримнинг босилиб чиқишини жуда катта орзу-умидлар билан кутгандим. Гўё ўша, болаларга аталган шеърим эълон қилингандан кейин ҳаётимда туб ўзгаришлар рўй беради, зўр адиб сифатида шуҳрат қозонаман, тантанали табриклар остида чўкиб кетаман... Ниҳоят, шеър «Ленин учкуни» газетасида босилди, лекин ҳеч нарса ўзгармади, на шуҳрат, на гулдурос олқишлар. Фақат ўзим беҳад қувондим.

Мана, ўшандан бери йигирмадан ортиқ китоб чоп эттирдим. Лекин ҳаётимда айтарли ўзгаришлар рўй бермади. Лекин, бари бир ҳамон хурсандман. Эътиқодимга содиқман, виждоним олдида тили сиқик жойим йўқ, тўғри ишлаётганимга имоним комил — шундан хурсандман.

2. Битта ўтирганда асар ёза олмайман. Кейин, албатта устидан ишлайман, таҳрир қиламан, кўпинча босилиб чиққан асарларимга ҳам тузатишлар киритаман. Шунақаман, асарларимни қайта-қайта ишлашни, сайқал беришни яхши кўраман.

Энди ижоддаги «туртки» масаласи... Баъзан алам ё дарддан, севинч ё бахтдан дод деворнинг келади, эҳтирос ва ҳаяжонингни кишиларга сочмасанг, бўлашмасанг туролмайсан — ёзишга энг зўр туртки шу. Баъзан муҳтожлик ҳам туртки бўлади, пул керак бўлиб қолганда ўтириб ўйлайман, бошимга бирор фикр келса, ёзишни бошлайман, лекин бошладимми, бутун вужудим билан ишга шўнғиб кетаман. Бундай пайтда, табиийки, моддий танқисликни, иқтисодни унутасиз, жуда кўп нарсалардан воз кечасиз, ёзаётган асарингиз воқеалари билан ишайсиз ва улар ниҳоясига етмагунча, кишанлангандек тутқунликда ўтирасиз ўз ёзув стилингиз қошида.

Бошқа турткилар ҳам бор, баъзан ғалати ҳангоманинг гувоҳи бўласиз, баъзан қизиқ одамни учратиб қоласиз, редакцияларнинг буюртмаси, баъзан ҳақиқий санъат асари билан мулоқот руҳлантиради...

3. Ёзувчи борки, ўз асарини мутлақо ёмонга чиқармайди. Фақат вақт ўтиши билан баъзи асарлари бўшроқ туюлиши мумкин. Қобилиятли адибгина ўз асаридан камчилик топа олади. Қотиб қолган ёзувчига ҳамма асари ҳам доим зўр бўлиб туюлаверади.

Гарчи ёзганларимнинг учдан икки қисми ҳажвий асарлар бўлса-да, жиддий ҳикояларим, «Сунбула» қиссам ўзимга кўпроқ ёқади. Ҳажвий ҳикояларимни ҳам яхши кўраман, лекин орасида кўнглим тўлмаганлари ҳам бор. Ижтимоий ғози енгилроқ, фақат беозор кулги туғдириш учун ёзилган уч-тўртта ҳажвий ҳикоям шулар жумласидан.

4. Асарларини ўқиб чиққанам — ўзим биладиган барча ёзувчиларни устозим, деб санайман. Яхшиларидан қандай ёзишни, бундайроқларидан қандай ёзмаликни ўрганаман.

5. Ёзувчининг актив граждандлик позицияси деганда, мен аввало юксак бадийлик савияда ёза олишни тушунаман. Бадийлик йўқ экан, энг актив позиция ҳам, ҳозиржавоб мавзу ҳам, ўткир ғоя ҳам, кенг қўлам ҳам ўз таъсирини йўқотади.

6. Баландпарвозроқ тилда айтсам, бирор арзирли сатр ёзган кунимни бахтли, маънили ҳисоблайман. Меҳнатсиз ўтган куним эса бахтсиз, маънисиз туюлади менга. Биз кўпинча

асли текин-у, лекин энг қимматли нарса — вақтнинг қадрига етмаймиз. Навоийнинг замондоси, биринчи ва ҳақиқий навоийшунос Ғиёсиддин бини Хумомиддин Хондамир ўзининг ажойиб ва нодир асари «Мақоримул ахлоқ»да («Яхши хулқлар») битта ажойиб байт келтиради.

То тавонистам надонистамчи суд
Чун бидонистам тавонистам набуд.

Нақадар чиройли битилган байт! Тўғри эмасми? Уни таржима қилгани чўчиёпман, зеро наsrнинг қашшоқ тилига кўчирадиган бўлсак, байтнинг оҳанги, нафосати, сеҳри, ўйноқчилиги, боринги, яширин носиси — бари барбод бўлади. Аммо на чора? «То куч-қувватим бор экан, фойда нимадалигини билмадим. Қачонки билганимда куч-қудратдан айрилиб, нотавон бўлиб қолгандим».

Бу ўринда «Тавонистон» феълининг биттагина — куч-қувватли бўлиш деган маъносини келтирдик, аммо унинг жиъвалари кўп: эплаш, қодирлик, бир ишни қила билйш... ана шу тушунчалардан келиб чиқиб байтни ўзингизча тўлдиришингиз, шарҳлашингиз, таржима қилишингиз мумкин. Байтни ҳар ўқиганимда у мени ўйлашга, вақтни тежаб, билиб харж қилишга ундайди!

7. Инсоннинг энг катта камчилиги — камчилигим йўқ деб ҳисоблаши. Уз ижодимда севадиган асосий камчиликлардан бири — қўрқоқлик. Тақдир тақозоси билан мен анчайин эҳтиёткор бўлиб тарбияланганман. Шу боис, баъзан кичкина қусурга тил теккизадиган бўлсам минг андишага бориб, ҳадиксираб, атрофга олазарак аланглардим. Ҳатто ҳажвий ҳикояларимда ҳам ниш уриш, чақиш, узиб олиш ўрнига силаб-сийлаб, авайлаб, ҳатто сал юпатиб (кўп ўқисма, атайдан хато қилмагансан, ҳаёт мажбур қилган, қабилида) ёзардим. Шунга ўрганиб қолган эдик, акс ҳолда босилмасди ҳикояларимиз. Энди вақт ўзгарди, вазият, муҳит ўзгарди, ҳаво софлашди. Лекин ўзимнинг ўзгартишим қийин бўляпти. Ҳалиям ичимда даҳшатли мунаққид ўта қитмир редактор ўтирганини сезаман. Улардан қандай қутулишни ҳануз билмайман. Шунинг учун ижодимда дадиллик, журъат етишмайди, деб баралла ва ошкора айта оламан.

Назаримда, кейинги пайтларда тилим қашшоқлашиб кетаяпти. Оқибати асарларимдаги баъзи жумлалар таржимага ўхшаб қолади.

Хуллас, қидирса камчилик топилаверади, лекин юқорида тилга олган камчиликлар билан чекланаман, зеро азиз китобхонлар кўзига жудаям серқусур одам бўлиб кўринишини истасам эдим...

8. Инсоннинг энг яхши фазилати содалик ва табиийлик. Шу иккови, менимча, инсондаги барча яхши хусусиятларнинг асоси. Дейлик, сиз мард, олижаноб, виждонли, ҳалол ва савобатлисиз. Борди-ю, айни пайтда табиий ҳам эмас экансиз, демак, ҳамма фазилатларингизда ясамалик бор, ҳаммаси ниқобли.

Инсоннинг қусурларига келсак, мисол учун, бировнинг орқасидан «чайнаб» туриб, ўзи келиб қолса шу заҳоти хушомадгўйларча илжайиб, мақтовга тушиб кетадиган кимсаларни ёки ҳамкасбининг ютуғини эшитганда кўкариб-бўзариб, тили танглайга ёпишиб қолади-ганларни ёмон кўраман.

Бу курсларнинг номи иккиюзламачилик ва ҳасад. Шу иккови, менимча, инсондаги барча иллатларнинг асоси. Иккиюзламачилик инсон фазилятларининг, айниқса, мардлик ва тўғри-сўзликнинг қушандаси. Мардлик ва ростгўйлик йўқ экан, биз ҳеч қачон камчиликларимизни очиқ айтилмаймиз, тан олмаймиз, бинобарин, улардан қутулолмаймиз. Аксинча, жаҳолат ботқоғига тобора кўпроқ ботаверамиз, курсурларимиз ортаверади. Ҳасад эса адолат, рўшнолик, хайрихоҳлик, эзгулик, имон ва инсофнинг қушандаси. Адолат йўқ экан, қабоҳат, жоҳиллик, разиллик авжга минади.

9. Ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлан-тиришнинг битта шarti бор — ёзувчида ўқув-чини ишонтира билиш қобилияти бўлиши керак. Айрим ношуд адиблар борки, ҳатто ҳаётда содир бўлган қизиқ воқеани эплаб, ишонарли қилиб ёзолмайдилар. Ва аксинча, истеъдод эгаси ҳаётда рўй бермаган воқеани шундай маҳорат, усталик билан ҳикоя қила оладики, китобхон чиппа-чин ишонади, асар уни ҳаяжонлантиради, ларзага солади. Демак, ишонтира билиш ижоднинг энг зўр омилларидан бири.

10. Танқидчилар билан айтарли ишим йўқ. Йўқ, танқидни менсимас экан деб ўйламам. Бирор асаримни дидсиз танқидчи мақтаб қолмасин, деган ховотирда юраман. Чунки зукко мунаққиднинг савалаганидан кўра нўноқ танқидчининг мақтови ёмон. Дейлик, сизга ёқмайдиган тумтароқ китобни кўкларга кўтарган тақризчи асарингизга ҳамду сано ўқиса, ўзингизни ноқулай ҳис этасиз.

Назаримда, танқидчилигимизнинг савияси унча юқори эмас. Бунга аввало ёзувчилар айбдор. Яхши танқидчи яхши асарни таҳлил қилиб вояга етади, фазилятларни кавлаб топиб зукколашади. Жўн асарнинг курсурларини санаб чиқиш учун эса ортиқча билим ёки синчковлик даркор эмас.

Ўзбек адабиётида танқидчини тарбиялай оладиган ҳақиқий санъат асарлари борми? Афсуски, етарли эмас. Шу тўғрисида катта талабларни биринчи навбатда танқидчиларга эмас, ёзувчиларнинг олдига қўйиш лозим.

Танқидчилигимизнинг оқсашига яна бир сабаб — кейинги пайтларда танқидчилик карьера қилишга айланиб қолганидир. Айрим лўттибоз мунаққидлар илм-фан билан шуғулланиш ўрнига, бутун дарди-фикрини қайси «амалдор»ни мақташ, ундан нима ундиришига... қаратадилар.

Ижодимга бағишланган танқидий мақоалардан иккитаси мен учун қадрли. Озод Шарафиддиновнинг тўпламимга ёзган сўзбоши-си билан Умарали Норматовнинг илк ҳажвий ҳикоялар китобим ҳақидаги «Қувноқ ҳикоялар» деб номланган тақриси.

Агар мен бир думалаб танқидчи бўлиб қолганимда... яна бир думалаб ёзувчига айланишга ҳаракат қилардим.

11. Афсуски, ўзимни фақат битта асар устида ишлашга бағишлайдиган имкониятим йўқ. Ёзув столимда доим чала-чулпа қўлёзмалар қалашиб ётади. Уларни санаб ўтиришнинг на ҳожати ва на қизиғи бўлмаса керак.

ДИН ВА ХУРОФОТ ҲАҚИДА

Худо ғоясини ҳар қандай, ҳатто энг нозик, энг холис ҳимоя қилиш ва оқлаш ҳам реакцияни оқлашдан иборатдир.


Худо ғояси ҳеч қачон «шахсни жамият билан боғлаган» эмас, балки ҳаммавақт эзилган синфларни золимларнинг диёнатлилигига ишонтираш билан боғлаган.

Худо ғояси ҳаммавақт қўллик ғояси бўлгани учун жонлини ўлакка билан араштираиб, «социал тўғулари» ҳаммавақт ғафлатга солиб ва заифлаштириб келган.

Худо (тарихан ва кундалик ҳаётда) энг аввало, инсоннинг ҳам ташқи табиат, ҳам синфий зулмдан қарахланиб эзилгани оқибатида туғилган комплекс ғоялардан иборат бўлиб, бу ғоялар ўша эзилганликни мустақамлайди, синфий курашни сусайтиради.

Табиат билан курашда ёввойи одамнинг ожизлиги худоларга, жинларга, мўъжизаларга ва ҳоказоларга ишонишни туғдирганидек, эзилган синфларнинг ёзувчилар билан курашдаги ожизлиги ҳам шубҳасиз нариги дунёдаги яхши ҳаётга ишонишни келтириб чиқаради.

В. И. ЛЕНИН



БОШ МЕЗОН — ҲАҚИҚАТ

Асқад Мухтор

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

Республикамиз ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар даврини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бошлаб берди. Унда кейинги йилларда республика хўжалигининг барча тармоқларида, жумладан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида юз берган катта камчиликлар, хатолар ленинча ҳаққоният ва ҳалоллик билан, ҳеч қандай юзхотирсиз, мурасасизлик билан дангал очиб ташланди. Биз, ижодкорлар, ана шу пайтдан бошлаб адабиёт тақдири ҳақида жиддий ўйлай бошлаганмиз. Илгари дилимизга тугилиб, тилимизнинг учида турса ҳам, айтишимиз қийин бўлган кўндан-кўп муаммолар устида дадил гаплар айтилди, йиғилиб қолган масалалар очиқчасига кун тартибига қўйиладиган, кескин муҳокама қилинадиган бўлди. Кўзбўямачилик, кўшиб ёзиш, порахўрлик, ўғрилиқ, дабдабозлик, давлат мулкани совуриш, меҳнатсиз даромад топиш каби иллатлар қаттиқ қораланди, бу борада ўтказилаётган тадбирлар кенг халқ оммаси томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. СССР Ёзувчиларининг VIII съездида ҳам кўп муаммолар ҳусусида самимий фикрлар, тортишувлар, баҳслар бўлиб ўтди.

Ҳаётимизда содир бўлаётган ва давом этаётган бу қайноқ жараён адабиётимизда яратилган янги асарлар саҳифасига кўчиб ўтаётгани қувонарлидир. Кейинги бир-икки йил ичида айрим салмоқли асарлар, жумладан, романлар пайдо бўлди. Масалан, Одил Ёкубовнинг «Оққушлар, оппоқ қушлар», Уткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романлари, Улмас Умарбековнинг «Қурорт» драмаси, Эркин Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» дostonи сингари асарлар билан фахрлансак арзийди. Уларнинг ҳар варағидан бугунги кун нафаси сезилиб туради. Қаҳрамонлар орасидаги хилма-хил муносабатлар, тўқнашувлар, социал адолат, ҳалоллик учун курашнинг реал манзаралари — ҳаммасида замон нафаси, руҳи мавжуд. Хуллас, адабиётимизда жиддий

Жамиятимизнинг янги тараққиёт режаларини мукаммал белгилаб берган КПССнинг XXVII съезди қарорлари адабиёт ва санъат ходимлари учун ҳам асосий қўлланма, барча ҳаракатларимизнинг порлоқ йўлчи юлдузи ҳисобланади. Съездда социалистик жамият туфайли халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, сапоат, фан, маданият соҳасида эришилган ютуқларимиз кенг умумлаштириб берилди. Айни замонда турмушимизни янада юксалтиришга халақит бераётган кўнлаб иллатлар ҳам ленинча талабчанлик ва қатъият билан очиб ташланди.

КПСС XXVII съезди қарорлари руҳи билан сўғорилган ва чинакам ишчанлик вазиятида ўтган Совет ёзувчиларининг VIII съезди ҳам жамиятимиз олдига турган долзарб муаммоларни ечишга фаол ёрдам бериш ҳар бир совет ёзувчиси, адабининг муқаддас вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Партия съезди ва ёзувчилар анжуманида кун тартибига қўйилган ҳаётий вазифаларни кенг муҳокама қилиш ва йиғилиб қолган муаммолар ҳақида юракдан очиқчасига гаплашиш ниятида журналимиз «Бош мезон — ҳақиқат» мавзусида давра суҳбаги ўтказди. Таниқли ёзувчилар, олимлар ва танқидчилар иштирок этган бу суҳбада ҳозирги адабий жараёндаги долзарб масалалар ва муаммолар атрофида қизғин фикр олишувлар бўлиб ўтди.

Қадрли журналхон! Давра суҳбагида кўтарилган муаммолар сизга маъқул бўлса, фикр уйғотса, баҳсга чорласа, мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборасиз деб, умид қиламиз.

Ўзгаришлар даври бошланди, лекин бу жараён анча секинлик билан содир бўлаяпти. Бу ҳам табиий, чунки шиддат билан кечаётган воқеа-ҳодисаларни қуруқ ёки риторик тарзда енгил-елпи тасвирлаш адабиётга ҳеч қачон шуҳрат келтирмайди.

Хўш, ўзгаришларни қандай тушуниш керак? Бу ўринда адабиётимизнинг туб асослари эмас, сифат масалалари ўзгараётганини унутмаслик лозим. Барча ижодкорлар учун жанговар қурол бўлган социалистик реализм методи талаблари, назарий қондалар ўз ўрнида мустақкам турибди. Фақат унинг сифат компонентлари, бўёқлари ўзгараёпти, холос. Бу борада марказий матбуотда, жумладан, «Литературная газета»да ҳам турли баҳслар бўлиб турибди.

Яна бир жиддий масала бор. Адабиётда, ҳар қандай жиддий йирик асарда ҳаммиша публицистик руҳ мавжуд бўлади. Бу руҳ ёзувчига жамиятдаги муаммоларни кўтариб чиқиши ва кенг китобхонга етказиш учун катта кўмак беради. Аммо уни соф публицистика жанри билан аралаштириб юбориш ярамайди. Публицистик руҳ ҳам адабиётнинг муҳим компонентларидан бири.

Адабиётдаги танқидий руҳ ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Бадий асарларда жиддий танқидий руҳ бўлиши табиий. Чинакамига гражданлик эҳтироси билан ёзилган асар ҳаётда, турмушда, кишилар онгида сақланиб келаётган ва инсон шаънига доғ туширадиган ҳар қандай иллатлар ва нуқсонларга, эскилик сарқитларига, негатив ҳодисаларга қарши танқид ўтини очиш шарт. Бу — инсон омилини кўтариш, маънавий дунёсини шакллантириш учун албатта зарур. Лекин танқид ҳам адабиётда компонентлардан бири бўлиб қолаверади. Чунки бадий адабиёт фақат оддий танқид билан чекланиб қолмайди, у мураккаб, фалсафий тушунча, эстетик категориядир. Инсон юрагини тадқиқ этиш, унинг маънавий оламини, руҳиятидаги хилма-хил турфа кечинмаларни жозибадор воситаларда акс эттириш орқали инсондаги гўзаллик, эзгулик, ҳалоллик каби юксак фазилатларни шакллантириш унинг асосий вазифасидир. Шунинг учун ҳам у «Крокодил» ёки «Муштум» сингари ҳажвий журналлар изидан кетиши керак эмас. Ҳолбуки, биздаги бир қўр ҳикоялар ёмоннинг ёмонлиги-ю, яхшининг яхшилигини таъкидлашдан нарига ўтмаяпти.

Шу кунларда мен кўп қўлёзмалар ўқияпман. Аксари йирик романлар, повестлар. Уларнинг яхши жиҳатлари бор-ку, лекин маҳорат жиҳатидан оқсайди. Бизда қаҳрамон тақдирини бутун мураккаблиги билан очиб берадиган қиссалар, ҳикоялар кам. Романларда эса бошқа гап. Романда даврнинг бурилиш нуқталари, зиддиятлари, қаҳрамоннинг мураккаб кечинмалари, қийналишлари, маънавий ўзгаришлари акс этиши керак. Кейинги пайтларда ўзбек адабиётида бир қалча ана шундай романлар пайдо бўлди. Муаллифларнинг бу борадаги дадил изланишларини қўллаб-қувватлаш керак. Хуллас, адабиётда давр муаммолари қаҳрамон тақдирини орқали кўрсатилади. Мана шу жиҳатдан диққатга сазовор бўлган бир асарни эслатиб ўтмоқчиман. Бу — Омон Мухторовнинг «Вазифа» қиссаси. Унда оддий бир инсоннинг умри, тақдирини ҳақида ҳикоя қилинади. Қаҳрамон адашган, янгилик билан эскилик ўртасида қолиб кетган киши. Қиссада одамнинг ҳаётдаги ўрни, бура масъулияти ҳақида жиддий баҳс боради. Эркин Аъзамовнинг «Пиёда» ҳикоясида ҳам давр аравасидан тушиб қолган одамнинг кечинмалари қизикарли тасвирланади. Шунга қарамай, асарларимиздаги кўп замонавий қаҳрамонлар замондошларимиз эмас. Уларда шу куннинг нафаси етишмай қолаяпти. Масалан, ёш ёзувчи Эркин Усмоновнинг «Яхшилик» ҳикояси назаримда муваффақиятсиз чиққан. Ҳикоятчи штат қисқартирилиши баҳонасида ишдан бўшатилади. Қаҳрамон — яхши одам, у индамай бўшаб кетаверади. Унинг инсоний ғурури йўқми? Нега ўз ҳуқуқини, қадр-қимматини ҳимоя қилмайди? Оқибатда қаҳрамон аянч одам сифатида намоён бўлади. Шарофат Ашурованинг «Тўғал» ҳикояси менда яхши таассурот очилди. Қаҳрамон ҳаётидаги мураккабликлар, ички кечинмалар дуруст қолдирган. Ҳикоянинг тили рангдор. Драматик ҳолатлар мавжуд.

Султон Қолбекнинг «Гулжон» қиссасида ҳам уруш фожиаси ўзига хос талқин этилади. Унда давр билан қаҳрамон тақдирини боғлаш жиҳатидан яхши тенденция бор.

Улмас Умарбековнинг «Ойнинг олтин ўроғи» ҳикоясида ҳам молпарастнинг маънавий инқирози, талвасаси ҳаётини акс этган. Бу асарларда иллатларга ўт очиш руҳи яққол сезилади. Танқидчилар бу ижобий ҳодисалар моҳиятини умумлаштириб бериши керак.

Энди ёшлар ижодига хос турли экспериментлар ва уларни босиш мезонига тўхталайлик. Менга Аҳмад Аъзамовнинг ҳикоялари ёқади. Уларда дилни қитиқлайдиган нималардир бор. Бундай изланишларни қўллаш керак.

Олим Отахоновнинг экспериментлари эса менга ҳикоядан кўра кўпроқ маълум мавзулардаги мулоҳазалардек туюлади. Адабиётнинг ўз қонуниятлари бор. Классиклар ҳам олим, ҳам файласуф сифатида катта шахс бўлган, уларнинг экспериментлари ҳаёт билан йўғрилган.

Классик адабиёт анъаналарини ўрганиш, давом эттириш учун ҳам катта шахс бўлиш керак.

Одил Еқубов

ҲАҚИҚАТ МЕЗОНЛАРИ

Китобни катта ҳаяжон билан, дард билан ёзиш кераклигини ҳамма билади. Ана шу дард — кўпчиликни қийнаб, ўйга толдириб, тўлқинлантириб юрган замон ташвишлари асарда бўлса, унинг ҳар бир саҳифасига сингиб кетса, асар қўлдан қўлга ўтиб ўқилади. Муаллифни китобхонга, китобхонни муаллифга яқинлаштирадиган, уларни қадронлаштирадиган нарса ҳам айнан шу дарднинг ўзи бўлиб, ўқувчининг ҳаяжони унинг инъикосидир. Лев Толстой асарларининг умрбоқийлиги ва мукаммаллигига боис дарднинг муфассал баёнини бадий ҳақиқат даражасига кўтара олганида. Масалан, ёзувчи «Тирилиш»да Катяни кутқарман деб, жуда кўп ижтимоий масалаларга тўхталади. Мен бу асарни ўқиганимда беихтиёр кўз ўнгимга бугунги мансабпараст, бюрократлар келади. Асарларимиз ҳамма даврларга бирдай хизмат қила оладиган қудратга эга бўлиши учун, шубҳасиз, Лев Толстойдек сўз санъаткорларидан ўрганмоғимиз, йўл қўйилган ва қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни олдиндан идрок этиб, муросасиз ҳолда фахш этмоғимиз лозим. Шундагина ҳаёт ҳақиқати бадий ҳақиқат билан мутаносиб келиб, ўқувчилар қалбида ёруғ бир нур таратади. Ч. Айтматов каби ёзувчилар битаётгандек теран, тўлақонли, катта фикрларга йўғрилган, санъаткорона асарлар бунёд бўлади. Ўқувчиларнинг дилида тугун бўлиб ётган армонли дил сўзлари ечилади, ёзувчига нисбатан илиқ бир муҳаббат ёлқинланади. Кўнгил даричасини чертиб қўйган муаллифдан ўқувчилар миннатдорлик туяди.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қатор қарорлар ҳаёtimиз учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам дастуриламалдир. Партия ҳужжатларида одамларнинг дилида турган гаплар рўй-рост айтилди. Тўғри тан олиш керакки, ўзбек адабиётида ҳаётимизда рўй бераётган кейинги ҳаётбахш ўзга-

ришларни қамраб олган мукаммал асарлар кам. Борлари ҳам ҳаётнинг бутун мураккабликлари, тўқнашув ва зиддиятларини ўзида тўлақонли акс эттиролмаган. Биз бу борада рус адабиёти ва қардош республикалар адабиётининг илғор вакилларида ўрнатилган олмоғимиз, улар қўлга киритаётган ютуқлардан баҳраманд бўлмоғимиз керак. Шундагина ўзбек адабиёти янада равнақ топади, иттифоқ миқёсида ўзининг намунали ўрнини олади.

Адабиётимизнинг бугуни ва келажги ҳақида қайғуриш, фақат ёзувчиларнинггина эмас, балки танқидчиларимизнинг ҳам доимий ҳамда масъулиятли бурчи. Бинобарин, шундай экан, танқидчиларимиз адабиётнинг муқаддаслигидан келиб чиқиб, бировларнинг обрўсига, амалига қараб фикр билдирмаслиги, кўтар-кўтар тариқасида кетма-кет мақолалар тизиб ташламаслиги керак. Улар ҳаминша эгасига эмас, «мол»ига қараб, яъни асарининг яхши ёмонлигига қараб ҳолис баҳо берсалар, адабиётимизнинг бир жонкуяри сифатида адабий жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлади.

Кейинги ютуқлар ва камчиликлар тўғрисида матбуотда, турли йиғилишларда жуда кўп чиқишлар бўлди. Ҳозирги кун олдимизга қўяётган талаблардан келиб чиқиб билдирилган бу мулоҳазалар ўзининг жанговарлиги билан ажралиб туради. Мисол учун, Саид Аҳмад, Улмас Умарбековнинг ижодий ютуқлари инкишоф этилгани ҳолда, ёшлар — Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайриддин Султоновларга нисбатан ўз вақтида билдирилган танқидий фикрлар ҳам самимий қабул қилинди. Истаklarнинг бундай очик-ойдин айтилиши адабиётимиз ривожига катта хизмат қилади ва адабий муҳитни янада соғломлаштиради.

Модага айланиб қолган ижобий ва салбий образ яратиш қолиплари адабиётда бир гала сунъий қаҳрамонлар

пайдо қилгани ҳеч кимга сир эмас. Хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, муҳими адабиётда тирик одамлар акс этиши керак. Қахрамон оёғи ердан узилиб қолган эмас, ўқувчилар кўриб, суҳбатлашиб юрган қадрдонлари қаторида бўлиши зарур. Қоғозга тушган нарса борки, бадий ҳақиқатга айлансин.

Бадий ҳақиқат — фалсафий тушунча. Ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш осон эмас. Бунинг учун ёзувчи материални ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиши, бир ёқламаликка йўл қўймаслиги керак. Бадий ҳақиқатнинг кадр-қиммати ҳам, қудратли кучи ҳам ана шундадир.

Ҳафиз Абдусаматов

ЗАМОН РУҲИ

Драматургия ҳаётдан орқада қоляпти, деб кўп айтамыз. Бу ҳолни ҳар бир касб эгаси турлича талқин қилади. Бунга сабаб, театрларнинг пассивлиги, қаламқашларга лоқайд қарашлари, улар ҳақида ғамхўрликни йўқлиги, деб изоҳлашади баъзи драматурглар. Театрлар эса, драматурглар дурустроқ сахна асарлари ёзиб беришаётгани йўқ, кўп пьесаларни қўйиб бўлмайди, улар ғоявий-бадий жиҳатдан заиф, деб даъво қилдилар. Драматургия ва театр муаммоларини жиддий ёритишга адабий танқидчилар деярли ҳисса қўшмаяптилар. Улар сахнада қўйилган бўш асарларни чуқур таҳлил қилиб, қийин жанрнинг келгуси ривожланиш тенденцияларини вақтида кўрсатиб бермаяптилар деган гапларни айрим драматурглардан ва театр арбобларидан эшитиб қоламиз. Бу ерда гап бир-биримизга таъна тошларини отишда эмас, балки бир ёқадан бош чиқариб, драматургия ва театр ишларини ривожлантиришдадир.

Адабиётимизнинг муҳим жанрларидан бири оқсаяпган экан, бунга алоқаси бўлган театр ҳам, драматург ҳам, танқидчи ҳам жавобгардир.

Драматург театрга пухта асар олиб келиб бериши, театр эса унга боғдаги ҳар бир дарахтни кўз қорачиғидай авайлаган боғбон каби мурувват кўрсатиши, танқидчи етук асарни хуружлардан ҳимоя қилиши, унга кенг йўл очишга кўмаклашиши зарур. Тажриба шуни кўрсатяптики, дурустгина пьеса ҳам театрнинг ижодий коллективда меъёрига етказилиб, сахна қонун-қоидаларига мослаштирилмоқда. Қаламқаш, айниқса, ёш қаламқаш сахнанинг барча сирларидан воқиф бўлавермайди, шу сабабдан ҳам уларга театр эшикларини кенг очиб қўйиш, бошини силаш, истеъдод билан ёзилган асарларни сахнада қўйдириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Лекин драматургияда кейинги вақтларда яратилган янги асарларни инкор қилиш ёки камситишга ҳам йўл қўймаслигимиз керак. Ҳозир совет драматургиясида анчагина жонланиш сезиляпти.

А. Мишариннинг «Қумуш тўй», А. Буравскийнинг «Гапир...», Р. Солнцевнинг «Мақола», М. Шатровнинг «Виждон ҳокимияти», В. Дозорцевнинг «Сўнги қабул», А. Ваксбергнинг «Олий суд» каби пухта драмаларининг пайдо бўлиши ва Москва театрларида қўйилиши драматургия ҳамда театр санъатимизнинг ютуқлари бўлди. Бу асарларда ҳаёт ҳақиқати, турмушдаги ҳақиқий вазият ҳаққоний, ёрқин бўёқларда акс этган. Салбий ҳодисалар, илгари қаламга олинмаган ачинарли воқеалар танқидий руҳда кескин фош этилган. Улардаги ачиқ ҳақиқатни тўлиқ реалистик талқини ўқувчилар ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбек драматургиясида ҳам диққатга сазовор бўлган асарлар яратилдики, уларни тилга олмасдан ўтиб бўлмайди. Улмас Умарбековнинг «Қурорт» асари томошабинларни хушнуд этди.

Ўзбекистонда юз берган жиддий нуқсонлар ва хатолар, салбий ҳодисалар ва тенденциялар республика партия Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳамда XXI съездида бутун моҳияти ва кўлами билан очиб ташланди. Воқелигимизда юз берган бу кўнгилсиз ҳодисалар қандайдир даражада драматургияда ҳам ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди. Бу масала «Қурорт»дан ташқари, Учқун Назаровнинг «Ойна», Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди», «Жанжал», Ҳамид Фуломнинг «Бир миллион можароси», Яздон Худойқуловнинг «Суд», Шароф Бошбековнинг «Тушов узган тулпорлар» Тўра Мирзонинг «Саратонда изғирин» каби қатор асарларда талқин қилиниши таҳсинга сазовор. Бу асарларнинг ҳар бирида ўзига хос, деярли бир-бирига ўхшамаган воқеалар қаламга олинган ва жозибали характерлар орқали турли иллатлар қораланган. Бу асарларнинг ижобий томонларини камситмаган ҳолда, шуни айтишимиз керакки, уларда ярамас тенденцияларнинг келиб чиқиши, уларнинг илдиз отиши сабаблари бутун моҳияти билан очиб берилмаган. Кўпинча уларда бўлиб ўтган қинғир ишлар маълум даражада бадий шаклда қайд қилинади ва уларни ёмон эканлиги ўқтирилади. Турмушда мавжуд бўлган иллатларни бутун моҳияти ва кўлами билан чуқур очиб беролмагани туфайли кўп асарлар шухрат тополмади.

Бу муҳим масалани энгил-елпи ҳал қилишга уриниш ҳоллари ҳам учрайди. Бунга Исфандиёрнинг «Чароғондир чўлда юлдузлар» драмаси мисол бўла олади. Автор кўзда тутган «юлдузлар» хира чиқиб қолди, бош қаҳрамоннинг фаолияти юзаки тасвир этилди. Колхоздаги қўшиб ёзишлар, алдашлар нима учун содир бўлиши бадий ифодасини топа олмади.

Кўпгина қизиқарли эпизодлар мавжуд бўлган «Саратонда изғирин» асарида ҳам автор концепциясини аниқ эмаслиги ижодий ниятни мужмаллаштирган, характерларга соя ташлаб қўйган.

Шукруллонинг «Уғрини қароқчи урди» асарини фельетон-пьеса, деб аташ тўғри бўлса керак. Асарга олиб кирилган ҳодисалар ҳам фельетонбоп, тасвир йўналиши ҳам, характерларни ифодалаш усули ҳам фельетонни эслатади. Биз бу ерда асарни камситмоқчи эмасмиз, балки ҳар нарсани ўз номи билан айтиш лозимлигини эслатиб ўтамиз. Пьесалар турлича шаклларда ва хилларда бўлиши мумкин-ку!

Лекин ҳамма гап объект қилиб олинган ҳодисани чуқур ва кенг очиб беришда қолган. Юқоридаги асарларнинг кўпида оила атрофидаги гаплар, шунга боғлиқ камчиликлар қаламга олинган-у, ammo масаланинг социал томонлари деярли четда қолиб кетган. Бу жиҳатдан Уйғуннинг «Парвоз» пьесаси ибратлидир. У оила ташвишлари билан чекланиб қолмайди, масаланинг моҳиятига — порахўрлик, қўшиб ёзиш, ошна-оғайнигарчиликнинг туб илдизига ета олади, ўз ғоявий ниятини кенг кўламда очишга муваффақ бўлади. Драматург разил бир кишининг узоқ вақт колхозга раҳбар бўлиб туриши, кетма-кет тақдирланиши, айрим раҳбарларнинг паноҳида юришининг асл сабабларини кўрсата олади. Танқиднинг бир илдизи райкомнинг илгариги биринчи секретари ҳамда обком секретарларига бориб тақалади. Мамасолиевдай махлуқни дакан хўроздай кеккайтириб, бузуқ одамга айлантирганлар ҳам ана шу «хўжайинлар»дир. Аниқ ғоявий позицияда мустаҳкам туриб, салбий ҳодисаларни қоралаш ҳам ҳаёт ҳақиқатиغا мос тушади ва партия Марказий Комитетининг иллатларни шафқатсиз фош қилиш лозим деган кўрсатмасига муносиб жавоб бўлади.

Сўнги йиллар драматургиясини кўздан кеңирсак, унда иллатлар, салбий нарсаларни фош қилиб кўрсатувчи пьесалар кўпайиб кетаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ижобий қаҳрамонлар эса уларнинг соясида қолиб, сиқилиб қолмоқдалар. Томошабинлар севиб кўраётган Саид Аҳмаднинг «Қуёв»ида ҳам ижобий қаҳрамон ўз моҳияти билан дурустроқ кўринмайди. Тўғри, авторнинг ижодий нияти ва қўйган масаласи, балки, бош қаҳрамонни ёрқинроқ ифодалашга имкон бермагандир. Биз бу ерда етук ижобий қаҳрамон яратиш ҳақида фикр юритмоқдамиз. Кўз-кўз қиладиган, ибрат олишга лойиқ бўлган замондошларимизнинг баркамол образи қани? Бундай образлар жуда-жуда кам. Бизни ташвишлантираётган, драматургиямизни маълум даражада орқада қолдираётган муаммо ҳам шу.

Режиссёрлар ва театр ходимлари томонидан кейинги пайтларда ҳар бир спектаклнинг сифатини кўтариш, уни узоқ вақт давомида саҳнада сақлаб қолиш масаласи жиддий равишда кўтариб чиқилмоқда. Бунинг учун театрлар фақат молявий планни ўйламасдан, яъни ҳар йили 5—6 та пьесани саҳналаштириш мажбурий деган гапга амал қилмасдан, биринчи навбатда сифат учун курашишни асосий мақсад қилиб олишлари даркор. Бу масалани Москва театр ходимлари кўтаришди. Буни амалга ошириш, айниқса, Ўзбекистон театрлари учун зарур. Чунки пойтахт театрлари ўз спектаклларини, асосан, катта саҳнада ўйнайдилар. Бизнинг область театрларимиз эса ўз асарларини асосан районларда, қишлоқларда кўрсатадилар. Бу ҳол янги спектаклларни тайёрлаш, уларнинг сифатини кўтариш учун жуда катта қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам сифат учун кураш спектаклларни тайёрлаш планини қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Пухта спектакллар яратиш учун биринчи навбатда драматург ва театр муносабатини яхшилаш, икки томоннинг аҳиллиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш лозим. Бу соҳада ҳам қилинадиган ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Айрим драматургларнинг нолишини тез-тез эшитиб тураемиз, театрлар ҳам улардан норозиликларини тинмасдан айтишади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Совет Ўзбекистони санъати» журналлари драматургия ва театр санъатига бағишланган давра суҳбатларини ўтказиб, қатор долзарб масалаларни кўтаришган ва уларни ҳал қилиш учун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб қилишган эди. Ҳаётимизга янги иқлим ва илҳом лафоси олиб келган КПСС XXVII съезди драматургия ва театр санъатини юксак парвозларга чорламоқда. Замон руҳи саҳна асарларимизга кенг кириб борсин.

Умарали Норматов

ДАВР ТУЙҒУСИ

КПСС XXVII съезди партиямиз, бутун мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Съезд илмий коммунизм назарияси ва тажрибасига салмоқли ҳисса қўшди. Марказий Комитетнинг Сиёсий докладида, янги таҳрирдаги КПСС Программасида, съезднинг бошқа ҳужжатларида социалистик жамият босиб ўтган шонли ва мураккаб йўл, жамиятимизнинг ҳозирги ҳолати, жаҳон тараққиёти тенденциялари чуқур илмий таҳлил этилди, булар ҳақида ғоят муҳим назарий хулосалар чиқарилди. Босиб ўтилган йўлни, жамиятимизнинг ҳозирги босқичини

Социалистик реализм санъати халқчиллик ва партиявийлик принциплариغا асослангандир. У ҳаётни ҳаққоний бадиий акс эттиришдаги дадил новаторликни Ватан ва жаҳон маданиятининг барча илғор анъаналаридан фойдаланиш ва бу анъаналарни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб боради.

(КПСС программасидан)

реал, объектив таҳлил этиш, баҳолаш, йўл қўйилган камчиликларни, ҳаётимиздаги салбий ҳодисаларни кескин, ошқора танқид қилиш билан баробар камчилик ва хатоларни бартараф этиш чоралари, тараққиётимиз истиқболи ҳам кўрсатиб берилди — фан-техника ютуқлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, аср охирига қадар мамлакат экономикасини икки баробар кўпайтириш, жамиятнинг ҳамма соҳаларида туб бурилиш, сифат ўзгариши қилишдан, ер юзиде тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлашдан иборат дадил новаторона концепция ишлаб чиқилди, уни амалга оширишнинг конкрет йўл-йўриқлари, стратегияси белгиланди. Шу тариқа съезд ўз моҳияти билан давримизнинг жуда кўп ижтимоий-сиёсий талаб-эҳтиёжларига, ўткир ҳаётий муаммоларига жавоб берди. Съезд бошдан-оёқ большевистик принципиаллик ва бунёдкорлик руҳида ўтди, съезднинг барча ҳужжатлари чуқур гуманизм — инсон ва унинг келажаги, инсон яшайдиган замин ва унинг осойишталиги, инсоннинг маънавий камолоти ҳақида ғамхўрлик пафоси билан йўғрилган.

Партия истиқбол программасини белгилар экан, инсон омилининг аҳамиятига алоҳида эътибор бермоқда. Зотан, инсон омилини активлаштирмай, инсоннинг ўзини малака ва маънавий жиҳатдан такомиллаштирмай туриб ўртага қўйилган улуғвор вазифаларни ҳал этиш мумкин эмас.

Жамиятнинг маънавий ҳаётида, инсон омилини фаоллаштиришда, инсон онги ҳамда қалбига таъсир кўрсатишда санъатнинг роли бекиёсдир. Шунинг учун съездда адабиёт ва санъат масалаларига катта эътибор берилди. КПСС Программасининг «Маданий қурилиш, адабиёт ва санъат соҳасида» бобида социалистик реализм назарияси ва тажрибаси марксча-ленинча адабий тафаккурнинг бой ютуқлари асосида мухтастар тарзда умумлаштириб берилган, унинг мақсад ва вазифалари, бош йўли, асосий принциплари аниқ-равшан таъриф этилган.

Съездда, аввало, адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи, таъсир кучига берилган юксак баҳо ижод аҳлининг ўз қўлидаги қуролга бўлган ҳурмат-эътиқодини янада мустақамлайди, фахр-ифтихор ҳиссини оширади. «Жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамлар яшайдиган маънавий муҳит кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатнинг аҳволи билан белгиланади», — дейилади Сиёсий докладда. Сўнгра янги социалистик ҳаёт билан адабиётнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири ҳақида қўйидаги жуда муҳим фикр илгари сурилди: «Адабиётимиз янги дунёнинг туғилишини акс эттириб, шу билан бирга янги дунёнинг қарор топишида актив қатнашди, ана шу дунё кишини — ўз она юртининг ватанпарварини, чинакам интернационалистни вожага етказди. Бу билан адабиётимиз умумхалқ ишидаги ўз ўрнини, ўз ролини тўғри танлаб олди.»

Демак, совет адабиёти — социалистик ўзгаришлар меваси, у янги дунёнинг туғилишини акс эттирган, у берган ғоялар туфайли майдонга келган, айни пайтда бу адабиёт янги дунёнинг қарор топишида актив иштирок этган, ҳақ сўзи, халқчил, ҳаққоний образлари, эзгу туйғулари, юксак ғоялари билан янги типдаги инсоннинг, совет кишининг шаклланишига катта ҳисса қўшган. М. Горький, В. Маяковский, М. Шолохов, Н. Островский, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор сингари сўз усталари, ҳозирги кўпмиллатли совет адабиётининг пешқадам арбоблари ижоди бу фикрнинг ҳақлигини тўла тасдиқлайди. Совет кишиларининг бир неча авлоди адабиётимизнинг нодир намуналари саналмиш «Она», «Тинч Дон», «Очилган қўриқ», «Пўлат қандай тобланди», «Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Қутлуғ қон», «Асрор бобо», «Синчалак» каби хрестоматик асарлар, В. Маяковский, С. Есенин, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари шоирларимизнинг етуқ шеър, дostonлари руҳида тарбияланганлигини, бу тур асарлар улар ҳаётида, қалбиде инқилоб ясаганини, чуқур из қолдирганлигини яхши биламиз. Афсуски, шу пайтга қадар совет адабиёти билан социалистик жамият орасидаги ана шу диалектик муносабат илмий жиҳатдан етарли ўрганилган эмас. Гарчи социалистик реализм адабиётининг туғилишидаги ҳаётий омиллар ҳақида бирмунча ишлар қилинган бўлса-да, совет адабиётининг янги жамиятни қарор топиши ва ривожидеги бениҳоя катта хизмати, унинг қудратли маънавий, ғоявий-эстетик таъсир кучи тўлалигида кўрсатиб берилгани йўқ. Бу борада сўз борганда одат тусига кирган ибтидоий гапларни такрорлаш, баъзи фактларни, китобхонларнинг ёзувчиларга йўллаган мактубларидаги айрим дил сўзларини келтириш билангина чекланилади. Бу масалани янгича кенг қўламда ўрганиш, жиддий социал тадқиқотлар ўтказиш пайти аллақачон етган.

Бу масалани жиддий ўрганиш зарурияти яна шундаки, Сиёсий докладда тўғри уқтирилганидек, ҳаёт ва адабиётнинг ўзаро таъсири — халқ, партия, ёзувчининг, санъаткорнинг ишига баҳо берилса, шунингдек, совет адабиёти ва санъатининг ўз вазифаларига ёндашишда қўлланадиган асосий мезондир. Яъни, адабиёт ҳаётнинг қайси жиҳатларини

қандай акс эттирди, ҳаётга, кишилар онгига қанчалик таъсир кўрсатди — булар бадий ижоддаги ҳаёт-мамонт масаласидир.

Совет адабиётининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, жамият ҳаётидаги бурилиш даврлари ҳар доим унинг диққат марказида турди. Уз навбатида жамият ҳаётидаги бурилиш паллалари адабиёт, бадий тафаккур ривожига тўлқинлар ҳосил қилади. Адабиётдаги сифат ўзгаришлари тарихий давримизни шунчаки қайд этиш билан эмас, балки уни чуқур бадий ҳис қилиш, тушуниш, идрок этиш, ҳаққоний акс эттириш, туб моҳиятини очиб бериш орқали юзага келади. Адабиёт олдида ҳозир биз бошдан кечираётган бурилиш даврини чуқур идрок қилиш ва бадий акс эттиришдан иборат ғоят муҳим, масъулиятли вазифа турибди. Бундай пайтларда мавзунинг актуаллиги ниқоби остида ҳаётни бирёқлама енгил-елпи акс эттирувчи, ҳаммага маълум ҳақиқатларни шунчаки тарғиб қилувчи ёки ҳаётдаги янгиликларни қуруқ мадҳ қилувчи дабдабозлик руҳи билан йўғрилган асарлар ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин. Сўнгги йилларда шундай фактларга дуч келаётирмиз. Сиёсий докладда бу ҳақда жуда қатъий қилиб: «Партия ҳам, халқ ҳам дабдабали, маза-матрасиз асарларга ва турмуш кир-чиқирлари баён қилинган китобларга, тугуруқсизлик ва тор амалиётчиликка эҳтиёж сезмайди. Жамият ёзувчидан бадий кашфиётларни, ҳаёт ҳақиқатини кутмоқдаки, бу фазилатлар ҳамisha чинакам санъатнинг моҳияти бўлиб келди», — дейилган.

Чинакам санъатнинг моҳияти — ҳаёт ҳақиқати ва бадий кашфиёт яхлитлигидан иборат, деб қараш принципиал аҳамиятга эга. Бундан чиқадиган энг муҳим хулоса шуки, реалистик адабиётнинг кучи ҳақиқатни айтишда, акс эттиришда, бироқ реалистик адабиётда ҳаёт ҳақиқати фақат бадий идрок этилган, чинакамига кашф қилинган тақдирдагина бадий ҳақиқатга айланади. Ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш асло уни шунчаки асарга кўчиришдан иборат эмас. Ёзувчининг истёвдоди, ижодий оригиналлиги, бадий-фалсафий тафаккур савияси, кўлами худди шу жараёнда — ҳаёт ҳақиқатини бадий кашф этишда намоён бўлади, Абдулла Қаҳҳор яхши айтган: «Агар ёзувчилик турмушдан нусха кўтаришдан иборат бўлса, бундан осон иш бўлмас эди. Ҳаётдан айнан кўчириш, китобдан кўчиришдай гап. Копия копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик куттиш беҳуда. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга кўнгилдаги гапларни синдириш, тилагингни кўшиб ифодалаш билан юзага келади».

Етук реализм учун шунчаки «ҳаётни акс эттириш» деган формула камлик қилади, улкан реализм учун ҳаётдаги ижобий ҳодисаларни улуғлаш, иллатларни қоралаш, фош этишнинг ўзи етарли эмас; ҳаётни тадқиқ ва таҳлил этиш, ҳодисаларнинг туб моҳияти сари кириб бориш — реализмнинг бош хусусиятини ташкил этади. Реалистик адабиётда ҳақиқатни ифодалаш аввало инсон қалби тўғрисидаги ҳақиқатни очиш, инсон қалбига чуқур кириб бориш, унинг сирли, сەҳрли жиҳатларини кашф этиш, инсонни у яшайдиган реал замин, атроф-муҳит, кенг олам, ўтмиш ва келажак билан боғлайдиган кўпқиррали мураккаб алоқаларни кўрсатиш, яъни ёрқин характерлар, бадий тип дейишга лойиқ жонли, кенг қамровли, таъсирчан образлар яратиш демакдир.

Баъзан ҳаёт ва адабиёт муносабати ҳақида ўта жўн тасаввурларга дуч келамиз: гўё ҳаётнинг ўзида тайёр сюжет, нақдгина қаҳрамонлар бору, улар шундоққина асарга кўчирилса — тамом, яхши драма, қисса ёки роман пайдо бўлиб қолаверади, ҳаёт қаҳрамони адабиёт қаҳрамонига айланаверади. Ёки баркамол асарларни ўқиб беихтиёр: бу ҳаётнинг айнан ўзи, воқеалар ҳам, қаҳрамонлар, уларнинг гап-сўзлари ҳам турмушдан шундоққина олинган, дегувчилар ҳам бор. Аслида етук реалистик асарлардаги ўша айнан ҳаётнинг ўзидек туюлган ёрқин манзаралар, тирик одамлар, ҳаётий ғоялар аввало бадий истёвдод мўъжизаси, бой ҳаётий тажриба, кенг ижодий тасаввур, машаққатли меҳнат, тинимсиз изланишлар, изтиробли ўй-мушоҳадалар, ҳаётнинг чуқур тадқиқи ва таҳлили самарасидир, ҳаётий материал қанчалик муҳим бўлмасин, у истёвдод сەҳри билан қайта ишланиб, тадқиқ ва таҳлил этилиб, гўзаллик обидасига, яъни бадий кашфиётга айлангандагина зўр ғоявий эстетик таъсир кучига эга бўлади. Партиявий ҳужжатда реалистик ижоднинг шу қонуниятини, ижод табиатининг шу хусусияти эслатиб ўтилган. Демак, партия ҳозирги кунда ҳамма соҳада бўлгани каби адабиётнинг сифатига катта талаб билан ёндашаётир; адилларимиздан ҳозирги туб бурилиш даври ҳақида енгил-елпи, бетаъсир «ҳозиржавоб» асарларни, тор амалиётчиликни эмас, чинакам бадий кашфиётларни кутаётир.

Сиёсий докладдаги ҳақиқатнинг ленинча диалектик талқини муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳақиқат ҳақидаги бу принципиал талқин съезд ҳужжатларида илгари сурилган жамият тараққиётининг зиддиятлари хусусидаги концепциянинг давомидир. «Лекин ҳақиқат — мавҳум эмас, конкрет тушунчадир, — дейилади докладда. — Ҳақиқат халқнинг ишларида ва жамият тараққиётининг зиддиятларида, қаҳрамонлик ва оддий меҳнат кунларида, ғалабаларда ва муваффақиятсизликларда, яъни ҳаётнинг ўзида, унинг кўпқирралигида, драматизми ва улуғворлигида намоён бўлади». Зотан, ҳаётни айна шу тарзда диалектик идрок этиш йўли билангина реализмнинг бош талабини рўёбга чиқариш — ҳодисаларнинг туб моҳияти сари кириб бориш, ҳаққоний тадқиқ ва таҳлил этиш мумкин.

Совет адабиётининг олтин фондини ташкил этган, кейинги йилларда яратилиб, адабиётимиз шухратига шухрат кўшаётган асарларни эслайлик. Уларнинг барчасида ҳаёт ҳақиқати бутун мураккаблиги, зиддиятлари, манфий ва мусбат томонлари билан юксак бадий тарзда акс эттирилган, ҳаёт муаммолари большевистик принципиаллик билан кўтариб чиқилган, ҳодисаларнинг туб моҳияти очиб берилган. Ч. Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун», Н. Думбадзенин «Абадият қонуни», В. Распутиннинг «Ёнғин», Евг. Евтушенковнинг «Фуку!» Одил Ёқубовнинг «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар», Пиримқул Қодировнинг «Олмас камар», Асқад Мухторнинг «Илдишлар», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб», Улмас Умарбековнинг «Шошма, Қуёш», Уткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», Ёркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар», «Истамбул фожиаси», Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони», Омон Матжоннинг «Сени яхши кўраман», «Гиёҳлар ва дарэхтлар» номли китоби шу типдаги асарлардандир.

Ҳаётий ҳақиқатни қарама-қаршиликлар, зиддиятлар кураши тарзида бадий идрок этиш реализмининг, умуман, бадий ижоднинг қонуниятидир. Шу қонуниятдан чекиниш адабиёт учун завол эканини тажриба неча бор тасдиқ этган. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда кенг тарқалган машъум «конфликтсизлик назарияси», ҳаётни бирёқлама «бўяб-безаб кўрсатиш» тенденцияси адабиёт ривожига қанчалар зарар етказгани яхши маълум. Бу хил назария, ғайриилмий қараш, бу тенденция совет адабиёти табиатига ёт бир ҳол сифатида кескин қораланган, рад этилган. Афсуски, ўшандай қараш, ўша тенденция инерцияси адабий жараёнга узоқ вақт ўз таъсирини кўрсатиб, ҳаёт ҳақиқати шафқатсизлик билан ифода этилган: ўткир ҳаётий масалаларни мардона кўтариб чиққан асарлар йўлига ғов солиб келди. «Оқ кема», «Абадият қонуни», «Ўйин», «Тобутдан товуш», «Қизил бодрезак», «Тасқара» («Чучело») сингари адабиёт ва санъатимизнинг ажойиб намуналари, Евг. Евтушенко, А. Вознесенский, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари пешқадам шоирларимизнинг қатор ўткир шеър ва дostonлари теварагида кетган беҳуда баҳслар, кўнгилсиз машмашалар пайтида шу ҳол сезилди. Бошдан-оёқ ҳақиқат, адолат руҳида ўтган КПСХ XXVII съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезидан кейин ўткир, ҳаққоний асарларнинг асоссиз танқиди адабиётимиз, қолаверса жамиятимиз тараққиёти учун қанчалар қимматга тушганлиги янада равшанроқ намоён бўлди.

Булар биз учун жиддий сабоқдир, съездда айтилганидек, ҳақиқат сабоғидир. Сиёсий доқладда В. И. Лениннинг: «Бизнинг кучимиз — ҳақиқатни айтишда» деган сўзлари эслатиб ўтилди. Бу гап адабиётга ҳам дахлдор. Адабиётнинг кучи аввало ҳақиқатни айтишдадир. Социалистик жамиятнинг манфаати, табиати, унинг фаол курашчиси бўлган ёзувчидан фақат ростиғўйликни талаб этади. Қанчалик шафқатсиз бўлмасин, бор гапни айтиш бизда нормал ҳодиса тусини олиши лозим. Шоир Эркин Воҳидов сўзлари билан айтганда, агар ёзувчи, шоир виждон сўзини, ҳақ гапни айтолмаса фожиа юз беради: «Замонлар бўлган, унда рост гапни айтиш жасорат ҳисобланган, — дейди шоир. — Биз эса шундай жамиятда яшаётирмизки, давлат, мамлакат манфаатлари билан халқ манфаатлари ўртасида зиддият йўқ. Бутун жамият ва шу жамиятнинг интилишлари, орзу-мақсадларининг ифодачиси бўлмиш ёзувчиларнинг нияти битта: халққа хизмат. Бинобарин, шундай бир даврда рост гапни айтиш жасорат саналиши жўяли ҳодиса эмас. Лекин биз шундай даврни бошимиздан кечирдикки, жамиятдаги айрим нуқсонларни кўрсатиш баъзи юқори лавозимдаги одамлар томонидан жамиятнинг илдизига болта уриш, жамият боғига тош отиш, деб талқин этилди. Камчиликларимизни баралла айтишимиз, бу — уйдаги гапни кўчага олиб чиқиш, тузумимиз муҳолифлари олдида ўзимизни камситиш деб баҳоланди. Бундай фикр ҳоким бўлган вақтда ёзувчининг ижод қилиши ниҳоятда мушкул».

Бундай йўлнинг энг ёмон оқибати шу бўлдики, айрим ҳолларда истеъдодли, жасур, виждон сўзини айтадиган ёзувчи, шоирлар турли йўллар билан камситилди, ўртамиёна, замонасоз қаламкашлар эса кўкларга кўтарилиб, унвону мартабалар билан сийланди.

Шоир «Олтин девор» комедияси теварагида бўлган машмашаларни эслаб афсуснадомат билан ёзади: «1969 йили «Олтин девор» комедияси асосида саҳналаштирилган спектакль қабули пайтида баъзи мартабали ўртоқлар асардаги салбий қаҳрамонларни таҳлил этар эканлар: «Наҳотки, биз совет врачлари устидан, совет савдо ходими устидан шундай кулсак! Ахир, бу спектаклни кўрган заргар ёки врач норози бўлиб, бизларга мурожаат қилса, нима деб жавоб берамиз», — қабилидаги гапларни айтган эдилар: «Олтиний яшириш совет кишиларига хос эмас; асарнинг биринчи кўринишидаёқ олтинни давлатга топшириш керак эди!» деганлар ҳам бўлганди. Енгил ҳазил асосига қурилган беозор спектакль ҳақидаки шундай фикрлар баён этилганда, масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Уйғуннинг «Парвоз» асарларидек кескин жасорат билан ёзилган, ижтимоий адолат учун ошқора кураш руҳи билан йўғрилган асарларнинг тақдири тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади». («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986 йил, 7 март.)

Шунга ўхшаш нохуш ҳодисалар ҳақида ёзувчи Ўткир Ҳошимов «Бурилишлар даври» сарлавҳали мақоласида куюниб ёзади: «Ахир биз камчиликларимизни яширсак, рақибларимиз ошириб кўрсатади-ку! Агар биз камчиликларимиз ҳақида куюниб гапирмасак, душманларимиз суюниб гапирди. Агар биз камчиликларимизни швирлаб гапирсак, муҳолифларимиз бақириб айтади. Бундан кимга фойдаю кимга зиён! Ҳолбуки ўша пайтларда ғалати одатлар бор эди. Раҳбар одамга тил теккиза кўрма, милицияни танқид қила кўрма, суд-прокуратура органига тик қарасанг, балога қоласан... Танқид қиладиганимиз қоровул билан савдо ходими эди». («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1986 йил, 21 март.)

Шоир Абдулла Орипов ҳам ўша пайтлари бор гапни ошқор айтиш ғоят қийинлашиб кетганини ачиниш билан эслайди. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986 йил, 9 май.)

Атоқли белорус ёзувчиси, Ленин мукофоти лауреати Василь Биков бу ҳақда яна ҳам кескинроқ қилиб дейди: «Биз ҳозир ҳам, савияси паст асарлар ҳақида кўп гапирётимиз. Фикримча, бу бевосита бадий ижодга бюрократларча ёндашишнинг оқибатидир, аслида ана шундай хом-хатала асарлар турининг кенг ёйилишига ўзимиз айбдоримиз. Бизда ҳаётни яхши биладиган, ҳақиқий аҳволдан хабардор, жиддий фикрлайдиган, адабиётга садоқат билан ҳаққоний хизмат қилишга тайёр ёзувчилар, талантлар кўп. Бироқ нуқул шахсий ҳаловатини ўйлайдиган эҳтиёткор одамларнинг хатти-ҳаракати туфайли воқеликни бадий тасвирлаш муайян қолигга тушиб қола бошлади. Агар муҳаррирлар, ноширлар (ҳаммаси эмас албатта, афсуски, кўпчилиги) қўлёмалардаги ўткир, кескин жойларга дуч келиб қолсалар борми, дарҳол ўша ўринларни бюрократларча қайчилашга киришадилар. Мана шундай кўпол аралашувга кўнмай кўрингчи — асар бутунлай чиқмай кўя қолади. Лекин ҳеч кимга ҳеч нарса бермайдиган, ҳеч қандай проблемани кўтариб чиқмайдиган, фақатгина улар ҳақида шунчаки юзаки тасаввур берадиган мужмал ва хом асарлар эса ўзига осон, силлиқ йўл топиб олади, биринчи навбатда шулар чоп этилади, уларни қўллаб-қувватловчи тақризлар чиқади, турли хил рағбату мукофотларга сазовор бўлади» («Литературная газета, 1986 йил, 14 май).

XXVII съезд бизни бу хилдаги эскича бирёқлама қарашларга, фикрдаги турғунликка, ҳақиқатдан чўчиш, ҳадиқсираш кайфиятларига қарши муросасиз бўлишга чорлади. Адабий-танқидий тафаккурдаги турғунлики, қоқоқлики узил-кесил баратараф этиш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Социалистик реализм адабиётининг юксак принциплари учун курашда, уни асосий ҳамлалардан ҳимоя қилишда, унинг тараққиёти йўлидаги қийинчиликларни баратараф этишда марксча-ленинча адабий танқиднинг роли бениҳоя катта. Шунинг учун ҳам съезд ҳужжатларида адабиётшунослик ва танқидчиликнинг аҳволи ҳамда бурчи, вазифалари масаласи кенг ўрин олди.

Адабий танқид бадиий жараён, ёзувчи ва конкрет асар ҳақида шунчаки шахсий фикр баён этадиган, алоҳида адибларгагина хизмат кўрсатадиган, муаллифларнинг иззат-нафсига ва инжиқликларига қараб иш тутадиган соҳа эмас; Сиёсий докладда у «**ижтимоий фаолият**» деб таърифланди, КПСС Программасида эса партия адабиёт ва санъат масалаларини ҳал этишда ижодий союзлар, жамоатчилик фикри билан бир қаторда марксча-ленинча бадиий танқидга таянажга айтилди.

Сиёсий докладда ҳозирги адабий танқидчилик ривожига ҳалақит бераётган иккита жиддий камчилик — кўнгилчанлик ва амалга сиғиниш танқид остига олинди, булар соғлом ҳаётни зил кеткизадиган ҳодиса сифатида кескин қораланди. Кейинги чорак аср давомида бизда ҳам ҳилла кенг илдиэ отган амалга сиғиниш ва кўнгилчанлик касали адабий муҳитга жиддий зиён етказди, энг ёмони, адабий танқиднинг ижтимоий таъсир кучига монелик қилди, обрў-эътиборига соя туширди; адабий ҳаётдаги муайян социал адолатсизликларга йўл очди; юқорида айтилган ҳол — бир қатор ўртамиёна асарларнинг ошириб баҳолашига ва айна пайтда айрим ўткир, ҳаққоний асарларнинг сояда қолишига адабий танқид ҳам сабаб бўлди.

Рус демократик танқидчилигининг, марксча-ленинча адабий танқидчилигининг яхши аънанаси бор: В. Белинский, Н. Добролюбов, Н. Чернышевский адабий танқидга юксак ижтимоий фаолият деб қараганлар, адабий ҳодисага баҳо беришда адабиёт ва бутун бир жамоат манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўйганлар, улкан талантларни бениҳоя ҳурмат қилганлари ҳолда уларга юксак талаблар билан ёндашганлар, улар ижодида камчилик, хатоликлар содир бўлганида, ҳеч тап тортмай, юзхотирга бормай уларни кескин танқид остига олганлар: Бунинг учун В. Белинскийнинг машҳур «Гоголга хат»ини эслаш кифоя. В. И. Лениннинг Л. Толстой тўғрисидаги мақолалари, М. Горький билан ёзишмалари адабий танқидни ижтимоий фаолият деб билишнинг мислсиз намуналаридир. В. И. Ленин М. Горькийни ўзининг энг яқин дўсти санайди, унга бениҳоя ҳурмат-эҳтиром билан қарайди, айна пайтда шу яқин дўсти қарашлари, ижоди ва фаолиятида учраган хато, камчиликларни ҳеч яширмай дангал юзига айтиди, қаттиқ танқид қилади.

Танқидчилигимизда шу мўътабар аънаналарни изчил давом эттирган алломалар кўп. Абдулла Қаҳҳор шулардан бири эди. Асар автори ким бўлишидан қатъий назар адиб адабиёт манфаатини ўйлаб у ҳақда ҳамиша ҳақ гапни айтар, кам-кўстини кўрганида ўзига энг яқин ёзувчи танқидчини ҳам асло аямас эди. О. Шарофиддинов, М. Қўшжонов, Н. Худойбергенов, И. Гафуров каби пешқадам мунаққидларимиз аксари ишларида шу мўътабар аънанани давом эттираётган бўлсалар-да, афсуски, амалга сиғиниш ва кўнгилчанлик узоқ йиллар танқидчилигимиз оёғидаги кишан бўлиб келди, уни дадил одим отишига, янада юксакликка кўтарилишига ҳалал берди.

Адабий танқиднинг ижтимоий фаолият экани фақат талабчанликини, адабиётдаги камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишигина билдирмайди. Сиёсий докладдаги маънавий, маданий ҳаётга раҳбарлик қилиш оддий иш эмаслиги, бу соҳа одоб билан иш кўришни, ижод табиатини тушунишни ва албатта, адабиёт ва санъатга меҳрни, истеъдод соҳибини ҳурматлашни талаб қилиши ҳақидаги гаплар адабий танқидчиликка ҳам дахлдир. Хусусан, **ижод табиатини тушуниш ва адабиётга меҳр** — адабий танқиднинг зарур шартидир. Ижод табиатини чуқур ҳис этган, тушунган, адабиётга чексиз ички меҳр туйғуси билан йўғрилган танқидгина ўз олдидаги ҳақиқий бурчини ўтай олади. Адабий асар табиатини тушунмай, асар нафосатини ҳис этмай, туб моҳиятини англаб етмай нописандлик билан қилинган танқид ҳам худди хушомадгўйлик, кўнгилчанлик оқибати бўлган ўринсиз мақтов сингари зарарлидир. «Тобутдан товуш», «Олтин девор», «Келинлар кўзғолони», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Сўнги бекат», «Биринчи муҳаббатим», «Аёл», «Ойдинда юрган одамлар» каби асарлар атрофида бўлиб ўтган баҳсларда, айрим мақолаларда шу ҳол кўзга ташланди.

Танқидбозлиқнинг чинакам танқидчиликка алоқаси йўқ. Адабий танқидчиликнинг мурод-мақсади нуқул танқид қилишдан иборат эмас. Танқидчиликнинг бш мақсади — ёзувчи, унинг асари, бутун адабий жараён ҳақидаги **ҳақиқатни айтишдан** асар, адабий жараённинг туб моҳиятини очиб беришдан иборатдир. Шу маънода адабий танқид фандир. Фақат теран, пишиқ-пухта, илмий асосга, юксак эстетик идеалларга таянадиган танқидгина ҳақиқатни айтишга, очишга қодирдир. Барча фанларда бўлгани каби адабий танқиднинг, умуман, адабиётшуносликнинг кучи унинг ҳаққонийлигида ва ҳаётийлигидадир. Сиёсий докладда шундай дейилади: «Практикага асосланадиган ва практикага қайтадиган чуқур умумлашмалар ва омилкорона тавсиялар билан бойиган илмий йўналишларгина ҳаётийдир. Схоластика, қироатхонлик ва догматизм ҳамиша билимларнинг чинакам бойишига тушов бўлиб келди. Бу иллатлар фикр турғунлигига олиб боради, илм-фанны ҳаётдан қалин девор билан ажратиб, илм-фаннинг ривожланишини суллаштиради. Ҳақиқат дабдабозлик ва фармоийш-кўрсатмаларда эмас, балки илмий мунозаралар ва баҳсларда вужудга келади, амалиётда синовдан ўтади».

Бу сўзлар барча фанлар қатори адабий танқид ва адабиётшунослик учун ҳам назарий аҳамиятга эга. Съездда таъкидланганидек, ҳозирги босқичда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қарор топтирилаётган ижодий муҳит адабиётшунослар олдида ҳам янги уфқлар очади, фаол бўлишга, ҳаёт, адабий жараён тақозо этаётган янги масалаларни дадил, ташаббус билан ўртага қўиш, уларни ижодий тарзда назарий ишлаб чиқишга ундайди. Чунончи, бой ҳаётий

ва адабий тажрибага таянган ҳолда адабиётнинг ижтимоий таъсир кучи, ижобий қаҳрамон проблемаси, социалистик жамият зиддиятлари ва уларнинг адабиётдаги ифодаси, мураккаб, чигал тарихий воқеалар ва шахслар талқини, санъат ва адабиётдаги фожиавийлик, хусусийлик ва умумийлик, ижодий индивидуаллик ва ижод пафоси, ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат, бадий қиммат сингари социалистик реализмнинг ўткир назарий муаммоларини дадилроқ, кенгроқ, чуқурроқ ўрганиш пайти келди.

Съезда давримиз қаҳрамони, ижобий қаҳрамон масаласига катта эътибор берилди. Шундай бўлиши табиий. Сиёсий докладда айтилганидек, даврни, айниқса, бурилишлар даврини идрок этишдан иборат ижтимоий эҳтиёж вужудга келган пайтда даврнинг ўзи ҳамisha ана шу ишни қилиш ички эҳтиёжга айланиб қоладиган одамларни майдонга чиқаради. Биз ҳозир ана шундай даврда яшаймиз. Шуни айтиш керакки, ҳаётнинг ўзида бурилишларга, янгиланишга эҳтиёж сезган кишилар илгарироқ пайдо бўлган. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, адабиётда шундай одамлар образи анча бурун яратила бошлаган, шу тарика адабиётимизнинг энг яхши намуналари туб бурилиш даврини тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшган эди. Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар», «Олмос камар», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романларидаги фирромлик, қаллоблик, кўзбўямачиликка қарши муросасиз кураш олиб борадиган ниҳоятда ҳалол, фидойи, фикрлайдиган, фаол курашчи, муҳитга таъсир кўрсатишга қодир йирик шахслар, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева, Усмон Азимов каби шоирларимиз шеърларидаги куюнчок, ҳақиқатгўй, исёнкор, довурак лирик қаҳрамонлар шулар жумласидандир. Бугунги бурилиш даври бу борада адабиёт ва санъат олдига янада улкан талабларни қўймоқда.

50-йилларнинг ўрталаридаги бурилиш жараёни адабиётимизга Саида, («Синчалак»), Ҳуррият («Парвоз»), Маҳкам («Уч илдиэ»), Луқмонча («Туғилиш») сингари ёрқин ижобий қаҳрамонларни бергани каби ҳозирги янгиланиш, поккланиш, кескин ўзгаришлар жараёни ҳам йирик курашчи қаҳрамонларни бериши табиий.

Съезда тарих, революцион ўтмиш, халқ хотиралари масаласи ҳам кескин қилиб қўйилди, муқаддас миллий обидаларга нописанд қарашга нисбатан партиявий талаб қатъий бўлиши кераклиги, одамларни халқ руҳининг жонкуяр ҳимоячилари қилиб тарбиялаш лозимлиги алоҳида уқтирилди. «Тарих, революция, уларнинг ёдгорликлари — булар халқни тарбиялашнинг қудратли манбаи», дейди ўртоқ Е. К. Лигачев ўз нутқида. А. С. Пушкин номидаги Ленинград Академик драма театрининг бош режиссёри И. О. Горбачев ҳозирги давр театр сахналарида тарихий ва тарихий-революцион пьесаларнинг деярли йўқлиги ачинарли ҳол эканини айтиб, куюнчоклик билан илова қилади: «Ахир давлатимиз тарихида кўплаб муҳим воқеалар, шонли сиймолар борки, улар билан биз ҳақли равишда фахрланамиз, улар ёш авлод учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, ёш авлод эса бундай намуналарга муҳтож... Уларнинг образлари, чинакам халқчил характери бизларни тарихимиз билан боғлайдиган жонли робиталардир. Уларни узиб қўйиш билан биз муқаррар равишда ўзимизни асосий маънавий қудрат манбаларидан маҳрум этган бўламиз».

Партия съездида масаланинг бу тарзда қўйилиши жамиятимизнинг етуқлигидан далолатдир. Атоқли рус адаби Ю. Нагибин сўзлари билан айтганда, жамиятимиз, чамаси, хотираларга, ўтмишга ўта нигилистик қарашларнинг барча босқичларини ортда қолдириб кетди; гўзал эски биноларни, черков ва бошқа ёдгорликларни бузиб топташ, ўтмишни билиш бутунлай беҳўда эрмак деб қараш ҳоллари, чамаси, энди ўтди. («Комсомольская правда», 1986 йил 23 апрель.)

Партия съездининг тарихга, хотираларга принципиал ёндашуви бизни адабиётимизда сўнгги йилларда пайдо бўлган тарихий, тарихий-революцион мавзудаги энг яхши асарларни қадрлашга, қўллаб-қувватлашга, бу борадаги мавжуд анъаналарни изчил давом эттиришга чорлайди. Халқимизнинг миллий озодлик, Октябрь инқилобига келиш йўлидаги интилиш, курашларини кўрсатувчи, халқ қасоскорларининг, инқилобчиларнинг машаққатли маънавий-сиёсий изланишларини чуқур таҳлил этувчи Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги», Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асарлари адабиётимизда ўзига хос бир ҳодиса бўлди.

Бу асарлар фақат халқимиз тарихининг муҳим воқеалари, у ёки бу одам ҳаётига бағишлангани билан эмас, уларда тарихий воқеалар, тарихий сиймолар ҳаёти бутун мураккаблиги, зиддиятлари, кучли ва ожиз томонлари, синфий чекланганлиги, драмалари, фожиалари билан ҳаққоний кўрсатилгани, марксча-ленинча позицияда туриб чуқур ёритилгани, бадий таҳлил этилгани, уларда ўтмишни бугунги кун билан боғлайдиган жиҳатлар янгича, нозик, теран ва юксак бадий савияда намоён бўлгани учун ҳам қадрлидир.

Тарихий мавзудаги асарларнинг маърифий, тарбиявий, замонавий қиммати нақадар юксак бўлмасин, барибир, замонавий мавзу, ҳозирги давр муаммолари, замондошларимиз ҳаёти, тақдири, қалб кечинмалари, улар олдида турган хилма-хил жумбоқлар совет адабиёти ва санъатининг бош тасвир объекти бўлиб қолаверади. Партиямиз съезди халқ тарихи ва хотирасига нописанд муносабатда бўлишга қарши чиқиш билан баробар, ёзувчиларимизнинг диққат-эътиборини ҳозирги бурилиш даврига тортди; бу босқични чуқур идрок этиш ва шу янгиланиш, ўзгаришларга хос ҳақиқатни ифодалаш, бадий кашф этиш, даврнинг чин қаҳрамонлари образини яратиш адабиётимизнинг бош вазифаси эканлигига асосий диққатни қаратди.

Бу осон кўчадиган иш эмас. Аслида, шоир сўзлари билан айтганда ҳақиқий ёзувчи ҳеч қачон осон бўлган эмас. Жамият босиб ўтган йўлни, аён ҳақиқатларни ифода этиш борасида эндигина бошланаётган ғоят мураккаб, кўпқиррали, зиддиятли, аммо қудратли, истиқболи порлоқ янги тарихий жараёни бадий идрок этиш мушкул ва мароқлидир. Реалистик адабиётнинг, хусусан, социалистик реализмнинг илғор вакиллари ҳамisha қайноқ ҳаёт изидан бориш билан баробар ҳаётдан бир оз илгариде юрганлар, истиқболни олдидан ҳис

этганлар, кўрганлар. Шу тариқа жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатганлар. Ҳозирги кунда бурилиш палласида ҳам социалистик реализм адабиётининг шу хислати ўз саховатини кўрсатажанига шубҳа йўқ. Кўпмиллатли совет адабиётининг кейинги энг яхши намуналари буни тасдиқлаб турибди.

Нуриддин Шукуров

НОЗИК ВА СЕРЖИЛО ҚИРРАЛАР

Социалистик реализмнинг анъана ва новаторлик принципини бир-бирига пайванд қила олмаган ёзувчининг совет адабиётида жиддий муваффақиятга эришиши, ғоявий-бадий мукаммал асарлар яратиши қийин.

Улуғ Ватан уруши давридаги фронт орқаси ҳаёти ўзбек ёзувчиларининг кўпгина асарларида ўз ифодасини топганлиги маълум. Лекин сўнгги даврда ёзилган кўплаб шеърлар ва проза асарларида у давр ҳақиқати янада янги-янги қирралари, мураккаб драматик ва фожиавий ҳолатлари билан очилмоқдаки, бу адабиётимиз учун янгилик бўлди. Бу йўналишни Ҳалима Худойбердиеванинг «Қайтмайман», «Она садоқати ва ўғил армони қиссаси», Ойдин Ҳожиеванинг «Сангиной қиссаси», «Гулсумхона соғинчи», Анвар Эшонунинг «Тошбуви», Усмон Азимовнинг «Самандар», «Марсия» каби асарларида кўрамиз. Бу асарларда уруш даврининг ғоят оғир воқеа-ҳодисалари ички тафсилотлари билан акс этган. Уларда мураккаб фожиаларни социалистик реализм принципларидан келиб чиқадиган аниқ концепция орқали чуқур реалистик асосда тасвирланганлиги эътиборга лойиқдир.

Ҳа, ҳозирги кўпгина шоир, адиблар социалистик реализм анъаналарини янада бойитмоқдалар. Улар, бир жиҳатдан, фожиали ҳолатларни тасвирлашда «шафқатсиз реализм» йўлидан бормоқдалар. Шунингдек, жанрлар, шакллар, услублар ранг-баранглигини кенгайтирмоқдалар. Ижодий методда, дунёқарашда, ғоявий позицияда аниқ концепцияга эга бўлмаганда эди, уларнинг асарларидаги оғир фожиали ҳолатлар тасвири яланғоч натурализм ёки йиғлоқи сентиментализмга, мавҳум романтизм ёки ноаниқ абстракционизмга айланиб кетиши мумкин эди.

Ҳалима Худойбердиеванинг «Она садоқати ва ўғил армони қиссаси», бир жиҳатдан, ўзи қавс ичида қайд этиб ўтганидай, «халқ йўлида» ёзилган. Бу балладада шоира халқ дostonларидаги каби воқеа-ҳодисанинг қисқача мазмунини насрий баёнда бериб, ундан сўнг персонажнинг кучли эҳтирос ва кечинмаларини шеърий мисраларда ифодалайди. Бундан ташқари насрий баёнда ҳам, шеърий ифодада ҳам халқ иборалари, фольклорга хос муболағаларни кетма-кет ишлатиш, қофияли насрга мурожаат қилиш усулларида

кенг фойдаланади. Аммо шоира қадимий халқ дostonлари ёки халқ китоблари йўлига бутунлай ўтиб кетмайди. Бир вақтлар «фармонбардор овози гуриллаб, тахмондаги кўрпа-тўшакни зириллатадиган» она энди Сайрам келини уйига эшикдан «шарпадайгина кириб» келади. Онанинг ана шу изтироб билан боғлиқ йиғи-сиғисини бўрттириб тасвирлашдан кўра шоира унинг келинига эрга тегиш учун рухсат беришни ўйлаши билан боғлиқ азобли кечинмаларини биринчи планга олиб чиқади.

Асарнинг иккинчи қисмида тасвирланишича, Сайрамнинг ёлғиз ўғли беш-олти болалик бўлиб камолга етган умр фаслида тўсатдан хасталаниб, тўшакка ётиб қолади. Охириги лаҳзаларда «Оғам деб йиғлашга бир кўз бўлсайди... бир елка бўлсайди суюнмоғимга... Отажон, не учун тегмадинг эрга» деб жон беради.

Ана шу тарзда шоира урушнинг қирқ йилдан кейинги жароҳатлари ва фожиаларини аниқ кўрсатиб беради. Шахснинг ирода йўналишини тўғри белгилагани ҳолда фожиавий ҳолатларни юксак инсоний фазилатларни очиш учун хизмат қилдира олади. Ҳаёт зиддиятларига, изтиробларга бардош бера олган келинчакнинг хатти-ҳаракатларини қаҳрамонлик сифатида улуғлайди. Шоира фожиани одамдаги инсонийлик, сабру бардош, олижанобликни синондан ўтказувчи восита сифатида талқин қилади ва инсоний фазилатларни, эзгуликни асосий пафос даражасига кўтаради.

Интим шеър, лирикамизда салмоқли мавқе эгаллаётгани қувончли ҳол. Аммо интим шеър — тор, шахсий кечинмалар ифодасигина эмас. Шахсий ҳис-ҳаяжонлар умуминсоний туйғу даражасига кўтарилмаса, чинакам шеър учун мазмун бўлолмайди. Шахсий кечинма шеър яратиш учун туртки ролини ўйнаши мумкин. Лекин уни шундайлигича қайд қилиш билан мукаммал асар яратиш бўлмайди. Ғафур Ғулومнинг «Соғиниш» шеъри учун шахсий кечинмалар туртки бўлган, холос. Бироқ шоир бу шеърда ота-онанинг фарзандга меҳр-муҳаббати, ҳаётнинг абадийлиги, Ватан мустақиллиги, озодлиги учун курашнинг муқаддаслиги, ҳаёт завқи, ғалаба нашидаси, келажакка ишонч, айрилиқ дарди, умид ва бурч ҳақида фалсафий шоирона мулоҳаза юритгани учун юксак

бадийлик чўққисига чиқа олди. Зулфиянинг «Ҳижрон» туркумидаги шеърлари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Кейинги йилларда матбуотда пайдо бўлаётган муҳаббат ҳақидаги бир қанча интим шеърларда эса туйғулар доираси тор ва майда, саёз ва ўткинчи шаклда ифодаланмоқда.

Миразиз Аъзам бир қанча тўпламлар нашр этган истеъдодли шоир. Унинг болалар учун ёзган шеърлари айниқса мароқли. Лекин муаллифнинг «Учиш» шеърдаги тасвир натуралистик босқичда қолганлиги учун юксак бадий мезонларга жавоб беролмайди. Бу шеърдаги лирик қаҳрамон бир қиз билан беш-ўн минут давомида лифт кабинасини банд қилиб, пастдан юқорига, юқоридан пастга ўчади. Шу орада йигит «қизини кучоқлаб, ўпиб, эзгилаганлигини айтиб мақтанади:

**Эсимда, эсимда қўлларим олган
Оппоқ сийналарнинг ҳарорати ҳам.
Лабларимда олма исидай қолган
Ширадор лабларнинг таровати ҳам.**

Ҳўш, бу тасвир ва кайфият чин муҳаббат кечинмаларини ифодалашга хизмат қилганми? Йўқ, бу мисраларда ҳали фақат эротик хирс бор-у, кучли инсоний ҳис — муҳаббат туйғуси йўқ. Миразиз Аъзам Ғарб буржуа адабиётидаги шахвоний хирсларни очиқ тасвирлаш, уларни асар пафосига айлантириш тенденциясига тақлид қилганга ўхшайди. Балки бу социалистик реализмнинг реалистик тасвир ва умумлаштириш принципларини чуқур ўзлаштирмаслик оқибатидир.

Пахтазор ва пахта терими ҳақида ёзилган шеърлардан бирида баъзи «чиройли образлар» бўлса ҳам, яхлит олганда у ҳодисанинг ташки кўринишини қайд қилиб ўтишдан нарига ўтмайди. Унда кучли, эътиборга сазовор поэтик мазмун йўқ. Мана, ўша шеър:

**Тандир совир, нон саватда
Юмларгадир интизор,
Оқ тонг билан гажум бўлар
олтинга қон пахтазор.
Келин атлас кўйлагидан кўкда
яшнар камалак,
Пахтазорга кўчган одам мисли
оппоқ напалак.
Тупдан тупга кўчиб ўтар ҳар
чаноқни бўшатиб,
Ҳов нарида кўшиқ айтар қайбир
жувон ўхшатиб.
Мен уларга тикилганча қўлим
тупдан адашар,**

**Ҳар кун бўлса дейман шундай
барака топган ҳашар.
Жўр бўламан ўша куйга дард
кўрмасин қўлинглар,
Доим омон бўлинглар-ей, доим
омон бўлинглар.**

Ёш шоир М. Жўрабоевнинг бу мисраларида пахтазордаги айрим лавҳалар шундай-лигича кўчириб олинган. Уларни бадий идрок этиш асосида кучли поэтик мазмун кашф этилмаган. Пахта терими ясағиб-тусаниб, ўйнаб-кулиб эгат оралаб, кўшиқ айтиб юришдан иборат бир энгил машғулот қилиб кўрсатилган. Ҳа, шеър муаллифи шундай манзарага дуч келган бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолат пахта теримининг, пахтакор меҳнатининг асл моҳиятини; поэзиясини очишга хизмат қилдирилмаган, натуралистик тасвир даражасида қолган. Албатта, пахтакорлар ҳақида қасида характеридаги шеър ҳам (Ғафур Ғулом — «Пахта — тинчлик хазинаси»), пахта меҳнатининг қийинчиликларини ифодаловчи драматизм билан суғорилган шеър ҳам (Асқад Мухтор — «Мен — пахтакорман»), Эркин Воҳидов — «Бизлар ишлаяпмиз»), айрим шахслар кўзбўямачилигини ёки ялқовлигини фош қилувчи ҳажвий шеър ҳам яратиш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ҳодиса моҳиятини чуқур очиш, поэтик назар билан унинг янги бир қиррасини топиш ва ёритиш талаб этилади. Шукур Қурбон «Пахтазорга кириб борар бир жажжи бола» деб бошланувчи шеърда ёш боланинг опаларини излаб бориши ва уларни қақиришини ўзига хос бир тугун қилиб олади. Аммо «опалари эшитмайди укажонини». У бола «опаларин бир йўқотиб қўйишдан кўрқса, бир йўқолиб қолишидан кўрқар ўзининг».

Шукур Қурбон бу шеърда қадимий мавзунинг қандайдир янги қирраларини топади, улар эса ҳодисанинг назарга тушавермайдиган ички томонларини ёритади, китобхонни поэтик фикр ортидан эргаштиради.

Омон Матжоннинг «Хоразм пахтакорлари-га» шеъри мадҳия характериға эга. Аммо шоир ана шу воситада ҳам пахта меҳнатининг қийинчиликлари хусусида ёрқин тасаввур берувчи характерли деталлар топади, бутун халқнинг пахтакорга айланиб, қийинчиликларни енгиб ўтишини кўрсатади.

Шеърятда ҳаққонийликка эришишнинг йўллари нозик ва кўпқирралидир. Ана шу нозикликлар ва сержилло қирралар, оҳанглари кашф этган шоиргина ҳақиқий шеър ярата олади.

Собир Мирвалиев

МАҲОРАТ МЕЗОНИ

Инсон дунёга келибдики, ҳақиқат учун курашади, ҳақиқат излайди. Ана шу ноёб ният уни доимо келажак сари чорлаб туради. Бироқ ҳақиқатни ҳар ким ҳар хил тушунади ва ҳар хил таърифлайди. Айни чоғда ҳақиқатнинг катта-кичиги ҳам бўлмайди. Нон ҳам, увоғи ҳам нон дегандек гап. Балки унинг букилса ҳам синмаслиги шундан бўлса ажаб эмас.

Октябрь инқилоби билан муҳрланган социалистик ҳаёт ҳақиқати қонунлаштириб

...тан. Бу аввало инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи, унинг маънавий-ахлоқий қадриятларини парвариш этиб, камолотга етакловчи ҳақиқатдир.

КПСС XXVII съездида ана шу социалистик ҳаёт ҳақиқати тантанаси учун кураш масаласини жиддий тарзда қўйилиши бежиз эмас. Сўзсиз, бу масалани ҳал этишда совет адабиёти ва санъатининг роли яна ҳам ошиб бориши табиий.

Шу маънода биз сўнги йиллар ўзбек совет адабиётидаги янгиланишларни кўздан кечирадиган бўлсак, маълум сифат ўзгаришлари бўлаётганлигини, социалистик ҳаёт ҳақиқати тасвири етакчи ўринга кўтарилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш лозимки, бу борадаги оз бўлса ҳам ҳозирги мавжуд ютуқларни кўз-кўз қилишдан, керак бўлса қайта-қайта қайд этишдан чўчимаслик керакка ўхшайди. Шубҳасиз, танқид ҳам керак. Агар танқид беғараз, масалани яхшилашга қаратилган ва самара берадиган бўлса, фойдали, албатта. Лекин муаммонинг бошқа нозик томонини ҳам унутмаслик керак, яъни танқид баҳонасида оз бўлса ҳам пайдо бўлаётган янгиланишни бутунлай унутиб, унинг камол топишига соя солмаслик лозим. Биз нуқсонларни рўйи-рост кўрсатиш билан бирга ана шу янги ўсишни авайлаб, парвариш этиш орқали чинакам социалистик ҳаёт ҳақиқатини умумлаштирувчи етуқ асарларни кўпайтиришимиз мумкин бўлади. Кузатишимизча, бундай руҳдаги асарларнинг ҳозирги кунда тобора кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир. Шу маънода Эркин Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» шеърӣ драматини, Асқад Мухторнинг «Чорраҳа», Одил Ёқубовнинг «Оққушлар, оппоқ қушлар» романлари, Ўлмас Умарбековнинг «Аризасига кура», «Курорт» драмалари ҳамда «Ойнинг олтин ўроғи», «Бўрибосар» ҳикояларини, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Зўлдир», Шукрулло-нинг «Ўғрини қароқчи урди» драматини, Фарҳод Мусажоновнинг «Шаҳарлик олифта» каби бир қатор асарларни тилга олса бўлади. Хўш, бу асарлардаги ижобий фазилат ва янгиланиш нимадан иборат? Нега улар китобхон ва томошабин томонидан илиқ, ўзгача бир меҳр билан қарши олинмоқда? Шундай саволга «Истамбул фожиаси» асаридан жавоб кидириб кўрайлик. Очиғи, мен ушбу шеърӣ драмани қайта-қайта ўқидим. Ҳар гал нимадир менга янги, сирли, сеҳрли бўлиб туюлаверди. Бу адабнинг чинакам таланти, маҳорати самараси деб айтса ҳам бўларди. Бироқ гап фақат шундагина эмас. Асарга жиддий ва объектив ёндашилса, ҳамма «сир» аста-секин ечила боради. Унда асосан бор-йўғи учта, ҳа, учтагина персонаж бутун бир асарни ҳаракатга келтиради, муаллиф ғояси мақсадини очишга хизмат қилади. Шоирнинг маҳорати катта бир ғояни, чигал тақдирлар фожиасини колхоз раиси — сайёҳ Жамол, рафиқаси Саодат ва укаси — ватангадо Исқандар образлари воситасида ҳал эта билганлиги-дадир. Ҳаётда янглишиб қўйилган бир қадам, мана шу уч қаҳрамон тақдирини чалкашиб кетишига, ҳатто фожиага олиб келади. Ҳамма бало Исқандар қалбдан севган Саодат енгилтаклик қилиб акаси Жамол билан турмуш қуришидан бошланади. Ночор қолган Исқандар алам билан фронтга кетади. Мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатади. Бироқ навбатдаги жангда ҳушсиз қолиб, фашистлар қийноғига учрайди. Қочади, дарбадар умр ўта боради-ю, она-Ватан соғинчи уни тобора емираверади. Шундай ҳолатда у Истамбулда ўз акаси, янгаси (собик севгилиси) билан юзма-юз қелади. Аччиқ ҳақиқат аста-секин очила боради ва ўқувчини чексиз ларзага сола бошлайди. Пироварди, ана шу уч тақдир ҳаёти замирида яшириниб келган бутун сир фож бўлиб, тақдирлар фожиаси аччиқ ҳаётӣ ҳақиқат тарзида намоён бўлади. Агар таъбир жоиз бўлса, автор ана шу ҳаёт ҳақиқатини шекспирона зўр куч билан тасвирлайди, натижада ўқувчи қалбида бир энтиқиш, аччиқ алам ва ачиниш, урушга лаънат уйғона боради.

Ўлмас Умарбековнинг «Бўрибосар» ҳикояси ҳам ибратлидир. Асар кичикинтойлар ҳаёти, аниқроғи, болалар билан ҳайвонот олами, табиат ўртасидаги муносабатлар ҳақида. Бинобарин, асар сюжети кичикинтой Козимга тортиқ этилган Кўктой саргузаштларидан бошланади. Воқеалар занжири анча кенг ва узвий. Кўктой яхши, тўғри муомала билан ёмон муносабатнинг фарқига боради. Шунинг учун ҳам яхши одамларга доимо вафо сақлайди. Бу ҳол, айниқса таниш чўпон билан учрашувда юқори нуқтага кўтарилади. Ҳайвонот оламига, табиатга инъом этилган меҳр инсоннинг ўзига меҳр-вафо бўлиб қайтиши ҳақидаги ҳақиқат асар ғоясини ташкил этади.

У. Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида ҳам катта ҳаёт ҳақиқати чуқур ифодаланган. Хусусан, уруш келтирган фожиалар қанчалик даҳшатли ва кўп бўлмасин, инсон уни энгиси қудратига эга эканлиги, ғолибкорлиги ғояси асарда аччиқ, армонли бир ҳақиқат даражасида акс этади.

Ўлмас Умарбековнинг «Курорт» драматини сўнги йилларда ҳаётда кенг илдириш ота бошлаган дабдабозлик, порохурлик, маънавий-ахлоқий нопоклик, қўшиб ёзиш, лаганбардорлик, мансабпарастлик каби иллатлар халқ нафратига учраши ишонарли тарзда умумлаштирилади. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Зўлдир» драматини ҳам ана шу иллатлар фож этилади. Унда мансабпараст, у корхонадан бу корхонага зўлдирдек юмалаб юривчи Мерос Ворисов каби текинхурлар ҳажв тифига олинади. У шахс сифатида ҳам беқарор, ахлоқий нопок, хотинбоз, суюқ бир соя, кўланка. Маънавий жиҳатдан жамият юзида сузиб юривчи пўкак. На илми бор, на савияси бор, на ўзи раҳбар бўлган корхона ҳақида тасаввур бор уни?! Масала фақат шундангина иборат эмас. Энг муҳими, драматург Мерос Ворисовга ўхшаган лаганбардорларга озиқ берувчи илдирилари — уларнинг раҳномолари ҳақидаги ҳақиқатни очиб беради, ана шундай «таянч раҳбарлар»ни фож этади.

Бироқ драма таъсирчанлигини янада ошириш имкониятлари мавжуд эди. Бунинг устига саҳнада ролларни ижро этган кўпгина ёш актёрларнинг тажриба ва маҳорати етишмаслиги ҳам муаллиф мақсади, ғоясини томошабинга тўла-тўқис этиб боришига монелик қилган. Биргина мисол. Спектаклдаги Мавлонзода ролида ўйнаган таниқли актёр Муръат Пулатов саҳнага чиқиши билан залда табиий жонланиш, илиқлик юзага келадикки, бу ҳол актёр ёзувчи билан томошабин ўртасидаги бир «кўприк» эканлигини, у қанчалик бақувват бўлса, мақсад, ниятнинг амалга ошиши шунчалик самарали кечишини кўрсатади. Фарҳод Мусажоновнинг «Шаҳарлик олифта» асарида ҳам ҳозирги реал ҳаёт заминидан пайдо бўлаётган зиддиятлар

Қувонч ва Сабохон каби ёшлар ҳаёти мисолида умумлаштирилади. Бироқ кўп ўринларда характерлар мантиқи ҳаётий тўқнашувлар воситасида асосланганига қарамай, мувозанат бузилган ўринлар тез-тез кўзга ташланиб туради. Жумладан, Қувончининг Мирзақўлга келиши пухта далилланмаган. Шу ҳолат пьесанинг мукамал чиқишига маълум даражада соя солади.

Гап ҳаёт ҳақиқати ва маҳорат ҳақида борар экан, мен яна бир асар ҳақида айрим мулоҳазаларни айтишга журъат этаман. Бу таниқли ва талантли адибимиз Ҳамид Фуломнинг «Қорадарё» романидир. Маълумки, адиб «Машъал», «Тошкентликлар», «Бинафша атри», «Мангулик» каби романлари орқали давр ҳақиқатини юксак маҳорат билан очиб берган эди. Бироқ «Қорадарё» романида ёзувчи Андижон сув омбори қурилиши ва унинг бунёдкорлари ҳақида илиқ гапларни айтади-ю, лекин уни мукамал бадий ҳақиқат даражасига етказиб тасвирлаб беролмайди. Тўғри, романдаги Ҳабиба Камолова, кекса мураббий Узоқов образлари характер сифатида ҳаёт ҳақиқатларини қамраб олади. У ўқувчида илиқ меҳр уйғотади, яхши фазилатлари билан эътиборни тортади. Роман мавзу актуаллиги ва долзарблиги жиҳатидан ҳам диққатга лойиқ. Шунга қарамай, «Қорадарё» романида ўқувчи учун сабоқ берадиган, унинг маънавий оламини янада бойитишга ҳисса қўшадиган катта ҳаёт ҳақиқати етишмайди. Аксинча, реал ҳаётий фактлар кўпроқ очерк-публицистик руҳда баён қилинади. Фактларнинг моҳияти, ҳаётий замини ва қайноқ жараёндаги инсон омили, унинг ички дунёси бир-бири билан узвий боғланиб кетмайди. Бинобарин, ҳаётий фактлар инсон, жамият муаммолари билан узвий боғланиб кетса ва шу тарзда бадий инъикос даражасига кўтарилсагина маҳорат мезони бўла олади. «Ҳозирги вақтда ҳал этиладиган янги вазифалар ҳам,— деган эди М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида,— социалистик ҳаёт ҳақиқатини қарор топтирувчи бадий ижодда ўз муносиб ифодасини топишига шубҳа йўқ». Ана шу юксак ишонч бутун ижодкорларимизнинг маҳорат мезони, илҳом манбаи бўлиб қолади.

Салоҳиддин Мамажонов.

ФАОЛ ГРАЖДАН БЎЛИШ ЗАРУР

Партиямизнинг XXVII съезди ижодий ходимлардан фақат ва фақат ҳақиқатни ёзишни талаб қилди. Ҳақиқатни ёзиш — ниҳоятда кенг, кўп қиррали ва чуқур тушунчадир. Турмушдаги камчиликлар, зиддиятларни ва ҳар хил иллатларни табиб юрган одамларни кескин фош қилишнинг ўзигина ҳақиқатни айтиш эмас. Айни чоқда воқеликдаги илгор тенденцияларни, ижобий ҳодисаларни, янгилик куртақларини ва халқнинг улуғвор ишлари, юксак орзу-армон йўлидаги мардона курашларини ҳаққоний, чуқур тасвирлаш ҳам ҳақиқатни ёзиш тушунчасига киради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ва айниқса КПССнинг XXVII съезидан сўнг ўзбек ёзувчилари ҳаёт ҳақиқатини айтиш борасида жиддий изланмоқдалар. Йирик проза — романдан тортиб пьеса, повесть, ҳикоя ва шеърятгача — ҳамма жанрда жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожига ҳалақит бераётган ғовлар, иллатлар илдишларини очишга интилиш, яъни танқидий руҳ кучайди. Айниқса, ўзбек драматургиясида ҳозирги кун руҳи билан сўғорилган қатор асарлар пайдо бўлди. Улмас Умарбековнинг «Курорт», Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Зўлдор», Учқун Назаровнинг «Ойна» пьесаларида ҳаётдаги иллатлар ва юлғич одамлар қиёфаси фош қилинади. Ибратли томони шундаки, бу асарларнинг баъзилари, жумладан, «Зўлдор» ва «Ойна» бир неча йил аввал ёзилган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» асари анъанасини давом эттирган бу адиблар ҳозирги драматургиямизда жиддий, самарали изланишлар қилишмоқда. Ҳозир йирик прозамизда ҳам воқеликни бутун зиддиятлари билан ҳаққоний таҳлил қилувчи асарлар эълон қилина бошлади.

М. С. Горбачевнинг КПСС XXVII съезидаги Сиёсий докладыда «Ўтмиш иллатлари изсиз қолмайди. Улар кишилар онгида, уларнинг хатти-ҳаракатида ва хулқ-атворида намоён бўлиб турибди. Турмуш услубини дарҳол ўзгартириб бўлмайди, тафаккурдаги ланжликни бартараф этиш эса янада мураккаброқ ишдир. Бунда ғайрат-шижоат билан иш олиб бориш зарур», деб таъкидлаган эди. Бу ерда эскиликнинг ниҳоятда қийинчилик билан барҳам топиши ғоят тўғри кўрсатилмоқда. Шу муносабат билан икки нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Ҳозир ўзбек адабиётида ҳаётдаги иллатлар ҳақида ёзишга эътибор жуда кучайди. Воқеликдаги ижобий тенденциялар, улуғвор ишларни бажараётган одамларимиз, халқнинг фидокорона меҳнати ва уларини тасвирлашдан кўра иллатларни, негатив фактларни тасвирлашга мойиллик сезилмоқда. Асарларимизнинг марказий персонажлари, марказий воқеалари иллатларни кўтариб юрувчиларгина бўлиб қолмаслиги керак, аввало, ўша иллатларга ва уларнинг ҳомийларига қарши кескин, фаол курашувчи ижобий кучларнинг ёрқин, жозибали образларини чизишимиз лозим. Ҳажвий асарда эса ижобий қаҳрамон образи тасвирланмаслиги мумкин, аммо ёзувчи сатирик образларни ниҳоятда таъсирли,

ёркин чизиши ва ўзининг ижобий идеалини тинч ифодалаши керак. Иккинчи айтмоқчи бўлган фикримиз шуки, ҳозирги асарларимизда ижобий қаҳрамонлар ҳаётдаги камчиликлар, иллатлар, нохуш фактлар тўғрисида кўп гапирилади-ю, бироқ унга қарши фаол курашмайди. Бу баландпарвоз, куруқ публицистик гап китобхоннинг меъдасига тегди. Ёзувчи ҳамма мақсад-ниятини асарнинг воқеаси, сюжети, конфликти ва характерлар тақдирига сингдириши, шу характерларни чуқур ва теран бадиий таҳлил қилиш орқали бирор иллатнинг туб илдизини очиш ёки ижобий қаҳрамон фазилатининг заминини кўрсатиш мумкин бўлади. Конфликт танлаш ва уни бадиий талқин қилиш ёзувчи маҳоратига боғлиқ. Конфликт асл моҳият-эътибори билан асарнинг қурилишини, персонажлар сони, нисбати, ўзаро муносабати, асардаги ўрни ва ролини белгилайди. Ҳамма гап ҳаётни, воқеликни бутун зиддиятлари билан кўрсатиб, инсоннинг маънавий, сиёсий қудратини, чексиз имкониятини ва буюк эътиқодини акс эттиришдадир. Шу жиҳатдан сатирик ва юмористик асарларимиз олға дадил қадам босишимизга ғов бўлаётган иллатлардан халос бўлишга кўмаклашади. Ҳозир ҳажвчилигимизни янада ривожлантирадиган давр келди: Гоголлар, Шchedринлар, Муқимийлар аънанасини, Абдулла Қодирийлар, Фафур Фуломлар, Абдулла Қаҳҳорлар йўлини давом эттирадиган давр келди. Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов каби сатирикларимизнинг ижодий ютуқлари бугунги ҳажвчилигимиз жонланганидан далолат беради. Сатира ва юмор бизнинг покланишимизга, қатор иллатлардан қутилишимизга ёрдам бериши керак. Озгина ютуқ билан кифояланиш, танбаллик ёки камчиликларни кўриб туриб сабр-тоқат қилиш, «уйи бошқанинг гўри бошқа» қабилида иш туттиш иллат эмасми?! Дўстлар ютуғидан қувонмаслик, ҳасад қилиш ва шу туйғайли яхши одамлар устидан тўхматдан иборат юмалоқ хатларни ёзиш иллат эмасми?! Умри тугаган эски урф-одатлар, диний маросимларга ёпишиб олиб ким ўзарга тўй қилишлар, хўжакўрсинга мотам маросимлари ўтказиш маънавий камолотимизга тўсиқ-ку?! Мутелик туйғуси-чи?! Уша юлегиликлар, қўшиб ёзишлар, ошна-оғайнигарчиликлар, қариндош-уруғчиликларни атрофдаги одамлар кўрмаганими?! Кўриб туриб индамаганмиз, шунинг учун бу иллатлар авж олган. Бойликка ҳирс қўйиш ва сажда қилиш-чи! Маънавий емирилиш ва ҳалокатнинг илдизи шунда эмасми? Сатирамиз савалаш ва илдизига болта уриши зарур бўлган бундай ярамас иллатлар кам эмас.

Сатирик роман, қисса, комедиялар, ҳикоялар пайдо бўла бошлади, бундан қувонамиз. Радио ва телевидение орқали ҳажвий асарлар мунтазам эълон қилинмоқда. Республика-мизда Сатира театри ташкил бўлгани партия ва ҳукуватимиз бу соҳага нақадар катта эътибор бераётганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Афсуски, негадир сатирик шеърларимиз жонланмаяпти. В. Маяковскийнинг ҳажвий шеърлари нақадар ўткир; ҳа ҳужумкор эди, Ҳамзанинг сохта амалдорлар, порохўрлар устидан ачиқ қулиб ёзган шеърлари-чи! Маяковский мажлисбозлар, лаганбардорлар, ғийбатчи ва бошқа типдаги одамлар образини шу қадар ёрқин, таъсирили чизадикки, китобхон бундай одамлардан қаттиқ нафратланади. Лаганбардор тўғрисидаги шеърдаги ушбу парчанинг қудратини кўринг:

Қўлни ялар,
ялар оёқни,
Белни ялар,
ялар пастроқни.

Гўё мушук бола онасин ялар,
Гўё итни ялар
кучук болалар.

Тил

қирқ метр
чиққан чўзилиб,
Бошлиқни қувғали изма-из,
кўпиклини кетган
оппоқ бўлиб,
соқол олса бўлар совунсиз.

(Асқад Мухтор таржимаси)

В. Маяковскийнинг ютуғи шунда эдики, у ёрқин сатирик образ яратар, бирор иллатга чалинган шахснинг характерини ҳам ичдан, ҳам тишидан очиб ташлар эди.

Гап шеърятга кўчган пайтда, ҳозирги ўзбек поэзиясидаги айрим иллатларни айтиб ўтмоқчиман. Бугунги шеърятимизнинг ютуғини мутлақо камситмоқчи эмасман: унинг журъатли, теран ва қамрови кенг, айниқса, ҳаққоний бўлиб қолганлиги инкор қилиб бўлмайдиган ижобий ҳодиса. Лекин мен унинг янада камол топиши ва халқ орасига янада чуқурроқ киришига монелик қилаётган қусурлари хусусида сўзламоқчиман. Унда мавҳумийлик кучайгани, образлилик, конкретлилик, қалб таҳлили сусайгани сезилади. Ҳаётдан, куннинг зарур ташвишларидан узилиб, қандайдир доимий, «боқий» мавзулар тўғрисида гапиришга берилиш ва бундай шеърларни фалсафий шеърлар нуқоби билан оқлаш ҳодисаси бор. Давр ва макондан узилган шеърда кечинма, туйғу, энг муҳими, коллизия бўлмайди. Бошқа бир турдаги шеърлар борки, буларда ғам-алам руҳи, фожиавийлик устун, бироқ шу ғамгинликни келтириб чиқарган асослар таҳлил этилмайди. Ҳаётнинг ҳар қандай томони, каттага кичик фожиаси тўғрисида ёзиш ва бу орқали инсоннинг иродасини, эътиқодини, жасоратини улуғлаш мумкин, бу фожалар мисолида инсонларни хушёрликка, фаолликка чорлаш мумкин, фожиали ҳолатларни бир сабоқ, мактаб тарзида кўрсатиш мумкин. Улуғ ёзувчи ва шоирлар худди шундай позицияда туриб даврни таҳлил этишади ва инсоннинг буюклигини кўрсатади.

Шеърятимизда, айниқса, баъзи ёшлар ижодида сўздан амалий ишга ўтиш етишмайди. Айниқса, бу нарса Ватанимни, халқимни севаман, ёвузликни ёмон кўраман, қабилидаги шеърларда кўп учрайди. Ватанин нима учун севади, халқнинг қайси ишларига мафтун бўлади, нима унинг ёмонликлардан нафратланади — буларнинг боиси очилмайди. Гап севги ёки нафратланишни баён қилишда эмас, балки китобхонга ҳам шу севги ёки нафратни юқтира билишда. Бунга қодир асарни эса куруқ қақирик, шунчаки даъват-ташвиқот билан

яратиш ҳам, сохта патетика, шунчаки иллюстрация билан бу ниятга етиш ҳам мумкин эмас.

Шеърятимизда гражданлик туйғусининг чуқурлиги тўғрисида кўп гапирамиз. Табиат тўғрисидаги шеър ҳам гражданлик лирикасига киради, деймиз. Аслида инсоннинг тақдири, интилишлари ва давр руҳи билан ҳамоҳанг шеъргина гражданлик руҳидаги асар бўлиши мумкин. Бизда шундай тўпламлар борки, улардаги шеърларнинг ярмида кўпида табиат ҳақида, ҳаётнинг икир-чикирлари тўғрисида майда гаплар айтилади, бу шеърлар инсонни ўрганишга кўмак бермайди, унинг руҳий олами ва жамият ҳақидаги янги, салмоқли фикрлар билан бизни мафтун қилмайди. «Яша, Шўро!», «Сен етим эмассан», «Наъматак», «Бахтлар водийси» каби шеърлар бутун бир давр руҳини ифодалайди, улар воқеа бўлган асарлардир: Халқнинг, жамиятимизнинг улўғвор дард-ташвишлари, орзу-армонлари, ер куррасининг тақдири, инсониятнинг тақдири хусусида қайғурган шеърятнинг ўрни ва роли беқиёс катта.

Добролюбов куйидаги сўзларни айтганда жуда ҳақ эди (улар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас):

«Бу ерда биз санъат санъат учун, деган қоида тарафдорлари билан келиша олмаймиз. Уларча, дарахт баргларнинг юксак даражадаги тасвири гўё инсон характерининг мукаммал тарздаги тасвири каби муҳим эмиш. Ўз талантини барглар ва жилгаларнинг чиройли тасвирига сафарбар қилган шоирни ўз таланти қудрати билан, масалан, айтايлик, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини акс эттира оладиган шоирга тенглаштирилишига ҳеч қачон рози бўлмаймиз».

Ҳозирги шеърларимизда ҳам мавзу, ҳам мазмун, ҳам образлар, ҳам баён қилиш йўли, ҳам оҳанги жиҳатидан бир-бирига яқин шеърлар кўп. Дунёга янгича, мустақил қараш, ўз нуқтаи назаридан ҳаёт ва одамларни таҳлил қилиш, янги ахлоқий концепцияга эга бўлиш етишмаяпти. Натижада кашфиёт бўладиган асарларни учратиш қийин бўлмоқда.

Ҳозирги шеърятимиздаги энг катта қусур — шеърларнинг ғоят чўзиқ бўлиши, ҳатто 6—7 бетларга чўзилиб кетишидир. Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, энг зўр, шох асарлар — шеърлар жуда ихчам, қуйма бўлган. Кечинмани, туйғуни, эҳтиросни сунъий равишда чўзиб бўлмайди, чўзилса сусаяди, сўнади. Сохта чўзиқ шеърни китобхон ўқимайди.

Шеърятнинг сиёсий ўткирлиги, ижтимоий қудрати, гражданлик даражаси ижодкорнинг ҳаёт билан, халқ тақдири билан, замон дардлари билан қанчалик яқинлигига боғлиқ. Ижодкор қайноқ воқеалар гирдобида бўлиши керак. У ижтимоий фаол, ўз даврининг асл граждани бўлган тақдирдагина сатрлари катта ғоявий-эстетик қиммат касб этади. Мени ҳозирги ёшлар ҳаётидаги бир ҳолат ўйлатади: негадир айрим ёшларимиз бирор ерда муқим ишлашдан кўра уйда ўтириб ижод қилишни афзал кўрадилар. Бу тажриба доим ҳам ўзини оқлайвермаса керак. Ижтимоий ҳаёт, ижтимоий муҳит, ташқи олам ижодкор учун сув ва ҳаводек зарур манба, ундан ажралиб қолган ижодкор бора-бора ўз қалбини кавлаш билан овора бўлиб ташқаридаги улўғвор воқеалар, ўзгаришлар, халқнинг руҳи ва интилишлари, тилакларидан узоқлашиб қолиш эҳтимоли бор. Тўғри, янги, йирик асар ёзиш жараёнида танҳолик зарур. Лекин ижодкор бетиним ёзмайди, у юрагига янги кўр, дард-илҳом, янги материал ва тилаклар йиғади, буларни эса одамлар орасидан, ҳаётдан топади.

Пирмат Шермухамедов

ЮКСАК БУРЧ

Езувчилар союзида бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида мактаб дарсликлари масаласи муҳокама қилинди. Сўзга чиққан нотиклар баъзи дарсликлар аллақачонлар эскириб қолганлиги, бугунги куннинг талабларига мутлақо жавоб бермаслигини тилга олишди. Хуллас, йиғилиш аҳли бир оғиздан ислоҳат талаблари асосида янги дарсликлар яратиш масаласини кескин қилиб қўйди.

Йиғилишни бошқариб бораётган оқсоқол адибимиз Ҳаким Назир муҳокамани яқунлаб, болалар ва ўсмирлар адабиёти советининг режаларини тилга ола бошлаган эди, залда ўтирганлардан бири қўл кўтариб сўз сўради.

— Мен кекса педагоглардан бириман, Дарсликлар хусусида айтилган танқидий мулоҳазаларга мутлақо қўшилмайман.

Йиғилиш аҳли бир зум қотиб қолди. Яхшиямки, шу пайт сўз навбатини Пўлат Мўмин олиб кетди.

— Ҳеч шубҳасиз дарсликлар эскириб қолган. Афсуски, бу аччиқ ҳақиқатни тан олишга тўғри келади. Келажакнинг бугундан бошланиши ҳеч кимга сир эмас. Ислоҳот талаблари асосида янги дарсликлар ишини зудлик билан бошлаб юбориш лозим.

Ушбу бахсни тилга олишимизнинг сабаби бор. Гап шундаки, узоқ йиллардан буён мактаб дарсликлари ҳақида жиддий танқидий фикрлар айтилиб келинмоқда. Мен шу ўринда Хайриддин Султоновнинг «Адабиёт нега ўқитилади?» Анвар Обиджоннинг «Алифбе»даги «сирли қоп» мақолаларини алоҳида эслатиб ўтмоқчиман. Ҳар иккала мақолада ҳам аниқ далиллар таҳлили орқали дарсликларни замон талабларидан орқада қолиб кетганлиги асослаб берилган.

Ҳўш, мактаб дарсликларининг асосий нуқсонлари нималардан иборат. Берилган материалларнинг камбағаллиғи, таҳлил ва таҳ-

рирнинг заифлиги? Тасодифий авторлар ва тасодифий «шеър»лар, ҳикояларнинг кўпайиб кетганлиги? Рассомларнинг ҳафсаласизлигию муҳаррирларнинг ношудлиги-ми? Бу хилдаги ҳадсиз, ҳисобсиз саволларга фақатгина «ҳа» деб жавоб бериш мумкин, холос. Лекин шунга қарамай, менимча, дарсликларнинг асосий камчилиги фақат шулардан иборат эмас, дарсликларнинг энг катта нуқсони кўпмиллатли совет адабиётининг бугунги ютуқлари унутилгани ва замон талабларидан орқада қолиб кетганидир.

Биз ёшларга совет турмуши тарзининг афзаллигини тушунтира боришимиз, шу тариқа буржуа ахлоқига қарши мафкуравий қурашни кучайтиришимиз керак. Шу муносабат билан иккита мисолни тилга олиб ўтмоқчиман.

Биринчиси, ҳалокатга учраган «Челленжер» космик кемаси билан боғлиқ воқеа. Маълумки, кема экипажи орасида муаллима Кристи Маколиф ҳам бор эди. У космосдан туриб болаларга америкача турмуш тарзининг афзалликлари ҳақида, техниканинг куч-қудрати ҳақида сўзламоқчи эди. Икки ярим миллионга яқин америкалик ва канадалик болалар телеэкран олдида кутиб ўтиришди. Лекин Кристи Маколифга лекция ўқиш насиб қилмади. Америкалик ва канадалик болалар космик кеманинг фожиавий ҳалокатини томоша қилишди, холос.

Иккинчи мисолни олиб кўрайлик: бу Хиросима билан боғлиқ воқеа. Империалистлар «юлдузлар урушини бошлаш учун зўр бериб қуролланаётган бир пайтда Хиросима фожиасини яна бир бор эслашга тўғри келади. Бу — уларнинг бугунги кунда ҳам олиб бораётган тилёғламачилик, иккиюзламачилик сиёсатининг асл моҳиятини тушуниб олишларига имкон беради.

Тарихий фактлардан маълум бўлишича, Америка президенти Трумэн Хиросимага атом бомбаси ташлашни буюрганида, унинг маслаҳатчиларидан бири у ерда америкалик асирлар борлигини, шунинг учун синов муддатини кечиктириш зарурлигини айтади. Лекин Трумэн бир қисм америкалик асирларнинг тақдирдан кўра атом бомбасининг кучи, қудрати муҳимдир, дейди ва уни ташлашга рухсат беради.

Шу хилдаги мисолларни истаганча келтириш мумкин. Гап, албатта, фақат мисолларни келтиришдагина эмас, балки оғизда демократия, инсонпарварлик учун курашиб, амалда унинг тескарсини бажарадиган буржуача турмуш тарзининг моҳиятини фош қилишда. Бу эса ўсмирлар ва ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Владимир Ильич Ленин «Ёшлар союзининг вазифалари» асарида коммунистик ахлоқ асосини мустаҳкам коммунистик этиқод ва коммунизм учун кураш гоёси ташкил этишини кўрсатиб ўтган эди.

Бу мулоҳазаларни таъкидлаб айтаётганимизнинг боиси бор. Гап шундаки, кўпмиллатли совет адабиёти ва санъати ҳақида маънавий ҳаётимизнинг кўзгуси бўлиб келди. Бу кўзгуда граждандар уруши, санъатни индустрлаш ва қишлоқ ҳўжалигини тиклаш, совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз жасорати, тинч қурилиш йилларидаги замондошларимизнинг қаҳрамонона меҳнати ўз аксини топган. Ҳаётимиз шиддат билан илгарилаб бормоқда. Ижтимоий, сиёсий ва

маънавий жабҳада туб бурилиш даври бошланди.

Мактаб дарсликларида эса ҳамон ўша-ўша ўта жўн, чалкаш жумлалар, таърифу тавсифлар, таҳлиллар сақич сингари чайналавериш, болалар ва ўсмирларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олтинчи синф учун нашр қилинган «Ватан адабиёти» дарлигида бадий асарнинг турлари ҳақида сўз юритилиб, шундай таъриф берилади: «ҳикояда киши ҳаётидаги маълум бир воқеа тасвир этилади, повестда эса жуда кўп воқеа ва ҳодисалар учрайди, бу воқеа ва ҳодисалар кенг ва мукамал тасвир этилади. Роман эса кенг мураккаб асар ҳисобланади. Унда кўп киши қатнашади. Уларнинг ҳаёти ва кураши бир-бири билан боғланади, тўқнашади».

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади. Нега романда «кишиларнинг ҳаёти ва кураши» бир-бири билан тўқнашади-ю, ҳикоя ва повестда бунинг акси бўлади? Тўғриси айтганда, «ҳикояда бир воқеа тасвир этилади-ю, аммо повест ва романларда кўп воқеалар тасвир этилади» дейиш бу — гапнинг рости, бадий адабиётнинг табиати, ўзига хослигини тушунмасликдан бошқа нарса эмас.

Дарсликда сатира ва юмор ҳақида ҳам маълумот берилади. Авторларнинг фикрича: «...Бирмунча енгил танқидга асосланган кулгили асарга юмор дейилади. Ёзувчи юмористик асарда турмушдаги ва айрим кишилардаги баъзи камчилик ва нуқсонлардан қулиб, уни танқид остига олади». «Ёзувчи юморда танқид қилинаётган нарса ёки шахснинг йўқ бўлиб кетишини истамайди, ҳатто унга ачинади». Сал нарироқда бу фикрнинг мутлақо тескарсини ўқиймиз: «Муқимий «Ароба» шеърда ўрта аср техникасининг намунаси бўлган Қўқон арваларидан кулади ва турмушнинг қоқоқ томонларини фош қилади».

6-синф ўқувчиси қайси фикрга ишониши керак. Адибнинг «юморда танқид қилинаётган нарса ёки шахснинг йўқ бўлиб кетишини истамаслигини ёки Муқимийнинг «жанрнинг талабини менсимай» қўқонарава тасвири орқали «турмушнинг қоқоқ томонларини фош қилгани»ми?

Шунга ўхшаш чалкаш, аниқ мантиққа бўйсунмаган фикрларни истаганча келтириш мумкин.

Урта мактаблар учун ҳар йили нашр қилинаётган «Ватан адабиёти» дарслик хрестоматиялари ҳаётимиз ва кўпмиллатли совет адабиётининг бугунги савияси даражасидан анча орқада қолиб кетган.

Ваҳоланки, КПССнинг XXVII съездига қилинган Сиёсий докладда болалар ва ўсмирларни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ролига юксак баҳо берилган.

СССР Ёзувчиларининг VIII съездига сўзга чиққан академик Д. Лиҳачев ва айрим мунаққидлар илмий-назарий ишларда йўл қўйилаётган нуқсонлар, аввало адабий фактлар, ҳодисаларни чуқур ўрганмаслик оқибатида пайдо бўлаётганини айтиб ўтишди. Ҳеч шубҳасиз, бу фикр адабиётшунослик ва адабий танқид қўлга киритган ютуқларни мутлақ инкор қилмайди. Лекин шунга қарамай, тан олиб айтишимиз керакки, китоблар адабий ҳодисаларнинг моҳияти чуқур ўрганилмай туриб кўплаб нашр қилинмоқда.

Мен шу ўринда иккита асарни тилга олиб

ўтмоқчидан. Биринчиси, «Ўқитувчи» наشريёти томонидан чоп қилинган «Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари» деб номланган китобдир. Уни ЎзССР Маориф-министрлиги педагогика институтларининг тарих факультетлари студентлари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия қилган. Қўлланмада ўзбек совет адабиёти ва санъати тарихига ҳам кенг ўрин ажратилган. Афсуски, унда тилга олинган айрим адабий фактлар ва ҳодисалар нотўғри талқин қилинган.

Муаллифлар Ҳамза, Айний, Абдулла Қодирӣ, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин ижодини таҳлил қилатуриб ғалати хулоса чиқарадилар. Уларнинг фикрича «Ўзбек совет адабиёти бошловчилари олдида ижодий муаммолар кўндаланг бўлиб турардики, уларни бугунги кунда бутун мураккабликлари билан тушуниш бирмунча қийин». Ҳўш, ушбу қийинчиликлар нималардан иборат? Афсуски, авторлар бу саволга жавоб беришни лозим кўршмайдди.

Қўлланмада Абдулла Қодирӣ билан Садриддин Айний асарларининг таҳлиliga ҳам ўрин ажратилади. Маълум бўлишича, «... 20-йилларда «катта» прозада тарихий ва маиший романлар ҳамда повестлар дунёга келади. Масалан, Абдулла Қодирӣ, Айний асарлари. Уларда эски адабиётга хос услублар, панд-насихат, баёнчилик, сюжетнинг аниқ-равшан бўлмаслиги кабилар учрайди».

Ушбу фикрлар билан танишган китобхон ўзбек совет адабиётининг баркамол асарлари ҳисобланмиш «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан», «Ўтган кунлар»нинг сюжети «аниқ — равшан эмаслигини» ўқиб, ҳайратга тушади, ёқасини ушлайди.

Қўлланмани синчилаб ўқий бошлашингиз билан бири-бирдан ғалати, тумтароқ жумалар дуч келаверади.

«Ҳамза, Абдулла Қодирӣнинг дастлабки драматик асарларида қаҳрамонлар ички дунёси чуқур очиб берилмаган, характерлар батафсил акс эттирилмаган, улар бирмунча бирёқлама кўрсатилиб, воқелик ҳар тарафлама бадий ифодасини топмаган эди». Урушдан кейинги поэзияда «...Абдулла Орипов, Омон Матжон, Гулчеҳра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиевалар ижоди салмоқли ўрин эгаллади».

Қўлланма авторларининг «кашфиёти»га кўра эллигинчи йилларнинг охирлари ва олтинчи йилларнинг бошларида шеърӣ публицистика кўзга кўринарли ўринга чиққан бўлиб, бу ўткир, ҳозиржавоб, актуал жанрда «Зулфия, Н. Сафаров, Воҳид Зоҳидов, Йўлдош Шамшаров, Ҳаким Назир, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов ва бошқа ўнлаб адиблар қалам тебратганлар», «Абдулла Қаҳҳор ўзининг «Синчалак» деб номланган романини ёзган».

Хуллас, «Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари» китоби илмий савиясининг пастлиги, адабий фактлар ва ҳодисаларни бир томонлама талқин қилиши ва маданиятимиз тарихини юзаки баён қилиши билан «ажралиб» туради.

Адабий ҳодисаларнинг ички йўналишини чуқур ҳис қилмаслик касали Р. М. Собированиннг «Ўзбек совет прозасида рус адабиёти традицияларининг роли» номли монографиясида ҳам учрайди. Унда рус ва ўзбек адабий алоқаларига доир кўпгина фойдали кузатишлар бор. Ишда Пушкин ижодининг Садриддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор насрий асарларига таъсири хусусида жуда кўп мулоҳазалар айтилган. Лекин шунга қарамай, Р. Собированиннг фикрларига ишониб қийин. Негаки, олима Садриддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорнинг миллий ўзига ҳослигини унутиб қўйган.

Маълумки, СССР ёзувчиларининг VIII съездида адабиёт ва санъатнинг ғоявий йўналиши, ижодкорларнинг фаоллиги, граждандлик позицияси сингари масалаларга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, айрим танқидчиларнинг ғоявий чалқаш, бадий таҳлили жўн бўлган мақолалари ва китоблари нашр қилинаётгани ҳам тилга олиб ўтилди. Бадий асарларга баҳо беришда унинг ғоявий-ахлоқий, маънавий ва эстетик жиҳатдан баркамоллиги асосий мезон бўлиб хизмат қилиши лозим. Улардан бирортаси диққат-эътибордан четда қолса, асарга бериладиган ҳақиқий баҳога путур етади. Фалсафа фанлари доктори И. Кривелев («Комсомольская правда» газетаси 1986 йил 30 июль) ўзининг «Худо ҳақида енгил-елпи тасаввур» деб номланган мақоласида Ч. Айтматовнинг «Кунда» романини кескин танқид қилади. Гўё адиб ўз асарида «диндор Авдийнинг руҳий изтироблари тасвири орқали динни ҳимоя қилаётган эмиш». Ажабо, мунаққид ўзининг танқидий фикрларини исботлаб ўтиришга ҳожат ҳам сезмайди. Натижада ёзувчининг илгари сурган ғояси, диққат-эътибордан четда қолиб кетган.

Ч. Айтматовнинг «Кунда», В. Астафьевнинг «Қайғули саргузашт» В. Распутиннинг «Енфин», В. Биковнинг «Карьер» асарларида чуқур ижтимоий-сиёсий ва маънавий масалалар кўтарилган.

Адабиёт ва санъат жамият олдидаги юксак вазифасини адо этиш учун ҳаётга фаол аралашishi лозим. Гап шундаки, маънавий муаммоларимизнинг ҳал этилиши бугунги замондошларимизнинг баркамол образларини яратиш орқали амалга оширилади. Социалистик адабиётимиз ва санъатимизнинг бурчи унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий масалаларини ҳал қилишда халқимизга, партиямизга кўрсатаётган ёрдами билан белгиланади.

Норбой Худойберганов

ҲАМ ОДДИЙ, ҲАМ МУРАККАБ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми ҳамда республика-миз коммунистларининг XXI съездида кейинги йилларда, ҳаётимизда кўзбўямачилик, дабдабозлик, порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатлар ҳукмронлик қилиб, ижтимоий-маънавий, иқтисодий тараққиётга жуда оғир талафотлар етказгани ошкора очиб ташланди. Буни социалистик демократиянинг мислсиз тарихий ғалабаси деб баҳоламоғимиз

даркор. Ҳозир ўша иллатларга қарши оммавий кураш ҳаётимизнинг барча жабҳаларида давом этмоқда. Биз ҳақиқат ва адолат тантанасига тўла эришмоғимиз учун иллатларга қарши кескин, шафқатсиз «жанг»ни асло сусайтирмаслигимиз лозим. «Жанг»да эса ҳеч қачон ғалаба осонликча қўлга киймайди. Ҳа, иллатларни фож этиб, уларни илдизи билан тугатиш ниҳоятда қийин, мураккаб. Қийинлиги, мураккаблиги шундан иборатки, улар, қани, келинг, бизга қарши курашиб, энгиб чиқинглар, деб қараб турмайди. Аксинча, улар асл моҳиятини моҳирона яшириб, ўзларини фазилат, яхши хусусият, ижобий куч сифатида кўрсатадилар. Ахир, «Утган кунлар»ни қоралаб, «Сароб» ҳамда «Тобутдан товуш»ни зарарли асар, деб эълон қилган шахслар ўз кирдикорларини баландпарвоз хитоблар билан ниқоблагани ҳеч кимга сир эмас-ку! Тўғри, уларнинг бир қисми онгли равишда бу асарларга тухмат тошларини ёғдирганлар ва шу тарзда ўз ёвуз манфаатларини ҳимоя қилганлар. Гап истеъдодсиз қаламқашлар тўғрисида бораётир. Уларга Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳордек беназир, нодир ва ноёб талантларнинг илҳом билан қалам тебратиб, баркамол асарлар ёзиши асло ёқмас эди. Лекин талантсиз қаламқаш ҳеч қачон «мен талантсизман, адабиёт равнақиға путур етказаман, истеъдодлар илдизига болта ураман», демайди. Аксинча, ўзини зўр талант соҳиби қилиб кўрсатишга уринади, асл башарасини ҳар хил қиёфага солиб, усталик билан яширади. Бу йўлда улар сўз санъатини бирёқлама, жўн тушунақлар, ҳали ижодда «суяғи қотмаган» тажрибасиз қаламқашлардан, ўқувчилардан фойдаланадилар. Оддий китобхон сўз санъати «сир»ларини тезда илғаб олмаслиги, бадийий ижод қонуниятларини чуқур ўзлаштирилмасдан, кўпинча образлар, характерлар, асар мазмуни тағида яшириниб ётган хилма-хил, ранг-баранг, мураккаб, зиддиятли маънолар, туйғулар оқими ўрнига оддий фикрларни, жўн ғояларни тушуниши мумкин. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бир мисол келтирайлик: болали аёл жуда бахтсиз яшайди, эри ниҳоятда совуқ, қабиҳ, аммо ақлли шахс. Шунинг учун хотинини «талоқ» қилишдан воз кечиб, уни обдон қийнайди, севганига турмушга чиқиб, бахтиёр бўлишига тиш-тирноғи билан тўсқинлик қилади, бунга чидамаган жафокаш заифа ўзини поездининг тағиға ташлаб ҳалок бўлади...

Бу, сезиб тургандирсиз, «Анна Каренина»да тасвирланган асосий воқеанинг қисқача баёни. Қаранг: ундаги мазмун жуда оддий, жўн, бундай қараганда ҳеч қандай жумбок, чигалликлар йўқ, ҳаммаси аниқ, тушунарли. Демак, шундай мазмунли асарни яратиш ҳам, уни таҳлил қилиб, адабий-танқидий мақола ёки тақриз ёзиш ҳам қийин эмасдек туюлади. Шундай тушунча билан ўзини ёзувчиликка ёки танқидчиликка уриб кетадиган шахслар оз эмас. Аслида эса косанинг тағида нимқоса бор деганларидек, Лев Толстой шунчаки ўз бахтини тополмасдан ҳалок бўлган аёл тақдиринигина ёритган эмас. У Анна Каренина тимсолида замон ва давр фожиасини, инсонни эркидан айириб, зулму зулматга маҳкум этган жамият фожиасини гавдалантириб, романинг бир қарашда ўта жўн, оддий бўлиб кўринган мазмунига бир-бирига муштарак ёки зид фикрлар, хилма-хил маънолар, туйғулар, ҳислар, эҳтирослар оқимини сингдириб юборганки, оқибатда роман ғоясини бирданига осонликча тушуни олиш жуда қийин. Аниқроғи, «Анна Каренина»да ҳам оддий, ҳам мураккаб мазмун мавжудки, уни сўз санъатининг беқиёс мўъжизаси деб қабул қиламиз. Бу улўғ мўъжизани Лев Толстой даҳоси дунёға келтирган!

Бадийий кашфиёт бўлиб туғилган асарнинг ҳар бир мисраси, ҳар бир сўзида хилма-хил, ғоятда салмоқли, ранг-баранг, сержило маънолар қатлами мужассамланади. Яхши асар тўқимасига фикрни, биронта маънони алоҳида «узиб» олиш асло мумкин эмас. Яна шуниси борки, бу маънолар жуда кўп қатламли туйғулар, ҳислар оқимида жойлашади. Энг муҳими, бундай кўп маънолар, туйғулар, ҳислардан ҳосил бўлган ғоявий бирлик муайян замон, давр рўҳини, аини чоғда инсон тақдирини акс эттириб, ижтимоий-маънавий тараққийта таъсир кўрсатадиган, ўқувчиларга унутилмас сабоқ берадиган, завқ-шавқ бағишлайдиган қудрати билан ажралиб туриши керак. Бундай хусусиятларни таниқли раув олими М. Бахтин полифония деб атаб, уни кўпроқ Достоевский ижодига хос, деб ҳисоблайди. Менимча, полифония маълум даражада Толстой, Шекспир, Алишер Навоий каби даҳоларнинг етук асарларида ҳам мавжуддир. Унинг бир қанча аломатларини Шолохов, Айтматов, Распутин, Биков каби ҳаҳон миқёсида шўҳрат қозонган санъаткорлардагина эмас, балки кўпмиллатли совет адабиёти равнақиға муносиб ҳисса қўшган бир қанча ўзбек адибларнинг баркамол асарларидан ҳам топиш мумкин.

Гап адабиётимиз истиқболи ҳақида кетар экан, ёзувчиларимиз фаолиятига, изланиш — интилишларига ўта талабчанлик билан ёндашиб, асарларнинг қадр-қимматини аниқлашда сўз санъати қонуниятларидан келиб чиқиб иш кўриш зарурлигини алоҳида тەъкидламоқчиман. Негаки, бадийийлик, образлилик адабиётнинг негизини ташкил этиши, ғоявийлик билан бадийийлик тушунчаларини бир-биридан ажратиб қараш мумкин эмаслиги, асарда ёзувчи ниёти, ғояси ҳаққоний образлар, ёрқин характерлар, тўлақонли типлар орқали ифодаланмаса, ўз салмоғини йўқотиши ҳақида кўп гапирамиз-у, бироқ аксари ҳолларда фақат ғоявийлик хусусида батафсил сўзлаб, бошқа бадийий воситаларни эътибордан четда қолдираемиз. Ахир, ғоявийлик, бадийийлик, образлилик бирга қўшилиб, етук асарнинг «жону тани»ни ташкил этади-ку! Аммо қайси бири «жон», қайси бири «тан»?

Мана шу саволга жавоб бериш анча мушкул, қийин эканлигини эслатиш учун Достоевский, Толстой, Шекспир, Алишер Навоий ижодидаги полифония, яъни кўпмаънолилик, кўпоҳанглиликка диққатингизни жалб этдим. Уларнинг бутун фаолиятига эмас, балки ҳар бир салмоқли асарларида қандай фикрлар, ғоялар ёритилганини аниқлаш учун сон-саноксиз адабий-танқидий мақолалар, китоблар, тадқиқотлар ёзилиб, қизган, кескин баҳслар бўлиб келди. Лоақал «Жиноят ва жазо» ёки «Анна Каренина» моҳиятини англашга қаратилган асарларнинг миқёси, мундарижаси, миқдор-ҳажминини кўз олдингизга келтиринг. Умуман олганда, сўз санъатининг етук асарида қандай ғоя ифодаланганини беҳато аниқлаб беришнинг ўзи мушкул иш. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Гётенинг қуйидаги фикрини эслаш қифоядир. Улуғ немис ёзувчисидан «Фауст»да қандай ғояни ёритгансиз, уни қандай мақсадда ёзгансиз, деб сўраганларида: агар мен асаримда қандай фикр ифодалаганимни

айтиб беролганимда уни ёзишга ҳеч қандай зарурат қолмасди, деб жавоб берган эди... Хуллас, ҳар бир ёзувчининг бадий маҳоратинигина эмас, балки асаридида айтмоқчи бўлган фикри, ғоясини аниқлаш, ич-ичига кириб бориш — жуда мураккаб, қийин вазифадир. Негаки, ёзувчи ғояси жонли образларга, ҳаққоний характерларга сингдириб юборилмаса, у бадийликнинг таркибий қисмига кириб, «жонию тани» бўлмайди, эстетик категорияга айланолмайди. Аммо бизнинг бир қанча ёзувчиларимиз, танқидчиларимиз масаланинг шу жиҳатини эътибордан соқит қиладилар, ғоявийликни ўта жўн, енгил-елпи ҳодиса сифатида қарайдилар.

Ҳар бир шахс, шу жумладан, ижодкор ҳам янглишиши, лекин онгли равишда эмас, балки ўзи билмасдан, сезмасдан тараққиётнинг бош йўлидан четга чиқиши мумкин. Агар шундай нохуш аҳвол рўй берса, буни асар таҳлили, реал фактлар орқали шундай исботлаш лозимки, натижада ёзувчи чуқур тушуниб етсин, уни бартараф этсин ва бундан кейин такрорламайдиган бўлсин. Энг муҳими, ғоявий нуқсонни ҳам, бадий камчиликларни ҳам сўз санъатининг ички қонунияти талабларига мувофиқ ҳаққоний ёритиш даркор. Ҳолбуки, кўпинча мана шу талабларга қатъий риоя қилинмайди. Лоақал, «Ўтган кунлар»га қандай «айб» қўйилганини эслайлик. Эмишки, асар қаҳрамони Отабек савдогар оиласидан чиққан, у меҳнаткаш халқ бахти, озодлиги учун курашмайди, оқибатда ёзувчи синфий курашни кўрсатолмаган...

Абдулла Қодирий шу тарзда танқид қилиниб, ўзбек совет адабиётининг «четлаштирилган» эди. Ҳолбуки, синфий курашни тўғри акс эттириш учун ҳар бир асарда фақат бойлар билан камбағаллар қарама-қарши қўйилиб, улар ўртасидаги тўқнашувларни ёритиш шарт эмас. Агар шундай бўлса, нуқул «Қутлуғ қон» ёки «Бой ила хизматчи»нинг ҳар хил нусхалари кўпайиб кетиб, бир-бирини такрорлайдиган асарлар ёзилверарди. Қолаверса, инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки фаолияти, ишлари, хатти-ҳаракатлари, эътиқоди билан белгиланадики, бу марксча-ленинча таълим томонидан аллақачон ҳал қилинган масаладир. Бинобарин, Отабекнинг шахсий ҳаётида, оилада эркинлик, бахт, муҳаббат учун кураши ижтимоий турмушда, жамиятда озодлик учун курашга келиб боғланадики, мана шу асосий нуқта муҳим аҳамият касб этади. Айрим танқидчилар Отабекнинг ҳалокатини қандай изохлаш керак, деб ҳамон «Ўтган кунлар»га ўз тазйикини ўтказишга уриняптилар. Романнинг хотимасида Юсуфбек ҳожи шундай мазмунда мактуб олгани маълум қилинади: «Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг кўшида эди. Олмаота устидаги чор аскарлари билан тўқнашимизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шахид бўлди».

Эътибор берсангиз, романда Отабек чор аскарлари билан (такрорлаймиз, чор аскарлари билан) тўқнашувда ҳалок бўлгани очиқ-ойдин айтилганини кўрасиз.

«Тобутдан товуш» драмаси атрофидаги шов-шувларга қандай сабаб бор эди? Эмишки, бу сатирик комедияда тасвирланган воқеаларнинг учдан икки қисми салбий мазмун касб этган, иллатларга кўп ўрин ажратилган, асосий қаҳрамон учига чиққан порохўр бўлиб, унга қарши курашадиган яна бир етакчи қаҳрамон тасвирланмаган...

Ҳа, бу «арифметик» ҳисоб-китобни умуман олганда, тўғри, деб эътироф этиш мумкин. Аммо сўз санъати моҳиятини «арифметика» эмас, балки «алгебра» ҳал этишини, яъни бадий ижодда қаҳрамонларнинг сони, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, воқеа-ҳодисалар миқдори эмас, балки мана шу қаҳрамонлар қайси нуқтаи-назардан ёритилиб, қандай мақсад, қандай ғояни ҳимоя қилаётгани, ҳаёт, замон ҳақиқатининг ифодалангани ёки ифодаланмагани асосий мезон эканини яхши биламиз, назарий кўрсатма сифатида қабул қиламиз, аммо амалда бундан чекиниб турамай. Чунки ғоявийликни ўта жўн, оддий ҳодиса деб қарашга ҳали барҳам берилган эмас.

Бу асарларни тилга олаётганимизнинг сабаби шундаки, уларда полифония, яъни кўпмаънолилиқ, кўпоҳанглик аломатлари мавжуд. Ёзувчилар айтмоқчи бўлган гаплар, фикрлар тирик образлар, ҳаққоний характерлар орқали қандай ифодаланганини бирданга тезда англаб олиш қийин. Зотан, баркамол реалистик асарда нималардир аниқ, нималардир яширин берилади. Агар ёзувчи ғояси икки қарра икки тўрт бўлади, дегандек ҳаммага кўриниб, маълум бўлиб турса, уни тезда ўзлаштириб оласиз-у, бироқ у сизга завқ-шавқ бахш этиб, хотирингизда узоқ сақланиб қолмайди, ҳаётнинг ўзидек қадрли, гўзал ва фойдали сабоқ бермайди. Ҳолбуки, ҳаммага маълуму машҳур фикрларни, ҳар жиҳатдан тўғри мулоҳазаларни, воқеаларни шунчаки қайд этувчи қаламкашлар ҳали анчагина. Мана бу лавҳа билан танишайлик: «Кўрғонтепа райкомининг биринчи секретари Карим Узоқов бюро мажлисини ёпиқ деб эълон қилди-да, рўпарасидаги эшик тепасида осилиб турган девор соатига қаради: чоракам саккиз. Кундуз соат учда бошланган ва уч соатга мўлжалланган мажлис беш соатча давом этибди. Гарчи узун, кенг хонанинг боққа қараган иккала деразасига ҳам ўрнатилган «Боку» кондиционерлари тинимсиз ишлаб турган бўлса-да, ҳаво ниҳоятда дим эди. Балки одамларнинг кўп бўлганлигидан, қисқа танаффус билан шунча чўзилган мажлис обдон ҳоритгандан унга шундай туюлаётгандир».

Хўш, Узоқов ким ўзи? Инсон сифатида унинг қандай хусусиятлари бор? Беш соатлик мажлисда унинг характериға хос қандай аломатлар намоён бўлди? Қандай қилиб шунча вақтга дош бериб ўтирди? Унинг «обдон ҳориган»лиги нималарда кўринади?

Шундай саволларга жавоб топиш мақсадида асарни ўқишда давом этамиз: «Бюро аъзолари, районнинг масъул ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари бирин-кетин хайрлашиб, хонадан чиқиб кета бошладилар. «Норхўжа Афзалович, бугун кўрилган масала бўйича правление йиғилишини эртага соат олтига қақиринг! — деди Узоқов, Фрунзе номли колхоз раиси Афзаловга қўл узатиб. — Мен ҳам етиб боришга ҳаракат қиламан. Хўп, хайр.

— Маъқул, Карим ака! — Афзаловнинг қизғиш сепкиллари билиниб турган сергўшт, лўппи юзида мамнунлик барқ урди. — Кутамиз».

Беш соатлик мажлисдан «обдон ҳориб» чиққан одамларнинг мулоқотиға қаранг: улар бирданига ишчанлик ҳолатида, юзларида «мамнунлик». Беш соатлик йиғилишдан қутилар-қутилмас тагин эртага мажлис қақиринга буйруқ...

Қахрамон бир ўринда шундай таърифланади: «Ҳар бир кишининг ўзига хос феъли бўлади. Еши эллика яқинлашиб қолган, одамларга меҳрибонлиги билан танилган Узоқовнинг фазилатларидан энг муҳими — унинг бир сўзлилиги ва қатъиятлигидир».

Кизик, одамларга меҳрибон раҳбар биринчи галда бир мажлисни иккинчи мажлисга улаш тўғрисида бош қотирадимиз? «Узоқовнинг яна бир одати бор: бюро мажлиси ёки бирор йиғилиш тугагач, албатта ёлғиз қолиб, кўрилган масалалар бўйича обдон ўйлайди, мабодо бирон нуқсон топса, дарҳол маслаҳатлашиш учун биринчи ёрдамчиси Камоловани қидириб қолади».

Кўрамызки, қуруқ баён, таъриф тавсиф саҳифалар бўйлаб давом этаверади. Бошқа бир асардаги қахрамон ҳам ана шундай фазилатларга эга эканлиги алоҳида таъкидланади, унинг мардлиги, қатъияти, бир сўзлилиги, ҳалоллиги доимо ўқдириб турилади. Хўш, бу қахрамоннинг ижобий хислатлари нималарда намоён бўлади?

Саволга жавоб излай бошлаймиз: «Равшанов эгарда тоғдай бўлиб ўтирарди. Отлар бошларини баланд қилиб, ўйноқлаб, совет қилчи озод қилган Ильичевка қишлоғига интилардилар... Равшанов отдан тушиб, уни нон-туз кўтариб кутган аҳолига эгилиб салом берди. Чап кўлида қилчинни ёнига босиб туриб, ўнг кўлида нон ушатди, кейин ушоқни тузликқа ботирди: «Табриклиман сизларни ватандошларим! — деди Равшанов севинчдан кўзёш тўкиб турган аҳолига.— Тутқинликдан қутилганларингиз билан қутлайман! Совет Армияси номидан қайта-қайта қутлайман».

Равшановнинг қандай қахрамон эканлигини англаш учун яна бир парчани кўздан кечирайлик: «Дивком ҳаваскорларнинг чолғу машқлари, шўх ўйин, ўйноқи лапарлари ҳақида комиссарга ҳикоя қилишдан зерикмасди.

— Узимнинг ҳам ўйнаворгим кеп кетди. Кишининг завқи ҳамиша турткига муҳтож тураркан. Салгина қитиқласа тамом... Завқ кўкракка сиғмай, тўлиб-тошаркан одам...»

Иброҳим Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романидаги бош қахрамон мана шундай нодир ва ноёб инсон, олижаноб, баҳодир командир сифатида таърифланади. У ўз касби, ҳаётда тутган ўрни, ҳунарига кўра юқорида тилга олинган Ҳамид Фуломнинг «Қорадарё» романидаги Узоқовдан фарқлиғи лозим. Маълум даражада шундай бўлиб чиқади. Ахир, уларнинг бири генерал, иккинчиси райком секретари-ку! Аммо Равшановни райком секретари, Узоқовни генерал деб эълон қилишса, мазкур романлардаги мазмунга путур етармиди? Имомни қомилки, ҳеч нарса ўзгармас эди. Негаки, Ҳамид Фулом ва Иброҳим Раҳим қахрамонлари фақат касб-кори, ишдаги мавқеига қараб ажралади-ю, аммо улар фикрлаш тарзи, ишлаш принциплари, усуллари нуқтаи назаридан, таассуфки, бир-бирига жуда яқин, «ака-ука», «қариндош-уруғ»лигича қолаверади, яъни ҳар иккаласида ҳам бир-бирини такрорламайдиган инсоний жозиба, хулқ-атвор, характер намоён бўлмаган. Сабаби, ҳар иккала тажрибали адибимиз ҳам ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиролмаган, улар қахрамонларни ўз хоҳишларига кўра сўзлатади, ҳаракат қилдиради, ўйлатади, гоҳ мағлубиятга учратади, баъзан хатога йўл қўйдиради, уларни замонамизнинг асл қахрамонлари, деб таърифлайди. Ҳар иккала романда таъриф тавсиф, баёнчилик ҳукмронлик қилади, уларда санъаткорона яратилган жонли типлар, ҳаётини образлар, афсуски, йўқ. «Генерал Равшанов» ва «Қорадарё»да оддий, жўн, тўғри фикрлар кўп, лекин уларда сўз санъатига хос сеҳр, жозиба, сир, мураккаблик етишмайди.

Бордию бундай нуқсонлар фақат Ҳамид Фулом, Иброҳим Раҳимнинг мазкур асарларида мавжуд бўлганида бу ҳақда махсус тўхталиб, ташвишлик сўз юритишнинг ҳожати йўқ эди. Афсуски, кўпгина романдар, қиссалар, ҳикояларгина эмас, ҳатто қанчадан-қанча шеър, драматик асарларда ҳам баёнчилик, юзакилик, деклоративлик, схематизм ҳукмронлик қилмоқда. Уларда ифодаланган мазмунни оддий, тўғри, реал деб эътироф этиш мумкин, бироқ сўз санъати учун бу етарли эмас.

Партиямизнинг XXVII съезди қарорларига мувофиқ ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, бадий ижодда тубдан бурилиш яшаш тўғрисида фикр юритар эканмиз, биринчи галда ҳар қандай насрий, шеърини ёки драматик асарлардаги гоёларнинг ҳаққоний образларга сингдириб юборилишини назарда тутишимиз, реал ҳақиқатнинг бадий ҳақиқатга айланишини талаб қилишимиз зарур. Акс ҳолда гоёвийлик билан бадийлик бирлигини таъминлаш мумкин эмас.

Пўлат Мўмин

БОЛАНИ АЛДАЙВЕРМАЙЛИК

Болалар адабиётимиз кўп болали оилада кўп жанрлидир. Ўз шеърини, ўз прозаси ва ўз драматургияси бор. Биз оилада ҳар бир фарзандга алоҳида меҳрибонлик қилгандай, унинг ҳар бир жанрига алоҳида эътибор берилишини истаймиз.

Бола бошидан яхши тарбия олса ҳар томонлама мукамал бўлиб етишади.

Китоб ўқишга ҳам, томоша кўришга ҳам, кўшиқ айтишга ҳам болалиқдан ўргатишни таъкидлашади устозлар.

Ҳақиқатан ҳам, болалар адабиётимизда

яхши асарлар яратилмоқда, нашр этилмоқда. Шунингдек, партия ва ҳукуратимиз болалар адабиётимизга гамхўрлик қилиб келмоқда, бундан миннатдоримиз.

Лекин айрим ҳолларда «алдагани бола яхши» қабилда эмас, «энг яхши нарсалар — болаларга!» деган оқилона шiorимиз ижро этилса, камситилмаса.

Болалар адабиёти — болалар тарбияси эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундан экан, бу соҳани ривожлантириш, меҳрибонлик қилиш ёзувчилар союзимиздан ташқари маориф, маданият министрликларини, комсомол Марказий Комитети каби ташкилотларнинг ҳам жиддий ва узвий ёрдамларига муҳтож.

Болалар пьесалари етишмайди, деймиз. Болалар кўшиқлари зарурлигини биламиз. Қаранг, бундан бир неча йил илгари Маориф министрлиги болалар кўшиқларини қабул қилиб тарқатарди. Жуда кўп кўшиқлар яратилишига омил бўлган эди. Нима учундир бу ташаббус ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

Бир вақтлар мен Маданият министрлиги коллегиясида, репертуар бўлимида болалар пьесалари билан шугулланадиган махсус редактор бўлиши зарурлигини таклиф қилган эдим, маъқуллашган эди. Ҳанузгача бу таклиф амалга ошгани йўқ.

Бизнинг республикаимиз болаларга китоб тақсимоли жихатидан энг охириги ўринларда эканлигини билган ҳолда болалар китоби тиражи кўпаймаяпти. Нашриётларимиз ҳам китобларни планлаштириш вақтидаёқ тиражларни кам қўймоқда. Унинг устига китоб савдоси ташкилотлари ҳам ўзларига ортиқча иш ортиришдан қочиб, кам буюртма беришаётганга ўхшайди. Бу ташкилотларда ҳам болалар китобларини яхши биладиган, қадрлайдиган мутахассислар, жонкуярлар кўринмайди. План бажаришни ўйлашди-ю, болалар тарбияси планини ўйлашмайди. Олди-қочди китоблар тиражини кўриб таажжубланасиз. Ушанақа бир китоб қоғозига ўнлаб болалар ёзувчиларининг китобини чиқарса арзийди.

Ҳанузгача кўпчилик болалар ёзувчиларининг танланган асарлари чиқарилган эмас.

Қардош республикалардаги болалар ёзувчилари томлиқларини кўриб ҳавасимиз келади. Биздаги баъзи мутасадди ўртоқлар болалар ёзувчиларини осон алдаб, ваъдадан нарига ўтмайдилар.

Бундай ҳоллар ҳам болалар адабиётига эътибор — меҳрибонлиқнинг саёзлигидан далолат беради.

Баъзи ўртоқлар болаларга асар ёзишдан бошлаб, нима учундир катталар адабиётига ўтиб кетадилар. Гоҳида катталарга асар ёзолмай, болаларга ёзаётганлар ҳам бор. Лекин болаларга ёзиш қийин, масъулиятли ва шарафли.

Кўп йиллар кўришмаган бир танишим савол-жавоблардан кейин, «Ҳалиям, болалар ёзувчисимисан, катталар ёзувчиси бўлмадингми!» деб қолса бўладими. Бечора танишим «болалар ёзувчиси» билан «ёш ёзувчи» иборасини тушунмас экан.

Биз болалар ёзувчилари мактабларда, кутубхоналарда кичик китобхоналар билан учрашганимизда, болаларнинг шеър тинглашларини, шеър ўқишларини, шеър сандчиликларини кўриб, болаларга ёзганимиздан беҳад мамнун бўламиз. Китобхонага бой эканлигимиздан қувончимиз ошади.

Болалар адабиёти танқидчилиги ҳам муҳим. Бола тарбияси масаласида халқимизда: «болани ураверсанг эти қотади, сўкаверсанг бети қотади» деган ҳикмат бор. Баъзи танқидчиларимиз асарлардаги яхши томонларини изламай (болалар ёзувчиларининг кўпида болалар характерлари борлигини ҳисобга олмай), гоҳида «сўкадилар», дил оғритадилар, пичинг отадилар, болалар кўзи билан қарамайдилар. Етиғи билан йўл-йўриқ кўрсатмайдилар. Болалар адабиёти хусусиятларини ҳисобга олмайдилар.

Очигини айтганда, ана шунақа муносабатлардан кейин нуқсонларимиз бўлиши табиий ҳол.

Шунингдек, давр тараққиёти билан талаб ўсиб бормоқда. Кичик китобхоналарнинг ҳам диди, савияси баланд.

Биз болалар ёзувчилари ҳам барча жанрларда пишиқ-пухта, қизиқарли асарлар яратишга қарздоримиз.

Наим Каримов

ЖИДДИЙ БУРИЛИШЛАР ДАВРИ

Адабиёт — халқнинг бадий онги. Бадий онг эса сиёсий-ижтимоий онгдан ироқда яшамайди. Аслида, сиёсий ва бадий тасаввурлар ягона онгнинг бир-бирига туташ ироқлариридир. Шунинг учун ҳам баҳс халқнинг сиёсий онглигини кучайтириш, унинг жаҳият тараққиётини жадаллаштириш жараёнидаги ролини ошириш устида борар экан, адабиёт ҳозирги даврнинг бу ўзак масаласидан четда тура олмайди. Аксинча, у «ўй-фикр ва режалар энергиясини ҳаракатлар энергиясига айлантириш» ва қайта қуриш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Шеърят ўзбек совет адабиёти тараққиётининг турли босқичларида қандай мавқе эгаллаганига ва қандай бадий савияда бўлганига қарамай, даврнинг бирламчи масалаларига ҳаммиса лаббай деб келди, халқнинг сиёсий фаоллигини оширишни ўзининг ижтимоий бурчи деб билди, ҳар бир даврнинг долзарб ҳаётини масалалари билан яшади ва нафас олди. Бу фазилатлар ўзбек шеърятининг кейинги босқичларида, хусусан, 80-йиллар шеърятинида ҳам,

назаримда, хира тортгани йўқ. Шунга қарамай, партиянинг XXVII съезидан кейинги давр ўзбек шеърляти учун ҳам қайта қуриш даври бўлса ва бугунги нуқсонларимизни бартараф этиш йўллари самарали изланса, шеърлятимиз, шубҳасиз, янги тараққиёт босқичига эришган бўларди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди республика ҳаётидаги зарарли ҳайбаракаллачилик, ҳушмадгүйлик, сафсатабозлик орқасида йўл қўйилган жиддий иллатларни фош этиб ташлади. Халқ дастурхони ҳавойи рақамлар ва баландпарвоз иборалар билан безаниб келгани ошқора айтилди. Тоғ-тоғ хирмонлар сохта маълумотлар устига тиклана бошлангани очилди... Афсуски, айрим кишилар айби билан авж олган даврнинг ана шу иллатлари сохта пафос ўлароқ шеърлятимизга ҳам чуқур томир отиб кирди. Баландпарвоз фикрлар ва предметсиз гаплар шу қадар илдиз отдики, улар ҳатто газета ва журналларимизнинг байрам сонлари учун тансиқ материал бўлиб қолди.

Биз, танқидчилар, хизмат бурчимиз юзасидан турли-туман қўлёзмаларни ўқиб, фикр билдирамиз. Чунончи, нашриётлар турли шеърй тўпламлар ва сайланмаларни ички тақриздан ўтказиш, яъни уларни чоп этиш мумкинлиги даражасини аниқлаш ниятида бизга мурожаат этиб турадилар. Менинг ички тақризлар муаллифи сифатидаги тажрибам шуну кўрсатадики, аксар шоирларимиз қанчалик номдор бўлмасинлар, уларнинг узоқ йиллар мобайнида ёзган асарларини, Абдулла Қаҳҳор айтгандек, икки кулоч арқонсиз ўқиб бўлмайди. Бу асарларнинг аксарияти бекорчиликдан ёзилган шунчаки гаплар йиғиндиси бўлиб, улар китобхонга на эстетик шавқ беради, на маърифий озиқ. Бундай «асар»ларни ўқиб, шоирларимизнинг реал ҳаёт муаммоларидан нечоғлик узоқда эканликларини ҳам, пала-партиш қораланган пойма-пой сатрлар тизмасини, яъни брак маҳсулотни кўп йиллар мобайнида китобхонга санъат асари сифатида тақдим этиб келаётганликларини ҳам кўрасан ва ранжийсан, киши.

Хусусан, ана шундай ранжиш туйғуси Султон Акбарийнинг «Девон» тўплами қўлёзмасини сатрма-сатр ўқишим жараёнида ортди. Мен ўша вақтга қадар бу шоирнинг лирик ижоди автопародиялардан иборат, деб ўйламаган эдим. Шеърлятга ҳам, китобхонга ҳам бу қадар эътиборсизлик бўлиши мумкинлигини ҳали ҳам тасаввур эта олмайман. Яқинда бу шоирнинг янги бир шеъри эълон қилинди. «Қалбим юксаклигида» деб номланган бу шеър муаллифга хос таниш услуб ва оҳангга эга. Аммо, афтидан, партия съезди ўз ишини тугатиши билан ёзилган бу шеърдаги бахшиёна руҳ пойма-пой сатрларнинг авж олиши учун йўл очган, холос.

Шоир ўз қаламига мансуб асарларнинг партияга бағишлангани, партия ғояларини тарғиб этишга сафарбар этилганини айтиб, бундай ёзади:

...Партияга тегишли, Коммунистик дарғага!
Кўзларимни чўқитиб кўймади гўнг қарғага.
Олиб чиқди ўтлардан, қаҳатчилик — ютлардан.
«Заборни» нони билан,
Улмаган жони билан

Хат танитди, ўқитди,
Энамга атлас тўқитди,
Одам қилди туп-тузук,
Урта бармоқда узук.

Шоир ана шу тарзда арзон қофиялар ортидан қувиб кетаверади. Сўзнинг ғоявий мазмуни эмас, шакли ва жарангига кўпроқ қулоқ тутади у. Натижада бир-биридан йироқ тасаввурлар, деталлар, образлар унинг шеърларига бостириб кириб келаверадилар. Ахир 80-йилларда — шеърлятимизга Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода ва Миртемир шеърлятининг барҳаёт руҳи нур бағишляётган, уни Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби ҳассос шоирлар янги уфқларга етакляётган бир пайтда бу тарзда ижод қилиш бачканалик эмасмикан?!

Кейинги йилларда Рамз Бобоҷон бир неча шеърйи монолог эълон қилди. Бу монологларда ҳозирги сиёсий-ижтимоий даврнинг долзарб ҳаётйи муаммолари тилга олинади. Бироқ улар шоир қалбида пишиб етилмагани, вужудига қон ва ҳарорат кўчмагани сабабли шеърлят мухлислари ёдида қолмади. Шоирнинг бу муаммолар ҳақида ички фарёд билан, ҳаяжон ва эҳтирос билан ёза олмагани ошқор бўлиб қолди. Агар шеърга шоир қалбининг қони оқиб ўтмаган бўлса, ундан ҳаёт нафаси келиб, тириклик чашмаси мавж уриб турадимй?!

Ҳозирги шеърлятимизда аёл шоирларимиз овози катта мавқега эга. Аммо даста-даста китоблари чоп этилган шоирларимиз ижодини назардан ўтказсак, ноҳуш манзаралар ҳам оз эмаслигига гувоҳ бўламыз. Узаро такрорлар, чучмал ва бачкана шеърлар, илиги йўқ ва пуч сатрлар, сохта пафос билан йўғрилган манзумалар истаганча топилады. Бундай арзон шеърларни серандиша ва серҳаё шоирлар қандай мулоҳазалар билан китобхон қўлига тутаётганларига ажабланмай илож йўқ. Ҳар ҳолда дид деган, ҳаё деган тушунчалар тирик-ку!

Мана бу мисраларга эътибор беринг:

Севсанг, кулгим жарангидан
Сингай чинни пиёла.
Гоҳида боқсам рангимдан
Кўзгу ҳам қилгай нола.

Нолимайман, ёлғиз менмас,
Ҳар кимда бор бу савдо.
Бунга гуноҳкор мен, сенмас,
Ойнинг ҳам ярми қаро...

Бу ибораларнинг бачкана сўзлар тизмаси эканлигини сезган шоира «Турмуш» сарлавҳасидан сўнг «ҳазил» деб ёзиб қўйган. Аммо ҳазилда ҳам маъно бўлиши лозим. Аслида, бу шеърнинг оҳангида ҳам, юпун мазмунида ҳам на ҳазилга, на шеърйи санъатга ишора бор.

Еки қуйидаги мисраларни олинг:

Гоҳ ҳайрон қоладурман бу дунёнинг ишига,
Беғуноҳ оху тушар нечун шер панжасига?
Оқиланинг ҳаёти боғлиқ жоҳил кишига,
Қўй боради ноилож бўрининг хонасига...

Бу сатрлар замирида гарчанд ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ масалалар ётгандек туюлса-да, шоира мавзуни энгил-елпи ёритиб, узук-юлуқ гапларни айтиш билангина чегараланади. Натижада минг йиллар давомида такрор-такрор айтилиб келинаётган фикр ўз ривожини ва поэтик якунини топмай, сийқа танга бўлиб қолади.

Совуқ изиллатиб турганда чунон,
Шам каби қотганда сурмаранг мужгон,
Хатто сўз деёлмай қолганда забон,
Қаршимда бўй тараб тургандек райҳон,
Дилим яйраб кетар Сизни кўрган он,
Хазрати Инсон!
Хазрати Инсон!

Бу шеър Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол!» шеъри оҳангида ёзилган. Шубҳасиз, гап оҳанглarning муштараклигида эмас. Оҳанглр ўхшашлигида ортиқча иллат йўқ. Лекин Нилуфарнинг «Баҳорга илтижо» тўпламидан менда шундай таассурот қолдики, шоира китоб ўқибгина, шеър ўқибгина, ундаги оҳанг, туйғу ва бўёқларни олибгина шеър ёзади. Тўпламдаги асар ғазаллардан бошқа шеърият чаманларининг иси келиб туради. Уларда шоира дилдан ва тилидан жўшиб чиққан туйғулар йўқ ҳисоби.

Юқоридаги қусурларнинг пайдо бўлиши ва давом этишининг сабаби битта. Бу ва улар қавмига мансуб шоирлар шеърни, шеъриятни энгил-елпи гаплар гирдикапалак бўлиб юрадиган майдон деб биладилар. Ҳолбуки, ҳикоя, қисса, роман ва дostonда бўлгани каби шеъриятда ҳам халқ ва мамлакат ҳаётининг, инсон ва жамият ҳаётининг муҳим масалалари қаламга олиниши керак. Шеър ҳам ўзида муайян ҳаётий-эстетик инфорация элтиши лозим. Ҳаёт ҳақиқати шеърият намуналаридан ҳам нур сочиб, ниманидир куйдириши, ниманидир ўстириши, яшнатиши, парвариш этиши зарур. Шоир қалби гулу бўстонлар ичида мудра-масдан, пахтакор қўлидек, ишчи болғасидек меҳнат қилгандагина яхши шеър тўғилади. Биз ижод аҳли тинмай меҳнат қилишни истаймиз. Бурилиш ва жадаллаштириш даври шуни тақозо этади. Бадий сўзнинг кучи ва аҳамияти ҳозирги даврда яна ҳам ортиши лозим. Шеъриятимизнинг лирик қаҳрамони янги давр муаммоларига жиддий юз ўгириши зарур. Яқинда Барот Бойқобиловнинг «Давр амри» деган шеъри босилди. Бу шеърда айтилган ҳамма гаплар тўғри. Шу жумладан, қуйидаги сатрларга ҳам эътироз билдириш ўринли эмас:

**Бутун ҳаёт қатламлари янгиланмоқда,
Ислоҳ қилинмоқда эски услуб, усуллар.
Умри ўтган ёт иллатлар хасдек ёнмоқда,
Емирилмоқда томир отиб кетган қусурлар.**

**...Инқилобий жабҳаларда бўлиб устивор,
Ғолибона ислоҳ қилайлик аввало ўзни.
Коммунистик маслак дилда бўлсин барқарор
Ислоҳ қилайлик: онг-шуур, фикр ва сўзни.**

Аммо бундай плакат шеърлар даври, адабиётимиз бахтига, узок йиллар ортида қолган. Бундай шеърлар ўша вақтларда ҳам эстетик-тарбиявий роль ўйнаганига ишониш қийин. Ҳозир эса уларнинг қиммати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу кунларда Уллибиби Отаевнинг ҳам ҳозирги жараён таъсирида ёзган бир шеъри матбуотда эълон қилинди. «Сени кўрсам» деб номланган бу шеърнинг лирик қаҳрамони бир йигитни севади, уни кўрса шеър айтгиси, фаҳрга тўлгиси келади. Аммо у йигитнинг бутун фикри-зикри далада, ғўзада.

**Кимгадир ошиққа ўхшайсан,
Камуйику, камгапу хаёлчан.
Лекин: юзма-юз келганда яшнайсан.
Гўё сен у учун яшайсан.
Шундай куйинарсан гар ғўзанг куйса,
Сенинг ҳам вақтинг чоғ, агар у кулса.**

Шоира гарчанд бу шеърни: «Сен тўккан шода тер, ўйласам, Эл-юртга ризқ бўлиб қайтажак!» деган ғўзал сатрлар билан яқунланса-да, ундан 50-йиллар шеъриятидаги роботга айланган адабий қаҳрамонлар бўй чўзаётгандек бўлади.

Янги тарихий даврга янги, баркамол адабий қаҳрамонлар талаб этилади. Қаҳрамонлар яна вақт механизмининг оддий винтларига айланиб қолмасликлари лозим. Зеро, «Ҳамма нарса инсон учун!» деган широр ҳамон кун тартибда. Аммо адабиёт аҳллари ўз ишларида жиддий бурилиш ясаб, янгича бадий тафаккур уфқларига кўтарилишлари зарур. Бу бадий тафаккур эса сийқалиқдан, чучмаллиқдан, бачканалиқдан холи бўлган, ғоявий ва бадий савияси баланд асарларни тақозо этади. Бундай асарларда туйғулар ҳақиқати, курашлар ҳақиқати даражасига кўтарилган бўлишини айтмаса ҳам бўлади.

Норбой Худойберганов ўтган йили «Ёшлик» журналида босилган мақоласига «Нега шеър ёзасиз?» деб сарлавҳа қўйган ва шеъринг истеъдоди кам ёки йўқ бўлган қатор китобларнинг муаллифларига шундай савол билан мурожаат этган эди. Мен ҳам истеъдодли, ҳурматли шоирларимизга қараб, «Нега шеър ёзасиз?» деб сўрагим келади. Агар дилингизда катта туйғунгиз, фикрингиз, дардингиз, мақсадингиз бўлмаса, юрагингиз ёниб қоврилмаётган бўлса, нега шеър ёзасиз, ҳурматли шоирлар?!

БАДИЙ ҲАҚИҚАТ ТАЛАБИ

Партиянинг ҳақиқатни ёзиш, ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш тўғрисидаги талаби турмуш мантиқидан келиб чиққан ҳақли талабдир. Бироқ ҳақиқатни бадий асарда реал акс эттириш ўз-ўзидан, осонликча кечмайди. Маълумки, сўнги йилларда республикамиз ҳаётида катта ютуқлар билан бир қаторда, ҳар хил хатоларга ҳам йўл қўйилди.

Аммо шуни эсдан чиқармаслик лозимки, республикамиз ижтимоий ҳаётининг асосий йўналишини ва характерли хусусиятини негатив томонлар эмас, аксинча тўғрилиқ, социал адолат, ҳаққоният, ҳалоллик, ўз шахсий манфаатидан умумхалқ ва давлат манфаатларини устун қўйиш каби ажойиб фазилатлар, истиқболи порлоқ ижобий тенденциялар ташкил этади. Шундай экан, ҳаётдаги ижобий томонларни ёрқин тасвирлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш негизда турмушда учровчи салбий ҳодиса-воқеаларга қарши кескин курашиш зарур. Ана шундай қилингандагина, социалистик реализм адабиётининг асосий талаби — ҳаққонийлик тўла-тўқис амалга ошиши мумкин. Сўхбатимизда тўғри таъкидланганидек, сўнги вақтларда юзага келган «Куёв» (Саид Аҳмад), «Курорт» (Улмас Умарбеков), «Истамбул фожиаси» (Эркин Воҳидов), «Оққушлар, оппоқ қушлар» (Одил Ёқубов) ва бошқа асарларда худди шундай қилинган. Натижада бу асарлар кўпқиррали ҳаётимиз ва турли характердаги одамларимиз ҳақида тўғри тасаввур берувчи, замондошларимизнинг образларини реалистик бўёқларда гавдалантирувчи бақувват бадий асарлар сифатида китобхонларга манзур бўлди.

Масалан, ёзувчи Одил Ёқубов ўзининг янги романида «айрим ҳолларда порохўрлик, ивгогарлик, мансабпарастлик каби иллатлар илдиз отган 80-йиллар бошларида ҳам ўзларига гард юқтирмай покиза яшаб, ҳалол кун кўрган заҳматқаш» кишиларимиз (Шорахим шоввоз, профессор Расул Нуриддинов, фронтовик Иван Белобородов ва бошқалар) образларини катта маҳорат билан яратиб берган. Шу билан биргаликда ҳаётда учровчи кўзбўямачилик, манманлик, бюрократизм, юлғичлик каби иллатларни ва ҳар хил қинғир ишларни росттўйлик билан фош этган.

Шуниси муҳимки, адиб негатив томонлар тасвирига ортиқча берилиб кетмайди, романи ҳар хил салбий типлар билан тўлдириб ташламайди. Меъёрга, турмуш ҳақиқатига риоя қилади. Адолат ва ҳаққоният йўлидан бориб, жамиятимиз тараққиётини таъминлаётган софдил, ҳалол замондошларимиз образини марказий ўринга қўйиб, муҳаббат билан тасвирлайди. Асарда ҳаёт ҳақиқати дабдабасиз, рўй-рост акс эттирилади. Ёки Улмас Умарбековнинг «Курорт» пьесасини олайлик. Унда ҳам ҳозирги кун воқелиги, ҳаёт ҳақиқати бутун борлиги билан реал акс эттирилган. Асарда «Меҳнат аҳли» колхозининг ҳозирги ҳаёти мисолида кўзбўямачилик ва порохўрлик сингари негатив ҳодисалар ҳамда уларнинг пайдо бўлиш ва илдиз отиш сабаблари социалистик реализмнинг ҳаётбахш позицияларидан туриб очиб ташланади. Шу билан бирга, пьеса совет воқелигининг улғуворлиги, афзаллиги, совет кишиларининг ажойиб фазилатлари ҳақида ёрқин тасаввур, тўғри тушунча ҳам беради.

Бу пьеса идеалларимизни мустаҳкамлашга, кишиларимизни ҳалоллик, маънавий-виждоний поклик руҳида тарбиялашга бевосита хизмат қилиш билан бирга, томошабинларимизга бадий завқ ҳам беради. Чунки пьеса сюжети асосида ётган конфликт ҳаётий, бадий ифодаси эса ёрқин, таъсирли. Асардаги асосий салбий тип (Тўлан образи) ҳам, ижобий қаҳрамон (Қўзибой образи) ҳам жонли ва ишонарли қилиб яратилган. Уларнинг ҳаммаси «Курорт» пьесасида ҳаёт ҳақиқати катта маҳорат билан бадий ҳақиқатга айлантирилганидан далолат беради. (Бу пьесанинг Ленинград шаҳридаги машҳур театрда сахналаштирилгани ҳам бежиз эмас.)

Эркин Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» шеърый драмасида ҳам ҳозирги кун руҳи, давр талаби ёрқин ифодаланган. Бинобарин, унда ватангадолик фожиасигина эмас, балки кўзбўямачилик, бир-бирини ва давлатни алдаш фожиаси ҳам жуда таъсирли ва ҳаяжонли қилиб, реал акс эттирилган. Асардаги уч асосий образ (Жалол, Искандар ва Саодат) ҳам ҳаёт ҳақиқатига мос равишда реалистик бўёқларда ҳаққоний қилиб яратилган. Асар ғояси ана шу ҳаётий образларнинг фаолиятлари, хатти-ҳаракатлари ва сўзларига сингдириб юборилган.

Асарда кўзбўямачилик билан давлат ва халқни алдаб, сохта обрў-шухратга эришган ва охирида бу қилмишига қаттиқ пушаймон бўлиб, руҳан эзилган колхоз раиси Жалолнинг монолоғида ҳозирги давр ғояси усталик билан ифодаланган:

**Мен умримни яшаб бўлган инсонман, энди,
Болаларга менадан ёлғон мерос қолсинми!
Фарзандларим мени ёлғон кафанга ўраб,
Сохта тобут билан гўрга олиб борсинми!
Бизни кўмиб, устимиздан тўпроқ тортишар,
Лекин, ахир ҳақиқатни кўмиб бўлмайди!
У бамисли товонтешар, минг тўпроқ тўкма,
Бир кун келиб қаердандир ёриб чиқади...
Мен бу кеча бир лаҳза ҳам ухлаганим йўқ,
Искандарнинг узоқ йиллар чеккан дардини**

Бир кечада юрагимдан кечирдим бугун.
Бу ерда мен ўлиб кетган укам биланмас,
Улиб кетган виждон билан учрашиб қолдим.
Сен билмайсан анча-мунча гуноҳларим бор...

Қисқаси, адабиётимизда ҳаёт ҳақиқатини юксак савияда реал акс эттириш билан боғлиқ бўлган ютуқлар оз эмас. Шуниси муҳимки, бу ютуқлар аста-секинлик билан бўлса-да, тобора кўпаймоқда. Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Гулчеҳра Нуруллоева, Жамол Камол, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева каби ёзувчиларнинг янги асарлари ана шундан далолат беради.

Ҳа, ҳозирги вақтда ўзбек совет адабиётида юқори сифат учун изчил, астойдил кураш кетмоқда. Бу ижодий иш ҳаёт ҳақиқатини бутун борлиғи ва мураккаблиги билан реал акс эттириш фонида амалга оширилмоқда. Кўп ҳолларда у кўнгилдагидек самара бермоқда. Бироқ адабиётимизда ҳали ҳам ҳаётни бир томонлама бўяб-безаб ёки уни нуқул қора бўёқларда акс эттириш ҳоллари учраб туради. Исроил Тўхтаевнинг «Эл қатори», Тоҳир Маликнинг «Курорт» ҳикояларида қора бўёқ ортиқча кўп ишлатилгандек туюлди менга. Бу нуқсон сўнгги вақтларда юзага келган айрим драматик асарларда ёки телевизион кўрсатувларида ҳам сезилади.

Профессор Умарали Норматов тўғри қайд қилганидек: «Сўнгги пайтларда адабиётда танқид, ҳақ гапни айтиш тенденцияси хийла кучайди. Бу ижобий ҳодиса. Аммо, бу йўлда муайян бирёқламаликлар ҳам рўй берапти. Мулк ўғрилари, амалпарастлар, лаганбардорлар, тухматчилар, жамиятимизга ёт салбий шахслар ҳақида ёзиш мода тусини олапти. Худди шу хил кимсаларни фош этиш жасорат деб аталапти... Биламизки, мода кетидан қувиш ҳамиша чинакам санъат учун завоқ. Атоқли ёзувчи Г. Марков бу ҳақда «Литературная газета»да ташвиш билан гапирди. (Ҳақиқат ва бадийят. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1986, 30 апрель.)

Хуллас, ҳаётда учровчи ҳар хил ҳодиса ва салбий типларни адабиёт ва санъат асарларида рўй-рост кўрсатиш, аёвсиз фош этиш керак ва шарт. Лекин бундай образлар ва ҳодисалар тасвирига ҳаддан зиёда ортиқча берилиш ҳам шарт эмас.

Абдуғафур Расулов

МАҚСАД – БАДИИЙ БОЙЛИКЛАРНИ КАШФ ЭТИШ

Гўзаллик — инсон билими, ўқуви, қалб кўри, истеъдоди, самимиятини ўзида мужжасамлаштирган меҳнат натижасидир. Ишчи, деҳқон, зиёли ўз меҳнати билан гўзаллик яратади. Лекин санъаткор яратган гўзаллик кўзга яққол ташланади, бадийий бойлик сифатида эъзозланади. Маънавият хазинасини тўлдирувчи бадийий бойликлар осонликча яратилмайди. Санъаткор бадийий бойлик яратувчи бўлса, адабий-бадийий танқидчи бадийий бойликнинг яратилиши имкониятларини ахтаради, унга йўл очади. Машҳур танқидчи В. Г. Белинский рус адабиётидан доим кўнгли тўлмаёй ёзар эди. Унингча, адабиёт бадийий бойликлар жамулжами бўлиши лозим эди. Мунаққид бадийий адабиёт ҳақида гапирганда ҳамиша бадийий бойликларни назарда тутарди. У ҳақиқий асарни кашф этиш, уни кўз-кўз қилиш учун адабий жараёни чуқур таҳлил қиларди. Унинг обзор мақолаларида бадийий бойлик излаш иштиёқи яққол кўриниб туради.

Ўзбек совет танқидчилиги ўз вазифасини тўғри бажаряпти: адабий жараёни обзорларда, тақризу мақолаларда, бади ва портретларда аниқ кўрсатиб бермоқда. Лекин, эътибор берилса, жараён ҳақида ёзиш, бўш, ўртача асарларни танқид қилиш, назмбозу ўрнак-мандлар йўлини тўсиш бош мақсадга айланиб

қолмоқда. Ваҳоланки, танқидчининг вазифаси фақат шу эмас. У бир дақиқа ҳам бадийий кашфиёт излаётганлигини унутмаслиги, унга тўсиқ бўлаётган омилларни дадил очиб бериши керак. Танқидчилигимиз баъзан ҳақиқий бойликни сохталик, жўнликдан фарқлай олмайди. Газета ва журналлар асл бадийий бойликлар ҳақида икки хил фикр айтиш ўрнига жўнгина асарларни баҳсларга материал қилиб олмоқда, қизиғи шуки, икки фикрнинг бири ижобий, иккинчиси салбийроқ бўлади. Нега бўш асарлар ҳақида икки мунаққид ҳам кескин, салбий фикр айтиши мумкин эмас? Баъзан жараён таҳлиliga маҳлиё бўлиб, ҳақиқий бадийий бойликлар асосиз танқид қилинади. Бу ўринда биз «Аёл» шеърининг профессор О. Тоғаев мақоласида ёхуд «Кўёв» спектаклининг И. Султонов ва Б. Каримов тақризларида нотўғри талқин қилинганлигини назарда тутамиз.

Адабий жараён қиёфасини етук асарлар белгилайди. Шунинг учун кўпроқ мукамал асарларни тарғиб қилиш, улар ҳақида тақризлар босиш мақсадга мувофиқдир. «Рухлар исёни», «Садоқат», «Йиллар армони», «Дархатлар ва гиёҳлар», «Икки эшик ораси», «Чорраҳа», «Темур Малик», «Жавоб», «Истеъфо», «Тўмариснинг кўзлари» сингари асарларга берилган тақриз, мақолаларда ҳо-

зирги адабий жараён хусусияти кўзга ташланади. Бироқ адабий танқид бадий бойликларга «йўл очиш» учун бадий султ, номукамал асарларни кескин танқид қилиб бориши ҳам керак. Ёзувчи ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларда ҳам бадий бойликни юзага чиқариш асосий мақсад бўлиб қолмоғи лозим. Мунаққид бирон ёзувчи ижодини таҳлил қилар экан, ундаги ютуқлар ҳамда бадий бойликлар яратилишига монелик қилаётган сабабларни очиб бериши лозим. Шу мазмунда, Озод Шарафиддиновнинг «Характер — бадийлик мезони», Иброҳим Ғафуровнинг «Зерикарли одам истеъфоси», Умарали Норматовнинг «Бадий баркамоллик — давр талаби», Матёқуб Қўшжоновнинг «Онажоним — шеърят» сингари мақолалари диққатга сазовордир. Назаримда, танқидчилигимиз Зайнишев сингари типни кашф этган «Ёлғончи фаришталар» асарининг моҳиятини, Худойберди Тўхтабоев асарларидаги ўсимлар характерини мукамал ёритиб бергани йўқ.

Бадий бойлик бўла олган асарлар адабий жараённинг кўрки, файзи бўлмоғи, улар ҳақида ҳамиша мақолалар бериб борилмоғи лозим. Афсуски, энг яхши асарлар ҳам битта таҳрир, битта-иккита мақолада тилга олиниш билангина «сийланади». Ваҳоланки, «Инқилоб тонги», «Диёнат», «Қора кўзлар», «Уфқ», «Чинор», «Дунёнинг ишлари», «Шошма, қуёш», сингари асарлар ҳақида ҳамиша «эслатиб турилиши» мақсадга мувофиқ. Кези келганда айтиш керакки, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Навоий», «Сароб», «Синчалак», «Ўқитувчи» сингари ўлмас асарлар ҳақида мақола босиш учун туртки, сабаб излаймиз. Бу асарлар ҳақида қанча кўп ёзсак, халқимизнинг эстетик дидини, бадииятга муҳаббатини оширамиз. Уртамиёна асарлар ҳақида 4—5 та мақола босгандан кўра, бадий бойлик

бўлган битта асар ҳақида етук тадқиқот, тақрир ёзган афзалдир.

Бадий бойликлар — битта халқнинг бойлиги, ҳазинаси эмас. Ҳақиқий асарлар инсониятга хизмат қилади. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов асарлари ўзга халқлар китобхонлари томонидан қанчалик севиб ўқиладиган бўлса, ўзбек китобхони ҳам жаҳон адабиёти ҳазинаси намуналарини ўз она тилида ўқимоқда. «Илоҳий комедия», «Фауст», «Юз йил танҳоликда», «Чол ва денгиз», «Азизим», «Соҳил», «Асрни қаритган кун» — булар яқин йилларда халқимизнинг маънавий мулкига айланган асарларнинг бир қисми, холос. Машҳур асар — алоҳида олам. Уни идрок қилиш, тушуниб етиш жиддий масала. Жаҳон халқлари диққатини жалб этган нодир асарлар китобхонлар томонидан қандай ўзлаштириляпти? Ф. Достоевский, Г. Маркес, Э. Хемингуэй асарларини идрок этишда муаммолар борми? Бу саволларга адабий танқидчилик жавоб бериши керак. Афсуски, ўзбек танқидчилиги таржима асарларнинг ўзлаштирилиши масалалари билан жиддий шуғулланмаяпти. Бизнингча, таржима қилинган машҳур асарлар жиддий баҳс, мунозараларга сабаб бўлмоғи лозим. Балки Ф. Достоевский асарларидаги психологизм, инсон тасвири масалалари китобхонга оғирлик қилаётгандир? Маркес асарларидаги шартлилик, мифологик тасвир китобхон томонидан қандай ўзлаштириладиган экан? Танқидчилик шундай пайтда китобхоннинг кўмакдоши, маслаҳатгўйи эканлигини амалда кўрсатиши лозим. Умуман, таржима асарлар ўзбек адабиётида ўзлашиб кетиши учун танқидчиликнинг хизмати муҳим. Қолаверса, бундай бадий бойликлар халқ маънавиятини, тушунчасини қанчалик бойтаётганлигини ҳис этиб туриш ҳам танқидчиликнинг бурчи.



Илёс Низомиддинов,
тарих фанлари доктори, профессор.

МАНБАНИНГ БОҚИЙ УМРИ

Қарийб бир аср (1500—1599) давомида Урта Осиёда ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласи даври тарихи қатор эътиборли манбалар, жумладан, Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлulloҳ бинни Рузбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» ва бошқа асарларда ёзиб қолдирилган. Бу хилдаги манбалар орасида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» («Шоҳ шуҳрати ҳақида китоб») ёки «Абдуллонома» номи билан машҳур бўлган шоҳ асари муайян давр — Абдуллоҳон (1557—1598) ҳукмронлик йилларининг ўттиз йилдан ортиқ даври (1557—1589) Урта Осиё халқлари сиёсий ва ижтимоий тарихини муфассал ёритиши билан алоҳида ўрин тутлади.

Европа олимларидан биринчи бўлиб «Абдуллонома»ни қўлга киритган (1854) ва ўзининг кўпгина илмий асарларида ундан фойдаланган олим машҳур рус шарқшуноси В. В. Вельяминов-Зернов бўлди. Вельяминов-Зернов кейинчалик ҳатто бир неча нусхалар асосида бу манбанинг танқидий матнини тайёрлаган ва унинг асосий мазмунини рус тилида баён қилган эди. Афсуски, бу тадқиқотларнинг тақдири ҳанузгача илмий жамоатчиликка номаълум бўлиб қолмоқда.

«Абдуллонома» асари атоқли совет шарқшунос олими И. И. Умняковнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этган. Олим илмий мақоаларида мазкур манбадан кўпгина парчалар келтирган.

Сўнги даврларда ўзбек олимларидан М. А. Абдураимов, Б. А. Аҳмедов, Қ. М. Муниров ва тожикистонлик тадқиқотчи Н. Сайфиев бу нодир асардан кенг фойдаланиш билан бир қаторда унинг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ҳаёти ва ижодига оид китоб ва рисоалар ҳам яратдилар. «Абдуллонома» асарини илмий жамоатчилик билан бир қаторда кенг ўқувчилар оmmasига маълум бўлишида мазкур манбанинг марҳум устоз Содиқ Мирзаев томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржимаси ва таржиманинг икки жилдини («Абдуллонома», I жилд, нашрга тайёрловчи тарих фанлари кандидати Б. А. Аҳмедов, УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966; II жилд, нашрга тайёрловчилар тарих фанлари кандидатлари Р. Ғофурова, А. Жувонмардиев, Б. Аҳмедов, Тошкент, 1969) чоп этилиши, айниқса, муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳофиз Таниш Бухорий замонасининг забардаст тарихчи олими ва етук шоири бўлган. XVI аср тазкиранавис адаби Абу Сайид Мухаммад Мир Совинчининг «Азкар уз-азкийя»

(бу асар «Тухфат ас-сайид» номи билан ҳам маълум) китобиде кўрсатишича, Ҳофиз Таниш 18 ёшидаёқ шеърый сатрларини жамлаб девон ҳолига келтирган. Дарвеш Алининг «Рисолаи мусиқий» асарида (XVII аср) Ҳофиз Таниш ғазал ва қиссаларидан алоҳида-алоҳида девонлар тартиб этганини таъкидлайди. Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»сида (XVI—XVII аср бошлари) ёзишича, Ҳофиз Таниш Бухорий «Соқийнома» асарининг ҳам муаллифидир. Демак, Ҳофиз Таниш шеърый бобида салмоқли меросга эга бўлган. Лекин, афсуски, бу мерос — зикр этилган асар ва лирик сатрларнинг аксарияти ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, «Абдуллонома» тарихий асарида 4760 байт шеърый парча келтирилган бўлиб, шулардан 359 байт Ҳофиз Таниш Бухорий қаламига мансуб; умуман, шоирнинг бизгача етиб келган шеърый сатрлари 395 байтни ташкил этади.

Ҳофиз Танишнинг ҳаёти ва адабий ижоди хусусида баъзи бир чалкашликлар мавжудлигини ҳам эслаб ўтмоқ жоиздир. Б. Аҳмедов ва Қ. Мунировларнинг «Ҳофиз Таниш Бухорий» (Тошкент, 1963) номли рисоласида Ҳофиз Таниш узоқ умр кўрганлиги ва Имомқулихон (1611—1642) ҳукмронлиги йилларида ҳам ижод этганлиги ўқдириб ўтилган. Ҳозирда Лондонда, Британия музейида сақланаётган ва фотонусхаси тожикистонлик олимлар ихтиёрида мавжуд Мутрибий Самарқандийнинг бошқа бир «Тарихи Жаҳонгирий» номли тазкирасида «Нахлий» тахаллуси билан шеърлар ёзган икки шоир ҳақида маълумотлар берилган. Булардан бири Ҳофиз Таниш бўлса, иккинчиси — ҳақиқатан ҳам Имомқулихон даврида яшаган бошқа шоир Нахлий Бухоройи бўлиб чиқди. Тазкирада Ҳофиз Таниш — Нахлий ашъорларидан намуна сифатида бир ғазал ва Нахлий Бухоройи ижодида мансуб бир бири бир неча байтлик уч шеърый лавҳа келтирилган. Шунингдек, Нахлий Бухоройи «Киромий» тахаллуси билан ҳам шеърлар битганлиги эслатиб ўтилган.

Топилган янги манба эндиликда ҳар икки шоирнинг ҳаёти ва ижодий йўлини муккамал ёритиш имконини беради.

Ҳофиз Таниш мусиқа санъатидан ҳам боҳабар, ажойиб жўшқин овозли хонанда бўлган: эҳтимол, шунга кўра, у «Ҳофиз» номи билан шуҳрат топган ва бу номни ўзига тахаллус қилиб танлагандир.

Ҳофиз Таниш — машҳур тарихчи олимдир. Отаси Искандархон вафотидан сўнг расман

хонлик тахтига ўтирган Абдуллахон Ҳофиз Танишга ҳукмронлиги даври тарихини яратишни буюради. Масала шундаки, Ҳофиз Таниш бу хилдаги амри фармон бўлгунга қадар ҳам Абдуллахон шахси ва унинг фатх-юришлари ҳақида «Футухоти хоний ва воқеоти соҳибқироний» («Хоннинг фатх-юришлари ва соҳибқирон иштирокидаги воқеалар») номли асарни ёзиб қўйган эди. Юқоридаги буйруқни олгач, Ҳофиз Таниш мавжуд қўлёзмасини кенгайтириш ва қайтадан ишлаб чиқишга киришган. Муаллифнинг дастлабки режасига биноан «Абдуллонома» муқаддима, икки мақола (жилд ёки қисм.) ва хотимадан ташкил топмоғи керак эди. Биринчи мақолада 1583 йилгача, яъни Абдуллахоннинг расман хон деб эълон қилинганга қадар бўлган тарихий воқеалар қамраб олинса, иккинчи мақолада эса, 1583 йилдан сўнгги муваффақиятли юришлар ва Абдуллахон даврида яшаб ижод этган тарихий шахслар — шайхлар, олимлар ва шоирлар ҳаёти ва ижоди, умуман олганда, XVI аср Бухоро хонлиги маданий ҳаётига оид масалалар ёритилиши кўзда тутилган. Афсуски, иккинчи мақолада ўрин эгаллаш лозим бўлган тарихий жараён баёни 1589 йил воқеалари билан тўхтаб қолган. Муаллифнинг вафоти муносабати билан бўлса керак, асар ўз интиҳосига етмай қолган.

«Абдуллонома»нинг биринчи мақоласида XVI асрнинг ўрталарига келиб Шайбонийхон (1488—1510) асос солган давлат бир неча мустақил хонликларга бўлиниб кетгани ҳикоя қилинади. Самарқандда Абдулатиф ибн Кучкунчиҳон (ибн Абдулхайрхон), Бухорода Абдулазизхон ибн Убайдуллахон (ибн Маҳмуд султон ибн Шоҳ Будоқ султон), Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмадхон-Бароқхон (ибн Сўюнчихўжа ибн Абулхайрхон), Миёнқолда Искандархон ибн Жонибек султонлар ҳукмронлик қилардилар. Абдулазизхон вафотидан сўнг, 1550 йилдан бошлаб Бухоро тахти учун ички-феодал курашлар бошланади ва бу курашда Искандархоннинг ўғли 17 ёшли Абдулла ҳам фаол иштирок қилади.


1555 йил июнь ойида Бароқхон Бухорога ҳужум қилганда ўша вақтда Бухорода ҳукмронлик қилаётган Бурхон султон Абдуллахонни ёрдамга чақиради. Форёб қалъаси атрофидаги жангга 300 сипоҳидан ташкил топган Абдуллахон кўшинлари кўп сонли Бароқхон кўшинини тор-мор этади. Бу ғалаба Абдуллахон атрофига турли ўлка-вилоятлардан ҳарбий отрядларнинг келиб қўшилишига олиб келади. Лекин Абдуллахон бу сафар Бухорода қололмайди, уни кечаги иттифоқдоши Бурхон султон суриб чиқаради, у Балх томон узоқлашади. Бухоро яна Бароқхон қўлига ўтади, аммо у 1556 йил сентябрда вафот этади. Хонлик тахтига кўпчилик султонларнинг розилиги билан Абулхайрхон авлоди орасида энг кекса саналмиш Пир Муҳаммад қаҳади, Абдуллахон эса аввал Миёнқол ва Карманани буйсиндириб, 1557 йил апрелида эса Самарқандни ҳам қўлга киритади, сўнг Бухорода ҳукмронлик қилаётган Бурхон султон устига юриш қилади. Аммо орага Жўйбор шайхларининг раҳнамоси Хўжа Ислому тушиб, ҳар икки томонни сулҳга келиштиради. Кўп ўтмай Бурхон султон Мирза Оқа номли шахс томонидан ўлдирилади ва Абдуллахон Бухорода ўз мавқеини мустаҳкамлаб олади ва уч йил давомида ҳарбий юришларга барҳам беради. Сўнг 1560

йили Бадахшонни забт этиб, 1561 йили Шибиргон томон юриш бошлайди. 1561 йили отаси Искандархонни Бухоро тахтига ўтқазади, бу Пир Муҳаммаднинг хонлик тахтидан туширилиши ва айна қолда, Мовароуннаҳрда феодалчи курашларга чек қўйилди, деган гап эди. Эндиликда кун тартибида марказлашган феодал-ҳарбий давлатга асос солиш масаласи турарди.

Юқорида айтилганидек, Ҳофиз Таниш Бухоро хонлиги маданиятига оид фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирмаган. Шунга қарамай, «Абдуллонома»да бу масалага оид баъзи қимматли маълумотлар ҳам мавжуд. Масалан, унда Абдуллахон даврида яшаган шоир Абдураҳмон Мушфиқий (1538—1588) ҳаёти ва ижодига тааллуқли, бошқа манбаларда учрамайдиган далиллар учрайди. Шунингдек асарда Мушфиқий ижодига мансуб 3 та қасида ва Хўжа Ислому вафотига бағишлаб битилган тарих келтирилган. Мушфиқий «амлашушурон» (шоирлар ичра ширин қалом) унвони билан тилга олинган. Шунингдек, «Абдуллонома»да «Вафойи» таҳаллуси билан туркий ва форс тилларда шеър ёзиб девонлар тузган Бадахшон ҳожими Иброҳим мирза ҳамда Балхда ижод этган Мавлоно Ҳозирийлар ҳақида бирмунча янги маълумотлар ўқиш мумкин.

«Абдуллонома» асарининг ўзи XVI асрда яратилган чуқур фалсафий фикрларни қамраб олган, саж — қофиядош сўз ва бадий иборалар билан ёзилган тарихий ва адабий обидалар жумласига кирлади. Умуман олганда, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг мазкур асари Урта Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маълум даражада маданий ҳаётини ёритишда муҳим ва нодир манбалардан саналади. Асар воқеаларни изчил ва муттасил баён қилиши ва объективлиги билан ҳам тарихий аҳамият касб этади: «Абдуллонома»нинг икки жилди ўзбек тилида нашр қилинганлиги хусусида юқорида айтилган эди. Бу ерда биз мазкур манба биринчи бор рус тилида таржима этилгани ва босмадан чиққанини мумнуният билан қайд этиш ниятидамиз (Ҳофиз-и Таниш Бухори, Шараф-намийи шахи, Изд-во «Наука», Москва, 1983, таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар М. А. Салоҳидинованики). Асарнинг рус тилига таржима этилиши унинг дунё аҳамиятига молик манба эканлигидан далолат бериш билан бир қаторда, асарга умри боқийлик ҳам бахш этади. Рус тилидаги нашрга ёзилган сўзбошида бунодир асарнинг СССР ва хорижий мамлакатлар қўлёзма фондлари ва маданий марказларида сақланаётган 11 та тўла ва 8 та қисқартирилган нусхаларининг тавсифи берилган. Улардан энг қадимгиси СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондидаги нусхадир (Д 88). Шу институтдаги бошқа бир нусха (В 685) автограф (яъни, муаллиф қаламига мансуб) деб тахмин қилинмоқда. Асарнинг рус тилига таржимаси бешта зътборли нусхаларни қиёсий таҳлил қилиш асосида тайёрланган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаийи шоҳий» (ёки «Абдуллонома») асарининг рус тилига таржима қилиниб, нашр этилиши катта маданий воқеадир. Шундай экан, «Абдуллонома»нинг ўзбек тилига таржима этилиб, нашрга тайёрлаб қўйилган навбатдаги жилдлари ҳам яқин фурсатлар ичида босилиб чиқади деган умиддамиз.



РАМЗЛАР ТУҒЕНИ

Шавкат Раҳмон. Очиқ кунлар. Шеърлар. Ғафур Ғулум номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1984.
Шавкат Раҳмон. Гуллаётган тош. Шеърлар. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1985.

Шавкат Раҳмон — рамзлар шоири. «Очиқ кунлар» ва «Гуллаётган тош» тўпламларида, рамзий ижодкорнинг асосий тасвир воситаларидан бирига айланиб, силсила ҳосил қилганини кураемиз.

Шоирнинг «Ужар дарахт» шеърида «Қушларидан айрилган дарахт жимлик билан яшолмас бирга» деган жумла бор. Қуш бу ерда парранда эмас, баргнинг рамзий ифодаси. Шу тушунча билан баргга қарасак, унинг шакли қандайдир даражада қушга, шитирлаши — қушнинг сайрашига; шамолда пирпираб туриши эса қушнинг бир жойда қанотини пириллатиб туришига жуда ўхшар экан. Шоир «баргларидан айрилган дарахт» деса ҳам бўларди. Бу ифода ҳам янги, таъсирли эди. Аммо шоир уни янада кучайтириш учун изланишдан эринмаган.

«Очиқ кунлар»да мураккаб рамзлар ҳам бор. Бир шеърда қушча муҳаббатни англатади. Қушча ва муҳаббат жисман бир-бирига ўхшамайди, чунки севгининг жисми йўқ. Бу ерда туйғу предметлаштирилган. Лирик қаҳрамон муҳаббатини қўлдан чиқариб юборган. Бу қушни энди қандай овлашни билмайди.

Ҳаётда қушнинг новдадан учиб-қўниб юргани дилга хушёқса, кўчиб юрадиган «севги» қораланади. Шу боис

бу ўхшатишни унча муваффақиятли дея олмаемиз. Муҳаббатнинг (қаҳрамоннинг интим туйғуси ёки маҳбубасининг) пассив ролда олиниши ҳам менга маъқул туюлмади. Мустаҳкам, кучли туйғуни, садоқатли, сал нарсадан қушга ўхшаб учиб кетмайдиган маҳбубани севган ёки излаётган одамгина таҳсинга лойиқдир.

Рамзий образлар шоир учун дунёни билиш воситаси. У ҳаёт ва табиат, одамлар ва жониворлар ўртасидаги дахлдорликни, ҳаётнинг умумий қонуналарини билишга, табиатнинг моҳиятини англашга интилади. Дунёнинг калити, олам қонунига олиб кирадиган сўқмоқ — бу табиат фалсафаси деб билади. Табиатни гўзаллик, поклик, диёнат, ҳатто инсоф ва илтифот намунаси ҳисоблайди. Унинг учун энг яхши инсон бу — бола, табиатдан ҳали узоқлашиб улгурмаган, бузилмаган одам.

«Каллакланган тутлар» деб бошланадиган шеърда тутлар — дунёнинг устуни, осмонни елкасида тутиб турган қадимги грек паҳлавони Атлантга ўхшатилади. Лирик қаҳрамон илгари шамол бўлган эди («аритмоқ учун далалар бошида кезган дардларни»), аммо тутларни кўриб, тут дарахти бўлгиси келади. Чунки проблема ўсган: дардни аритиш — энди майда ғамхўрлик, бугун осмон тагига елкани тираш керак. Ҳаёл ассоциацияси унинг елкасига осмонни қўяди, лирик қаҳрамон елкаси қисирлаганини эшитади. Аммо саниб, мажақланиб кетмайди. Чунки ернинг тагидаги аждодлари унинг оёқлари тагига кафтларини қўйиб тиргак бўлишади.

Табиат предметларини ўхшашини топиш (аналогия) орқали билиш истаги баъзан шоирни бош мақсаддан чалғитади. «Чинор суврати» шеърда чинор нималарга ўхшаши бирма-бир саналади. «Балки бу азамат чинор

эмасдир, бирор алпнинг дайдиб юрган руҳидир, ё бирор жаҳонгир, юрт таловчисининг унутиб қолдирган мудҳиш туғидир. Ва ёки бу чинор бирор валининг ерга санчиб кетган маёғимикан? Булутлар устида дам олаётган баҳайбат девнинг бир оёғимикан?» Муаллиф тахмин-мулоҳазаларини ўртага ташлаб, очиқ қолдиради-да, қисқа хулоса — булар ҳаммаси катта тақдирнинг ижоди эканини англаш билан чекланади. «Катта йўл бошида ўсмаса чинор» шундай тарихни кўрармиди деб, ҳаёт чорраҳасида бўлган, иссиғу совуқ, яхшию ёмон — ҳаммасини кўрганларни улуғлайди.

Шавкат Раҳмон нарсасоҳдисаларнинг оддийлигига шубҳаланади, улардан қаҳрамонлик, баҳодирона тақдир белгиларини излайди. «Борганимда ҳар сафар Ушга...» деб бошланадиган шеърда кичик тоғларнинг нега ўсмай қолгани, Тиёншонга тенг бўлолмагани ҳақида ўйлайди. Бу паст тоғлар унинг учун: «улуғвор ернинг қотиб қолган кўҳна нафрати», балки «ё ҳаётни баланд кўтариб, чўккан буюк тоғларнинг боши» бўлиб туюлади.

Тўпلامдаги шеърларни умумлаштириб, шоирни замин ва замон тақдир кўпроқ, ўйлантиради, дейиш мумкин. Унинг ҳар бир шеърда шу муаммо аломатларини кўраемиз. Замон савол қўяди, шоир уларга жавоб излайди. «Ғўза» шеъри шу жиҳатдан диққатга сазовор. У ғўзани «пакана дарахт» деб атайди. Унинг бўйи пастлигига ачинади. Улкан дарахтга айланишни ундан илтижо қилиб сўрайди.

**Ғўза,
улкан дарахтга айлан,
Осмон қадар юксалгин**

**ердан,
Уйнаб пишиқ шоҳларингдан
паға-паға булутлар терсак.**

Бу мисраларда майда чаноқлардан граммлаб мо-

чиқ йиққан ўзбек халқининг гўзал фантазияси акс этган.

«Очиқ кунлар»да энг кўп тасвирланган образлардан бири — йўл. Инсон тақдир — йўл, инсоният тарихи — йўл, йил, фасллар — табиат йўли. Дарахтлар одамларга ўхшаб юради — фаслдан-фаслга ўтади, кийимини ўзгартиради («Ўжар дарахт»). Миноралар ўтмишдан бугунга йўл босиб келишган («Бу-хорода»). Дарё — йўл, сув — йўловчи. Хуллас, бутун ер юзи — йўл, барча тирик зот — йўловчи.

Инсон — табиатдан жамият сари келаётган йўловчи. Йўловчи — умумлашма фалсафий образ.

Шавкат танқидий тафаккурга мойил. Шу боис у ҳаётдаги, одамлар орасидаги иллатларни қаламга олади. Тўпلامда ёмонлик кучларининг бир қатор аянч қиёфаси яратилади. Булар — душманлик қиладиган дўстлар (кўпроқ учрайди), буқаламун, темир одам, мансабпараст, диёнатсиз одам, таъмаргир шоир. Бу одамлар номсиз бўлиб, шоир уларни иллатнинг номи билан атайд: ҳаммаси — ёмонлик кучлари.

Ҳозирги ўзбек поэзиясида кўрашчанлик, граждонлик мотивлари кучайиб бормоқда. «Гуллаетган тош» тўпلامي шу жиҳатдан ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Давр муаммоларини ифодаларкан, Ш. Раҳмон хилма-хил материаллардан фавқулодда образлар ҳосил қилади, жониворлар, предметларни рамзга айлантиради. Бунда у ўзига таниш сўқмоқ — табиатни ўқиш йўлидан боради.

Тўпلامдаги кўпгина шеърлар Шавкатнинг чуқур ижтимоий шоир эканлигидан дарак беради. «Гуллаетган тош»да яққол кўринган яна бир хусусият шуки, муаллифнинг бутун ўй-хаёллари Ватан ичида муқим яшайди. У хаёлан хорижга «саёҳатлар» қилавермайди. Фақат Испания бундан мустасно. Шавкат Испанияни севади — буюк шоирлари — Гарсиа Лорка, Хименес учун, эркарвар жасур халқи учун. Бироқ бу машҳур мамлакат ҳақидаги ҳар қандай мақтов ва танқидда ҳам ўз юртига дахлдор истакларни англаш мумкин. Испан халқида эски йилда учраган ёмон башараларнинг сувратини чизиб, янги йил кунини ёндириб юбориш одати бор. Шоир шуни тасвирлар экан: «Бир ҳавасим келди, қани ҳаммада бўлсайди, шу халқнинг руҳий қуввати, биз ҳам майдонларда куйдирсак ҳар йил ёмон иллатларнинг хунук сувратин» деб ёзади.

Шавкатнинг фикрлаш тарзида ҳам ўзига хослик бор. У аниқ предмет, ҳодиса тасвиридан умумлаша сари бо-

ради. «Қарсак нима ўзи?» деб бошланади бир шеър. Оддий чапаквозликдан бошланган гап нутқдаги фирромлик, ёлғон шеър, ўлка тақдирини каби катта муаммоларга ўсиб чиқади.

«Ўзбеклар азалдан меҳмончи элдир...» — бу аниқ маълум фикр «Меҳмондўстлик ҳақида билганларим...» шеърининг илк мисраси. Шоир халқнинг кўп хислатларидан бири бўлган шу одатнинг халқ, ватан тақдирини ўлка ролини тасвирлайди, айрим чет эллик ғаламис меҳмонларнинг тузлиққа туфуришини қаттиқ қоралайди.

Ватан мавзуи Шавкат Раҳмон шеърларида ҳам етакчи ўринда туради. «Гуллаетган тош»нинг тасвир объекти — бугунги Ўзбекистон, бош қахрамони — халқи. Жуда кўп рамзий образларда ҳам халқ тимсолини кўрамай.

Шавкат Раҳмон Шарқ ва Ғарб поэзиясининг ёрқин қирраларини уйғунлаштириш асосида ижод этгани ижодкорлардан. Шеърларини адабий жамоатчилик илиқ кутиб олаётган экан, бу муаллифнинг тўри изланиш йўлидан бораётганидан дарак беради.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,
филология фанлари
кандидати

МАҒЗИ ТҶҶ ШЕЪРЛАР

Каламушвой, каламуш,
Саводинг сал чаламиш.
Ёз десалар «темир» деб,
Сен ёзибсан «кемир» деб.

Анвар Обиджон. Кетмагил. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1985: «Безгакшамол». «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти, Тошкент — 1985»

Ҳозир болалар орасида Анвар Обиджоннинг номини эшитмаган китобхон кам бўлса керак. Эслаб кўринг-а, унинг мана бу жажжи шеърини сиз ҳам ўқигандирсиз:

Қисқа, аммо мазмундор бу шеърдан болалар ҳам, катталар ҳам тегишлича маъно чиқариб оладилар. Шоир каламуш устидан (аниқроғи, каламушсифат кишилар устидан) самимий кулаётгандек кўринади. Шоир чала-савод ўқувчиларни қоралаётгани сезилиб турибди. Маълумки, каламушнинг кемиришдан бошқа дарди йўқ, ўзгача яшай олмайди ҳам. Шеърга жиддийроқ ёндашсак, муаллиф каламушдай ўжар, ҳар қандай ишни ўз фойдаси йўлига буриб юборадиган кишиларни қаттиқ танқид қиладиганини англаб етамиз. Анвар Обиджон оддий бир жонивор табиатидан инсон фаолиятига сабоқ бўладиган белги топган ва ундан ёшлардаги айрим иллатларни танқид қилиш учун усталик билан фойдаланган.

Шоирнинг «Кетмагил» деб номланган янги тўпламида ана шундай маъзи тўқ шеърлар кўп.

Болалар шоирининг масъулияти бошқа ижодкорларникидан катта. У борлиқни ҳам болалар, ҳам катталар нигоҳи билан кузатади. Шу жиҳатдан «Бологина» шеърини кўздан кечирайлик. Унда болалигини асло тарк этолмаган комил инсон кечинмалари куйланади. Маълумки, улғайганимиз сари турмуш тўғрисидаги тушунчаларимиз ўзгариб, ҳаёт айнан китобдагидай эмаслигини пайқай борамиз. Гоҳо, беихтиёр, болалиқдаги тасаввурларимизга хиёнат қиламиз, ёлғон тапиришга мажбур бўламиз, нафратимизни яшириб, бўғилиб яшаймиз, кимнингдир башарасига ҳақиқатни дўнгал айта олмаймиз... Шу абгор аҳволимизга болалиқ назари билан қарасак, уятдан терга ғарқ бўламиз:

Узлимдан пастдалигимда
Гоҳ кимгадир сўйлайман ёлғон.
Яшамокча усталимдан
Болалигим ҳайрон ва ҳайрон.

Ҳаётда баъзан пасткашлик, беорлик, бевафоликларни кўриб, дийдамиз қотиб кетади. Уларга парво ҳам қилмай кўямиз. Болалигимиз эса фарёд чекади — вафо-садоқат, олижаноблик ҳақидаги илк тушунчалар чилчил бўлади:

Бу кеч менга жилмайган барно
Эрта ўзга ёрга тутса лаб,
Мен эҳтимол куйинмам,
Аммо —
Болалигим йиғлайди хўнграб.

Шеърнинг лирик қаҳрамони — диёнатли замондошимиз. Болалиги у билан ҳамшиша ҳамроҳ: хатти-ҳаранатларини муттасил кузатади, баҳолайди, тергайди, тўғри йўлга чорлайди. Бу образ — виждон тимсоли. Виждонли одамларда покиза, самимий туйғу ва тушунчалар умрбод сақланиб қолади. Мазкур шеър китобхон маънавиятини юксалтиради. Усмирларни эса ҳаёт зиддиятларидан огохлантиради. Турмуш ҳақидаги илк беғубор тасаввурлардан кечмасликка, тўғри йўлдан тоймасликка чақиради.

Анвар Обиджоннинг китобида «Уччаноқлар» деб номланган туркум ҳам бор. Унда икки юзга яқин уч мисрали шеър ўрин олган. Маълумки, бир қанча истеъдодли шоирлар миллий шеърятимиз ва қардош халқлар поэзиясидаги анъаналарни ривожлантириш билан бирга, чет эл адабиёти бойлиқларини ҳам ўзлаштираётирлар. Учликлар япон шеъриятига мансуб мустақил жанр ҳисобланади. Унинг хосияти шундаки, шоир уч сатрда ё чиройли бир манзара яратиши, ё лаҳзалик лирик кечинмани тасвирлаши ёки теран фалсафий фикрларни ифодалашни лозим. Анвар Обиджон учликларига ҳаётини кузатишлари, мушоҳадаларини сингдиришга ҳаракат қилади. У табиатан мўъжаз шеърлар шайдоси бўлгани учун доим ихчамликка интилади. Бу фазилат унинг мисраларига аниқлик, табиийлик, равонлик бағишлайди. Шоир уч сатрдаёқ тақаббур амалдор қиёфасини ярата олди:

Кўндир амалнинг тури,
Амалдорнинг энг зўри
Фақат алик олади.

Анвар Обиджон истеъдодига хос қирраларидан бири унинг ҳажвий асарларида ёрқин намоён бўлади. «Кетмагил» китобида табиий юмор билан сўғорилган асарлар кўп. Мана, улардан бири:

Навойига ўхшаш-чун
Патдан қалам йўндирдим.
Чопон кийдим сал узун,
Бошга салла қўндирдим.
Сотиб олдим бир жуфт шам,
Вазирбон пар ёстиқча...
Энди фақат талант кам
Ва... хотиним ортиқча.

Бу мўъжаз шеърнинг қудрати шундаки, у китобхонларни кулдиришдан ташқари талантсиз қаламкашларни жиндай «куйдирди» ҳам...

Шоирнинг «Муштум кутубхонаси» сериясида нашр этилган тўплами бутунлай ҳажвий асарлардан иборат.

Ундаги шеърлар қўвноқ юмор ва ўткир танқид руҳи билан йўғрилган. Адабий жараёндаги ҳар бир янгилик маълум сабаб билан юзга келади. Ҳажвий шеърларнинг ҳозирги шакли жиддий ва бир қадар расмий тус олганки, унда турмушдаги катта-кичик камчиликларни бор қўлами билан ифодалаш мушкул. Бундан ташқари, ҳажвий шеърларда муайян даражада оммадан ўзоқлашиш сезила бошлади. Анвар Обиджон адабий жараёндаги ана шу ҳодисани тез илғаб олиб, юморнинг кулгисевар оддий кишилар табиатига мос, таъсирчан шаклини излаб топди.

Шоир классик лирикасидаги ғазал, рубоий, мухаммас, мустазод, фард каби жанрларни танлади. Бир оз қадим туркий тилга монанд, жиндай тўпори — хуллас, ҳар бир нуқтаси кулги қўзғайдиган ўзига хос ҳажвий тил ва услуб яратди.

Шоир ўз ҳажвиётига табиийлик бахш этиш учун янги адабий қаҳрамон — Уста Гулмат образини йўлаб топди. Ижодкор бу образга шу қадар жоэмба бағишлай олдики, устоз Саид Аҳмад айтганидек, «газалларнинг ҳар бир бандидан, сўзларидан, вазидан, ҳатто қофияларидан ҳам Уста Гулматнинг сўврати кўриниб турганга ўхшайди». «Безгакшамол»ни ўқиган китобхон ўзига ҳамдам, ҳамқадам, хушчақчақ дўст топиб олади. Ҳаётдаги ҳодисаларни Уста Гулматнинг ўткир нигоҳи билан кузатаётганини сезмай қолади.

Шоир ана шу тўқима қаҳрамон тили билан айрим кишиларда учраб турадиган молпарастлик, ичкиликбозлик, маънавий тубанлик ва ахлоқсизлик каби иллатларни қаттиқ қоралайди. Масалан, муаллиф риндона ҳикматларини пеш қилиб, ичкиликка бино қўйган кимсаларнинг қиёфасини ўзига хос поэтик карикатурага айлантиради:

Машоихлар демшишлари: «Шароб келса,
кетур қайғу...»
Ич-е, Гулмат, оғиз карнай, қерин
чирманда бўлғунчо.

Баъзи кишилардаги қитмирлик, очкўзлик каби қусурлар ўткир образли мисраларда фош этилади:

Дилинг тортса, балодан ҳам бенасиб
қолмагон яхши...
Бировдин олғонинг мақбул,
Бировга бермогон яхши.

Бундай сатирик шеърлар катта тарбиявий қимматга эга. Улар инсонни ўзлигини англашга, ҳушёрликка чақиради.

Мана бу шеър адабий танқидчиликнинг назмбозликка, ўртамиёначиликка қарши бошлаган аёвсиз курашига ҳамоҳанг янграйди:

Бу нечук шоир деманг,
асли ман носоғроқ,
Езғоним шаклан ғазал,
лек ўзи бармоғроқ.
Ҳар қалай, шеъримда бор
маънию оз-моз фикр,
Кўп ахир аҳли қалам
мандинам маймоғроқ...

Бу ғазал истеъдодсизлигини билатуриб, «сабот билан» қалам тебратаётган «ашъор-навис»ларнинг аянч иқрорномасидай туюлади. «Безгакшамол»даги бундай асарлар шоирнинг ижодкор сифатидаги эстетик принципларини истеъдодсизликка қарши жанговар позициясини ифодалайди.

Аё шоир, ёзувни бас
қилмағонингга қарсақлар,
Даҳолардин ўзингни паст
билмағонингга қарсақлар...

Самд Аҳмад таъбири билан айтганда, бундай сатира қамчиси остида озурдажон яшагандан кўра, «китобхон юрагига ҳарорат беролмайдиган ижодкорлар эслари борида этакларини йиғиштириб, бошқа тирикчилик пайига тушганлари маъқул».

Уста Гулматнинг «бозордин ғоз олғони, ажиб ҳангомалар кўргони, бир жувон ишқиди ғоздин айрилғони» ҳақидаги саргузаштлар тасвирланган мухаммас «Безгакшамол» девонидаги шоҳ асар деса бўлади. Унда шоир Тошкент эскишаҳар бозорининг мукамал юмористик манзарасини чизган. Уни ҳеч бир китобхон лоқайдлик билан ўқий олмаса керак, чунки кулги ва танқид салмоғи сатрдан сатрга, банддан бандга кучайиб боради. Вазн оҳанги шеър руҳига мос — шўх, ўйноқ, у китобхон завқига завқ қўшади.

Уста Гулмат тилидан айтилган ғазалларда ўтмиш манзаралари чизилса-да, улар шоирнинг маҳорати туфайли чуқур замонавий руҳ касб этган. Бу образнинг қиммати ва ҳаётчилиги ана шу фазилати билан белгиланади. Шоирнинг ҳар икки китобидаги фазилатларни таъкидлаш баробарида, уларда айрим саёз асарлар ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш керак. Мана бу шеърни ўқиб кўринг:

Шамол хомуш еляпти,
Ла-ла-лай...
Қўшиқ айтгим келяпти,
Ла-ла-лай...
Мен куйлайман нечун гоҳ!
Ла-ла-лай...
Йиғламаслик учун... оҳ!
Ла-ла-лай...

Балки бу сатрлар шеърятнинг шаклий мезонлари талабига жавоб берар. Бироқ у том маънодаги поэзия намунаси бўла олмайди.

Шамол гувлайверади,
кушлар сайрайверади,
дарёлар шовуллайверади.
Балиқ эса,
ҳеч қачон гапирмайди.
Мен балиқ эмасман.

Бу шеър поэтик жозиба, теран бадий мазмун, ифода аниқлигидан маҳрум бўлиб қолган.

Анвар Обиджоннинг «Кетмагил» китобида ўқувчини ҳаяжонга соладиган шеърлар талай. «Безгакшамол» ҳам шеърят мухлислари кўнглини хушнуд этувчи, уларда юморни ҳис қилиш туйғусини тарбияловчи, ҳушёрлик ва фаолликка чақирувчи фойдали китоб. Шоирнинг ҳаётдаги негатив ҳодисаларни танқид қилишдан муддаоси эзгуликка йўл очишдир. Унинг яхши одамларни тангри каби улуғлаши ҳам шундан. Ҳақиқатан, эзгуликни кўзлаб, яхшиларга сиғиниб яшаса арзийди.

Нусратулла ЖУМАЕВ,
филология фанлари кандидати



Қорақалпоқ фольклорининг қахрамони, машҳур кулги устаси Умирбек лаққи ёзувчи Борис Приваловнинг диққатини кўп маротаба ўзига жалб қилган. У халқ орасида юрган Умирбекка дахлдор ўнлаб латифаларни

қайта ишлаб, бадий жило берган. Лаққининг дин ва дин ҳомийларига муносабатини ифодаловчи ҳангомаларнинг бирини журналхонлар диққатига ҳавола қиламиз.

Борис Привалов

УМИРБЕК ЛАҚҚИ АВЛИЁ БЎЛИШИГА САЛ ҚОЛДИ

Умирбек ўз умри давомида не-не масхарабозчиликларни ўйлаб топмаган дейсиз. Ҳатто бир пайт унинг ўзи авлиё бўлиб кетишига сал қолди-ю, хайрият, ўз вақтида бошини қутқара олди...

Ушанда хон Умирбекдан сўради:

— Сен қандай фикрдасан, авлиёлар устун турадимми ёки уларга бўлган эътиқодми?

— О доно шоҳ,— деди таъзим қилиб Умирбек,— албатта эътиқод устун.

— Ахир авлиёлар бўлмаса, эътиқод қайдан келарди? — хайратланди хон.— Бу гал сен янглишдинг, Умирбек!

— Йўқ, адолатли шоҳ, биз ўз-ўзимизча авлиё-пайғамбарларни ўйлаб топамиз-да, уларга сиғинамиз, бора-бора эса уларни ўзимиз яратганлигимизни унутиб қўямиз.

— Ҳамма авлиё ва пайғамбарлар уйдирма, демоқчимисан? — дахшатга тушди хон.

— Уларни эътиқодимиз яратган, холос,— аниқлик киритди Умирбек.— Уларнинг отаси ҳам, онаси ҳам — шу эътиқод.

Хон тақлифи билан Қўқон, Бухоро, Самарқанддан келган олимлар бу суҳбатда иштирок қилишарди. Шулар туфайлигина Умирбекнинг жони омон қолди — бошқа пайт бўлганда-ку, хон бунақанги эътирозга чидаб туролмас, «Бу аҳмоқ каллани танасидан жудо қилинглари!» дея дарҳол ўзининг севимли фармонини берган бўларди.

Олиму уламолар олдида илм-фан ҳомийси бўлиб кўрингиси келган хон ҳатто Умирбекнинг барча эътирозларини кулиб эшитди.

— Сен бу сўзларингни исбот қила оласанми? — сўради хон.— Йўқса...

— Уёғини айтмасангиз ҳам тушундим,— таъзим қилди Умирбек.— Тушундим... Муҳтарам меҳмонларимиз, илм-фан ва заковат намояндалари шаҳримизда яна бир ой яшайдилар. Шу мuddат ичида мен ўзимнинг ҳақлигимни исбот қиламан. Бунинг харжи учун сиз мендан юз тиллани аямасангиз бўлди!

Хоннинг ҳотамтойлиги тутиб бош ирғади, хазиначи тангалар тўла халтачани шу заҳотиёқ Умирбекка узатди.

...Эртасига Умирбек ўзининг йиртиқ этигини елкасига ташлади-да, саройдан чиқиб кетди.

Овлоқ бир жойга етгач, «Бу этик чимбойли Умирбекники» деган ёзувни кўнжигга тиккида, уларни кумга кўмди. Ҳосил бўлган тепачанинг устига учта тош ҳам ўрнатди. Шундай қилиб, ажабтовур мазор пайдо бўлди...

Бозорда Умирбекнинг танишлари уни мункиллаб қолган бир мулла билан таништиришди. Мулла бечора кўпдан бери очин-тўқин ҳаёт кечирар, ҳар қандай юмуш бўлмасин, бажаришга тайёр эди.

— Қартайиб, ҳеш кимга керагим бўмай қолди, ш-широғим,— дея «ш-ш»лаб зорланди у.— Бутун умримни шарфлаб, уш шойда машит курдирган эдим, энди бўша қувватдан қолиб, қотган-кутган нонларни шувга ботириб еб юрибман.

— Агар мен айтган жойда тўртинчисини курсанг, катта даромад топасан,— деди унга Умирбек.— Фақат менинг айтганларимни бажарасан, келишдикми?

— Қилган дуоларим ижобат бўлиб, худо сени юборибди ёнимга! — ийглаб юборди мулла. Пул топса бас, у кимни бўлмасин дуо қилишга тайёр эди.

Умирбек уни этиклар кўмилган «қабр»га бошлаб келди.

— Сен шу қабрга сиғини, номоз ўқиб, келганларнинг хайру садақаларини қабул қиласан,— деди Умирбек.— Худди шу ерда авлиё Диншоҳ мақбарасини қурасан. Ким бўлган, дейсанми? Нафаси ўткир вали эди у! Қабри теварагида тилла тангалар ўсиб чиқади. Лекин бу тангалар Диншоҳга қаттиқ эътиқод қўйиб, унинг мазори тепасида камида ўн кун тиловат қилган одамнинг кўзларигагина кўринади... Тушундингми, ҳазратим?

— Тушундим, тушундим,— қалтираб қолди серсоқол мулла.— Лекин тангалар қаердан ўсади, кумдан шикмас ахир?

Умирбек танга тўла халтачани мулланинг кулоқлари остида силкитди.

— Вой, менга авлиё Диншоҳнинг муқаддас қадам товушлари эшитилмоқда! — жазавага тушди мулла.— Тилла жаранглар экан, мен ҳар қандай мўъжизанинг рўй беришига ишонаман! Бу тангаларни ким кумга тикиб қўяди, шизми, эй муҳтарам зот, ё мен бандан

фақирми? — Мулланинг кўзлари маккорона ялтирай бошлади.

— Мўъжиза кўрсатиш — бу менинг ишим. Сенинг ишинг эса — тоату ибодат. Мана бу икки танга — очингдан ўлиб қолмаслигинг учун. Кетиб қолишни хаёлингга келтира кўрма. Агар айтганларимнинг ҳаммасини бажо қилиб турсанг, бир ойдан кейин яна эллик танга оласан!

— Бажо, бажо, бажо! — Мулла ўзини кумга отиб, таъзим қила-қила қолди.

Эртасига Умирбек авлиё Диншоҳни «душманлар қийнаб-азоблаб ўлдирганлигидан» хабар топди. Маълум бўлишча, авлиё Диншоҳ эътиқоддан қайтгандан кўра, жондан кечишни шараф деб билган экан. Шунда олло-таолонинг иродаси ила мўъжиза рўй бериди: авлиё Диншоҳнинг чакиллаб томган қонлари кумга тушган заҳоти тилла тангаларга айланибди! Ана шундан бери ҳар йили авлиё Диншоҳ ўлган ойда унинг мозори атрофида тилла тангалар пайдо бўлармиш...

Бир ҳафта ўтар-ўтмас, кекса мулла сифиниб келувчиларнинг кўплигидан уларнинг хайру ниёзини бир ўзи қабул қилолмай қолди ва ўзига икки йигитни хизматга ёллади.

Улар ўзлари учун чайла ясаб олдилар, ғишт терувчилар эса қабрнинг тепасига макбара тиклашга киришдилар. Икки ҳафта ўтиб, макбара бўй тиклаган, динпарасту художўйлар тўда-тўда бўлиб, кумни тиккилаб ётишарди. Баъзан эса, (Умирбек кечалари сайр қилиб келиб қолса) эрталаб танга топиб олганларнинг қувонганларини айтмайсизми? Шовқин-сурон, ур-тўполон! Шу заҳотиёқ бир одамнинг бир танга топиб олгани эмас, юзта одамнинг ҳар кунни юзлаб тангалар топиб олаётганлиги ҳақидаги узун-қулоқ гаплар теварак-атрофга шамолдай тарқалиб кетарди.

Шундай қилиб, авлиё Диншоҳнинг овозаси бутун воҳага таралди.

Сарой ходимларидан бири ҳазрати авлиё Диншоҳ мозорига бориб келди-ю, ҳаяжондан нафаси тикилиб, у ердаги рўй бераётган мўъжизаларни оғиз кўпиртириб айтиб берди.

Ниҳоят, хон ҳазратлари мозорни шахсан бориб кўриш истагини билдирди. Хонга қўшилиб бутун сарой йўлга тушди. Улар орасида Умирбек ҳам бор, шоҳ билан бўлган ўша мунозарага бугун бир ой тўлиши унинг ёдида эди.

Самарқандлик, бухоролик, қўқонлик олимлар хайрон: бу Диншоҳ дегани қаердан пайдо бўлди ўзи? Ахир бирон-бир китобда бунақанги авлиёнинг номи тилга олинмаган бўлса...

Макбара атрофида оломон бозордагидай қайнаб ётар, одамнинг кўплигидан олма ташласангиз ерга тушмасди. Қари мулла ўзи бош бўлиб, маҳитнинг қурилишини тезлаштириб юборганди.

Хон ҳам, сарой аъёнлари ҳам, уларнинг изидан олим-уламолару фақир-фуқаролар бари мазор олдида тиз чўкдилар, фақат биргина Умирбек тик тураверди.

— Сен нега тиз чўкмаяпсан? — сўради хон.

— О, амирул муслимин, агар мен ҳам ҳозир тиз чўксам, мунозарада енгиб чиққанлигимни тан олишингизга тўғри келади, — деди Умирбек. — Эътиқод барча авлиёлардан улғудир.

Хон ғазабга минди:

— Хўш, буни қандоқ исботламоқчисан? Мана қара, қанчадан-қанча одамлар авлиё олдида тиз чўкиб, бош эгиб турибди! Сен бетавфиқ эса ҳанузгача қайсарлик қиласан. Авлиё Диншоҳ қанчадан-қанча кароматлар вожиб қилган зот! Сен билан баҳслашган кундан бери бир ой ўтди. Мен ҳозир жаллодни чакираман-да, шу жойнинг ўзида бошингни танангдан жудо қилдириб ўзингни авлиё Умирбек деб эълон этман! Сен шу авлиё Диншоҳ билан ёнма-ён ётасан. Бунчалик иззат-хурматга сазовор бўлиш тушингга ҳам кирмагандир?!

— У дунёга авлиё бўлиб кетганимдан кўра, бу дунёда қашшоқ бўлиб яшайверганим афзал, — деб жавоб қайтарди Умирбек.

— Ундан бўлса, ўзингнинг ҳақлигингни исботла, қани тезроқ! — буйруқ берди хон. — Имилласанг — ўзингдан кўр!

— Авлиё Диншоҳ, — деди Умирбек тиз чўка туриб. — Қасам ичиб айтаманки, агар бугун тирик қоладиган бўлсам, саройни тарк этиб, ўзимнинг овулимга қайтаман!

— Ҳо-ҳо-ҳо, мана энди авлиё Диншоҳнинг қудратига ишондингми? — қаҳ-қаҳ урди хон. — Бу қилган тазарруларинг барибир жонингни сақлаб қололмайди. Жаллод!

Жаллод шу лаҳзада ҳозир нозир бўлди — анчадан бери унинг Умирбек билан қиладиган ҳисоб-китоблари йиғилиб қолган, бу узун тилли каллани танадан жудо қиладиган кунни жаллод интизорлик ила кутиб юрган эди.

— Менинг жонимни олиш қочмас, амирул муслимин, — босиқлик билан жавоб берди Умирбек ва ўрнидан турди. — Ҳозир эса менинг ҳақ эканлигимга исботимни кўринглар...

Шундан сўнг у мулладан Авлиё Диншоҳ мазорини очишни сўради.

Сарой аҳли норозилик билдирди. Лекин бўлажак қатл томошасидан лаззатлана бошлаган хоннинг кайфияти хуш эди, у кўлини силтади — очилсин!

Қари мулла хоннинг олдига бир жуфт йиртиқ этик келтириб қўйганда ҳамманинг оғзи очилиб қолди.

— У шойда... мошор ишида... бошқа ҳеш нарса йўқ, олампаҳоқ! — минғиллади мулла.

— Бу менинг этигим, — деди Умирбек. — Ичида буни исботлайдиган хат ҳам бор. Авлиё Диншоҳнинг бор-йўғи — шу. Бир ой бурун этикларимни шу ерга кўмиб, мана бу қарияни номоз ўқиш учун ёлладим. Қолганини эса... Нимасини айтмай, сифинмоқчи бўлган одам тўғри келган нарсага, ҳатто йиртиқ этикли «Диншоҳга» ҳам ишониб сифинавериши мумкин! Мана, этик олдида улуғ олимлар, ҳаттоки... шоҳлар ҳам тиз чўкди-ку! Шундай қилиб, авлиёни тўғри келган нарсадан ясайвериш мумкин экан.

— Майли, одамлар менга сифинмаса — сифинмас, лекин улар мендан кўрқадилар, менга бўйсинадилар, шунинг ўзи етарли... Қонингдан кечдим, Умирбек! Овулингга бор-у, умрингни ўтказавер, — деди хон хўмрайиб.

Аламиндан чиқолмай қолган жаллод хўрсиниб ўзини четга олди.

Умирбек эса шу заҳоти оломон орасига кириб кўздан йўқолди...

Русчадан таржима

Мундарижа

ЮРАК ИЛҲОМЛАРИ СЕНГА ИНҚИЛОБ!

Миртемир. Сени улуглайман	3
Музаффар Аҳмедов. Октябрь	4

ДРАМАТУРГИЯ

Ҳамид Фулом. Бир миллион мажороси. Уч пардали драма	6
---	---

ШЕЪРИЯТ

Муҳаммад Али. Инқилоб. Достон	24
Раззоқ Абдурашид. Шу осмон тинч бўлса, тиниқ бўлса бас.	115

МУШОИРА

Интиқ юракларга бергум сўзимни Қамчибек Кенжа, Талъат Солиев, Турсун Али, Анора Пардабоева Яҳё Тоғаев, Эргаш Ендош, Қамбар Утаев, Хосият Бобомуродова, Раҳим Бекниёз, Исо Абдурахмон	127
---	-----

НАСР

Жонрид Абдуллахонов. Хонадон. Роман.	45
Сотволди Ражабов. Умрнинг бир куни. Ҳикоялар	119

ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Ли Синь. Телба хаёллар	137
----------------------------------	-----

БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Сафо Очил. Бургут. Эртақ	143
Меҳрибон Қобулова, Ҳабиб Раҳмат, Николай Красильников, Раим Фарҳодий, Бахшилла Ражабов, Ҳамидулла Муратов шеърлари	147

САНЪАТ

Маматқул Ҳазратқулов. Саҳна — унинг ҳаёти	153
---	-----

ОКТАБР—70

Ҳабибулла Олимжонов. Умр чорраҳалари	160
--	-----

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АНКЕТАСИ

Дилдаги гаплар. Евгений Березиков, Фарҳод Мусажонов	168
---	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

Бош мезон — ҳақиқат. Давра суҳбати	
Асқад Мухтор. Узгаришлар даври келди	172
Одил Ёқубов. Ҳақиқат мезонлари	174
Ҳафиз Абдусаматов. Замон руҳи	175
Умарали Норматов. Давр туйғуси	176
Нуриддин Шукuroв. Нозик ва сержило қирралар	182
Собир Мирвалиев. Маҳорат мезони	183
Салоҳиддин Мамажонов. Фаол граждaн бўлиш зарур	185
Пирмат Шермуҳамедов. Юксак бурч	187
Норбой Худойбергaнов. Ҳам оддий, ҳам мураккаб	189
Пўлат Мўмин. Болани алдайвермайлик	192
Наим Каримов. Жиддий бурилишлар даври	193
Саъдулла Мирзаев. Бадий ҳақиқат талаби	196
Абдуғафур Расулов. Мақсад — бадий бойликлaрни кашф этиш	197

ИИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Илёс Низомиддинов. Манбанинг боқий умри	199
---	-----

ТАҚРИЗЛАР

Нурмуҳаммад Холлиев. Рамзлар туғени	201
Нусратулла Жумаев. Мағзи тўқ шеърлар	202

ГУЛҚАЙЧИ

Борис Привалов. Умирбек лаққи авлиё бўлишига сал қолди	205
--	-----

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

{Звезда Востока}
№ 11

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1986

Рассом Х. Лутфуллаев. Техник редактор М. Аҳмедов. Корректор А. Ҳайдаров.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 26.08.86 й. Босишга руҳсат этилди 15.10.86 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-09059. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 165334. Заказ 4644.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент—П. Ленин проспекти 41.